

ГЕОРГИЙ МАКСИМОВ




САРКАРДА

РОМАН

Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1980

Эркин Азимов ва Соат Мусаев
таржимаси



Максимов Георгий.

Саркарда: Роман /Э. Азимов ва С. Мусаев таржимаси.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.—424б.

Г. Максимовнинг «Саркарда» романи Михаил Васильевич Фрунзегга бағишланган. Романда атоқли саркарданинг Колчак қўшинларига қарши курашда кўрсатган ҳарбий маҳорати, қизилгвардиячиларнинг қаҳрамонлиги ёрқин бўёқларда чиқиб берилган.

Асарда Фрунзедан ташқари, Куйбишев, Фурманов, Чапаев, Тухачевский, Каменев ва Совет давлати тарихида машҳур бўлган бир қатор партия ва ҳарбий раҳбарларнинг фаолияти кўрсатилган.

Максимов Г. Полководец. Роман

ББК 84Р
Р2

М $\frac{76303-19}{352(04)-80}$ 136—80 3702020100

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 й. (Таржима)

ТОР-МОР ҚИЛИШ ШУНДАЙ БОШЛАНДИ...

Жимжит кеча. Қалин қор қадимий рус шаҳри кўчалари ва майдонларини қоплади, уйларнинг занглаган, анча вақтдан буён ремонт қилинмаган томларини, кўп сонли черков ва соборларнинг гумбазлари зийларини бекитди, Кремль девори кунгураларини ўраб олди. Қор босилавериб зичлашиб кетганди, агар йўловчиларнинг турли томонга қараб кетган изларидан ҳосил бўлган сўқмоқлар бўлмаганда, шаҳарда жон зоти йўқ, деб ўйлаш мумкин эди.

Кремль девори орқасида, собиқ сенат биносининг учинчи қаватидаги иккита дераза хира ёришиб турарди. Оддий, аммо жуда қулай мебеллик хонада Ленин стол устига энгашиб, блокнотга тез-тез нималарнидир ёзарди.

Кабинет остонасида эски, лекин у ер-бу ери бежирим тўрлаб ямалган кўйлак кийган, сочини силлиқ тараган кекса аёл пайдо бўлди.

— Уртоқ Стасова телефон қияпти,— деди у оҳиста.

Владимир Ильич телефон трубкасини олди:

— Салом, Елена Дмитриевна. Ҳа, биз ҳали кўришганимизча йўқ. Нечун ухламаяпсиз? Хўш, хўш... Фрунзе? Ҳа-а... Арсений! Эсимда, эсимда, ўша Стокгольмдаги съезддан буён биладан... Ҳа, биз Мудофаа кенгашида уни Тўртинчи армия қўмондонлигига тавсия этдик... Нима, нима? Республика Революцион ҳарбий кенгаши Тўртинчи армияга собиқ генерал Новицкийни командарм қилиб, Фрунзени эса Революцион ҳарбий кенгаш аъзоси қилиб тайинлади? Ахир бу биз ўйлаган ишнинг бутунлай тескарисига-ку! Тўртинчи армия асосан маҳаллий партизан отрядларидан тузилган. Қисқаси, ғирт деҳқонча тарқоқ ҳолда... Хўш, Новицкийнинг ўзи бунга қандай қаради? Революцион ҳарбий кенгашга бориб, қаршилик кўрсатдими? Командарм қилиб

Фрунзени тайинланг, деб туриб олдимиз? Вазиятни сизга айтиб беряпман эмиш!— Владимир Ильич кулиб қўйди.— Хўш, Троцкий нима қилди?.. Ҳаммаси мен ҳал қилгандек бўлади, деб айтди? Ҳа, бу ўшанинг ишига ўхшайди... Лекин биласизми, генерал ҳақ. Тўртинчи армияга командарм қилиб яхши ташкилотчи большевикни ва ниҳоят иродали кишини тайинлаш керак. Уша ерлик қайсарни генерал эпллолмайди.— У яна кулиб қўйди:— Йўқ, генерал чакки эмас. Троцкийга қарши чиқди! Довюррак кўринади. Германия фронтида дивизияга қўмондонлик қилган? Довюррак... Тўртинчи армияни биз Туркистонга мўлжаллаганмиз. Уралдаги оқ казакларни тинчйтиши биланоқ уни яърим бачқа ҳарбий қўшилмалар билан бирлаштириш ва мустақил группага ажратиш мўлжалланади. Тезлик билан Туркистонга ёрдам бериш керак. У ерда аҳвол танг: Асхабоддан инглизлар қисиб ксляпти, Фарғонада босмачилар қутуриб кетишди, Бухорода — амир, уларда бўлса на патрон, на снарядлар бор. У-бу нарсаларни қўлда ясашяпти. Ахир бу денгиздан бир томчи-ку... Фрунзе, ўшаёғлик эди шекилли... Ҳатто маҳаллий тилларни ҳам билади? Жуда яхши. Худди шундай одам керак. Таржимонларга қараб ўтирмайди... Масалани Марказий Комитетга қўйинг. Троцкий эътироз билдиради? Ҳечқиси йўқ, Елена Дмитриевна, масалани қўяверинг... Хайрли тун.

Владимир Ильич трубкини аппаратга илиб қўйди. Муштини нягига тираб, бир лаҳза деразага қаради. Юқорида, чап бурчакда вентилятор овоз чиқармай айланарди.

— Чидаб туролмаган генерал,— кулимсираб деди у.— Қойил!— яна ёзишга тушди.

1919 йил ўн саккизинчи январь, кеч соат ўнларга яқин паспорти бўйича Аргентина фуқароси Эдвард Свард, аслида эса инглиз Роберт Сидней кабинетидан қотмадан келган, қора мўйлови ингичка, калта соқоли ёноқлари ва иягини хиёл бекитиб турган ўрта ёшлардаги ўзбек Раҳматбек Хўжаев ўтирарди. Раҳматбек шойи тўн кийган бўлиб, тўни остидан яхши матодан чиройли қилиб тикилган европача костюм кўриниб турарди.

Эдвард Свард яқиндан буён яшаётган уй Тошкентда бўлиб, эски ва янги шаҳар чегарасида, Совет ҳокимияти барпо бўлгунга қадар ўрта тоифа рус чиновниклари туришни яхши кўрадиган кўчалардан бирида эди. Уй орқасидаги боғ Ўрда соҳилигача борарди. Ўрданинг у томонида эски шаҳар — қинғир-қийшиқ, ниҳоятда тор, боши берк кўчалар, деворлар, чанг босган боғлар, суви қуриб қолган ариқлар, кўча тарафлари деразасиз, гўё жонзоти йўқдек сокин уйлар бошланарди. Бу ерда қадимдан ўлканинг туб аҳолиси — ўзбеклар яшарди, татарлар, яҳудийлар ва ҳар хил сабаблар билан бир вақтлар Шарқнинг савдо маркази бўлган бу шаҳарда ўтроқ бўлиб қолганлар кам учрарди. Улар маҳаллий аҳоли билан шу қадар аралашиб кетган эдики, уларнинг авлодларини ерлик аҳолидан ажратиш қийин эди..

Эдвард Свард кабинетининг деразалари янги шаҳарга қараган эди. У томонда кенг, тўғри кўчалар, қайрағоч ва мирзатераклар ўсиб ётган салқин хиёбонлар, магазинлар, казармалар бор эди.

Яқин-яқинларгача бу ерда, генерал-губернаторнинг саройи олдида мунтазам, белгиланган вақтда жуфт соқчилар алмашиб турарди, эпчил фойтунчилар отлари туёғидан учқун сачратиб, шиналари дамланган фойтунларини тош йўлдан учираб боришарди, улар Россиянинг иккала пойтахти извошчиларига

бўш келмай, ҳатто уларни ҳам доғда қолдиришга ҳаракат қилишарди, негаки, бу ер ҳам ўзига яраша пойтахт — Туркистон пойтахти эди-да. Басавлат чиновникларнинг экипажлари эса бирмунча вазминлик билан, обрў сақлаб ўтиб борарди. Чиновникларнинг тиззаларидаги катта, чарм портфеллар бир маромда тебранарди. Россия ва хорижнинг хилма-хил молларини юклаб олган киракаш извошчилар турнақатор бўлиб савдо омборлари ва каппонларнинг кенг дарвозасига кириб келарди. Кечқурунлари эса янги шаҳар кўчалари электр нури билан ёришиб кетар, боғларда музика садолари янграр, театрлар, дворянлар йигиладиган бино олдига кўйлақларининг ёқалари катта очилган хонимлар тушган извошлар бирин-кетин келиб тўхтар эди. Яхши ўргатиб қўйилган хизматкорлар одатдаги тавозе билан илжайиб, меҳмонларни кутиб олишарди.

Энди ўрданинг иккала қирғоғи қоронғи ва жимжит эди. Иккала шаҳар — Темурлангни ҳали ҳам ёдидан чиқармаган кўҳна ва ўлка бўйсундирилгандан сўнг пайдо бўлган янги шаҳар тепасида оғир қора булутдек хавф солиб турган воқеалар нима билан тугашини кутиб ётарди.

Эдвард Свард кабинетида стол устидаги кўк қалпоқли лампамой чироқ сийёҳдони бронза айиқлик қадимий ёзув ашёларини, 1917 йил октябридан варақланмаган кумуш қопламали доимий календарни, сигара қутичасини, «Нива»нинг муқоваланган йиллик комплекларини, анча сийқаланган чуқур чарм креслоларни, қора эман рамкаларга солинган дёвордаги портретларни: қаттиқ тикилиб турган кулоҳли архиерей ва сочига безак таққан эски модалаи қотма аёлни хира ёритиб турарди.

Бу ерда ҳамма нарса кейинги икки йил ичида юз берган даҳшатли воқеалар гўё четлаб ўтгандек кўринарди. Худди эртага эрталаб уй эгаси — саройнинг муҳтарам маслаҳатчиси — эснаб-эснаб, чўқиниб, кабинетга кирадиган, столдаги қоғозларни шойилмай йиғиштириб оладиган, доимий календарни кейинги числога ўзгартириб қўядиган, сўнг ошхонада нонушта қилиб, давлат палатасига йўл оладигандек эди.

Лекин номаълум томонга қочиб кетган сарой маслаҳатчиси столида «аргентиналик фуқаро» — сочи тўкила бошлаган, оқ-сарикдан келган, ўрта бўйдан тикроқ, қўнжи узун этик ва туя жунидан тикилган иссиқ камзул кийиб олган одам ўтирарди. Жиддий архиерейга унинг орқасидан девордаги суратдан ҳарир рўмол бурмалари хиёл пана қилиб турган бир беҳаё гўзал ноз билан жилмайиб турарди, сурат қандайдир безакли журналдан қирқиб олингани аниқ эди.

Эдвард Сварднинг рўпарасида эса чуқур чарм креслода Раҳматбек Хўжаев бепарво ўтирарди.

Меҳмон ҳам, мезбон ҳам кам гапиришар, узоқ жимликдан сира ҳам диққат бўлишмас эди. Эдвард Свард Киплингнинг чиройли шеърлар китобчасининг асл нусхасини варақлаб ўтирарди. Меҳмон киприклари узун кўзларини хиёл қисиб, кулимсираб уй эгасини кузатарди. Ўқтин-ўқтин унинг кўзи хорижий гўзалга тушиб қоларди, аммо юзида хиёл зерикиб, бамайлихотир кутиш ифодасидан бўлак ҳеч нима акс этмасди. Четдан қараганда хонада бир-бирига яхши таниш икки ошна ўтирибди, деб ўйлаш мумкин эди, улар кўп масалаларда шунчалик тил топишган эдики, ҳатто сукут ҳам малол келмасди.

Эдвард Свард соатига қаради.

— Икки минути кам ўн,— деди у ўзича, лоқайдлик билан секингина.

— Бандасининг пешонасига ҳаммаси ёзиб қўйилган,— деди меҳмон ҳам мужмаллик билан.

Свард диққат билан унга қаради. Раҳматбек қоғоғини осилтириб, ўзининг узун нозик бармоқларига разм солди.

Туркистоннинг собиқ ҳарбий комиссари Осипов исёни бошланганига икки соат бўлган эди. Уларнинг иккалови ҳам буни билишар ва воқеа нима билан тугашини кутишар эди, бироқ уларнинг ўй-хаёли бир хилда эмасди.

Осипов исёни Свард учун катта дов тикилган карта бўлса, Раҳматбек учун шунчалик аҳамиятсиз воқеа бўлиб, гўё унга ҳеч қандай дахли йўқдек эди.

У Осипов Туркистон ҳарбий комиссари бўлиб турганда зимдан фитна тайёрлаётганини анча вақтдан буён кузатарди: Осипов ҳарбий зарурат ниқоби остида сабот-матонатли совет батальонлари ва полкларини шаҳардан чиқариб қўйган эди; собиқ офицерлари билан қолаётган эски рус армиясини янги тузумни жинидан баттар ёмон кўрадиган қочоқлар, Октябрь революциясидан сўнг марказий губернялардан бу ёққа қочиб келиб, Колчакми ёки яна бошқа бирон кимсами, ёш Совет республикасини бўғиб ташлашига умид қилиб кутиб ётган ҳар хил қаланғи-қасанғилар билан тўлдирарди. У буни кўриб турар ва Осиповга халақит бермаслик керак, деб ўйлар эди. Бу руслар— келгиндилари ҳам, шу ерликлари ҳам — бир-бирларини обдан ғажиб ташлашсин. Кимки сабр қилиб кутса, ўша одам ютиб чиқади. Шу боисдан ҳам аҳён-аҳёнда юпқа лабларининг бурчакларида маккорона илжайиш ифодаси пайдо бўларди. Аммо Свард буни пайқамасди. У борган сари соатига тез-тез кўз қирини ташларди.

Олисда якка ўқ овози эшитилди. Кейин анча беридан бир неча ўқ овози янгради, сўнгра кимдир дераза ёнидан гурс-гурс қилиб югуриб ўтди.

Эдвард Сварднинг қоши хиёл чимирилди.

Бир лаҳзадан сўнг Урда томондаги яширин йўлак эшигининг қулфи шиқирлади.

— Сэм,— секин чақирди Свард.

Хонага ёш, сочини силлиқ тараган йигит кириб келди. Унинг феъл-атворида вазифаси ноаниқ бўлган махсус хизмат турида ишловчи ва топшириқларни бажарувчи хизматчилар деб аталувчиларниқига ўхшаш бир нима бор эди. Йигит ҳарсиллашини аранг босиб турарди.

— Кечиринг, сэр, кечикиб қолдим...

Свард унга қараб деди:

— Ҳечқиси йўқ, пардани тортинг.

Оғир, пишиқ матодан тикилган парда сал қат-қат бўлиб деразани тўсди.

— Осипов бардош беролмаслигига ишончингиз комилми?— дабудустандан сўради Свард тик қараб.

Худди унинг саволига жавоб қилгандек олисдан, Озодлик уйи томонда ўқ овози янгради, пулемёт тариллади.

Раҳматбек шошилмай отишмага қулоқ соларди.

— Оллонинг марҳамати кўп,— деди у.

Свард норози оҳангда бош чайқади.

Осипов ҳамма нарса олдиндан ўйлаб қўйилган, деб ишонтирганди. Кечқурун у Туркистон ҳукумати аъзоларини бирин-бирин 2-Сибирь ўқчи полки казармасига олиб боради, ўша ерда уларни қамоққа олади ва шу билан Тошкентдаги Совет ҳокимиятига барҳам берилади.

Бу учинчи кун бўлган эди.

Ушанда Осипов шу ерда эди. У яхши таассурот қолдиришни жуда-жуда истарди. У шошилмасдан, босиқлик билан гапирар, аммо қўллари... Ўзига ишонган, иродали одамларнинг қўллари столда ётган гугурт қутисини қидириб, қамма чўнтагига бирма-бир кириб чиқмайди. Осиповнинг ҳолатини тушуниш учун унчалик фаҳмли бўлиш шарт эмас эди. Унинг айрим тарафдорлари қамалганлиги юрагини олиб қўйган эди. Чамаси, фавқулодда комиссияга тайёрланаётган фитна тўғрисида бирон-бир нарса маълум бўлганди. Йўқ, исён ҳали пишиб етилмаганди. Осиповга ўхшаган одам ҳам унга бошчилик қилмаслиги керак эди. Бироқ бошқа одам йўқ эди. Оренбургдан ташвишли хабарлар келаётганди. У ерда атаман Дутов ҳамон жон сақлаб турган бўлса-да, Биринчи Қизил Армия уни исканжага олаётган эди. Туркистон армияси Актюбинск томондан ҳужум қилиб келаётган эди, Оқгвардиячиларнинг Туркистонни Россиядан бутунлай узиб қўйиш режаси хавф остида қолди.

Қўзғолонга рухсат беришга тўғри келди.

Свард қулоқ солиб турарди. Озодлик уйи томонда отишма зўрайди. Кейин анча ўнгроқда ўқ овозлари эшитилиб, улар тўхтовсиз қарс-қурсга қўшилиб кетди.

— Тақдирни синаб ўтириш бефойда,— деди эшитилар-эшитилмас Раҳматбек.

У қўлини чўзиб, столдан Свард ташлаган Киплингнинг шеърлар китобчасини олиб варақлади.

Куну тун, куну тун
Африка бўйлаб борамиз...—

хиёл хиргойи қилиб тutilмай инглизча ўқий бошлади Раҳматбек.

Куну тун, куну тун —
Ҳамон ўша Африка бўйлаб.
Чанг ютиб, чанг ютиб,
Ерга этиклар ботиб...

Раҳматбек бир оз тўхтаб, деди:

— Ҳа, бу ерда, Туркистонда ҳам чанг етарли, лекин одимлаётган этиклар негадир кўринмайди. Эҳтимол, кўзим ожиз бўлиб қолгандир.

Свард унга кўз қирини ташлаб деди:

— Сиз бирон нарсани таклиф қилмоқчимисиз?

— Таклиф? Йўқ! Тентак меҳмонгина мезбонни меҳмон қилиши мумкин... Лекин таяниш мумкин бўлган кучлар тўғрисида гап кетадиган бўлса, мен биттагина шундай кучни билман.

— Мукулмонларми?

— Бошқа куч бу ерда йўқ. Москвада буни тушунадилар чамаси.

— Бўлмаган гап! У ерда нимани тушунсалар тушунаверишин, барибир Туркистон Москвадан буткул узиб қўйилган.

— Ҳа, ҳозирча.

— Кейин ҳам узилганча қолади.

— Эҳтимол.

Сварднинг нигоҳи бир лаҳза Хўжаевга қадалди: «Биларминки ёки йўқми? Барибир, ҳаммаси беҳуда гап. У нимани ҳам била оларди?»

— Большевикларнинг ҳозир Туркистондан бошқа ташвиши йўқми,— кескин гапирди Свард.— Адмирал Колчак тез кунда Волгагача етиб боради ва генерал Деникин қўшинлари билан бирлашади. Атаман Дутов казаклари Оренбургда. Йўқ, Туркистонни ўйлашга Москванинг вақти йўқ.

— Булар, эҳтимол шундайдир,— деди пинагини бузмай Раҳматбек.— Мен сиёсатчи ҳам, ҳарбий киши ҳам эмасман. Янглишим ҳам мумкин. Лекин менимча, кейинги вақтларда Туркистоннинг ўзи Москвага ёриб ўтишга уринмоқда. Мен большевиклар Туркистонини назарда тутяпман. Уларнинг Актюбинск fronti Оренбургга томон силжиб бораётганга ўхшайди.

— Арзимаган гап. Вақтинчалик муваффақият. Актюбинскдан Оренбурггача озмунча масофа борми!..

— Тўғри, оз эмас,— деди Хўжаев ўрнидан тураркан.— Хайр, майли, мен кетишим керак...

Ёлғиз қолган Эдвард Свард кучайиб бораётган отишмага ташвишланиб бир оз қулоқ солиб турди.

Сочини силлиқ тараган йигит эшикда кўринди.

— Полковник Русанов,— деди у кабинетига ярим ҳарбийча кийинган, қоматини ҳарбийчасига тик тутган кекса кишини киритаркан.

Полковник ўзини тутишга уринса ҳам, аччиғлангани яққол сезилиб турарди. У ҳорғинлик билан креслога ўтирди ва бир дақиқа кўзини юмди.

— Нохуш хабарларми, полковник?— сўради Свард.

У кўзини очмай жавоб берди:

— Нохуш ҳам гапми. Ишлар пачава...

— Сиз у ерга бордингизми?

Полковник ҳорғинликни енгиб, қаддини ростлади.

— Менга қаранг, сэр. Бу ўтакетган бемаъни иш. Ҳа, мен ўша хомкалла Осиповнинг олдида ҳам бўлдим... Шундай ландавурки, асти қўяверинг. Артиллерия батареялари тўрт томондан отиб турганда у ерга бориш қанчалик хатарли эканини ҳар бир юнкер билади-ку. Бу бефаҳм, Туркистоннинг собиқ ҳарбий комиссарп қалъани ўз томонига огдиришни удалай олмай, Бош устахоналарни қўлга олишга уриниши биланоқ мағлуб бўла бошладн. Ахир у ерда большевикларнинг ҳам артиллерияси бор-ку. Иккала пункт иккинчи полк казармаларини ўққа тутса, нима бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг.

— Узингизни босинг, полковник,— деди Свард.— Ҳаммаси ҳам сиз ўйлагандек пачава эмас. Уша Бош устахоналардагиларнинг ҳаммаси ҳам большевик эмас. Ҳатто раҳбарлари орасида ҳам одамларимиз бор. Уларнинг баъзилари ҳозирги маъмурларни йўқ қилиш пайига ҳам тушган. Уларнинг раис Агапов менга айтишларича...

— Бу маълум гап. Лекин улар армиясиз қолган генералларнинг аҳволига тушмасмиканлар?

— Сиз қалъа комендантн Белов сўл эсер эканлигини унутманг.

— У нима қила оларди?

— Унга большевиклардан кўра Осипов томонга ўтган маъқул-ку.

Русанов кулиб қўйди:

— Хомхаёл бўлманг, сэр. Мен партнядаги тўраларни яхши тушунмайман, лекин ана шу Белов Халқ Комиссарлари Советида Осиповни отиб қўйишига оз қолди-ку. Агар ўша ердагилар халақит беришмаганда отиб ташларди ҳам.

— Қачон?

— Шу бугун, кечга яқин. Улар ўлганининг кунидан бир-бирига муомала қилади. Бундай муносабат Фаргонадаёқ бошланганди. Билмадим, у ерда ораларида нима ўтган...

Свард бир лаҳза қошларини чимирди.

— Осипов буни ҳисобга олмаган дейиш қийин. Чамамда, қалъада ҳам унинг ўз одамлари бор... Винога тобингиз қалай?

— Ароқ маъқулроқ.

— Сэм!

Полковник рюмкани бир ҳўплашда бўшатиб, бир оз ўзига келди.

— Дунёда мўъжизалар бўлмайди, сэр,— гапга тушди Русанов.— Албатта, Осипов бир оз вақт дош бериб туриши мумкин, лекин иш бой бериб қўйилди. Ҳа, бошидаёқ бой бериб қўйилди... Чет элга-ку, у Чимкент трактига чиқиб олса, қочиб кетиши мумкин. Лоақал шунга ақли етиб қолар. Кейин у ёқда «Наполеон бўлишимга сал қолди» деган темада эсдаликлар ёзиб юради.

Русанов рюмкани яна бир марта бўшатиб, истехзо билан гапира кетди:

— Ҳар қалай банкдан олтнни олишга улгурди. Бу унинг дастлабки ва бирдан-бир ғалабаси бўлса керак... Дарвоқе, эсдаликлар ҳақида. Пайқадингизми, сэр, кейинги пайтларда буюк одамлар кўпайиб кетди: Наполеонлар, Бисмарклар, Жанна д'Арк... Ҳаммасидан ҳам Наполеонлар кўп. Айтинг-чи, олдингиз келаётганимда йўлда учратганим анани мусулмонлардан чиққан кофир Раҳматбек Хўжаев ўшалардан бири эмасми?

Свард ҳозиргача эшитган ҳамма номаъқул гаплари учун Русановдан ўч олиш пайти келганлигини сизди.

— Раҳматбек мусулмонлар орасида жуда машҳур,— деди у,— мусулмонлар эса-бу ерда катта куч.

Полковник елкасини қисиб қўйди.

— Нечундир бу кучларни Осипов тарафида кўрмаяпман. Унинг атрофида тўн кийган эллика яқин киши лақиллаб юрибди. Балки бундан ҳам кўпроқдир,— деди у лоқайдлик билан, кейин бир оз тўхтаб, қўшиб қўйди:— Одатдаги воқеа.

— Хўш, нима демоқчисиз?

— Ҳзим, шундай. Сиз мустамлака аҳолисидан ўз ҳукмрон-лигингизни мустаҳкамлаш йўлида ҳеч қачон тўла фойдалана олмаганлигингизни эсладим, холос.

Сварднинг ўнг қоши бир оз чимирилди.

— Менимча, унчалик эмас. Масалан, Ҳиндистон...

— Сипоҳилар қўзғолони вақтидагига ўхшаб одамларни тўп-лар оғзига боғлаб қўйишни зўр сиёсат деб бўлмайди, сэр. Аммо, бу ер Ҳиндистон эмас, замон ҳам бошқача... Буни қўя турай-лик. Шундай қилиб, Осиповни ҳисобдан чиқариб қўяверса ҳам бўлади. Атаман Дутовдан ҳам умид кам. Сўнгги маълумотларга қараганда, Биринчи большевистик армия уни қаттиқ қисиб кел-япти. Билмадим, бизникилар Москвада нима қилиб ўтиришиб-ди, армия ичида ҳам нима билан шуғулланишаётганикин? Тўғ-ри, у ердаги полкларнинг бирида қўзғолонга ўхшаш бир нарса бўлган. Кимнидир ўлдиришган. Лекин булар арзимаган нарса-ку. Ҳозир шу керак эканми?!

Свард полковникка худди унда бирон янгиликни биринчи марта пайқаб қолгандек ғалати қаради.

— Сизнинг умидсизликка тушишингиз менга ёқмаяпти, пол-ковник. Фронлдаги аҳволдан фақат қизиллар фойдаланяпти, деб бўлмайди. Билишимча, адмирал Колчак армиясининг ҳу-жуми яқин келажакдаги масалани ҳал қилиб беради. Улар Пермни олиш билан чегараланиб қолмаса керак:

— Эҳтимол.

— Шундай экан, нимадан ташвишланыасиз?

Полковник илжайиб қўйди:

— Сиз ташвишланаётган нарсадан: қизиллар қандай қилиб бўлмасин Туркистонга ёриб кирмасмикин?

Свард йўқ дегандай кескин ҳаракат қилди. Русанов аламига чиқолмай ижирғанди:

— Бу гапни ёш болаларга айтинг, сэр. Агар шунақа бўлма-са, маъзур тутасиз, бемаврид кўтарилгани аниқ кўриниб турган бу қўзғолон сизга нега керак бўлиб қолди?

Эътироз билдириб бўлмасди. Русанов ҳам эътирозни кутма-ган эди. У ҳозирча у ёқда, Россияда граждaнлар уруши авж олиб турган бир пайтда собиқ Россия империяси ичида Туркист-он миллий ва ижтимоий зиддиятлардан моҳирона фойдаланиб, бекиниб ўтириш мумкин бўлган бирдан-бир жой эканлиги ҳа-қида ўйларди. Аслида бунинг унга нима кераги борлигини ўзи ҳам билмасди. Ҳаёт титилган эски бир даста картага ўхшаб қолган эди. Қандай карта чиқиши бари бир эмасми. Охири ют-қизнш бўлши тайин-ку. Лекин бу ўй қалбининг чуқур бир чек-қасида яширинган эди, ҳозир бўлса сафдоши бирин-кетин катта-

катта хато қилаётганини кузатиб турган йирик ҳарбий мутахас-
сис сифатида ғазаби тугён урарди.

— Аттанг, биз ҳеч нарсага ўрганолмадик-да!— деди Руса-
нов.— Шунинг учун нуқул балога гирифтор бўлпб юрамиз.
Большевикларни авантюра билан енгиб бўлмасликни тушуниб
етишга ўтган йилги Доррер қўзғолонининг ўзи кифоя эди.
Эсингиздами, сэр, ўшанда ҳамма иш яхши кетаётгандек эди.
Граф Доррер турмада ўтирганди. Уша ерда туриб автономия
чиоридан фойдаланиш фикрини айтди. Йўл-йўриқлар юбориб
турди, қўзғолонга тайёрланишга раҳбарлик қилди. Ҳамма нар-
са муваффақиятга эришишдан дарак берарди. Автономия учун
намоиш ҳам бўлганди, Туркистон большевистик ҳукумати ожиз
эди, ҳали тарқалиб, тўзиб кетмаган офицер кадрларимиз ҳам
бор эди. Менинг меров укам ҳам ўшалар ичида эди. Лекин кич-
кина бир хатога йўл қўйилган экан. Ҳа, арзимаган нарса! Оло-
моннинг кайфияти ҳисобга олинмабди. Оломон, жин урсин ўша
оломонни, ҳаракат қилмади. Фақат кузатиб турди... Совет эс-
кадронининг ақлдан озган командири Эккерт беш нафар отли-
ғи билан бориб намоишчилар орасидан графни дангал тутиб,
турмага олиб кетганда ҳам оломон қимир этмади.

— Айтайлик, ёлғиз Эккертнинг ўзи эмас. Хўш, қизил гвар-
диячиларнинг терма мусулмон отряди-чи?

— Гап шунда-да. Туркистон автономияси учун намоишга
чиққан ерли аҳоли томошабин бўлиб тураверди. Улар томоша-
бин-эди. Ҳаракат қилганлари бўлса, бизга қарши чиқди.

Полковник қадаҳни қўлига олди-да, озгина ҳўплаб, уни жо-
йига қўйди.

Меҳмон ҳам, мезбон ҳам ташқаридан эшитилаётган товушга
қулоқ солиб, жим қолишди.

Отишма овози деярли тинди. Чўккан сукунатда аҳё-аҳён пу-
лемётнинг қисқа-қисқа тариллаши, якка ўқ овозлари эшитилиб
қоларди.

Свард қовоғини солди. Русанов айтган гапларнинг ҳаммасини
у яхши биларди. Полковникнинг гапириш оҳанги, ҳаддан ташқар-
и ўзини эркин тутиши аччиғини чиқарарди, одамнинг энсаси
қотади! Хўш, ким ўзи бу полковник? Ўз юртида муҳожир. Васса-
лом. Гапиришини қаранг! Свард суҳбатдошининг танобини тор-
тиб қўйишга бир неча бор уринди-ю, нимадир халақит беравер-
ди. Бу ҳам алам қиларди.

— Хўш, сизнингча нима қилиш керак?

Полковник ўйлаётгандай жавоб беришга шошилмади.

— Большевикларни ўзларининг методи билангина уриш
мумкин.

— Масалан, қандай?

— Сиз большевиклардаги бир хусусиятни пайқамадингизми, сэр? Улар ҳаммаси қанча? Бутун Россияни оладиган бўлсак, унчалик кўп эмас. Лекин, ҳе, жин урсин, кўринишдан сиёсатга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган одамлар нимагадир доимо уларнинг теварагини ўраб олишади. Бизнинг барча хатоларимиз ана шундан.

— Нимани таклиф этасиз: социаллаштириш, банклар, санатни миллийлаштиришни?

Полковник Свардга совуқ нигоҳ ташлади:

— Мен жиддий гапиряпман, сэр.

Унинг тикилиб туришидан Свард ўзини ноқулай ҳис қилди.

— Кечирасиз,— тўнғиллади у.

— Бу янгилик эмас, албатта,— давом этди Русанов ўз-ўзига гапирётгандек.— Ғоялар ўрнига баъзан пул яхшироқ иш беради. Айниқса уруғчилик муносабатлари ҳали ҳам кучли бўлган шу ерда. Туркистонда большевикларни тугатиш учун ерли аҳолидан яхши қуролланган бир неча кучли отряд тузиш мумкин эмасми?! Бунинг учун...

— Пул керакми?..

— Ҳа, пул ва қурол. Ҳаммага — оддий суворидан тортиб, ҳар хил кўрбошиларга тўлаш лозим бўлади... Шарқда бир неча бор шундай қилинган. Нега ўзингиз ҳалигача шуни ўйлаб кўрмаганлигингизга ҳайронман.

— Сиз айтганча эмас... Мадаминбек, Эргаш, Холхўжа...

Русанов жаҳл билан қўл силтади:

— Уларнинг қурби етмайди. Улар кўпроқ халқни талаш билан овора, бу билан халқни ўзларига қарши қилиб қўяётирлар. Бу аҳволдан фойдаланиб қолиш большевикларнинг хаёлига келмаганига ҳайронман. Ҳамма қишлоқларга қуролларни бўлиб беришганда, босмачилардан ном-нишон ҳам қолмасди.

— Хўш, сиз нимани таклиф қиласиз?

— Биласизми, сэр, ҳар хил тарқоқ ҳамлалардан большевикларга қарши барча кучларнинг кенг фронт бўйлаб планли ҳаракат қилишига ўтиш пайти келди, деб ўйлайман. Босмачилар ҳозир асосан Фарғона водийси ва қисман Еттисувда иш кўряпти. Авлиёота уездидаги Снчқон тоғ довоини қўлга киритиш мумкин эмасми? Бунинг учун Қетмонтепа ва Қорабўридаги заставаларни йўқ қилиш кифоя. Шунда Бухоро билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш мумкин бўлади. Олампаноҳ, ҳумоюни давлат Саид Олимхон жаноби олийлари вақтинча ўз ҳарамларини тарк этиб, иш билан машғул бўладиган вақтлари келди-ку. Монстровни ҳам деҳқонлар армияси билан жалб қилинса чакки бўлмасди. Ахир унинг штаб бошлиги генерал Муханов.

— Лекин улар совет қўшинлари-ку. Монстров Туркистоннинг большевиклар штабидан бўлади.

Русанов заҳархандалик билан кулди, рюмкани охиригача бўшатиб, деди:

— Осипов ҳатто ҳарбий комиссар эди-ку...

Жимиб қолишди. Свард сўради:

— Сиз қанақа пулни назарда тутяпсизу қанча керак деб ўй-ляяпсиз?

— Аввало, олтин бўлиши керак, юз миллион атрофида. Ҳар қандай йўл билан, имкони бор жойдан нима қилиб бўлса ҳам қоқиб-суқиб йиғиш лозим. Кейин совет олтини, подшо давридагиси бўлса ҳам бўлаверади, у бу чекка қишлоқларда ҳозирча ўтади.

— Олтинни йиғдик ҳам дейлик... Ундан кейин-чи?

— Қуrol керак. Кўп, яхши қуrol лозим бўлади.

Свард ўйланиб қолди.

— Қуrolнинг иложини қилиш мумкин,— деди у.— Ҳозир, уруш тугагандан кейин, қуrolни Европада истаганча топиш мумкин. Уни Қашқар орқали бу томонга олиб келишади. Бу қийин бўлса-да, чамаси энг хавфсиз йўл. Бизнинг Қашқардаги консулимиз ёрдам беришдан бош тортмайди. Албатта, бу иш... рус консули жаноб Успенский орқали бўлади. Пул масаласи қийинроқ. Юз миллион — бу жуда катта сумма, жуда ҳам...

— Сиз савдолашиб ўтирманг, сэр. Агар большевиклар Туркистонда мустаҳкам ўрнашиб қолсалар, кейин анча қимматга тушади. Биқинимизда Афғонистон, Ҳиндистон ҳам унчалик узоқмас. Тушунаётган бўлсангиз керак?..

Русанов қулоқ солди. Отишма тўхтади. Нега бундай бўлдикин? Нафасни ростлаб олишяптими? Дарвоқе, бунинг қандай аҳамияти бор? Осиповнинг нияти амалга ошмайди-ку. Тағин ким бўлади! Бу тўполонда ҳамма нарса бўлиши мумкин.

— Ҳаммаси,— деди у,— Дутов Оренбургда қанчалик узоқ туриб қолишига боғлиқ, сэр.

— Э, бу ҳали умидни узавер, деган гап эмас, полковник. Албатта қизиллар Пермь қўлдан кетгандан кейин, Шарқий фронтларини мустаҳкамлаш учун турли чораларни кўрадилар. Ҳатто яқиндагина янги қўмондон ҳам тайинлашибди.

— Фронтгами?

— Йўқ. Тўртинчи армияга. Қандайдир Фрунзе деганни.

Полковник титраб кетди.

— Фрунзе?.. Фрунзе — Михайловми?

— Ҳа, бу унинг фамилияси. Кўпчилик рус большевиклари

сингари шароитга қараб унинг бошқа фамилиялари ҳам бўлган бўлиши мумкин. Буниси охириги фамилияси бўлса керак... Сиз уни билармидингиз, полковник?

Русанов индамади. У диққат билан бир нуқтага — «доимий календар»га тушиб турган чироқ шуъласига қаради-ю, сочини калта қилиб олдирган, бақувват, чайир, ниқ, кўзлари ўткир одам столдаги рангли доирачалар, квадратчалар, тўғри бурчаклар — ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг шаргли белгилари туширилган штаб картасига тикилиб турганини кўрарди. Ким билсин, бу одам Сварднинг ва унинг, полковникнинг катта умидларини чиппака чиқариб юборса-я. Ўз вақтида Русанов Ярославль округининг ҳарбий комиссари Фрунзеда бундай лаёқатни кузатиш имконига эга бўлган эди. У Фрунзе ўзига тўқнаш келадиган одамларнинг ниятини осонгина пайқашини ҳам кўрган эди. Ушанда Русанов Фрунзенинг нигоҳ ташлашини кутиб ўтирмай, ҳеч кимни огоҳлантирмай Тошкент томон жуфтани ростлаб қолган эди. У бу ерда, Москвадан бир неча минг километр бериди ўзини анча эркин ҳис қилаётганди.

Свард қайтадан берган савол унинг хаёлини бўлди.

— Фрунземи? Ҳа, мен у билан учрашганман... — мужмал қилиб жавоб берди Русанов, сўнг тетиклашиб, хиёл заҳархандалик билан ҳовлиқиб гапира бошлади:— Ҳа, демак, Фрунзе денг?.. Айнан Тўртинчи армиягами? Бошқа ёққа тайинланмай, Туркистонга ташланган Тўртинчи армияга-я. Биласизми, сэр, Фрунзе — Михайлов шу ўлкадан бўлади. Шу ерда туғилиб ўсган... Мудҳиш алолат бу!

— Тушунолмадим.

— Нимаси тушунилмас экан? Борди-ю, Фрунзе ўз қўшинлари билан бу томонга, Туркистонга ёриб ўтса, сиз билан бизнинг режаларимиз пучга чиқади. У шу ерлик-да. Уни чалгитиб бўлмайди...

Ногаҳон ташқаридан эшикни тақиллатишди.

— Очинглар!

— Ким бор?

— Эй!

Полковник қўлини чўнтагига тикди ва овоз келган томонга ўгирилди. Эдвард Свард қадини ростлаб, унинг қўлтиғидан олди.

— Бемаънилик қилманг, полковник! Чиқиб Ўрдага қараб юринг.

Дарвозани итаришди. Русанов ғойиб бўлди.

— Сэм, уларни киритинг.

Уйга оғир қадам ташлаб, қуроли кишилар кириб келди.

— Сиз уй эгасимисиз? — кекса, ишчига ўхшаган, бобрлик кам-

зул ва қулоқчин кийган киши Сварднинг олдига келди.— Уйда бегоналар борми? Хужжатларингизни кўрсатинг.

Эдвард Свард хиёл энгашди.

— Балким, олдин ўзингиз кўрсатарсиз?

У бир оз кутиб, сўнг буйруқ берди:

— Сэм, паспортни беринг. Йўқ, уйда бегона одам йўқ.

Эшик тарафдан гунгур-гунгур овоз эшитилди. Шундай вақтда хужжатларни суриштиради тагин! Лекин ҳамма Иван Матвеевич деб атаётган кекса ишчи ва ҳамроҳларига ўқрайиб қарагач, улар жимиб қолишди.

— Сиз ҳақсиз, гражданин,— деди Иван Матвеевич.— Мана менинг шахсий гувоҳномам.— У чўнтагидан уринган, анчайин мой теккан Тошкент темирйўл депосининг биринчи класс машинисти Парамонов номига берилган хужжатни Свардга узатди.— Кечирасиз, бошқасини кўрсата олмайман.

— Бу сизга ким бўлади?— сўради Иван Матвеевич, Сэмдан паспортни олар экан.

— Ходимим.

Паспортларнинг қоғози яхши бўлиб, муқоваси қимматбаҳо эди. Иван Матвеевич уларнинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди-ю, сира тушунолмади.

— Совет хужжатлари йўқми сизда?

Тошкент Советининг гувоҳномасида Аргентина фуқароси Эдвард Свард лингвист олим, бинобарин, унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш лозим, деб ёзилган эди.

Иван Матвеевич четга ўтиб, ўғлини — кўринишдан анча эпчил йигитни олдига чақирди ва секин сўради:

— Серега, билмайсанми, лингвист нима дегани?

— Қаерда экан?

— Мана бу ерда ёзиб қўйибди: лингвист-олим.

Сергей бир оз ўйлади-да:

— Олим, деясанми? Демак, илмий соҳа одамларини шундай деса керак, умуман. Ёки сенинг бундан хабаринг йўқми?

— Гап шунда-да, билмайман. Қочегарликдан бир амаллаб машинистликка ўтганман. Сен овсарни бўлса шаҳар мактабида тўрт йил ўқитишди-ю, ҳеч балони уқиб олмабсан. Олимлар ҳар хил бўлади: баъзилари борки, ертўлага қамаб қўйсанг ҳам, гуноҳга қолмайсан...— У яна тушуниб бўлмайдиган гувоҳномани айлантириб кўрди.— Муҳр ҳам, имзолар ҳам — ҳаммаси жойида. Лингвист. Айт-чи, бу нима маънони билдираркин?!

— Эҳтимол, қўнғизларни йиғиб юрар...— тахмин қилди Сергей,— шунақалари ҳам бўлади-ку.

— Сенинг ўзинг қўнғизсан. Бу ердан кетишга тўғри кела-

ди... Бегона ҳеч кимни топмадингларми?.. Қани, бошқа ёққа кетдик.

Елғиз қолган Свард хаёлга чўмиб узоқ ўтирди. Ногаҳон унинг юзлари қандайдир чўкишиб, чўзилиб кетди. Одатда тепса тебранмайдиган бу одам ташвишга тушиб қолди. У Осипов ҳокимият тепасида лоақал бир неча кун тура олармикан, деб ўйларди. Бу вақт ичида бир йўлини қилиб, бирон бир компромисс тўғрисида большевиклар билан гаплашиш, ҳокимиятни қайтадан тузиш мумкин бўларди.

«Ишқилиб у ярамас иккинчи полк казармаларида қамалган комиссарларни бемаврид отиб ташламасин-да. Унда ҳеч қандай битимга келишиб бўлмайди».

Кейин Русанов билан бўлган суҳбат унинг хотирасига келди. Бу полковник ҳаддан ташқари ўзига ишонади. Бир унинг адабини бериб қўймаса бўлмайди.

Свард сочини силлиқ тараган йигитни чақирди.

— Сэм,— деди у,— Фрунзе номини эшитганда полковник титраб кетганлигини пайқадингизми?

— Ҳа, сэр. Мен уни у ёқдан кузатиб турдим...

Свард ишора билан унинг гапини бўлди:

— Нима сабабдан титрадийкин?

— Билмадим, сэр.

— Яхши эмас, Сэм. Билиш керак.— Сварднинг юзида кеккайиш ифодаси пайдо бўлди.— Бу биз учун жуда муҳим... Жуда ҳам.

— Қулоғим сизда, сэр.

2

Тошкент қалъасининг комендантИ Иван Панфилович Белов уйига кечқурун кеч қайтди. Унинг кўнгли ғаш эди. Ўзнинг қилган ишидан норози эди: Халқ Комиссарлари Советида Туркистон ҳарбий комиссари Осиповнинг советларга қарши яширин ташкилотни қурол билан таъминлаб турган киши Беловнинг ўзгинаси, деб ифвогарлик билан айтган гапларига чидаб туролмай, тўппончани олиб, Осиповга ўқталди. Хайриятки, Халқ Комиссарлар Советининг ишлар бошқарувчиси унинг қўлидан ушлаб қолди. Йўқ, яхши бўлмади. Жуда ҳам хунук бўлди. Осипов шубҳасиз аблаҳ одам. Белов уни Фарғонадаёқ сезган. У ерда Осипов анча-мунча иккиюзламалик қилиб, ошкора оқғардиячилар билан доим шивирлашгани-шивирлашган, шубҳали шахслар билан ичишиб юрган эди. Бу ерда ҳам ўзини яхши тутмаяпти. Қизил гвардияни тарқатиб юбориш тўғрисидаги унинг

таклифи нммаси ёки қалъада кўзга кўринарли асосий куч бўлиб турган машқ командасини қуролсизлантириш тўғрисидаги таклифи-чи? Бутун можаро шундан чиқди-да. Наҳотки бунни коммунист — раҳбарлар кўрмаётган бўлса? Қизил гвардияни тарқатиб юборишга йўл қўйишмади, Тошкент депутатлар Совети аралашди, у ерда подполъячи — большевик Шумилов раис-да. Уни алдаб бўлмади. Лекин машқ командаси билан билганини қилди-ку. Одатда Беловни қувватлаб келадиган Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг раиси Войтинцев ҳам, Халқ Комиссарлар Советининг раиси Фигельский ҳам Осиповнинг айтганига рози бўлишди. Нима, улар кўр бўлиб қолишдими? Осипов қаёққа бошлаётганини кўришмаяпти... Ана шунинг учун ҳам улар жанжаллашиб қолишди, бу сафар ошкора уришишди. Тўғри, бир соат ўтар-ўтмас Осипов Белов билан анча дўстона гаплашди, олдига — 2-полк штабига келиб чой ичишга таклиф қилди, бирйўла Беловнинг Фарғона водийсига қилган экспедицияси юзасидан молиявий ҳисоботларини расмийлаштириб қўймоқчи бўлди. «У ердаги молия бўлимининг бошлиғи жуда эпчил. Сенинг ҳамма ҳисоб-китобларингни ярим соатда тўғрилаб беради»,— деди Осипов хайрлаша туриб. «Йўқ, сен мени авраб олдингга чақиролмайсан»,— деб ўйлаб Белов индамагани. У 2-полк штабига аввал борганида оз бўлмаса отиб қўйишай деганини унутгани йўқ.

Этни жунжитувчи совуқ шамол эсарди. Кўчаларда ер бағирлаб изғирин ўйнайди.

«Тошкентнинг аямажизи,— кулимсираб қўйди Иван Панфилович.— Биз томонларда аямажизда совуқлар шунақа бўларканми!» У ногаҳон тўхтаб, қулоқ солди. Унг томондан аллақерда ўқ отилди, кейин яна... Сўнг бараварига отиш бошланди. «Бу нима бўлдийкин?»— деб ўйлаб қолди Иван Панфилович ва қалъага шовилди.

У ерда тинчлик эди. Машқ командаси биносида одам одатдагидан кам, бор-йўғи ўттиз-қирқ нафар одам қолганди. Машқ командасининг бошлиғи Шишарин қаёқдандир пайдо бўлди.

— Бошқалар қани?— сўради Белов.

— Уй-уйларига тарқалиб кетишди.

Иван Панфилович Шишаринга вазмин нигоҳ ташлади.

У жуда ғалати-я, ҳовлиқади, кўзлари атрофга олазарак бўл-япти.

— Ким рухсат берди?

— Ахир эртага якшанба, байрам деса ҳам бўлади, шунинг учун...

— Ҳа-а, обизамзам тусаб қолишибди-да. Тушунарли...

Шишарин комендантнинг истеҳзоли қарашидап жунжикиб кетди ва унинг кетидан эргашди.

Инструкторлар мактабидагиларнинг ҳаммаси ўз жойида эди, 1-артиллерия ротаси ҳам. Белов қалъадаги ротага шошилди. Қираверишда одатдаги команда эшитилди:

— Туринг, смирно!

Барваста, абжир-чаққон рота командири унга қараб кела бошлади.

— Уртоқ комендант, қалъа ротаси...

— Вольно, ўтиринг, ўтиринг,— деди Белов командирга ва ротадаги кўзга яққол ташланиб турган ҳарбий тартибга завқи келиб. Белов бу рота командири билан аллақачон ака-укадек бўлиб кетган эди.

Қўққисдан коридорда дукур-дукур эшитилди. Ротага икки қизил аскар ҳаллослаб чопиб келди. Улар терга ботган, камари йўқ, қийналган, бирининг ҳатто шапкаси ҳам йўқ эди.

— Иш чатоқ, йигитлар! Иккинчи батареяни қуролсизлантиришяпти...

Аскарлар дик этиб ўринларидан туриб, югуриб келган йигитларни ўраб олишди, ҳаяжон билан саволларга кўмиб ташлашди.

— Қани, жим бўлинглар,— деди секин Белов. У оҳиста гапирган бўлса ҳам, жангчилар эшитиб, жим бўлишди.— Нафасни ростлаб олинг. Тушунтириб айтинг, ким қуролсизлантиришяпти?

Иккинчи батарея Госпиталь кўчасида турарди. Жангчилар бундан ярим соат олдин 2-Сибирь полкининг солдатлари батареяни қўққисдан ўраб олганларини, командири ва артиллериячиларни қамоққа олиб, казармаларга олиб кетганларини гапириб беришди. Бу иккови қоронгида бекинибди. Уларнинг орқасидан отишибди.

— Хўш, сизларни ким қуролсизлантирди ўзи? Кимнинг буйруғи билан?

— Билмаймиз. Ҳарбий комиссарнинг буйруғига кўра деб айтишди...

— Осиповнингми?

— Ҳа!

— Ушанинг буйруғи билан,— тасдиқлади иккинчи жангчи ҳам.

«Тушунарли,— ўйлади Белов,— Осипов барибир ўзини тия олмай, машқ командасини қуролсизлантиришга қарор қилибдида.— Унинг 2-полк штабига чой ичиб кетишга таклиф қилгани ҳам лоп этиб эсига тушди.— Демак, мен у билан чой ичишиб

Ўтирганимда, у машқ командасини, балки бошқаларни ҳам қу-
ролсизлантирган бўларкан».

Қизил аскарлар қалъа комендантн нима деркин, деб кутиб
туришарди.

— Тревога эълон қилинг,— буйруқ берди Белов рота коман-
дирига.— Барбетларни* эгалланг!

У қалъа штабига деярли югуриб кетди ва йўлдалигидаёқ
«Қуролларни олинг!» командасини, горнчининг қалъа узра тар-
қалаётган тревога сигналинн эшитди.

— Телефон қилишдимн?— сўради Белов.

Навбатчи йўқ, деб жавоб берди. Белов телефон олдиға ўтир-
волиб, Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг раиси
Войтинцевнинг квартирасига, Халқ Комиссарлар Советининг
раиси Фигельскийға, Тошкент депутатлар Советининг раиси
Шумиловға қўнғироқ қилди. Уларнинг биронтаси уйда йўқ эди.

«Улар қаерда бўлши мумкин?»— қайта-қайта ўзига савол
берарди Иван Панфилович. Ниҳоят Озодлик уйига қўнғироқ
қилиш унинг эсига келиб қолди. Телефонни Войтинцев олди.

— Шаҳар жуда нотинч,— деди Белов.— Қандайдир отишма
бўляпти.

— Ҳа, отишмани биз ҳам эшитдик, лекин Иван Панфилович,
сен ҳаяжонланма. Тезда ҳаммаси ойдинлашади.

— Эҳтимол. Аммо Осипов Госпиталь кўчасидаги батареямни
қуролсизлантирди. Бу нима, машқ командасини қуролсизланти-
ришга тайёрланишмикин? У ҳолда нега менсиз бу иш бўляпти?
Осипов билан ишлай олмайман, деб сизга айтган эдим-ку, шу-
нинг учун қалъа комендантн лавозимидан озод этишни илтимос
қилгандим. Ушанда сиз мени ишонтириб, ўз ўрнимда қолдирган-
дингиз. Энди бўлса қўл остимдаги қисмни ҳатто менга маълум
қилмасдан қуролсизлантиряпти. Бу қандай гап? Ишончсиз-
ликми?

Жимлик бир минутча давом этди.

— Ҳа. Осипов бу ерда ниманидир яширяпти,— деди Войтин-
цев.— Машқ командасини қуролсизлантириш тўғрисидаги ма-
сала қатъий ҳал этилмаган. Ҳарбий комиссаримиз шошибди.
Шошилибди... Лекин сен, Иван Панфилович ҳаяжонланма. Бир-
бир ярим соатлардан сўнг Осиповни кўраман. У билан гапла-
шаман. Ҳаммаси жойида бўлади.

— Билмадим, Всеволод Дмитриевич, жойида бўладими-йўқ-
ми, сизга шуни айтиб қўймоқчиман: мен гарнизонни жанговар
тревога билан оёққа турғиздим, сиз ёки ўртоқ Фигельский бўл-

* Барбет — қалъа девори орқасидаги тупроқ кўтарма.

маса, келган одамлардан биронтасини ҳам қалъага киритмайман.

Белов трубкини қўйиб, отбой берди, орқасига ўгирилган эди, Шишаринни кўрди.

— Машқ командаси тревога билан оёққа турғизилдими?

Шишарин типирчилаб қолди, негадир қўлини чўнтагига тиқди, орқасига қаради. Орқада қалъа комендантининг адъютанти — новча, кенг елкали, вазмин латиш Веверс турарди.

— Йў-йўқ...

— Нима, сиз сигнални эшитмадингизми ёки сизга махсус сигнал бериш керакми?

Шишарин эшик томонга отилди, лекин Белов уни тўхтатди:

— Шошманг, бирга борамиз.

Улар казармага қараб кетишди. Адъютант бир қадам орқада улар ортидан шахдам борарди. Шишарин одатдаги йўлга қайрилайётган эди, бироқ Белов шиддат билан казарма бўйлаб кетди, шу сабабдан унинг ҳам боришдан бошқа иложи қолмади.

Бирдан Белов ажабланиб тўхтади. Казармага кираверишдаги ҳамма вақт қулфлоглиқ, тамбаланиб турадиган, эмандан ясалган катта дарвоза ланг очиқ эди. Олизда, кўча охирида эса қуролланган кишилар қалъага қараб келарди. Иван Панфилович бир неча дақиқа ичида вазиятни пайқади. У ланг очиқ эшикка отилди, коридорга югуриб кирди, жон-жаҳди билан:

— Қуролланинг!— деб ҳайқирди. Бу овоз бутун коридор бўйлаб тарқалди, зина катаklarидан айланди, навбатчилар такрорлаб, бутун бинони бошларига кўтарди.

Бир минут ўтмаёқ милтиқ затворларини шарақлатиб, этиклари билан гурсиллатиб коридорлар, зиналардан жангчилар чопиб кетишди.

— Дарвозани ёпинг!— буйруқ берди Белов.

Дарвозани қулфлаб, тамбалашди, палён, стол, каравотлар — қўлларига тушган нарса билан тўсиб, маҳкамлашди. Жангчиларнинг бир қисми биринчи ва иккинчи қават деразаларини эгаллашди, пулемётни ҳам шу ёққа олиб келиб, тайёрлаб қўйишди.

Оломон эса оқимдек кучайиб, тобора яқинлашиб келар эди. Тор кўчалардан унга қуролланган кишилар қўшилар, кириш учун қўриқланмаётган жойни қидириб қалъага майдон бўйлаб ёйилишарди.

Минорада прожектор ёнди. Унинг нури кўчанинг узунасига тушиб, оломонни ёритди, одамлар орасида солдатлар оз эканлиги кўринди. Солдатлар қулоқчин, шляпа, формали шапка, қоракўл ва бобр телпак кийган одамлар орасида билинмай қол-

ганди. Уларнинг олдида Россия империяси нишони бўлган папахли ва погонли бир неча офицер яланғоч қиличларини ўйнатиб келарди.

Казарманинг иккинчи қаватидаги машқ командаси жангчиларидан бири олдинда келаётганларга тикилиб, қайратдан бақриб юборди:

— Йигитлар, қаранглар, ахир бу ўзимизнинг Арбузов-ку!

— Қани, қани?— саволлар ёғилиб кетди.

— Ҳу, ана, ўнгроқда, семиздан келган... Погонларни ҳам қадаб олибди. Вой қанжиқ-ей!

Машқ командаси бошлиғининг ўринбосари Арбузовни барбетда турган қалъа комендантани Белов ҳам таниди.

— Ян,— деди у адъютантга,— танишимизни кўряпсизми?

— Бу аблаҳ экан-ку,— жавоб берди адъютант маузерини филофдан олар экан.

— Шошилманг, Ян,— тўхтатди уни Белов ва панжара устига чиқиб, душманнинг дўлдай ёғилиб турган ўқлари остида ўзининг 1-Сибирь ўқчи полкини найзабозлик ҳужумига бошлаб борган вақтдаги сингари бор кучи билан қичқирди:

— Тўхтанглар! Гражданлар, тўхтанглар! Қалъадан нарига кетинглар. Сизларни пулемётлар ўқига ем қилгани олиб келишяпти. Тўхтанглар!..

Бунга жавобан бир неча ўқ отилди. Ўқ учириб юборган ғишт парчаси унинг чаккасига тегди. Беловнинг кўз олди қоронғилашди. Қимдир айиқдек гавдаси билан унга ташланиб, пастга сургаб кетди. Қулоғи остида эса жуда таниш овоз эшитилди:

— Дайди ўққа бош тутиб бериш, бу ўтакетган бемаънилик-ку...

Иван Панфилович адъютантни бағридан силтаниб чиқди.

— Шошма-чи, Ян, бемаънилик нимада-ю, хоинлик нимада, бунақа пайтда дарров тушуниб ололмайсан.

У яна панжарага кўтарилди. Яқинда турган аскарлар ажабланиб, диққат билан унга қарашди. Ҳар қалай комендант сўл эсер эди, ким билсин, у нимани ўйлаётган экан. Иван Панфилович бўлса девор орқасидан илгарилаб келаётган оломонга тикилар, уларнинг нима қилишмоқчи эканлигини англашга уринар эди.

Кўп ўтмай у кўча охирида янги отряд пайдо бўлганлигини кўрди. Олдингилар бир хода кўтариб олишганди — арралаган снмёғоч бўлса керак. Уларнинг кетидан бошқалар узун нарвон кўтариб келишаётганди. Оломон ўртасида отряд ажралди. Хода кўтарганлар казарма дарвозасига қараб кела бошладилар, нарвон кўтарганлар ўнгга бурилдилар. Энди ҳаммаси равшан эди.

Икки жойдан ҳужум қилиш мўлжалланганди: бир гуруҳ казарма дарвозасини бузиш билан овора бўлса, қолганлар девордан ошиб, қалъадаги шериклари ёнига киришга ҳаракат қиладилар.

— Бошқаларга етказинлар,— секин команда берди Белов,— менинг кўрсатмам билан ўқ узилсин. Дастлаб ўқ ҳавога, бошларни устидан отилсин...

Шундан кейин:

— Бошқаларга етказилсин... Биринчиси барабар...— деган буйруқ бир жангчидан иккинчи жангчига ўтиб кетаверди.

— Бошқаларга етказилсин...

— Етказилсин...

Белов кутиб турди, симёғоч кўтариб келаётганлар оломондан олдинга ўтган заҳоти команда берди:

— Гарнизон, ўт оч!

Тартибсиз залп эшитилди. Оломон дув этиб тўзиб, тисарилди, лекин унинг асосий қисмини ташкил этувчи ярим ҳарбий кийимдаги одамлар чўчишмади. Улар милтиқларни қўлга олиб, ўқ билан жавоб қайтардилар. Уқлар қалъа девори панжараларига тегди. Қимдир қулочкашлаб граната ташлади, лекин граната етиб келмай, девор тагида портлади.

Паст бўйли, семиздан келган, янги погон тақиб олган бир киши жон-жаҳди билан тўппончасини силкитаркан, дарвозани кўрсатиб, алланима деб бақирди.

— Ут очилсин!— яна команда берди Белов.

Барбетлардан милтиқлар қасир-қусур қилди, чапдан, машқ командаси казармаси деразасидан пулемёт тариллади. Оломон чўчиб, ўзини ҳар томонга урди. Фақат семиз Арбузовгина қизишганидан тўппончасини силкитарди. Мана, унинг ҳам ҳуши жойига келди.

— Уқ узиш тўхтатилсин!— деворнинг ҳамма ёғига эшитилсин, деб бор кучи билан қичқирди Иван Панфилович. Отишма тингач, кутилмаганда кетма-кет иккита ўқ узилди.

Ҳамманинг орқасида қочаётган машқ командаси бошлигининг ўринбосари Арбузов аввал бир оёғида, кейин иккинчи оёғида ғалати оқсоқланди-да, тош йўлга йиқилиб тушди.

Белов дарғазаб бўлиб ўгирилди:

— Уқ узиш тўхтатилсин деб буйруқ бўлди-ку!

Комендантнинг адъютанти маузерни ёғоч ғилофига шошилмай соларкан, бепарвогинга деди:

— Хойн шу. Меники унинг оёғига қараб отди. Энди қочиб кетолмайди. Дарвозани ким очган билмоқ керак.

Белов ярадорларни қалъага олиб кириш ҳақида буйруқ берди. Бир неча аскар Арбузовни кўтариб олиб келишаётганда, у адъютантга шундай деди:

— Буни лазаретга алоҳида жойлаштирилсин, сиз унга ишонч-лироқ одамлардан соқчи қўйиб қўйинг. Шериклари ундан қуту-лишга уриниб кўришлари ҳам мумкин.

— Ҳа, албатта, ишончли соқчи қўяман, жуда ишончли одам-лардан,— сўз берди адъютант.

Отбой беришди. Барбетларда кучайтирилган соқчиларгина қолди. Иван Панфилович казармаларни айланиб чиқди, жанг-чиларга қўшимча кечки овқат тайёрлашни буюрди — «Улар бу-гун эҳтимол, кечаси билан ухлашмас», кейин инструкторлар мактабида, қалъа ва 1-артиллерия роталарида бўлди. Машқ командасида у яна Шишаринга эътибор қилди. Қизиқ! Илгари тажрибали офицер эди, энди бўлса эски солдатлар олдида ўзи-ни янги прапоршчикдай тутади. Қиқиллаб кулади, мулозамат қилади...

Белов қаерга бормасин, саволга кўмиб ташлашарди: «Қалъа-га ҳужум қилган ким?», «Шаҳарда нима бўляпти?», «Ким исён кўтарди, кимга қарши?» У нима ҳам дея оларди? Ўзи ҳам улардан кўп билмасди.

Қалъа ротасида у шаҳарга разведка юбориш тўғрисида буй-руқ берди. Старший қилиб кекса солдат Прудниковни ўзи тан-лади. У панд бермайди, қўрқмайди ҳам. Ун еттинчи йилдаёқ 1-Сибирь полкининг солдатлари комитетига бирга ишлаш-ган.

Қалъа штаби аввалгидек жимжит эди. Биргина озиқ-овқат бошлиғи ўзининг бурчагида қоғозларни титиб ўтирарди.

— Нима гап ўзи, Иван Иванович, ухламайсан?— сўради Бе-лов.

У комендантга ҳорғин нигоҳ ташлади.

— Ухлаб бўлармиди, Иван Панфилович? Вақт ўтсин, деб ҳисоботларни титкилаб ётибман...

Ҳа, қалъада бу тун ухлаётган бирон кишини топиш гумон эди. Аммо, ҳар қалай шаҳарда нима бўляпти ўзи? Қалъани қўл-га олишга уринганлар ким бўлдийкин? Иван Панфилович нав-батчига телефон орқали уни ҳукумат ёки Тошкент депутатлар Совети билан боғлашни айтди.

— Уларни ҳамма телефонлар орқали ахтаринг.

Навбатчи телефон дастагини айлантириб-айлантириб ҳеч нарсага тушунмай, трубкага пуфлаб кўрди, сўнг бўшашиб деди:

— Телефон ишламаяпти.

«Ўзиб қўйилибди-да. Демак, телефон станцияси уларнинг қў-лида... Масала жиддий,— деб ўйлади Белов.— Дарвоқе шундай бўлиши аниқ эди».

У ёмон хаёлларга ботиб, ўз кабинетида ўтирарди. Ҳеч нарса маълум эмас, бирон тайин гап йўқ.

Адъютант кириб, эшик олдида тўхтади. Иван Панфилович унга савол назари билан қаради.

— Анави аблаҳ Арбузовни сўроқ қилиб кўрдим.

— Ярадорними?

Адъютант алам билан ижирғанди.

— У оёғига яраланган, юмшоқ жой. Меники отишни билди...

Ҳақиқатда қалъа комендантининг адъютанти жуда мерган эди, Белов бунни бир неча бор кузатган.

— Хўш, у нима деяпти?

— Исёни Осипов кўтарибди... Унинг штаби иккинчи полкда.

— Унинг мақсади нима экан ўзи?

— Бошқа ҳокимият...

Кираверишда овозлар ва қадам товушлари эшитилди. Адъютант беихтиёр қўлини маузер ғилофига қўйди.

Разведкадан қайтган Прудников кириб келди. Унинг орқасидан икки киши қуролсизлантирилган қизил аскарни олиб кирди.

— Хуллас, ўртоқ комендант,— гапириб берди Прудников,— биз узоққа бора олмадик. Қалъага келадиган ҳамма кўчалар тўсиб қўйилган. Уйларда ҳам пистирмалар бор.

— Бу сиз билан келган ким?— сўради Белов.

— Иккинчи полкдан қочиб келибди. Қайтаётганимизда йўлда бизга қўшилди.

— Сиз қандай қилиб ўтиб олдингиз?— сўради Белов қочоқдан.

— Ҳовлима-ҳовли. Кўчадан ўтиб бўлмайди.

— Нима учун?

— У ерда нима қиламан? Офицерлар аллақачон погонларини тақиб олишди. Муштлашиш билан иш битармиди.

— Сиз коммунистмисиз?

— Йўқ. У ерда коммунистларни ўлдиришяпти.

— Қимларни?

— Қўлга тушганларнинг ҳаммасини. Войтинцевни ҳам, Фигельскийни ҳам, Шумиловни ҳам... Ҳаммаси бўлиб ўн бештача киши... Қолганларни билмайман.

Иван Панфилович бир неча дақиқа иккиланиб турди.

— Эсерлар-чи... сўл эсерлар,— деди у дудуқланиб,— борми у ерда?

— Бўлмасам-чи. Эсерлар ҳам бор. Лекин сўлми улар ёки бошқами, ким билди дейсиз.

— Хўш, уларни ҳам ўлдирингизми?

— Уларни ким ўлдирарди! Шамсуддинов, анови эски шаҳарлик-чи, ўша бир отрядни олиб келди, тўғри, кичикроқ, юзга

яқин киши, ҳозир иккинчи полк казармаларини қўриқлапти. Мени пақиллатишига оз қолди, ит. Аранг қочиб қолдим. Деҳқончилик комиссари Лавенков,— у бизда бир вақт ҳатто митинг-да ҳам сўзлаб Совет ҳокимияти деб кўкрагига урган эди.— ана шу комиссар большевикларни уриб чиқариш учун отрядни Озодлик уйига бошлаб келди. Мен тагин кўпларини билмайман... Ҳа, айтмоқчи, яна Успенский...

— Туркистон Марказий Ижроия Комитети раиси муовиними?

— Худди ўша... Тўғри, у гўё қамоққа олингандай, аммо эркин юрибди.

— Сен мабодо янглишганинг йўқми?— тўсатдан хириллаган овозда сўради Белов.— Эҳтимол, у Успенский эмасдир. Балки, бошқа одамдир?

— Қанақасига янглишай,— аччиғланди қочоқ.— Мен уни, агар адашмасам, йигирма мартача кўрганман, ҳатто жуда яқин жойдан ҳам: паст бўйли, юзи думалоқ, пенснеси ҳам бор...

Прудников қочоқ билан кетганига анча бўлди. Иван Панфилович эса ҳамон дераза олдида туриб, ёришиб келаётган ғирашира тонгга боқарди. Унинг кўнгли ғаш эди. «Бу қандай бўлдийкин?— у ўзига-ўзи қайта-қайта савол берарди.— Хўп, Осипов-ку маълум... Бу авантюристан бошқа нимани кутиш мумкин эди?! Гарчи ҳукумат аъзоси бўлса-да, Лавенковни ҳам ҳисобдан чиқариш мумкин. Бундай писиб ётган аблаҳлар озми. Лекин Марказий Комитет Президиумининг аъзоси Успенский-чи! Бу нима деган гап? Қуни кеча сўл эсерлар съездининг очилишида у катта нутқ сўзлади... Шу жойда унинг фикри бирдан ўзгарди. Гап бошқа-ю, иш бошқа бўлса-чи? Ҳаммаси олдиндан тайёрлаб қўйилганмикин? Ўн саккизинчида туркистонлик сўл эсерларнинг съезди чақирилади, барча раҳбарлар йиғилади, ўн тўқизинчига ўтар кечаси эса исён бошланади. Нима, «улар» зимдан Осипов билан тил бириктириб қўйишлари мумкин эмасми? Ахир у кимгадир таянишни ҳисобга олгандир-да?»

Белов сўл эсерлар тўғрисида қандайдир четдан туриб, худди ўзи учун бегона ташкилотдек ўйлаётганлигини пайқаб қолди. Илгари ҳам бир неча марта шундай аҳволга тушган эди, айниқса, Москвадаги эсерлар исёнидан сўнг. Гарчи ўшанда туркистонлик сўл эсерларнинг раҳбарлари ўз Марказий Комитетидан ажралиб чиқишган бўлса-да, Беловнинг кўнглини бир чеккасида уларга ишончсизлик яшириниб ётарди.

Адъютант кабинетга оҳиста кириб қарарди-ю, ҳар сафар эшикни секингина ёпиб чиқиб кетарди, Белов бўлса ҳамон ўйлаб, сира ўйига етолмасди.

— Ян,— секин чақирди адъютантни Иван Панфилович у яна кабинетга кирганида:— Хўш, бу нима бўлиши мумкин, Ян?

— Бу контрреволюция.

Белов жаҳл билан қўл силтади:

— Бунн ўзим ҳам тушуниб турибман, сен адъютантим бўлсанг ҳам жуда огирсан-да.

У аччиғланишини ҳам ёки парво қилмаслигини ҳам билмай турганида, эшикда штаб бўйича навбатчи пайдо бўлиб, шундай деди:

— Қалъа дарвозаси олдида қандайдир тўрт киши автомобилда келиб тўхтади, сизни сўрашяпти.

Белов бир лаҳза хаёлга ботди: ким келган бўлиши мумкин?

— Машинани шофери билан дарвоза орқасида қолдиринг. Унга иккита милтиқли кишини соқчи қилиб қўйинг. Қолганларни бу ёққа олиб киринг.

Иван Панфилович ўрнидан турди, гимнастёркасини тортиб тузатди. Паст бўйли, йўғон комендант худди полга сирачлаб қўйгандек эшикка тикилиб турарди. Адъютант ташқарига чиқмоқчи бўлди. Белов имлаб уни тўхтатди: шу ерда туриш керак.

Улар кириб келишди: бақувват, қоматлари ғоз, буюртиб тикилган шинель, кул ранг қорақўл папах кийишганди, собиқ офицер эканликлари аниқ.

— Биз Вақтли комитетдан делегациямиз,— деди биринчи бўлиб кирган новча, юзи сўлғин, қовоқлари шишган одам. У бошқа гап гапирмади ва адъютантга маъноли қараб қўйди.

— Бу ерда бегона одамлар йўқ,— деди Белов.— Гапиравринг, қандай Вақтли комитет? Унга ким бошчилик қилади?

— Осипов.

— Хўш. Давом этинг.

— Биз умид қиламизки, сиз интеллигент одамсиз...

— Умид қилманг, мен мужикман,— деди шартта Иван Панфилович. Новча одам бир дақиқа хижолат бўлди, лекин тезда ўзини тутиб олди.

— Биз бир ҳовуч зўравонлар ҳокимиятини ағдардик, бутун Тошкент бизнинг қўлимизда...

— Шундай экан, нега бу ерга келдингиз?

— Биз Советларга қарши эмасмиз, лекин Советлар озод меҳнаткаш халқ томонидан сайланишини истаймиз,— давом этди новча одам Беловнинг саволига жавоб қайтармай.— Бинобарин, биз сўл эсер сифатида сиздан...

Тутоқиб кетишдан ўзини тийиб турган Иван Панфиловичнинг юзи бўғриқиб кетди. У стол чеккасини шундай қисиб турардики, бармоқларининг учи оқариб кетганди.

— Биз Осиповдан сизга хат олиб келдик.

Белов титроқ қўллари билан конвертни йиртди, йирик-йирик қилиб қинғир-қийшиқ ёзилган қоғоз варағини олди. «Мастми,

маст эмасми, ҳар қалай, етарлича кайф билан ёзган»,— деб ўйлади у автор тўғрисида. Хатда шундай дейилган эди:

«Қадрли Иван Панфилович!

Умумий иш ҳурмати, Туркистон халқларининг озод хоҳиш-иродаси ҳурмати, тўғриси, арзимас келишмовчиликларимизни унутайлик. Халқ фароғатини эмас, ўз манфаатини ўйлайдиган Войтинцевлар, Фигельскийлар, Шумиловлар ва бошқа аблаҳларнинг диктаторлик қилиқлари сенинг ҳам жонингга теккандир, деб ўйлайман. Умумий мақсад — жirkanч большевиклар ҳукмронлигини ағдариб ташлаш учун ўз кучларимизни бирлаштирайлик. Сенинг ўрнинг бизнинг Вақтли комитетимизда, кейинроқ ҳукумат аъзоси ҳам бўласан.

Ҳозир фақат сенинг қалъанг тутган позиция ноаниқ. Бош темир йўл устахоналари, 4-Туркистон полки, ҳарбий инструкторларнинг Оренбург мактаби, генерал Востросаблин бошлиқ 1-Туркистон курслари ва бошқа кўплар биз томонга ўтишди. Ҳатто эски шаҳарда сартлар* ҳам ёппасига қуролланиб, большевикларга қарши ҳужум қилмоқдалар.

Агар сен бирон бир сабаб билан бизга қўшила олмасанг, шундай қилгинки, қалъа лоақал бетараф бўлиб турсин.

Сени қучаман ва шу штабда кутаман.

Вақтли комитет ранси ва Туркистон қўшинлари қўмондони Осипов».

Иван Панфилович мактуб ушлаган қўлини столга зўрға қўйди. Кабинетда ҳамма жимиб қолди. У имлаб, адъютантни чақирди-да, секин деди:

— Наряддан озод кишиларни гарнизон ошхонасига йиғинг, коммунистлар албатта бўлсин. Нарядда коммунистлардан турган бўлса, уларни алмаштиринг...— Навбатчига деди:— Соқчиларни бу ерга чақиринг...— Милтиқларига найза ўрнатган тўрт қизил аскар шахдан қадам ташлаб, эшик олдида пайдо бўлгач, парламенгерларга шундай деди:— Шу ерда тура туринлар, жаноблар.

— Бу нима, қамоққа олишми?— сўради бирдан нафаси ичига тушиб кетган новча одам.

— Йўқ, эҳтиёт чораси бу, иккинчи полкингиз штабида ҳукумат аъзолари бошига тушган кун сизнинг ҳам бошингизга тушмасин тагин,— деди Белов ва чиқиб кетди. Унинг юзи тош қотганга ўхшаб ҳеч нимани уқиб бўлмасди.

Ошхонада одам кўп эди. Столлар бир-бирининг устига тахланиб, девор томонга суриб қўйилганди. Очилган жойда қизил

* Сартлар — ўзбекларни шовинистча шундай аташган.

аскарлар ва командирлар зич бўлиб, тиқилиб туришарди. Айримлар дераза тоқчасида ўтирарди. Ҳазилкаш украин йигити, бутун артиллерия ротасидагилар яхши кўрадиган тадбиркор наводкачи Чалий эса тахланган столлар устига чиқиб олганди, бу омонат жойда бекитиб чекиб, юқоридан кинояли луқма ташлаб ўтирарди. Шаҳардаги воқеалар тўғрисида, комиссарларнинг отилганлиги, Осиповнинг хати тўғрисида ҳамма хабардор қилинган эди, шунинг учун ҳар ким ўз фикрини билдиришга, мулоҳазаларини ўртоқлашишга ошиқарди.

Иван Панфилович бу шовқинни олисданоқ эшитди, унга ошхона қўзғатилган ари уясини эслатди. У келиши билан гап-сўзлар тўхтади. Белов ҳамон важоҳатли юзи қимир этмай, уни кўриб йўл берган одамлар орасидан ўтди-да, стол олдига келди, (бу стол «шундай туриши лозим» деган мазмунда жойида қолдирилган бўлса керак) ва одатдаги оҳангда гапирди:

— Қани бир гаплашиб олайлик, ўртоқлар... Биласизми, Туркистон Ҳарбий комиссари Осипов бизнинг қонуний сайланган ҳокимиятимизга қарши исён кўтарди. У ҳарбий диктатура эълон қилиб, ҳукумат аъзоларининг кўпларини отиб ташлади. Энди нималар деб ёзганини эшитинг. Хат менга ёзилган, лекин у ҳаммамизга тааллуқли.— Белов Осиповнинг хатини ўқиб бериб, давом этди:— Ўйлайманки, хатдаги ҳамма гап ҳам тўғри эмас. Хусусан исёнчиларга қўшилган кучлар ҳақидаги гап. Янгидан чиққан диктатор оширворяпти. Акс ҳолда қалъадан бетарафликни илтимос қилиб ўтирмаган бўларди. Закаспий, Фарғона ва Актюбинск фронтларидаги қўшинларимиз исёнга қандай қарайдилар, бу ҳам номатълум. Тошкент — бу бутун Туркистон деган гап эмас ҳали. Лекин аҳвол ниҳоятда жиддий. Бизда ҳам ҳамма иш кўнгилдагидек эмас. Душманлиги яққол кўриниб турган қуроли тўда қалъага келиб қолганда кимдир казарманинг катта дарвозасини очиб қўйган. Биз оломонни тарқатиб юбордик, аммо сотқинлик қилишга уриниш такрорланмайди, деб бўлмайди... Хўш, биз Осиповга нима деб жавоб қиламиз?

Орага тушган сукунатда тепадан Чалийнинг овози эшитилди:

— Эҳ, ўша мишиқи Осипов Госпиталь кўчасидаги батареямизни қуролизирантирмаганида, уни бошлаб адабини берардик...

Юзини сепкил босган қотма ўспирин оёғи учидан туриб, дўриллай бошлаган овозда қичқирди:

— Нима, энди мумкин эмасми?

— Нимага мумкин бўлмас экан... Фақат сен, Михаська, иштонингни булғаб қўясанми, деб қўрқаман...

Ҳеч ким ҳатто илжаймади ҳам. Чалий бемаврид ҳазил қилганини сезиб, елкасини қисди, енгидан папиросдан тортиди.

— Хўш, Осиповга нима деб жавоб қиламиз, ўртоқлар?— яна секин, лекин дона-дона қилиб сўради Белов.

Ҳар ким ўзича ёрилди:

— Бу аблаҳга қалъани топшириб қўярканмизми?!

— Қўнгли нималарни тусамайди! Биз қўл қовуштириб ўтираверайлигу у бизнинг ҳокимиятимизни отиб ташлайверсин экан-да!..

— Кўп гап эшакка юк! Оқ иблисларни адабини бериш керак!..

Қалъа ротасининг озғин, буғдойранг, мўйловчаси текис қирилган командири одамлар орасидан қисилиб ўтиб, столга яқин келди. У титраб, ғазабдан ўзини аранг тутиб турарди.

— Биз, — деди у, — Керенскийнинг буйруғига биноан генерал Корбвниченко ўн еттинчи йилда жазо экспедицияси билан бу ерга, Тошкентга келганда ундан қўрқмаганмиз. У вақтда анча кучсиз эдик. Энди Осиповдан ҳам қўрқмаймиз. Бизнинг қалъа ҳамиша Совет ҳокимиятининг таянчи бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Шунинг учун иккинчи полк штабдагилар хомтама бўлишмасин. Бу ерда сотқинлар йўқ. Агар топилгудек бўлса, биз ўзимиз уни қутурган итдек отиб ташлаймиз...

Унинг овозини қичқириқлар босиб кетди:

— Тўғри!.. Тўғри!..

— Аблаҳларни уриш керак!..

— Отиб ташлаш керак!..

Шовқин тинганда комендантнинг адъютанти Ян Веверс стол олдига келган эди.

— Қалъа коммунистлари, — деди у ҳар бир сўзни чертиб-чертиб, бу гал деярли акцентсиз, — шуни айтишни таклиф қилмоқдалар: биз қизил аскарлар ва командирлар ҳеч қандай диктаторга йўл қўймаймиз, сўнги томчи қонимиз қолгунча қалъамизни ҳимоя қиламиз.

Якдиллик билан овоз бериб, жой-жойларига тарқала бошлади. Ташвишли кеча бошланаётган эди, балки ҳали бундай кечалардан кўп бўлар.

Ян Веверс бир оз тутилиб комендантдан орқада қолди. Машқ командасининг бошлиғи Шишарин унга етиб олди.

— Чекамизми?— таклиф қилди у.— Зўр папиросим бор.

— Раҳмат. Чекмайман.

Шишарин шошиб, ўзи чекди ва тутунни бурқситиб деди:

— Коммунистлар диктатор хусусида тўғри айтишди...

Веверс индамади.

— Биласизми, Ян...— Шишарин шивирлаб гапира бошлади.

— Мен ёмон гап айтмоқчи эмасман, лекин биласизми... За-мон шундайки, ҳар бир одамдан кўз-қулоқ бўлиб юришга тўғри келади.

— Тўғри келади, — қисқа қилиб деди Веверс.

— Ҳа, ҳа, — суюнди Шишарин, — мен ҳам шуни аниқман-да, Иван Панфилович ажойиб одам, лекин у ҳар қалай сўл эсер-ку. Хатни ҳам Осипов шахсан унинг ўзига ёзган. Сиз бунга эъти-бор қилдингизми?

— Эътибор қилдим.

— Ҳар нарсани кутиш мумкин. Осипов бекорга унга ҳарбий комитет ва ҳукуматдан жой таклиф қилмайди. Демак, бирон нарсага...

Веверс тўсатдан кескин бурилиб қалъа штабига қараб тез юриб кетди, ажабланган Шишариннинг гапи оғзида қолди.

Комендант кабинетига кираверишда у кабинетдан чиқиб ке-лаётган парламентёрларга дуч келди ва орқаларидан Белов айтган гапларни эшитиб қолди:

— Осиповингизга шундай деб айтишингиз мумкин!..

Еноқлари қизариб кетган, оғир нафас олаётган Иван Панфи-лович кабинет ўртасида турарди. У янги пайдо бўлган бу дик-таторнинг вакиллари тўхтатиб, шу қалъа девори олдида отиб ташлашни хаёлидан ҳам ўтказди.

— Ян, — деди у ўзини босиб олиб, — «улар»ни соқчилар билан дарвозадан чиқариб қўйинг, тагин уларга бирон бир нарса бўл-масин. Тушуняпсизми?.. — у шундай деди-да, кескин бурилиб, дераза олдига келди.

Веверс кабинетга қайтиб келганда Иван Панфилович ҳамон дераза олдида туриб, тонгги ғира-ширага тикиларди ва шаҳарда Совет ҳокимиятига содиқ бўлиб қандай ҳарбий қисмлар қолган-нийкин, деб ўйларди. Собиқ гарнизон бошлиғи сифатида, — уни бу лавозимдан Осиповнинг талаби билан бир ой олдин озод қилишган эди, — у ҳарбий қисмларнинг сони, қандай қуроллан-гани, команда состави, маънавий аҳволини яхши биларди, энди бўлса улар исёнга қандай муносабатда бўлишини ўзича тасав-вур қилишга уринарди. Албатта, ўтган бир ой ичида Осипов ҳарбий қисмларда кўп ўзгаришлар қилган бўлиши мумкин, ле-кин ҳар қалай... У яна исён ҳақидаги хабар фронт қўшинларига-ча бориб етганмикин, улар бунга қандай қарашган экан, деб ҳам ўйларди. Фарғона фронтдан унинг қўнгли тўқ эди. У ерда ҳозир Компартия ўлка комитетининг раиси Солькин бор эди, фронт қўмондони ҳам авантюрага учадиганлардан эмас, Актю-бинск фронтдан ҳам ташвишланмаса бўлади. Бир неча кун ол-дин у ерда бошланган ҳужум исёнчилар учун бирон бир арзугулик

ҳарбий қисми Тошкентга юбориш имконини бермайди. Бунинг устига, операцияга бошчилик қилган Туркистон бош қўмондони Зиновьев* советларга қарши бирон фитна чиқаришга йўл қўймайди. У ерда команда состави ҳам ишончли. Улар исёнчилардан кўра советларга ёрдамга келишади. Лекин Закаспийда нима бўлиши номаълум. Уч ҳафта бурун Колузаев кийинтиришни баҳона қилиб, қутилмаганда ўз отрядини фронтдан олиб, Тошкентга келтирди. Айтишларича, бу ишни у ўзбошимчалик билан қилган. Ҳақиқатан шундай бўлганмикин? Ахир бунақа ишлар учун одатда стабилар-ку! Бироқ Колузаев жазоланмади. Унга қачонгача ишонса бўлади? 1-Сибирь полкининг бу собиқ фельдфебели сўл эсер бўлса нима бўпти? Лавенков ва Шамсуддинов ҳам эсерлар-ку, бироқ бу ҳол уларга Осипов билан биргаликда иш кўришга халақит бермади. Успенскийнинг ўзи ҳам шубҳали. Белов унга ёмонликни раво кўрмоқчи эмас, лекин нега 2-полк штабига унга жуда мулозамат қилишади? Бу саволларнинг биронтасига Иван Панфилович жавоб тополмасди. Лекин битта савол уни ҳаммадан кўра кўпроқ ташвишлантирарди: исёнчиларга таслим бўлмаган фақат қалъанинг ўзимикин? Хўш, Бош устахоналар, темир йўлчилар нима бўлди? Ахир у ерда Осиповнинг тарқатиб юборишига йўл қўйишмаган қизил гвардия бор-ку...

У дераза олдидан узоқлашиб, стулга ҳорғин ўтирди.

— Кузатиб қўйдингизми уларни, Ян?

— Ҳа, Иван Панфилович.

— Ҳеч нарса бўлмадими?

Адъютант жилмайди:

— Қалъада интизом бор.

Ҳа, баъзан бузилиб туришига қарамай, ҳар қалай қалъада интизом борлиги сезилиб турарди. Буни Беловнинг ўзи ҳам биларди.

— Сиз нима дейсиз, Ян, агар биз Осипов штабига ўз парламентларимизни юборсак, улар у ердан қайтиб келишармиди?

— Йўқ.

— Ҳа, гапингиз тўғри... Биласизми, нима учун? Уларнинг кучи оз, ишончлари йўқ, шунинг учун шошилишяпти. Агар уларда...

Иван Панфилович нимагадир қулоқ солиб, бирдан жимиб қолди.

Олисдан, эрта тонг сукунатини бузиб, паст, йўғон, тўхтаб-

* Зиновьев Георгий Васильевич — большевик, Туркистон главоми, Оренбург фронт қўшинлари қўмондони, Туркистон армияси Шарқий фронт Жанубий группасининг командарми, Қизил Армия Ҳарбий-инженерлик академиясининг бошлиғи. 1934 йилда вафот этган.

тўхтаб чалинаётган гудок худди қандайдир забардаст, қудратли бир одам ёрдамга чақираётгандай эшитиларди.

Иван Панфилович билан Веверс бир-бирларига тикилиб қолдилар ва ҳали ўзларига ишонмай, баравар хитоб қилдилар:

— Бош устахоналар!

Адъютант секин қўшиб қўйди:

— Балки, бу Бородинскийларнинг гудокларидир?

Лекин Иван Панфилович қўл силтади:

— Олинг-а... Бородинскийларники эмиш! Уларнинг ҳақиқий гудоги йўқ-ку. Нар и борса паровозникидай чиқади. Йўқ, бу Бош устахоналарники.

— Паст, йўғон гудок овози эса ҳамон шаҳарни ташвишга солиб, тинмай ҳайқирарди.

— Уларда артиллерия борми?— кутилмаганда сўради Веверс.

— Ҳа, мортирни қўшмаганда, иккита батарея бор. Лекин уларнинг снаряди борми-йўқми, бунисини билмайман... Нега буни сўраб қолдингиз?— кўз қирини ташлади Белов адъютантга.

Адъютант қалъа комендант боши тепасидан қаёққадир қараб, кулиб қўйди:

— Меники ўйлайди, Осипов ўз штабини жуда ноқулай жойлаган.

— А-а! Бу ҳақда гапиришга ҳали вақт эрта.— Иван Панфилович анчагача хаёлини бир жойга қўйиб, жим қолди.— Улар билан алоқа боғланса, ёмон бўлмасди,— деди у хаёл суриб.— Лекин ҳамма нарсани ҳам телефон орқали гапириб бўлмайди. Бирон кишини юборилса-чи? Ушлаб оладилар.. Лекин нимадир қилиш керак.

Иван Панфилович турди, кабинетнинг у бошидан-бу бошига юрди, мингирлаб деди:

— Солдат юборсакмикин? Бўлмайди...— Бошқача кийинтирсакмикин? Бу ҳам шубҳа туғдиради. Сира ҳам зиёли қилиб кийинтириб бўлмайди. Яна ким билсин, уларда тартиб қандайкин...

— Мишкани юборсак-чи?

— Қайси Мишкани?

— Водовозовни, қалъа ротасидаги.

Иван Панфилович ўйланиб қолди.

Ун тўрт ёшлардаги ўсмир Мишка Водовозовни қалъа ротасининг командири ўтган йил баҳорда ошхона олдида кўриб қолганди. Болакай қўшимча бино орқасидаги бурчакда гужанак бўлиб, тақир ерда ухлаб ётарди. У жуда озиб-тўзиб кетган— эти бориб суягига ёпишган, сочлари ўсиқ ва ниҳоятда исқирт

эди. Маълум бўлишича, тушликка яқин у ошхона олдида илгари ҳам пайдо бўлиб тураркан. Ошпазлар раҳмлари келиб, уни овқатлантиришаркан. Қалъа ичига қандай қилиб кириб олганини ҳеч ким билмасди. Сўраб-суриштиришганда унинг отаси ҳам, онаси ҳам йўқлиги маълум бўлди. Ота-онаси ярим йил аввал терламадан ўлиб кетишган экан. Унинг қариндошлари ҳам йўқ эди. Уз ҳолига қолиб, дуч келган жойда кунини кўриб юрган: кундузлари бозорларда санғиган, кечалари бирон бир бурчакка кириб ухлаган.

Ротада уни биронта болалар муассасасига бериб юборишни мўлжаллаб, юзиб-тарашди, кийинтиришди, лекин ишлар билан ўралашиб қолиб, унутиб юборишди. Миша қалъага кўпиккиб кетди, тезда ҳамманинг арзандаси бўлиб қолди.

Буларнинг ҳаммаси Иван Панфиловичга ҳам маълум эди, шунинг учун Веверснинг таклифини ўйлаб туриб:

— Йўқ,— деди у бўшашиброқ.— Болани нобуд қилиб қўйишимиз мумкин. Ахир унга хат бериш керак бўлади. Бош устахоналарда унинг сўзларига ишонишмайди. Борди-ю, уни исёнчилар ушлаб, хатни топиб олишса-чи,— икқиланди Белов,— у шу ерлик бўлса ҳам, бошпанасиз санғиб юрган...

— Сиз у билан гаплашиб кўринг,— таклиф қилди адъютант.

Бир неча минутдан сўнг Миша Водовозов қалъа командирининг кабинетига келди.

— Буйругингизга биноан келдим,— ҳарбийчасига дадил гапирди Мишка. Унинг айёрона кўзлари чақнаб турарди.

— Утир,— деди Иван Панфилович шундай масъул ишни ўсмирга топширишни ҳамон ҳал қилолмай,— гап бор. Гудокни эшитдингми?

— Бош устахоналарнинг гудогиними?

— Қаёқдан биласан Бош устахоналардан чалинганлигини?

Мишка «буним ким билмас экан?» демоқчи бўлгандай писанд қилмай, елкасини учуриб қўйди.

— Ахир буним ротамиздагиларнинг ҳаммаси билади-ку.

Иван Панфилович лабини қимтиб қўйди.

— Гап бундай, Миша, ўша ёққа. Бош устахоналарга хат олиб бориш керак.

— Эплайман.

— Шошилма... Хат жуда муҳим. Осиповчиларнинг қўлига тушиб қолсанг, соғ қўйишмайди. Уларга чап бериш жуда қийин. Шаҳар кўчаларида патруллар бор.

— Кўчалардан юриш шартми? Боғма-боғ ўтиб борса бўлади. Ҳозир киш-ку, ким ҳам уларни кўриқларди.

— Қалъа дарвозасидан чиқишинг билан сени пайқаб қолишади.

— Прудников уриниб кўрган...

— Йўқ, дарвозадан чиқиб бўлмайди. Отхона орқасидаги девордан ошиш керак. У ерда ҳеч зот йўқ. Арқон бўлса бўлгани...

Иван Панфилович Мишкага шубҳаланиб қаради.

— Сен илгари ҳам... шундай қилиб қалъага кирганмисан?

— Шундай қилгандим...— деди Мишка ерга қараб.

«Бунақа бола чиндан ҳам ўта олади»,— бепхтиёр хаёлидан ўтказди Иван Панфилович.— Сени қара-я, қалъанинг заиф жойини топибсан. У ерга қўшимча пост қўйиш керак экан».

У столга ўтириб, хат ёзди, уни елимлади. Мишканинг кийимларини диққат билан кўздан кечирди ва мамнун бўлди. Унинг эгнидаги кийимлар ҳарбийча эмасди. Этик, қулоқчин, фақат пахталик нимча... Лекин бундай пахталик нимчаларни шаҳарда кўплар кийиб юради.

— Менга қулоқ сол, Миша: мана бу пакетни дуч келган сдамга берма. У ерда ҳам ҳар хил одамлар бор. Сотиб қўйишлари мумкин.

— Хотиржам бўлинг, Иван Панфилович, мен у ерда кўпларни биламан: Қизил гвардия командирини, партия дружинаси командирини, Иван Матвеевични.

— Бу қайси, Парамоновми?

— Ҳа, ўшани-да.

Белов бу масалада улар ҳеч нарсани ҳал қилолмайдилар, деб ўйлади. Мишка ўз фаҳми билан иш қилар.

— Майли бўлмаса, боравер, Мишенка,— деди у ва девордан ошиб ўтишда ўсмирга ёрдамлашишни адъютантга буюрди. Чунки бу ишни қалъада бирон кимса билмаслиги керак эди.

Булутларни ёриб ўтган қуёш нури деразага тушди, ойнада товланди, хонага ўтиб, стол орқасида ухлаб ётган одамнинг юзини қитиқлади.

Иван Панфилович акса уриб, уйғониб кетди. У бир дақиқа рўпарасига шуурсизлик билан тикилди, нима бўлганини, нега ўз кабинетида ухлаб қолганини эслашга уринди. Кейин дераза дап отряд билан келяпман. Биз томонда, Эски жўвада халқ билан қўнғироқларнинг шиддатли жаранги ҳам кирди. Худди пасха байрамидагидек ҳамма қўнғироқлар: яқин черковдагилари ҳам, олисроқдагилари ҳам чалинарни, узоқдан эса собор қўнғироқларининг майин овози эшитилаётган эди.

«Бугун якшанба, чўқинтириладиган кун, сув тайёрлашяп-

ти».— хаёлидан ўтказди Иван Панфилович. Лекин бу одатда якшанба куни чалинадиган қўнғироқ овози эмасди. Қўнғироқлар жуда шоднаёна янграётган эди.

Адъютант кириб, у ҳам дераза олдига борди.

— Бизни дафн этишяпти, Ян, шошилишяпти...— деди Иван Панфилович.— Қувонганларидан териларига сиғишмаяпти, ҳовликмалар.

— Емонлик аломати.

— Ҳа, шаҳар исёнчилар қўлига ўтганга ўхшайди.

Қўнғироқлар бўлса дабдаба билан чалинар, жаранглар, ҳайқирар, шовқин солар, майин навога айланиб тарқалар, худди қандайдир тўсиқлар бузиб ташлангану, юракнинг туб-тубида йиллаб яшириниб ётган кек-адоват бирдан қалқиб чиқиб, шаҳар узра заҳархандалик билан ёйилгандек эди.

Иван Панфилович деразани ёпиб, ўгирилиб олди.

Навбатчи кириб, қалъа дарвозаси олдида аллақандай қуролланган отряд киритишни сўраётганлигини айтди.

— Қандай отряд экан?

— Эски шаҳардан.

— Бошлигини киритинг. Қолганларини киритмай, нишонга олиб туринглар.

Ун минутлардан сўнг қадам товушлари эшитилди ва кабинетга паст бўйли, юзи думалоқ, сал оқ оралаган мўйлови калта соқолига туташиб кетган ўзбек кирди. Унинг эғнида тўн бўлиб, белини камар билан боғлаб олганди, камарнинг чап ёғида иккита шиша граната, ўнг томонида филофли тўппонча осилиб турарди. Серғайрат, ҳаракатчан, қора кўзлари чақнаб турадиган бу одамни ҳеч ким олтмиш ёшда деб ўйламасди, у анча ёш кўринарди.

— Очил!— хитоб қилди Белов ўрнидан туриб уни қарши оларкан.—Қайси шамол учирди?!

— Мадрасада домламиз одамларнинг тақдирини олло таолло азалдан пешанасига ёзиб қўйган, деб ўқитарди,—дея кулиб жавоб қилди у.—Ҳозир бўлса мен шундай ўзимча эски шаҳардан отряд билан келяпман. Биз томонда, Эски жўвада халқ маслаҳатлашиб, Совет ҳокимиятини ёлғизлатиб қўйиш яхши эмас, дейишди. Саломлашмайсан ҳам, Иван Панфилович! Меҳмонларни қабул қилиб ол..

Улар қучоқлашиб кўришишди.

— Шунинг дарвоза олдида нега дарров айта қолмадинг?

— Биз ёлғиз ўзимиз эмасмиз-да... Йўлда Осиповчилар отрядини учратиб қолдик. Утказиб юборишга кўзимиз қиймади. Бебош қолиб, улар яна бемаъ依ликлар қилиши мумкин. Шунинг учун уларга қурол билан ўйнашиб бўлмасликни тушунтиришга

тўғри келди. Улар қулоқ солишни истамадилар, лекин қўлимиздаги гранаталар кўзларини очиб қўйди.

— Ярадорлар борми?

— Йўқ, шундоқ эпладик.

— Отрядингизни нима қилиб дарвоза олдида ушлаб турибмиз? Ян, айтинг, киритишсин. Улар қуролсизлантирган одамларни эса ишончлироқ жойга киритиб, соқчилар қўйиб қўйинг. Бир оз ҳовурларидан тушишсин.

Веверс чиқди.

Очил Бобожонови эски шаҳарда яхши билишарди. Ун олтинчи йилдаги кўзғолонда фаол қатнашган Бобожонов касби ғишт терувчи бўлгани учун ўзбек қурувчи ишчилари ўртасида катта обрўга эга эди.

— Қанн, Очил, айтиб бер, нималарни кўрдинг, шаҳарда нима бўляпти?— деди Белов.

— Ишлар чатоқ. Биз марказда бўлмадик. Ўзинг тушунасан, бу отрядимиз билан у ёқда кўриниб бўлмайди. Чет-четлаб келдик. Эски шаҳардаги партия дружинамиз ўралашган эди, оқибати ёмон бўлди. Лекин ўғлимнинг гапига қараганда...— у отлиқ милиция отряди билан марказда бўлган эди,— исёнчилар Бош устахоналардан аранг қочиб қолишибди, у ерда уларнинг адабини беришибди. Уларнинг ҳарбий билим юртида ҳам омадлари юришмабди. У ерда Востросаблин бор. У гарчи эски генерал бўлса ҳам, содиқ одам...

— Хўш, шаҳар қалай?

— Шаҳар Осипов қўлида. Кўнғироқлар овозини эшитдингми? Халқ кўчаларда худди инқилобгача бўлгандек шляпа, қалпоқлар кийиб юрибди... Жанг фақат Озодлик уйи олдида бўлди. Лекин бизникиларни у ердан уриб чиқаришди.

Ҳа, нохуш хабарлар...

Очил Бобожонов отряди қандай жойлашганлигини кўришга кетди, Иван Панфилович бўлса ўз кабинетида қолиб, яна хаёлга чўмди: Миша Водовозовга нима бўлдийкин? Ҳушёр болакай Бош устахоналарга етиб олганмикин? Борган бўлса, хатни ишончли одамларнинг қўлига берганмикин? Ахир у ерда ҳам ҳар хил одамлар бор.

2

Январнинг совуқ шамоли шаҳарнинг музлаган кўчаларида чинқирар, қорни учириб музлаб қолган темир йўл изларига қараб супураб, совқотган одамларнинг юз-кўзларига сепар, чапишиб кетган темир йўллар, стрелкалар, белгилар ёнидан гувил-

лаб ўтиб, Бош устахоналарнинг маҳкам беркитилган дарвозасига урилиб тўхтарди.

Дарвоза олдида қуролланган бир группа ишчилар олдинга ва ён-атрофларга диққат билан қараб турарди.

Кеча, кеч соат ўнларга яқин исёнчилар отряди устахоналарни эгаллашга уринди, лекин, қизил гвардиячилар уларни тўзғитиб юбордилар. Шундан сўнг ўн беш минут ўтгач, устахоналар советининг раиси Агапов дарвоза олдида пайдо бўлди. Унга бўлган воқеани айтиб беришди. «Бўлмаган гап,— эътироз билдирди у.— Чўқиниб келаётган маст биродарларни исёнчилар деб ўйлабсизлар-да». У ишчиларга бориб ухлашни маслаҳат берди-да, кетди.

Лекин қизил гвардиячилардан ҳеч бири завод дарвозаси олдидан кетмади. Бир неча кундан бери шаҳарда тайёрланаётган контрреволюцион исён тўғрисида миш-мишлар юрарди. Эрталаб эса 2-Сибирь полкининг казармаларида халқ комиссарлари қамоққа олинганлиги маълум бўлди, ана ўша пайтда ташвишли гудок ярим соатча ўқтин-ўқтин чалиниб турди, бу гудок Совет ҳокимияти ҳимоячиларини оёққа туришга даъват этганди.

Раҳматбек Хўжаев шошилмай кираверишдаги будка олдида келди, соқчи билан бир-икки оғиз гаплашиб, бир минутча туриб қолди, сўнг Бош устахоналар ҳовлисига кирди.

Бу ер худди қамал қилинган қалъани эслатарди. Қурол-яроғ омборида келаётган ишчиларга милтиқлар тарқатишарди. Патронлар сақланадиган жойдан цинк*ларни кўтариб чиқишаётган эди. Ичкарида қуролланган кишилар взвод-взвод, рота-рота бўлиб сафланишарди. Тўп расчётлари снарядлар учун ўра қазишарди.

Темир йўллардаги бронелетучкани — олдинги жангларда жуда қўл келган иншоотни ясатишарди — темир йўл платформасига тўп, пулемётларни ўрнатишди, ён томонларини эса прессланган пахта тойлари билан «зирҳлаб» қўйишди. Бу уймалашиб ётган одамлар ичида кичкина ҳарбий қисм алоҳида ажралиб турарди. Улар ҳарбий инструкторлар курсларининг тингловчилари эди. Уларнинг кўплари исён кўтарилган тунда шаҳарга рухсат билан чиқиб кетган эдилар, тревогани эшитиб, қалъага қайтиб киролмай, Бош темир йўл устахоналарига келишганди. Улар қурол олиб сафланишди, одамлар ўтиб турган жойдан четроққа чиқиб, найза ўрнатилган милтиқлар билан пирамида ҳосил қилишди.

* Цинклар — патрон солинган металл дшиклар.

Уларга сал оқсоқланадиган, паст бўйли, озгин, кекса бир киши команда бериб турарди.

«Востросаблин,— хаёлидан ўтказди Раҳматбек Хўжаев.— Ана холос, генерал-лейтенант бўла туриб улар билан бирга-я! Наҳотки Осипов уни назардан четда қолдирган бўлса? Эътиборсизлик, эътиборсизлик...» — Лекин бу фикр таъсир қилмай, ҳаяжонлантирмай бир зумда сўнди қолди. Бу икки лагерь ўзаро олишавермайдими, унга нима! Унинг ўз йўлл, ўз мақсади бор.

Завод ховлисида тентираб, одамлар ўртасида айланиб, Раҳматбек устахона конторасига йўл олди. У ерда, катта ҳарбий қўшилмалар штабидагига ўхшаб ташвишли одамлар коридорларда у ёқ-бу ёққа югуриб юришар, телефонлар шиддат билан жиринглар, чопарлар келиб-кетиб турарди...

Бош устахоналар совети раиси Агапов кабинетининг (илгари бу директорнинг кабинети эди) яхши ёпилмаган эшиги тирқишидан ҳаяжонли овозлар эшитиларди. Раҳматбек кабинетга қаради-ю, тез эшикни ёпди: у ерда вақтли Революцион ҳарбий кенгаш мажлиси бўлаётган эди.

Вақтли Революцион ҳарбий кенгашни ҳукумат аъзолари қамоққа олинганлиги маълум бўлиши билан шу ерда, устахоналарнинг ўзида сайлашган эди. У ўз состави жиҳатидан бир хил одамлардан иборат эмасди. Илгаридан Туркистонда коммунистлар билан бирга ўзининг катта ташкилотига эга бўлган сўл эсерлар ҳам ҳокимият составига кириб қолганди. Бу ҳол вақтли Революцион ҳарбий кенгашни тузиш чоғида ҳам таъсир қилмай қолмади. Революцион ҳарбий кенгашда яқдиллик йўқ эди. Бу айниқса бир неча соатдан буён чўзилаётган ҳозирги мажлисда кўриниб турарди. Исёнчиларга қарши курашни бошлаш вақти масаласида тортишув кучайиб кетди.

Қўшинларга қўмондон этиб тайинланган сўл эсер Колузаев кураш бошлашга ҳали вақт эрталигини исбот қилиб бериш учун бир неча марта сўз олди:

— Биз ўз сўзимизда туришимиз керак,— дерди Колузаев муштини ҳавода силкитиб.— Биз Осиповга ультиматум топширдик. Бу ерга унинг вакиллари келди, уларга Осипов исёни тўхтатсин, деб айтдик-ку...

— Сенинг гапингга кирармиди у,— деди озиқ-овқат бўйича собиқ халқ комиссари Казаков. У исёнчилар қамоққа олишдан қутулиб қолган оз сонли раҳбар ходимлардан бири эди. Казаков бу демагогии сўкиб юборишидан ўзини базўр тийиб турарди.

— Осипов қўлга олган ўртоқларимиз иккинчи полк казармаларида ётганини унутиб қўйяпсиз, Аристарх Андреевич...— деди Колузаев.

Чекка бурчакда кимдир сскин, лекин ҳамма эшитадиган қилиб гапирди:

— Эҳтимол, шундайдир, лекин у ерда сизнинг ўртоқларингиз ҳақида бирон бир гап йўқ.

Колузаев қизариб-бўзариб, пешанасидаги йўғон томири ўйнаб кетди.

— Мен эътироз билдираман!— бақирди у.— Ўртоқ Успенский ҳам қамоққа олинганлиги яхши маълум. Шундай экан, савол туғилади: ўз ўртоқларимиз ҳаётини хавф остида қолдиришга қандай ҳақимиз бор? Агар биз ультиматум муддатигача сабр қилмасак, уларни ўлдириб юбориш учун Осиповга баҳона топилади.

Залга жимлик чўкди. 2-Сибирь полки казармаларида кўплари подполье вақтидаёқ ёки Октябрь қўзғолонига тайёрланиш пайтида ака-укадек бўлиб кетган одамлар қамоқда ётарди, улар бу одамлар билан биринчи Советларни тузишган, контрреволюцияга қарши кураш олиб боришган эди. Шу сабабли Колузаев ҳақ бўлса-чи, деган шубҳа ҳам туғиларди. Ҳақиқатан ҳам, бу одамлар бевақт ҳужум бошлаб, уларнинг ҳаётини хавф остида қолдиришмасмикин?

Думалоқ юзли, солдат гимнастёркаси кийган, яхши кузлик пальтосини елкасига ташлаб олган ўттиз ёшлардаги Николай Андреевич Дрожжин ўрнидан турди. Гимнастёркасининг ёқасида атайлаб иккита тугмаси қадалмаган, бу Дрожжинни қандайдир азамат йигит қилиб кўрсатарди. Тингловчиларни фақат гапининг маънодорлиги билан эмас, оҳангдорлиги билан ҳам ўзига жалб қилиб оладиган тажрибали нотик тез кўтарилди, бир вақт ҳатто ҳукуматни ҳам бошқарди, бироқ кўп ўтмай бунинг уддасидан чиқолмаслиги маълум бўлиб қолди. Раҳбарликдан четлаштирилгач, у аввалги лавозимларини қай йўл билан бўлмасин эгаллашга уринган, ўзи сингари ранжитилган «эски коммунистлар» группасига қўшилди, лекин партия съезди «эски коммунистлар» группасини кескин қоралаб қарор чиқаргач, ҳеч нарса қилолмай, дами ичида юрган эди.

Дрожжин вақтли Революцион ҳарбий кенгаш аъзоларига назар ташлаб, бир-бирига зид келадиган ғалати туйғулар оғушида қолди. У исённинг ҳамма хавфини яқдол тушуниб турар, Осипов қамоққа олган ўртоқларнинг тақдиридан ташвишланар, лекин қалбининг аллақайси тубида агар ҳокимият тепасида мен турганимда, бу ишлар бўлмаслиги мумкин эди, деган фикр ҳам яшириниб ётарди. Ана шу фикр тасодифан, беихтиёр қалқиб юзага чиқиб қолди:

— Юз берган воқеада ким қанчалик айбдорлиги ҳақида фикр юритишнинг вақти эмас ҳозир. Ваҳоланки, Халқ Комис-

сарлари Совети Раиси ўртоқ Фигельский ва Туркистон Марказий Ижроия Комитети Раиси ўртоқ Войтинцев Олий ҳарбий коллегияда Осипов билан бирга бўлиб, бу ярамас нима билан шуғулланиб келганлигини бошқалардан кўра яхшироқ билишлари керак эди...— деди Дрожжин ва Агаповнинг заҳархандалик билан:

— Бунинг нимасини кавлаштиради киши? Учаловлари ҳам бир партиядо турадилар,— деб ташлаган луқмасини эшитгач, бирдан тутилиб қолди.

Ҳамма ёқда шов-шув бошланди, эътирозли хитоблар эшитилди. Казаков зарб билан муштини столга урди.

— Сафсатабозлик етар! Бу ерда эрталабдан бери бош қотирамиз... Мен ҳайронман, Революцион ҳарбий кенгаш мажлисида Агапов нима қилиб ўтирибди?

— Мени ишчилар синфи сайлаган, ўртоқ Казаков. Буни билиб қўйсангиз ёмон бўлмасди...

— Ишчилар ўйламай сизни Бош устахоналар совети раислигига сайлаб қўйганлигини яхши биламан, лекин сизни ҳеч ким Революцион ҳарбий советга сайламаган-ку. Бизни ўз ҳолимизга қўйиб, чиқиб кетсангиз, ёмон бўлмасди...

— Большевикча демократия,— деди Агапов эшикка қараб йўл оларкан.

— Мана шу демократия меньшевикларда қанақа эканлигини жуда кўп кўрганмиз,— жавоб қилди Иван Матвеевич Парамонов чимирилган қошлари остидан кўзларини чақнатиб.— Гап бундай, беҳуда лақиллашишга барҳам берайлик. Осиповни пайқамай қолишибди, деб ўртоқларимиздан гина қилишнинг ҳам ҳожати йўқ. Улар соғ қолмаган бўлса ҳам керак. Бу билан ўртоқ Дрожжин, ишга ёрдам қилиб бўлмайди. Фақат улар доғда қолганлари йўқ. Мана, масалан, Колузаев Осипов билан бир квартирада яшайди, лекин у ҳам ҳеч нарсани пайқамаган-ку.

— Мен бундай сассиқ кесатикларга норозилик билдираман,— ўрнидан сакраб турди Колузаев.

— Топиб олган гапини қаранг. Норозилик билдираман, норозилик билдираман... Норозилик билдириш керак эмас, жанг қилиш керак, сира кечикмасдан...

Коридорда шовқин-сурон эшитилди.

— Қўйиб юбор, деяпман сенга! — боланинг чинқириги эшитиларди.— Сен, аҳмоққа айтяпман! Ушлама, бўлмаса тишлаб оламан!

Эшик зарб билан очилди, кабинетга телогрейка кийган, қулоқчини қийшайган ўспирин отилиб кирди. Унинг орқасидан хижолат бўлган қизил гвардиячи кўринди.

— Бу ерга қанақа ўжарларни қўйишган ўзи...— Успирин

бир лаҳза хонадагиларни кўздан кечириб чиқди ва Иван Матвеевични танигач, полга ўтириб, этигини еча бошлади.

— Мана,— деди у бир қўлида этик, иккинчи қўлида пакетни ушлаб Парамоновга яқинлашаркан.— Қалъа комендантти ўртоқ Беловдан. Кун бўйи юрдим. Осиповчилар қутурган итдек шаҳарда изғиб юришибди...

Парамонов конвертти очиб, хатни овоз чиқариб ўқиди. Хатда бундай дейилган эди:

«Азиз ўртоқлар!

Биз фақат ташвишли гудок туфайли исёнчилар Бош устaxonаларни қўлга олмаганлигини билдик. Бизда бошқа маълумотлар йўқ. Алоқа узилиб қолган.

Осипов қалъага ўз вакиллари янги юборди, бизни лоақал бета-раф бўлиб туришга ваъда беришимизни сўради. Лекин гарнизон унинг талабини рад этди.

Қалъа ўз бурчига содиқ турибди, қонуний сайланган ҳокимиятти ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қилади.

Биз биргалашиб ҳаракат қилишимиз керак. Бизни шаҳардаги аҳвол тўғрисида, исённи бостириш учун кўраётган чораларингиз тўғрисида хабардор қилинг. Менимча, исёнчилар фронтдан бирон бир ҳарбий қисмни олиб келмасларидан олдин дарҳол уларга ҳужум қилиш керак. Осипов шундай қилиши мумкин, чунки у республика ҳарбий комиссари бўлган.

Назаримда, ҳужумни исёнчиларнинг штаби — 2-Сибирь полки казармаларини артиллериядан ўққа тутишдан бошлаш керак. Казармаларни икки томондан — Бош устaxonалар ва қалъадан туриб ўққа тутиш лозим. Шундай қилинса, уларнинг ҳамма планлари дарҳол барбод бўлиб, ўз кучларига ишонишдан маҳрум этади. Бу эса ярим ғалабадир.

Менимча, сизларда снарядлар озроқ бўлса керак. Имкони бўлди дегунча снарядларни қалъадан ташиб келишни йўлга қўйишга ҳаракат қилинг. Зарурат туғилса, транспортни милтиқ-пулемёт ўқлари остида ҳимоя қилиб турамиз.

Қўнғилсиз хабарни сизга маълум қилишни керак. Бу хабар сизга ҳали етиб бормагандир. 2-полкдан ўтган қочоқдан маълум бўлишича, Осипов қамоққа олган ўртоқларимиз ўлдирилган! Улар орасида Войтинцев, Фигельский, Шумилов — ҳаммаси бўлиб ўн бешга яқин киши бор. Бошқаларнинг фамилиялари аниқланганича йўқ.

И. Белов».

— Мана сенга, Осиповдан ультиматумга жавоб, Колузаев,— деди Иван Матвеевич хатни Казаковга узатар экан.—

Қара-чи, Аристарх Андреевич, сен Беловнинг ёзувини яхшироқ биласан. Яна хат ундан эмас, деб ўтиришмасин.

— Нега ундан бўлмас экан?— ирғиб тушди Миша.— Хатни Иван Панфиловичнинг ўзи менга берди, уни олдимда ёзди-ку...

— Жим тур, йигитча. Бу ерда сенинг ақлинг етмайдиган ишлар бор... Хўш, Аристарх Андреевич, буни Белов ёзганми, йўқми?

— Албатта, у,— тасдиқлади Қазақов.

— Балки, буларнинг ҳаммаси ифодир?

Эътироз овозлари эшитилди.

— Ифво эмасми? Буни ҳозир текшириб кўрамиз,— деди Иван Матвеевич.— Менга қара, болакай, отинг нима эди? Миша, дедингми? Қани, бизга айт-чи бўлмаса, қалъада нималар бўляпти?

Миша Водовозов машқ командаси казармаларда асосий дарвоза очилиб қолганлигини қандай билишгани, исёнчиларнинг қалъани эгаллаш учун уринганлиги ва адъютант Веверс машқ командаси бошлиғининг ёрдамчисини қандай отганлиги, парламентарларнинг келиши ва улар қандай кузатиб қўйилганлиги тўғрисида бир бошдан айтиб берди.

— Буларнинг ҳаммасини у қаёқдан билади?— ўзини тўхта-тиб туролмади Колузаев.

— Анавини гапини-я!— елкасини учирди Миша.— Ахир мен ўша ерда, ротада яшайман-ку...

Бу гап шундай самимий, болаларча очиқкўнгиллик билан айтилдики, ишонмаслик мумкин эмасди. Иван Матвеевич мийи-гида кулиб қўйди.

— Менга қара, Миша,— деди у.— Сен у ерда, коридорда ўйнаб тур, биз гаплашиб оламиз. Ахир ҳарбий гап бу. Ротада яшаганингдан кейин ўзинг ҳам тушунарсан...

Мишанинг кетидан эшик ёпилди.

— Менимча, келишмовчиликлар қолгани йўқ,— деди Қазақов.— Ишга киришиш керак. Балким, ўртоқ Колузаев ҳужум планини бизга айтиб берар?

Йўғон, кенг яғринли, сочини устав бўйича калта қилиб олдирган Колузаев ўрnidан турди. Қўли остидаги командирлари — ёш прапорщик ва подпоручикларга менсимай қарайдиган бу типик фельдфебель — хизматчи, ўз ротасининг шоҳи ва худоси ҳисобланарди.

Иван Матвеевич энгашиб, Қазақовга бир нарса деб шивирлади.

— Бир оз сабр қилинг,— деди Аристарх Андреевич,— бу ерда Востросаблинни чақириш ҳақида таклиф бор.

— Унинг нима кераги бор?— эътироз билдирди Колузаев.— Подшо генералларисиз ҳам ишимиз битади.

— Ҳа сен айтган подшо генерали оқгвардиячиларга Кушкани бермади, уларни қалъадан шундай қувдики, қайтиб қораларини кўрсатмадилар,— деди Иван Матвеевич.— Ҳозир ҳам осиповчилар ҳужумини даф қилиб, ўз мактабни бу ерга олиб келди. Қўмондон бўлганиндан кейин буни тушунишинг керак... Овозга қўй, Аристарх Андреевич.

Овоз беришди. Кўпчилик таклиф қилинсин, деган фикрга қўшилди. Востросаблинга одам юборишди.

Паст бўйли, қотмагина кекса пойгакка келиб честь берди, оқсоқланиб кабинет тўрига ўтди-да, бир четга астагина ўтирди.

Колузаев гапирарди. У Бош устахоналардаги одамлардан тўртта полк тузишни таклиф этди. Ана шу полклар билан исёнчилар штабига ҳужум бошлаш керак. У салмоқ билан ишонарли қилиб, ибораларининг лўнда-лўнда бўлиб чиқаётганлигидан ўзи завқланиб гапирарди, у бирдан югуриб келиб кутилмаган тўсиққа рўпара бўлгандай гапи оғзида қолди.

— Қисқаси, агар сизни тўғри тушунган бўлсам,— Востросаблиннинг кексаларга хос бўғиқроқ овози эшитилди,— сиз иккинчи полк казармаларига рўпарадан ҳужум қилишни маъқул кўряпсиз. Бундай ҳолда ҳамма қулайлик рақиб томонида бўлади. Чунки у деворлар орқасида яшириниб ётади, бизга эса ҳаммаёқдан бошлаб ўққа тутиш мумкин бўлган кўчаларда ҳаракат қилишга тўғри келади.

— Революцион шижоат душманнинг ҳар қандай қаршилигини барбод этади,— меъсимай жавоб қилди Колузаев.

— Бунга шубҳа қилмайман, лекин кўп, ўринсиз қурбонлар беришга тўғри келади... Иннайкейин, баъзи нарсаларни аниқлаб олмоқчийдим. Биринчидан. Қалъа қўшинлари билан қай йўсинда қўшилмоқчи бўляпсиз? Иккинчидан. Исёнчилар шаҳардан ҳамжиҳатлик билан чекина олмаслиги учун қандай чоралар кўрилди?

— Қалъа билан қўшилишнинг нима кераги бор? Беҳуда куч сарфлаш-ку бу. Биз бир вақтнинг ўзида исёнчиларни икки томондан сиқиб келиб, додини берамиз.

— Шошманг, шошманг, ўртоқ Колузаев,— ташвишланиб деди Қазаков.— Қалъадан снарядларни олиб келиш нима бўлади? Узимизда ҳақиқатан ҳам снарядлар оз-ку...

Востросаблин кексаларга хос мулойим овоз билан давом этди:

— Исёнчиларни яқсон этиш — табиий истак. Лекин сиз алоқа буткул узилган бир пайтда ўз ҳаракатларингизни қалъа ҳаракатлари билан қандай мувофиқлаштирмақчи бўляпсиз?

Колузаев ғазаб билан Востросаблинга тикилди. Унинг пешанасидан тер чиқиб кетди.

— Бизнинг алоқамиз пролетариатнинг революцион онгидир. Бунни сиз тушуниб етолмайсиз.

Ўтирганлар норози оҳангда шивирлаша бошлашди. Совет ҳокимиятига содиқлигини бир неча бор амалда исботлаган одам билан шу тарзда гаплашиш керакми?

— Улутиб қўйяпсиз, Колузаев,— кескин оҳангда деди Қазаков.

Аммо Востросаблиннинг юзидан ҳеч қандай ўзгариш аломати биллмади. Фақат ёши ўтиши билан атрофини ажин босиб, сал хиралашиб қолган кўзлари чақнаб кетди.

— Сиз ҳақсиз, ўртоқ Колузаев,— деди у.— Ҳозир юз бераётган воқеалардан кўпини ҳақиқатда тушунмаяпман. Лекин мен саводли ҳарбий операцияни авантюрадан осонгина ажрата оламан.— Шундан сўнг Революцион ҳарбий кенгаш аъзоларига қарата қўшиб қўйди:— Агар менга ўз фикримни билдиришга ижозат берилса, ўйлайманки, бу планга аниқлик киритиш керак. Жумладан, вазифаси унчалик аниқ бўлмаган тўртта полк тузишга ҳожат йўқ. Уларни умуман полк ҳам деб бўлмайди. Полк муайян бир тушунча. Бу бўлинмаларни группалар деб аташ тўғрироқ бўларди. Бундай группалардан, назаримда, учтаси кифоя қилади... Сизда шаҳарнинг дурустроқ плани йўқми?

— Планнинг нима кераги бор?

— Нима, биз ўз шахримизни билмаймизми?— деган овозлар эшитилди.

— Кўргазмали бўлсин учун,— деди Востросаблин.— Шаҳарни мен ҳам яхши биламан.

Колузаев чидаб туролмай, заҳархандалик қилди:

— Худди бош штабдагига ўхшаб: планлар, карталар...

— Ҳўш,— деди Востросаблин,— бунинг нимаси ёмон, агар ўз ишини биладиган одамлари бўлса, у ёмон муассаса эмас. Штабларсиз ҳозирги шароитда уруш қилиб бўлмайди. Эсимда бор, большевиклар Петроградда ҳокимиятни қўлга олган вақтда, уларнинг ҳам ўз штаби бўлган эди, фақат у бешқача аталарди... Шундай қилиб, план йўқ, денг?.. Менда бор-ку, лекин у схематик план, хонаки дейиш мумкин.

У кителенинг ички чўнтагидан эскирган, букланган жойлари яхшилаб елимланган планни олиб столга ёйди. Унинг атрофида Революцион ҳарбий кенгаш аъзолари йиғилдилар. Фақат Колузаевгина ўрнида ўтирар, бошқаларга истеҳзоли қараб қўярди.

— Менинг назаримда бутун операция шундай тузилиши керак,— деди Востросаблин бармоғи билан планни кўрсатаркан.— Битта группа сўл қанотни, Тезиков дачасидан бошлаб, Гөспи-

таль, Қонстантинополь, Духовский кўчалари бўйлаб Куклейскийгача эгаллайди. Ҳарбий ҳаракатларни ҳам ана шу группа бошлаб беради. Унинг вазифаси ўша қанотдан исёнчиларни суриб чиқариш ва айланиб, қалъа билан қўшилишдан иборат.

— Иккинчи полк казармалари нима бўлади?—сўради Казаков.

— Унга тегмай туриш керак. Улар сўл қанотдаги жанглар — чалгитувчи маневр деб ўйлайверишсин... Сўнгра. Иккинчи группа Куклейский, Кауфман, Асака кўчаларидан Пушкин кўчасига чиқадиган ўнг қанотни эгаллайди. Бу группанинг бир қисми Чимкент трактини мустаҳкам ишғол этиб туриши ва исёнчиларнинг эски шаҳарга чекинишига йўл қўймаслиги керак. Унг ва сўл қанотлар ўртасида марказий участка группаси бўлади. Унинг вазифаси — шаҳарни тозалаш ва 2-полк казармаларини ишғол этишдан иборат.

Иван Матвеевич Казаковга энгашди.

— Ажойиб чол-да, Аристарх Андреевич!— шивирлади у.— Туркистон штаби бошлиғи ана шунақа одам бўлса.

Казаков маъқуллаб бош силкиди.

Колузаев кабинетига тутоқиб қайтди, зарб билан эшикни ёпиб, ўзини креслога ташлади. Ҳаммаси чиппакка чиқди. Унинг бир ойдан мўлроқ вақт ўйлаб юрган плани барбод бўлди. Ҳаммасига қари иблис Востросаблин сабабчи. Ярамас чол. Яхшиямки, Революцион ҳарбий кенгаш аъзолари унинг шамаларидан ҳамма гапни тушунишмади. Лекин барибир план барбод бўлди. Фақат марказий группа командирлигига ўз одамани тиқиштириш мумкин бўлди. Бирмунча муҳим — ўнг ва чап қанотларга коммунистлар командирлик қилишади.

У дераза олдига келди. Ҳовлида қизил гвардиячи ва қизил аскар қисмлари тез сафланиб, тўхтамасдан шаҳарга кетишарди. Бронелетучка жиҳозланиб, «жўнашга тайёр бўлиб» турарди.

«Ҳаракатга тушиб қолишди, аблаҳлар, хурсанд бўлишди...»

У бугун кун бўйи совет қўшинларининг исёнчиларга қарши ҳужумини орқага суришдан бошқа нарсга қилмади. Аввал ҳали ҳамма йиғилгани йўқ, деган баҳонани қилишди, кейин Революцион ҳарбий кенгашга сайловлар, музокаралар олиб бориш билан шуғулланишди. Шу орада у Осиповга бир неча хат юборишга улгурди. Исённи тўхтатиш тўғрисида ёзилган хатлардан Бош устахоналарда нима бўлаётганини билиб олиш қийин эмасди. Лекин Осипов негадир шошилмасди. Шаҳарни қўлга олди, қўнғироқларни жаранглаттирди-ю, шу билан тинчиди қолди. Балки Колузаев бу томондан ёрдам берар, деб кутиб ётганмикин?

Ёрдам бериш-ку мумкин, унинг ҳали ҳам Закаспий фронтдан олиб келган етти юз кишилик жангга лаёқатли отряди бор. Тўғри, уларни тўғридан-тўғри большевикларга қарши оёққа турғизиб бўлмайди, албатта. Ҳийла ишлатиш керак. Хўш, нима учун? Осипов ўз хитобномаларида демократия тўғрисида, таъсис мажлиси тўғрисида гап сотяпти. Демократия ўз йўлига, таъсис мажлиси ҳам ўз йўлига. Аммо диктатор бўлиб Осипов қолади-ку. Исёнчилар ғалаба қилган тақдирда унга, Колузаевга қандай лавозим тегади? Осипов бу ҳақда негадир индамаяпти... Йўқ, шошилиш керак эмас, йўқса, нақ чўғни босиб олишинг турган гап.

Шу орада завод ҳовлиси бўшаб қолди. Фақат резерв қисмлар ва артиллерия расчёти қолди. Агапов улар орасида юрар, нималарнидир исботлар эди.

«Нега у ивирсиб юрибди?— аччиғланиб хаёлидан ўтказди Колузаев Агаповни кузатаркан.— Уққа ўзини тутиб беряпти аҳмоқ. Майли, билганини қилсин. Битта гувоҳ кам бўларди».

Телефон жиринглади. Фарғона фронтдан қўшинлар тушган эшелонлар келаётганини маълум қилишди.

— Қим бошлиқ уларга?

— Улка комитетининг раиси Солькин ва фронт қўмондонининг ўринбосари Коновалов.

— Яхши... Яна нима гап?

— Арис станциясидан Чиликанов эшелони ҳам келяпти...

— У Арис ижроия комитетининг раиси эмасми?

— Ушанинг ўзи... Ҳа, ҳозиргина телеграфдан шошилиш хабар олди, Еттисувдан эшелонлар келаётган экан. Улар ҳозир Авлиёстада.

— Хўп, ҳозир бораман.

Колузаев трубкани қўйиб, бир дақиқа хаёлга чўмди. Булар нохуш хабарлар эди. Агар ана шу қўшинларнинг ҳаммаси Тошкентга келса, Осипов тор-мор бўлади. У худди қаёқдандир юзига ёпишган ўргимчак инини силтаб юборгандек қўли билан юзини сидириб, телеграфга шошилди.

У ерда йўлдаги станциялардан олинган маълумотлар билан танишиб чиққач, Қауфман станциясидаги ўзининг ишончли одамларига: Фарғона фронтдан келаётган эшелонлар тўхтатиб турилсин, деб телеграф орқали хабар қилди. Еттисувдан ва Арис станциясидан чиққан эшелонлар тўғрисида ҳам шунақа буйруқ берди.

— Лентани беринг,— деди Колузаев кўрсатмалар телеграф орқали бериб бўлингач.

Телеграфчи буйруқлар ёзилган лентани ғалтақдан ечиб олиб, Колузаевга узатди. У лентани гижимлаб, чўнтагига солди ва шошилмай телеграфдан чиқди.

Тун. Муздек шамол шаҳарнинг зим-зиё кўчаларида гангиб айланар, мирзатеракларнинг яланғоч шохларини силкитар, уйларнинг жипс ёпилган дераза эшикларига урилар эди. Одамлар уйларга, қазноқларга ва ертўлаларга бекиниб олиб, милтиқ-пулемёт отишмаларига ташвиш билан қулоқ солишарди.

Кимсасиз, ҳувиллаб қолган кўча йўлкасидан қоронгиликка тикилиб, қуролланган отряд турнақатор бўлиб борарди.

— Унгроққа!— деди паст овоз билан олдинда бораётган киши ва қандайдир хандаққа бошлади.

Унинг орқасидан бораётган икки киши аҳён-аҳёнда шивирлаб қўйишарди.

— Ҳамма ёқ қоп-қоронги, ана-мана дегунча ё ариққа тушасан, ё пешанангни ғурра қиласан.

— Шунинг учун кўзингга қараб, оёғингни баландроқ кўтариб юр, кўприкка етиб олсак, ўша ерда дам оламиз. Уни сувнинг саёз жойидан ўтказиб юбормаслик керак.

— Ўтказиб юбормаслик керак дейсан, унинг броневиклари бор-ку.

— Броневиклари бўлса нима қипти? Броневикка қарши ҳам чора топиш мумкин. Муҳими, ўзингни йўқотиб қўйма. Ўзингга маҳкам бўл. Қўрққанга қўша кўринади.

— Сен қўрқмаяпсанми, Иван Матвеевич?

— Нега қўрқмас эканман? Аҳмоқ одамгина қўрқувни билмайди. Уч йил олдин мен ҳарбий вагон билан банд йўлга кириб кетдим. Ҳеч қандай жадвалга қарамай, «очиқ йўл»дан борардим. Йўлда эса юк ортган товарний поезд турган экаи. Тормозни босдим. Мен бошқараётган состав секинлашиб келаверди. Қонтрпарни бердим — шундаям тўхтамади. Товарнийгача борйўғи бир ярим рельс қолди. Орқамда эса икки вагон портловчи модда бор... Эсим чиқиб кетди.

Хандақ тугади. Отряд кўчани кесиб ўтиб, қандайдир девор туйнугига қараб бурилди. Олдинда кўприк қорайиб кўринди.

— Етиб келдик!— деди Иван Матвеевич. У тезда одамларни тақсимлади.

Орқа томонда ҳам катта пахса девор бор эди.

Иван Матвеевич ўғлини олдиға чақирди:

— Сен-чи, Серега, иккита лўм топ, ҳар эҳтимолга қарши анави орқадаги деворнинг бир неча жойидан тешиб қўйиш керак, чекинишга тўғри келиб қолса, иш беради.

Ўғлининг жаҳли чиқди:

— Нима, шу аблаҳ Осиповдан чекинмоқчимисан ҳали?!

Иван Матвеевич унга бақириб берган эди, Сергей қоронғи-ликда ғойиб бўлди.

Ўғилларни қўшни уйлардан топиб келишди. Тезда деворни бир неча жойидан тешиб қўйишди.

— Энди бошқа гап!— деди Иван Матвеевич.— Аблаҳдан чекинмоқчимисан, деб ўдағайлашга бало борми? Унинг кучини биласанми? Чекина билиш ҳам керак.

Яна иккита отряд етиб келди. Бир отряд радиостанцияга қараб кетди, иккинчиси тегирмонни эгаллади.

Совуқ эди. Одамлар деворларга биқинишар, уйларнинг панасига ўтишар, бир-бирларининг пинжига киришар, камарларини танғиб боғлаб, ёқаларини бекитишар, қўлларини енгларига тиқишар эди.

Иван Матвеевичнинг группасидагилар секин гаплашишарди.

— Бу йилги қиш аксига олиб, роса қақшатапти-да. Ҳам совуқ, ҳам очарчилик. Уйлар эски— ҳамма ёқдан совуқ кириб кетяпти.

— Совуқ киради-да. Ёқиб иситишга ҳеч вақо бўлмаса. Олдинги ойда йигирма фунтдан саксовул беришди. Бир марта ёқиш билан тамом бўлди. Ҳалок бўлиб кетмасак эди. Ҳаммамиз нобуд бўламиз. Бизга-ку, майли. Болаларга ачинасан, уларда нима гуноҳ?!

— Бизникиям ҳолва,— деди хаёлга чўмган Иван Матвеевич.— Мен бир ой аввал қирғизларникида бўлдим. Ана уларни иши чатоқ деса бўлади! Ҳамма ёқ яхлаб қолган. Яйловларни ба-тамом муз қоплаган, ют деганлари шу экан. Жамки мол муз остидан ем-хашак қидириб, туёғи ейилиб кетган. Юрган йўлингда музда қонни кўрасан. Уларга ёрдам бериш керак, лекин қандай ёрдам бера оласан, ҳар кун мана бу Осиповга ўхшаш аблаҳлар пайдо бўлиб турса.

Кимдир пўнғиллади:

— Коммунист, комиссар бўлган одам-а! Партия учун жон-бозлик қилган!

Уни талаб беришди:

— Партияга суқилиб кираётганлар озми...

Иван Матвеевич жанжални тўхтатди.

— Сен, Юров, нима деяётганингни ўзинг ҳам билмайсан.

Юровнинг қоронғида гижиниб қўйгани эшитилди:

— Мен қаёқдан билай?

— Рост-да, билмайсан. Мана сен эсер ҳисоблансан, лекин Осиповдан коммунист чиқмагандай, сендан ҳам эсер чиқмайди. Тўполонда эсерлар сафига кириб қолгансан. Ким суриштириб ўтирибди, дегансан-да.

Кимдир уф тортди:

— Кўрган кунимиз қурсин! Қазақлар бизни Москвадан, инглизлар бўлса, Каспийдан ажратиб қўйишган, Фарғонада эса — босмачилар. Ҳалок бўлишдан бошқа илож қолмади. Қаршилик кўрсатяпмиз, лекин натижа йўқ... Лоақал Москва ёрдам бергандайди!

Иўғон, баланд овоз унинг гапини чўрт бўлди:

— Нега ҳалок бўлиш дейсан, ким ҳалок бўлишни хоҳлайди? Сенми? Уми? Ҳалок бўлиш — бемаъни гап. Урушиш керак. Боп-лаб урушиш керак. Ҳар қандай душман билан олишиш лозим. Инглиз билан ҳам, казаклар билан ҳам урушмоқ керак. Москва олисда! Узимиз урушишимиз керак.

— Қара, Ҳалимхон қандай урушяпти!..

Атрофдагилар маъюс кулишди.

Ёш ўзбек йигит ён-верига қараб, нима учун кулишаётганини тушунмади, лекин бу кулгининг нимасидир унга алам қилди.

— Сени, Ҳалимхон, босмачи аяйди,— деди Юров,— бизни эса ҳеч ким аяб ўтирмайди.

Ҳалимхон чўғни босгандай сапчиб ўрнидан турди.

— Меними? Босмачи-я?— у Иван Матвеевичнинг қўлидан ушлади:— Матвейч, сен уларга айтиб қўй! Узинг ҳаммасини биласан! Айт...

У ўринсиз озордан ҳамон титрарди.

— Ўтирсанг-чи!— секин унинг енгидан тортди Иван Матвееч.— Қаллангни беҳуда қўтариб нима қиласан, ўққа учиб кетасан. Сиз бўлсангиз, йигитлар, Ҳалимхонни бекорга хафа қиляпсиз.

— Ҳалимхон босмачилар билан бирга бўлгани ёлғонми?— эътироз билдирди Юров.

— Бўлган. Лекин хатосини Ҳалимхон аллақачон қон билан ювган. Бу сенга маълум-ку, Юров... Москва ҳам сен айтганча олисда эмас. Москва...

Унга залплар эшитилди.

— Ҳамма жой-жойига!— команда берди Иван Матвеевич.

Дарёнинг нариги ёғида милтиқ-пулемёт отишмаси кучайиб, яқинлашиб келарди. Қўйлиқ кўчасининг ўнг томонига яширинган отряд Осиповнинг разведкасига зарба бериб, уни қисиб қўйди.

— Серега,— чақирди Иван Матвеевич отишма тўхтагач,— йигирмата одамни олиб, тегирмон томонга ўт, ўша ерда позицияни эгалланглар. Бўлар-бўлмасга ўқ узманглар. Биз Осиповнинг шаҳардан чиқиб кетишига йўл қўймаслигимиз керак. Тушунарлими? Қани, бор бўлмаса, слесаринам!— Иван Матвеевич гўё бехосдан ўғлининг тирсагига секин туртиб қўйди.— Киришавер! Узинг билан Ҳалимхонни ҳам ола кет. У тажрибали йигит, қўрқмайди ҳам.— Сўнгра одатдагидан кўра қошларини

қаттиқроқ чимириб, ўз жангчилари ёнидан ўтди, ўгли отрядни олиб кетгунча кутиб турди ва аввалги жойига қайтиб келди.

Жанг анча чапроқда, олдинда авж олди. Иван Матвеевич қулоқ солди.

— Юров,— деди у секин,— бу дейман, бизникилар қалъа ёнига бориб қолишди-ёв...

— Бўлмасам-чи? Худди ўша ерда,— жавоб берди у.

Лампамой чироқ столдаги бир даста қоғозга сариқ доира шаклида хира нур сочарди. Электростанция ишламасди. Деразадан бўзараётган тонг ёруғи тушиб турарди.

Дрожжин қалин қўнғир сочларини чап қўли билан силаб қўйиб, ёзарди:

«Хоин Осиповнинг ёш Совет республикасига қўққисдан берган зарбаси...»

Шошилинч равишда аҳолига хитобнома ёзиб тарқатиш керак эди. Босмахонадан бир неча марта телефон қилишди. Лекин дам ўтмай Дрожжинни ишдан қолдиришарди. Революцион ҳарбий кенгашнинг ҳамма эшиклари ланг очиқ, кимки устахоналар территориясида пайдо бўлса, истаган жойига бемалол киравериши мумкин эди.

Телефон жиринглаб қолди. Дрожжин ёзишдан тўхтамай, трубкани олди.

— Қим бу? А-а! Хўш, хўш... ўзингларда нима гап? Нима? Тегирмон атрофида пайдо бўлишди? Қўпми? Қайтардингларми? Разведкадан бошқа нарса эмас. Заиф жойни қидиришяпти. Тушунарли. Тушунарли. Яхши, ҳисобга оламиз. У ерга яна юборамиз...

У деразани очиб, ҳовлида саф тортиб турган отрядлардан бирининг командирини чақирди:

— Гап бундай,— деди унга Дрожжин.— Отрядингни олиб, тегирмон томонга югур, Сергей Парамонов ўша ерда. Унинг атиги йигирмага яқин жангчиси бор. Осиповчилар разведкасини иккинчи марта қайтаришяпти. Уларга ёрдамлашиш керак.

Нариги ёқдаги киши бу ҳақда қўмондонга хабар бериш керак эди, деди.

Дрожжин тутақиб кетди.

— Жин урсин! Қўмондонни ер ютганга ўхшайди, уни қидириб топгунингча, Осипов жуфтагини ростлайди. Ҳаракатингни қилиб қол!

Яна Революцион ҳарбий кенгаш мажлисидагидек шундай фикр-хаёлидан ўтди: ҳозир ишлар тескарисига айланиб кетди, агар унинг ўзига қўйиб беришса-ку, ишлар бошқача бўларди-я.

Лекин унга ишонилмайди-да. Жанговар оператив ҳаракатлар ўрнига ташвиқот қил дейишади. Мана энди миянгни ачитиб, манави бемаъни хптномаларни ёз, ташвиқ қил. Хўш, кимга ташвиқот қиласан? Бетайин жоҳилгами? Ёки эски шаҳардаги мусулмонларгами? Улардан ёрдам кутиб бўладими... Бу фикрлар унинг эски ярасини янгилади.

Жўнаб кетган отрядни кўздан ғойиб бўлгунча кузатган Дрожжин столга келиб ўтирди, ammo қўлига қалам олгунча бўлмай, Иван Матвеевич Парамоновдан даракчи келди.

Чол душман поляк костелида пулемёт ўрнатганлигини маълум қилган эди. Осипов Чимкент трактига ўтиб олишга уринса керак, лекин унда куч оз. Унг қанотга зирҳланган тўпли платформани жўнатиш керак эди.

Дрожжин сўкинди.

— Э, жин урсин! Қўмондонимиз қаерда ўзи?!— Шундай деб бирдан жаҳли чиқиб бақирди:— Қўлимдан келмайди... тушунсанг-чи ахир, бировларнинг номидан буйруқ беролмайман!— У қандай пов этиб ёниб кетган бўлса, шундай тез ўчди:— Хўп, бўпти, бир чорасини қилармиз.

Сўнг Дрожжин дала телефонлари орқали ҳам, темир йўл телефони орқали ҳам қўнғироқ қилиб, зирҳланган платформани қидирди. Қўмондон эса ҳамон йўқ эди.

Қалъадан снаряд ортган юк машиналарининг устахона дарвозасидан кириб келаётганлигини у деразадан кўриб турарди. Юк машиналарининг бортларида қуролланган жангчилар турарди. Ҳайдовчилар кабинаси тепасига энгил пулемётлар ўрнатилган эди.

«Демак, қалъага киришибди-да,— деб хаёлидан ўтказди Дрожжин.— Востросаблин ҳақ бўлиб чиқди. Осиповчилар чап қанотнинг айланма ҳаракатига аҳамият беришмабди».

Лекин бу ҳам қувонтирмасди. Яна усиз ишни битиришди.

Бирдан бўғиқ кучли зарба бутун бинони ларзага келтирди, ойналар зирллаб кетди. Бу Бош устахоналар ҳовлисидаги биринчи тўп очган ўт эди. Бир-икки минутдан кейин Дрожжин олисдан иккинчи тўп овозини ҳам эшитди.

«Қалъа жавоб қайтарди,— пайқади Дрожжин.— Ҳа, мен ҳозир ҳеч ҳам Осиповнинг ўрнида бўлишни истамасдим».

Бош устахоналар ҳовлисидаги батарея отгани-отган эди, худди унга жавоб қилгандай қалъа тўпи ҳам гумбурлатарди.

Дрожжин яна бемаъни варақани ёзишга ўтирди ва кутилмаганда майин маккорона овозни эшитди, лекин уни дарҳол англаб ололмади:

— Салом, Николай Андреевич!

Дрожжин аввалига ҳеч нарсани тушунолмай, янги кириб

келган кишига бир лаҳза тикилиб қолди, кейин чеҳраси ёришди.

— Э-э, Раҳматбек! Салом...— деди у узатилган қўлни мамнун қисар экан...— Демак, сен ҳам келибсан-да.

— Дўстлар бошга кулфат тушганда синалади, Николай Андреевич. Мен кеча ҳам бу ерга келган эдим, лекин сизлар Революцион ҳарбий кенгаш мажлисини ўтказаетгандинглар.

— Ҳа, ҳа. Сен ўтириб тур, мен ҳозир...

Телефон қўнғироғи унинг гапини бўлди.

— Хўш, эшитаман, Иван Матвеевич! Ҳар қалай Чимкент трактига ўтиб оляпти. Йўқ, платформани юбора олмайман. Колузаев йўқ... Шошмай тур, бу ёққа келаётганга ўхшайди. Ҳозир чақираман.— Дрожжин деразани очиб, Колузаевни чақирди.

У босайми-босмайми, деб секин, вазмин қадам ташлаб кириб келди. Шошилмай трубкини олди, маънодор қилиб гапирди:

— Эшитаман... Йўқ, бронеплатформани беролмайман... Сен, ўртоқ Парамонов, битта участкага қарайсан, мен эса бутун фронтга қарайман. Бинобарин, қаёққа нимани юборишни мен яхши биламан. Буларнинг ҳаммаси бўлмаган гап. Сизларнинг асабларингиз бардош беролмаяпти, холос. У Чимкент трактига чиқиб нима қилади? Нима, бошқа йўл йўқ эканми. Ҳа, аниқ гап шу — бермайман... Қазаков бу ерда йўқ, Дрожжин бор. Трубкини беришим мумкин. Керак эмас, дейсанми... Сени қара-ю, у бўлса гаилашасан-у, бу билан йўқми. Чол Парамонов сенга ишонмаяпти, Николай Андреевич,— деди Колузаев Дрожжинга.— Унга Қазаков керак эмиш...— Шундай деди-ю, вазмин юриб, хонадан чиқиб кетди.

Дрожжин яна ёзишга тутинди.

— Менга пропусқа ёзиб бер,— деди Хўжаев.— Бир соатча дарвоза олдида туриб қолдим. Қиритишмайди. Шундай пропусқа ёзгинки, ҳамма жойда рухсат беришадиган бўлсин.

-- Сенгами? Ҳа, яхши. Сенга мумкин, Раҳматбек. Сен ўзимизнинг одамсан...

У бланка олиб, пропусқа ёзди, сўнг муҳрга ҳўҳлаб, қоғозга қаттиқ босди.

Олишдан милтиқ-пулемёт отишмаси эшитиларди.

Ниҳоят Дрожжин хитобномани ёзиб тамомлади-да, уни жўнатди ва ҳўзур қилиб чекиб, ўзича деди:

— Ана шунақа гаплар...

— Ҳа-я, ким ўйлаши мумкин эди!— бошини сарак-сарак қилди Раҳматбек.— Ҳарбий комиссар, коммунист.

— Сен Осиповни гапиряпсанми? У ярамас оқ гвардиячи-ку. Ярамас, вассалом.

— Ҳа, ҳа, мен ҳам шундай деяпман. Мусулмонларни унга қарши сёққа турғизмаган жангчи бизда шунақа кўп эканми?

— Мусулмонлардан келганлари полкларда, жангчиларимиз ҳақиқатдан ҳам оз.— Дрожжин Раҳматбекка энгашди.— Сенга бир сирни айтишим мумкин, биздаги роталар номигагина, айримларида элликтдан жангчи бор, улар ҳам ўқитилмаган. Агар Бош устаконалар бўлмаганда Тошкентда Совет ҳокимияти йўқ бўлиб кетарди.

— Шунинг учун мусулмонларни оёққа турғизиш керак, хитобномани эълон қилиб, алоҳида полк тузиш керак деяпманда. Ҳозироқ ўзим ёзаман. Менга ишонишади.

Дарвоза томондан шовқин эшитилди.

— Қўйиб юбор, деяпман сенга!

— Сенларни бу ерга қўйганни-ю!

Дрожжин деразани очиб, қулоқ солди. Кейин сакраб зинага югуриб чиқди. Сал ўтмай, бу ерга Колузаев ва Қазаков келишди.

Дарвоза олдида бу томонга келаётган ғалати одамлар кўринди.

Олдинда касалхона камзулини кийган новча ориқ одам ҳасасига таяниб, сакраб келарди. Унинг кетидан бошлари биит билан ўралган, қўллари боғланган, озиб кетган одамлар шамолдан гандираклар, ҳассага таяниб, айримлари иккитадан бўлиб бир-бирини суяб келишарди.

— Қурол беринг!— деди олдинда келаётгани.— Биз оқгвардиячилар келишини пойлаб ўтирмаймиз. Уларни ўзимиз қарши оламиз...

— Қурол беринг! Бизга қурол беринг!— қичқиришарди унинг кетидан бошқалари.

Улар қизил аскарлар эканлиги кўриниб турарди.

— Биз касалхонадан келяпмиз,— деди шу аснода олдиндагиси.— Кўрпангда сўйиб ўлдиришларини пойлаб ётгандан кўра, жангда ўлган яхши.

— Типчланинг, ўртоқлар,— деди таъсирли қилиб Колузаев.— Сизлар даволанишингиз керак, биз касалхонани ҳам, сизларни ҳам қўриқлаймиз...

Аммо уни гапни тугатишга қўйишмади.

— Бўлмаган гап!— бақиришди ярадорлар.— Етар сафсата сотиш! Бизга қурол беринг! Биз ўзимиз борамиз!

Ярадор жангчи туртиниб-суртиниб Колузаевнинг олдига келди. Унинг бутун юзи биит билан боғланган бўлиб, фақат оғзи ва кўзларигина кўриниб турарди.

— Менга қара, Колузаев!— деди у.— Сен мени биласан. Эҳтимол, мен сен туфайли касалхонага тушиб қолгандирман.

Бир ой олдин сен ҳеч кимни огоҳлантирмай, ўз отрядингни тўсатдан Закаспий фронтдан олиб кетган вақтингда кўпчилик умуман ҳаётдан кўз юмди. Ушанда биз сенинг участкангдаги рахнани ўз гавдамиз билан бекитдик. Шунинг учун сен гапирмасанг ҳам бўларди... Биз жангга қайтиб боришни истаймиз. У ерда ҳозир Туркистондаги Совет ҳокимиятининг тақдирини ҳал бўляпти. Улиш осон, лекин иккинчи полк казармаларидаги ўртоқларимизга ўхшаб қуролсизланган ҳолда маёт шайкага мазах бўлиб ўлиш... Бизга қурол беринг, бўлмаса биз бу тўпларни бурамиз-да,— у батарея турган томонга ишора қилди,— тўғридан отиб, Революцион ҳарбий кенгашни йўқ қилиб юборамиз.

Қолузаевнинг бўйни қизариб кетди. Юзларида қизил доғлар пайдо бўлди. Оз бўлмаса бир фалокат юз берай деди.

— Қани, тинчланинг,— Қазақов унинг қўлидан ушлади.— Қурол бериш керак.

— Ўзбошимчаликка йўл қўймайман. Қўмондон менми?..

— Сен... Шунинг учун қурол беришга руҳсат этишинг керак. Бундай шижоатни қадрлаш керак.

Қолузаев тоқат қилолмади:

— Э, жин урсин сенларни!— деди у ўгирилиб.— Билганларингни қилинглар...— у шундай деди-ю, устахоналар томон кетди.

Омборни очишди, Ярадорлар милтиқларни олишиб, чўнтақларини патронларга тўлдиришди. Қазақов уларни юк машиналарида олиб бориб қўйишга буюрди.

— Иван Матвеевич Парамоновнинг олдига,— деди у.— У ерда бир оз заиф...

— Телефонга!— бақирди хабарчи.— Ўртоқ Қазақов, телефонга келинг!..

Йўлда у Дрожжинни учратди.

— Аристарх Андреевич, Раҳматбекни кўрмадингми?— сўради Дрожжин.

— Қайси Раҳматбек?

— Хўжаев-чи. Биласанми, у мусулмонларга қарата хитобнома ёзмоқчи эди.

— Ўзинг ёзавермайсанми. Қўлингдан келади-ку.

— Умуман бу ишга мен унчалик ишонмайман. Мусулмонлардан ёрдам кутиб бўлармиди. Агар уларни бетараф қилиб қўйилса, бу ҳам чакки бўлмасди. Раҳматбек бўлса эски шаҳарда жуда обрўли, бундан фойдаланиш керак. Шундай қилиб, кўрмадим, дегин?.. Қаерда бўлиши мумкин? Ернинг қаърига кириб кетдими? Бориб қидириб кўраман...

Бироқ у шу кунни Раҳматбекни тополмади.

Станциядан Казаковга кимдир Қауфман станциясидан телефон орқалн зўр бериб Агаповни чақиряпти деб хабар қилишди.

Казаков нима дейиш кераклигини ўйлаб, имиллади. Агапов бугун устахоналарда ҳалигача кўрингани йўқ.

— Яхши,— деди у,— ҳозир борамиз.

У революцион ҳарбий кенгаш аъзоларидан икки кишини чақириб, улар билан бирга телеграфга борди.

Шамол эсиб турарди. Кечаси ёққан қор эриб, кўлмаклар ҳосил қилаётган эди. Гоҳ сўниб, гоҳ кучаяётган милтиқ-пулемёт отишмасига қараб жанглар 2-Сибирь полки казармалари жойлашган ерларда бўлаётганлигини англаш мумкин эди. Олиддан тўплар қаҳқаҳаси эшитилиб турарди.

Казаков билан ёнма-ён келаётган Революцион ҳарбий кенгаш аъзоси маъқуллаб деди:

— Иван Панфилович Осиповнинг таъзирини беряпти. Мана сенга сўл эсер!

— Тушуниб бўлмайди,— тўнгиллади Казаков. У Қауфман станциясидан Агаповни нимага чақиряшяптикин, деб ўйлаб борарди.

— Нимани тушуниб бўлмайди?— деди Революцион ҳарбий кенгаш аъзоси тушунолмай.

— Унинг эсерлар партиясига аъзолигини.

Телеграфда уларни станция навбатчиси кутиб турган эди. Синчков хизматчилар ҳам шу ерда бекорчиликдан зерикиб ўтирардилар: поездлар қатнамаётган эди.

Казаков улардан чиқиб кетишни илтимос қилди.

— Қауфман станциясини чақиринг,— деди у телеграфчига ва унинг ҳайрон бўлиб қараб турганини кўриб, яна такрорлади:— Ҳечқиси йўқ, чақираверинг.

Телеграфчи калитни тақиллатди. Қауфман станциясидан ўртоқ Агапов шу ердами, деб сўрашди.

— Шу ерда, деб жавоб беринг,— деди Казаков.

Телеграфчи кулиб, жавоб берди. Аммо станциядагилар шубҳаланишди шекилли.

«Исмингиз, отангизнинг исмини айтинг»— у ёқдан аппарат тақиллади.

Бу ёғи нима бўлиши қизиқ эди.

— Айтинг: аппарат олдида Василий Ефимович Агапов турибди. Ўзингиз кимсиз, нима демоқчисиз?

Қауфман станциясидан хабар қилишди: «Исаев, Баранов ва Савицкий аппарат олдида. Биз, сиз билан келишиб олганимиздек, бу ерда Осипов учун маҳаллий деҳқонлардан икки юз элик кишилик отряд туздик. Одамларнинг ҳаммаси ишончли, қурол ишлатишни билишади. Тез қурол юборинг, бизда қурол

йўқ ҳисоб, отрядни Тошкентга отказиш учун поезд ҳам жўнати-
тинг. Большевиктик совдепларга қарши кураш иштиёқида ён-
япмиз».

— Қалай?— сўради Қазаков хабардан ҳайрон бўлиб қол-
ган Революцион ҳарбий кенгаш аъзоларидан. Улар елка қисиб
қўйишди холос.

— Тақиллатинг,— деди Қазаков телеграфчига:— Бу ерда
ўзимиз уддалатинг. Отрядни тарқатиб юборинг, ўзларингиз эса
Бош устахоналаримизга тез етиб келинг. Паровоз юбораман.

Шундай жавоб қилишди: «Учрашсак, хурсанд бўлардик».

— Лентани бланкага ёпиштиринг,— деди Қазаков,— ва ор-
қасига расшифровкасини ёзиб қўйинг.

Телеграфчи ғалтакни чувата бошлади.

— Бунинг нима кераги бор?— қизиқди Революцион ҳарбий
кенгаш аъзоларидан бири.

— Ҳужжат, ҳужжат бўлганда ҳам жуда муҳим. Керак бў-
лади,— деди Қазаков ва бланкани оларкан, телеграфчидан сў-
ради:— Ҳарбий сирнинг нималигини тушунасиз-а?

Телеграфчи ҳатто хафа бўлди:

— Мен, Аристарх Андреевич, партиясиз бўлсам ҳам, виж-
донимни сотмайман. Гап нимадалигини тушунаман. Хотиржам
бўлинг — исини чиқармайман.

— Бу бошқа гап. Кетдик, ўртоқлар. Хайр.

Улар станция навбатчисининг олдига киришди. Қазаков
Кауфман станциясига паровоз юборишни буюрди.

— Йўлни очиб қўйинг. Қайтишда паровозни Бош устахо-
наларга жўнатиб.

— Шу кунларда бизда ҳамма йўл очиб. Поездлар йўқ,—
нохушлик билан ҳазиллашди навбатчи ва депога қўнғироқ
қилди.

Қазаков Бош устахоналарга қайтиб келиб, соқчилар бош-
лигини чақирди:

— Агапов ҳали ҳам келмадими?— сўради у.

— Йўқ, ҳозирча кўринмади. Кўринмай тургани ҳам яхши.

— Нега?

— Халақит беради, ғаламис. Унга қаерда дуч келмай, ким
биландир шивирлашаётганини кўраман. Осиповни тинчитгани-
миздан сўнг, албатта қайта сайлов ўтказамиз.

— Билмадим, иш унгача бормаса керак,— деди Қазаков.
Соқчилар бошлиғи тушунмаган бўлса ҳам индамади.— Менга
қара, агар Агапов кўриниб қолса, уни дарҳол қамоққа олиш
лозим. Лекин бу иш ими-жимиди бўлсин. Ишончлироқ одам-
ларни топ, четроқда, ҳеч ким кўрмайдиган жойда бўлсин. Акс
ҳолда эсерларимиз айюҳаннос соляшади. У гарчи эсер бўлма-

са ҳам, тўполон қилиб дод дейишади. Бу қанақаеи, демократия қаёқда қолди, халқ сайлаб қўйган одам-ку ва ҳоказо. Ваҳоланки, у сотқин одам.

— Тушунарли. Айтганингиз бўлади.

— Яна бир гап. Бир ярим соатлардан кейин бу ерга Кауфман станциясидан паровоз етиб келади. Учта яхши «дўстлар»ни олиб келади. Буюр, стрелкаларни олис тупикка тўғрилаб, қулфлаб қўйишингиз. Стрелка калити ўзингда турсин. «Дўстлар»ни ҳам иложи борича билдирмай қамоққа олиш керак, уларни Агаповдан алоҳида жойга қамаш лозим. Эҳтиёт бўлинглар. Улар қуролланган.

— Майли, бир чорасини қиламиз.

Паровоз ҳеч қаерда тўхтамай борарди. Навбатдаги семафор йўлда қолар, паровоз йўл айрилишига келганда силкиниб кетар, машинист ёрдамчиси навбатчилар билан ҳалқаларни йўл-йўлакай алмашарди, станция орқада қоларди.

Йўлда Баранов ва Савицкий гоҳ ўт ёқувчи билан, гоҳ машинист ёрдамчиси билан гаплашиб кўришга кўп уринишди, аммо жуда ғалати бригада экан. Ҳамма саволларга ҳам жавоб беришмасди, гоҳида эса «Борганингларда ўзинглар кўрасизлар», деган мужмал жавоб билан кифояланишарди. Улар машинистдан сўраб тикчилни қилишга уринишгани ҳам йўқ, чунки машинистнинг қовоқ-тумшуги жуда осилган эди.

Взвод командири Исаев ҳеч ким билан гаплашмади. У тезроқ Тошкентга етиб олишни ўйлар, станцияларни санаб, шошилар эди. Мана Уртаовул, 54-разъезддан ўтишди. Қизил Тўқимачи ҳам орқада қолди.

Йўқ, у Осиповга ўз вақтида эргашиб, жуда яхши қилди. Нима, ўлгунча взводга командирлик қилиб юрадими. Бу вазифада қолиш ҳам кейинги пайтларда қийинлашиб қолди. Ҳамма ижтимоий чиқишини суриштиргани-суриштирган. Отасининг иккита тегирмони ва крупорушкиси бўлгандан кейин, у нима дерди?.. Мана энди ҳаммаси бошқача бўлади. Исён тўполонида осонгина кўтарилиб қолиш мумкин. Агапов ҳам қўллаши мумкин. Улар кўпдан бери бир-бирларини биладилар. У бекордан-бекорга зўр бериб чақирмади уни.

Тошкент станциясида тўхтамасдан, ҳатто ҳалқани алмаштирмаёқ ўтишди. Исаев буни яхшилик аломатига йўйди. Демак, уларни ошиқиб кутиб туришибди. Паровоз секинламай Бош устaxonаларнинг ланг очиқ темир йўл дарвозасидан кичиб кетди, стрелкаларда гумбурлаб, тупикда буғига бурканиб тормоз берди.

Исаев паровоздан гавдасини ғоз тутиб тушмоқчи эди, лекин баланд экан, тушадиган зиналар ҳам ноқулай, шунинг учун таваккал қилмагани маъқул эди. У тутқични ушлаб, зиналарни оёғи билан секин пайпаслаб, орқаси билан туша бошлади. Лекин у ерга оёғи тегар-тегмас икки қўлтиғидан олишганини сезди, кейин кимдир оҳиста деди:

— Овозингни чиқарма! Бу ёққа юр.

Исаев ўгирилиб қаради. Дарвоза аллақачон ёпиб қўйилган эди, уни эса новча, забардаст икки номаълум шахс ушлаб туррарди. Паканароқ учинчи одам эса чаққонлик билан ғилофни ечиб, тўппончасини олди, ўқланганми-йўқлигини текшириб, барабанни айлантирди ва револьверни ўз чўнтагига солиб қўйди.

— Нима гап ўзи?— деб Исаев юлқинди.

— Овозингни чиқарма, деяпман сенга,— деди паканароғи. Қўлтиғидан олган кишилар уни шундай сиқишдики, у қимирлай олмай қолди.

Исаев таслим бўлиб, индамай улар бошлаган томонга юрди. Унинг орқасидан худди шу йўсинда Баранов ва Савицкийлар ҳам келишарди.

...Ярим соатдан сўнг соқчилар бошлиғи Қазаковнинг олдига кириб деди:

— Сиз айтган уч киши соппа-соғ олиб келиниб, қамаб қўйилди.

— Маҳкамми?

— Жуда ҳам. Шубҳаланмасангиз ҳам бўлади.

5

Икки кундан бери жанг давом этарди. Фронт чизиги тўхтовсиз қисқариб борарди. Шаҳарнинг кўп жойи исёнчилардан тозаланган эди. Энди отишма остида қолиш хавфидан чўчимай қалъага борса бўларди. Телефон станцияси ҳали Осипов қўлида бўлса-да, ўтган кун иечаси алоқачилар қалъага дала телефони симини тортишди.

Колузаев бегуноҳ аппаратга дарғазаб бўлиб қарар, уни полга бир уриб мажақлагиси, трубка эбонитини оёғи остида қарсиллатиб, эзиб ташлагиси келарди. Қалъада бўлса, исёнчиларга тинчлик бермай машқлар пайтидагига ўхшаб тўплар гумбурлагани-гумбурлаган эди.

«Уриниб ётибди Белов,— аччиқланиб хаёлидан ўтказди Колузаев.— Узини кўрсатмоқчи. Ҳа, эсер бўлмай кет...»

У бедаво телефон аппаратига беихтиёр энгашди. «Телефон қилсаммикан? Отишни тўхтатинглар, ахир ўзимизникиларни отяпсизлар десаммикин...» Лекин сарғиш тук билан қопланган

забардаст қўли бенхтиёр столга тушди. «Мумкин эмас! Бу аблаҳнинг жуда кўп кузатувчилари бўлиши керак. Иш яна расво бўлмасин. Қолузаев бугун кечаси Революцион ҳарбий кенгаш мажлисида дангалига жангчилар чарчади, совуқдан ёмон қийналишяпти, шунинг учун уларга дам бериш керак, деб айтган гаплари ҳам етар. Ваҳоланки, унга ҳар иккала қанотдан «қўшинлар янги жангларга тайёр. Уларнинг кайфияти яхши...» деб хабар беришган эди. Яхшиямки, жангчилар, ҳақиқатда у айтгандек чарчаб қолишганмикин, деб текшириб кўришни ҳеч ким хаёлига келтирмади.

Лекин бирон-бир чора кўриш керак. Осиповдан энди умид йўқ. Бир неча соатдан кейин исён ҳам бостирилади. Бир амаллаб Осиповни қочириб юбориш керак. У тағин большевиклар қўлига тушиб қолмасин. Ким билсин, судда у ўзини қандай тутди! Уни кечиришади, деб ўйлаш бемаънилик албатта. У яна ўзи билай бирга Қолузаевни ҳам оёғидан тортиб юрса-я? Фақат унинг бир ўзинимикин? Сўл эсерлар марказий комитети раҳбарлари билан бўлган учрашувлар ва бу учрашувлар вақтида ишлаб чиқилган планлар ҳақида, Агапов тўғрисида ҳам Осипов айтиб беравериши мумкин. Дарвоқе, Агапов қай гўрдайкин? Уйда йўқ, бу ерда — устахоналарда ҳам кўринмайди. Балки чатоқ бўлишини билиб қолиб бирон бир ковакка кириб, кўздан ғойиб бўлдимикин. Қаллаварам! Шу йўл билан қутулиб бўлармиди?!

Қолузаев Осипов таъқибдан қочиб қаёққа кетиши мумкин, деб ўйлаб кўрди ва бирдан у исён бошлаган пайтдан буён фақат шу ҳақда ўйлаётганини равшан англади. Шунинг учун у Осипов таклиф этса ҳам 2-Сибирь полки штабига бормаган, Осипов «ҳаммаси тайёр» деб унга билдирган пайтда ҳам ҳеч нарса қилмаган эди. Ҳақиқатда, у ҳамма вақт Осипов исёнининг муваффақият қозонишига шубҳаланган эди, қалъа таслим бўлмаганлиги маълум бўлганидан кейин эса, унинг шубҳаси ишончга айланди. Қалъанинг ёлғиз ўзи ҳам шундай қуроллари билан қўшинлар фронтдан етиб келгунча таслим бўлмай тура оларди.

Шундайку-я, лекин бу Белов гапга кирмайдиган одам эканлигини ким билибди!

Қолузаев қалъа билан боғловчи телефон аппаратига ғазабланиб қараб турар ва Осипов Тошкентни ташлаб қаёққа равона бўларкин, деб ўйларди.

Фақат иккита йўл бор эди. Биринчи ва энг эҳтимол тутилган йўл — Чимкент тракти орқали Фарўона босмачиларига қўшилиб олиш, иккинчи, анча қийин йўл эса, Урсатевск станцияси орқали Бухоро амири олдига ёки Фарм районига, чега-

рага бориш эди. Урсатьевскдан чўчимаса бўлади. У ерда Колузаевнинг ўз одами — сапёрлар отрядининг командири, сўл эсер Петренко бор. Улар зарурат туғилб қолса, Осиповнинг чекинишини ҳимоя қилиб туриш ҳақида аллақачон келишиб қўйишган. Кейин билмай қолибмиз, таъқиб қилиб келаётганларни исёнчилар деб ўйлабмиз, деб баҳона қилиш мумкин бўлади. Лекин Чимкент тракти нима бўлади? Агар Осипов шу томондан кетадиган бўлса, уни осонгина қувиб етишади. Агар уни отишмада ҳалок этишса ёки ўзини-ўзи отиб ўлдирса яхши бўларди.

Иўлакда қадам товуши эшитилди. Колузаев шошилиб қўлига рангли қалам олиб, шаҳар плани устига энгашди, бу билан ўзини жуда банд одам қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Кабинетга Казаков ва Иван Матвеевич кириб келишди.

— Қайси шамол учирди, Уртоқ Парамонов?— ўзини ажабланганга солди Колузаев.— Шундай масъулиятли пайтда жойингизни ташлаб...

— У ерда нима иш бор? Иккинчи полк казармалари олинди. Осипов ўз отряди билан, кутилгандек, Чимкент трактига чиқиб қочди. Иван Панфилович хайр-маъзурига уларни узоқ-қа отадиган тўп шрапнели билан сийлади. Шу билан масала ҳал бўлди. Ҳозир қисмларимиз шаҳарни тозалаб чиқишяпти, қолган-қутганларни тинчитишяпти, лекин бунини энди ҳисобга олмаса ҳам бўлади.

Колузаев қўлоқ солиб турди. У хаёл билан бўлиб қалъа артиллерияси ўт очишни қандай тўхтатганлигини ҳам сезмай қолибди. Милтиқ-пулемёт отишмалари ҳам эшитилмасди.

— Осиповни таъқиб этишни сиз уюштирдингизми?— сўради Казаков Колузаевдан.

У соддадиллик билан қўлларини ёзди.

— Кимни юбораман, нимада ҳам бора оларди? Революцион ҳарбий кенгашга бу ҳақда аллақачон маълумот бердим...

— Сиз Революцион ҳарбий кенгашига таъқиб этишни ташкил қилиш имкониятларини топаман, деб ваъда бергансиз. Хўш, нима чора кўрддингиз?

— Аристарх Андреевич, бу хоинни орқасидан қувишга энг яхши қисмни жон деб юборган бўлардим, уни бу ерга, шаҳарга олиб келиб, ҳаммининг кўзи олдида суд қилиш керак эди. Лекин мен нима қила оламан? Отлар бўлмаса, одамлар жанг қилиб толиққан бўлса...

— Одамлар ҳам топилди дейлик,— деди Иван Матвеевич. Казаков суриштиришда давом этди:

— Нега автомашиналардан фойдаланмадингиз?

— Ёнилғи йўқ.

— Нега, бутунлай йўқми?

— Чирчиқчаца етади. Лекин у ёғи нима бўлади? Уларни яёв қувиб етиб бўладими.

— Қисқаси, сира иложи бўлмабди-да,— индамай туролмади Иван Матвеевич.— Қизиқ чиқяпти, Қолузаев! Осиповни шаҳардан чиқариб юбормаслик учун мен бронелетучка сўраганим-да, сенга у бошқа жойда жуда зарур бўлиб қолган эди. Энди, Осипов бир амаллаб қочиб қолганда, уни қувишга ҳеч нарса топилмади, эмиш.

— Бу билан нима демоқчисан?— қизишиб кетди Қолузаев.— Яширмай, ҳаммасини айтавер...

— Ҳаммасини айтдим. Ҳозирча — шу гап... У ёғини кейин кўрамиз.

Қолузаев оғир нафас олди. Унинг бўйни қизара бошлади.

— Йўқ, Парамонов, сен яширма. Ярамас кесатиқларингни гапиравер.

Қазаков аралашди:

— Бу қанақаси, ўртоқ Қолузаев, арзимаган нарсадан жанжал чиқармоқчи бўласан? Узингни тутолмайдиган бўлиб қолибсан. Асабийлашасан. Парамонов биз Осиповни қўлдан чиқариб юбордик, деди холос. Кетдик, Иван Матвеевич.

Улар ташқарига чиқишгач, Қазаков Парамоновга деди:

— Сен бекорга Қолузаевга ёпишяпсан, Иван Матвеевич. Бу билан ҳеч иш чиқара олмайсан. Бу итвачча ҳаммасига ваз-корсон топа олади, важлари ҳам ишончли бўлади.

— Ҳўш, бўлмаса нима қилиш керак, Аристарх Андреевич?

— Кутиш керак. Ҳозирча улар, сўл эсерлар Революцион ҳарбий кенгашда кўпчиликни ташкил этади. Қараб тур, улар ҳали ўзларини кўрсатишади. Шунинг учун беҳуда тутақма. Ҳозир эса нима бўлса ҳам Осиповни таъқиб этиш керак. Ишончли одамларни олиб, уларни қуроллантир, патронлардан кўпроқ олинглар, гранаталар ҳам. Қисқаси — бир соатдан сўнг йўлга тушинглар. Отрядни сен бошлаб борасан.

— Отлар-чи?

— Топишга ҳаракат қиламан. Нима қилиб бўлса ҳам топан.

Бир ўзи қолган Қолузаев шуурсизлик билан бурчакка тикилганча узоқ ўтирди. Қазаков ва Иван Матвеевичнинг унинг олдига келиши вақтли Революцион ҳарбий кенгаш аъзолари — коммунистлар Осиповни таъқиб этмагунча тинчимасликларига шубҳа қолдирмади. Уларга қарши нима чора кўрса экан?

Қолузаев шу кунларда дорбозга ўшаб, лангарни тўғри ушлаб турганлигини жуда яхши тушунарди. Агар исён бошида тўс-тўполондан фойдаланиб, коммунистларга қарши актив ха-

лақит бериш мумкин бўлган бўлса, энди, Осиповчилар тор-мор этилгандан сўнг эҳтиётсизлик билан ташланган ҳар бир қадам унипг ўзини ҳалокатга олиб келиши мумкин. Лекин бирон бир иш қилиш керак. Ўзининг ҳаёти ширин, уни асраш керак. У энг хавфли, таъқиб этиш учун ярайдиган 4-полк партия дружинаси ва хусусан Оренбург ҳарбий инструкторлар мактаби унинг маслакдоши, сўл эсер Якименко қўл остида эканини, демак ҳали ҳаммаси барбод бўлмаганини ўйлади.

Колузаев бир varaқ қоғоз топиб, шошилиб Якименкога хат ёза бошлади. Хатда унга одамларни асраш ва кучларни беҳуда сарфламаслик кераклигини айтди. Хат унчалик силлиқ чиқмади, лекин Якименко уни тушуниб олади. Колузаев конвертни елимлаб, ҳовлида ишончли хабарчини қидириб топди. Унга хатни шахсан эгасининг қўлига, ҳеч кимга кўрсатмай топширишни буюрди.

Энди, ҳамма иш қилинди шекилли.

6

Улар худди тўсатдан юз берган табиий офат — қаёқдандир келган зўр тўфон ёки ҳамма ёқни хароб қилиб, одамларни ҳалок этган зилзиладан кейин тўплангандай йиғилишаётган эди — янги кириб келган одамга зимдан разм солишарди. «Тнрик экансан-ку. Сени қара-я!.. Нима дейишган эди...» Бу ерда, тартибга келтириб, ойна солиб қўйилган, лекин девор сувоқларида ўқ излари қолган Озодлик уйида исёнчилар тор-мор этилгандан сўнг Туркистон Марказий Ижроя Комитети, Халқ Комиссарлар Совети, Тошкент депутатлар Совети ва Вақтли революцион кенгашнинг тирик қолган аъзолари биринчи марта йиғилишаётган эди. Ҳукумат тузиш лозим эди. Лекин бу ерда ҳаммани ҳамфикр деб бўлмасди. Бунинг ҳатто мажлис олдидан йўлакларда одамларнинг тўда-тўда бўлиб туришидан ҳам билса бўларди.

Туркистон Марказий Ижроя Комитети раисининг ўринбосари, сўл эсер Успенскийнинг атрофига ҳаммадан кўп одам тўпланган эди. Думалоқ юзли, семиз, ёноқларида кулдиргичи бор, чекка шаҳарчадан чиқиб машҳур бўлаётган докторга ўхшаб кетадиган Успенский қалин қора лентадаги пенснени қисиб турган қўлини силкитиб, атрофдагилар билан қизгин суҳбатлашарди. Успенский аслида ҳам бир вақтлар врач бўлган, бироқ ўз касбини аллақачон сиёсий фаолият билан алмаштирган эди. У тажрибали нотиққа ўхшаб, гоҳ овозини кўтариб жаранглар, гоҳ майин шивирлар, исёнчилар патрули уни йўллар халқ комиссари Дубицкий билан бирга кўчада қамоққа олгандан

бошлаб то уларни 2-Сибирь полки казармаларига олиб келгунча ўз бошидан кечирганларини тасвирларди.

Қаршидаги девор олдида Казаков билан темирчи ишчидан чиққан Туркистон йўллар халқ комиссарининг муовини Дмитрий Павлович Саликов секин гаплашиб туришарди. Саликов ҳали ўттиз беш ёшга бормаган бўлса ҳам, бир минг тўққиз юз бешинчи йилдаги баррикада жангларини ҳам, турмани ҳам кўрган эди. Еногининг учиб туриши ўша турмадан қолган нишона эди.

Уларнинг олдига гимнастёркасининг тугмаси атайлаб ечиб қўйилган, ҳамон абжир, чаққон Дрожжин келди.

— Жанг бўладиганга ўхшайди,— деди у Успенскийнинг атрофига йигилганларга ишора қилиб.— Тайёрланишяпти...

— Эсерлар билан қачон жанжалсиз бўлган эди,— жавоб берди Казаков.

— Уларни нега эркалатиб қўйганимизга ҳайронман. Ҳаммасини гумдон қилиш керак, вассалом. Раҳбарларини қамоққа олиш, партиясини эса тарқатиб юбориш керак...

— Жабрланганлар, ҳақиқат учун курашувчилар деб уларга эргашаётган одамлар кўзи ўнгида-я,— деди истехзо билан Саликов.— Уларнинг обрўсини кўтармоқчимисан, Николай Андреевич?

— Нима қипти. Москвада тарқатиб юборишди-ку?

— Ҳа, исён кўтариб, Держинскийни қамоққа олиб, бу билан ўзларини ўзлари узил-кесил фош этишгандан сўнг.

— Хўш, Осипов-чи? Демак, унинг исёнига уларнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ экан-да, а?

— Тўғрироғи, улар бунга аралашмишган, лекин буни қандай исботлай оласан? Шуни ҳам билки, уларнинг ҳаммаси ҳам Успенскийга ўхшамайди, Беловга ўхшаганлари ҳам бор... Ана унинг ўзи келиб қолди. Очил ҳам у билан бирга-ку.

Эшик олдида Белов ва Бобожонов кўринди. Зал секин-аста тўла бошлади. Колузаев кириб келди, ҳозир бўлганларга хўмрайиб кўз югуртириб чиқди-да, президиум столига ўтирди.

Қўнгироқ чалинди. Казаков залга йигилганларга ғамгин боқарди: большевиклар жуда кам-да! Ҳа, душманлар нима қилаётганларини билардилар: энг кучли, ишончли, подполье курашида чиниққан одамларни йўқотдилар. Уларнинг ўрнини босадиганларни топиш осон бўлмайди, лекин топиш керак. Ҳар бир номзодни пухта, холисона муҳокама қилиш лозим. Кириш сўзида у худди шу тўғрида гапирди ҳам.

Успенский шошилмай, комил ишонч билан минбар олдида келди. Яқинда Компартиянинг ўлка комитетида унинг доклади

юзасидан жиддий тортишувлар бўлган эди. Ҳукуматини тузишдек жиддий масала юзасидан сўл эсер доклад қилишини ҳеч ким тасаввур қилолмасди. Кўплар учун бу ҳол большевизмдан чекиниш бўлиб туюларди. Дрожжин ва тор-мор қилинган «эски коммунистлар» группасидан айрим кишилар революция ва ишчилар синфига нисбатан сотқинлик бўлди деб гапиришди. Галагёвурни Саликов тинчитди. «Мен ҳам Успенский докладидан бирон яхшилик кутмаяпман, аммо у Туркистон Марказий Ижроия Комитети раисининг тирик қолган ўринбосари. Бу билан ҳисоблашмоқ керак. Яна бир мулоҳаза: ҳаммага маълум вазият туфайли ҳозир ҳукумат органларида кўпчилик бўлиб қолган сўл эсерлар бу исён туфайли гарчи уларни фош этадиган аниқ далиллар бўлмаса-да, ўз обрўларини жуда кетказиб қўйдилар. Лекин одамлар кўр эмас, ким қаёққа тортаётганини кўриб туришибди. Шундай экан, эсерларга қўйиб беринг, улар қолган таъсирини ҳам тез йўқотишади».

Ҳозир ҳам Қазақов Успенскийнинг гапларини эшитаркан, уни докладга чиқариб тўғри қилдикми, деб ўйларди.

Успенский қалин қора лентадаги пенсени қисқанича силкитиб завқ-шавқ билан, берилиб гапирар, исёни бостиришда сўл эсерларнинг хизматини кўкларга кўтарар эди.

Қазақов хаёл билан бўлиб, Успенский хизматларни санашдан ҳокимият органларини тузиш масаласига қандай ўтганлигини пайқамай қолди.

— Ҳа, биз исёни тор-мор қилдик,— кўтаринкилик билан гапирди Успенский,— лекин биз унинг сабоқларини тўла ҳисобга олишимиз керак. Менимча, ҳозирги ниҳоятда нозик вазиятда ҳокимиятнинг эски формасини қайта тиклаш мумкин эмас. Маълумки, мен Туркистон Марказий Ижроия Комитети раисининг муовиниман,— оғзининг таноби қочиб ёноқларидаги кулдирғичлари ўйнади унинг.— Мен, экс оффицно, яъни лавозимимга кўра,— таржима қилди у,— бу формани ҳимоя қилишим лозим эди, лекин виждоним бунга йўл қўймайди. Қонун чиқариш иши ҳозирги вақтда бефойда, ҳатто зарарли ҳам.

«Қаёққа бошлаяпти, бу маккор,— ўйлади Қазақов.— Қаёққа буриб кетяпти?»

— Ҳокимиятни демократлаштириш зарур, жуда зарур,— лавом этди Успенский ўз нутқидан ўзи завқланиб.— Шу маънода, менинг назаримда бизнинг эркин сайланган Вақтли ҳарбий революцион кенгашимиз ҳозир бошимиздан кечираётган вазиятга кўпроқ мос келади.

«Ҳа, энди тушунарли!— фаҳмлади Қазақов.— Революцион ҳарбий кенгашда сизлар кўпчиликсиз. Ҳокимиятни имижинида қўлга олиш йўли чакки ўйланмабди...»

Успенский бўлса гапини давом эттирди:

— Яшириб нима қиламиз, илгари демократия борасида бизда ҳамма иш яхши эди, деб бўлмайди. Ҳамма ҳам, ўртоқлар... Ҳеч кимга сир эмаски, Осипов республика раҳбарларидан бири эди, у коммунист эди, ўртоқлар...

Залда шов-шув бошланди, ғазаб овозлари эшитилди.

— Ҳа, ҳа, ўртоқлар.— шовқинни босиб овозини баландлатди Успенский.— У Коммунистик партия аъзоси эди. Бу факт! Коммунист ўртоқларимиз истасалар-истамасалар бу фактдан қочиб қутулиб бўлмайди...— Бирдан унинг гапи оғзида қолди.

— Мажлис аҳлига бир гап бор,— эшик томондан овоз келди.

Ҳамма ўша томонга ўгирилди ва Иван Панфилович Беловга кўзи тушди. Қалъа комендант оёқларини хиёл кериб, қи-мир этмай қотиб турарди. Бундайларни ўрнидан кўзғатиб бўлмайди.

— Кечирим сўрайман, сўзингизни бўлдим,— давом этди у.— Балки бу докладга бевосита алоқаси бўлмаса ҳам, аммо менмича, жуда жиддий масала. Маълумки, сиз ҳам исёнчилар томонидан қамоққа олиниб, иккинчи Сибирь полки казармаларига олиб кетилган эдингиз.

— Ҳа, шундай,— тасдиқлади Успенский, хиёл ўзини йўқотиб.— Лекин мен тушунмаяпман.

— Бир оз сабр қилинг. Ҳозир тушуниб оласиз... Менга ишонинг, сизга ёмогликни истамайман, сизни тирик, соғ-саломат кўриб турганимдан хурсандман. Лекин сиз қандай қилиб тирик қолганингизни мен ҳам, бу ерда ҳозир бўлган бошқа ўртоқлар ҳам билиб қўйсак ёмон бўлмасди.

Зал сув қуйгандек жим бўлиб қолди. Протоколни шөшиб ёзаётган секретарь перосининг ёғирлаши ҳам эшитиларди.

— Тушунмаяпман, Иван Панфилович,— елкасини қисди Успенский,— бу билан нима демоқчисиз? Мени кўчада Дубицкий билан бирга қамоққа олишгани яхши маълум.

— Гап шунда-да... Аммо йўллар халқ комиссари ўртоқ Дубицкийни исёнчилар казармага олиб келган заҳоти отиб ташлашди. Сизни, Маориф халқ комиссари ва Туркистон Марказий Ижроия Комитети раисининг муовинини эса чертишгани ҳам йўқ. Буни қандай тушуноқ керак?

Успенский илжайишга ҳаракат қилди-ю, кулгиси зўрма-зўраки бўлди.

— Осиповнинг ишлари учун мени жавоб беришга мажбур қиляпсиз...— шундай деди-ю, бирдан қизишиб кетиб, минбарга мушти билан урди.— Бундай сўзлар билан чалпишга қандай ҳаққингиз бор? Мени, Туркистон сўл социалист-революционер-

лар партияси Марказий Комитетининг раҳбарларидан бирини-я! Сиз партиямизнинг нари борса оддий бир аъзоси эканлигингизни унутиб қўйяпсиз...

— Марказда барбод бўлган ва омма орасида обрўсини йўқотган партиядо бўлиш шарафи шубҳа туғдиради, лекин бу ҳақда кейинроқ, съездда гаплашамиз. Ишонаманки... исён арафасида муваффақиятли бошланган съезд ўз ишини давом эттиради.

Ҳазабдан оқариб кетган Успенский шундай дейишга оғиз жуфтлай олди холос:

— Агар сизни съездга киритишса...

— Мен съезд делегати эканлигимни унутяпсиз,— эътироз билдирди Иван Панфилович.— Агар лозим бўлса, у ерга мен ўзимнинг бутун қўйи ячейкам билан бораман... Ўша ерда кўраман оғзимни қандай қилиб ёпа олишингизни.

Эс-хуши ўзига келган Қазаковнинг қўнғироги бу жанжални бўлди.

— Уртоқ Успенский, докладни давом эттиринг.

Успенский бир оз вақт гапни қандай давом эттиришни билолмай турди.

— Бундай ҳақорат қилиш...— пўнгиллади у.— Мажлис шундай қўймайди, деб ўйлайман.

— Зарари йўқ, зарари йўқ,— далда берди унга Қазаков.— Буни ўзларингиз партия ичида муҳокама қиласизлар. Асосий гапга ўтинг.

Бироқ Успенский энди илгаригидек кўтаринкилик билан гапира олмади. Унга яхши қулоқ солишмай қўйишди.

Иван Панфилович кимдир елкасидан турганини сезиб, орқасига ўгирилди ва ўз адъютантини кўрди.

— Нима қилиб юрибсиз, Ян?— сўради у мажлис залидан чиқишганда.

— Мен ўша аблаҳ Шишаринни қамаб қўйдим.

— Шубҳаларимиз тасдиқландими?

— Ҳа! Дарвозани очган ва исёнчини кутган ўша экан. Мен отган Арбузов бор-ку, ана ўшанинг ўзи олдида айтди.

— Ундай бўлса, уни маҳкам ушлаб туринг. Тагигача етиш керак бўлади. Бу фақат икковининг иши бўлиши мумкин эмас. Қалъада уларнинг яна одами бор.

Веверс галати бўлиб рўпарасига қараб турарди.

— У энди йўқ,— аранг оғиз жуфтлади у.

— Ким йўқ?

— Ўша аблаҳ Шишарин-да.

Маълум бўлишича, Веверс маҳбус Шишаринни олиб кетаётда машқ командасининг бир группа жангчилари ўз собиқ бош-

ликларини унинг қўлидан тортиб олиб, ўша ерда отиб ташлашибди.

— Сиз уни ҳимоя қилишингиз керак эди, ўртоқ Веверс.— жеркиб берди Белов ва шу ондаёқ хаёлидан: «У нима қила оларди? Ян агар Шишариннинг ёнини олгудек бўлса, унинг ўзини ҳам тўс-тўполонда отиб қўйишлари мумкин. Кейин нима бўлганлигини ким биларди», деган фикр ўтди.

— Тўғри, бу менинг айбим,— маъюсланиб деди Веверс.

— Сизни қарангу,— қўл силтади Белов.— Биласизми, нима бўлган?.. Гувоҳни йўқотишган! Бехато ишлашяпти, нима ҳам дердинг. Анали, сиз отган Арбузов, у ҳали тирикдир?

— Ҳа,— тасдиқлади Веверс.— Меники уни камерага ўтказди ва қоровул қўйди, ишончли, коммунист.

— Яхши. Ўзимизнинг врачдан бошқа ҳеч кимни унинг олдига киритманг, ташқи дунёдан бутунлай ажратиб қўйинг. Газеталар ҳам, ҳеч қанақа тугун ҳам олмасин... Кетавер, мен тезда қалъага бораман.

Белов мажлис залига қайтиб кирди. Минбарда Колузаев, чамаси, сўзини тугатаётган эди. Қандайдир қоғозни ўйнаб гапирди:

— ...Коммунистларимизнинг сепарат ҳаракатлари яна бошланяпти. Яна биз ҳаммамиз бу ерда бир масалани ҳал қиляпмиз, коммунист ўртоқларимиз бўлса ўзларича иш битиришяпти.

— Масалан?— деди Казаков.

— Мисол келтиравериш мумкин. Мана, айтайлик, узоги билан ўтган куни ёки ўртоқ Казаковни Революцион ҳарбий кенгашга раис қилиб сайлаганимизнинг эртасигаёқ у кўпчиликка қулоқ солмай, исён тўғрисида ўзи шахсан Москвага телеграф қилди.

— Нима бўпти?— жавоб берди Казаков.— Телеграмма Компартия ўлка комитети номидан юборилди.

— Сиз, Аристарх Андреевич, ўз ўлка комитетингизни пеш қилаверманг!— залда кўтарилган шов-шувни босиб ўшқирди Колузаев, у норозиликни бостириш учун илгарилари ҳам кўп марта шундай ўшқирарди.— Сизга ишонч билдиришган, раис қилиб сайлашган, ахир раисни қайтадан сайлаш ҳам мумкин!.. Биз қайта сайлаймиз ҳам...

— «Биз» деганингиз ким?— ўрнидан турди Саликов. Шовқин типчигандан сўнг деди:— Сиз беҳуда ўшқиряпсиз, Колузаев. Бу ерда бақирингиз кетмайди... Казаков исён тўғрисидаги телеграммани ўз номидан ҳам юборавериши мумкин эди, иккиннинг бирини озодлик, демократия тўғрисида кўкрагига уриб гапирадиган сиз цензурасиз ёзишма табиий ҳуқуқига қарши чиқмасангиз ҳам бўларди. Лекин телеграмма Москвага Туркистон Компартияси

номдан юборилди, Компартия ҳеч қачон Колузаевнинг ҳам, умуман сўл эсерларнинг назорати остида ҳам бўлган эмас. Қайта сайлашга келсак, ҳеч бўлмаса Бош устахоналар ишчиларини йиғиб, гаплашиб ола қолайлик. Ленин ва Свердлов ўртоқларга Осипов исёни тўғрисида Қазаков хабар қилди, шунинг учун у менга ёқмади, деб ишчиларга айтасиз. Очиқдан-очиқ айтасиз... Кўрамиз, минбарда сизни лоақал беш минут туришга қўйишармикини? Қўйишмаса керак!

Белов қалъага анча кеч қайтди. Веверс уни дарвоза олдида учратди.

— Нега ухламадингиз, Ян?— сўради Белов.— Қалъада тинчликми?

— Ҳа, тинчлик.

Улар штабга ўтишди. Белов кабинетда шинелини ечди, гимнастерка ёқасининг тугмасини ечиб қўйди, камарини олиб, ҳорғинлик билан креслога ўтирди.

— Роса тортишув бўлди-да...— чуқур нафас олди у.

— Нимага қарор қилдинглар?— сўради Веверс.

— Сўл эсер ўртоқларимиз бошқа қандай қарорга ҳам келардилар? Вақтли Революцион ҳарбий кенгаш қўлида ҳокимиятни сақлаб қолдилар, улар у ерда кўпчилик эди-да. Советларнинг еттинчи съездини чақиргунча Туркистон Марқазий Ижроия Комитети президиумини ҳам, Халқ Комиссарлар Советини ҳам қайта тикламаймиз. Агар эсерлар ўзларини янада дадилроқ тутишганда, мамнулик билан Совет ҳокимиятига қарши ҳам овоз бериб юборган бўлардилар... Умуман, сўл эсерлар партиясини йўқотиш керак,— деди қатъий оҳангда Белов ва ўйланиб қолди.

У ғамгин эди. Бу партияга кираётганда бир вақт шундай хулосага келаман, деб ўйламаган эди. У вақтда ҳаммасини бошқача тасаввур қиларди. Энди-чи? Партиянинг таназзулим бу? Ҳа, партия буткул эътиборини йўқотди.

— Яхшиямки,— деди у суҳбатни давом эттиргандай бўлиб,— Революцион ҳарбий кенгашда Қазаков, Саликов, Парамоновга ўхшаган одамлар бор. Уларнинг олдида «сўл»ларимиз ўзларини эркин туюлмайдилар.

— Сизни нима қилишди?— сўради Веверс.— Сиз Революцион ҳарбий кенгашда қолгандирсиз?

Белов ғамгин кулиб қўйди.

— Улар мени чиқариб ташлашни жуда ҳам хоҳлаган эдилар! Айниқса Успенский билан Колузаев... Э, жин урсин уларни. Менга қаранг, Ян, қалъага бемалол кириш-чиқишни ман қилиш керак. Қурол-аслаҳа, ўқ-дори, порох омборлари олдида соқчилар-

ни икки марта кўпайтириш керак. Соқчиликка ишончли одамларни танлаб олинг. Интернационалчиларга ҳам эътибор қилинг. Эсингизда бўлсин: собиқ ҳарбий маҳбуслар уйларини соғинишган. Уларга ҳеч бўлмаса ватанларига қайтишга ваъда бериб, лақиллатишлари мумкин.

— Нима? Ҳарбий ҳолатми?

— Ҳарбий ҳолатми-йўқми, аммо эҳтиёткорлик халақит бермайди... Хўш, энди ухлайлик. Мен бугун қалъада ётиб қоламан.

7

Осиновнинг отряди тоққа қараб кетаётганди. Отряд ажойиб Текин аргумоқларида борар, йўл-йўлакай янги отларни олар, юклар, қуроллар, ярадорларни қолдириб кетарди.

Тошкентдан чиқиб олган отряд совет қўшинларининг сийрак ҳалқаси орасидан ўтиб, Чимкент тракти орқали чегарага тобора яқинлашиб борарди.

У яқинлашиб келганида аҳоли тумтарақай бўлиб қочиб кетар ёки эшнкларини маҳкам беркитиб оларди. Бу ўқ отиб кетаётганлар қизилларми ё оқларми, ўзлариники ёки бегоналарми, кимлигини билишмасди. Уша пайтда ўзиники ким эканлигини ҳам ажрата олмасдинг. Қариндош-уруғ, яқинлар, ўз уруғинг, авлодинг — ўзиники деган одатдаги тушунча — асрлар давом этиб келган тушунча энди бузилган эди. Биродарлики бутунлай бошқача маънода тушунтириб берувчи одамлар, ўз уруғ бошлиқларига қарши кўтарилган одамлар тобора кўпайиб бораётган эди. Улар учун энди уруғ бошлиғининг оппоқ соқоли бошлиқлик ва донишмандлик белгиси эмас эди. Бундай одамларни ўқтин-ўқтин ўз уйларида сўйиб кетилган ёки йўл ёқаларидаги ариқда елкасидан ўқ еган ҳолда ётганини кўришарди. Лекин бу билан улар камаймаётган эди. Хўш, бу шошилиб тоққа чекиниб кетаётган, йўлда пулемётлардан қисқа-қисқа ўқ узиб бораётган отряд қанақа отряд экан? Буни овулдагилар билишмасди. Шунинг учун ҳам пишиқ ва бир метр қалинликдаги унча-мулча қамалга бардош бера оладиган сомон деворлар билан ўралган ҳовлиларнинг оғир дарвозалари ичкаридан маҳкам ёпиб қўйилган эди. Ҳовли ичида занжири ечилган катта итлар юрар эди. Баъзи ерларда эса ковакдан қадимий иилта милтиқ, биротар, уч оғиз милтиқнинг ёки энг янги винчестернинг оғзи кўрниб қоларди.

Овуллар қаршилиқ кўрсатишга тайёрланган эди, лекин отряднинг ниятини билмай, кутиб ётарди.

Отряд эса тобора тоққа, қорли чўққиларга қараб борарди,

совуққа ўзини олдирган, чала музлаган одамларни йўлга ташлаб кетаверарди.

Қаҳратон қишда озиб-тўзиб кетган бўрилар тўдаси қандай аҳволга тушса, отрядда ҳам шундай бўлаётган эди: ёшлар, чиниқмаганлар ҳам, қаршилиқ кўрсатишга ожиз бўлиб қолган чоллар ҳам, ҳолдан тойганлар ҳам ҳалок бўлиб борар, фақат маккор, чидамлилар ҳамон бардош бериб келардилар. Маккорларга ботқоқликларнинг чуқур қатламн ҳам, баланд тоғ чўққиларининг изғирин совуғи ҳам яхши таниш. Улар бундай аҳвол юз бериши мумкинлигини билиб, олдиндан тайёрланганлар. Улар қишдагидек иссиқ кийиниб, госпиталдан олган спирт билан исиниб, колонна бўлиб боришар, колонна ўртасида кичик, аммо оғир юк ортилган отлар борарди, бу юклар олтита чарм қопда бўлиб, сурғучланган эди.

Қопларда Давлат банки пўлат сандиқларидан олинган Туркистон Совет республикасининг олтини бор эди. Энди улар чегарага шошилганча бир-бирларинн диққат билан кузатишар, кўтариб қўйилган тепки шай бўлиб, бир-бирларига ишонишмасди ва йўлда қолиб кетаётган ҳар бир янги талафотни кўрганда хурсанд бўлиб боришарди.

Уларнинг охирги умиди ана шу олтита чарм қопда эди — чегарадан ўтиб олгач, хоҳлаганларича яшаш мумкин, ташвишсиз кун кўриш, ичиш, майшат қилиш ёки ҳарами бор қаҳвахонача очиб, даромад қилиб ётиш мумкин.

Уларнинг оламини остин-устун қилишдек ҳавойи орзуларидан қолгани шугина эди.

Улар тасодифий ўлжага ташланган оч бўрилар сипгарп бир-бирларига ёпишиб, ғажиб ташлашга, қандай бўлмасин каттароқ бўлакни олишга тайёр эдилар.

Шошилинч йиғилган, кавалерия хизмати учун ярамайдиган, гравакаш отларга ўтирган, хуллас, Иван Матвеевич ўзича «от минган пиёдалар» деб ном қўйган рота тоққа қараб кетган Осипов шайкаси орқасидан қувди. Қизил аскарлар тез юрар, дам олмай борар, аммо катта умид боғланган исёндан теккан олтита чарм қопни ўзи билан олиб кетаётган бўрилар тўдаси эса яна ҳам тезроқ қоцаётган эди.

Довонга яқин жойда тўдадан орқада қолган исёнчилар дуч кела бошлади. Тоғдаги қорларнинг ярқирашидан уларнинг кўзлари қамашиб қолганди. Улар милтиқлар билан йўлни пайпаслаб, қаёққа, нима учун кетаётганларини ўзлари ҳам билмай, довдираб қолишганди. Шишиб, яллиғланиб, қон талашиб кетган кўзлари ёшланар, ёшлар ёноқларида музлаб қолар эди.

Яраланган, совуқ урган ва кўзи қамашганлар борган сари кўпарарди. Энди улар группа-группа бўлиб учраётган эди. Улар-

нинг аксарияти Осиповга эргашган ёшлар эди. Уларни ҳар эҳтимолга қарши арьергард жанглари учун, асосий тўда чекиниб олишини ҳимоя қилиб туриш учун олишган эди. Энди керак бўлмай қолганлиги сабабли ташлаб кетишганди. Улар чегарага шошилаётган отлич авантюрачиларга ега олармидилар. Бу авантюрачилар учун уруш — касб, исён — ўйин, бойиб қолиш имконияти эса — ҳаётдаги бирдан-бир омил эди.

Шайкани қувишда давом этиш фойдасиз эди. Иван Матвеевич Тошкентга қайтишга қарор қилди.

Шошмай, тўхтаб-тўхтаб қайтиб келишарди, қанчалик чарчаганликлари энди билинаётган эди.

Ҳалимхон ҳали ўзини бардам тутиб, ашула хиргойи қилмоқчи бўлар, иккита-учта мунгли сўздан у ёғига ўтолмасди. Унинг ашуласи шундай мунгли эдики, Юров ўзини тутиб туролмади:

— Мунча фингилламасанг? Қунинг битгунча сабр қилиб тур, кейин ули тортарсан.

— Яхши ашула,— кўнглига олмай жавоб берди Ҳалимхон.— Жуда яхши-да. Сен нимани билардинг, Юров? Қадим замонда зўр паҳлавон ҳақида куйлашган. Уни куч билан епголмагач, ҳийла қилишган... Яхши ашула!

Рота Тошкентга кунинг иккинчи ярмида кириб келди. Рота шаҳарга кириши билан тўхтаб қолди. Озодлик уйига туташадиган ҳамма кўчалар одамлар билан тўла эди. Мотам марши садолари эшитиларди.

Озодлик уйидан қизил ва қора мато ўралган тобутларни олиб чиқишаётган эди.

— Тўрт, беш, олти,— беихтиёр санарди Иван Матвеевич, кимни дафн этишаётганини суриштириб ўтирмай.— Саккиз, тўққиз, ўн, ўн бир...

У халойиқнинг тўпланиб келаётгани, одамларнинг қовоғи солиқлиги, ғамгинлигини кўриб тушунди: 2-полк казармаларида халқ комиссарлари отиб ташланганлиги тўғрисидаги Белов айтган гаплар тўғри экан-да.

Озодлик уйидан тобутларни ҳамон кўтариб чиқишарди.

— Қаердан топишибди?— сўради Иван Матвеевич мотам маросимида қатнашаётганларнинг биридан.

— Отхонадан,— қисқа қилиб жавоб берди у.

— Қаердан?

— Айтдим-ку! Отхонадан! У ерда уларни ўлдириб, кўмиб қўйишибди. Биз бутун шаҳарни ковлаб кўриб, ҳеч қаердан тополмаган эдик. Улар ўша ерда экан. Ўзинг қаердан келясан, билмайсанми?

— Биз уларни орқасидан қувдик,— деди секин Иван Матвеевич,— ўша Осиповни орқасидап.

— Етолмадингларми?

— Етиб бўлармиди! Отларимизнинг тинкаси қуриб, зўрға қадам ташлайди-ку.

Мотам маросими йўлга чиқди. Тобутлар орқасидан фахрий қоровул ўтди, мотам байроқлари сузиб кетди.

Иван Матвеевич охириги ташкилот колоннаси ўтиб бўлгунча кўтиб турди, кейин ўз отрядига сафланишга команда бериб, мотам маросими орқасидан кетди...

Саҳарда Иван Матвеевич бирдан уйғониб кетиб, ўз уйида эканлигини анча вақтгача англай олмади. Пол тагида қаердadir сичқон қитирлатди. Иван Матвеевич нима уйғотиб юборганини тушунолмай анчагача у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб ётди. У кейинги кунлардаги воқеаларни бирма-бир эслаб, миёсида ўрнашиб қолган нотаниш «лингвист» сўзини хотирлади.

«Дрожжиндан сўраб кўриш керак...»— жазм қилди у.

Пугачевскдан эрта тонгда жўнашди. Қўшотли икки арава қори топталган йўлдан илдам юриб кетди. Олдинги аравага Тўртинчи армия қўмондони Михаил Васильевич Фрунзе ўз ёрдамчиси Федор Федорович Новицкий билан, орқадагига эса, адъютант Сиротинский ва ўн саккиз-йигирма ёшлардаги бақувват, қошлари қуюқ поручик йигит ўтириб боришарди. Ҳамма вақт жиддийлиги, камгаплиги учун поручикни исми ва отасининг исми билан атаб Никита Игнатьевич деб чақирарди.

Михаил Васильевич Пугачевскдан поездда кетиш нияти бор эди, аммо паровозларнинг ўтин ёқиб юриши, қор уюмлари ва темир йўлнинг умумий аҳволи от-аравани афзал кўришга мажбур этди. Шунда ишончлироқ бўларди. Бунинг устига, маҳаллий аҳоли билан яқинроқдан танишиш, Уральскка элтадиган йўлда жойлашган ҳарбий қисмларга тушиб ўтиш имконини берарди.

Оқ казакларга қарши фронтни ушлаб турган, 22- Николаевск дивизиясида нималар бўлаётганини ўз кўзи билан кўриши, унинг жанговар қобилиятини билиши, яқинда Орлово-Куриловск полкида бўлган исён сабабларини аниқлаши керак эди. Исён тўғрисида Фрунзе Москвадаёқ эшитганди. Ярославль ҳарбий округининг комиссари бўлиб турган Фрунзе Москвага янги ишга тайинланиш учун чақирилган эди. У билан бирга округнинг ҳарбий раҳбари, илгари эски рус армиясининг генерали Федор Федорович Новицкий ҳам Москвага келди.

Республика Революцион ҳарбий кенгашида Фрунзенинг ҳарбий истеъдодига ишончсизлик билан қарашарди, шунинг учун Михаил Васильевичга Жанубий фронтга боришни таклиф этишди, кейин ўйлаб кўриб, Шарқий фронтнинг Тўртинчи армиясига

Револуцион ҳарбий кенгаш аъзоси қилиб, командармлика Новицкийни тасдиқлаб юборишди. Михаил Васильевичга барибир эди. Хаёлида у полкни олишни мўлжал қилганди, ундан каттасини ўйламаган эди. Лекин Федор Федорович туриб олди. У ақлли одам эди, Фрунзегга ўхшаган одамгина армияни жипслаштириб, ўз орқасидан эргаштириб кета олишини жуда яхши тушунарди.

Федор Федорович Револуцион ҳарбий кенгаш раисининг қабулига иккинчи марта кириб, ўз мулоҳазалари билан бафуржа ўртоқлашди. Паст бўйли, миқтидан келган Федор Федорович республика Револуцион ҳарбий кенгаш раиси олдида хиёл ҳаяжон билан, қатъий қилиб армияга Фрунзе қўмондонлик қилиши керак, деди, чунки Фрунзе Ярославль округида ишлаган пайтида ҳарбий ишни жуда яхши билишини ва ташкилотчилик қобилиятлари шубҳасиз эканлигини кўрсатди. Ўзи учун эса у армия штаби бошлиғи лавозимини муносиб топди. Троцкий унинг гапларини совуққина эшитиб, алақаёққа қараб туриб: «Масала ҳал бўлган, қайта кўрнб ўтирмаймиз...» деди. Бироқ Тўртинчи армия қўмондонлигига кимни тайинлаш масаласи билан партня Марказий Комитети қизиқиб қолди.

Марказий Комитет аралашиб Михаил Васильевич командарм этиб тайинлангандан кейин, яна иш пайсалга солинди: ундан негадир округ бўйича ўзига муовин топиб, ҳамма ишларни унга топширишни талаб қилишди. Бунга ҳам бир ой кетди.

Шарқий фронтдан эса ташвишли хабарлар келиб турарди. Яқиндагина Пермни қўлдан беришди, темир йўл состави, ярадорлар бор санитар поезде ва отлар қўшилган йигирмадан ортиқ замбаракни у ерда қолдириб кетишди. Уюшқоқсизлик, эҳтимол сотқинлик туфайли йигирма мингга яқин қизил аскар ва командирлардан деярли жанглрсиз жудо бўлишди. Фронт чизиги даҳшат билан торайиб келарди....

Ва ниҳоят, Фрунзе отланган ва ҳеч етиб боролмаётган Тўртинчи армияда исён кўтарилди.

Уральский мудофаа қилиб турган 22-дивизияда советларга қарши ташвиқот таъсирида Орлово-Куриловск полки қўзғолон кўтарди. Бу полкка сўнгги сафарбарлик вақтида кўп кулақлар кириб қолган эди. Исён бошлиқлари полк командири ва комиссарини ўлдирдилар, оқ гвардиячилар билан алоқа боғлаб, ҳужум қилишдан бош тортдилар. Армия қўмондонлиги ўзини йўқотиб қўйди, арзimas чоралар билан чекланди. Қўзғолон эса кучайиб кетди. Қўзғолончиларга Туркистон полки ва бронепоезд командаси қўшилди. Армия штабидан юборилган Револуцион ҳарбий кенгаш аъзоси Линдов ва сиёсий ходим Майоров билан Мяггилар отиб ташланди. Орлово-Куриловск полкига янгидан

комиссар бўлиб тайинланган Чистяков митингда чавақлаб ташланди.

Республика Революцион ҳарбий кенгашига исён тўғрисида хабар келганда Троцкий жуда дарғазаб бўлди. Унинг қабулхонасида сигнал лампочкалари тез-тез ёниб турарди. Эшик олдида адъютантлар овоз чиқармай шарпадек пайдо бўлар, буйруқни олиш билан эски бинонинг коридорларидан гангиб югуриб қолишарди.

Троцкий оғир ва енгил тўплари бўлган бир неча полкни дарҳол Москвадан жўнатишни талаб қилди. Нима? Қанақасига бўш турган кучлар йўқ бўларкан? Жанубий фронтга жўнатилган? Бекор қилинсин! Қайтарилсин...

Биоқ шунда Мудофаа советидан телефон бўлиб қолди. Владимир Ильич ҳозир Фрунзе қаерда эканлигини ва нега ҳалигача Тўртинчи армияга бормаганлигини суриштирди.

«Йўқ, йўқ, ҳеч қандай полкнинг кераги йўқ,— деди у Троцкийнинг сўзини эшитиб бўлиб.— Фрунзени шоширинг. Ўша ерга бориб, масалани ҳал қилсин...»

Тўртинчи армия штаби жойлашган Самара саросимада эди. Кўчаларда ординарецлар елдек учиб борар, уларнинг кўпириб кетган отлари туёқларидан чиққан дўпир-дўпир овози тор кўчаларда, деразаларда янграб, ташвишда қолган аҳолини баттар чўчитарди. Марказдан вокзалга ҳарбий бўлинмалар ўтиб борар, улар қайғули, ашула айтишмас, баравар оёқ ташламас, милтиқларини орқаларига осиб олган эдилар. Алоқачилар телефон симларини дуч келган жойга: яқиндаги дарахтга, деворга, қийшайган симёғочларга илиб тортишарди. Бошқалари илгари тортилган симларни йиғиб олишарди, изоляция қилинганларини тузатишарди. Ҳамма ёқда солдатлар бор эди.

Улар аллақандай бинолар олдида навбатда туришар, шинелларининг тугмасини ечиб, камарларини боғламай, тўда-тўда бўлиб сандирақлашарди, чорраҳаларда тўпланишиб, кўча ҳаракатига халақит беришарди, бозорларда санкишарди. Бир-биридан ташвишли, бир-бирнга тўғри келмайдиган миш-мишлар уйдан уйга ўтарди: «Қолчакчилар Уфани эгаллаб бўлишди...», «Қазақлар ёриб ўтибди, кечгача шаҳарга келар экан...», «Штаблар эвакуация қилинмоқда... Ёзув машиналарини ва комиссарларнинг хотинларини олиб кетишибди».

Бозорларда тўкин расталар ўртасида, олибсотар, харидор, сотиб олувчилар ва умуман анқовлар ўртасида қандайдир абжир шахслар танда қўярди. Улар собиқ нефть ва темир йўл кампанияларининг чоп этилган қоғози баҳосига ҳам арзимай-

диган акцияларини сотмоқчи бўлишар, олтин буюмлар, тангалар сотиб олишар ва Қизил Армия қисмларининг тор-мор бўлгани тўғрисида, Совет ҳокимиятининг муқаррар қулаши тўғрисида, Москва ва Петрограддаги қўзғолон тўғрисида «энг ишончли хабарлар»ни йўл-йўлакай шивирлашиб маълум қилишарди. Яъни, обивателларча бемаъниликка мўлжалланган контрреволюцион иғвонинг жамики усулини ишга солишарди.

Кечқурунлари эса, ҳаракат тўхташи билан шаҳарда отишма бошланарди. Шаҳарнинг турли чеккаларида ҳавога қараб бетартиб отишар, милтиқни бўшатиш учунми ёки ёмон кайфиятни тарқатиш учунми, зерикшиданми, ишқилиб, бўлар-бўлмасга отишарди. Четдан қараганда, душман шаҳар ичига келиб қолган-у, кўчаларда жанглар бўлаётганга ўхшарди, аслида эса бу шунчаки «осмонга ўқ узиш» эди. Шунинг учун Михаил Васильевич бу хил ўқ узишга эътибор берди.

«Бу қанақаси?— сўради у гарнизон бошлиғидан.— Мамлакат фронтга аранг ўқ-дори етказиб бераётган бир пайтда бу ерда ҳар кун и кечқурун минглаб патронларни ҳавога созуришади. Нега сиз бу бемаъниликка чек қўймайсиз?!»

Гарнизон бошлиғи умидсизлик билан қўл силтади:

«Чек қўйдик, ўртоқ қўмондон, ман қилдим ҳам... Э, уларни тийиб бўларканми! Стихия...»

Фрунзе қовоғини солди. Гарнизон бошлиғининг гап оҳангида ишонсизлик бор эди. Бу ишонсизликни у Самарага келган биринчи кундан сезганди. Бундай кайфият ҳамма ерда кўришиб туришарди: ординарецлар шаҳарда бўлар-бўлмасга отда югуриб юришар, армия штаби бинолари ўз ҳолига ташлаб қўйилган, фронтдаги арзимас муваффақиятсизлик ҳам бу ерда ғоят асабийлик билан қарши олинарди. Одамлар энди ҳеч нарса ёрдам бера олмайди, деган хулоса чиқариб қўйгандек бир-бирларига аланглаб ишлашарди: бу маълумот ва карталарни олиб ижимлаб чанага ташлашни, отларга қамчи босишни, жуфтакни уриб қолишни, кечиқиб бир ўзи қолиб кетмасликни ўйлашарди!

Бу ўтакетган бемаънилик бўлиб, мутлақо асоссиз эди. Икки ҳафта бурун Биринчи армия Туркистон қўшинлари билан биргаликда жанг қилиб, Оренбургни ишғол этди, у ердан атаман Дутов казакларини қувиб чиқарди. Икки ҳафтадан кейин Тўртинчи армиянинг 25 ва 22- дивизия қисмлари исён қилган оқ казакларнинг маркази—Уральскни эгаллади. Бу ердаги кайфият шундай эдики, улар билан умуман ғалаба ҳақида ўйламаса ҳам бўларди.

Бу асабийлик сабабини очиб ташлаш лозим эди.

Михаил Васильевич армия штабида олти кун бўлиб, зарур

кўрсатмаларни бергач, Уралъска жўнашга отланди. Уни бу сафардан қолдиришга ҳаракат қилиб кўрдилар: 22-дивизияда бўлган фожиали воқеалар ҳали ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилмаган эди. Фрунзе бундай маслаҳатгўйларга қулоқ солмади:

— Нима, шу ерда ўтириб умримни ўтказаманми! Уруш эса умуман хавфли нарса...— деди-ю, Уралъска жўнаб кетди.

Йўлни қалин қор босган, йўл белгилари ора-чора кўринади, арава ўнқир-чўнқирларга урилиб боради.

— Совқотмадингизми, Федор Федорович?

Ёқаси кўтарилган пўстиндан Новицкийнинг қиров боған чўққи соқоли кўринди.

— Йўқ, ҳозирча чидаса бўлади, Михаил Васильевич, бўрон кўтарилмаса бўлгани...

Фрунзе уфққа назар солди.

— Бўрон бўлмас-ов... Ким билсин, бу томонларда ҳар нарсани кутиш мумкин. Қандай кенгликлар-а!

— Ҳа, кенгликлар...— тўнғиллади Федор Федорович.— Кўз илғаб бўлмайди.

Михаил Васильевич мийғида кулиб қўйди.

— Тан олаверинг, Федор Федорович, ҳар қалай совқотдингиз. Нега ахир пийма кийиб олмадингиз? Олифта бўлиб нима қилардингиз?

Федор Федоровичнинг чўққи соқоли пўстин ёқаси ичида гойиб бўлди.

— Оёғимга пайпоқ остидан газета ўраб олганман. Бу эски юнкерча усул,— эшитилди ёқа ичидан.— Узингиз ҳам чарм этикдасиз-ку. Нима учунлигини билмайди, деб ўйлаясизми? Армия яланг оёқ қилиб қўйилган-да...

Ҳақиқатда армия ёмон кийинтирилган, етарлича қуролланмаган ва аскарлар аранг олти мингга борарди. Ваҳоланки, душманда казакларнинг ўзидан ўн мингга яқин киши бор эди. Михаил Васильевич буни маълумотлардан биларди. Ҳеч қандай маълумотларда кўрсатилмаган нарсани: армия қисмларининг жанговар қобилияти, унинг команда ва ёлғон состави сифатини ўзи кўриб, ишонч ҳосил қилиши керак эди.

Қатта, ўнлаб километрга чўзилган ва ўзига тўқ қандайдир қишлоққа кириб келишди. Ҳовлисида кенг иморатлари бор, ишиқ, баланд уйлар четан девор ёки штакетник деворлар билан ўралган, бир-биридан анча нарида қурилганди. Чамаси, бу ердагилар бадавлат ва тўқ яшашса керак.

Кўчада ўқтин-ўқтин кайф қилиб олган қишлоқ кишилари учрарди, майдонда гармончи атрофида ёшлар тўпланишиб турарди.

— Масленица*,— деди Михаил Васильевич.— Мужиклар ўйин-кулги қияпти. Ҳов анави эса вино заводлари,— у айрим уй трубаларидан кўтарилаётган оч тутунларни кўрсатди.— Самогон олишяпти.

— Нега шундай деб ўйлаяпсиз?— деди Федор Федорович.— Балки улар блин пишираётгандир...

— Э, йўқ! Блин пиширганда, тутун қуюқроқ чиқади. Бу бўлса сийрак. Адашиш мумкин эмас. Буни Верхоленск уездида бўлган чоғларимда кўравериб кўзим пишган.

Иркутск губернясининг Верхоленск уездида Михаил Васильевич сургун бўлиб туриб қолганлар орасида ҳарбий билимларни ўрганиш тўғарагини тузганди. Унга ҳазил қилиб ҳарбий академия деб ном берилган эди. Бу уездга Фрунзе икки марта ўлимга ҳукм қилингандан ва Владимир, Николаев ҳамда ваҳшиёна режими билан машҳур Александровск марказий қаторга турмаларида олти йил қамалиб чиққандан сўнг «умрбод яшаш» учун юборилганди. Ленин чет элдан ёзган хатларида большевикларга ҳарбий ишни ўрганишни қаттиқ туриб маслаҳат берган эди. Биринчи жаҳон уруши чўзилиб кетди. Бу урушда рус империализми мағлубиятга учрамай иложи йўқ эди. Бинобарин, ҳокимиятни қўлга оладиган пайт келади, муҳими уни қўлда сақлаб қолиш лозим бўлади. Ана шундай дамларга тайёрланиш учун сургундан фойдаланиш керак эди.

Фрунзе Европа картаси устидаги баҳсларни эслаб, мийғида кулиб қўйди. Бу география картасини у полициядан яшириб Иркутскда қўлга киритган эди. У ўзи сургунда яшаб турган Манзуркадан тўрт кун йўл юриб, сургун қилинганлар колониясига дурадгорлик асбоби олиб келиш учун Иркутскка борган эди. Баҳслар жуда қизғин, кескин борарди: сургунда ҳам ўша кунлар одамлар бутун Россиядаги каби мудофаачилар ва таслимчиларга бўлинган эди.

Уральскка кечга яқин етиб келишди. Заставадаги чекка уйда икки қизил аскар турарди.

— Тўхта! Қимсизлар ўзи?

Қизил аскарлардан бири девордан узоқлашиб, эринибгина, лапанглаб олдинги арава ёнига келди.

— Ким бўласизлар?

Федор Федорович ўзини босиб турулмай, жаҳл билан:

— Командарм,— деди қисқагина, соқчи қоровул бошлиғини чақирмаганлигидан дарғазаб бўлиб.— Унинг келиши ҳақида наҳотки сизни огоҳлантиришмади?

— Ҳужжатларингизни кўрсат,— деди иккинчи аскар келиб.—

* *Масленица* — христианларда қишни кузатиш байрами, бу байрам блинлар пишириб, турли ўйин-кулгилар билан ўтказилади. (Тарж. изоҳи.)

Бу ердан ўтадиганлар озми. Ҳаммаси ҳақида хабардор қилишармиди.

Новицкий бир нарса деб койиб бермоқчи эди, Михаил Васильевич имлаб, уни тўхтатди ва ўз гувоҳномасини кўрсатди.

— Қолганлар менинг орқамдан юрсин.

Соқчи шошлмай шивирлаб ҳужжатни ўқиди, негадир орқасини ҳам қаради ва қайтариб бераркан, деди:

— Қставеринг.

— Кечирасиз, Михаил Васильевич,— деб гап бошлади ҳаяжонланган Новицкий улар заставадан узоқлашгач.— Бу қанақаси бўлди! Бундай муомалага йўл қўйганингизга ҳайронман!..

Фрунзе кулди:

— Бу ердан бошлаш керак эмас, Федор Федорович. Қоровул бошлиғини чақиришмади, қоровул бошлиғи командармга рапорт бермади, деб соқчини жазолаш осон, лекин гап шунда эканми? Дивизияда бўлган воқеалар олдида бу ҳолва,— мен Линдов ва бошқаларнинг ҳалокатини назарда тутяпман,— фронт штабида эса бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Исён тўғрисида, бу томонда ёппасига кулак қишлоқлари тўғрисида гап сотишади. Ваҳоланки, аслида бундай қишлоқлар умуман йўқ. Мен махсус бўлим раҳбарлари билан ҳам суҳбатлашдим — улар огзида ҳам шу гап: оқибатни сабабга йўйишяпти, улар ҳам ҳеч нәрсадан беҳабар.

Қизил аскарлар кўчаларда шинель барларини очиб тўдалашиб; якка-якка бўлиб дайдиб юришарди: гармонь чалиб чапанича ашулалар айтишарди:

Эҳ, саратовлик жонон,
Жуда яхши биламан,
Зебо ўйин тушасан,
Дилбар қўшиқ айтасан...

Михаил Васильевич уларнинг кўплари «эндигина тикишдан чиққан» чарм камзул, янги хром этик кийиб юрганлигига эътибор қилди.

— Бу кийимларни қаердан олишган экан?

— Уральскни ишғол қилган биринчи бригада чарм омборни қўлга олиб, уни талон-торож қилди. Қисқаси, худди ўрта аср урушлари даврида биринчи бўлиб бостириб кирган қисмларга ўхшаб ҳаракат қилишяпти. Армия штабида бу ҳақдаги маълумотга кўзим тушди. У «ишга» яхшилаб тикиб қўйилган, лекин штабда шу билан кнфояланишганга ўхшайди.

Муюлишда уйдан қизил аскар чиқди, у ҳам чарм камзулни елкасига ташлаб олганди, қўлида милтиқ бор эди. У зинада туриб, булут ичида хира кўринаётган ойга тикилди, зерикди шеклли, бирдан милтиқни олди-да, бешта ўқнинг ҳаммасини кетма-кет юқорига, «юлдузларга қараб» отди.

Михаил Васильевич аравакашни тўхтатиб, қизил аскардан сўради:

— Бир оз енгиллашдингми?

Қизил аскар бир дақиқа довдираб, рўпарасига қараб қолди.

— Енгиллашдингми, деяпман?!— такрорлади Михаил Васильевич.— Казакларнинг зарбасини энди нима билан қайтара-сан?

Қизил аскар ҳушёр тортиб, командармга беадаблик билан қаради:

— Сенинг нима ишинг бор? Нима, менинг ўрнимга уларни сен урармидинг?!— у шундай деди-ю пўнғиллаб уйга кириб кетди:—Энди сен қолувдинг...

Арава йўлга тушди. Беҳуда, бемаъни отишманинг овози эса тинмасди. Ўнг ёқда ҳам, орқада ҳам, ҳов олдинда ҳам отишарди, худди шаҳарга душман бостириб киргану, унинг йўлини тўшиш, тўхтатиш лозимдек туюларди.

Федор Федорович олтин гардишли чиройли хронометрни боядан бери кафтида ушлаб турар, бир неча марта секундомерни ишлатиб, ниманидир берилиб ўзича ҳисоб қиларди. Фрунзе уни зимдан кузатар, лекин халақит бермас эди.

— Ҳа,— деди Новицкий секундомер милини тўхтатиб,— шу аҳволда улар бутун армия бўйича ҳисоблайдиган бўлсак, кунига уч миллионга яқин патронни ҳавога совуришяпти.

— Наҳотки шунчани,— эътироз билдирди Фрунзе Новицкийнинг қўлидан хронометрни олиб, уни томоша қиларкан.— Қардан олгансиз, жуда чиройли-ку?

— Номим ёзилган. Қарпатдаги жанг учун олганман, армиямизнинг чекиниб олишига дивизия билан ёрдам бериб турганим учун,— пўстин ёқасини оғзига тутиб мингиллади Федор Федорович, сўнг бўйинини чўзиб, қўшиб қўйди:— Патронлар сонига келганда сизнинг шубҳангиз ўринсиз. Уч миллиондан кам эмас! Самарада ҳам ҳисоблаб кўрганман, йўлда ҳам. Ҳамма ерда бир хил. Тўхтатиш керак отишмани!

«Ҳа, патронларни беҳуда сарфлашга қатъиян чек қўйиш керак,— ўйлади Фрунзе,— лекин бу армияни тузатиш борасида қилинадиган ишнинг бир қисми холос, аммо энг муҳими бу эмас. Бу интизом умумий аҳволининг оқибати, жанговарлик қобилиятини йўқотиш, ўз кучига ишонмаслик, холос».

Олдинда дивизия штаби деразаларида чироқ кўринди.

Ер бағирлаб эсаётган шамол қорни тўзитарди. Қор учқунлари шитирлаб, Уральскнинг кенг майдонн узра чарх урар, аллақачон бўшаб қолган каппонлар, бозор қутилари чеккасидаги қор уюмларини супирар эди. Қиш тонготаридаги ғира-ширада линейний жангчиларининг гавдаси маёққа ўхшаб қорайиб кўринарди. Линейнийларни гарнизон бошлиғи қўшинларни кўриқдан ўтказиш олдида юборган эди. Олисда, чап қанотда Богучаровнинг отлиқ ҳарбий қисми турарди. Бу қисм бир текис сафланган эди. Қисм отлари худди саралаб олингандек эди, улар яхшилаб боқилган, ҳаммаси қоида бўйича эгарланганди. Суворилар ҳам шунга монанд эди: узун шинелларда, папахларни ҳам бежирим кийишганди. Бироқ майдонда ана шу қисм ва линейнийлардан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Михаил Васильевич соатига қаради. Кўрик вақти бўлганди. бироқ ҳали қўшинлар йўқ эди. У ўзига ажратилган квартира деразаси олдида турар, олисдан кўринаётган шаҳарнинг бўм-бўш майдонига боқар, пешанасидаги чуқур ажин изи йўқолмас эди.

Кечагина 22-Николаевск дивизиясининг бошлиғи, лавозими бўйича катта бўлгани учун шаҳар гарнизонининг ҳам бошлиғи Сапожков командармдан кўрик тўғрисида буйруқ олгач, Уральскка жойлашган қисмларнинг катта командирларини чақирди.

Шаҳарда 22-Николаевск ва 25-Самара дивизияларининг биринчи бригадалари турарди. Бу иккала бригада икки ҳафта аввал Уральскни штурм билан ишғол қилиб, бу ердан оқ казакларни ҳайдаб чиқарган эди. Аммо 22-дивизия бошлиғи Сапожков гарнизон бошлиғи бўлиб турганлигидан фойдаланиб, имкони бўлди дегунча ўз бригадасини биринчи ўринга қўйиб, Самара бригадасининг хизматларини камситарди. Бу ҳол бригадалар бошлиқлари ўртасида ёмон муносабат туғдириб қўйди. Самараликлар фронтнинг энг яхши бригадаларидан бири сифатидаги ўз шуҳратларининг хиёл бўлса ҳам камситилишига жуда қарши турардилар.

Улар Фрунзенинг келганлигини эшитгач, янги командарм биринчи бўлиб бизнинг қисмимизга ташриф буюради, деб кутишган эди. Бироқ Михаил Васильевич яқинда бўлган фожиали воқеалардан ташвишлианиб энг аввало 22-дивизия билан шуғулланди. 1-Самара бригадасининг бошлиқлар состави Михаил Васильевични ярим кун кутиб хафа бўлди. Бунинг устига янги командарм — немис, собиқ подшо генерали деб кимдир ифво қилиб тарқатган миш-миш Уральсккача етиб келди. Бу миш-миш гар-

низонга тарқалиб кетди, гўё Фрунзе махсус топшириқ билан келган, Орлово-Куриловск полкида исён бўлгани учун юборилган, бу ерда интизомни эски рус армиясидагидан ҳам қаттиқ қилиб қўймоқчи экан, деган қўшимча тафсилотлари билан бўрттирилди.

Бундай кайфият Сапожков учун сир эмасди. У худди шундан фойдаланиб, рақибларни янги командарм олдида ёмон кўрсатишга қарор қилди.

Сапожков гарнизоннинг катта командирлари кенгашини штабда эмас, ўз квартирасида ўтказди. Шу билан димоғдор самараликларга бу шаҳарда ким хўжайинлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди.

Кутилгандек, командармни беҳуда пойлаб аччиғланган самараликларнинг бригада командирлари кўрик тўғрисидаги хабарни ғазабланиб қарши олдилар. Буни нақ нишонга тегадиган луқмалар, пичинглар, узиб олишлардан пайқаш мумкин эди. Қисқа муддатли отпусага кетган Кутяков ўрнига вақтинча бригада командири бўлиб турган Пугачевск полкининг командири Плясунков эса заҳархандалик билан деди:

— Бу ишлардан сиз хабардорсиз, албатта. Ҳар хил кўриклару парадлар, дабдабали маршлар... Бизнинг ишимиз — оқларни уриш.

Сапожков чидаб туrolмади:

— Фақат сиз урушяпсизми?

— Нега фақат биз бўларканмиз?— киноя билан эътироз билдирди Плясунков.— Бизда баъзан душманларимиз ҳар хил бўлиб қолади. Биз колчакчиларни ураимиз, бошқа бировлар эса ўз комиссарларини.

Сапожков лабини тишлади. У кўрик вақти тўғрисида эълон қилди-да, кенгашни ёпа қолди.

Уйига қайтишда Плясунков ҳовуридан тушди ва ўз командирлари билан хайрлашаркан, ҳар қалай кўриққа қўшинларни олиб чиқиш кераклигини айтди. Командирлар қовоғларини осилтириб, унинг гапига қулоқ солдилар ва тарқалдилар.

Ёлғиз қолган Сапожков анчагача у бурчакдан бу бурчакка юрди. У Плясунков киноясидан ҳали ўзига келмаган эди. Ҳаммасидан ёмони Сапожков бирон нима деб эътироз билдира олмасди. Орлово-Куриловск ва Туркистон полкларида исён бошланганда оқ казаклар Уралъска ҳужум қилишаётган эди, агар Кутяков ўз бригадаси билан етиб келмаганда, Уралъск қўлдан кетарди. Сапожков буни ўзи ҳам истар-истамай эътироф этарди, буни биров эслатишига эса тоқати ҳам йўқ эди. Кутяковчиларни тийиб қўймоқ керак эди.

Штаб бошлиғи Сапожковнинг олдига кўрик хусусида сўнгги

буйруқларни аниқлаш учун келган вақтда, унинг режаси тайёр бўлган эди.

— Гап бундай,— деди Сапожков ўз штаб бошлиғига.— Бу ерда сен хато қилгансан. Кутяков бригадасини чап қанотга қўйиш керак. Биринчи бўлиб бизнинг қисмларимиз битта ҳам қолмай ўтиши керак. Тушунарлими?..

— Уларни обозлардан кейинга қўйилмайди-ку ахир,— эътироз билдирмоқчи бўлди штаб бошлиғи.— Ҳар қалай строевой қўшинлар-ку.

Шунда Сапожков тутақиб кетди. Сўқиниб мушти билан столга урди:

— Қўшинлар!.. Қўшинлар! Бу қўшинларингдан менга нима! Олдин бизнинг ҳамма қисмларимиз ўтади. Ҳаммаси! Ошхона, обозлари билан... Кейин эса — улар, командармга ўз қоматларини кўрсатаверишсин.

Штаб бошлиғи ўз дивизия бошлиғининг характерини билгани учун индамади.

— Бизникиларга айт,— қичқирди Сапожков штаб бошлиғининг орқасидан у остонага бориб қолганда,— парадга баравар, шай бўлиб келишсин!

Бу кенгаш ҳақида командармга ҳам маълум бўлди. Бу хабарни одатдагидек ҳар нарсани билиб юрадиган Никита Игнатьевич олиб келди. Михаил Васильевичнинг хонасида сукунат ҳукм сурарди. Қўмондоннинг адъютанти Сиротинский Новицкийга зимдан қараб қўярди. У пишқириб, қбоғини уйиб ўтирарди. Фрунзе пинагини бузмай, Уральск районндаги фронт картасини кўришда давом этарди.

Ниҳоят Федор Федоровичнинг тоқати тоқ бўлиб:

— Мени тўғри тушунинг, Михаил Васильевич,— деди у.— Мен оммадан қўрқадиган одам эмасман, бироқ менимча, кўрик вақти яхши танланмаган.

Фрунзе картадан кўзини узиб, парвосизгина деди:

— Сизнинг ботирлигингизга, Федор Федорович, ҳеч ким шубҳа қилмайди, лекин нега сиз кўрик вақтини ноқулай деб ҳисобляяпсиз?

— Сизга нима десам бўлади,— сўз тополмай қолди Новицкий. — Линдов воқеасидан сўнг бу ер ҳали тинчигани йўқ.. Дивизиянинг бошлиқлар состави кенгашда ўзини қандай туганлигини кўрдингиз-ку: суратга ўхшаб ўтиришибди, кўзингга ҳам қарашмайди. Яхшимас...

— Яхшимасликка яхшимас,— хаёл билан деди Фрунзе.— Сиз, Федор Федорович, исёнлар қаттиқ қаршилиқ кўрсатмай туриб, ўзидан-ўзи босилиб қолганини кўрганмисиз?

— Лекин ҳозир, ақалли очиқ исён йўқ-ку ахир.

— Ҳа, яшанг, очиқ исён йўқ!.. Лекин дивизиядаги аҳвол шундайки, исён истаган куни кўтарилиши мумкин. Худди буруқсаб турган олов ёки яширин дардга ўхшайди. Шундай эмасми?

Новицкий жимиб қолди. Михаил Васильевич яна бир марта қарғага кўз югуртирди.

— Гап бундай, Федор Федорович,— деди у.— Буйруқ тайёрланг. Алоҳида Покровск бригадаси полкларини йигирма иккинчи Николаевск дивизиясига қўшиш керак. Улар ишончлироқ. Уларни дивизия бошлиғининг кўрсатмаси билан (усиз қилмайлик) Алтат станциясидан Уралъсккача жойлаштириш керак. Самарага етиб келган бизнинг Иваново-Вознесенск отрядимизни тезлик билан Уралъскка юборинг, вақтинча бу ерга жойлаштинг ва полк тузинг. Самара батальонини Уралъскка, Уралъск-Оренбург чизигига етказиб келиш керак, уни ҳам полкка айлантириш керак... Билмадим, Балаклавск отряди қандай...— Фрунзе бир дақиқа ўйланиб қолди.— Уни ҳам Уралъск-Оренбург тракти бўйлаб жойлаштирамиз ва полкка айлантирамиз. Шунда бизда Покровск бригадасидан ташқари маҳаллий кайфият юқмаган учта янги полк ҳосил бўлади. Улардан иккитаси ниҳоятда ишончли, Балаклавск полкининг аҳволи тўғрисида яна йигирма иккинчи дивизиянинг бошлиғи Самарада менга маълумот беради.

У бир оз жим тургандан сўнг Сиротинскийга мурожаат қилди:

— Сергей Аркадьевич, Самарага Иваново-вознесенскликларга телеграф қилиб айтинг, Фурманов, Волков, Шарапов ва Дронов отрядни кутиб ўтирмасдан, дарҳол Уралъскка йўл олавершин. Энди, ҳамма гап айтилди ҳисоб.

Фрунзе қийин вазифани ҳал этиш йўлини топган одамга ўхшаб стул суянчигига ўзини ташлади.

— Кўрик-чи?— тугилиб сўради Сиротинский.

— Эртага белгиланган вақтда бўлади...

Бу гаплар кеча бўлган эди, бугун Михаил Васильевич ўзига ажратилган квартира деразаси ёнида туриб, олисда кўри наётган шаҳар майдонига боқар ва эски дунёга қарши курашга отланган одамларнинг зўр шиддати армия қўшинларидаги қатъий доирага сиғиши қанчалик қийинлиги ҳақида ўйларди. Муштра*га хос интизом барбод бўлган эди. Янгича интизом қанақа бўлишини ҳали кўплар билмасди, «интизом» сўзининг ўзи чўчитиб, бездирар, фельдфебелнинг турткилашидан тортиб ҳар ёқдан пулемёт ўқига тутишгача чор армиясидаги таъсир қилиш чораларининг ҳаммасини беихтиёр хотирага келтирарди.

Шундай бўлса-да, ишни интизомдан бошлаш керак эди. Душ-

* *Муштра* — кўр-кўрона интизом асосига қурилган қўпол таълим. (*Тарж. изоҳи.*)

маннинг офицер дивизияларига жангга қодир, революцион интизом билан жипслашган Қизил Армия қисмларини қарши қўйиш керак эди.—

...Дивизия бошлиғи Сапожков барибир янглишди. У 1-Самара бригадасининг алаамзада командирлари ўз бўлинмаларини кўришга умуман олиб чиқмайдилар ёки чиқсалар ҳам, янги командармнинг уларнинг назарида арзимаган бўлиб туюлган бу ишига ўз муносабатларини билдириш учун анча кечикиб чиқадилар, деб ўйлаган эди. Сапожков ўзича бу қандай бўлишини тасаввур ҳам қилиб қўйганди. Самараликлар кела бошлаганда унинг дивизияси майдонга намунали тартибда сафланиб турган бўлади. Шунда у уларга сафнинг охирига, ўз дивизиясининг обозларидан кейин туришлари кераклигини кўрсатади. Бақириб, ҳамма эшитадиган қилиб кўрсатади. Командарм борлигида шу иш юз берса соз бўларди. Ана унда рақиблар батамом тор-мор этиларди. Унга, Сапожковга қейин ҳеч ким тирғилмасди. Уларни кечикишди, энди ўзларидан кўраверишсин. Обозларимиздан кейингга туриб сафланаверинг энди. Ҳақиқий ўрнингиз ўша ерда...

Бироқ ҳаммаси у ўйлагандек бўлиб чиқмади.

Ўз дивизиясининг биринчи пёдалар қисми ярим соат кечикиб, палапартниш қадам ташлаб, сафда гаплашиб келарди. Майдонга кираверишда командир баъзан ўзи оёғини нотўғри ташлаб, қадам олишни бақириб ҳисоблай бошлади.

Бошқа қисмлар ҳам ўн минут оралатиб кела бошладилар.

Уртага тўпланиб олган катта командирлар ўз қисмларининг сафланиши ҳақида кам ўйлаб, беҳуда нарсаларни гаплашишарди. Бу жангчиларга ҳам таъсир қилган эди. Сафдагилар қимирлашар, гаплашишар, у ер-бу ерда папирос тутатишарди.

Бригадасини чап қапотга буришаётганини ва Николаевск дивизияси обозларидан кейинга сафлашаётганини пайқаган Плясунков дивизия бошлиғи Сапожковга тикилди:

— Бу қанақаси, сизнинг буйруғингизга биноанми?

Сапожков бир оз довлараб қолди. Иш у ўйлагандек бўлиб чиқмаганди. Дивизияси қисмлари вақтида майдонга келишмади. Лекин у тез ўзига келди. Кутяков бу ерда бўлганда, Сапожков балки бундай ҳақорат қилишга бормасди. Биринчи бригада командирининг характерини у яхши биларди. Аммо полк командири Плясунковни назарига олмаса ҳам бўлади.

— Хўш, нима қилибди?— деди у жиғига тегиб.— Сизга маъқул бўлсин деб дивизияни бўлиб юборишим керакми. Йигирма иккинчи ўтгандан кейин сиз ҳам ўтаверасиз.

Плясунков кескин бурилиб, ўз бригадаси олдига кетди. У ўзини тутиб туролмай, бемаънилик қилиб қўяманми, деб чўчиган эди.

1-бригада командирлари группасида бўлса ўз норозилигини ошкора билдиришдан уялишмасди.

— Эрмак қиялпмиз,— деди улардан бири,— марш қилдирып-миз...

Унинг ёнига киришди:

— Аскар-аскар ўйнашяпти.

Новча, пешанасидаги хурпайган сочини папахга ўхшатиб тепага тараган батальон командири улар олдига келди.

— Қачонгача турамиз? Нима, қўмондон келмайдимиз?

Группа ичидан овоз келди:

— Кутасан...

— Мен одамларни музлатмоқчи эмасман,— жаҳл билан деди комбат.— Эски режим эмас-ку! Федька,— деб ёрдамчисини чақирди у,— қайтариб олиб кет.

Кимдир унга насиҳат қилмоқчи бўлди:

— Жинни бўлма, Хвостов. Судга беришади.

Хвостов қизишиб кетганини ўзи ҳам сезди, лекин авваллардагидек бу гал ҳам жазоланмай қоламан деб ўйлади.

— Э, бор ҳамманг ҳам...— қўл силтади у ва юзлаб кўзлар унга қараб турганлигини сезиб, ўз батальони олдига шахдам келди-да, жаҳл билан команда берди:

— Сўл...га! Унг елка олдинга... Шагом... марш!

Сафда ҳосил бўлган бўш жойни қисмларни силжитиб йўқотишмоқчи бўлишди-ю, улгуриша олмади.

— Диққат!— команда эшитилди.

Командирлар жой-жойларига югуриб қолишди.

— Смирно!

Дивизия бошлиғи қўлини чаккасига қўйиб, Фрунзе олдига келди-да, рапорт берди.

Михаил Васильевич дивизия бошлиғининг мамнун чеҳрасини кўриб, одатдаги рапорт сўзларини эшитди-да, бирдан худди ҳозир, шу ерда, кўрикда душманни тор-мор этишга замин тайёрлаш кераклигини ҳис этди.

У шахдам одим ташлаб, ўнг қанот олдига келди, сўзларни дона-дона қилиб:

— Салом, ўртоқлар!— деди.

Саломига тартибсиз, нотекис жавоб қилишди.

У иккинчи қисм олдига ҳам шахдам қадам ташлаб келиб, яна кесиб-кесиб:

— Салом, ўртоқлар!— деди.

У қийшайган сафлар ёнидан ўтиб бораркан, ҳамма жойда интизомсизлик белгисини кўрди, нима учундир кўрикка олиб чиқилган дала ошхонаси ва обозлар, кўриқдан ўзбошимчалик билан кетиб қолган батальон ўрнида пайдо бўлган бўш жой олди-

дан қадамини тезлатмай ўтди, Богучаровнинг отлиқ қисмларини кўриб хурсанд бўлди — улар командирнинг саломига баравар жавоб қилишган эди, қисмларни айланиб ўтиб бўлгач, кескин оҳангда деди:

— Катта командирлар ва комиссарлар бир соатдан кейин менинг олдимга келишсин!

...Улар йиғилишди, ўшшайиб командармнинг эътирозларини эшитишди ва чурқ этмай тарқалишди.

Кундуз соат иккиларда 1-бригада штабидан хат ташувчи «Тўртинчи армия қўмондонига» деб ёзилган пакетни олиб келди.

Шу пайтда Михаил Васильевич кабинетда оператив кенгаш бўлаётган эди. Яқин кунларда Чеган, Владимир истеҳкомлари атрофида тўпланган оқ казакларнинг асосий кучини тор-мор этиб, кейинчалик оқ казаклар таянчи — Лбишченскни эгаллаш лозим эди. Казакларнинг катта қишлоғи Шчапово бу ҳужумда биринчи босқич ҳисобланарди.

Михаил Васильевич пакетни олиб очди, шошилиб ўқиди, ажабланиб, яна бир марта ўқиб чиқди.

Пакетда шундай деб ёзилган эди:

«4-Армия қўмондонига.

Парад учун бизга берган ҳайфсанларингизни тушунтириб бериш учун кечқурун соат 6 да командир ва комиссарларнинг йиғилишига келшингизни сўрайман.

Бригада командири вазифасини вақтинча бажарувчи Плясунов».

«Парад» сўзи алоҳида ажратиб, бошқа сўзлардан йирикроқ қилиб ёзилган эди.

— Жавобсиз қолдирилсин,— деди Михаил Васильевич ва пакетни Новицкийга узатди.

Федор Федоровичнинг юраги сиқилди.

«Мана бошланди...» — ўйлади у хатни ўқиб чиқиб ва яқингинада бостирилган исённинг мудҳиш тафсилотлари хотирасида яна гавдаланди. Бу тафсилотларнинг ҳаммасини у эшитганди, қўл остида эса аксига олгандек бирор ишончли ҳарбий қисм йўқ эди. Новицкий фурсат топиб қўшни хонага чиқди ва Сиротинскийни имлаб чақирди.

— Сергей Аркадьевич, нима қилиш керак-а? Бу аҳволда фалокат юз бериши мумкин... Бирон бир қисмни фронтдан чақир-сакмикан?

— Балким, тинчиб қолишар...— деди иккиланиб Сиротинский.— Михаил Васильевич ҳар хилларига дуч келган.

— Ҳа, тўғри, — деди маъюслик билан Новицкий. — Лекин улар бошқача эди. Бу ерда эса стихия... Қуролланган стихия. — У хўрсинди. — Лекин умуман кўрик якунлари таҳлил қилинаётганда командирлар олдида у ўзини жуда ажойиб тутди-да. Ҳаммасини кўрди, ҳаммасини пайқади, тўппа-тўғриси бетига айтди! Ишонасизми, Сергей Аркадьевич, эларим жимирлашиб кетди. Анчадан бери бу аҳволга тушмаган эдим, юнкерликни битириб чиққан вақтимдан буён...

Федор Федорович ниманидир ўйлаб, оғиз очмади, сўнг Сиротинскийдан сўради:

— Кўрикда отлиқ қисми пайқадингизми?

— Богучаровнинг қисминими?

— Ҳа, ўшани. У интизомлилиги билан жуда ажралиб турди. Менинг назаримда командир ва унинг қисми умумий кайфиятга берилмаган. Ҳар қалай, улар алоҳида ажралиб турибдилар... Балки бу қисми бригададан олиб, командармга берган маълумдир?

— Плясунков Богучаровни кўриктан сўнг тўппа-тўғри разведкага жўнатди, — маълум қилди Никита Игнатьевич.

— Ростданми?.. Емон аломат. У ерда улар бир балонни бошлашпти... — Новицкий бошини сарак-сарак қилиб, Фрунзенинг кабинетига қайтиб кирди.

Кўп ўтмай дивизия махсус бўлми бошлиғи ҳам унинг орқасидан кабинетга кирди. У индамай тўрт буклоғлиқ қоғозни кўмондонга узатди. Михаил Васильевич шошилиб ўқиди, хиёл кўзини қисиб, махсус бўлми бошлиғига қаради.

— Уша, ҳурпайган сочлими?

— Ҳа, комбат Хвостов, — деди у бошқалар эшитмасин деб секингина.

— Маълумотлар аниқми? — шубҳаланиб сўради Фрунзе.

— Ҳеч шубҳасиз. Фақат тўлиқ бўлмаслиги мумкин...

— Хвостов... Хвостов, — деди хаёлга ботган Фрунзе. — Тўғри, меп уни олидан кўрдим, лекин биз у билан илгари учрашгандаймиз, фамилияси ҳам таниш кўринади. Лекин сира эслай олаяпман... Бу ерга қандай қилиб келиб қолдикни?

— Фронт штаби томондан юборилган.

— Майли, бу кимса билан шуғулланишни давом эттиравемиз.

Махсус бўлим бошлиғи хонадан чиқди. Фрунзе кенгашда қатнашаётганларга шундай деди:

— Ҳаммаси ойдинлашгандир. Шчаповони тонготарда, казаклар мириқиб ухлатган пайтда олиш керак. Биз тузаётган режада қўққисдан ҳужум бошлашнинг аҳамияти катта, шунинг учун аниқ, белгиланган вақтда йўлга чиқиш, душмanning соқчи

постларигача яшириниб бориш, имкони бўлса, постларни йўқ қилиб, у ёғига давом этиш... Буни буйруқда алоҳида таъкидлаб кўрсатинг,— деди у дивизия бошлиғига мурожаат қилиб.

Эшикни тақиллатмасдан хат ташувчи кирди.

— Уртоқ Плясунков сиз йиғилишда бўласизми, йўқми, деб сўраяпти.

Хат ташувчи чўчиса ҳам безрайиб турарди. Бошлиқларнинг кайфияти унга ҳам ўтганга ўхшарди.

Сухбатдошлар чурқ этмай кутиб туришарди.

— Яхши, бораман,— деди Фрунзе ва бўлажак операцияни таҳлил қилишда давом этди.

— Хўш, бор гап шу,— тугатди у ва ўрнидан турди.— Озодсиз.

Кабинетда Федор Федорович, дивизия бошлиғи ва столдан топографик карталарни йиғиштираётган Сиротинский қолдилар.

— Сиз билан боришга рухсат беринг,— саволомуз мурожаат қилди Сапожков Михаил Васильевичга. У 1-бригададаги йиғилишда бўлишни сира истамасди, лекин гарнизон бошлиғи эканлиги мажбур этарди.

Фрунзенинг ўнг қоши хиёл чимирилди.

— Нима учун?

— Дивизия бошлиғи сифатида ва...

Михаил Васильевич унинг гапини бўлди.

— Дивизия бошлиғи сифатида сиз ўз қисмингиздаги интизом тўғрисида қайгурсангиз бўларди, аввалига лоақал команда саставийинг интизому тўғрисида.— У бир нарса дейишга оғиз жуфтлаган дивизия бошлиғини ишора билан тўхтатди.— Бу ерда юз бераётган воқеалар учун фақат сизга айб қўймоқчи эмасман. Ҳозир гап ким қанчалик айбдорлигида ҳам эмас.

— Кечирасиз, Михаил Васильевич,— жим туrolмади Новицкий,— бир ўзингиз боришингиз, умуман мумкин эмас-ку!

— Бунинг нима фарқи бор, Федор Федорович, бир ўзим бораманми ёки тўрт киши борамизми?

Новицкий эътироз билдира олмади.

...Фрунзе ўзи билан фақат адъютантини олиб кетди.

Никита Игнатъевич қабулхона деразасидан уларни огир туйғу билан кузатиб қолди. У бу учрашувдан ҳеч бир яхшилик кутмасди. Командармни «қутурган аҳмоқлар»нинг, — бу бемаъни йиғилиш қатнашчиларини у ўзича шундай деб атаган эди,— бирон бир нағмасидан сақлаб қолиш учун қандайдир чора кўриш керак эди. Лекин у нима қила оларди? У ўзининг ноинложлигини англаб, эзилаётган эди.

Гангиб қолган дивизия бошлиғи билан Новицкий бир-бирларига қараб, елка қисиб, қабулхонага чиқдилар.

Никита дераза ёнидан кетиб, шошилмай камарини тўғрилади, тўппонча барабанини айлантириб, ўқланганми-йўқми, текшириб кўрди.

— Ёзилиб келиш керак,— деди у йўғон овоз билан ҳеч кимга эътибор қилмай.

Федор Федорович унга диққат билан кўз югуртириб, маслаҳат берди:

— Фақат эҳтиёт бўлиш керак...

— Кичкина бола эмасман,— жавоб берди Никита Игнатьевич шинелининг чўнтакларига биттадан граната солиб ва чиқиб кетди.

Фрунзе 1-бригада командирлари ва комиссарлари йиғилган уйга етмасданоқ ғала-ғовур, бақириқ, болохонадор ҳақоратларни эшитди. У ерда ҳамма баравар гапириб, ўзиникини маъқуллаб, бошқалардан ошиб тушишга ҳаракат қилаётганга ўхшарди.

Фрунзе даҳлизга кириб, қоронғида эшик тутқичини тимирсикалаб қидириб топди ва эшикни очди.

Хонада ачиқ махорка тутуни бурқирарди. Лампамой чироқнинг хира нури липилларди, унда ҳаво етишмасди.

Олдинги бурчақда, скамейкада столга тирсагини қўйиб Плясунков ўтирибди.

У важоҳатли, баланд бўйли, нафсониятли, ўжар, ҳар қандай тартибсиз йиғинлар пайтида ҳамманинг кўзига ташланадиган кишилардан бири эди. Илгари эски рус армиясида солдат бўлган, жуда ботир киши эди, Қизил Армияга кўнгилли бўлиб кириб, тезда командирликка кўтарилди. У зеҳни ўткир эди, кўпгина муваффақиятлар ва озгина сиёсий саводи эса уни кеккайтириб юборганди.

Фрунзенинг эътирозларидан хафа бўлиб, ўз ибораси билан айтганда, «янги командармнинг кўзини очиб қўйиш учун» командирларни чақирди. Плясунков нима дейишини ўзича сал-пал тасаввур қиларди: қўмондонга шартта-шартта гапиради ёки ундан кечирим сўрашни қатъий талаб қилади, қўл остидагилар олдида унга бирон кимсанинг танбеҳ бернишга йўл қўймаслигини ҳамма кўриб қўйсин...

Аммо ҳамма иш бошқача бўлиб чиқди. Йиғилиш қуюшқондан чиқиб кетди. Плясунковнинг йиғилишига бошчилик қилишга уринишлари зое кетди, чунки ҳар кимнинг қалбида шундай фикр ётарди: агар бригада командири командармга қўл кўтарган экан, нима учун у бригада командирига қулоқ солиши керак, тагин бу йиғилиш бўлса?..

Плясунков стол орқасида қизариб, терга ботиб ўтирарди, сабр косаси тўлиб турганлигини сезарди; тутақиб жони ҳозир ҳиқилдоғига келади-ю, нима қилишини ўзи ҳам билмай қолади: ё мушти билан столга уради, ё қасам ичиб овози борича бақиради, ёки жимгина тўппончани олиб, рўпарасидаги дуч келган одамга қараб отади.

Бирдан хонага жимлик чўкди. Остонада Фрунзе турарди...

Карнизга чиқиб олган Никита Михаил Васильевич алланима деганини, чамаси саломлашганини деразадан кўриб турарди.

Унга жавобан ҳеч ким ҳатто қимир этмади ҳам.

Фрунзе яқинлашиб келаётганида ўзини четга олаётган командирлар ёнидан шошилмай ўтди, президиумдан сал четроқда скамейкага ўтириб, ниманидир сўради.

Шунда жимлик бузилди. Қоронғи бурчакдан телбаларча ҳайқирган овоз келди:

— Бу нима деган гап, биродарлар! Биз бу ерда жанг қилиб, қон тўксак, марказдан келган ҳар хил кимсалар бўлса...

Ҳар хил ҳайбатли бақирӣқ овозлари эшитилди. Қўмондоннинг қуйиб қўйгандек миқти гавдасига урилди, ойнадек диррлаб, қичқирӣқ бўлиб ҳар ёққа ёйилди.

— Бизни!.. Биз... жанговар командирларни!..

— ... Шарманда қилиш!

— Марш юришига ўргатиш!..

Яна ҳайқирӣқлар тўлқини келиб урилди, ёйилиб кетди:

— Генералликни мўлжаллаяписми!..

— Немис ҳазратлари олтин погонларни соғинибдилар-да!..

Ҳурпайган сочини юқорига папах қилиб тараган командир йўлакни тўлдирган оломон орасидан тирсаклари билан туртиб ўтаётганлиги Никитага кўриниб турарди.

«Бу ўз батальонини кўриқдан олиб кетган командир-ку,— хаёлидан ўтказди Никита.— Қизӣқ, бу ҳурпайган сочга нима керак ўзи?» У сапчиб ўзини бир ёққа урди, деворга ёпишиб қотди: назарида Михаил Васильевич деразага диққат билан қарагандек бўлди.

Хвостов эса зўр бериб олдинга интиларди. У терга ботган, ҳурпайган сочи тўзғиб, кўзлари ё уйқусизликдан, ё ичкпликдан бош кўтаролмай қолганидан шишиб кетган эди.

Михаил Васильевичда яна савол туғилди: «Уни қаерда кўрган эканман-а?» Бирдан Москвани, Петровка кўчасини эслади, ўнгда Большой театр устунлари, олдинда эса пулемёт ўти, ҳар хил қуроллардан тартибсиз отилаётган ўқлар остида қолган «Метрополь» меҳмонхонаси биноси кўз олдига келди.

Михаил Васильевич Москвага эндигина келган эди. Энди

Ҳарбий революцион комитет эгаллаб турган генерал-губернатор уйнгача аранг етиб келиб, Москвада Вақтли ҳукуматни қулатиш бошланганлигини билиб, Шуяга ишчи, деҳқон ва солдат депутатлари Советларига телеграмма юборган эди. Телеграммада ўзи тузган икки минг кишилиқ қуролланган ишчилар отрядини тезда юборишларини сўраган, ўзи эса қўлда милтиқ бплан. «Метропол»да Вақтли ҳукумат ҳимоячиларига ҳужум қилган қўшилларга қўшилган эди. Худди шу ерда «Метропол»да, катта зинада Михаил Васильевич пакана, чўтир башара, бўйига қараганда узун шинель кийган солдатнинг олдида тўртинчи қаватдан пастга тушиб келаётган, қўрқувдан кўзлари қинидан чиқиб кетай деяётган поручикни кўрган эди. «Юр, юр, ярамас,— дерди солдат офицерни найза билан ипқтаб.— Одамларни ногирон қилиш, болаларни етим қолдириш нималигини сен малъунга ўша ерда кўрсатиб қўйишади!.. Сен, иблисни, деразада туриб пулемётдан бизга ўт ёғдираётганиндаёқ кўз остимга олиб қўйгандим. Олдинга бора олсам, ўшатдан кўчага улоқтирганим бўлсин, деб хаёл қилдим. Бу, ифлос бўлса, нимани ўйлаб топибди деиғ?— зина майдончасида турган жангчиларга қараб деди солдат.— Номерга эшикни бузиб кирдим, ана холос, дейман, пулемёт самовардек патиллаб ётибди, ёнида отилган ленталар, гильзалар сон-саноқсиз, пулемётчи бўлса, йўқ. У ёқ-бу ёққа қарайман, каравот тагини қарайман, ваннахонани ҳам, бошқа ёқни ҳам қарайман — пулемётчи эса йўқ. Шкафга қарасам, эшиги хиёл қимирлади, у ўша ерда тўппончаси билан ўтирган экан. Қўндоқ билан тушириб, кўзини очиб қўйдим... Омадинг бор экан, аблаҳ, яхшиям пулемётнинг олдида қўлимга тушмадинг...»

Қимдир маслаҳат берди: «Нима қилиб сургаб юрибсан? Найзани суқиб ол, қўй». «Э, йўқ, бунақаси кетмайди,— эътироз билдирди солдат.— Агар мен уни пулемёт ёнида учратганимда, газабланиб турганимда бошқа гап эди. Бундай, нима, мен қассобмидим?» Зина майдончасида шов-шув кўтарилди, агар Фрунзе аралашмаганда, офицернинг тақдирини нима бўлиши номаълум эди.

Мана энди у ўша собиқ офицерни кўриб турибди, у унинг олдига қараб зўр бериб интилиб келяпти. Хвостов хонанинг ўртасигача етиб келди-ю, у ёнига ўтолмади: командир олдида одамлар жуда зич тўпланиб, тиқилиб туришарди.

Хвостов оёғи учида туриб, бошқаларнинг тепасидан даҳшат билан бақирди:

— Линдовни энди унутиб қўйдингизми, қўмондон!..

Михаил Васильевич ижирганиб кетди. У кечаги сувоқчи, темирчи, ерсиз ялангоёқ деҳқонларни кечириши мумкин эди, уларнинг аччиғланиши ва бу бетайин-бемаъни йиғилиш уларнинг

сийёсий ва маданий савияси пастлиги туфайли бўлаётган эди, лекин бу сочи хурпайганнинг зуваласи тамомила бошқа ёқдан олинган эди. У нима қилаётганини яхши биларди.

— Сиз шуни истаётганмидингиз, Плясунков?— секин сўради Фрунзе.

Бригада командирининг юзи қип-қизариб кетган эди. У нима деб жавоб беришини билмасди.

Фрунзе ўрнидан турди.

— Тўполонни бас қилинг!— унинг овози паст, аммо аниқ янгради.— Нима қилаётганингизни ўзингиз тушунасизми? Жангчиларга ибрат бўляпсизми?!

Хонадагилар жимиб қолишди.

Чарчаб мудраётган Богучаров бирдан кўзини очди-да, ажабланиб атрофга қаради. У бугун отлиқ аскарлари билан душманининг орқа томонига ўтиб, эллик чақиримча йўл босган, мажлисга кечикиб келган эди. У келганда Фрунзе шу ерда эди. Қираверишга яқин ерда кимдир унга жойини берди. Богучаров скамейкада тиззалари ўртасида қисиб олган қиличга таяниб ҳорғин вужудини қамраб келаётган майин мудрогини ўчиришга беҳуда уриниб ўтирарди. Шовқин тўхташи билан бирдан уйғониб кетди.

— Мени нима билан қўрқитмоқчисиз? Ўлдириш биланми?...— дерди Михаил Васильевич орага тушган жимликда.— Аммо чор ҳукумати округ ҳарбий суди ҳукми билан мени икки марта осмоқчи бўлди. Иваново-Вознесенскда казаклар қўлга туширишиб, бўйнимга сиртмоқ солишиб, кўчада судрашди. Шунга ўхшаш бошқа воқеалар ҳам бўлган... Ўлим кўзим олдида турганини кўп кўрганман... Бу ерда генерал тўғрисида кўп вайсашди. Билмадим, балки бу тўғри ҳамдир. Лекин мен генерал бўлсам ҳам, революция генералиман. Ҳарбий академияни ҳам Николаевскдаги марказий каторга турмасида, кейин эса Сибирда сургунда тутатганман... Бирон-бир нарсани ўрганмоқчи бўлсанг, бу академия чакки эмас.

— Ҳим-м!— деб киноя қилди Фрунзени ўраб олганларнинг орқасида кимдир.— Бундан чиқди, жигингип баттарроқ эзарканмиз-да, қўмондон!..

«Бу — Хвостов»,— хаёлидан ўтказди Михаил Васильевич, аммо ҳаммага эшиттириб деди:

— Бу ерда қўмондон йўқ. Қўмондон бундай йиғилишда бўлиши мумкин эмас, қатнашиши ҳам керак эмас. Бу ерда партия аъзоси бор. Кўрик учун берган ҳамма танбеҳларимни партия номидан яна тасдиқлайман. Анча юмшоқлик қилганлигимни ҳозир сезиб турибман, лекин буни ожизлик аломатига йўйиб ўтирмамлар. Бундай йиғилишлар энди сира бўлмайди. Лозим бўлиб қол-

са, ҳеч нарсадан қайтмайман, лекин армиянинг бузилишига йўл қўймайман!..

— Мана энди ҳаммаси равшан,— деган овоз эшитилди.— Самодержавиенинг иси келиб турибди...

Фрунзе кўз югуртириб, безбетлик билан илжайиб турган Хвостовни кўриб қолди. Батальон командири пинагини бузмай турарди. Унинг чапанича ҳурпайган сочи текислаб қўйилган, бу уни шоввоз қиличбоз ва «ўзимизнинг» йигит қилиб кўрсатарди.

Михаил Васильевич унга томон қадам ташлади. Уларни ажратиб турган зич одамлар йўл беришди.

— Бу ерда нима қилиб юрибсиз?— деди Фрунзе ва бригада командири томон ўгирилиб қўшиб қўйди:— Хвостовни батальон командирлигидан четлатиш тўғрисидаги буйруқ бажарилмаганми ҳали?

Плясунков ўзини қаёққа қўйишга жой тополмай қолди. Хвостов иҳонаталаб бўлиб индамай турарди. Мажлисдагилар унга ачинишаётган эди. Буни Фрунзе ҳам тушуниб турарди. У ҳозир айтадиган гапи учун дивизия махсус бўлимининг бошлиғидан раҳмат эшитмаслигини ўйларди, лекин бошқа чораси йўқ эди. Бу ҳурпайган сочлини бошқа командирлардан ажратиб қўйиш керак эди.

— Менга қаранг, собиқ лейб-гвардия поручиги,— деди Михаил Васильевич орага чўкаётган сукунатни бузиб,— ўйин-кулгига берилган ишчидек таранишни сизга ким қўйибди?.. Лоақал фамилиянгизни ўзгартирсангиз бўларди. Ахир фамилиянгиз қадимий дворянча-ку...

— Сиз янглишяйсиз! Бу нотўғри...— Хвостов кескин оҳангда гапирмоқчи эди, лекин нечундир қатъиятсизроқ чиқди.

— Шунақами? Демак, «Метрополь» деразасида туриб бизга қараб пулемётдан қўрғошин ёғдирган сиз эмас экан-да? Солдат гардеробдан тортиб олган киши сиз эмаскан-да?

Командир ва комиссарлар бир-бирларига ажабланиб қарашарди. Худди: «Бу қанақаси? Нималар деяпти ўзи?» деб бир-бирларидан сўрашаётгандек бўлишарди. Кутяков бригадасида собиқ офицерларга тоқатлари йўқ эди ва ана шунақамиз, бировдан ўрганадиган жойимиз йўқ, дегандек ғурурланиб ҳам қўйишарди. Буни қарангки, ўзимизнинг ишчидан чиққан одам, деб ёнини олишмоқчи бўлган батальон командири собиқ офицер экан-а.

Фрунзе елкасини қисди.

— Қизиқ, собиқ ҳарбийларнинг ҳаммасига нафратланиб қарайсизлар-у, бу йигитчани жуда ҳимоя қиласизлар. Ёки бу хурмат унинг буйруқни бузганлиги эвазига бўляптими?

Командирлар изза бўлганларидан Фрунзе билан кўз уриш-

тирмасликка ҳаракат қилардилар. Фақат Хвостовгина командирга ташланишга тайёр эди. Лекин атрофдагиларнинг кайфияти энди ўзгариб қолганди.

Хвостов чиқиб кетишга ошиқди.

— Қани, тўхта-чи!— деди кимдир эшик томондан.— Қаёққа шошиляптилар жаноби олийлари?

Баланд бўйли елкадор командир — сувори қўли билан одати бўйича камарини кўтариб йўлни тўсди. Хвостов тўхтади.

— Богучаров, тартиб сақла,— деди Плясунков.

— Кечирасиз, ўртоқ бригада командири. Мана бу ҳурпайган сочлини тартибга чақириш керак эди...— У мажлисдагиларга кўз югуртирди.— Мен уни анчадан буён кузатиб юрибман, бунақанги аблаҳ кам топилса керак... Биз жуда ҳам одамларга ишониб кетганмиз.— Богучаров қўл силтади.— Сизни қаранг-у... Ўртоқ бригада командири, кетишга рухсат беринг, чарчаганимдан оёқда туролмайман...

Зал жимжит бўлиб қолди. Шунчалик жимжит эдики, ҳатто девордаги пашша ўтириб қорайтириб юборган эски соат милининг чиқиллаши ҳам эшитилиб турарди.

Фрунзе яна бирон одам бир нарсa дермикин, деб кутиб турди, лекин командирлар чурқ этишмади. Бусиз ҳам кун бўйи ўринсиз, бефойда кўп гаплар айтилиб, ишлар қилиниб бўлинганди. Уларнинг ўзлари ҳам энди бу даҳмазанинг ҳаммаси нимадан бошланганлигини тўла тушуниб етишмаётганди. Ҳа, дарвоқе, кўрик бўлди, бу кўрикда кўплар яхши таассурот қолдиrolмадилар. Командармдан аччиқ ҳақиқатни эшитишга тўғри келди. Ҳўш, улар ҳам ўз қўл остидагиларга шундайин талабчан эмасмилар?! Уларнинг кўпларни ўтган урушда солдат бўлишган, шунинг учун ҳам фронтда ҳар қандай бўйсунмаслик нимага олиб келишини яхши билишарди. Шундай экан, бу йиғилишга бало бормиди? Улар командармга қарашди. Командарм улардан сира тап тортмасди. Мана шу ҳам уларга ёқарди.

— Яна бирон нарсa деярсизлар?

Ҳамма жим турарди. Фрунзе честь бериб, секин чиқиб кета бошладди. Кимдир ҳурмат билан йўл бўшатиб, унга эшикни очиб берди.

Совуқ қиш кечаси. Юлдузлар худди ювилгандек чарақларди. Олисда кучук қаттиқ вовулларди.

Фрунзе хаёлга ботиб, индамай борарди. Ярим қадам орқада адъютант келаётган эди. Девор тагида турган кичкинагина жусса бу ёққа чиқди.

Фрунзе сесканиб тўхтади:

— Никита Игнатьевич! Бу ерда нима қилиб юрибсан?
— Бу мен, Михайло Васильевич,— ухлаш олдида сайр қилиб юрибман.

— Ўзинг ўйлаб топдингми?

— Ўзим эмас, доктор айтган. Жуда фойдали, деган...

— Гарнизон гауптвахтасида сайр қилиш сенга яна ҳам фойдалироқ, демаганмиди доктор? Айтмаганми? Унутиб қўйган бўлса керак-да.— Фрунзе кулди.— Нима ҳам дердик, сайр қилиш бўлса, сайр этавер...

У ён дафтарчасини олиб, Хвостовни қамоққа олиш тўғрисида буйруқ ёзиб берди.

— Махсус бўлим бошлиғига бер, ўша ҳурпайган сочлини яхшилаб қидиришсин. Балки у уйда бўлмаслиги ҳам мумкин.

Михаил Васильевич квартирага жуда хотиржам бўлиб кириб келди. У армиянинг ожизлик сабабларини кўрди ва унчалик хавфли нарса йўқлигини тушунди: армия партизанлик кайфиятига барҳам бераётган эди. Бу жараён анча чўзилиб, нотекис ўтаётган эди.

Фрунзе мийгида кулиб, хонанинг у бошидан бу бошига юрарди. Яқинда, жуда яқин кунлар ичида у бу армияни, соғлом, чиниққан армияни жангга бошлайди...

— Нима бўлди ўзи, Михаил Васильевич?— сўради Федор Федорович.

— Бугунги мажлисни эслаяпман... Қўмондон ўрнида сиз бўлганингизда яхши бўларди!

— Буни ўзим ҳам биламан. Лекин нега бош қўмондонларимиз буни тушунишмаганлигига, кечирасизу, сира ақлим етмаяпти.

— Ҳечқиси йўқ, тушуниб олишади.

Федор Федорович шубҳаланиб жавоб қилди:

— Билмадим, балки тушунишар.

3

Сира кутилмаганда бошига шу ишлар тушди. У ўтмишни эслашни, айниқса шахсан ўзига оид ўтмишни эслашни ёқтирмасди. У партия анкеталарида ҳам, таржимаи ҳолларида ҳам умумий маълумотлар билан кифояланар: шунча марта судланганман, шунча йил турмада ўтирганман, вассалом. Бу ерда бўлса шундай таассурот қолдики, гўё унинг кўкси Георгий крестлари билан тўлгану бу крестларни суҳбатдошлари олдида шилдиратиб қўяётгандек туюлди. Энди бўлса суҳбатдошлар ҳам йўқ эди. Шунинг учун жуда ғалати кўринаётган эди.

Федор Федорович ва Сиротинский қўшни хонада аллақачон ухлаб қолишган, Никита Игнатьевич ҳали қайтиб келмаган эди. У эса ўзига ажратилган кенг хонада ўтирарди. Бу савдогар уйининг катта хонаси бўлса керак. Уйқу олдидаги ёшлиқдан қолган одатини қилиб, бир-икки соат ўқиш ўрнига нечундир ўтмиш ҳақида ўйларди.

Нега шунга мажбур бўлди? Балки, бугун у бошқача йўл тутиб, икки марта ўзига хавф солган дор тўғрисида ҳам, бўйнига арқон солиб, кўчада судрашган ўша казаклар тўғрисида ҳам биринчи марта ошкора гапириб берганлиги учундир?.. Лекин унинг бошқа иложи қолмаганди. У ўтмишда чор генерали бўлган, деб ҳамма ёққа тарқатилаётган иғволи мишмишларга барҳам бериши керак эди. Ҳатто унинг молдавонча фамилиясидан ҳам иғвогарлар фойдаланиб, Фрунзе генералгина эмас, яна немис, деб ҳамма ёққа телефон қилишаётган эди. Маълумки, эски рус армияси генераллари ичида немис генералларига айниқса нафрат билан қарашарди. Уларга тан бериш керак, чакки ўйлаб чиқаришмаган. Бу ерда, нуқул деҳқонлардан тузилган Тўртинчи армияда бу гап айниқса кучли таъсир этиши мумкин...

Бу ишларни у ўзи қаерда бошлади?

Тўғри, аввал Верненский гимназиясида, кейин Петербургдаги политехника институтида сиёсий тўғараклар бўлган эди, ҳақиқатнинг тагига етиш учун қизғин баҳслар ва тақиқланган адабиёт устида ўтган уйқусиз тунлар, студентлар йиғилишлари, қизғин нутқлар, норозилик... Булар барчаси — ҳаммада бўлгандек...

Балки 9 Январда Сарой майдонидаги ишчилар манифестациясига қараб ўқ узиш, бу манифестацияда унинг ярадор бўлгани ва кейин кўп ўтмай пойтахтдан сургун қилинганлигидир?.. Йўқ, бу тайёргарлик кўриш, билим, тажриба тўплаш эди, холос.

У ҳолда Иваново-Вознесенскдан бошланганмикан? У ерга партия уни яширин ишга юборган эди; тўқувчи ишчиларнинг етмиш икки кунлик машҳур стачкаси, стачкага бошчилик қилишда у ҳам қатнашган, аввал шаҳарда, кейинчалик Талкада бўлган ҳар кунги йиғилишлар, нутқлар, докладлар, варақалар ва уни шаҳарнинг чанг кўчаларида бўйнидан бойлаб судрашган ўша казак сиртмоғи... Шундан бошланганмикан? Лекин у ерда, Ивановода катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган кучли большевиклар гуруҳи бор эди. Большевикларнинг кўплари марксистча тайёргарликда ундан қолишишса-да, сиёсий кураш тажрибаси уларда кўп эди. У профессионал революционернинг машаққатли йўлини энди бошлаётган йигирма ёшли йигитча эди.

Йўқ, бунга Шуя сабабчи бўлди!.. Владимир губерниясидаги бу кичкинагина уезд шаҳарчасига уни партиянинг Шимолий комитети масъул ташкилотчи қилиб юборди.

У ўзи иш олиб борадиган районни кўз олдига келтирганда эсанкираб қолди. Ҳатто биргина Шуянинг ўзи оддий уезд шахри эмасди. Бу ерда юзлаб, минглаб ишчилар ишлайдиган тўқимачилик фабрикалари бор эди. Қохма, Тейково, Южа, Родникилар эса ёнма-ён эди. Улар ҳам тўқимачилик фабрикалари, ишчи посёлкалари ва ярим фабрика-ярим деҳқон қишлоқларига эга эди. Шуларнинг ҳаммасига энди у, йигирма яшар партия район ташкилотчиси масъул эди.

Ҳар қалай, унда оммавий-сиёсий иш тажрибаси бор эди. Танишиб чиққач, у ишни жанговар дружина тузишдан бошлашга қарор қилди. Иваново-Вознесенскда ишчи намоёнларини полиция ва қорағуруҳчилар бемалол жазолайверганлиги ҳали хотирадан ўчмаганди.

Кўлдан келганча қуролланишарди. Қимда нима бўлса йиғиб келишди, бир неча тўппончани Михаил большевикларнинг Иваново-Вознесенск комитетидан олди. Лекин бу оз эди. Шунда полициянинг кетидан тушишди. Бу оддий иш эди. Одатда тонг ғира-ширасида ёки тунга яқин постда турган городовоининг олдига уч киши бўлиб келишарди. Бир киши городовойга тўппонча ўқталиб, шовқин солмасликни маслаҳат берарди. Қолган икки киши ундан қилич, тўппонча ва ҳуштакни тортиб оларди. Ҳуштакни городовой дарҳол тревога кўтармасин, деган мақсадда тортиб олишарди. Сўнг учалови ғойиб бўларди.

Кўп ўтмай фабрикалардан биридаги лабораторияда порох тайёрлаш йўлга қўйилди, гранаталарни газ трубалари бўлақларидан ясаб, сўнг уларнинг корпусини заводда қуядиган бўлишди. Уқларни ўрнига тўғри жойлаб қўйиш жуда овора қиларди. Лекин секин-секин бу ишни ҳам уддалай бошлашди. Тўппончаларга кетадиган патронларни шунчалик кўп ишлаб чиқаришардики, бу фақат Шуяга эмас, балки қўшни ташкилотларга етарди.

Лекин бу ҳам энди озлик қиларди. Бир тўда қуролли партиячи-дружиначилар полиция ва казаклар билан тўқнашган пайтда нима ҳам қила оларди? Шунда Фрунзеда партиясиз ёш ишчиларни ўт очиш қуролларини ишлатишга ўргата бошлаш керак, деган ғоят дадил фикр туғилди.

У ўргатиладиган ишчилар группаларини тузиш, уларни комплекшлаш принципларини яхшилаб ўйлади, конспирация тadbирларини назарда тутди.

У шундай группалардан иложи борича кўп тузишга ҳаракат қилиб, тунни кунга уларди, доим сафарда бўларди, кўпинча пилёда юрарди, кунига йигирма-ўттиз чақирим йўл босарди. Уни гоҳ Қохмада, гоҳ Южада, гоҳ Родникида кўриш мумкин эди. Қинешма расман унинг районига қарамасди, лекин у ерда ҳам

йўл-йўлакай, режа тузишда большевикларга ёрдам берарди. Унинг ёрдамида тузилган режа туфайли Вичугск полиция бошқармасидан қурооллар моҳирлик билан олинди. Бу ишларнинг ҳаммаси ҳар кунлик суҳбатлар, яширин йиғилишларда тез-тез сўзга чиқиб туриш, партия ташкилотларига янги аъзоларни жалб қилиш билан бирга олиб бориларди.

Кўп ўтмай Шуяда қандайдир тажрибали ташкилотчи иш олиб бораётганлиги полицияга маълум бўлиб қолди. Кейинчалик унинг тахаллуси Арсений эканлиги ҳам маълум бўлди. Бироқ уни қўлга тушириш учун бўлган ҳамма урғиниш ҳеч қандай натижа бермади. Фрунзенинг усталлиги, ҳар хил одамлар: ишчи, мастеравой, эпчил приказчик, зиёли қиёфасига кира олиши, муҳими, ишчилар орасида жуда машҳурлиги иш берарди. Ишчилар пистирма қўйилганлиги, у турган квартирага полиция бостириб киришга тайёрланаётганлиги тўғрисида неча бор уни огоҳлантиришган!..

Москвада Декабрь қўзғолони бошланганда у ўзининг кичик отрядини олиб борган, бу отряди билан Николаевск вокзалида, Зафар майдонида, Бронная ва Пресняда жанг қилган. Қўзғолон бостирилгач, у ҳамма полиция пистирмалари ва кордонлари олдидан ўтиб, ўз отрядини Шуяга эсон-омон олиб келган.

Энди у партия масъул ташкилотчиси вазифасини шундай ўзлаштириб олдики, давлат думасига сайловларга бойкот қилишга чақирувчи бир неча минг варақа босиб чиқариш зарурлиги тўғрисида округ комитетидан хабар қилишганда у бу топшириқни бажаришга бажонидил киришди.

Лимонов босмахонаси шаҳар марказидаги икки қаватли уйда, бош майдонда жойлашган эди. Босмахонанинг пастки қаватидаги катта деразалар олдида ҳангоматалаб бекорчилар тўхтаб ўтар, бозор кунлари эса келгиндилар тўпланар, сал нарида, босмахона асосий дарвозасининг шундай рўпарасида эса доим городской сўррайиб турарди. Кундуз кун и шовқин-сурон қилмай, ўқ чиқармай уни қўлга олиш мумкин эмасдай туюларди. Лекин фақат ўта дадиллик билангина бунинг уддасидан чиқиш мумкинлигини тушунарди.

Босмахона биноси планини қўлга киритиб, шу план бўйича цех, йўлак, орқа йўл зиналари қаерга жойлашганлигини ўрганиб, яширин тўгаракка аъзо бўлган босмахона ишчисидан бинода қанча телефон аппаратлари борлиги ва улар қаердалиги, идорада қанча одам ишлаши, хўжайин босмахонага қай вақтда келиши ва у ерда қанча бўлишини суриштириб билиб олгач, дружинадан бирмунча ишончлироқ жасур йигитларни танилаб олиб, уларга ўз режасини тушунтирди. Дружинанинг ҳар бир

аъзоси қаерда туриши, нима қилиши ва кутилмаган қийин аҳвол юз бериб қолса, қандай чора кўриши тўғрисида қатъий топшириқ олди.

1906 йил 17 январь кеч соат олтида икки-уч минут орасида оддий шаҳарлик қиёфасидаги бир неча киши битта-битта босмахонага кириб, зина саҳнида тўпланди. Улар унинг сигнали билан маска кийиб, тўппончаларини олишди ва жой-жойларига тез тарқалишди.

Икки киши тасодифан келувчиларни кутиш учун дарвоза олдида қолди, икки киши юқорига чиқиб, пардаларни туширди, чироқни ёқиб, хизматчиларни босмахона эгасининг кабинетига тўплади. Лимоновнинг ўзи ҳам шу ерда эди. Йигитлардан бири телефон олдида турди. Қолганлар орқа йўл ва йўлакларда постларни эгаллашди.

Худди шу вақтда тўппонча ва бомбалар билан қуролланган бошқа бир группа йигитлар бўлиниб-бўлиниб, кўринишдан берпарво бўлиб кўчада юрарди.

Ҳарф териш кассалари ва босма машиналар жойлашган пастки қаватнинг ҳам пардаларини туширишди.

Арсений профессионал революционер слесарь Павел Гусев билан бирга у ерга кириб, варақа нимага кераклигини қисқача тшунтириб, уни босиб беришни сўрадилар.

Ишчилар бажонидил рози бўлиб, варақалар чиқаришни тезлатиш мақсадида бирийўла икки марта териб, уларни иккита текис босма машиналарга солдилар.

Босмахона бир соатчадан буён революцияга хизмат қилаётган эди, бирдан подъездга бир отли чанада Лимоновнинг хотини кучерсиз келиб тўхтади. У тизгинни чана қошига ташлаб, ғизиллаб йўлакка кирди-ю, маска кийиб олган икки кишини кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Унга:

«Жим!.. Сизга ҳеч нима бўлмайди. Фақат бир-икки соат зериксангиз ҳам эрингиз ёнидагилар билан ўтира турасиз»,— дейишди-ю, юқорига хўжайиннинг кабинетига бошлаб боришди.

Лекин Лимоновнинг хотини ҳеч ўзини босиб ололмасди. Бир неча марта пиқиллаб, уни ўлдирмасликларини илтимос қилди, уларга пул бермоқчи бўлди. Агар эри тоқати тоқ бўлиб унга бақириб бермаганда ким билсин у яна нималар қиларди.

«Вой, тентак хотин! Мунча кўз ёши қиласан? Ҳаммани қўйиб уларга сенинг пулинг керакмиди... Агар ҳокимият уларники бўлса, ҳамма нарсангни тортиб олишади. Ҳаммасини... Уйни ҳам, босмахонани ҳам... Сен бўлсанг, уларга ўн сўмлинггни тиқиштиряпсан!»

Михаил Васильевич кулиб қўйди: «Бу савдогарвачча социалистик революциянинг маъносига унча-мунча тушунади. Қизиқ, бунга қандай ақли етдийкин: ўзи тушунганмикин ёки кимдир айтиб берганмикин?— ва городской Шпшкони эслади.— У бўлса ҳеч нарсани тушунмади!»

Городовой босмахона эшиги рўпарасидаги постда турарди, аллақандай кишилар босмахонага кирганини ҳам, негадир аничадан буён у ердан чиқишмаётганини ҳам, сал нарида кўриниши туппа-тузук одамлар айланиб юрганлигини ҳам пайқамасди.

От унинг эътиборини тортди. Лимонова хоним қаровсиз қолдириб кетган от чанани судраб, йўлкага чиқиб олиб, йўлни тўсиб қўйганди. Бу яққол кўриниб турган тартибсизлик эди. Бунинг устига, йигирманчига, бутун чиновниклар Россияси мояна олишига яна уч кун қолган, нарх-наво ошиб кетяпти. Текин даромад ҳеч кимнинг жиғилдонини тешиб чиқмаганлигини ўзича ўйлаган Шпшко жиддий тус олиб, негадир мўйловини силаб қўйди, қилични тўғрилаб, гердайданича босмахонага қараб юрди.

У ўзини кенг кафтида бир танга, балки ярим сўмлик тургандек ҳис этди. Бироқ у уй остонасидан ўтиши билан иккита тўппонча унга қараб ўқталганлигини кўриб қолди:

«Кўтар қўлингни!..»

Шпшко қўрқувдан музлаб кетди, маска кийган одамларга бақрайиб, нимадир демоқчи бўлди-ю секин полга ўтириб қолди. Уни қуролсизлантиришди ва биров тегмасин, деб ертўлага қамаб қўйишди.

Кечқурун соат саккизда варақалар босиб бўлинди, текис қилиб қирқилиб, кичкина дасталарга тахланди. Йигитлар ҳар эҳтимолга қарши телефон симини икки жойидан кесиб қўйиб, сўнг варақаларни олиб, кўздан ғойиб бўлишди.

Катта жанжал бўлди! Шаҳар ва губерняларнинг ҳамма полицияси сёққа турғазилди, тап тортмай шу ишни қилганларни ахтардилар, бир тўда одамни ушлаб келдилар, аммо кўп ўтмай ҳаммасини қўйиб юбордилар... Арсениини излашаётган эди. У эса, одатда кийиб юрмайдиган, яхши тикилган костюмда большевикларнинг Иваново-Вознесенск округ ташкилотидан партия Тўртинчи съезидига делегат бўлиб Стокгольмда юрган эди.

У съезднинг иккинчи куни танаффусда Владимир Ильич билан учрашди. Арсений съезднинг энг ёш делегати эди, шунинг учун уялиб турарди. Аммо Владимир Ильич уни шундай эътибор билан тингладики, у ўзи иштирок этган энг муҳим революцион воқеалар тўғрисида беихтиёр сўзлаб берди. Чунончи, у Москвада Декабрь кўзғолони вақтида бўлганидек баррикадаларга унчалик таяниш керак эмаслигини айтди.

«Яхши, яхши,— маъқуллаб турди Владимир Ильич...—Қани, шу фикрипгизни ривожлантиринг-а...»

«Ҳозирги қуроллар мавжуд экан,— деди у,— баррикада унинг курашчиларини ҳимоя қилолмайди. Милтиқ ўқлари баррикадаларни осонгина тешиб ўтади. У фақат ҳаракатни тўхта-тиб қолиши мумкин, шунда ҳам отличлар ҳаракатини».

«Хўш, нима қилиш керак?»

«Ҳарбий тажриба, кўча жанглари тактикасини биллиш, ўз кучлари билан маневр қила олиш керак. Бу соҳада чор офицерлари биздан кўра кўпроқ тажрибага эга эдилар. Биргина шижоат билан биз душман қаршилигини енга олмаймиз».

«Ҳа, сиз ҳақсиз, Арсений. Биз ҳарбий ишни ўрганишимиз, ўз офицерларимизга эга бўлишимиз керак. «Анти-Дюринг»да... Сиз уни ўқиганмисиз?»

«Ҳа, албатта».

«Ана шу китобда Энгельс революционер ҳарбий биллиларни эгаллаши зарурлигини очиқ кўрсатиб берган. Ишчилар ҳарбий ишга қизиқадиларми ўзи?»

«Қизиқишганда қандай, Владимир Ильич! Шуяда ҳам, Ивანовода ҳам жанговар дружиналар тузганимизда кўпларини қайтаришимизга тўғри келди...»

Ленинга уни президиумда кутишаётганини айтишди.

«Кетяпман, кетяпман,— деди у.— Сиз билан хайрлашмайман, ўртоқ Арсений. Биз яна кўришамиз, гаплашиб оламиз...»

Михаил Васильевич столдан туриб, чарчоғини ёзиш учун хо-нада юрди, дераза олдига келди.

— Кейинги ҳамма ишларга худди мана шу учрашув сабаб бўлган эди,— деди у ва кулиб қўйди.— Ўзим билан ўзим гаплаш-япман-ку...

Никита Игнатьевич кабинет деразаларида ёруғни кўриб, Фрунзенинг эшигини тортиниб тақиллатганида ой хиралашиб, кўк гумбазининг чеккасига оғиб қолган эди.

— Сайр қилиш қалай бўлди?— сўради ҳазиллашиб Михаил Васильевич. Унинг кўзлари ҳозир бошқача, ўзи ҳам Никитанинг назарида қандайдир ўзгариб қолган эди.— Натижа қандай бўлди?

— Хвостов ҳеч қаерда йўқ. Чамамда, у қочиб кетган.

— Бўлиши мумкин. Лекин бунчалик тез гойиб бўлади деб ўйламаганим. Майли, унчалик аҳамияти йўқ. Бор, ухла, туш-гача қорангни кўрмайин. Заставаларни огоҳлантириб қўйдинг-ларми?

— Паролни ўзгартирдик. Махсус бўлим ҳозир ҳам уни қидиряпти.

— Майли, ухла. Бирон ердан топилиб қолар.

Лекин Хвостов эртасига ҳам, индинига ҳам топилмади.

4

15 февраль кечқурун 25-дивизия 1-бригадасининг штабида Кутяков ўрнига бригада командири бўлиб турган, Фрунзенинг илтимоси билан Биринчи армиядан Тўртинчи армия ихтиёрига ўтказилган Плясунков бригада олдига қўйилган вазифани таҳлил қилиб ўтирарди. Штабга чақирилган полк командирлари ҳам шу ерда эди.

— Шундай қилиб,— дерди Плясунков қаламининг тўмтоқ томонини бир сантиметрда икки чақирим масофа кўрсатилган харита устида юргизиб.— Шчапово хуторини Николаевск дивизиясининг иккинчи бригадаси олади. Бизнинг вазифамиз армия резервида туриб, уларнинг орқа томонини ва чап қанотини таъминлашдан иборат. Сен, Петро, ўз полкингни Барбастаудан Жамбайтинск трактидаги Жуванишқўлга олиб чиқ... Мана бу ёққа. Тушунарлими?

Полк командири тушундим, деб тасдиқлади.

— Душманнинг ожизлигини сезсанг, аввалги сафаргига ўхшаб қизишиб кетма. Буйруқни ўйлаб иш тут. Муҳими, ўз полкингни бўлиб юборма. Ёдингда бўлсин: казак урушқоқ эмас, у калхатнинг ўзи. Агар кучинг бир жойга тўпланиб турган бўлса, казак сенга қўрқинчли эмас, роталарга ёки ундан ҳам майдалаб, взводларга бўлиб юборсанг, у вақтда сенга калхатдай ёпирилиб, патингни юлади... Буни Василь Иванович ҳам ўргатган эди. У казакни мирдан-сиригача билади. Уининг олдида оқ казаклар нафас олишга қўрқадилар!.. Ҳа, кимгадир ёқмай қолди шекилли, академияга жўнатишди...

У қулоқ солиб, жимиб қолди. Кўчадан тўпир-тўпир, чаналарнинг шириллаши, овозлар эшитилди.

— Ким келдйкин?

Хонага совуқ буғ ҳалқаларини қувиб шоша-пиша хабарчи кириб келди, йўлни тўсаётгандай қўлларини кериб қичқирди:

— Командарм!

Плясунков қаддини ростлади.

— Четга тур!— деди у хабарчига.

Карта атрофида турган командирлар беихтиёр қоматларини тиклаб, гимнастёркаларини тортиб қўйдилар.

Фрунзе Федор Федорович, альянтант ва Никита ҳамроҳлигида кириб келди.

— Салом, ўртоқ Плясунков! Нима, оператив гопшириқни таҳлил қиляпсизми? Марҳамат, давом этаверинг...

Бригада командири босиқлик билан, расмий жавоб қайтарди.

— Ҳа, биз тамомладик ҳисоб, ўртоқ қўмондон. Шунчаки айрим майда-чуйдаларни аниқлаб оляпмиз.

Плясунков қаламни олиб аҳён-аҳёнда командармга кўз қирини ташларкан, командирларга бўлажак жангдаги вазифаларни шошилмай тушунтира бошлади. У яхши, аниқ тушунтирарди, моҳир командир эканлиги кўриниб турарди.

Фрунзе унга диққат билан қулоқ солди, баъзан тушунмаса, сўради, яна қулоқ солди ва охирида шундай деди:

— Кучларни бўлиб юбормай тўғри қиласиз, ўртоқ Плясунков. Бизда ялпи фронт чизиғи йўқ. Бундай урушда бир жойга тўпланган, мушт бўлиб йиғилган қисмларгина ютуққа эришиши мумкин. Жуда тўғри қиляпсиз!..

Бригада командирининг чеҳраси ёришиб кетди.

— Кириб келишингиз олдидан биз худди шу ҳақда гаплашган эдик,— деди у командирларига маъноли қараб.— Қазак— калхатнинг ўзи. Она товуқ жўжаларини тарқатиб юбордими, шу заҳоти калхат осмондан ташланади.

Фрунзе кулиб юборди:

— Ҳа, худди калхатнинг ўзи! Демак, ҳамма гап калтафаҳм она товуқ бўлмасликда.

Уйнинг нариги томонидан ёш, мулойим бир аёл чиқиб, оstonада тўхтади:

— Тамадди қилиб олинглар.

Плясунков уни таништирди:

— Хотиним.

Бу сўзни у бу ерда, армияда хотиним бор, бу бировга ёқадими-ёқмайдими, менга барибир, деган маъно чиқадиغان қилиб айтди.

Стол устида самовар қайнаб турарди. Тарелкаларга печкадан олинган иссиқ ватрушкалар, қизартириб пиширилган кулча нонлар, чиройли ўрама булка нонлар солиб қўйилганди. Булар ширин, сийғиб пишган эди.

— Фронт шароити сизни қийнаб қўймаяптими?— сўради Михаил Васильевич чой қўйилган стаканни аёл қўлидан оларкан.

— Меними? Йўқ...— у сира уялмай, ўзини одатдагидек тутиб турарди.— Фақат тартибсизлик бўлмаса...

Плясунков чимирилди.

— Яна ўша гапми, Аня!

Михаил Васильевичнинг саволи эр-хотин ўртасидаги эски

жанжални қўзғатди. Плясунков қўмондон бу ҳақда шунчаки оғиз очмаган бўлса керак, деб шубҳаланди; командирлар составига ўзлари билан хотинларини олиб юришни ман қиладиган кўп буйруқлар чиқарилган эди. Аннанинг ўзи ҳам гарчи Плясунков ўжарлик қилиб буни ҳеч қачон бўйнига олмаса-да, эрини беихтиёр боғлаб қўяётганлигини сезиб юарди.

— Неча йилдан бери жанг қиламан!— эътироз билдирди Плясунков.— Ҳақиқий хизматга ўтганимдан буён уйимни ҳам кўрганим йўқ. Нима, бир умр сўққабош бўлиб юриш керакми?

— Фақат бир сенмидинг?— эътироз билдирди уй бекаси.— Бўлмаса ҳамма командирларингга хотинлари учун от берилсин деб айт. Ана шунда обоз ҳосил бўлади!..

Фрунзе бусиз ҳам бригада командири билан кескинлашган муносабатини ёмонлаштирмаслик учун индамади. Бу масала муҳим бўлса-да, биринчи навбатда турган эмасди.

Михаил Васильевич уй бекасига миннатдорчилик билдириб, сўнг турди.

— Айтинг, бизни Круглоозерний хуторига бошлаб борадиган одам беришин, — деди у Плясунковга.

Плясунковнинг юзи ажабланганидан чўзилиб кетди:

— Нима, сиз бу ерда тунаб қолмайсизми? Мен айтиб қўйганим...

— Чакки қилибсиз. Биз ўз команда пунктимизда тунаймиз... Отрядни менинг ихтиёримга ўтказиб қўйдингизми?

— Ҳа, Богучаровни. У ҳозир ўша ерда, Круглоозернийда.

— Мана бу яхши!.. Йўл бошловчини беринг-чи.

Плясунков энди ўзига келган эди. У эҳтиром билан, лекин қатъий қилиб деди:

— Яхши, ўртоқ қўмондон! Йўловчи билан бирга отлиқ соқчиларни ҳам беришга рухсат этинг. Бизнинг бу жойлар саҳро, казаклар эса дуч келган ерда пайдо бўлаверади.

Фрунзе ўз ҳамроҳлари билан жўнаб кетди, Плясунков эса ниманидир ўйлаб, қовоғини солганича у бурчакдан бу бурчакка бориб келарди. Кейин у штаб биносига ўтди ва Круглоозернийда уйларга жойлашган ўз полкининг штабига телефон қилишни ҳамда Богучаровни аппаратга чақиришни телефонистга буюрди. Богучаров у ёқда телефон олдига келганда, Плясунков деди:

— Менга қара, Иван, командарм сизлар томонга кетди. Сен отрядинг билан унинг ихтиёрига ўтказилгансан... Буни буйруқдан биласан-ку. Сенга шуни айтмоқчиман: ундан кўзингни узма! Қим билсин, тагин ўзини бирон ўтга уриб юрмасин... Ўзи шунақалардага ўхшайди. Шунинг учун ҳушёр бўл... Қандай қилиб деганинг нимаси? Албатта, буйруқни бузмай... Нима, ёш бола-

мисан? Қандай қилишни ўзинг биласан... Ҳа, яхши, гап деган бундоқ бўпти-да.

Қирчиллама совуқ тун. Куруқ шохларнинг қарс-қурси отиш-мага ўшаб кетади, бирон нарса шитир этса, одам юраётгандай бўлади.

Бир неча чақирим жойни эгаллаган хутор жимжит эди. Кундузги юришдан толиққан жангчилар ухларди, фронт ҳаётининг тасодифларига кўникиб қолган аҳоли пинакка кетганди, одамлар ҳаддан зиёд кўп бўлганлиги учун ўз одамлари билан бегонани ажратолмай гангиб қолган бойлоғлиқ итлар хомуш ётарди, фақат серавж қишлоқ хўрозлари эски одатларини қилиб, аҳён-аҳён совуқдан қичқириб, жимликни бузарди.

Чеккада, похол ғарами олдида қизил армия заставаси яширинган эди. Бу застава қуролланган қишлоқ яқинидаги биринчи пост эди, қишлоқда жангчилар ухлаб ётишарди. Заставада ухлашмайди, тажрибадан яхши билишадикки, ухлаб қолишса, қайтиб уйғонмасликлари мумкин. Казаклар бор жойда аҳвол шу. Улар соқчиларни ўлдириб, уйқудаги посёлкага ёриб кирадилар-да, одамларни қиришга тушадилар! Тонготар олдидан эса аксига олиб, жуда уйқу босади.

Похол ғарамидан олисда, ўнг ва сўлда қорли текислик оқариб кўринади. Четроқда тегирмон хиёл қорайиб кўринади. Похол ғарами олдидаги заставага олдиндаги ҳамма нарса жуда яхши кўриниб турарди.

Похолни титиб, ичига кириб олган жангчилар бир-бирларига тикилишиб кўрик ҳақидаги гапларни эшитишарди. Гапираётган кишидан ташқари ҳаммалари ўша кун соқчиликда бўлиб, кўрикда қатнашмаган эдилар.

— Демак, қаттиққўл экан-да?— сўради ғарам четидаги чуқурроқ жойда ўтирган жангчи.

Ҳикоя қилиб бераётган жангчи похол горни кенгайтиришга уринди.

— Даҳшат! Фронт бўйлаб келяпти-ю, кўзи билан тешиб юборяпти! Жонингни олай дейди.

— Тентак! Сенинг нега юрагинг ёрилади?

— Қўрқмай кўр-чи! Биздан дадилроқ командирлар ҳам мушқ олдидаги сичқондек бўлиб қолишди.

Кимдир деди:

— Генерал бўлса керак...

— Генералми-йўқми, билмайман-у, ҳар қалай, полковник бўлиши керак.

— Бизда ҳам шу гап,— гапга қўшилди шу вақтгача индамай

эшитиб турган учинчи жангчи.— Лекин ишонгинг келмайди. Бизнинг командирлар генерал олдида довирашмайди. Биз уларнинг кўпини кўрганмиз.

— Кўрганмиз! Гапини қара! Оқларга командирлик қилаётганларни кўрганмиз.

— Оқларникими, қизилларникими, бизда генераллардан унчалик чўчишмайди. Бу ерда гап бошқа ёқда бўлса керак. Сен ўйлагандан каттароқ...

Унинг аччиғини келтириб гапини бўлишди.

— Хўш, сенингча янги командарм ким ўзи?

Сухбатдошнинг жаҳли чиқди:

— Қим, ким! Мунча сўрайверасан. Мен қаердан билай!

Бирдан катта соқчи деди:

— Қани, жим бўлинг! Алвасти кимнидир олиб келаётганга ўхшайди...

Жангчилар кутиб қотиб қолдилар.

Жардан отлиқ кўринди. Унинг орқасида отлиқлар тўдаси ҳамроҳлигида иккита чана келарди.

— Тўхта!— бақирди катта соқчи ва йўлга чиқиб, затворни шарақлатди.— Пропуска нима?

Олдинда келаётган одам отни тўхтатиб, илжайиб жавоб қайтарди:

— Қаттиқрақ бақир, ҳамма эшитсин. Бу ёққа кел, айтаман...

Пропускани эшитгач, катта соқчи йўлдан четга чиқди.

Йўловчилар заставадан ўтиб кетгач, кўрик тўғрисида гапираётган жангчи овозини пастлатиб, дабдурустан деди:

— Йигитлар, ҳозир ўтиб кетган командарм-ку!

— Қани?

— Қайси бири?

— Ҳув, олдинги чанадагиси...

Жангчилар ҳарчанд тикилиб қарашмасин, ҳеч кимни ажратолмадилар, орқада кетаётган отлиқлар халақит берди.

— Ҳа, сени қара-ю!— афсусланиб деди катта соқчи.— Нега олдинроқ индамадинг? Аввал-бошдан полкда хизмат қилиб келаману, командармлар фронт бўйлаб юрганлигини ҳатто эшитмаганман ҳам. Шундай фурсатни бой бердик... Сен бўлса — генерал деб юрибсан!

Ҳужум секин бошланди. Тонг отган бўлса ҳам, Николаевск дивизиясининг Орлово-Куриловск ва Малоузенск полклари ҳали йўлга чиқишмаган эди. Дивизия бошлиғи Сапожков теле-

фондан-телефонга югурар, бақирар, сўқинар, хат ташувчиларни югуртирар, лекин ҳеч натижа чиқмас эди.

Михаил Васильевич аралашмай кузатиб турарди.

Тузилган режа бўйича тунги штурм билан Шчапово қишлоғини тонг отмасдан эгаллаш, шундан кейин Чеганск хутори атрофида тўпланган душманнинг асосий кучларини тор-мор этиш лозим эди. Николаевск дивизиясининг 2-бригадаси Мусулмон полки мададида штурмни бошлаши белгилаб қўйилганди. Бунинг тагида гап бор эди. Яқиндаги фожиа худди мана шу 2-бригадада юз бериб, Линдов ва бир неча командир ҳамда сиёсий ходимлар ҳалок бўлган эди. Бригаданинг жанговар қобилиятига шахсан ишонч ҳосил қилиш керак эди. Бироқ куриловчилар ва малоузенчилар ҳужумни кечиктираётганди. Эрталаб соат саккизларга яқинлашиб қолгандагина дивизия штабида улар ҳужум бошлаганлиги ҳақида хабар олинди.

Фрунзе Федор Федоровични штабда қолдириб, фронт чизигига жўнаб кетди.

Узоқ туриб қолган отлар жойдан илдам қўзғалдилар. Кучер тизгинни силтади:

— Ҳей! Қоч йўлдан!..

Отлар янада жадаллашиб, бир зумда аравани Круглоозерний ёнига етказдилар. Қуюқ қора булутлар атрофни ўраб олганди. Аҳён-аҳёнда шиддатли шамол эсиб, ҳолдан тойгандай тиниб қоларди.

— Айланиб ёпирилса керак...— деди аравакаш олисга қараб.

Фрунзе тикилиб қолди. У ёқда уфқда ҳақиқатан ҳам нимадир ўрмалаб, ёпирилиб келаётганди.

«Энди шуниси қолувди!»— афсусланиб кўнглидан ўтказди у.

Тўсатдан ҳужум бошлаш режасини қолдириш энди аниқ бўлиб қолган эди. Буйруқларни аниқ бажаришга ҳали ўрганмаганлик ва умуман ишнинг кўзини билмаслик таъсир қилди.

Аравакаш командармга ҳамроҳ бўлиб келаётган беш отликқа қараб, афсусланиб бошини сарак-сарак қилди.

— Соқчиларимиз озлик қилади,— деди у секин ёнида ўтирган Никита Игнатьевичга.— Бу ерда казаклар итпашадай гуж бўлиб ётибди. Шундай тадайдики...

— Қўрқасанми?— кулди Никита.

— Ким, менми? Ҳазилингни қўй, биродар. Мен Василь Ивановичнинг ўзини неча марта олиб юрганман. Чапайнинг олдида тантқиқлик кетмайди. Юрагинг титраб турган бўлса ҳам, сиртинга чиқармаслигинг керак.— У жиловни силкитиб хўрсиниб деди:— Ҳозир қаердайкин-а, Василь Ивановичимиз?!

— Уқияпти. Академияда.

Аравакаш маъқулламай юзини бурди:

— У ўқиб бўлгунча, казаклар бизни битта қўймай қиради.

«Бу ҳам ўшани гапиряпти»,— хаёлидан ўтказди Фрунзе.

Чапаев тўғрисида Михаил Васильевич бир неча марта, армияга етиб келган дастлабки куниданоқ эшитган эди. У ҳақда ҳар ким ҳар хил гапирарди. Баъзилар унинг ҳарбий фазилатларидан, қандайдир ғайритабиий омадлилигидан ҳайратланиб завқ билан, хурсанд бўлиб гаппришарди, бошқалар эса, асосан армия штабидагилар менсимай, унинг муваффақиятларини тасодифий бир ҳол, деб тушунтирардилар ёки бу муваффақиятлар кўриниб турганлигига қарамай, уни умуман инкор этиб, Чапаев ўзнибилармон, интизомни тан олмайдиган партизан, қисқаси, жуда хавфли одам, деб исботламоқчи бўлишарди. Ким билсин, у қаёққа бошлайди ҳали!.. Лекин у кўнгилчан бўлмаса ҳам, жуда ўткир одамлиги равшан эди. Шунинг учун ундан қутулишга ҳаракат қилишган бўлса ажаб эмас. Эҳ, афсус! Ҳозир у жуда иш берарди-да! Қайсар экан, бу унчалик хавфли эмас. Латта одамга кунинг қолмасин. Унақа одам ишни уддалолмайди, наф кам.

Аравакаш бирдан чанада ўрнидан туриб, олисда қорайиб кўринган бир тўп дарахтлар томонга тикилди ва отларни тўхтатди. Фрунзе ҳам ўша ёққа қаради.

Олдинда дарё бор эди. Отлар секин оёқ босиб, музга тушишди. Дарахтлар томондан ўқ овози эшитилди. Ўқ яқинроқ жойдан визиллаб ўтди.

— Излаб юришибди!— деди Михаил Васильевич.

Киш тонгининг ғира-ширасида дарахтлар орқасида бир неча отлик казак элас-элас кўринди.

Аравакаш тизгинни тиззасига қисиб олди-да, отларни чоптирди, уларни секинлатмай милтиқни олиб, ўқ узди.

Казаклар секин жарликка тушиб келишарди.

— Қўрқисмайдиам, гўпсанглар,— деди аравакаш ранжиб,— бундай отишда тегизолмаслигингнй билишади.

— Шундай экан, отишнинг нима кераги бор эди?

— Юрагим ўртаниб кетяпти-да, ўртоқ қўмондон!

— Йўллар яхши бекитилмабди,— деди Фрунзе ҳамроҳ бўлиб келаётган дивизия штаби ходимига.

— Яхлит фронт чизиги йўқ-да,— эътироз билдирди у.— Казаклар бўлса шу ерлик. Улар бу ерда ҳамма паст-баландликни билишади: Катта қисм ўтолмайди-ю, бир неча киши бўлиб бўлиниб юргани ҳамма вақт кириб қолиши мумкин. Биз ҳам разведкага юборадиган бўлсак, доим шундай қиламиз.

Шчапово атрофида жанг қизиб кетди. Милтиқ-пулемёт отишмалари ҳали у ёқда, ҳали бу ёқда авжига чиқар, гоҳ сўниб,

гоҳ кучаяр эди. Снарядлар вnzиллаб бош устидан учиб ўтарди.

Фрунзе ҳамроҳлари билан отларни ўқ етмайдиган пастликда қолдириб, полк команда пунктига борди.

Командир — бригада бошлиқлари состави мажлисида қатнашганлардан бири, қисқагина қилиб маълумот берди:

— Ўртоқ қўмондон, бизни қисиб келишяпти! Куч тўплаб олганга ўхшашади.

Бу қизил аскарлар қаторини ердан бош кўтартирмай қўйган душманнинг тиғиз ўт очишидан ҳам кўриниб турарди.

Фрунзе зиналарни ғижирлатиб, шамол тегирмон болохонасига чиқди. У ерда кузатув пункти жойлашган эди.

Уруш зонасига тушиб қолган бу тегирмон яқин вақтларда ҳам ишлаган бўлса керак. Топталган полда дон қоплари тахлаб қўйилганди, омборда ун бор эди, оппоқ ун кукуни бурчаклардаги ўргимчак уясига ёпишиб деворларни оқартирган эди.

Пулемёт ўқлари, кучли милтиқ отишмаларн, шрапнель портлашлари билан дабдала бўлган Шчапово бирдан оқ тутунга ўрала бошлади. Бир минут ўтгач, қизил армия қисмлари ҳам тутун ичида қолиб кетди. Уфқда кўринган булут кўпайиб, осмоннинг ярмини қоплади-да, сузиб кела бошлади. Мана энди ҳамма ёқни ўраб олди. Шиддатли шамол юзга урилди. Қор кўзни очирмай қўйди, ёқа ичларига кириб кетди.

Кузатувчи афсусланиб, телефонистга ўгирилди:

— Бу ерда ҳеч балони кўриб бўлмайдил!..

Ҳужум қилиб келаётганларга мадад бериб турган артиллерия мўлжалга олмай таваккалига стаётган эди. У узаётган ўқ камая бошлади. Олдинда, фронт чизиғида эса отишма авжига минаётган эди. У ёқда кўз очирмай, нафас олдирмай ураётган қор бўроннда артиллерия мададидан маҳрум бўлган қизил армия қаторлари яхши тайёрланган душман устига ҳужумга ташланар ва ҳамма ёқдан узилаётган милтиқ-пулемёт ўқларига дуч келпб, орқага чекинар эди.

Ғалаба билан мағлубият фақат фронтда ёнма-ён туради. Бирдан яқиндаги жардан элликка яқин казак ҳайқириб чиқиб, оз сонли ҳимоячи пиёда қисмини тўзғитиб, шамол тегирмонига томон бостириб кела бошлади.

— Мушкул аҳволга тушиб қолганга ўхшаймиз,— деди Никита Игнатъевич.

У югуриб зинадан пастга тушди-да, эшикни тўсин билан ичидан маҳқамлаб, гранаталарни тайёрлаб қўйди.

Фрунзе ёнидагиларга қаради. У билан адъютант, дивизия штаби ходими, кираверишда мудофаада турган Никита, куза-

тувчи ва икки алоқачи — ҳаммаси бўлиб олти киши элликка яқин казакка қарши турарди.

Алоқачилардан бири сим ҳозирча узилмаганлигидан фойдаланиб, юз берган воқеани батареяга маълум қилди ва шундай деб қўшиб қўйди:

— Агар шартли сўзни айтмай гапирадиган бўлсак, ишонманг.

У ёқдан жавоб қилишди:

— Биламиз.

Казаклар яқин келиб қолганда қанотдан қутилмаганда пулемёт ўти очилди, бир тўда отлиқлар тегирмон орқасидан отилиб чиқиб, ёпирилаётган казакларга ташланиб қолишди.

Қарши ҳужум шундай дабдурустан бўлган эдики, олдиндаги казаклар тисланиб қолишди, орқадагилар эса уларнинг устига чиқиб кетишди. Руҳланган қизил аскар соқчилари ўз навбатида уларга қараб ўт очишди. Епирилиб келаётган душман эсанкираб қолди, ёйилиб кетиб, тепалик орқасига бекинди.

Михаил Васильевич пастга тушганда олишув тамом бўлган эди. Тегирмон олдида Богучаров бошчилигидаги отлиқлар группаси сафланиб турарди.

— Икки киши яраланди,— честь бериб деди Богучаров Фрунзенинг талафот тўғрисидаги саволига жавобан,— унчалик оғир эмас, ўртоқ қўмондон.

— Бу ерга қаяқдан келиб қолдингиз?

— Биз, ўртоқ қўмондон, сизларнинг орқангиздан, жар ёқалаб келаётган эдик.

— Ким буйруқ берган эди?

— Бригада командири, ўртоқ Плясунков. Чунки мана бу...— У отлиқларга хос эътиборсизлик билан пиёда аскарлар томонга ишора қилди,— улар қўлидан бирон иш келармиди!..

Икки кеча-кундуз қутурган бўрон ниҳоят тўхтади ва шундай сукунат бошландики, ҳақиқатда ҳавода қутурган қора булутлар учиб юрганга, қор бўралаб урганлигига, юпқа ях бўлиб юзда музлаб қолганлигига, ёқа ичларига кириб, этни узиб олганлигига ишониб бўлмасди. Энди уфққача ҳамма ёқ оппоқ қор кўрпаси билан қопланган эди.

Туриб қолган тўқ отлар жадал елиб кетди.

Михаил Васильевич Шчапово хуторини штурм қилиш тўғрисида ўйларди. У кутгандек ҳозирги жанг Николаевск дивизиясининг заиф томонларини яққол очиб берди. Бўлинмаларда сиёсий иш олиб бормай, аввало, командирларни интизомга солмай душманни яқсон этишни хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Оқ казакларнинг бўлиниб кетаётганлиги тўғрисида развед-

ка берган маълумотлар шубҳа туғдирарди. Фрунзе ўз мулоҳазаларини Новицкийга айтди.

— Бўлмаган гап!— деди қатъият билан Федор Федорович.— Бизни Шчаповода қандай қарши олганликларини кўрдингизми? Бўлиниб кетаётган қисмлар шундай урушармиди!..

— Бўлиниш ҳоллари балки бор ҳамдир,— эътироз билдирди Фрунзе,— агар биз душманни бошлаб тит-пит қилсаккина бундай бўлинишга таъсир қилиши мумкин... Хужумни қолдириш керак, кучларни қайта группаларга бўлиб, қисмларни тўлдириш керак. Шундан кейингина қатъий операцияни бошлаш мумкин.

Олдинда Уралъск шаҳри атрофлари кўринди.

Шаҳарга кираверишдаёқ командармга бўлган муносабат ўзгарганлиги сезиларди.

Дуч келган жангчилар ҳурмат юзасидан йўл беришар ва Фрунзени синаб, унга қизиқсиниб жим қараб қўярдилар; командирлар гавдаларини тўгрилаб, честь беришарди. Унинг фронтга борганлигини ҳам, бригада штабида бўлган гаплар ҳақида ҳам, тегирмонда юз берган ҳодиса ҳақида ҳам бу ерда билишарди.

Штаб биноси зинапоясида командирлар, сиёсий ходимлар тўпланишиб турарди. Орқадагилар пастда нима бўлаётганлигини кўриш учун оёқ учида туриб олдиндагилар устидан чўзилиб қарашарди. Кўча синчков шаҳар аҳолиси ва қизил аскарлар билан тўлиб кетган эди.

Командарм яқинлашганда оломон йўл берди.

Штабнинг шундоқ рўпарасида қизил армия қисми саф тортиб турарди. У Тўртинчи армиянинг оддий қисмларига сира ўхшамасди. Бежирим шинеллар, маҳкам боғланган камарлар, армияда яқиндагина жорни этилган учи ўткир шлёмлар, шу вақтгача бу ерда учратилмаган, янги, шундоққина станокдан олинган милтиқлар, энг муҳими, аскарларнинг бардам, тетик кўриниши ва интизомлиги қисми дарҳол кўзга ташланадиган қилиб қўйганди. Қисм олис йўлдан эндигина етиб келган эди, бироқ жангчилар иссиқ казармалардан тўйиб овқатланиб чиққандай сафда туришарди.

— Бизникилар, ивановоликлар,— деди Михаил Васильевич ва чанадан тушди.

Улар кечга яқин командарм хонасида йиғилишди. Михаил Васильевич дивизия штабида ушланиб қолди, ҳамюртларни Никита Игнатьевич кутиб олди:

— Буни қаранглар-а, йигитлар,— деди Дронов, шлёмни

ешиб пойгакла қоқар экан.— Бизнинг Никита Игнатьевич овқатни кўп еб сёмириб кетибди-ку.

Урушиш олдидан жангари хўрозга ўхшаш сочлари ҳурпайган, юзини диккайиб олдинга чиқиб турадиган калта сарғимтил соқол босган, кексалик ва йўқчиликлар орқасида сарғайган серажин юзидаги кичкина, лекин кўзлари ўткир Фаддей Ефимович Дронов фабрика шахарчалари — Шуя, Кохма, Тейковода, Иваново-Вознесенскнинг ўзида тиниб-тинчимайдиган агитаторбаҳсчи сифатида яхши маълум эди. У ўз мухолифларини жуда қаттиқ жаҳлини чиқарарди. У эсерлар билан ҳам, анархистлар билан ҳам кўп марта олишган. Айниқса, меньшевикларнинг кўп адабини берган. Уларга қарши адовати бошқача эди.

Чаласавод читга гул босувчи ёки улар ибораси билан айтганда, «раклист», ёшлигидаёқ билимларга чанқоқлик билан интилган Дронов меньшевиклар тўғарагига жалб қилинган эди. Бу тўғарақда ўқиган, билимдон одамлар бор эди. Улар ҳар нарса ҳақида дадил гапиришар, қатъий фикр юритишарди. Бу нарса унга жуда ёқиб қолган эди. Лекин Дронов тезда шунга ишонч ҳосил қилдики, улар фақат гап билангина чекланишарди. У эса иш кўрсатишга интиларди. Узундан-узоқ сафсатабозлик уни қийнарди: у нима қилиш кераклигини билмай иккиланарди. Бир учрашув уни бу аҳволдан қутқарди.

Бир куни иш тугашига яқин унинг ёнидаги ўзига ўхшаш, лекин ёши каттароқ раклист сўраб қолди: «Бугун Талкага борасанми? Ёки меньшевикларнинг билан ўралашиб юраверасанми?»— «У ёқда нима бўлади?»— қизиқиб қолди Дронов. Қўшниси дерди: «Биттаси бор... У билдирингни ошириб қўярди...» Дронов бормасликка қарор қилди, аммо Арсений сўзга чиқишини билиб, фикрдан қайтди. Бу агитатор ҳақида у бир неча бор эшитганди. У ҳақда кўп гапиришган, ҳар сафар ҳам ҳайратланиб, самимият билан гапиришарди. Табиатан ҳеч нарсага ишонмайдиган Дронов бу Арсений деяётганлари қандай эканлигини ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлди.

Биринчи таасурот унинг ҳафсаласини пир қилди. «Нимаси уларга ёққан экан?»— ўйлади Дронов йигирма ёшлардаги паст бўйли, кенг елкали йигитчани диққат билан кўздан кечирав экан. У Талка соҳилида тўпланган ишчилар орасида бирдан қаёқдандир пайдо бўлиб қолган эди. Бироқ Арсений гапира бошлагани ҳамон Дроновнинг ҳамма шубҳалари қаёққадир ғойиб бўлди. У нотиқни тинглар экан, ўз фикрларини Арсений айтиб бераётганлигини, лекин ўзидан кўра жуда яхши баён қилаётганлигини ажабланиб таъкидларди.

Ана шу кечадан бошлаб Дронов меньшевиклар билан алоқани буткул узди. Кўп ўтмай улар — Арсений ва Трифонич та-

халлуслари билан машҳур бўлган Иваново-Вознесенск большевистик подпольесининг ташкилотчиси Михаил Васильевич Фрунзе ва тили аччиқ раклист Дронов амалий подполье ишида яқинлашдилар.

— Буни қаранг-а, ўртоқлар,— бўш келмасди Дронов,— қандай қорин қўйиб юборибди! Худди бўрдоқига боқилган тойчоқ. Фақат тепиб юбормаса бўлгани.

— Яқинроқ кел-чи, тепкиларман ҳам,— қовоғини солди Никита.

— Ана, холос! Жўжахўрозлар-е,— деди кулиб Фурманов.— Бу қанақаси, Фаддей Ефимович, нега Никитани жаҳлинн чиқарасан?

— Ботир бўлиш учун, чўчимаслик мақсадида шундай қиялман, Дмитрий Андреевич. Ҳар қалай бошлиқ...

— Сени чўчитиб бўлармиди...—огзининг таноби қочиб кулди Никита Игнатьевич. Ешларида фарқ бўлса ҳам у Дронов билан дўст эди. Дўст бўлганда ҳам фурсати келди дегунча бир-бирини чўқиб оладиганлардан эдилар.— Киринглар, кириглар,— таклиф қиларди у қолганларни.— Михаил Васильевич ҳозир келади. Кечирим сўраган. Бемалол ўтириглар...

— Ўзи қаерда?—сўради Фурманов.

— Дивизия штабида. Шчапово учун эс-ҳушларини ўрнига тушириб қўйяпти.

— Сизларни бу ерда кутиб ўтирганимизда бизнинг ҳам қулоғимизга чалинди. Айтишларича, чатоқ бўлган экан сизларга.

— Нимаси чатоқ! Бебошлик-да, жин урсин, нима бўларди.

Коридорда қадам товушлари эшитилди. Сиротинский ҳам роҳлигида Фрунзе кириб келди.

— Салом, ўртоқлар. Узр, сизларни куттириб қўйдим.

Улар Фрунзени ўраб олишди, энди Арсениимиз қанақа бўлиб қолдийкин деб қўлини қисиб, диққат билан разм солишди. Ўзларининг яқин кишиларини армия қўмондони ўрнида кўриш янгилик, ғайритабiiй эди. Чунки уни подпольеданоқ билишар эди.

— Иваново-Вознесенскнинг... билмадим ё губкоми, ёки губерня ижроия комитети камайтирилган составининг мажлисини очиқ деб ҳисоблаш мумкин,— деди соқолини селкиллашиб кулиб Дронов.

Ҳамма кулиб юборди. Иваново-Вознесенск ташкилоти фронтга ўзининг энг яхши ишчан ходимларини юборган эди. Чунки одамларнинг иши бошидан ортиб ётарди. Топшириқлар шундай кўп эдики, бир одамни бир неча қўли, оёғи бўлганда ҳам уларнинг ҳаммасига улгуриб бўлмасди. Бир қарашда улар ҳақиқа-

тен ҳам бирон бир масала юзасидан губкомда йиғилишгану, Михаил Васильевич билан гаплашиб олиб, кимдир Кинешмага, кимдир Родникига, Южага, Тейковога тарқалиб кетадигандек эди...

— Хўш, бизнинг Иваново томонларда нима гап?— сўради Фрунзе.— Қани, ўтиринглар. Гаплашадиган гап кўп... Сизларни қандай кузатиб қўйишди?

— Нолишга ўрин йўқ,— жавоб берди Дронов,— кузатиш шунчалик бўлади-да, бутун шаҳар кузатди. Бизнинг Дмитрий Андреевич,— деди у Фурмановга кўз югуртиб,— нутқ сўзлади. Ўринли, яхши гап қилди. Боплади. Совуқ ҳам роса авжига олиб турувди! Бизнинг ивановоликлар тамом бўлди, деб ўйловдим. Йўқ, ҳеч нарса қилмади...

— Мен ҳам ўн минутча гапирдим-да,— норози оҳангда жавоб берди Фурманов.

— Мен ҳам шуни айтяпман-да. Ҳамшаҳарларига Дмитрий Андреевичнинг раҳми келди, тушунган одам...

Ивановоликлар қаҳ-қаҳ уриб кулишди.

Дронов ҳар бир нарсани ҳазилга айлантириб юборишга усталиги яхши маълум эди.

— Хайр, майли, ўртоқлар,— деди Фрунзе,— нима қилиш кераклигини гаплашиб олайлик...

Михаил Васильевичнинг шошилмай гапирган гапларини ивановоликлар нафасларини ичларига ютиб, эшитишди. Улар узоқ Туркистонни кўз олдиларига келтирмоқчи бўлишарди. У ерда пахта ўсишини билардилар, холос. Иваново-Вознесенскда хайрлашув чоғида бир неча ўртоқлар йиғилиб, уларга шундай деб айтишганди ҳам: «Туркистонсиз қайтманглар. Ўзингиз биласизки, фабрикалар тўхтаб деб турибди. Сўнгги пахтани ишлаб бўляпмиз». Лекин пахтага йўл очиш учун оқ казакларнинг кучли ғовидан ўтиш, оқгвардиячи корпуслардан ўтиш керак эди. Туркистоннинг ўзида ҳам кўп фронтларда қонли жанглар борарди, бу жанглар худди қандайдир ғаламис шайтон атайлаб бошлаётгандек ҳали у ер, ҳали бу ерда чиқиб қоларди. Бу «шайтон» яхши маълум эди: Закаспий ўлкасида инглиз қўшинлари турарди.

— Яқинда Туркистон билан бирлашдик, буни сиз биласиз,— деди Фрунзе,— лекин бу бирлашув мустаҳкам эмас. Уральск-Оренбург атрофида оқ казаклар кўп куч тўплайптилар. Уларни тор-мор этиш керак... Яқинда шундай қарор чиқиши кутилмоқда: Оренбургдаги туркистонлик қўшинлар ва маҳаллий аҳолидан келиб қўшилганлардан Туркистон армиясини тузиб, уни Шарқий фронт Жанубий группасидаги Тўртинчи армия билан бирлаштирилади. Оқ казакларни тор-мор этиб, биз Туркистонга

ёрдам бериш учун борамиз. Уларнинг аҳволи ҳақиқатда оғир. Улар таслим бўлмай туришганига қойил қоласан. Биласизми, улар Оренбургга қандай ёриб киришди?

Иўқ, буни улардан ҳеч ким билмасди.

— Улар ҳамма қурол-аслаҳа омборларини бўшатиб, охиригى снаряд ва патронларни олволдилар ва партия Марказий Комитетига радиogramма юбориб, Туркистон бош қўмондони Георгий Васильевич Зиновьев қўмондонлиги остида Актюбинск қўшинлар группасини Оренбургга бошладилар. Бунгача қўшинлар группасини тўлдириб, қуролантирдилар. Бошқача илож қолмаган вақдагина шунга қарор қилиш мумкин.

Михаил Васильевич Тўртинчи армияга қўмондонлик қила бошлаган вақтда танишиб чиққан материаллардан шу нарса равшан эдики, резервларсиз уруш олиб бориш катта қийинчилик туғдирарди, хусусан Шарқий фронтда. Бу фронтни Бош қўмондонлик негадир иккинчи даражали ҳисоблаб, бошқа фронтларда қийинчилик бўлганда Шарқий фронтдан дивизияларни олиб, бутун Иккинчи армияни ҳам олиб қўйишни мўлжаллар эди. Шу хусусда Шарқий фронт қўмондонлиги билан Бош қўмондонлик ўртасида кўпинча низолар чиқиб, оқибатда оператив ишларнинг боришига таъсир қилаётган эди.

Туркистон қўшинларининг Актюбинскдан Оренбургга ҳужум бошлаганлиги ҳақидаги хабар Бош қўмондонликни гафлатда қолдирди. Бош қўмондонлик чора ахтариб, Тўртинчи армияга «Уральскдан Саратов ва Самарага жўнашини таъминлаш билан... Оренбургни эгаллаш операциясини бошлаш» вазифасини юклашдан бошқа йўлни ўйлаб тополмади.

Шарқий фронт қўмондони Сергей Сергеевич Каменев бу кўрсатмани олиши билан боши қотиб қолди.

«Улар у ёқда нимани ўйлашяпти?— шикоят қилди у фронт Революцион ҳарбий кенгаши аъзоси Гусевга.— Нима қилишяпти ўзи! Бу ахир икки хил операцион йўналишдаги иккита мустақил топшириқ-ку. Улар орасидаги масофа икки юз эллик чақиримдан ортиқ. Бу масофани биз нима билан гўсиб тураемиз?!»

Аҳволдан қутулиш учун Шарқий фронт қўмондонлиги эндигина тикланган Биринчи армияни Оренбургга ҳужумга ташлади.

— Ҳақиқатда, у ёқда, Туркистонда аҳвол жуда оғир;— такорлади Фрунзе.— Агар уларга ҳозир ёрдам берилмасе, биз бу ўлкадан узоқ вақт маҳрум бўлиб қоламиз. Бизнинг Тўртинчи армиямиз бўлса жуда кучсизланиб қолган, айниқса Орлов-Курюлевск полкидаги исёндан кейин ҳолсизланиб қолган.

Марказдан комиссия юборишни сўраб Яков Михайлович Свердловга телеграфда айтиб қўйдим. Фақат исёнчи қисмларнигина эмас, армиянинг бутун раҳбарлари фаолиятини текши-

риш керак. Раҳбарлар составида катта ўзгаришлар қилишга тўғри келади. Лекин яхши командирлар кам, сиёсий ходимлар масаласи бундан ҳам чатоқ. Куйбишев Самара партия ташкилотидан бир-икки одам беришга ваъда қилди. Бироқ Валерьян Владимировичнинг ўзида ҳам матонатли коммунистлар оз.— У гапирмоқчи бўлган гапни мулоҳаза қилиб секинлашди.— Қандай бўлмасин, биз бу ишни удалаймиз... Лекин олдимизда Туркистонга йўл олиш вазифаси турибди. Бу эса қийинроқ бўлади. У ерда ўз анъанаси, одатлари бўлган халқлар кўп, улар билан сиз мутлақо таниш эмассиз. Бизни қучоқ очиб кутиб олишади, деб ўйламанг. У ерда одамлар ишонмай қўйишган. Уларни кўп марта алдашган. Ҳар бир қадамингизга разм солишади, қайта-қайта мулоҳаза қилиб кўришади.

— Бундан чиқди, ажойиб табиатли халқ экан-да,— деди Дронов.

— Агар сени ҳам уларга ўхшаб турткилашса борми,— деди Никита,— кўрардик, қанақа бўлиб қолардинг?!

— Мени қанақа турткилашганини сен қаёқдан биласан?— дарҳол ҳурпайиб олди Дронов.

Михаил Васильевич суҳбатдошларига жилмайиб қараб қўйди. Биргаликда ишлаган йиллари уларни яхши билиб олган эди.

Шубҳасиз, улар орасида энг саводлиси ҳозирча Фурманов эди. Ешлиги, сиёсий жиҳатдан гўрлиги туфайли у революциянинг бошларида қисқа вақт ичида эсерлар томонга ҳам, максималистлар томонига ҳам, ҳатто анархист-синдикалистлар томонига ҳам ўтиб кўрди ва бу ишларни советлардаги фаол ишлари билан бирга олиб бориб, зиммасидаги кўплаб вазифаларни сидқидилдан бажарарди. Унинг Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун фидокорона курашни большевикларникидан бошқача қандайдир ўз йўлини излаш билан қўшиб олиб боришга астойдил интилишини кузатиш мароқли эди. Хайриятки, у ақли расо одам эди, ўтқир мулоҳаза юрита оларди. У большевикларникидан бошқача йўл йўқлигига ишонгач, бу партиялар, группачалар, оқимлар билан алоқани узил-кесил узди ва буни «Рабочий край» газетасида эълон қилди.

Уни ўз ҳузурда армия штабида қолдиришга ҳамма қизиқарди. Истаган қисмга юборганинда у ердаги аҳвол қанчалик мураккаб бўлишига қарамай, дарҳол тушуниб етиб, қайтиб келганда, юз бераётган воқеани аниқ ва объектив айтиб бера олдиган одам ҳамма вақт ёнингда бўлса қани эди. Фурманов бу хил топшириқларни осонгина бажара олишига Михаил Васильевич Ярославль ҳарбий округига комиссарлик чоғидаёқ ишонч ҳосил қилган эди. Лекин у агар Фурманов армия штабида олиб қолинса, Иваново-Вознесенскликлардан бирон бир тузукроқ

ходим қолмайди, армия штабида эса уларга бемалол иш топиб бериш мумкин. Шубҳасиз, армия штабида тартибсизлик бир оз камайрди, ammo дивизия ва бригадаларда аҳвол ўзгармай қолаверарди.

Йўқ, Иваново-Вознесенск ташкилоти ўзининг энг яхши ходимларини фронтга бу мақсадда бермаган эди!

Михаил Васильевич бу ердагилардан кимларни қайси қисмларга жўнатишни хаёлидан ўтказди.

«Шарапов 3-отлиқ дивизияга бемалол комиссарлик қила олади. У ердаги жангчилар чапдаст, лекин у ҳам анойилардан эмас. Игнатий Парфенович Волковни ўқчи бригадага комиссар қилиб юборса бўлади... лекин қайсисига, буни ўйлаб кўриш керак. Унга энг қийинларидан бирини танлаймиз. Уддалайди. Фурманов ва Дронов билан алоҳида гаплашиш керак...»

Михаил Васильевич хаёл билан бўлиб пахта тўғрисида қачон гап очилганлигини билмай қолди.

— Пахта... Яхши, албатта,— дерди Дронов.— Лекин унга етиб бориш учун менимча, йўл жуда олис! Тўғри бориш мумкин бўлса ҳам майли эди, қадамингда ғов учрайди... Туркистонга ҳам келдик, дейлик — ким билсин, Туркистон қандай экан?

— Совет Туркистони,— дўриллаб лўндасини айтди Никита.— Бизники!

— Буни, биродар, ўзим ҳам яхши биламан. Совет Туркистони эканлиги-ку маълум. У ерда Совет ҳокимияти бўлгандан кейин, икки йилдан бери улар душманларга сўз бермай тургандан кейин советларники бўлади-да. Лекин, биз ўз андозамиз билан ўлчайдиган бўлсак қалай бўларкин? Баъзан Россияда одамларнинг боши шундай қотиб қоладики, кўриб ёқангни ушлайсан, шундай экан, у ерда, Москвадан, партия раҳбарлигидан узоқ жойда қанақа бўлаётган экан?— у ўйлаб туриб, бирдан шундай деди:— Балки, ҳеч қанақа Туркистон умуман йўқ бўлса-чи.

Никита ажабланиб чимирилди:

— Йўқ деганинг нимаси?

— Жуда жўн-да, азизим. Йўқ, вассалом.

— Сенга тушунолмаепман. Лоақал картага бир қарагин.

— Қарадим — қоғоз, холос. Картада, Никита Игнатъевич, бизнинг Иваново-Вознесенск революцияга қадар ҳисобда йўқ шаҳар эди. Бироқ пиёдалар полки ва казаклар полки у ерни ҳеч қачон тарк этмаган. Фабрикадаги йигитларимиз ҳаддан ошиб кетмасинлар деб тураверган. Мана сенга ҳисобда йўқ шаҳар!.. Туркистон ҳам шундай. Картада ҳам кўрсатилган, географияларда ҳам бор, лекин биз сен билан борамизу ҳақиқатда

қанақадир ер борлигини кўрамиз, аммо нима деб аташни билмай қоламиз.

— Ваҳима қилма!..— самимий кулиб қўйди Никита.

Михаил Васильевич бошини сарак-сарак қилди:

— Одамни ҳайратга солишни яхши кўрасиз-а, Дронов.

— Кўнниқшисин-да. Ҳаётда, Михаил Васильевич, ҳар нарса бўлади, ғалатилари кўп учрайди.

— Балким... Аммо у қанақа ер эканлигини эса, яқин кунларда кўрамиз...

Ивановоликлар кетишгач, Фрунзе Фурманов билан Дроновни ушлаб қолди.

— Эртагаёқ Александров-Гайга, алоҳида бригадага жўнайсиз,— деди у Фурмановга.— У ерда сиёсий ишни йўлга қўйиш керак. Яқин кунларда биз бу бригадани дивизияга айлантирамиз. Унинг учун мавжуд яхши кучларимизни танлаб оламиз. Бизнингча, у шундай дивизия бўлиши керакки, душман фронтини ёриб ўтишга ташлаганда муваффақият қозонишига ёки душманнинг шиддатли ҳужумини бартараф этишига шубҳаланмайдиган бўлайлик. Қисқаси, зўр ҳарбий қисм бўлиши керак...— Михаил Васильевич шошилмай гапира бошлади.— Гап дивизия бошлиғида қолди,— давом этди у.— Ким айтгани эсимда йўқ, юзта шер битта қўй бошчилигида юрганидан юзта қўй битта шер бошчилигида юргани қўрқинчироқ. Қўполроқ қилиб айтилган бўлса ҳам, аслида тўғри.

— Хўш, дивизия бошлиғига муносиб одамни тополмадингизми?— сўради Фурманов.

— Бир номзод бор... Унинг шуҳрати бутун ўлка бўйлаб тарқалган, лекин кўп жиҳатлари маъқул эмас. Чапаевни назарда тутяпман. У академиядан қочиб кетибди. Мен унинг Тўртинчи армияда хизмат қилишига розилик бердим. Лекин, дивизия бошқа гап!.. Бу масалада кўп ўйлашга тўғри келади. Ҳар қалай, бебошлик қилган...

— У ҳақда армия штабида нима дейишяпти?

Фрунзенинг кўзлари айёрона қақнаб кетди:

— Бизда штабда Чапаев тўғрисида яхши гап эшитмайсиз. Менимча, улар Чапаевдан қўрқишади, холос... Шунинг учун Дмитрий Андреевич, бу дивизияга комиссар қилиб сизни тайинлаймиз. Чапаев масаласини у етиб келгандан кейин ҳал қиламиз.

Фурманов ҳам кетди. Михаил Васильевич индамай у бурчакдан бу бурчакка юрарди. Дронов унга синчковлик билан назар ташларди. Бу ҳолни у кўп кузатган. Фрунзе хонада у ёқдан-бу ёқда юрдими, демак, бир нарсани ўйлаб топарди.

— Гап бундай, Фаддей Ефимович,— деди командарм Дро-

новга томон кескин бурилио,— сенга бу ерда, Уральскда дивизия комиссари бўлиб қолишга тўғри келади. Комиссар қандай бўлишидан сен маълум даражада хабардорсан.

— Оз-моз эшитганман. Сизни кутиш баҳонасида ҳам ўзим у-буни кўрдим.

— Яна яхши... Жиддий жанглар олдинда турибди. Оқ казакларни тор-мор этиш керак. Бусиз Туркистонга ёрдам бериш учун боришни хаёлга келтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Афсуски, буни душманлар ҳам яхши билади. Душманлар оқ казакларни ҳар томонлама активлаштиряпти: ёппасига сафарбарлик қиляпти, қисмларни қайтадан тузаяпти, қурол-яроғларни кўпайтиряпти... Сиз бу ерда, Уральскда душманнинг қаттиқ ҳужумига бардош беришингиз керак бўлади. Бу ҳужумга нима қилиб бўлса ҳам чидаш зарур.

— Тушунарли, Михаил Васильевич.

— Балли, бу бошқа гап. Шу бугуноқ киришавер. Дивизия бошлиғи Сапожковга алоҳида эътибор қил. У менга ёқмаяпти. Унга қарши менда фактлар оз бўлса ҳам, ёқмаяпти. Бу ерга унақа дивизия бошлиғи кетмайди. Ахир ўшанинг кўрсатмаси билан Кутяков бригадасини обозларнинг орқасига сафлашдида! Бинобарин, унга жуда ҳушёр бўл...

Туркистон вақтли Революцион ҳарбий кенгашининг мажлиси эрталабга яқин тугади. Кўпчилик тарқалиб кетган эди — баъзилар уйларига, баъзилар эса тўғри ишга кетганди.

Кечагига ўхшаш кун бошланаётган эди. Бу кун ҳам ўн тўққизинчи йил қишининг оддий кунларига ўхшаб тиғиз, серғалва, кутилмаган ишлар, муваффақият ва муваффақиятсизликлар билан тўла эди.

Революцион ҳарбий кенгаш аъзоларидан бир неча киши ва мажлисга таклиф этилган одамлардан айримлари ҳали залда қолган эди. Улардан сал четда, деразага яқинроқда новча, юзи япалоқ қирғиз Аҳмад Турдибеков суҳбатга аралашмай турарди. Унинг юзида деярли ўзгариш йўқ эди: суҳбатдошларидан биронтасининг фикрига қўшиладими ёки ҳеч кимнинг фикрига қўшилмайдими, тушуниб бўлмасди. У эндигина Етти-сувдан етиб келиб, мажлисга тугай деб қолганда кирган эди. Унинг отини келишган, озода йигитча йўлакда жиловидан ушлаб турарди. Йигитча Тошкентга биринчи марта келган бўлса керак, Ҳукумат уйи деразаларига аланглаб қараб қўярди.

Босмачилар ҳақида гаплашишди. Бу масала янгигина Революцион ҳарбий кенгаш мажлисида муҳокама қилинди. Фарғона водийсида иш кўраётган босмачиларнинг кичикроқ шайкалари Тошкентдаги январь исёни бостирилгандан сўнг анча кўпайиб қолганди. Босмачиларнинг иккита асосий маркази аниқланган эди. Битта шайка Марғилон милициясининг собиқ бошлиғи Мадаминбек бошчилигида Скобелев, Андижон ва Наманган уездларида, иккинчи тўда эса жиноятчи каторгачи Эргаш бошчилигида Қўқон уезида ҳаракат қиларди. Уларнинг ҳар бири бир неча кичикроқ тўдаларни бирлаштириб турарди.

Рус оқ гвардиячилари, Закаспий ўлкасидаги контрреволюционерлар ва ҳатто ўзини «Туркистон оқ гвардия қўшинлари қўмондони» деб атаган Қолчак билан боғланган Мадаминбек Гўрбува қишлоғи яқинида жойлашиб олганлиги маълум эди. Гўрбува қишлоғи Горчаково станцияси билан Владикино разъезди ўртасидан четроқда эди. Бачқир қишлоғи атрофида мустақкам лагер қуриб олган Эргаш эса Уламо* ташкилотига ва Бухоро амирига таяниб, ўзини пошшо* деб атаган эди. Гарчи улар ўзаро рақобат қилишса-да, бу Фарғона халқининг мушқулини осонлаштирмасди.

Революцион ҳарбий кенгаш мажлисида босмачиларнинг бебошлиғи тўғрисида жойлардан оллинган маълумотлар айтилди. Булар маълумот эмас, ёрдам ҳақидаги фарёд эди! Жамоат хизматчилари, деҳқонлар, Андижон эски шаҳари аҳолиси вакиллари — ҳамма-ҳамма шу ҳақда ёзар эди. Бу хатларнинг ҳар бирида шундай хабарлар бор эди: «Қишлоқ бутунлай таланди, моллар ҳайдаб кетилди, галла тортиб олинди, ўз молмулкни ҳимоя қилишга уринганлар жонидан жудо қилинди...», «Талаш, ўт қўйиш ва ўлдириб кетиш шундай авжига чиқдики, аҳоли бу хўрликка энди ортиқ чидай олмайди...» «Эски шаҳарда ҳар куни кечаси босқинчилик, талончилик, одам ўлдириш...»

Сурбет бўлиб кетган босмачилар Қизил армия қисмлари билан фаол курашишга ўтдилар. Яқиндагина улар бир юз етмиш кишилик Андижон отрядини йўқ қилиб юборишди. Яқинда эса Мадаминбек ўз отряди билан куппа-кундузи Фарғонанинг область маркази Скобелевга бостириб келиб, турмани ишғол қилди ва икки юздан ортиқ босмачи ҳамда оқгвардиячиларни бўшатиб юборди.

Революцион ҳарбий кенгаш мажлисида кўплаб ҳар хил таклифлар айтилди, ҳатто Фарғонадаги контрреволюцияга қарши курашувчи Фавқулудда комиссия ҳам тузишди, бироқ ҳеч ким босмачиларга қарши ерли аҳолини жалб этишни ҳаёлига ҳам келтирмади. Залдаги суҳбатга қулоқ солиб турган Аҳмад Турдибеков ана шу ҳақда ўйлаётган эди.

Фарғона область ижроия комитетининг вакили гапирарди. Баланд бўйли, қотмадан келган, юзида хиёл чечак асорати қолган бу вакил Фавқулудда комиссияни жўнатиш тўғрисидаги қарордан норози эди:

— Билмадиму, Аристарх Андреевич, комиссия ортиқча

* Буржуа миллатчи ташкилоти.

** Пошшо — бу ерда мусулмон армиясининг олий қўмондони маъносида.

даҳмаза, у ҳеч иш бермайди. Бизда раҳбар органлар бусиз ҳам етарли, бизга қуролли куч керак.

— Кучни асосан ўша ернинг ўзида топа билиш керак,— деди Қазаков алланималар ёзиб турган ён дафтарида нингоҳини узиб.

— Обком ҳамма партия ташкилотлари ва областдаги қуролни ишлата биладиган ишчиларни жанговар ҳолатга келтириб қўйди, лекин бу озлик қилади.

— Фавқулодда комиссия худди ана шуни аниқлаб келадиди,— гапга аралашди область ижроия комитети вакилини «узиб олиш»га ошиқаётган Дрожжин.

— Гўё биз ўзимиз буни уддасидан чиқа олмайдигандек!— эътироз билдирди у.

— Биласизми,— босиқлик билан деди Қазаков,— воқеалар худди сизнинг Фарғонангиздагига ўхшаб бутун жамоатчилик бошига кулфат келтириш даражасига етса, маҳаллийчилик иллатларидан холи бўлган қандайдир обрўли ташкилот керак. У барча ташкилотлар куч-гайратини бу кулфатга қарши курашишга бирлаштириши мумкин. Сизнинг область оператив штабингиз босмачиларни йўқотишга ҳеч ҳам қодир эмас...

— Қанақасига жамоатчилик бошига кулфат келтирар экан!— газабланиди область ижроия комитетининг вакили.— Фарғонада аниқ бир душман йўқ. Область бўйича ёйилиб кетган шайкалар бор, холос. У қанақасига Совет ҳокимиятига хавф сола оларди? Уларни йўқ қилиб юбориш керак, вассалом. Шуни ҳам муҳокама қилиб ўтирадими!..

Қазаков газабдан ўзини тийиб бир оз индамай турди.

— Шундай қилиб, областга ёйилиб кетган айрим-айрим шайкалар, денг? — деди у ўзини босиб олгач. — Осипов Мадаминбек қароргоҳида турганлигидан хабарингиз борми? Январ исёни бостирилгач, қочиб кетган оқғардиячилар ҳам ўша ердан паноҳ топдилар. Улар эса кўпчилик, ҳаммаси ҳарбий, чиниққан одамлар... Булар сизга маълумми?

Область ижроия комитетининг вакили елкаларини учирди.

— Нима қипти? Қўрқинчли жойи йўқ...

— Қўрқинчли жойи йўқ?.. Бухоро амири яхши қуролланган икки минг кишилик отрядни Эргашга берганлигидан хабарингиз борми? Бехабармисиз? Оператив штабингиз ёмон ишлар экан.

— Балки, бу нотўғри бўлиши мумкин... — область ижроия комитети вакили ўзини оқламоқчи бўлди.

— Йўқ, маълумотлар жуда аниқ... — Қазаков шошилмай давом этди. — Босмачилар шаҳарларда ҳам ўз шайкаларига одамларни ёллаётгани, оддий кишиларга нақд минг сўм, офи-

церларга эса икки минг сўм ваъда қилаётганини ўзингиз ҳам биларсиз, уларнинг варақаларини ўқигандирсиз.

— Ҳидик...

— Пулни улар қаёқдан олишяпти, биласизми? Озмунча пул эмас!

— Талашяпти, албатта.

— Бу ўз йўлига, лекин фақат талаш билан улар бунчалик узоққа бора олмасдилар. Йўқ, уларнинг бели бақувватроқ. Масалан, яқинда Қашқардаги инглиз консули подшо консули — ўртоғимиз Успенскийнинг адаши орқали нима қилди денг, — Казаков Туркистон Марказий Ижроия Комитети раисининг муовинига қараб кулимсираб қўйди, у эса пенснени энли қора лентага ташлаб, ҳазилга қандай қарашни билмай қолди. — Ана шу инглиз консули босмачиларга юз минг сўм берди. Қашқарда яшовчи рус савдогарлари ва Туркистондан қочиб борган корчалонлар ҳам сахий бўлиб кетиб, босмачиларга юз эллик минг сўм садақа қилишди. Булар фақат бизга маълум бўлгани... Шундан кейин ҳам босмачилар Совет ҳокимияти учун хавфли эмас, деб исботламоқчи бўларсиз?

— Бошига тушса от югани билан сув ичар, йигит эса этик билан сув кечар, — деди дабдурустдан Аҳмад.

Ҳамма у томонга қайрилиб қаради.

— Мен шуни айтмоқчиманки, — давом этди Аҳмад сўз топишга уриниб, — бизда бекорчи, фронтда банд бўлмаган кучлар оз, босмачи шайкалари эса кун сайин кўпайиб бормоқда. Улар бундан кейин ҳам кўпаяверади, лекин босмачиларга қарши ташланадиган кучлар эса тобора камайиб қолади.

— Буни қаёқдан биласан, Аҳмад, — алам билан сўради Дрожжин, — кучимиз камайиб боришини қаердан билдинг?

Аҳмад елкасини қисди:

— Умумий мақсад бўлмагач, одамлар бирга бора олмайдилар.

— Бизнинг мақсадимиз бор, — деди Дрожжин, — сенга маълум Аҳмад, мақсадимиз — коммунизм!

— Сен ҳақсан, Дрожжин! Бу жуда яхши мақсад. У гўзал, — Аҳмад деразага қараб, ёришиб келаётган кўк гумбазида катта юлдузни кўрди. — У анави юлдузга ўхшаш гўзал, лекин у жуда олисда, унга етиш учун кўп-кўп йўл босиш керак, одамлар эса эртага нима бўлишини билишлари керак.

У дераза ёнида туриб, кўп миллатли ўлкасини хаёлан кўрар, кўчириб келтирилган кишилар туфайли энг яхши

ерларидан ҳайдалган қирғизларни назаридан ўтказар, эскидан яшовчи қозоқлар сиқуvidан кўчиб келган кишиларни кўз олдига келтирар, Хитойдан ватанига, хароб қилинган овулларига, кучлироқ уруғлар босиб олган ўз яйловларига қайтиб келган оч, ялангоёқ қочоқларни кўрар эди... У буларнинг ҳаммасини кўрарди-ю, уларга қандай ёрдам беришни билмасди. Бу жумбоқни ечиш учун отда ярим минг чақирим йўл босди, бироқ жавоб топа олмади. Ерли аҳоли билан тўғри муносабатда бўлиш ҳақида бу ерда кўп гапиришарди, аммо «қолва» деган билан сира оғиз чучимасди. Улар босмачиларга қарши курашда ҳамон фақат ўз кучларига ишонардилар.

— Босмачи шайкалари кўпайиб бормоқда,— деди Аҳмад,— чунки қишлоқларда Совет ҳокимияти нималигини деярли билишмайди... Фронтлардан қўшин олишнинг нима кераги бор? Улар у ерда зарурроқ. Қўшинлар керак эмас. Уларсиз ҳам босмачиларни тинчитиш мумкин. Овул ва қишлоқларга яхши, тушунадиган кишиларни юборинг. У ерда улар гаплашиб кўришсин, совет тартибларини жорий қилишсин. Деҳқонларга ҳам қурол беринг, бунинг нимасидан қўрқасиз?

Орага сукунат чўкди. Ҳеч ким унга қарашга ботинмасди.

— Тузуккина план,— ниҳоят гап очди Успенский пенснесини бурни устига қўндириб. У хиёл салмоқланиб, маъноли гапиришга уринди:— Ҳа, қурол билан... босмачиларни таъминлашнинг тузуккина плани.

Аҳмад ғазабдан бўзариб кетди. У Успенскийга ташланай деб турар, бу ёғи нима бўлиши номаълум эди... Дрожжи улар ўртасига тушди.

— Ўзингни бос, Аҳмад. Сен ўртоқни нотўғри тушундинг...

Аҳмад уни қўли билан бир четга итарди:

— Сиз, менга қаранг, доктор Успенский! Мен ахир сизни биламан... Уша Перовскдан биламан. Ун олтинчи йилни эсласангиз керак, доктор Успенский?.. Перовскда ўн олтинчи йилни? — Успенский бирдан ғалати бўлиб бўзарди. Пенснеси бурнидан сирғаниб тушди. У пенснесини ушлаб қолди-ю гангиб арта бошлади. Аҳмад ундан ўгирилиб, босиқлик билан гапира бошлади:— Биласизми, «босмачи» сўзи нимани аниглатади?

— Нима бўларди? Бандит...

— Тахминан шундай, тўғрироғи, босқинчи, таловчи, зўравон. Халқ уларга ана шундай деб ном қўйган. Биз бутун Фарғона водийси бўйлаб ана шу босмачиларнинг кетига тушганмиз, гоҳ биз уларни қийратамиз, гоҳ улар бизни, шу бўйи халқнинг ўзи уларни тинчитишига имкон бермаймиз. Ваҳоланки, босмачилардан энг кўп азият чекаётган ана шу халқ-ку.

— Қўй-э, Аҳмад, жуда ошириб юбординг, — деди Дрожжин.

— Эй! Сизлар билан гаплашгандан кўра...

Аҳмад шартта эшикка йўл олди, зинадан югуриб тушиб, закраб отига минди. Бир минут ўтмай от туёғининг тақиллаши гор кўчада эшитилмай қолди.

— Жинни! — деди Дрожжин. — Яхши йигит, леки жинни. Топган гапни қара! Ана холос!

— Балки бирон масалада у ҳақдир? — ўйланиб гапирди Казаков. — Босмачи қандай пайдо бўлишини яхши биламиз-ку ахир...

Унга ҳеч ким жавоб қилмади. Ҳамма тарқалиб кетгач, Казаков Дрожжинга деди:

— Менга қара, Николай Андреевич, Аҳмад Успенскийга нима ҳақда гапирди ўзи? Ун олтинчи йили Перовскда нима бўлган ўзи?

— Шунчаки қизишиб оғзидан чиқиб кетди-да, — бепарволикка олди ўзини Дрожжин. — Бўлмаган гап!

— Йўқ, бу ерда бошқа гап борга ўхшайди. Успенский қандай бўшашиб кетганлигини кўрдингми? У бўлар-бўлмасга пинагини бузадиганлардан эмас. Нима бўлиши мумкин-а?

Аҳмад отни Тошкентнинг бўм-бўш кўчаларидан елдириб борарди. Ҳамроҳи орқасидан аранг етиб юрарди. Аммо отлар ҳолдан тойиб кўп ўтмай йўрғалашга тушди.

2

Тизгинни бўшатиб қўйган Аҳмад боши қотиб борарди: нима бўлди ўзи?

У халққа Тошкентдан чиқаётган ақл тўғрисида, ер юзидаги янги тартиблар тўғрисида, бу тартиблар қашшоқларни қувонтира бошлагани тўғрисида, ер юзида адолат ўрнатиш ҳақида бош қотираётган одамлар тўғрисида такрор ва такрор гапириб берди. Аввалига унинг устидан кулиб юришди, қашшоқ Аҳмад бойларнинг дон-дуинни тортиб олмоқчи, деб гап тарқатишди. Лекин улар келажакнинг жозибали манзараларига ишонгилари келмай кулгига олишарди. Кейин кулмай қўйишди ва Аҳмаднинг келишини сабрсизлик билан кута бошлашди, унинг олис яйловларга, чўпонлар олдига кетганлигини эшитганларидан сўнг эса ўша томонга ўзлари отда боришадиган бўлишди. Улар сўниб бораётган гулхан ёнида ўтириб, унинг содда, тушунарли сўзларини жон қулоғи билан тинглашар, кейин бу сўзларни бошқаларга айтиб беришар эди.

Четдан қараганда, Аҳмад кетгандан кейин ҳам овулларда ҳеч қандай ўзгариш бўлмагандек туюларди. Лекин бойлар

нега бунчалик қовоқ солиб олишган? Нега унинг орқасидан қарғашяпти? Нима сабабдан Аҳмад яхши йўл турганда тўсатдан бир неча бор ташландиқ тоғ сўқмоқларидан юрадиган бўлиб қолди?

Энди бўлса ҳаммаси барбод бўлди. Ақл чиқади деб ўйлаб юрган кишилари ҳатто уни жиркантиришмади. Улар Аҳмад нима сабабдан олис йўлни босиб келганлигини билолмай қолишди. Улар жуда билимдон бўлиб кўринишарди. Улар ҳамма нарсани ҳисобга олишган, олдиндан ўйлаб қўйишганди, нима қилиш кераклигини билдишарди! Лекин керак нарса бу эмасди, у тамомила бошқача эди.

Бўзариб келаётган тонг сукунатида отлар туёгининг тақиллаши эшитиларди. Қандайдир ит дарвоза тагидан чиқиб, нима қилишини билмай турди ва секин кўча бўйлаб кетди.

«Унинг ҳам борадиган ери йўқ...» — хаёлидан ўтказди Аҳмад ва бирдан кимдир отининг жиловини тортганлигини сезд.

— Ия, бу Аҳмад-ку! Нега оғайниларга қарагинг келмайди? Асан ҳам сен биланми? Салом, Асан! — деди Иван Матвеевич.

Аҳмад отдан сакраб тушди. Асан ҳам тараддудланди.

Иван Матвеевич Аҳмадга қизиқиб назар солди:

— Аҳволлар қандай, Аҳмад? Отанг, Турдибек ҳазратлари ҳали ҳам Оласув овулидами? Анали учар чавандоз бор эди-ку... у қалай?

— Хидирми?

— Ҳа-ҳа! У ҳали ҳам қуйилмадимми? Ҳали ҳам ўшанақами?..

Иван Матвеевич вазминлигига қарамай, Аҳмаднинг жавобини кутмасданоқ унга саволларни ёғдириб ташлаётган эди.

— Тошкентга қайси шамол учирди? Нега аччиғланиб турибсан? Революцион ҳарбий кенгашда бўлдингми? Нега сени у ерда кўрмадим? Тўғри, ўзим мажлис тугашини кутмаёқ кетиб қолувдим... Ҳозир қаёққа боряпсан?

— Билмадим, — деди оҳиста Аҳмад. — Билолмадим, Иван Матвеевич. Сенинг олдинга келаётган эдим...

— Жуда яхши-да.

— Ўзинг қаёққадир кетяпсан шекилли?

— Ўзим, шундай. Тун бўйи Революцион ҳарбий кенгашда ўтириб чиқдик. Бошим худди қовогарининг уясидек ғувулляпти. Энди ухлашнинг ҳожати йўқ. Ўзимнинг депомга бориб бир кўриниш берсам девдим. Кел, бизникига юра қолайлик. Қани, отингни бур, буравер, бу ерда нима қилиб турибмиз... У ерда отларни ҳам бойлаб қўясан.

Унинг учрашувдан мамнунлиги яққол сезилиб турарди, буни Аҳмад ҳам тушунди. Шунинг учун тунд юзи ёриша бошладди.

Иван Матвеевичнинг Аҳмад билан дўстлиги Пахта—Вревск станциялари оралигидаги темир йўл перегонида, минг тўққиз юз ўн олтинчи йилнинг қоронғи ёз кечаларидан бирида бошланган эди.

Иван Матвеевич одатдагидек паровознинг ўнг томонидаги деразасига тирсагини қўйиб, олдинга қараб-қараб юк поездини бошқариб борарди. Перегон унчалик қийин эмасди, озин кетган қаровсиз туяларни кузда эгалари қўйиб юборганлигини ҳисобга олмаганда, эҳтиёт бўлиш талаб этилмасди. Бу туялар изларга ётиб олса борми, ҳар қанча сигнал берганинг билан йўлдан қочмасди. Лекин ҳозир энди ёз эди: «чўл дайди»ларининг кўпчилиги чанқоқдан қийналиб эгалариникига қайтиб келганди, чунки уларга бегона овулда бир ҳўплам сув ҳам беришмасди. Шунинг учун йўлда кутилмаганда учрайдиган бу хил тўсиқ анча камайган эди.

Бирдан Иван Матвеевич сергакланди. Олдинда, яқинроқда, йўлдан хиёл ўнгроқда олов кўринди ва ўқ овози янгради, кейин иккинчи, учинчи ўқ овози келди...

— Бу казакларнинг ўзи...— деди Иван Матвеевичнинг ёрдამчиси.— Тагин кимнингдир орқасидан тушишган.

Ташвишли дамлар эди. Бутун Туркистон ва Еттисув бўйлаб ғалаёнлар бошланган эди. Бу ғалаёнлар Урта Осиё туб аҳолисини армияга сафарбар этиш вақтидаги ноҳақликлар туфайли чиққан эди. Ноҳақликлар бу ерлик халқлар учун одатдаги воқеа эди, лекин бу сафар ҳаммаси бирмунча ошқора қилинган эди: оқсоқоллар, уруғ катталари ва шунчаки бойларнинг ўғиллари ҳар хил бўлар-бўлмас сабаблар билан ҳарбий хизматдан озод қилинган эди. Улар ўрнига ёши тўғри келмаска камбағаллар армияга олинганди. Халқнинг сабр-тоқати битди. Деҳқонлар қўлга қурол олдилар. Лекин улар яхши қуролланган подшо армияси олдида нима ҳам қила олардилар? Эски милтиқлар, берданкалар нимага ярарди? Қўзғолон шафқатсизларча бостирилди. Буни янги темир йўл қуриш учун бу томонларга келган ва бу ерда, янги ўлкада қолиб кетган руслардан бири — Иван Матвеевич яхши тушунарди. Шу вақтгача номаълум бўлиб келган халқ меҳнатсеварлиги, ҳамма янги нарсага қизиқувчанлиги уларга ёқиб қолган эди. Лекин бу меҳрни у вақтда билдирмаган маъқул эди.

Иван Матвеевич буларнинг ҳаммасини тушунарди. Шунинг учун бўлса керак, у ёрдамчисига қараб қичқирди:

— Чап томонга қара!

Поезд хиёл тепаликка чиқиб борарди, Иван Матвеевич чап қўли билан регуляторни охиригача тортиб қўйди. Отишмалар орқада қолди. Иван Матвеевичнинг кўзи олдида яна ёруғ чақнаб ўтди, у темир йўлнинг ҳар икки томонидан кўриниб қоларди.

Иван Матвеевич олдинга қараб кетаверди.

Шунда бирдан ёнида ўт ёқувчи турганлигини сезиб қолди.

У ўтхонага кўмир ташлаш ўрнига, Иван Матвеевичга нимадир демоқчи бўлиб турарди.

— Хўш, нима демоқчисан?!

— Зинада кимдир турибди.

— Қим?

— Билмасам, қандайдир чопон кийган одам.

Поезд қайрилишга келаётган эди. Яна бир-икки минут ўтгач, паровоз зинасида осилиб турган одам инерция кучи билан темир йўл кўтармасига отилиб кетади, бу ер анча тик.

Ҳозир нима воқеа содир бўлиши бир лаҳзада Иван Матвеевичнинг кўз ўнгидан ўтди. Дармонсиз одам,— у дастакни баъзур ушлаб келаётгани учун «дармонсиз» бўлиб қолган деб ўйлади,— пастга қулаб тушади-ю, умуртқаси билан қовурғасини синдиради.

— Олдинга қара,— бўғиқ овоз билан деди ёрдамчисига Иван Матвеевич.

Одатдаги ҳаракати билан у регуляторни тортиб секин юришга қўйди, паровоз эшигига ташланди-да, зинада осилиб турган одамни қўлидан ушлаб, кабинага тортқилай бошлади, аммо у одам Иван Матвеевичнинг ниятини тушунмадими ёки ҳушини йўқотгандими — билиб бўлмасди.

— Қани, ёрдам бер!— қичқирди Иван Матвеевич ўт ёқувчига.

Улар икковлашиб кутилмаган йўловчини аранг тортиб олишди.

«Нега менга у дармонсиз бўлиб туюлди?»—ўйлади Иван Матвеевич паровоз кабинаси полида ётган йигирма беш-йигирма саккиз ёшлардаги гулдор чопон кийган йигитга назар ташлар экан.

— Сув сепиб юбор унга!

Ўт ёқувчининг ўзи бусиз ҳам фаҳмлаган эди. У «Ландрин» конфети қутигасига тендердан сув тўлдириб, бегона кишига сепди. У киши кўзини очиб, сапчиб ўрnidан турди, бир нима де-

моқчи бўлди-ю, аммо Иван Матвеевич елкасидан тутиб, ўз ўриндиғига ўтқазиб қўйди.

— Сакрама! Бурга эмассан,— чала-чулпа гаплардан рўпарасида турган одам қирғиз эканлигини билиб, унинг тилида гапира бошлади:— Сенга нима бўлди ўзи, йигитча? Айтавер, бу ерда бегона одам йўқ.

— У ерда казаклар...

— Кўрдим. Хўш, нима қилибди? Изингга тушишдими? Нима қилиб қўювдингки, сенга қараб ўқ узишди? Биронтасини тунадингми? Йўқ? Ўлдирдингми?

Нотаниш одам «ҳа» дегандай бошини қимирлатди.

— Тушунарли... Қимни тинчитдинг ўзи? Лекин бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Арзийдиган одамми ишқилиб...

— Офицер.

— Ана, холос! Бу, сен исёнчига ўхшайсан!

Шунда кутилмаган йўловчи тилга кирди:

— Сен исёнчи деяпсан-а!.. Биз Турдибекдан олти ўғилмиз. Энг каттаси менман, аммо Жуназоқнинг ҳам олти ўғли бор... Айт-чи, нега Жуназоқнинг биронта ўғлини урушга олмайдилар? Мени ўлимдан қўрқади, деб ўйларсан?

— Йўқ, ундай деб ўйламайман,— деди Иван Матвеевич,— бўлмаса сен паровоз тутқичига осилмасдинг. Муюлишда осилиш—ўлим деган гап.

— Мазах қилаверма!.. Тўғри, мен паровозга ташландим. Отам Турдибек: «Русларнинг ёнида бўл, Аҳмад, рус ишчиларнинг. Улар сени тушунишади», деб бир неча марта айтганди. Билмайман, нега у шундай дерди. Балки, илгари ўзи ғишт терувчи бўлиб ишлаб кўп нарсани кўрганлиги учундир. Мана мен ҳам... қўзғолон кўтарган қора қирғизлар орасига тушиб қолдим, бизни шундай деб аташади. Кейин казакларга дуч келдим, ҳайдаб қўйилган отларни кўрдим, отишма бўлди... Мени сотиб қўймайсанми?

— Тентак!—Иван Матвеевич ҳали унчалик ўсмаган мўйловини силаб қўйди.—Нима, сен, телеграф, жандармлар борлигидан хабаринг йўқми? Вревскда сени албатта кутиб туришибди... Сени, йигитча, паровоздан туширишади-ю оёғингга кишан уришади, сен билан бирга мени ҳам... Давлат жиноятчисини олиб юрганлигинг учун, деб. Ҳа, шундай, азизим.

Қирғиз йигит сапчиб турди:

— Сакрайман.

— Кўриниб турибди, жуда эсинг паст экан... Сени казаклар йўлнинг у бошидан-бу бошигача пойлаб ётибди-ку! Қани, сакраб кўр-чи! Ўққа тутиласан!— шундай деб туриб Иван Матвеевич бирдан қулоғига шивирлади:— Сузишни биласанми? Қамиш би-

лан нафас олиб туришни биласанми? Йўқ? Иложини қиларсан...! Паровоз тендерига кир. У ерда сув чайқалиб ётибди, бошқа нарсалар ҳам, лекин у ердан сени ҳеч ким қидириб ўтирмайди.

Бревскдан тинч ўтишди. Жандармлар ва казаклар бутун поездни тинтув қилишди, лекин уларнинг ҳеч бири жиноятчи паровоз тендерига ётганлигини хаёлига келтирмади.

Тошкент — Товар станциясига Иван Матвеевич эрталабга яқин кириб келди. Ғира-ширада у ер-бу ердаги фонарлар милтилларди. Составни ажратиб Иван Матвеевич паровозни депога олиб келди. Бироқ ярим йўлда у тўхтади.

— Қани, Аҳмад, тирикмисан, чиқ бу ёққа.

Тендернинг хиёл очиқ қопқоғидан озғин башара кўринди.

— Вой-бу, титрашингни қара! Тишиңг тишинга тегмайди-я, спиртми ароқми бўлганда эди...

Ўт ёқувчи деди:

— Самогон бор.

— Сенда ҳамма вақт албатта бирон нарса бўлади! Лекин бу гап жуда зарур. Қани ол-чи.

Навбатчи уловчи Иван Матвеевичнинг паровози депога кираверишда нега бирдан ярим йўлда тўхтаб қолганлигини сира тушунмади.

У паровознинг ўнг томонидан шарпа ўтганлигини кўрмай қолди. У Иван Матвеевичнинг Аҳмадга ўз адресини айтиб, ўша ерда кутиб туришини қаттиқ тайинлаганлигини ҳам эшитгани йўқ.

Ил сайин мустаҳкамланиб бораётган бу дўстлик ана шундай бошланган эди... Тошкентда Аҳмад бир неча кун Иван Матвеевичникида яшириниб турди. Кейин уни биров билиб, биров билмайдиган йўл билан Бокуга жўнатишди ва нефть конига ишга жойлашди.

Аҳмад Турдибеков ўз юртига февраль революциясидан сўнг кўп ўтмай қайтиб келди. Энди у бутунлай бошқача одам эди. Иван Матвеевич унга ҳавас билан боқарди. «Чиниқиб қайтибди. Энди иш чиқади». Ҳақиқатан ҳам, кўп ўтмай Еттисувдан Аҳмад бойларни ўзига қарши қўзгаганлиги, атрофига ёшлар ва галаён пайтида жабрланган одамлар тўпланаётганлиги ҳақидаги гап-сўзлар Тошкентга етиб кела бошлади.

Иван Матвеевич бу гапларни эшитаркан: «Ўзимиз чиниқтирган йигитча», дея мамнунлик билан мўйловини силаб қўярди.

Кейинроқ, Октябрь революциясидан сўнг Иван Матвеевич Еттисувда турганлигида Аҳмад билан бир неча марта учрашди, унинг уйида бўлди ва яхши раҳбарлик қилинса, Аҳмад қирғизларнинг ҳақиқий етакчисига айланиши мумкин деган фикр хаёлидан ўтди.

Иван Матвеевичнинг уйида ҳамма ўрнидан турган эди. Келиш — турмушга чиққанига эндигина икки йил бўлаётган малла соч, тўладан келган аёл имилламасдан, эпчиллик билан ўрин йиғарди. У кутилмаган меҳмонларни кўриб мулойим жилмайди, уйни йиғиштириб бўлиб, самоварни олди.

— Иш деган бундай бўпти!— имо қилди Иван Матвеевич.— Қара, Асан, роса совқотибди-ку. Серега полкка кетдими? Нега бунча шошиди? Қани, ечининглар, ҳозир отларингизни саранжом қиламан.

— Шошма, мен ҳам сен билан бирга бораман,— деди Аҳмад.

Улар ҳовлига чиқишди. Отлар бошини қуйи солиб, дам у, дам бу оёғига оғирлигини ташлаб турарди.

— Отларни қийнаб қўйибсан, Аҳмад, нима мажбур қилди ўзи?

— Ҳут...— жавоб берди Аҳмад,— моллар қирпаяпти, одамлар ҳалок бўляпти!

— Биладан. Ўз кўзим билан кўрдим. Яна нима гап?

Аҳмад унинг олдида ерга тикилганча турарди. Улар бир-бирларини шунчалик яхши билишардики, имоданоқ тушуниб олишарди.

— Агар ўтни ўриб хашак қилиб қўйишни йўлга қўймасанглар, ҳут молларни қираверади. Бизнинг Россияда қиш сизникидан қаттиқроқ, аммо моллар ўлмайди. Хашакни ғамлаб қўямиз. Албатта, сизларга ёрдам бериш зарур, ёрдам беришадми ҳам... Яна нима гап?

Аҳмад Иван Матвеевичга маънос бокди.

— Қандай яшаймиз?

— Ҳа, бу бошқа масала! Олдинги сафар сизларникида бўлганимда мен ҳам шуни хаёлдан ўтказгандим. Уйлайманки, яхши яшайдиган бўламиз, Аҳмад! Одамлар турмушини яхши йўлга қўйишга киришсалар, иш албатта юришиб кетади.

Аҳмад бирдан Иван Матвеевичнинг енгидан ушлади.

— Биз кутиб чарчадик. Тушунаясанми, чарчадик. Бу ерда яхши, адолатли ҳаёт ҳақида гапирардилар, бизда эса одамлар уйдан чиқаётганда қуролини ўқлаб ёки пичоқни қўйнига солиб чиқади. Овулларга қўрбошилар бориб, халқни ўзига оғдирияпти.

— Бу ҳақда Революцион ҳарбий кенгашда гапирмадингми?

Аҳмад Революцион ҳарбий кенгашда нима бўлганлигини қисқача айтиб берди. Иван Матвеевич хаёлга чўмди.

— Қийин ишни ўйлабсан,— деди у.— Сени тушунишмайди, Аҳмад. Қуроллар етишмайди, лекин гап бунда эмас. Ерли аҳолига, хусусан деҳқонларга ишонмаслик бизга одат бўлиб қолган. Бу ярамас одат албатта ҳаммада ҳам бор эмас. Бизнинг

Дрожжинга ўхшаган одамлар билан гаплашиб кўр. Бу ишончсизликни у сенга ҳатто асослаб ҳам беради. Майли, бу гапларни қўй. Ҳаммаси изга тушиб кетади. Тўғри бўлади... Юр, чой ичайлик. Қорин оч пайтида ақлли гап чиқмайди. Сен бўлсанг, кеч эрталабдан буён туз тотмадинг.

Уйда чой ичиб ўтиришарди. Иван Матвеевичнинг келини Асанни меҳмон қилаётган эди. Барваста, чиройли бу аёл самовар олдида билинар-билинемас жилмайиб ўтирарди. Унинг қўлидан стакан олаётган ўспирин уялиб, тирсагидан юқоригача очик дўмбоқ қўлларидан кўзини олиб қочарди.

Маида-чуйдалар ҳақида шошилмай гаплашиб чой ичишди. Стаканни бўшатгач, Иван Матвеевич ўрнидан турди.

— Поля, сен меҳмонларга ўрин солиб бер, дам олишсин, мен эса шаҳарга бориб келаман. Бир-иккита одам билан учрашиш керак... Тўйиб ухлаб олинглар.

Иван Матвеевич Революцион ҳарбий кенгашга кечқурунга яқин етиб келди. У ер гавжум эди. Папка кўтарган қандайдир одамлар танда қўйишарди. Одамлар келиб-кешиб турарди, телефонлар жиринглар, гап-сўзлар, хитоблар эшитиларди. Казакоз ўз ўрнида йўқ экан. Иван Матвеевич ўйлаб, Дрожжиннинг олдига кетди.

Унинг эса уйқудан қолганлиги яққол сезилиб турарди. Уйқусизликдан қизарган кўзларини бир жойга қадаб қандайдир молия ходимининг изоҳини диққат билан эшитарди. Молня ходими «баланс», «сальдо», «таралаш» сўзларини ёғдириб ташлаётган эди.

Хонада тамаки тутуний айланиб сузиб юрарди. Негадир Иван Матвеевичга Дрожжиннинг боши ҳам худди тутунга ўхшаб айланиб қолгану, бу тутун ичида ориқ, абжир «сальдо»лару, пўк, семиз «баланслар» сузиб юргандек туюларди.

Дрожжин Парамоновни кўргач, ниманидир эслашга уришиб, бир дақиқа унга қараб турди.

— Сени сўраб бу ерга кимдир телефон қилувди, Иван Матвеевич,— деди у ва бирдан чеҳраси ёришди:— Ҳа, айтгандай, ўлка партия комитетидан қирғизлар хусусида телефон қилишган эди. У ерда текшириб кўриб, ёрдам бериш керак. Сендан илтимос қилмоқчи бўлишди. Сен тилни ҳам биласан ва умуман...

— Шунинг учун ҳам келдим,— жавоб қилди Парамонов.— Мана гувоҳнома, имзо чек. Ўлка комитетига эса кириб чиқдим.

— Демак, Еттисувга! Иш экан, нима ҳам дердик,— деди Дрожжин.— Кеча бу ерга Аҳмад келганди. Ҳар хил гапларни айтди. Ҳар қалай ғалати-да.

— У билан бирга кетяпмиз.

— Э, ундай бўлса яна яхши!

У қулочини кериб, жимжимадор қилиб имзо қўйди ва шу заҳоти Иван Матвеевични унутиб, қабулига кирган қандайдир одам билан баҳслаша кетди.

Лекин Иван Матвеевич шу ердалигини эслатди:

— Менга қара, Николай Андреевич, бу лингвист-олим дегани нима? Кўпдан бери шуни сендан сўрамоқчи бўламан, лекин доим эсимдан чиқиб қолади.

Дрожжин ажабланиб Парамоновга қаради.

— Лингвист-олим? Шунақа олим ҳам бўларканми?

— Яқинда мен бир кичкина ҳужжат кўрдим... Билмайсанми? Наҳотки сен ҳам билмасанг? Ана холос! Мен бўлсам биласан деб юрувдим!

— Э, йўлингдан қолмасанг-чи, қария! Сенга нима алоқаси бор...— қўл силтади Дрожжин.— Ким билади дейсан, нима маъноси билдиради!

— Ҳужжатга сен имзо чеккансан-ку,— деди Иван Матвеевич,— бунидан чиқди, ўзинг ҳам билмас экансан-да!

3

Эски шаҳарда, баланд деворлар билан ўралган Раҳматбек Хўжаевнинг уйида хонадон соҳиби меҳмон кутаётган эди.

Ҳамма девор ва поллари гиламлар билан қопланган кенг хонадаги саккиз қиррали ялтироқ хонтахта атрофида шойи ёстиқларга ёнбошлаб тўрт улфат суҳбатлашиб ўтирарди.

Ҳар вақтдагидек вазмин Раҳматбек меҳмонларга тавозе билан қайноқ чой қуйиб узатар, елкадор, юзи хиёл чўтир норгул хизматкор Мередга имо қилиб, ширинликдан бўшаган тарелкаларни алмаштиришни буюрар ва ўз суҳбатдошларининг биронтасини ҳам назаридан четда қолдирмас эди.

Унинг ўнг томонида юзини чуқур ажинлар босган, мутаассиб, қотмадан келган, новча қомати хиёл букчайган қария Искандар эшон ўтирарди. Эшон мансабига қараганда хотиржам ва тинчиган бўлиши керак эди, лекин уни барвақт қаритган эҳтирослари ҳамон сўнмай турарди. Бу аломат ҳамма нарсада: шиддатли ҳаракатларида, бесаранжом, тўхтовсиз қимирлаб турган бармоқларида ва ҳатто унинг кескин, узук-юлуқ гапларида ҳам яққол сезилиб турарди.

Мезбондан чапда ўтирган меҳмон Тўрақул Жуназоқов Искандар эшоннинг тамомила тескариси эди. Ўрта бўй, энди тўлишиб келаётган, сочини калта қилиб олдирган, юзини қоп-қора қуюқ соқол қоплаган, қисик кўзлари худди ақиқдай бу одам эҳтиёт

бўлиб гапирар, фикрини ифодалаш учун сўз топмагунча олдинги гапни такрорлар эди.

Мезбон рўпарасида ўтирган Худоёр исмли тўртинчи улфатнинг ҳам қиёфаси бошқача эди. У паст бўйли, чайир, доим отда юравериб оёқлари қийшайиб қолган одамга ўхшаган маймоқ эди. Бошқа меҳмонлардан фарқли ўлароқ палапартиш кийинган эди. Эски чопони остида маузернинг ёғоч ғилофи биллиниб турарди.

Шифтга осиглиқ хира соябонли катта лампа суҳбатдошлар юзини равшан ёритиб турарди.

Улар кўпдан бери гаплашиб ўтиришар, леким суҳбатлари асосий мақсаддан тамомила бошқа мавзуда эди. Хизматкор Мерред хонтахтадан чойнак-пиёлаларни йиғиштириб, ўрнига буги чиқиб турган палов қўйиб кетгач, Исқандар эшон сабр-тоқати чидамай гап очди:

— Якка-ю ёлғиз тангрим ҳаққи, айтинг-чи, имонсизлар еришни қачонгача топтайдилар, асрий одатлар-у шариятни ерга урадилар, бузуқ нафаслари билан ҳавомизни булғайдилар? Исломдан қайтиб лаънати коммунизмга сажда қилаётган банди мўъминлар кундан-кунга кўпайиб кетаётганини наҳотки кўрмаётган бўлсангиз! Аёллар уялмай юзларини очмоқдалар, буниги учун ҳеч ким уларни тошбўрон қилмаяпти. Мўйсафидлар соқолининг ҳурмати ҳам қолмади. Шайтонвачча ва тўнғизлар мўъминларни бир-бирига гижгижлаб, ер-сувни бир текисда бўламиз деб бетинч қилаётган экан, бошқача бўлишини кутиш мумкинми? Э, худованди карим! Ер-сувни бўлиб бериш! Ақл-заковатингиз, мардлингиз ҳеч кимдан кам бўлмаса-ю, бу бедодликка қандай қараб турибсиз ўзи?! Нега биз ғазовот эълон қилмаймиз, бу мурдорларни нега ер юзидан супуриб ташламаймиз? Нега? Айтсангиз-чи...

Бир зум ҳамма жим қолди. Жуназоқов қувноқлик ва қувлик билан гоҳ мезбонга, гоҳ Худоёрга қараб қўярди.

— Сўйиш керак!— деди қатъий оҳангда Худоёр.— Ҳаммасини сўйиш керак!

Раҳматбек Хўжаев худди ёш боланинг оғзига келганини қайтармай бидирлашини эшитиб кулган одамдек хиёл илжайди.

Жуназоқов бирдан ер чизиб, тилини такиллатди. Қийиқ кўзлари баттар қисилиб кетди.

— Ҳой, ҳой! Сўйиш... бу нима деганинг? Бу гапнинг нима кераги бор? Улар кўп, жуда кўп. Уларнинг тўп, пулемёт, солдатлари бор. Жуда кўп солдатлари бор.

Худоёр ғамгин минғиллаб қўйди:

— Биз кўпмиз...— шундай деди-ю, Раҳматбек қуюқ киприк-

лари остидан бир лаҳза ялт этиб диққат билан нигоҳ ташлаб турганлигини кўриб жимиб қолди.

— Муҳтарам эшон, сиз кўп нарсада ҳақсиз,— секин гап бошлади Хўжаев.— Сизнинг сўзларингизда чуқур маъно бор. Дини исломга сидқидилдан хизмат қилаётганлигингизни бу ерда ўтирган бизлардан бошқа ҳеч ким яхшироқ қадрлай олмайди. Лекин замон ўзгаряпти, ҳурматли Искандар эшон. Большевикларнинг таълимоти юқумли касалга ўхшайди. У мўъминларга ҳам шафқат қилмайди. Мўъминлар қанча қашшоқ бўлса, улар қалбига шунча осонлик билан ўрнашяпти. У билан курашиш қийин.

— Бизда Уламо бор,— деди эшон жаҳл билан.— Гарчи бу итваччалар уни ман этган бўлса ҳам, у мавжуд, бундан буён ҳам яшайверади. У шунга қодирки...

Раҳматбек оҳиста унинг сўзини бўлди:

— Ҳа, биламан, бизда Уламо бор. Унга Искандар эшондек дини исломнинг шамчироғи бош бўлиб турса, кўп ишнинг улдасидан чиқа олади. Бироқ большевикларда мусулмонлардан ташкил топган полк битта эмас-да.

— Ота-боболари эътиқодини унутиб қўйган итлар!

— Тўғри айтасиз. Аммо ғазовот уларнинг бошига ҳам ёғилиши муқаррар. Ҳар бир мусулмон қизил аскарнинг қишлоқларда жуда кўп қариндошлари бор. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўзига тўқ одамлар эмас. Ким билсин, мусулмон қизил аскар уларни саросимага солиб қўймасмикин? Лекин бу ҳақда бизнинг ҳурматли Тўрақул қандай фикрдайкин, эшитайлик-чи.

Довдираб қолган Жуназоқов бир нима деб гўлдиради. Ҳа, у ҳам ҳозирги юз берган вазиятда ғазовот фойдадан кўра кўпроқ зиён етказадиган деган фикрда. Лекин у сиёсат бобида бир нарса дейишга ожизлик қилади, бу фикри қанчалик тўғри эканлигини билолмайди ҳам.

Жуназоқов чап берар, айёрлик қилар ва ўз фикрini билдиришни сира истамас эди. Қишриқлари кўзини хиёл бекитган Раҳматбек уни кузатарди, миясида қандай фикр борлигини жуда яхши тушунарди.

Шундай қилиб, битимга келишиб бўлмади. Худоёрни ҳисобламаса бўлади. Унга сўйиш бўлса бўлди, кимни, нима учун — бунинг аҳамияти йўқ. Бироқ Искандар эшон ва Тўрақул Жуназоқов ўзларини ҳақ деб билиб, фикрларидан қайтишни ўйла-масдилар ҳам.

Тентақлар! Пишиб етилаётган воқеаларнинг нимасига тушунишарди улар? Уларнинг кучи билан большевикларни йўқотиб бўлармиди! Йўқ, тактикани ўзгартириш лозим эли

Бир лаҳза шайтон Раҳматбекни васвасага солди: Мередга кўз қиссанг, меҳмонлар бу ердан чиқмайди қўяди. Уларни шу ернинг ўзида, ҳовлида кўмиб юбориш мумкин. Лекин у ўзини қўлга олди. Кел, улар айтганча бўла қолсин. Улар нима қилишмасин, оқибатда барибир унга, Раҳматга яхши бўлади-ку. Керакли пайтда уларни бир зарба билан бир ёқли қила олади, шунда ҳам ўзининг қўли билан эмас.

Сухбатни давом эттиришдан маъни йўқ эди. Раҳматбек Хўжаев меҳмонлардан мамнун бўлмаганлигини сездирмади ҳам. У меҳмонларни аввалгидек очиқкўнгиллик билан кутарди, лекин суҳбатда шундай эҳтиёткорлик қилардики, уларни буткул довдиратиб қўйган эди.

Ёлғиз ўзи қолган Раҳматбек деворга суянганича кўзларини хиёл юмиб олганди, лекин уйқуға кетмаган эди. Эҳтимол, ҳеч қачон унинг фикрлари шунчалик тез, шунчалик тиниқлик билан алмашилиб турмаган бўлса керак.

Эдвард Свард Раҳматбек Хўжаев Актюбинск frontiдаги аҳволдан яхши хабардор эмас, деб ўйлаб янглишган эди. Туркистонда юз бераётган воқеаларнинг ҳаммасидан етарли хабардор бўлган Хўжаев Дрожжиннинг тавсияси билан Революцион ҳарбий кенгашга сайланиб олгач, ҳамма воқеалар ҳақида биринчи манбадан билиб олиши мумкин эди.

Туркистон армияси Актюбинскдан берилган зарбадан кейин Оренбургни эгаллаган совет Шарқий fronti қўшинлари билан қўшилганлигини у биларди. Москвадан Туркистонга йўл очилган эди. Тўғри, поездлар ҳали тўппа-тўғри қатнай олмасди, чунки кўприklar портлатилган, йўлнинг ўзи кўд жойларда бузилган эди. Лекин бу вақтинчалик эди. Агар Қолчак армиялари Волгага чиқиб олмаса, Москва билан тўхтовсиз алоқа йўлга қўйилади. Бундай аҳволда очиқ курашни бошлаш бемаънилик бўларди. Бошқача тактика талаб қилинаётган эди. Лекин у қакдай бўлиши мумкин?

Раҳматбек ҳовлига чиқди. Ҳаво булут эди. Совуқ шамол эсаётган эди. Хира ой парча-парча булутлар орасида дам кўришиб, дам кўринмасди.

Девордан чопон кийган одамнинг шарпаси ажралди.

— Меред,— деди секингина Хўжаев,— уларни кузатиб қўйдингми?

— Ҳа, хўжайин.

— Хўш?

— Улар дарҳол ҳар ёққа тарқалиб кетишди.

— Яхши, Меред. Турсун ўзидами?

— Ҳа, хўжайин.

— Кириб ухла, Меред. Яхшилаб ухлаб олишинг керак. Эр-тага иш кўп.

Раҳматбек Тошкентнинг эски шаҳрида, пасқам, тор кўчаларидан бирида яшарди. Бу кўчада арава юрса гоҳ ўнг, гоҳ чап томондаги гупчаги баланд пахса деворларга тегиб борарди. Бутун бошли кўчада битта ҳам дераза йўқ, катта йўғон мих қоқиб маҳкамланган баҳайбат дарвозалар, дарчалар ҳамма вақт тамбаланиб қўйиларди. Кўча бозор майдонидан бошланиб, кутилмаган муюлиш, айланишлар билан давом этарди. Қисқаси, бу боши берк узун кўча эди. Тор кўча оғзида букри темирчи Турсун уззукун болғасини тақиллатгани-тақиллатган эди.

У исдан қорайиб кетган, оқ оралаган чўққи соқолини осилтириб девор тешигига жойлашган устахонаси остонасида ўтирарди. Тиззалари орасига қисилган кичкина сандонга энгашиб, юмшоқ мисни тўғрилар ёки нақш ўяр, айна пайтда атрофда юз бераётган воқеаларни кўздан қочирмас эди. Чап ёғида ғала-ғовур бозор жойлашган бўлиб, ранг-баранг кийинган тиниб-тинчи-маган одамлар имо-ишора қиларди, шовқин солишарди, ўнг томонда эса қабристондек ҳувиллаган, эшикларига оғир темир қоплаган даҳмали ҳовлилардан иборат кўча бор эди. Турсун баъзан устахонаси ичига кириб кетарди, шунда қўрадан гоҳ қизғиш, гоҳ кўкимтир олов яллиғланарди, эшикдан эса аччиқ кўмир иси кўчага уриларди.

Турсун ҳақида кўп нарса билишмасди. Унинг сандонга энгашган гавдасини ҳар куни кўравериш ўрганиб кетишган эди. У қандай яшайди, оиласи, уйи борми, буларни шу кўчадагилар билиши мумкин эди, лекин унинг ҳовлисидаги эшик доим тамбалик эди. Борди-ю, илтифотсизлик билан ичкарига назар ташламоқчи бўлган бирон синчков одам топилиб қолса, у ҳовлининг бирон бурчагида буткул гумдон қилиниши ҳам мумкин эди. Янги шаҳарда эса мисгар тўғрисида бундан ҳам кам билишарди. Одамови, ҳаммиша қора қурумга беланиб юрувчи мисгар Турсун билан мулоим, сертавозе Раҳматбек ўғай ака-ука эканлигини янги шаҳарда ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасди.

Кигиз устида манқал олдида ўтирган озғин, кўринишдан бирон дардга чалиниб тинкаси қуриган, аслида эса соппа-соғ, ҳаддан ташқари бақувват бўлган Турсун кўп йиллардан бери металл билан ишлаётганлигидан қорайиб кетган узун бармоқли сертомир қўлларини оловга узатарди.

— Чарчадингизми, ака,— деди Раҳматбек манқалга яқинроқ ўтираркан.

Турсун хиёл елка қисди:

— Шунчаки, бир оз.

Улар жимиб қолншди.

— Бир фикрга келишмадингларми?— сўради Турсун.

Раҳматбек йўқ дегандек бош қимирлатди.

— Шунақа бўлишини сезувдим. Тўрақул негадир тез-тез Дрожжиннинг олдига борадиган бўлиб қолди. Бундан хабаринг борми, Раҳматбек?

— Семирган чўчқа!

— Ҳа, аммо маккор, ёвуз ҳам... Искандар эшон бўлса курашга ўзи бошчилик қилишни ўйлаб юрибди.

— Аҳмоқ!

— Тўғри, лекин у хавфли одам. Унинг орқасида Уламо бор. Сен нима қилмоқчисан, ука?

Раҳматбек жавоб бермади. Бу саволни ўзига-ўзи ҳам бир неча бор бериб кўрган эди. Бир қарорга ҳам келай деб турганди. Бу қарорга у яширинча, ниҳоятда сезгирлик қилиб, нимага таяниш мумкинлигини пайқаб келган эди. Лекин ҳали масаланинг номаълум томонлари ҳам кўп эди! Ҳа, Туркистон армияси Қизил Армия қўшинлари билан қўшилди. Бинобарин, Москвадан Туркистонга йўл очилди. Аслида ҳам шундаймикин? Ким билсин, воқеалар қандай ривожланиши мумкин?

— Келишолмадингларми,— деди шу орада ўзинча хаёл билан Турсун. — Келишолмаганинглар, балки яхши ҳамдир.

— Нега?

Турсун диққат билан укасига қараб мийиғида кулиб қўйди:

— Шарманда бўлардинг-да.

— Иш ўнгидан келмай қолсами?

— Шундай бўлса... Жуназоқов Еттисувга интилмоқдами? У катта раҳбар бўлмоқчи шекилли? Жуда соз! Бўлаверсин... Искандар эшон ҳамма жойга ўз одамларини юбориб, мусулмонларни кофирларга қарши кўтаряптими? Жуда ҳам яхши! Кўта-раверсин. Яна кимдир отряд йиғиб, лаънатли большевикларни сўйишга тушади. Қойил! Сўяверсин... Лекин, Раҳматбек, сенинг ишинг бўлмасин. Сен Революцион ҳарбий кенгаш аъзосисан. Сен у ерда бўлишинг керак. Сенга ишонишсин.

— Бу ерда-чи?

— Бу ерда биз бўламиз. Мадаминбек, Эргаш, Кўр Шермат, Омон Полвон*ларнинг ҳали нафслари қонгани йўқ. Уларнинг иштаҳасини яна очиш керак. Лекин сен ўзинг четда тур. Сени билишадн. Беш қўлдай маълумсан.

— Сиз-чи?

* Босмачи шайкаларнинг бошлиқлари.

— Букри мисгар Турсунга ким ҳам эътибор қиларди!
Улар яна жимиб қолишди.

— Айтгандай,— гап очди Турсун,— биласанми, Жуназоқов Рисқуловнинг куёви экан?

— Ҳа, лекин Турар Рисқуловни ҳисобга олиш тўғри келмас.
— Нега?

— У большевиклар билан жуда яқин, шунинг учун улардан алоқасини узмаса керак.

Турсун секин, деярли овозини чиқармай кулди.

— Сен мусулмон большевиклар партияси ва мусулмон Қизил Армияси ҳақида бирои бир гап эшитганмисан? Тўғри, бу ҳақда ҳозирча шушчаки гап бўляпти, лекин Рисқуловнинг бу нияти тадбиркор одамлар бошчилигида амалга оширилса, кўп иш бериши мумкин. Бунинг маъносига тушунмаясанми?

— Балки, шундай бўлар, лекин булар ҳозирча қуруқ гап.

— Ақлли одам пайт пойлаши керак. Рисқулов баландда парвоз қиляпти. Буни сен ҳисобга олишинг керак, Раҳматбек. Унинг ёнида бўл, лекин жуда ҳам яқинлашма. Агар у учиб кетгудек бўлса, сенга шамоли тегмайдиган бўлсин.

— Бунга яхши ўйлабсан, ака,— деди Раҳматбек кигиздан турар экан.

Турсун укасига ялт этиб қаради ва манқалга энгашди.

— Бу ёққа келаётганинда бунга ўзинг ҳам билгансан,— бепарволик билан жазоб қайтарди у.

Раҳматбек янгигина меҳмонларни жўнатган хонасига шошилмай кирди ва ёстиққа ёнбошлади. У ерда ҳамма парса, йиғиштириб қўйилган эди.

Турсуннинг сўнги гапи уни ўйлантириб қўйди. Угай акасида гап кўпга ўхшайди. Умуман Турсунни ҳатто Раҳматбек ҳам тушунолмаётган юрарди. Нега у мисгарлик касбини танлаган ўзи, ҳар қанча айлантишмасин, бу касбини нега ташламадимикин? Балки, ўз билганидан қолмай яхши қилгандир. Лекин вақт бор эди-ку...

Раҳматбек отасининг муқаддас Бухорои шарифдаги уйини эслади. Бу уй энг пасқам кўчалардан бирида эди, бошқа уйлاردан сира фарқ қилмасди. У баланд деворлар билан ўралган, хиёл ёрилган, шамолда нураган бўлса ҳам, уй сир-асрорларини яшириб турарди. Уйда пастроқ деворлар билан ажратилган кичик соя-салқин боғли бир неча ҳовли бор эди. Бу ҳовлиларда кекса Ҳожид Мирзобевнинг тўрт хотини бир талай болалари билан турарди. Болаларни оналари товуқ жўжаларни асрагандек эҳтиётлаб асрарди. Хотинларнинг қалби қаърида менинг ўғлим отасининг арзандаси бўлиб қолади, деган орзу ётарди. Аммо

болалар ичида шкитаси эркалашни хуш кўрмайдиган Ҳожи Мирзоевга ёқарди: бири қаҳри қаттиқ Гулжоннинг ёшлигида умуртқа суяги лат еган ўғли Турсун ва Мирзоевнинг тўртинчи хотини гўзал Бибининг яккаю ёлғиз фарзанди энг кичик Раҳматбек эди.

Уй жимжит эди. Катта дарвозадаги эшикча ҳамма вақт берк турарди. Уй ичи ҳашамсиз эди. Деворлар оҳак билан оқланган, срга кигиз соллинганди. На чиройли гулдор гиламлар, на шойи сўзаналар бор эди. Эгаси ҳам уйга яраша кийинарди — оддий сурп яхтак ва сарғайиб кетган кавуш-маҳсида юрарди.

Ҳожи Мирзоевнинг бозорда кичкинагина мис буюмлар дўкони бўлиб, дўкон орқасида ушоққина кўра ва сандон ўрнатилган устахонаси бор эди. Дўконнинг эгаси бу ерга камдан-кам келар, келганда ҳам кўп турмасди. Бу ерда Турсун хўжайинлик қиларди. Лекин унга ҳам иш кўп эмасди. Чунки савдо суст эди. Дўконга устахонадан эшик орқали ўтиларди. Вақтни ўтказиш учун Турсун мисгарлик ишига ҳавас қўйди. У идишларга чиройли нақшлар туширар, эгарга безаклар ишлар, истаса ханжарга ҳам гул соларди.

Баъзан дўконга тамомила бошқача харидорлар ҳам кириб туришарди. Улар тўғри устахонага ўтишарди-да, у ерда кўп турмай, алланималар ҳақида гаплашиб, ҳеч нарса харид қилмай кеттишарди.

Бундай пайтларда кечқурун Турсун дўконни ёпарди-да, отасининг олдига бориб: «Ўрозбойга юз минг керак. Анча-мунча қоракўл сотиб олаётган экан. Уч ойдан кейин ҳисоб-китобни қилади. Бизга ойига беш процентдан тўламоқчи», дерди. Отаси бир оз индамай туриб, кейин сўрарди: «Олти процентдан мумкин эмасми?» Ўғли йўқ ишорасини қилиб бош чайқарди: «Қурби етмайди». Ота рози бўларди. «Яхши. Қим ўртада туради? Сардор орқалими?» — «Йўқ, — эътироз билдирарди ўғил, — Аваз орқали. Сардори у билмагани маъқул».

Байлашиб олинади. Эрталаб Бухорои шарифнинг катта кўчаларидаги энг ҳашамдор уйда яшовчи йирик қоракўл савдогарларидан бири Ўрозбой оддийгина ҳаёт кечирувчи Аваз орқали юз минг сўм олади.

Ҳожи Мирзоевнинг пулларини ўз номидан катта фойда эвазига қарзга берувчи бундай воситачилар оз эмасди. Сурп яхтак кийган мўътабар кекса ўзининг букри ўғли, мисгар Турсун билан судхўрликни бунчалик авж олдириб юборганлигини воситачиларнинг ўзлари ҳам тасаввур этолмасди.

Воситачилар ҳар хил эди, баъзилари катта пул билан, баъзилари оз пул билан муомала қиларди, аммо уларнинг ҳар бири мисгар дўконининг орқасида устахона ичида фақат бир ўзим

байлашяпман деб ўйларди. Ҳар бир воситачининг ўзига яраша қарздорлари бор эди.

Қарзлар муддатида қайтариларди. Вақтида тўланмаса бўлмасди. Қозини сотиб олиш йўли билан лоақал процент тўлашдан қутулишим мумкин, деб ўйлаб хотиржам бўлиб юрган бир қанча одам ўзларини ва яқинларини нобуд қилиб қўйдилар. Бу борада Турсуннинг меҳнат қилмай яхши яшашга ўрганиб қолган азамат йигитлари кўп эди.

Ҳожи Мирзоевнинг кичик ўғли — Раҳматбекни бошқача тақдир кутарди. Бунда ҳам Турсун озмунча ҳисса қўшмади.

Кунлардан бир кун отаси келганда Турсун ишни тамомлаб бўлгач, шундай деди:— «Раҳматбек ўқиши керак».— «У мадрасада ўқияпти-ку»,— эътироз билдирди ота. «Йўқ,— қўшилмади Турсун,— у кўп ўқиши, яхшилаб ўқиши керак». Турсун ўз айтганида туриб олди.

Раҳматбек акаси нега шундай қилганлигини ҳозир ҳам тўла тушуниб етмаган эди. Раҳматбек ота меҳридан узоқлаштириб қўймасмикин, деган хавф билан шундай қилган бўлса-чи? Ёки олим ука ёрдамида ота сармоясини бошқа мақсадларда фойдаланиш истаги бўлганмиди?

Эҳтимол, яна бошқа жуда ёмон ниятларни ўйлагандир? Ким билсин! Турсун сир бой берадиганлардан эмас.

Раҳматбек ҳуқуқ, иқтисод, хорижий тилларни ўрганди. Буларнинг ҳаммасини у осонликча, тез, лекин юзаки эгаллади. Талабалар орасида «ўзимизнинг йигит» ва «сўл» деб ном чиқарган эди. Ҳатто студентларнинг ғалаёнларида қатнашди, лекин ўзига ҳеч гард юқтирмади, чунки вақтида четга чиқиб туришни биларди. Ҳамма вақт ёнидан пулгаримасди, лекин буни ҳеч кимса пайқамасди.

Раҳматбек Бухорога онда-сонда қисқа муддатга келарди. Шунда Турсун унга мамнун боқиб, илжайиб қўярди.

Кейин Раҳматбек чет элга кетди. У мусофирликда ўзини қандай тутишни биларди: «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил» қабалида иш тутарди. Қам гапирарди, аммо бировларнинг гапини диққат билан берилиб эшитарди.

Европада уруш бошланиб кетган вақтда Раҳматбек юртига қайтиб келди. Қайтганда ҳам Афғонистон орқали айланиб келди, акс ҳолда ўша вақтда авж олган жосуслик туфайли уни ушлаб олишлари ва умуман чет эллик сифатида шубҳаланишлари мумкин эди.

Уйда уни қайғули хабарлар кутиб турарди. Вабо тарқалиб, уларнинг бутун оиласини қуритган эди. Фақат Турсун ҳаёт қолганди.

Уша ғамгин оқшомда улар иккови учрашиб, ўйчан ва ташвишли ўтирардилар.

Ерли аҳолини фронт орқасида ишлаш учун мардикорликка олишдаги ноҳақликлар туфайли бошланган қўзғолонлар тўлқини бутун Туркистонга ёйилган эди. «Нима қипти, бу яхши,— деди Раҳматбек акасининг мазкур воқеалар ҳақидаги гапларини эшитгач.— Генерал-губернатор ҳам, унинг солдатлари ҳам жонимизга тегди». Турсун кулиб қўйди: «Сен ўйлагандек яхши эмас... Менга айтишларича, қўзғолон қилганлар орасида ҳаммасига бойларни айбдор қилаётган одамлар ҳам бор экан. Улар ҳозир оз бўлса-да, кейин кўпайиб қолиши мумкин...»— «Лекин ҳали унга анча бор»,— эътироз билдирди Раҳматбек. Турсун шубҳаланпб бош чайқади-ю, лекин индамади.

Кейинроқ, ётиб ухлаш олдидан Турсун укасига ўз режаларини айтди.

Амир миршабларининг айланишиб қолгани ҳам ташвиш туғдирарди. Чамаси у ердагилар яширин банк тўғрисида бирон нарсасезишганга ўхшайди. Амирлик ҳукмдорларининг очкўзлиги ва Бухорои шарифда қонунга мутлақо риоя қилинмаслиги ҳисобга олинадиган бўлса, бу жуда хавfli нарса эди.

Раҳматбек пулларнинг бир қисмини бетараф мамлакат, энг яхшиси, Швейцариянинг бирон бир ишончли банкига ўтказиб қўйишни маслаҳат берди.

«Эртага сен Тошкентга жўнайсан,— деди Турсун,— ўзингни кўздан нари олиб юр. Сенга ишончли соқчилар бераман».

Турсун ҳамма нарсани олдиндан ўйлаб қўйган экан. Тошкентнинг эски шаҳарида ҳеч кимга қўшилмайдиган, лекин Хўжаевлар оиласига жуда содиқ бўлган Мереднинг номига уй сотиб олган эди. Пулларнинг бир қисми қимматбаҳо буюмларга алмаштирилди, бир қисми халқаро банкка зимдан ўтказиш учун тайёр қилиб қўйилди. Қолган пулларни Тошкентда туриб ҳам муомаладан чиқариб олиш мумкин эди.

Эртасига қоронғи тунда сурп ятак кийган Раҳматбек эски шаҳарнинг паскал бир бурчагига бориб жойлашиш учун от миниб ўнларча каллакесар ҳамроҳлигида Бухоро амирига қарашли ерлардан чиқиб кетди. Кўп ўтмай унга Турсун ҳам қўшилди: амир полицияси анча вақтдан бери излаб юрган яширин судхўр полиция зиндонда қийнаган Бухорода яшовчи одамнинг ўзи деб уларни тамомила ишонтириб қўйиб жўнаворган эди. Полицияга алам қилгани шу бўлдики, у одам жуда чидамли экан, Турсуннинг бойликлари қаерга яширинганини айтмай ўлиб қолди.

Қош қорайганига анча бўлган эди. Эски шаҳарда на чироқ

бор, на товуш. Раҳматбек Хўжаев эса бугун кечга яқин меҳмонларни кутган хонада деворга суйанганча ўтирарди.

Ҳа, ҳозирча ҳамма иш маълум даражада муваффақиятли бўлаётган эди. Эски шаҳарга жойлашиб олиб, анча обрў қозонишга муваффақ бўлди. Ҳамиша такаллуфли, муомалали Раҳматбек ерли аҳоли манфаатларини ёқловчи бўлиб кўринган одам сифатида ўз билимларидан яхши фойдаланди. У одамлар орасида кўриниб қолди. Вақтли ҳукумат комиссарининг муовини граф Доррер уни ўлкани бошқариш ишига жалб қилмоқчи бўлди, бироқ Раҳматбек Доррер билан шахсий алоқани узмаса ҳам, бундай шарафдан ўзини силлиққина четга олди. Қутиш керак эди. Вақтли маъмурларнинг аҳволи қатъий эмас, анча омонат эди, улар билан ўз тақдирини боғлаб бўлмасди.

Сиёсат майдонида у кейинроқ кўриниб қолди. Октябрь революцияси кунлари у эски шаҳардаги митингларда бир неча бор сўзлаб, янги ҳокимиятни қўллаб-қувватлашга чақирди ва мана энди Осипов исёнидан сўнг Туркистон Революцион ҳарбий кенгашининг аъзоси бўлиб қолди. Лекин бу Раҳматбек фаолиятининг фақат бир томони эди. Иккинчи томони ҳам бўлиб, уни Турсун бошқариб турарди. Ким билсин, бу икки томон қаерда, қайси босқичда қўшилиб кетаркин? Ушанда ўтай акиси нимани хоҳлар экан?

Очиги, бунга ҳали анча вақт бор эди.

4

Раҳматбек Хўжаевнинг олдидан чиққан Тўрақул Жуназоқов янги шаҳарга бурилди. Худоёр билан бирга борар экан, унинг юзидан дунёдаги барча нарсага яхшилик истовчи одамнинг беташвиш табассуми аримасди. Лекин улар муъолишда ажралишган ҳамон табассум ҳам йўқолди қолди.

Жуназоқов ташвишда эди. У Раҳматбек ҳамма нарсага улгураётганини кўрди. Унинг Революцион ҳарбий кенгашига сайлангани бундан далолат бериб турарди. Туркистон Олий Советига сайловлар ҳам яқинлашиб қолган, Раҳматбекнинг бемалол ҳукумат составига кириши мумкин эди. Жуназоқов буларнинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб, ҳасаддан ғижиниб кетаётган эди. У Раҳматбекнинг ниятларидан беҳабар эди, унинг тактикасини тушунмасди, асил башарасини ҳам кўрмаётган эди. У ваҳший ҳайвонларга хос сезги билап Хўжаев ўз рақиби эканини ҳис этарди, уни пинҳона, шунинг учун ҳам хавфли рақиб деб ҳисобларди.

Монап*нинг ўғли, калтафаҳм бўлса ҳам жуда эпчил Тўрақул

* Монап — катта ер эгаси, уруғнинг меросхўр бошлиғи.

ўз интилишлари билан узоққа боролмасди. У большевикларни йўқ қилиб юборадиган бирон бир воқеа юз бермагунча ўз уругаймоғи ўртасида мавқеини сақлаб қолса бас, кейин яна эскичасига яшаб кетавериш мумкин бўлади. Бундан каттасини у орзу ҳам қилмайди. Аммо бунинг учун эса ҳокимиятда бўлмаса ҳам, унга шундай яқинроқ туриши лозимки, уни Еттисувда яққол кўриб туришсин.

У бирмунча муваффақиятларга эришди ҳам. Тошкентда Еттисув билан боғланган масалалар ҳусусида у билан маслаҳатлашиб қўйишди. Уни Дрожжин биларди. Осипов исёни бошланмасдан олдин Николай Андреевич Жуназоқовни ўз кабинетига чақириб, икки соатча суҳбатлашди ва ундан қирғизларнинг аҳволи тўғрисида, овулларда Совет ҳокимиятига қандай муносабатда бўлаётганликларини муфассал сўраб олди, ҳатто маслаҳатлашди ҳам. Бу эса унинг учун катта гап эди.

Жуназоқов алданадиганлардан эмас. Туркистон ҳукуматининг у ёки бу хилдаги тадбирларига унинг таъсири унчалик кучли эмасди. Агар Дрожжин Жуназоқов ўзи қанақа одам эканлигидан яхшироқ хабардор бўлганда у билан маслаҳатлашиб ўтирмасди. Қим билсин, Раҳматбек Дрожжинни бу масалада саводини чиқариб қўйишни ва бу билан Революцион ҳарбий кенгашда ўз мавқеини мустаҳкамлашни ўйламаётганмикин?!

Жуназоқов иккиланиб турди-да, сўнг ҳукумат биноси томон кескин бурилди.

Николай Андреевич Дрожжин бир неча кун муҳим бир нарсани унутгандек, бир нарсани бажармагандек, у ўзи нима нарса эканлигини эслаб олмай кўнгли хижил бўлиб юрди.

Осипов исёни тугатилган эди. Қамоққа олинган бошлиқларни,— улар орасида Агапов ҳам бор эди,— суд қилишди. Терговда шу нарса аниқландики, у исёнга бошчилик қилган контрреволюцион Вақтли комитетга Осипов билан баб-баравар раҳбарлик қилган. Яна шу нарса аниқландики, бу комитет 1918 йил декабрь ойи охирида Тошкентнинг эски шаҳарида кенгаш чақирган. Бу кенгашда Бухоро, Туркия, Эрон ва Афғонистон вакиллари қатнашганлар. Исёнда фаол қатнашган, ашён далиллар билан ушланган жуда кўп сўл эсерлар судланувчилар курсида ўтирарди. Судда Қолузаев ҳам исёнчилардан бири деб тилга олинди. Лекин уни айблаш учун тўғридан-тўғри далиллар йўқ эди, шунинг учун ҳам унга нисбатан терговни тўхтатишди.

Туркистон Советларининг фавқулодда еттинчи съездини чақириб кун тартибидан турарди. Съездга тайёргарлик кетаётган эди. Радиограммалар маълум бўлдики, Лениннинг кўрсатмаси

билан Тошкентга Павел Алексеевич Кобозев юборилган. У марказий ҳукуматнинг фавқуллодда вакили сифатида Туркистонда икки марта бўлган эди. Кобозев бир группа партия ходимлари, ўқ-дори, қурол-аслаҳа ортилган транспорт ва кўп миқдордаги пул билан келаётган эди.

«Жуда яхши-да,— ўйлади Дрожжин.— Пул бизга жуда ҳам зарур, қурол-аслаҳалар ҳам... Партия ходимлари — ортиқчалик қилмайди. Лекин уларни албатта, ўлкани билиб олмагунларича обдан ўқитиш ҳам керак бўлади».

Темирийўлчининг фарзанди Николай Андреевич шу ўлкада катта бўлган эди, «хулқи учун» бешинчи синфдан ҳайдагунларича,— педагогика Совети қарорида шундай деб ёзилган эди,— мактабда ўқиди. Кейин у Тошкент яқинидаги станциялардан бирида тарозибон бўлиб ишлади. Қисқаси, у асил туркистонлик эди,— ўзи ҳақида Дрожжин шундай дейишни яхши кўрарди,— шунинг учун ҳам «ҳар хил келгиндилар»га бир оз менсимай қарарди. Лекин баъзан ўзига келган пайтларда Дрожжин ҳар қалай ўлкани етарли даражада билмаслигини тан оларди.

Ўлкада вазият мураккаб бўлиб, зиддиятлар тўлиб-тошиб ётарди. Агар ерли аҳолига таянилмаса, хато устига хатога йўл қўйиш ва буни ҳатто пайқамаслик ҳам мумкин эди. Лекин ана шу ерли аҳоли қани? Улар кимлар ўзи?

Лоақал мана бу Аҳмад Турдибековни олайлик. Қўринишдан ёмон йигит эмас. Лекин феъл-атвори!.. Агар унга эркинлик бериб қўйилса борми, нималар қилмайди...

«Ўтган сафар у нималарни гапирди?»

Ана шундагина Дрожжин Революцион ҳарбий кенгашда юз берган воқеани эслади. Бир лаҳза у ўзини ноқулай сизди: бир неча кундан бери унга тинчлик бермаётган нарса мана энди маълум бўлди! У ниманидир ўринлата олмаганини ҳис қилди. Аҳмад билан бафуржа гаплашиш, унинг Тошкентга нима сабабдан келганлигини аниқлаш керак эди. Балки унинг таклифини инобатга олиш, босмачиларга қарши курашга ерли аҳолини жалб этиш керак бўлар. Ҳар қалай феъли ўта тез бўлса ҳам, Турдибеков ўз юртини яхши билади. Еттисувда бўлса вазият бу ердагидан ҳам мураккаб: эскидан кўчиб келиб яшаётган руслар пастдаги яхши ерларни эгаллаб олиб, қирғизларни ва бу ёққа кейинроқ келганларни қисиб қўйишган. Ўз навбатида бадавлат қирғизлар 1916 йили Хитойга қочиб кетган ўз уруғларининг тоғ яйловларини эгаллаб олиб, уларни эгаларига қайтариб беришни истамасдилар. Бу масалаларнинг ҳаммасига Аҳмадга ўхшаш одамларгина тушуниб етарди.

Эшик оҳиста тақиллаб, Жуназоқовнинг ажабланиб жилмайиб турган юзи кўринди.

— Киринг, кириг, Тўрақул,— деди Дрожжин ва ўзича хаёлидан ўтказди:— «Айни муддао бўлди...»

— Олдиндан огоҳлантириб қўймай сизни безовта қилишга ҳеч қачон журъат этмасдиму, ҳурматли котибингиз қабулхонада йўқ бўлгандан кейин начора,— Жуназоқов бутун вужуди билан Дрожжиннинг юксак лавозимига қанчалик эҳтироми борлигини билдиришга ҳаракат қиларди.

Николай Андреевич ўзини меҳмоннинг бундай муҳаббатига бефарқ қилиб кўрсатмоқчи бўлди-ю, жуда хурсандлигини яшира олмади. Аҳмадни ҳам бутунлай эсидан чиқарди.

Улар Етгисув ҳақида гаплашишди. Николай Андреевич Жуназоқовнинг мулойим, эҳтиёткорона сўзларини эшитар экан, унинг маҳаллий одамлардан кадрлар йўқ деб айтган гаплари беҳуда эканлигини ўйларди. Мана, масалан, Тўрақулнинг ўзи! Уни бошқариш ишларига жалб этиш наҳотки мумкин эмас? Тўғри, у йўқсил ҳам, ҳатто камбағал деҳқон ҳам эмас. Бу ташландиқ ўлкада бирон бир саводли, ўқимишли одам борми, ҳаммаси бадавлат оиладан чиққан. Шундай бўлгандан кейин нима қилиш керак? Йўқ, бу ер сизга Россия маркази эмас! Бу ерда Тўрақулга ўхшаш одамлар жуда ҳам асқотади-да, лекин, албатта, улар назорат остида ишлаши керак.

Дрожжин Жуназоқовдан унинг қайси табақадан чиққанлигини билиб олди.

— Сиздек сезгир одам олдида, Николай Андреевич, ёлгон гапприш гуноҳ,— деди у чуқур хўрсиниб.— Отам бадавлат одам бўлган. Чоригини судролмай юрадиган одамларга нисбатан олганда, бадавлат, албатта. Лекин шу вақтгача ҳеч ким ота-онани ўзи танлаб олган эмас. Очигини айтганда, анчадан буён улар билан бирга яшамайман, улардан чиқиб кетганман. Отам — эски одатлар тарафдори. У мени оқ қилган, ҳатто тошбўрон қилмоқчи бўлган.

— Йўғ-э?!

— Онгсиз чол. Ундан нимани ҳам кутиш мумкин? У янги турмуш тўғрисида тўғри фикр юрита олармиди?

— Фикр юрита олмаслиги мумкин, лекин халақит бермайдими?

Жуназоқов қаҳқаҳа уриб кулиб юбориб, бошини сарак-сарак қилди:

— Йўқ, йўқ! Унинг бутун қаҳр-ғазаби менга, ўз ўғлига қарши қаратилган. Умуман олганда хавфли одам эмас. Бунинг устига, кексайиб қолган, касал, э-э, бу ҳақда ўйлашга арзимайди...

«Ҳақиқатан ҳам,— ўйлади Дрожжин,— у қари чолнинг беш кунлик умри қолганми-йўқми...» — ва Еттисувнинг кўпгина овулларида аҳволнинг оғирлигига, маҳаллий ҳукумат, чамаси, вужудга келган вазиятга етарлича аҳамият бермаётгани ҳақида гапира кетди. Суҳбатдоши унинг гапини ҳамдардлик билан маъқуллаб турарди.

— Ана шу жойларга бориб нима иш қилинаётганлигини кўрсангиз қандай бўларкин,— кутилмаган бир вазиятда сўраб қолди Николай Андреевич.— Сиз шу ерлик одамсиз, нимага шундай бўлаётганини дарров тушуниб оласиз. Ўз-ўзидан равшанки, ёрдам бериш ҳам керак бўлади.

Тўрақул унамасди, кичкина одамман, менга ҳеч ким қулоқ солмайди, дерди. У гапирган сайин Дрожжинда бир нарсага ишонч ортиб бораётган эди: қачондан буён унга зарур бўлган одам мана ҳозир қаршисида турарди.

— Булар ҳаммаси бекорчи гаплар; Тўрақул,— деди у суҳбатдошининг гапини бўлиб.— Қазаков билан гаплашиб кўраман ва биз сизга шундай ваколат берамиз...

Жуназоқов ноилож рози бўлгандек жим тураверди.

...Туркистон Олий Советига бўлажак сайловларда Жуназоқов номзодини кўрсатиш кераклиги ҳақида ўйлаб Дрожжин бир қанча вақт ёлғиз ўтирди.

«У чакки номзод бўлмайди,— қатъий қарорга келди Дрожжин.— Ҳар қалай, зиёни тегмайди».

Лекин қалбининг тубида бу номзод сайловда кўрсатилаётгани билан ундан миннатдор бўлиб қолади, бу томонини ҳам ҳисобга олиш керак, деган фикр яшириниб ётарди. Ҳамма вақт ёнингда ўз одаминг бўлса ёмон бўлмайди.

Михаил Васильевич Фрунзе икки ҳафта айланиб, Тўртинчи армиянинг деярли ҳамма қисмларига борди, танишиб чиқди, кўрсатмалар берди, қисмларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлади.

Армия сон жиҳатдан кам эди. Унда партизанлик кайфиятларига ҳали ҳам барҳам берилмаганди. Янги қисмлар тартибсизлик билан, синфий белгиси бўйича танланмасдан тузилаётган эди.

Фрунзе фронт орқасида ҳаддан ташқари кўпайиб кетган одамларни қисқартирди, бекорчилар, ўзини бирон бир иш билан машғул қилиб кўрсатувчиларнинг ҳаммасини жанговар қисмларга жўнатди. Ўзбошимчалик билан тузилиб, дабдабали ном билан аталувчи, жанговар қобилияти оз отрядларга барҳам берилди. Янги кучлар энди йирик армия қўшилмалари аппарати орқалигина келаётган эди. Улар дарҳол мустаҳкамланиб бораётган қаттиқ шитизомга дуч келаётган эди. Уларни бу ерда саралаб, ҳарбий хизматга яроқсиз элементларни фронт орқасидаги ишларга юборишар, қолганлари билан сиёсий-тарбиявий ишлар олиб бориб, ишлатишга ўргатишар эди.

Михаил Васильевич фронт штаби кўрсатмасига биноан Тўртинчи армияга топширилган вазифа — жануб ва жануби-шарқдан Сизрань — Самарага олиб чиқадиган йўлларни пассив равишда таъминлаш вазифаси билан кифояланиб қолмай, 22-дивизия ва 25-дивизиянинг 1-бригадаси қисмлари билан жанговар операция ўтказди ва Круглоозерний ҳамда Барбостов хуторларини эгаллаб, оқ казакларни Уральскдан жанубга қараб қисиб борди.

Февраль ойининг охирида Фрунзе оқ казакларни тор-мор келтириш учун нима қилиш кераклигини яққол тасаввур этиб, Самарага қайтиб келди.

Унинг фронтдан бериб турган кўрсатмалари бўйича нима ишлар қилинганлиги ҳақидаги маълумотни эшитгач, Фрунзе ўз мулоҳазаларини Новицкий билан ўртоқлашди.

— Шчапово яқинидаги жанг оқ казаклар қўйган ғов разведкамиз маълумотларига қараганда, у ерда кучлироқ эканлигини кўрсатди. Буни, Федор Федорович, ўзингиз ҳам кўрдингиз. Уйлайманки, у ерда ҳозирча шундан бошқа жанг қилмаслик керак. Бунақа шароитда жанглардан ҳеч қандай наф йўқ. Бугун биз улардан хуторни тортиб олсак, эртага улар биздан тортиб олишади. Бу уруш эмас, бир-биримизни у ёқдан-бу ёққа ттариб юришдир. Қўшинларни янгидан группалаб, Соломихинск — Лбишченскка кескин зарба бериш, бир вақтнинг ўзида Урол группасини Урол дарёси ёқалаб олиб Сориб, уни ҳам Лбишченскка ташлаш керак.

— Исканжага олишми?

— Ҳа, албатта, Федор Федорович. Душманга қўшинларини жанубга олиб кетишга имкон бермаслик керак.

Новицкий шубҳаланиб соқолини чимдиб қўйди:

— Кучлар етармикин?

— Ҳозир уларнинг кучлари бизникига қараганда келишига ишонилмайди керак эмас. Йирик қўшилмаларни тузиш керак, бизга эса аҳён-аҳёнда марш роталарини беришади. Улар билан нима ҳам қилиб бўларди? Шунинг учун албатта катта армия резервини қандай қилиб бўлмасин тузиш керак. Резервларсиз қилинган бу уруш бизга ҳозироқ қимматга тушди. Резервни Самарага яқинроқ бирон жойга, темир йўл атрофига жойлаштирамиз.

— Уфа йўналишини назарда тутяпсизми?..— қувлик билан сўради Федор Федорович.

Улар аллақачон чиқишиб кетишган, бир-бирларини бир қарашдаёқ тушунардилар.

— Фронт қўмондонлиги эса, Михаил Васильевич, сўнги директивалардан билишимча, ўзининг шимолий қанотидан анча ташвишланмоқда.

— Ҳа, бундан хабарим бор,— деди Фрунзе.— У ерда улар Пермь бериб қўйилгандан сўнг душмanning шимолга хиёл бўлса ҳам силжишини жуда асабийлашиб қарши олмоқдалар. Лекин душманга мана бу йўналишдан юрасан, деб айтилмаган. Шунинг учун резервни Самара районида жойлаштиринг. Ишончлироқ бўлади.

Фрунзе ва Новицкий қўшинларни қайта группалаш тафсилотлари билан шуғулланишди: команда составида қилинадиган айрим ўзгаришларни муҳокама қилдилар, мавжуд қисмларни комплекшлаш ва янгиларини тузиш тадбирларини белгиладилар,

қисқаси, бұлажак жанларга тайёргарлик учун керак бұладиган кундалик ишлар билан машғул бўлдилар.

Кабинетга ташвишланаётгани яққол сезилиб турган навбатчи адъютант кирди.

— Уртоқ командарм, командир Чапаев сизни кўрмоқчи,— деди у ва ўз бошлиқларининг кўз-қулоқлари бўлиб туришга одатланган кўп адъютантларга ўхшаб қўшиб қўйди:— Ҳарбий академиядан қочган-чи...

— Қочган эмас, балки шахсий илтимосига кўра менинг рухсатим билан командировка қплинган,— деб Михаил Васильевич кескин оҳангда бўлмаса ҳам қатъий бир тарзда адъютантининг гапига аниқлик киритди.— Кечирасиз...— Шундай деди-ю, кетишга чоғланган Новицкийга мурожаат қилди:— Утиринг, Федор Федорович, халақит бераётганингиз йўқ.

Новицкий ҳозир шамолда юзлари қорайган, овози йўғон, хиёл бўғиқроқ, исқирт шинель кийган, камари ечиқ, соқоллари олинмаган барваста йигит келса керак, деб ўйлаган эди. У ҳойнаҳой кира солиб ўзини таппа креслога ташлайди, оёқларини чалиштириб, катта чилимга солинган аччиқ қўлбола тамакини тутатади, тутупини тишлари орасидан ўтказиб, кабинетнинг бурчагига пуфлайди.

— Мумкинми!..

Эшик олдида озгин юзи учиб турадиган, ўрта бўй, қотмадан келган, пишиқ армия мовитидан яхшилаб тикилган шинель кийган, шинели елкасига ташланган, этаклари ингичка камарчага қистириб қўйилган, оёғида қайтарма буғу этик, мовут сиртига олгин заржияк тутилган жуда яхши қора-кулранг қорақўл қалпоқли одам турарди. Бутун уст-боши ўзига қўйиб қўйгандек, худди ҳарбий бўлиб туғилган ҳақиқий хизматчиларникидек кўркам эди.

— Командир Чапаев ихтиёрингизга келди.

Михаил Васильевич уни қаршилаб, хиёл ўрнидан кўтарилди:

— Келинг ўтиринг, ўртоқ Чапаев.

Чапаев шубҳали хидни сезган кучли, эпчил тайга йиртқичидай эҳтиёткорлик билан кабинетга кириб келди, Новицкийнинг келишган қоматига бир қараб қўйиб, унинг эски рус армиясининг кадр офицери эканлигини дарҳол сизди, юмшоқ кресло ёнидан ўтди-да, қоматини ғоз тутиб стулга ўтирди. У армия штабларида донғи кетганлигини билар, шунинг учун яхшиликдан бўлак ҳамма нарсага тайёр эди. У командармнинг кабинетида эътибор қилиб жим ўтирар, лекин унинг маҳкам юмилган лаблари, қўлларининг эҳтиёткор ҳаракатлари, бутун гавдасини таранг пружинадай тутиб туришига қараб Михаил Васильевич Чапаев нима сабабдан бебош, хавfli одам деб ҳаммага таннлганлиги-

нинг сабабига тушунди; бу командир жуда мулойим кўринса-да, ҳар лаҳзада лов этиб кетиши мумкин эди. Чамаси, унга дуч келган одамлар буни ҳисобга олмай панд еб қолишган.

— Нега академияни ташлаб кетдингиз?

— Уқиш оғирлик қилди, ўртоқ командарм.

— Очпига кўчсак-чи?

Унинг эҳтиёткор ўткир кўзлари қўмондонга бирров боқди-да, унинг синчковлик, хайрихоҳлик билан тикилиб турган катта, кул ранг кўзларига тушди. Шундан кейин сергакланиш йўқолди. Энди командарм рўпарасида эпчил қиличбоз — партизан ва ўзбошимча одам эмас, нимадандир хижолат бўлаётган, нафсониятли одам ўтирарди.

— Хўш, ўзи нима гап бўлган, ўртоқ Чапаев, очиқчасига айтаверинг?

— Сиқилиб кетдим, ўртоқ қўмондон. Академияда бизга яккаш Фридрихни ўқитаверишди. Уша Фридрих ким бўлибди ўзи? Уни ҳар ёқдан пулемёт ўқига тутишсин-чи, кўрардим унинг улуғлигини...

— У ерда Улуғ Фридрих урушларидан бошқа нарсани ўқи-магансизлар чамаси?

— Нега? Катапультани ҳам ўқидик. Эҳтимол, ўша вақтларда ёмон қурол бўлмагандир, аммо катапультани казакларга қарши ишлатиб бўлмайди-ку... Шундай бўлгач, ўртоқларим фронтда жон бериб-жон олиб жанг қилаётган бир пайтда мен фронт орқасида ивирсиб юраманми.

Федор Федорович зарур ишлари борлигини баҳона қилиб ташқарига чиқди. Чапаев унинг кетидан нафрат билан қараб қўйди.

Михаил Васильевич буни сезиб, сўради:

— Айтинг-чи, ўртоқ Чапаев, қўлингиз югурдаклиги ростми? Узингизнинг сиёсий ходимларингизни қамчилаб турармишсиз, армия штабидаги ўртоқни эса муздек омборга тикиб қўйишни буюрганмишсиз?

Чапаев этигини энди кўргандек ундан кўзини узмай ўтирди, лекин хижолатни енгиб, бошнини кўтарди.

— Шунақа бўлган эди, ўртоқ қўмондон. Қизишиб кетганда биттасининг таъзирини бергандим.

— Муфассалроқ айтиб беринг.

— Казаклар бизга ҳужум қилишди, бизнинг қисм эса уруш кўрмаган эди. Жангчиларимиз чидаш беролмай қочишди... Нима, отлик аскарлардан қочиб қутулиб бўларканми? Нимтанимта қилишлари тайин... Биз уларни тўхтатмоқчи бўлиб бақирдик, уришдик. Шу ерда далада похол ғарами бор эди. Ғарамга югуриб борсам, бир ўспирин унинг ичига бекиниб олибди, дир-

дир титрайди. Қоним қайнаб кетди. «Чиқ,— дедим,— одам бўлмай кет!» Йигитнинг эси чиқиб кетган экан. Мен уни қамчи билан тортиб олдим, албатта... Чакки қилган эканман. Йигитча биринчи марта жангга тушиб қолиб шундай олатасирга дуч келган эди-да!.. Лекин уни қандай урганлигимни ҳеч ким кўрмаганди.

— У ҳолда қандай қилиб ҳаммага маълум бўлиб кетди?

— Ҳзи оғзидан гуллагандир-да. Алам қилган бўлса керак.

— Армия штабидаги ўртоқ билан нима бўлган?

— Бу — ёлғон гап. Ҳеч нарса бўлмаган...

Михаил Васильевич Чапаев ҳақида чиндан ҳам ҳар хил шов-шув, миш-мишлар кўпайиб кетгани, бу шов-шув ва миш-мишлар штаблардан чиққанлигини хаёлидан ўтказди. Чапаевнинг номига иснод келтурувчи бирон гапни фронтда у ҳеч қачон эшитмаган эди.

— Хўш, Василий Иванович,— деди у,— бундан чиқди, жангга кираверамизми? Қаерда жангни бошлаймиз, қайси лавозимда?

— Қаерга юборсангиз боравераман, ўртоқ қўмондон. Қим қилиб тайинлашингиздан қатъи назар. Оддий аскар бўлсам ҳам майли.

— Оддий аскарликни қўйинг. Бунақа камтарликнинг кераги йўқ. Узингиз яхши биласиз, сизни ҳеч ким сафга қўймайди.

Фрунзе оҳиста гапира бошлади.

— Гап бундай, ўртоқ Чапаев,— деди у.— Александров-Гай районида бизнинг қўшинлар группамиз тўпланган. Бу группа Александров-Гай бригадаси ва полкидан тузилган. Уни биз яқинда Балаклавск батальонини кенгайтириб туздик. Бу биз ўйлаб қўйган операциянинг ўнг қаноти бўлади. Бу группага сиз командирлик қиласиз. Ҳайлайманки, у ерда илгариги жанглардан таниш бўлган одамларни учратасиз...

— Айрим одамлар бор...

— Унда яна яхши... Ҳужум тўғрисидаги мукамал буйруқни ўз вақтида оласиз, қисқача айтадиган бўлсак сизнинг вазифангиз бундай: Соломихинск станицаси районини эгаллаш ва Лбищенскка ҳужум қилиш. Бу билан сиз душманнинг асосий кучларига орқа томондан хавф соласиз.

Чапаев жойнинг картасини хаёлан тасаввур этиш учун кўзларини хиёл қисди:

— Тушунарли, ўртоқ қўмондон.

— Жуда яхши. Александров-Гайга дарҳол жўнаб кетаверинг.

— Дарҳол жўнашга тайёрман!— Чапаев ўрнидан қўзғалаётган эди, Фрунзе қўли билан ишора қилиб тўхтатди.

— Сизга қўшиб қўмондонлик группасига комиссар тайинланади.

Чапаев титраб кетди, қорайди.

— Нима учун, ўртоқ қўмондон?

— Александров-Гай группасига биргалашиб раҳбарлик қила-
сизлар.

Чапаевнинг кўзлари яна қисилди. У у ён-бу ёнга қарай бош-
лади.

— Ишонмаяпсизми, ўртоқ қўмондон? Мен бир йилдан ортиқ-
роқ вақтдан буён партиядаман.

«Сени қайириб олиш қийин экан-да, Василий Иванович!»—
ўзича ўйлади Фрунзе ва эшиттириб шундай деди:

— Мен эса ўн беш йилчадан бери партия аъзосиман. Менда
ҳам комиссар бор, бир эмас, бутун Революцион ҳарбий кенгаш
бор. Нима, бу ерда биз қанчадан бери партия сафида эканлиги-
мизни солиштириб ўтирамизми! Агар сизга ишонишмаганда,
қўшинлар группаси у ёқда турсин, полкни ҳам беришмаган
бўларди.

— Унда комиссарга бало борми?

— Асосан сиёсий иш олиб бориш, ҳарбий операцияларга
сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилиш учун керак. Гарчи сизнинг
зиммангиздан сиёсий жиҳатдан таъминлаш масалалари соқит
қилинмаса-да, ўз навбатида комиссардан ҳам соф ҳарбий маса-
лалар соқит қилинмайди. Бизнинг Қизил Армиямиз — мутлақо
янги типдаги армия эканлигини билишингиз керак, Василий
Иванович. Бу армия жангчилар ва командирларнинг онглилиги-
га асосланган. Лекин унда ҳар хил одамлар бор. Орлово-Кури-
ловск полкидаги воқеаларни биласизми? Биласиз... Шундай
экан, қани айтнинг-чи, маҳаллий совет ходимларини оқ казаклар
қиришига йўл қўймаган, казак жазо отрядининг ўзини савалаган
ва Қизил Армияга бутун полкни берган куриловчилар бирдан
Совет ҳокимиятининг ашаддий душманлари томонига ўтиб қол-
ганликлари, иёён кўтарганликлари, командир ва комиссарни ўл-
дирганликлари, армия Революцион ҳарбий кенгаш аъзосини
ўлдирганликларининг сабаби нимада? Нима учун бундай ҳодиса
рўй берди? Ахир улар ўз станицасида совет ходимлари, комму-
нистлар учун жон куйдирган одамларнинг айнан ўзи эди-ку!..

Анча вақт икковлари жим қолишди. Бирдан Чапаев турди.

— Майли, ўртоқ қўмондон,— деди у,— комиссар тайинлай
қолинг, фақат ақллироқ бўлсин.

Фрунзе кулимсиради.

— Сизга Фурмановни берамиз. У ҳозир Александров-Гай
бригадасида. Қачон жўнаб кетасиз?

— Ҳозироқ, шу ернинг ўзидан тўппа-тўғри кетавераман. Дам
олишга вақт қани.

— Жуда яхши. Хужжатлар ва барча зарур нарсаларни ҳозир

сизга тайёрлаб беришади.— Фрунзе навбатчи адъютантни чақриб, буйруқ берди.— Хўп бўлмаса, Василий Иванович,— деди у Чапаевнинг қўлини қисар экан,— муваффақият тилайман.

— Раҳмат, яхши қолинг, ўртоқ кўмондон.— Чапаев чаққонлик билан честь бериб чиқиб кетди.

Федор Федорович кабинетга киргач, командарм қўлини иягига қўйиб, майин жилмайганича олисларга тикилиб турганлигини кўрди.

— Қандай қарорга келдинглар, Михаил Васильевич?

— Чапаевни Александров-Гай группасига командир қилиб тайинлаймиз.

Новицкий тутулиб қолди.

— Бирдан группага тайинлаш хавfli эмасмикан? Аввалига унга полкни берган яхшироқ бўлармиди.

— Қанақа фарқи бор, Федор Федорович? Полк бўлди нимаю кўшинлар группаси бўлди нима? Агар у бирон нарсани хаёлига келтиргудек бўлса, дивизия ҳам туза олади. Унинг бу ердаги шуҳрати сизга маълум. Абжир йигитлардан иборат оғайнилари ҳам етарли. Уни йўлдан уриш хавфи йўқ эмас, албатта, лекин мен унга ишонаман. Ҳа, унинг унчалик саводи йўқ, сиёсий етук эмас, жуда ҳам нафсониятли, лекин ҳалол одам. У ўзимизнинг одам, совет одами, шунинг учун хоинлик қилмайди. Ҳўш, сиз қандай фикрдасиз?

— У ҳақда ҳар хил гаплар бор. Лекин мана буниси қизик: агар штабдаги одамларимизга қулоқ солсак, у ўз билганидан қолмайдиган, ҳеч қандай интизомни тан олмайдиган одам, унинг ҳамма муваффақиятларини тасодиф, омад деб тушунтиришади...

— Қисқаси, Суворов айтганидек: «Раҳм қил худо: омад бир марта келсин, икки марта келсин, унда маҳорат қани денг?»

— Худди шундай... Унинг ютуқларига шубҳа қилмаса бўлади. Лоақал Пугачево яқинидаги жангни олинг. Душманнинг катта кучлари қуршовида қолган пайтда у ўз қисмини қуршовдан жуда усталик билан олиб чиқди. Еки у деярли қуроли бўлмаса ҳам, душманнинг пулемётларини тортиб олди... Йўқ, булар тасодиф эмас. Бу бир чиқиб қолган қандайдир туғма ҳарбий истеъдод... Сиз ҳақсиз, одамлар унга эргашишади. У ҳаммаси бўлиб ўндан ортиқ полк тузган.

— Ана кўрдингизми... Яна битта гап. Мен гажир, ҳатто хавfli, аммо ақлли одамни ёқтираман. Чапаев бўлса ақлсиз эмас. Бир донишманд айтган экан: «Ўғри бўлса ҳам ўғил бўлсин деб».

Адъютант кириб командарм олдидаги столга телеграмма қўйиб кетди. Командарм унга кўз югуртириб, Новицкийга узатди:

— Фронт қўмондонни Оренбургга жўнаб кетяпти.

Федор Федорович ўз навбатида уни ўқиб чиқиб, кейин сўради:

— Сиз жўнайсизми?

— Жўнаш керак. Эҳтимол, бирон нарса ҳақида келишиб олармиз.

— Бизга қурол-яроғларни тезроқ ортиб жўнатишларини талаб қилинг. Ўлиб бўлди-ку ахир, ёзямиз, телеграмма юборямиз, лекин ҳеч натижа йўқ...

— Қўлимдан келганича уриниб кўраман, бирйўла Туркистон қўшинлари билан ҳам танишаман,— деди Фрунзе ва поезд тайёрлашни буюрди.— Икки соатдан сўнг жўнаймиз.

2

Шарқий фронт қўмондонни Сергей Сергеевич Каменев* вагон салонида қуюқ тамаки тутуни ҳали сузиб юрарди. Туркистон ишлари бўйича партия-ҳукумат комиссияси билан кенгаш ҳозиргина тугаган эди.. Комиссия Москвадан Тошкентга бораётган эди, бироқ йўлда Тўртинчи армияга келганда тўхтаб қолди, бу армия яқин вақт ичида ўз қўшинларини Туркистонга ёрдам учун ташламоқчи бўлиб турган эди.

Вагон Оренбург станциясининг эҳтиёт йўлида турарди. Баланд бўй, тўладан келган, юзлари лўппи, шоп мўйлов қўмондон ромни тушириб, дераза олдида турганча тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оларди. Бунақа мусаффо ҳаво бу ерда март ойининг бошларида, баҳор нафаси энди-энди келаётган пайтда бўлади.

— Баҳор ҳам келиб қолибди, Михаил Васильевич,— деди Каменев,— сарғиш шопмўйловини силаркан.

— Ҳа, баҳор, Сергей Сергеевич,— жавоб қайтарди Фрунзе вагон деразаси олдига яқинроқ келиб.— Ишқилиб, бизга ташвиш туғдирмаса майли эди.

— Мен ҳам шуни ўйлаяпман...

Маневр қилаётган паровоз пиш-пишлаб ёндан ўтиб кетди. Тирковчи унга ниманидир ишора қилди. Паровоз тўхтаб, бирдан буғ ичида кўмилиб кетди.

— Шуни ўйлаяпман, Михаил Васильевич,— такрорлади Ка-

* Каменев Сергей Сергеевич — эски рус армияси бош штабининг собиқ полковниги, кейинчалик Шарқий фронт қўмондонни, бош қўмондон, Ишчи-Дехқон Қизил Армияси штабининг бошлиғи, мудофаа халқ комиссарининг ўринбосари бўлган. Ишчи-Дехқон Қизил Армияси ҳаво ҳужумидан мудофаа бошлиғи бўлиб турганда, 1936 йил 20 августда юрак касалидан тўсатдан вафот этган.

менев. У ромни кўтариб қўйиб столга яқинлашди. Столда Шарқий фронт картаси ёйилиб, четлари осилиб турарди. У фикрини бир ерга жамлаётгандек стол олдида туриб қолди.— Сиз билан бир нарса ҳақида гаплашиб олмоқчи эдим... Индинга Бешинчи армия ҳужумга ўтади. Бу армиянинг аҳволини қисқача бўлса ҳам биласиз. Аҳволи яхши эмас. У ерда кучларни тўпладан сира ҳам манфаат йўқ. Фронт чўзилиб кетган, айниқса сўл қанотда, уни мустаҳкамлашга ҳеч қандай куч йўқ. Юз берган вазиятдан қутулишнинг чораси битта: ўнг қанотни ҳужумга ташлаб, Аша-Балашево тоғ йўлларини қўлга олиш... Мана бу ерда,— у картадан кўрсатди,— озроқ кучлар билан мустаҳкам ўрлашиб олиб, бўшаган қисмларни заиф участкага ташлаш керак.

Фрунзе шубҳа билан бош чайқади. План чакки эмас, лекин энди кеч эмасмикан? Бу планни икки ой бурун, душман бир неча жанглардан сўнг Уфани қўлдан бериб, ўша тоғ йўлларидан ўришиб олишга улгурмаган вақтда муваффақиятли амалга ошириш мумкин бўларди. Фрунзе ўз мулоҳазаларини фронт қўмондонига айтиб берди.

Каменев хўмрайди.

— Бош қўмондонликка бу операциянинг ниҳоятда зарурлигини исбот қилиб бериш учун бизга керак бўлиб қолган муддат худди ана шу,— деди у. Кейин бирдан ўзини боса олмай ғазаб билан гапирди:— Улар у ёқда рўйхатдаги составга қараб қоманда беришади. Пермь қўлдан кетмаслик учун биз Бош қўмондонликдан лоақал уч-тўрт ҳафтага ишончли, яхши қуролланган бригада беришни сўраган эдик. Қисмларни ўнг қанотдан олиб, бошқа ёққа ташлаш вақтида чап қанотимизни ҳимоя қилиб туриш керак эди. Бизга эса «доно» маслаҳат беришди: душманнинг Пермга зарбаларини Иккинчи ва Бешинчи армияларнинг маневри билан даф этиш керак эмиш. Бунинг имкони бўлганда ўзимиз ҳам билардик! Ленин аралашгандан кейингина бизга Ярославль ҳарбий округидан ҳали тузиб бўлинмаган бригадани тикштиришди...

— Еттинчи дивизиядаги бригадами? Мен ишлаган вақтда бор эди. Тўғри, у вақтда мен округ бўйича ишни топшираётган эдим.

— Худди ўша. Лекин у бригада сира ҳам вақтида етиб келолмасди. Ҳамма бало шунда эди!..— Сергей Сергеевич ўзини тутолмай ортиқча гап гапириб қўйганлигидан афсусланганча жимиб қолди. Бу янги командарм менга раҳминг келсин, демоқчи шекилли деб ўйлаши мумкин.— Армиянгизнинг аҳволи қандай, Михаил Васильевич?— сўради кейин ўзини босиб олиб Каменев.

— Бутунлай соғлом бўлиб қолди деб ҳали айтиб бўлмайди. Бизда қисмларнинг ҳарбий комиссарлари жуда бўш. Команда состави ҳам ёмон. Артиллерия оз. Сон жиҳатдан армия жуда ночор— олти минг кишига етар-етмас. Айрим полклар икки юз эллик кишидан ҳам кам. Ҳаракатдаги қисмларни жангга лаёқатли қилиш учун имкони бор кучларнинг ҳаммасини фронт орқасидан олиб, фронтга ташладим. Бироқ ўз кучимиз кифоя қилмайди. Қўшимча кучлар керак. Умуман бирмунча чеккароқ районлардан қўшимча кучлар олинганда яхши бўларди, лекин кучлар шошилишч керак, шунинг учун Самара ва Саратов губерняларидан тўрт минг кишига наряд беришингизни сўрайман. Қурол-аслаҳа запаслари масаласи ҳам жуда ёмон. Запас йўқ ҳисоб. Запасдаги қисмлар ҳам йўқ.

— Душманнинг кучи қандай? Генерал Савельевнинг сиз қўлга туширган буйруғидаги маълумотлар тасдиқландими?

— Тасдиқландигина эмас. У маълумотлар бир оз эскириб қолди. Душман мана бу ерда турган кучларининг ҳаммасини Уральскдан жанубга томон олиб кетди...— Фрунзе Уральск, Оренбург ва Илецк мудофааси оралиғидаги жойни картадан кўрсатди.— Душман қуролли кучларининг сонини ўн минг кишига етказди. Умуман, Уральск ва Илецкнинг ўн саккиз полки ҳамда 33-пиёда полкининг бир неча батальонидан иборат. Лекин улар бу билан чегараланиб қолишмайди. У ёқда ёппасига сафарбарлик кетяпти, қисмлар қайта тузиляпти...

— Бош қўмондонликдаги маълумотлар бир оз бошқачароқ.

— Эҳтимол, лекин бу ерда бизга равшанроқ. Кейинги вақтда дивизиялар ва армия разведкалари ишни йўлга қўйишди. Энди биз душман тўғрисида анча аниқ маълумотларга эгамиз... Қўшимча одамлар ва қурол-аслаҳалар келади деб ишонсам бўладими?

— Қўшимча кучларни ҳозироқ беришимиз мумкин. Бу қийин иш эмас. Қурол-аслаҳа билан кийим-бошлар кечикади. Жанубий фронтдан олти мингга милтиққа наряд олдик. Қуролни қабул қилиб олувчилар ўша ёққа кетишди. Қисқаси, сизни таъминлаш учун ҳамма чораларни кўраман...— Каменев гапиршдан тўхтаб, секин сўради:— Сиз оқ казаклар фронтини чиндан ҳам бир ой ичида тугатмоқчи бўляпсизми?

— Қўшимча кучлар билан қурол-аслаҳалар дарҳол юборилса, сўзсиз бўлади.

— Фронт Революцион ҳарбий кенгаши сизга кичикроқ вазифа топшириш ниятида. Армия ҳали буткул соғлом бўлиб кетмаган деб ўзингиз айтяпсиз. Шундай экан, аввалига сиз жануб ва жануби-шарқдан Самара-Сизранга олиб борувчи йўллارни сақлаб турсангиз кифоя. Шунда яхши бўлади, тўғри эмасми?

— Биз ҳам шу кўрсатмани бажариш ҳақида бош қотиряпмиз, лекин олдин оқ казакларни тор-мор этибгина шундай қилиш мумкин.. Тўртинчи армияга ҳозир икки-учта ишончли ғалаба жуда зарур. Ана шу ғалабаларгина армиянинг буткул соғлом бўлиб кетишига яхши омил бўлади. Бир вақтнинг ўзида душманни Урол дарёси орқали ажратиб қўйиб, Соломихинск-Лбищенскка зарба бериш ана шундай омил бўлиб туюляпти менга.

Каменев шоп мўйловини силаб, бир неча бор салоннинг у ёғидан бу ёғига бориб келди.

— Қизиқ план,— деди у стол олдига қайтаркан.— Сизнинг планингиз жуда ғалати тузилган. Тўртинчи армиянинг активлиги душманнинг эътиборини ўзига тортиб, Бешинчи армиянинг маневр қилишини жуда осонлаштириши мумкин эди. Лекин сиз бунинг уддасидан чиқа олармикансиз? Ҳамма гап шунда.

Фрунзе бамайлихотир деди:

— Уддасидан чиқампиз.

Каменев суҳбатдоши ҳақиқатан ҳам сўзини елга совурмайдиган жиддийми-йўқми пайқамоқчи бўлгандек Фрунзегга бир дақиқа разм солди, сўнг оғзининг таноби қочиб кулди:

— Чой ичамизми? Менга бу ерда душмандан тортиб олинган обоздан ҳақиқий чой бериб юборишибди. Лекин кўк экан.

— Э, кўк чой!.. Ажойиб ичимлик... Майли, ичаверамиз, чойдан ким қайтибди! Сизларда уни дамлашни билишадими?

— Бу ерда бир ҳаваскор бор...— Каменев дастурхон тузашни буюрди.

Энди ҳаммаёқ ёришиб кетганди. Станция изида у ёқдан-бу ёққа қатнаб, маневр қилаётган паровоз буғи парча-парча бўлиб ерга ёйилиб кетди. Рельслар орасига, зовурларга сув оқиб тушарди. Вокзал перронидаги қорни ҳамма босиб ташлаган, тунги соvuқда музлаган лой қорнишиб кетган эди.

— Марҳамат,— деди Каменев дастурхон тузаб бўлингач.

Чой ҳақиқатан ҳам яхши, усталик билан дамланган эди. Бу ерда унинг мазасига тушунишар экан.

— Мен сизга айтсам, Михаил Васильевич,— деди Каменев стаканда қошиқчани айлантитар экан,— Шарқий фронт армияларининг Жанубий группасини тузиш лойиҳасини Бош қўмондонлик тасдиқлаган.

— Ниҳоят-а,— кулиб қўйди Фрунзе.

— Ҳа, у ерда бу масалани чўзишди. Туркистон армиясини кенгайтиришни тезлатиш керак. Туркистон армиясига кимни командарм қилиб тайинламоқчисиз?

— Григорий Васильевич Зиновьевни. Ундан яхшисини тополмаймиз, бошқа одамни излашнинг ҳам кераги йўқ. Уни ку-

затиб юрардим. Яхши ҳарбий бошлиқ, аскарлар ҳам унга ишо-нишади.

— Яхши, айтганингизча бўлсин...— Каменев стаканларга яна чой тўлатиб, деди:— Биласизми, Жанубий группага айнан сизни қўмондон қилиб тайинлашлари хусусида фронт Революцион ҳарбий кенгашида жон куйдирган ким?

— Сира хабарим йўқ.

— Гусев.

— Сергей Ивановичми?— ажабланган бўлди Фрунзе.— Нима сабабдан у жон куйдирди?

— Шунчаки ўзи,— Каменев қўлларини икки томонга ёзди, лекин Михаил Васильевични тайинлашга асосан қарши турган Троцкий эканлиги ҳақида оғиз очмади. Троцкийнинг кўрсатмаси билан бош қўмондон Вацетис Фрунзе номзодига эътироз билдирди. Гусев бош қўмондоннинг қаттиқ қаршилигига дуч келди.

Сергей Сергеевич мўйловини силаб, кулимсираб деди:

— Туркистонда қанақа юришингизни кўриш қизиқ бўлади.. У ёққа сиз иккита армияга бош бўлиб борасиз, тартиб ўрната-сиз ва амирнинг ўзи бўлиб қоласиз... Туркистон амири! Жаранги-я?

Михаил Васильевич ҳазил қилди:

— У ерда икки ҳокими мутлақ бор: Бухоро амири билан Хива хони. Уларга учинчи ҳокимнинг нима кераги бор? Боз устига, бунақа ишга сира қизиқмаганман.

— Биладан, биладан, Михаил Васильевич. Лекин ҳар қалай Туркистонга сизни бунчалнк тортаётган нарса нима ўзи? Шу ерда, Шарқий фронтда қолавермайсизми. Бешинчи армия-нинг командармини алмаштиришга тўғри келади шекилли... Шунинг учун бизда қолаверинг, Михаил Васильевич, биргалашиб Қолчакни тор-мор қилардик.

— Қолчакни, Сергей Сергеевич, яқсон қилиш керак, шунинг учун уни қанақасига бўлса ҳам тор-мор этишади. Бу хавф даҳшатли, лекин ўйлайманки, уни биз йўқ қила оламиз. Туркистон бўлса — бутун мустамлака Шарқининг порох омборидаги пилта. Агар биз қисқа муддатда туб ерли аҳоли билан тўғри муносабатни йўлга қўйсақ, унинг овозаси узоқ жойларга боради. Уни ҳеч қандай чегара тутиб қололмайди.

Каменев суҳбатдошига ишонқирамай кўз қирини ташлади.

— Бир соат олдин мажлисда сиз билан биз Турккомиссия аъзоларидан бошқача гапларни эшитдик. Баъзилар Туркистонда бошбошдоқлик, тарқоқ партизан отрядларининг диктатураси бор деб исботламоқчи бўлади.

— Одатдаги кўпиртириш, Сергей Сергеевич. Тарқоқ партизан отрядлари салкам икки йил мобайнида бир неча фронтда

душман ҳужумини қайтариб тура олармиди. Бу ёққа, Оренбургга ҳам ёриб киролмасди. Уларнинг аскарларини ўзингиз ҳам кўрдингиз-ку, айтинг-чи, улар бебош партизанларга ўхшайдими?

— Йўқ, сира ўхшамайди...

— Ана, кўрдингизми... Менимча, Туркистонда иккита жиддий хавф бор: келгинди халқнинг буюк давлат шовинизми ва боймонапларнинг буржуа миллатчилиги. Аммо у ерда Совет давлати ва Компартия мавжуд. Уларга ёрдам бериш керак. Иложи борича тезроқ ёрдамлашиш зарур.

— Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз,— ўйланиб деди Каменев.— Биласиз, мен ҳарбий одамман, сиёсатчи эмасман...

— Э-э, Сергей Сергеевич! Уруш ҳам сиёсат, лекин унинг воситалари бошқача. Буни аллақачон биздан олдин айтишган.— Фрунзе столдан турди.— Чой учун раҳмат. Кетадиган вақт бўлди. Оқ казакларни бўлса бир ой ичида тор-мор этиш ниятим бор.

— Яхши, муваффақият тилайман!— унинг қўлини қисди Каменев ва Фрунзе чиқиб кетган вагон эшигига узоқ тикилиб қолди.

3

Снаряд осмонни ёритиб бориб орқароқда ёрилди. Фурманов беихтиёр елкасини қисиб ўгирилиб қаради. Бу Дмитрий Андреевичнинг жангга биринчи марта кириши эди, шунинг учун ҳар бир узилган ўқ унга қараб отилгандек туюларди. Ўтда ҳужум қилиб бораётган жангчиларнинг иккинчи қаторида бораркан, Чапаевга жуда ҳаваси келарди. Василий Иванович ўз қирғиз отидан туриб диққат билан олдинга, атрофга қарарди, жанг шароитидаги озгина ўзгаришни ҳам дарҳол ҳисобга оларди: кўрпнишидан у снарядларга ҳам, аҳён-аҳёнда бу ёққа етиб келаётган ўқларга ҳам эътибор қилаётгандай эди.

Жанг тонг ғира-ширасидаёқ Узеннинг ўнг соҳилида бошлаиб кетганди. Олдинги қисмлар оқ казакларни соҳил атрофидаги қозоқ овулларидан осонгина қувиб чиқаришган, сўл қиргоқда Овчинников хуторини йўл-йўлакай қўлга киритиб, душманнинг таянч нуқталаридан бири бўлган катта Соломихинск станицасидан атиги бир километр берида эдилар.

Фрунзе тузган ҳужум планининг бир қисмини бажаришга — Уральск оқ казаклар группировкасининг орқа томонига чиқишга киришилган эди.

Бригадада Чапаев бир кун аввал эрта тонгда пайдо бўлди.

У бу ерга ўз тўдаси билан келганди. Бу тўда қачон, қандай қилиб тузилгани маълум бўлмаган ўзига хос дала штабими ёки Василий Ивановични қайтганлиги тўғрисидаги овозани эшитиш биланоқ унинг ҳузурига учиб келган командирлар резервими — билиб бўлмасди. Булар жангларда кўп синалган ўз одамлари эди. Улар Чапаевни бир қарашдаёқ тушуниб оладиган, унга ниҳоятда содиқ одамлар эди. Улар ҳозир Чапаевнинг ҳар қандай буйруғини жонидан айрилса ҳам бажаришга шай бўлиб, ёнгинасида боришаётган эди.

Артиллерия ўти муҳофазаси остида қизил аскарлар олдинга силжиб боришарди. Аммо Соломихинск жимжит эди. У ёқдан отишмасди. У ерда ҳаракат ҳам сезилмасди. Станица сув сепилгандек эди. Бу сукунат ҳушёр торттирарди ва ҳийла-найрангга уста бўлган казаклар бу сафар ҳужум қилувчиларга нималар тайёрлаб қўйганликлари ҳақида ўйлашга мажбур этарди.

Соломихинскдан кўз узмай бораётган Чапаев ўқтин-ўқтин шамол тегирмонларига диққат билан тикиларди. Тегирмонлар станица чеккасида бўлиб, қор билан қопланган кафтдек текис чўлда қаққайиб турарди. Душман бундай вазиятдан фойдаланмаслиги, ўз пулемётларини ана шу тегирмонларга жойлаштирмаслиги мумкин эмасди. Балаклавск полки билан алоқа йўқлиги ҳам Чапаевни ташвишлантирарди. Эндигина тузилган, ҳали жангда чиниқмаган бу полк план бўйича оқ казакларга қанотдан ҳужум қилиши керак эди. Лекин вақт ўтиб борарди, полк олдинги маррани эгаллаганлиги тўғрисидаги хабар ҳали келмаётган эди. Полкка хабарчиларни бир юборишди, икки юборишди, лекин улар қайтиб келмади.

Чапаевга бу ҳақда иккинчи марта маълум қилишганда унинг кўзлари қисилиб, ёноқ суякларни бўртиб чиқди. Бу ҳақда хабар қилган Краснокутск полкининг командири этлари жимирлашиб кетганлигини ҳис этди.

— Чеков! — титроқ овоз билан чақирди Чапаев. Чапаев сўхиста чақирган бўлса ҳам, аммо у ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам ташлашга тайёр сап-сарик, юзлари япалоқ йнгит эшитиб учиб келди.

— Уч отлични ол, — деди Чапаев, — Балаклавскака ғизилла, у ерда нима гап — аниқла, кейин яёвми, уловдами етиб кел, аммо полк олдинги маррада тайёр бўлиб турсин... — У шундай деди-ю, буйруғи бажарилишига қатъий ишониб, отини биринчи қаторга елдириб кетди.

Соломихинскдан эса тиқ этган овоз эшитилмасди, бу сокинлик юракларни эзиб юбораётган эди. Биринчи қатордаги жангчиларнинг ҳаракати беихтиёр секинлашди.

— Олға, олға, тўхталмасин,— далда берарди уларга Чапаев.— Қўрқитиб қўйишмоқчи аблаҳлар. Бирваракайига ўт очиб эсанкиратишмоқчи...

Тепаси қизил кулранг қоракўл папах, шамолда ҳилпирайдиган қора бурка кийиб олган Чапаев ҳужум қилаётганлар орасида пайдо бўлар, қисқа маълумотларга қулоқ солиб, бир оз тўхтаб қолар, шу ондаёқ буйруқ бериб, сўнг яна йўлида давом этар, ботирлик билан танг қолдириб бўлмайдиган, кўпни кўрган одамларни ҳам завқини келтирар эди.

«Унинг кучи нимада?— ўйлади Фурманов, Чапаевни кузатар экан.— Нима сабабдан унинг бир марта кўриниш бериши жангчиларнинг жанговар руҳини кўтариб юборади?»

Аmmo бу саволларга у ҳозирча жавоб тополмас эди.

Қизил армиянинг олдинги қисмлари етиб боришига ярим километр қолганда станица жонланди. Тезотар артиллерия ишга тушиб, ҳужум қилиб келаётганларга снарядлар ёғдира бошлади. Шрапнель портлашларидан кўкда кичик булутлар пайдо бўлди. Милтиқ заллари қулоқни қоматга келтирди. Уқлар визиллаб учар, тушиш пайтида қорни буглатар эди. Ниҳоят четдаги тегирмонлардан пулемётлар ҳам ота бошлади.

Қизил аскарлар тўхтаб қолишди, қор билан қопланган муздек ерга бағрларини бериб ётишди. Лекин бу билан ҳимояланиб бўлмасди. Шамол тегирмонлари тепасидан пулемётлар тўхтовсиз ўқ узаётганди.

Батарей командирини олдига Чапаев отни елдириб келиб, таққа тўхтатди:

— Тегирмонларга қараб ўт очилсин! Ҳамма қуроллардан отилсин!.. Пулемётларни йўқ қилинг...

Шундай деди-ю, пулемётлар ўқидан ерга қапишиб ётган қизил аскарлар олдига қараб кетди. Уларни турғазиш, ҳужумга бошлаш керак эди. Ҳозир қимирламай бу аҳволда нишонга тўғри бўлиб ётиш жуда хавфли эди.

— Олға! Олға!.. Қисқа-қисқа югуринг!..

Орқа томонда артиллерия гумбурлади. Тегирмонларни мўлжалга олган тўплар уларни илма-тешик қилиб, паррақларни, томларини учириб, абжағини чиқариб ташлади.

Чапаев турганлигидан руҳланган жангчилар пулемёт четга қараб отаётганда пайт пойлаб, группа бўлиб ва якка ҳолда илдам олдинга ташланардилар, пулемёт ўти улар томонга қаратилгунча яна қорга ётиб олардилар. Ҳар бир жангчига ёнгинасида от миниб Василий Иванович турганлиги учун аҳвол унчалик чатоқ эмасдек туюларди.

Чапаев эса йўл-йўлакай буйруқ бериб, елдек учиб кетаверар, керак пайтда доим ёнида ҳозир бўладиган ишончли одам-

ларини гоҳ пулемётлар, гоҳ артиллерия обозига, гоҳ аралаш бўлиналарга юборарди.

Оти кўпиклаб, ўзи ҳам қора терга ботган Чеков қўққисдан унинг рўпарасида пайдо бўлди.

— Балаклавск полки олдинги марраларда турибди,— деди у нафасини ростлар-ростламас энтикиб.

— Нега бунча кеч?

— Йигитлар шубҳаланишибди, Василь Иванович. Уларнинг полк командири собиқ офицер-ку. Улар командир бизни атайлаб пулемёт остига бошлаяпти, деб ўйлашибди...

Чапаев ғазабдан бўзариб кетди. Юпқа лаблари қимтинди. Унинг ўзи ҳам собиқ офицерларга тоқати йўқ эди, лекин ҳозир бу нарса хаёлига ҳам келмасди. Унинг иззат-нафсига тегилган эди.

— Бундан чиқди, менинг буйруғим уларга камлик қилибди-да?— деди у дабдурустдан жаранглаган овозини кўтариб.— Менинг буйруғимга шубҳаланишибдимизми?!

Чеков ҳадиксираб отини тисарди. Лекин Чапаев уни унутиб қўйгандек эди. У кўзини хиёл қисиб, чап қанотига диққат билан тикилди. У ёқда афтидан, казаклар жардан чиқиб ёпирилиб келаётган эди, улар ҳужум қилиб келаётганларнинг ён томони ва орқасига ёриб ўтмоқчи эди.

Чапаев тизгинни силтаб, отни шпор билан ниқтаб, ўша ёққа елиб кетди. Йўлда олдига от чоптириб келаётган Потаповни учратди.

— Казаклар, Василь Иванич! Қамида беш юз келади,— анчадан бери бўғилиб қолган овоз билан деди Потапов, кескин бурилиб, Чапаевнинг ёнига келгач. Сап-сарик, юзи ялпоқ, кенг елкали Потапов қандайдир мўғул бутини эслатарди.

— Пулемётлар-чи?..

— Ўз жойида, Василь Иванич. Ёрдам сўраб одам юбордик...

Чапаев ижирганиб кетди. «Ёрдам сўраб? Демак ишончлари йўқ экан-да... Бу ёрдам қурғур қачон етиб келаркин?!» У отни қамчилаб, қизил аскарлар сафига елиб борди.

— Ҳеч ким жойидан қўзғалмасин! Уларни яқинроқ келтиринг ва команда бўйича залп билан...— қор босган ерда қапишиб ётган қизил аскарларнинг қаторларида шундай команда эшитилди.— Тинчланинг, йигитлар, тинчланинг... Отлиқ пиёда жангчига хавфли эмас. То етиб келгунча уни уч карра отдан қулатиш мумкин.

Казаклар қуюндек ёпирилиб келарди. Батареяда уларни пайқаб қолишди. Наводкачи асабийлашарди: ўзимизникиларни ўққа тутмасак эди ҳали. Биринчи жаҳон урушининг бошидан

охиригача герман фронтида жанг қилган паст буйли командир уни четлаштириб, ўзи ўтирди.

Биринчи снаряд казакларнинг орқасида портлади. Иккинчиси тўданинг худди ўртасига тушди.

— Шрапнелни бер,— деди артиллерия командири.

Казаклар тўдасига қўрғошин ёғдириб, осмонда портлашдан тутунлар пайдо бўлди. Лекин казаклар ҳамон ёпирилиб келаётган эди. Терга ботган, кўпк сачратаётган отлар, бардам, ғазабдан буришган юзлар, совуқ ялтираётган ялангоч қиличлар яққол кўринарди.

Казаклар отларининг бошини қўйишди. Тўда тўхтовсиз яқинлашиб келарди. Чапаев шамолда тебраниб турган яқинроқдаги йўл белгисидан кўзини узмай тикилиб борарди. У бу белгини аллақачон мўлжаллаб қўйиб, кутаётган эди. Отларнинг олдинги оёқлари ундан ўтиши билан, Чапаев батальон командирига қўл силкиди.

— Ўт очилсин!— бор кучи билан бақириб команда берди у.

Биринчи, иккинчи залп берилди... Пулемётлар тўхтовсиз та-рилларди.

Отлар оёғидан чалгандай ағдарилар, эгаларини босиб қолар, ўқ еган казаклар отдан қулар эди. Саноқли лаҳзаларда саф бўлиб келаётган казаклар тўдаси ўтиб бўлмас ғовга дуч келгандек, аралаш-қуралаш бўлиб тўхтаб қолди.

Пулемётлар эса қаҳр-ғазаб билан ўт сочар, бурда-бурда қилиб, мажақлар эди. Милтиқлардан бирваракай отилган ўқлар тўдани тутдек тўқарди. Шундан кейин тўда ўзини йўқотиб қўйди ва бурилиб, милтиқ-пулемёт ўқлари остида орқасига тумтарақай қоча бошлади.

Чапаев аллақачон бу ердан кетганди. У жанг марказига шошиб борарди. У ерда қизил аскарлар тегирмон орқасига ўтиб, сўнгги ҳужумга ташланиш учун тўпланишаётган эди. Шу вақт ногаҳон ўнгдан «Ур-ра!» эшитилди. Чапаев маъқуллаб «ҳим!» деб қўйди. Бу Балаклавск полки эди, у қанотдан душманга зарба бериб, унинг орқа томонига хавф солиб ўтаётган эди. Бу хавфни станицадагилар ҳам сезиб қолишди. У ёқдан ўт очиш ҳатто зўрайди, аммо ўқлар тартибсиз, асабийлик билан отилаётганди, гўё одамлар отиб туриб, орқа томонларида нима бўлаётганига қулоқ солишаётгандай эди.

Орқа томонда эса нималар бўлаётганини пайқаш қийин эмасди. Тегирмонлар орқасида группаларга бўлинган, девор орқасига бекиниб олган қизил аскарлар ҳужумга ташландилар. Казакларнинг пулемётлари тиқилиб қолгандай жимиб қолди. Милтиқ залплари ўрнига бетартиб ўқ узиш бошланди. Кўп ўтмай бу ўқ узишлар ҳам тўхтади. Қизил аскарлар кенг оқимдек

станицага ёпирилиб кирдилар. Бутун жанг давомида жарликда турган отличлар чўлга чекинаётган казакларни таъқиб этишга тушдилар.

Соломихинск жимжит бўлиб қолди. Ётиш учун уйма-уй тарқалиб кетган қизил аскарлар ҳам тинчишди. Бекалари ертўлалардан чиқиб, толиққан жангчиларнинг қорини тўйғазиш учун печлар атрофида уймаланишарди. Дала ошхонаси ўз йўлига, лекин қайси бека уйда ётиб қолган одамларни боқмайди! Станицада эркаклар оз, асосан чоллару ўсмирлар қолган. Қари казакларнинг кўплари оқлар томонига ўтиб кетди, ёшлар ва бошқа шаҳардан келганлар Қизил Армия сафига киришди. Ҳамма иш аёлларга қолган эди.

Савдогар Карповнинг қатта уйи ҳам сув сепгандек бўлиб қолган, бу уйга Александров-Гай группасининг штаби жойлашганди. Кун бўйи қаттиқ чарчаган командирлар полга хашак солиб, дуч келган ерда ухлашарди. Чапаев карта устига энгашганича ҳамон стол ёнида ўтирарди. Ундан сал нарида, скамейкада Фурманов қалқиб зўрға ўтирарди. Совуқ ҳавода анча вақт бўлганлиги, биринчи жанг ҳаяжони уни толиқтирган эди. У полда бирон ерга чўзилиб, мириқиб ухлаб олган бўларди! Лекин Чапаевга қараб, Дмитрий Андреевич сергакланарди. Унга ўзининг ожизлигини сездириб қўйиш мумкин эмас. Агар ухлаб қолса, Чапаев билан ҳамма вақт баб-баравар юриш имконидан маҳрум бўлиб қоладигандек эди.

«Жони темирданми, ўзи!»— ачпииб хаёлидан ўтказарди Фурманов.

Хабарчи кириб келиб, пакет тутқазди. Чапаев пакетни очиб, хабарчини жўнатиб юборди, сўнг деди:

— Уральскдан маълум қилишяпти... Улар Лбишченскака қараб роса илгарилаб кетишибди.— У маълумотда айтилган аҳоли пунктларини картадан қидирди.— Ҳа, яхшигина силжишибди... Хўш, сиз нега ухламаяпсиз, ўртоқ Фурманов? Шу ернинг ўзида, скамейкада чўзилинг. Мен кўп ўтираман ҳали. Ётинг, иккиланманг, керак бўлиб қолганингизда сизни уйғотаман.

Дмитрий Андреевич таранг қилиб ўтирмади. У скамейкага чўзилиши билан ухлаб қолди. Аммо кутилмаганда тез-тез уйғониб, бетинч ухлади. У уйқу аралаш разведканинг қандай қайтиб келганлиги, бошлигининг казаклар ҳеч қаерда кўринмаётгани ва йўллар жуда ачиб кетганлиги тўғрисидаги маълумотини эшитди. Кейин Шильная Балкага ўттиз километрга қолганда казакларни кўришгани, улар йўл-йўлакай бу қишлоқни эгал-

лаб олишига сал қолгани ҳақида маълумот келди. Чапаев эса ҳамон карта устида ўтирар, циркуль билан ниманидир ўлчар, ёзиб олар ва яна ўлчар эди. Хира ёниб турган керосин лампаси чимирилган қошлари ва чеккасини тишлаб олган пастки лабини аранг ёритарди.

Чапаев штаб бошлиғининг ёрдамчисини чақирди-да, унга буйруқни айтиб туриб, машинкада ёздирди. Кейин Фурмановни уйғотди.

— Имзо чекиш керак,— дедп у, буйруқнинг бир нусхасини узатиб.

Фурманов ўқиб чиқиб, қўл қўйди ва тезда ухлаб қолди. Чапаев эса карта устида ҳамон ўтирарди.

4

Кун каттакичилик воқеалар билан қанчалик тўлиб-тошган бўлмасин, телефонлар қанчалик тўхтовсиз жирингламасин, ўнлаб чақирим наридан одамлар бўғиқ овозлари билан қандайдир муҳим, зарур гапни қор бўрони, туманлар ичидан етказишга зўр бериб бақирмасин, жуда муҳим ишлари билан келувчилар оқими ҳар қанча чўзилмасин, шундай вақт келадикп, воқеалар босилади, телефонлар жиринглаши ҳам борган сари камаяди ва ҳамма ёқ сув сепгандек бўлиб қолади.

Ана шунда ўзинг билан ўзинг ёлғиз қолиб, шошилмишда нималар қилишга улгурдинг-у, нималарни унутиб қўйдинг — батафсил ўйлаб, эртага қиладиган ишларни хаёлан мўлжаллаш мумкин бўлади.

Самара губерня ижрокомн раисининг хонасида катта ёзув столи ёнида баланд бўйли, елкалари кенг, юзи япалоқ киши ўтирарди. Унинг дўнг пешанасига ҳали битта ҳам чизиқ тушмаган бўлиб, худди кўп йиллардан буён чеккан ғам-ташвиш, хафагарчиликлари унга сира таъсир қилмагандек эди. Сочлари майин, хиёл қўнғир, ҳурпайган, юмшоқ эди, унчалик қалин бўлмаган мўйлови сийрак жингалак соқолига туташиб кетганди.

Кўк лаганли лампа столда ётган ён дафтарни ёритиб турарди.

Солдатча мовут гимнастёрка кийган, тирик руҳ зиёлиси — тўқсонинчи йилларнинг маърифатпарвари қиёфасидагн одам эртага қиладиган ишларининг ҳаммасини ёзгач, келгусида нимага эътибор бериш кераклигини белгилаб қўйиб, энди ўзининг ҳафталик жадвали устида ишлаётган эди.

Ҳафтада атиги бир юз олтимиш саккиз соат бор, суткада уй-қу учун ажратилган тўрт-беш соатдан бошқа соатлар иш билан тўлиб-тошганди. Шунга қарамай, машғулотлар учун вақт ажратиш лозим эди. Математика, тарих, иқтисодий география, марк-

снэм, беллетристика, немис тили — буларнинг ҳаммасини ўрганиш, ҳеч бўлмаса ора-чора, лоақал кунига бир соатдан (икки соатдан бўлса саз эди-я!) вақт ажратиб ўрганиш керак. Шунинг учун ёзув столи ёнида ўтирган киши жадвалга қараб, нималарнидир ўчираб, қисқартираб, машғулотлар учун вақт топишга уринар эди.

Секретарь аёл — одми қора кўйлак кийган кекса хотин кириб оҳиста деди:

— Ўртоқ Куйбишев, Фрунзе келди!..

Ён дафтарча стол четига учиб тушди. Куйбишев ўрнидап туриб, гина қилиб деди:

— Нега сиз уни қабулхонада ушлаб турибсиз?!

— Қабулхонада мени ҳеч ким тўхтатгани йўқ. Тартибга кўра маълум қилиш керак-ку,— деди Фрунзе кабинетга кириб келар экан.— Салом, Валерьян Владимирович.

— Қанақа тартиб,— эътироз билдирди Куйбишев саломлашар экан,— командарм кириб гапирса-ю. Энди шуниси қолвди...

Фрунзе кулди.

— Йўқ, Валерьян Владимирович, бугун негадир кайфиятингиз яхши эмас. Бирон воқеа бўлдимиз?

Куйбишев креслога ўтирди ва тирсақлари билан столга таяниб, жон-жаҳди билан чаккасини ишқалади.

— Ставрополни босиб олишди...— деди у.

Март ойининг бошида Шарқий фронт армияларининг орқа томонида кўтарилган кулаклар исёни ҳақида гап кетди. Бу исёни «чопон» исёни деб аташган эди.

— Биламан,— бош ирғади Фрунзе.— Худди ана шу ҳақда гаплашиб олмоқчи эдим.

У дала сумкасида карта олиб, столга ёйиб қўйди.

— Бу исён Симбирск губернясининг уч уездида бошланди. Кейин Бузулукда исён кўтаришга уриниб кўришди, бу энди Уфимскда бўлди... Эътибор беринг-а, буларнинг ҳаммаси Шарқий фронтимизнинг орқа томонига яқин жойда бўляпти. Энди исён бизга ҳам етиб келди, Самара ва Ставрополь уездларида бўлди... Яна бир хусусияти шуки, исёнлар Самара-Златоуст темир йўлининг муҳим участкасига яқин жойларда — Сизрань, Самара, Кинель, Кротовкада кўтарилиб, Бугульминскка қараб тарқалиб келмоқда...

Куйбишев картага назар ташлади. Бу жойларнинг ҳаммасини у Биринчи армияда сиёсий комиссар бўлиб турган пайтдаёқ яхши билар, бу чопон исёнлари қандай хавф туғдиришини тушунар эди. Исён кўтарганлар биринчи галда темир йўлни бузишга тушишгани маълум эди.

— Назаримда, — деди у, — бу ҳаммаси олдиндан мўлжалланган режа билан амалга ошириляпти. Бирон марказдан туриб раҳбарлик қилинаётган бўлса ҳам ажаб эмас.

— Исённи бостириш учун бир минг икки юз кишилик отрядни юбордим. Пенза ва Кузнецкдан ҳам бир оз ёрдам келди. Бу операцияга раҳбарлик қилаётган штаб комиссаримиз қизик гапни хабар қиляпти. Бу ерда эсер ва меньшевик оғайниларимизнинг қўли бўлиши керак, албатта. Бу энди одатдаги нарса. Аммо бошқа гап ҳам чиқиб қолди. Исён раҳбарларининг колчакчилар билан тўппа-тўғри алоқаси бор экан. Бунинг устига оқлар чекинаётганда Усинскоеда юзлаб милтиқларни қолдириб кетишибди.

— Усинское... Бу қизил аскарлар отряди ҳалок бўлган қишлоқ эмасми?

— Ҳа, ўша. Исёнчилар уларни кечаси ухлаб ётганда босиб, бир юз етмиш кишининг ҳаммасини ўлдирганлар... Ана энди, шундай савол туғилади, Валерьян Владимирович: бу исён оқларга нима учун керак бўлиб қолди? Фақат бизнинг фронт орқа томонимизни безовта қилиш учунми? Йўқ, бунинг учунмас... Бу уларга оқибатда нима бериши мумкин? Улар ҳозирги аҳволда, фронтда биз фақат оқ казаклар билан овора бўлиб турган вақтимизда бу исённи қийинлик билан бўлса ҳам тор-мор келтира олишимизни ҳисобга олмасликлари мумкин эмас. Душман бизнинг орқа томонимизда ўз одамлари борлигини шунчалик эҳтиётсизлик қилиб сездириб қўярмикин?

— Унчаликмасдир.

— Гап шунда-да! Колчакчилар катта ҳужумга тайёрланишяпти чоғи.

— Бешинчи армия йўналишида шунга ўхшаш нарса бошланяпти.

Фрунзе бош чайқади:

— Йўқ, мен бутун фронт бўйлаб ҳақиқатан катта ҳужумни назарда тутяпман. Ҳар эҳтимолга қарши Самарага келадиган йўллarda янги, эндигина тузилган 25-дивизиюни тўплаб туришга буйруқ бердим. Дивизияга бошлиқ қилиб Чапаевни тайинламоқчиман. У Соломихинск учун бўлган жангларда ўзини кўрсатди.

— У ишни тескарисига айлантириб юборишидан қўрқмай-сизми? — кулди Куйбишев.

— Бўлмаган гап! Булар ҳаммаси ёлғон...

— Ҳа, у ҳақда ҳар хил бемаъни гапларни вайсашади. Мен у билан учрашганман. Менимча, унга дивизиюни бериб, хато қилмагансиз.

Михаил Васильевич шошилмай картани тахлади.

— Чопон исёни,— деди у,— армияларимизнинг шундоққина орқа томонида совет ишлари жуда бўшлигини кўрсатди. Маҳаллий фавқулодда комиссияларнинг ходимлари ҳам ҳеч нарсага ярамайди. Ахир исён аллақачондан буён тайёрланган, бирмунча ошкора бўлган, улар эса ҳеч нарсани пайқашмаган. Оренбург губернясида маҳаллий раҳбарлар ўзларининг сўлларча қити-содий тadbирлари билан ҳатто ишчиларни ҳам ўзларига қарши қилиб қўйганлар, уйларига қайтаётган казак қисмларини эса қуролсизлантирмаганлар. Бу қисмлар бўлса ўзларидаги қиличлар, милтиқлар, гранаталар ва ҳатто пулемётлар билан станицаларга тарқаб кетганлар. Урол ва Тўрғай губерняларида эса бундан ҳам баттар. У ерда Совет ҳокимияти фақат шаҳарлардагина мавжуд, лекин шундай қингириклар борки, ҳайрон қоласан.

— Одамлар йўқ,— деди Куйбишев.— Энг яхши одамларни фронтга бердик. Ҳали яна берсак керак... Лекин сиз ҳақсиз, Михаил Васильевич, қандайдир чора кўриш керак.

— Менда бир мўлжал бор,— жавоб қилди Фрунзе.— Кучларимизни бирлаштириш керак. Барибир биз бир қатор жойларда ревкомлар тузиб, уларга раҳбар қилиб ўз сиёсий ходимларимизни қўйишга мажбур бўламиз. Иккинчидан, яқин вақт ичида марказдан тузукроқ қўшимча кучлар келишига умид қилиб бўлмайди. Жанубий группа Революцион ҳарбий кенгаши ҳозирок Оренбург, Тўрғай ва Урол ревкомларига бошқа шаҳарли аҳоли учун сафарбарлик эълон қилишга тайёрланишга буйруқ берди. Отларни ҳам сафарбар этамиз. Отлиқларсиз казаклар билан олишиш қийин... Аммо шуниси чатоққи, бунга ўхшаш ҳар қандай буйруқни марказ орқали жуда кўп муассасалардан ўтиб юборишга тўғри келади. Бунинг учун вақт керак, бизда эса фурсат йўқ.

— Шунинг учун нима қилмоқчисиз?

— Жанубий группага қарашли губерняларни унинг Революцион ҳарбий кенгашига ҳарбий соҳадагина эмас, гражданлик борасида ҳам бўйсундириш керак. Ана шунда фронтни ҳам, фронт орқасини ҳам мустаҳкамлаш учун ҳамма зарур тadbирларни бошқа ёқлар билан келишишга овора бўлиб юрмай дарҳол амалга ошириш мумкин бўлади... Бу ҳақда сиз қандай фикрдасиз?

Куйбишев панжаси билан сочини бир неча бор силади.

— Анча қийинчилиги бўлса ҳам, қизиқроқ туюляпти...

— Ҳаммадан кўра кўпроқ республика Революцион ҳарбий кенгаш раиси қаршилик қилса керак.

— Нима, у ҳали ҳам тинчигани йўқми?— сўради Куйбишев.

У Тўртинчи армияга Фрунзени командарм қилиб тайинлаш вақтида Троцкий қаршилик қилганлигини билар эди.

— Э, йўқ, у анойилардан эмас! Бирон бир жойда менинг қоқилишимни кутиб ётибди. Кутиб ётиш билан бирга бизнинг ҳар бир ташаббусимизга иложи борича тўсқинлик қилмоқда. Ҳе, жин урсин! Марказком йўл қўймайди, ҳеч нарса қилолмайди...

Фрунзе картани дала сумкасига солиб қовоғини осилтириб индамай ўтирарди. Унинг юзи қаримсиқ бўлиб қолгандай эди. Куйбишев синчковлик билан унга бир қаради, икки қаради, сўнг ўзини тутолмай деди:

— Дилингизда, Михаил Васильевич, нималарнидир яшириб турибсиз...

— Бу тўрт губерняни бошқаришни Жанубий группа Революцион ҳарбий кенгашида ким ўз зиммасига оларкин, шу ҳақда ўйлаяпман. Революцион ҳарбий кенгашда мену Новицкийми. Революцион ҳарбий кенгашнинг ўзи ҳам ҳозирча фронт директиваси билангина мавжуд. Бу ҳақда шу вақтгача буйруқ йўқ. Бинобарин, биз ярим легал аҳволдамиз... Яна бир нарсани ўйлаб қолдим: сиз, Валерьян Владимирович, бу ишга киришсангиз бўлмайдими?.. Нега менга ажабланиб қараяпсиз? Мен жиддий гапиряпман.

Михаил Васильевич жиддий гапирётганлигига Куйбишев жуда яхши тушунарди. Фрунзе фронт яқинидаги тўртта губерняни бошқаришдек оғир ишни Жанубий группанинг ҳали тузилмаган ва ҳатто тасдиқланмаган Революцион ҳарбий кенгашига юклаётганлигини ҳам Куйбишев тушуниб турарди. У қўмондон ўз армиясини қанчалик қийинчилик билан тўплаётганлигини, одамлар, қурол-яроғ, ўқ-дорилар билан тўлдириш учун нарядларни юлиб-юлқиб олаётганини, ҳали мустаҳкамланиб улгурмаган ўз қисмларини фронт штаби ва бош қўмондон кутилмаганда пайдо бўлган раҳналарни беркитишга тортиб олиб қўйишидан мардона сақлаб қолаётганини кўриб турган эди. Бундай «раҳналарни беркитиш системаси» билан душманни планли равишда тор-мор этишни ташкил қилиш қийин эди. Шунинг учун Валерьян Владимирович ростдан ҳам бундай ўткир қўмондон ва ўзига борган сари кўпроқ ёқаётган одам билан бирга ишласам бўлмайдими, деб ўйлаб қолди.

— Бу фақат менга боғлиқ эмас-да,— деди у.

— Тушунарли. Ҳаммамиз ҳам Марказий Комитет ихтиёридамиз. Шунинг учун...

Михаил Васильевичнинг гапи оғзида қолди. Эшик қаттиқ тақиллаб, останада ҳаяжонланган Сиротинский пайдо бўлди.

— Кечирасиз, ўртоқ қўмондон,— деди у ва Куйбишевни кўриб тутулиб қолди.

— Гапираверинг, Сергей Аркадьевич,— ишора қилди Фрунзе.— Нима бўлди?

— Бир юзу етмиш бешинчи полкда исён... Улар артиллерия омборларини ишғол қилдилар, ўша ерда берданкалар билан қуролланиб, шаҳарда жойлашган бошқа қисмларни ҳам оёққа турғизишга кетишди.

— Улар ҳозир қаерда?

— Инженерлик батальонига яқинлашиб қолишди.

Михаил Васильевич хаёлан чамалади. Бу жуда яқин жойда эди. Исёнчилар ҳозир батальон жойлашган ерда бўлишлари керак. Гап энди исёнчиларни улар қандай кутиб олишида қолган. У телефон орқали гарнизон бошлиғига ва махсус бўлимга қўнғироқ қилиб, исённи бостириш учун қандай чора кўришганлигини билди, тревога бўйича Богучаров эскадронини оёққа турғизишни маслаҳат берди. Бу эскадрон анча вақтдан бери Жанубий группа штаби комиссарининг ихтиёрида турарди. У трубкани аппарат ричагига қўйгач, Куйбишевнинг саволомуз нигоҳига жавобан деди:

— Ҳечқиси йўқ, Валерьян Владимирович, суриштириб кўрамиз...

5

Бир юз етмиш бешинчи полк запас полки эди, Полк жанубий группа қўшинлари орасида синфий белгисига қараб танлаб олишга зўр бермасларидан олдин тузилган; қайта тузиш эса йирик армия қўшилмалари ихтиёрига берилган эди. Яқинда бу полк билан жиддий шуғулланиш, унинг нимага қодирлигини кўришга қарор қилишганди. Бугун-эрта марказий губернялардан Самарага етиб келадиган сиёсий ходимларни кутиб туришган эди. Ҳозирча эса полкнинг жанговарлик қобилияти жиддий шубҳа туғдираётган эди. Унинг ичида қандайдир яширинча айниш бошланганди. Бу сиртдан қараганда, унчалик сезилмайдиган белгилардан кўриниб турарди. Лекин ҳали ошкора норозилик даражасига етиб бормаганди.

Кийим-бошларни тақсимлаш исёнга сабаб бўлди. Кийим-бош доим етишмасди. Янги қисмларни тузиш ва жангларда ҳолдан тойган қисмларни тўлдириш юзасидан кўрилган қатъий чоралар натижасида кийим-бошга эҳтиёж орта борди, лекин уни беришга нарядлар келиши қийин бўлди. Кейинги пайтда Самарага янги кийим-бошлар олиб келишибди, деган гап қандайдир йўл билан гарнизонга тарқалган эди. Бировлар уч минг комплект кийим-бош деса, баъзилар беш минг, ҳатто ўн мингта ҳам дейишарди. Аслида эса омборга атиги минг комплект келиб тушган

эди. Қўмондонлик бу кийим-бошларни чопон исёни райониға юборилаётган отрядларға бериш, 175-полкка эса ҳозирча кийилган, армия устахоналарида ямаб-ясқалганларни улашш тўғрисида кўрсатма берган эди.

Бу оқилона қарор полкда ғазаб уйғотди. Айниқса, 13-рота ўзини кўрсатди. Кейин маълум бўлишича, у ерда йигирма беш ёшлардаги, анча вақтдан бери махсус бўлим кўзатиб юрган Усенко деган қизил аскар ямаб-ясқалган уст-бошни бериш бошланган вақтда сўрига чиқиб, яхши тузатилган ботпикани қўлида силкитганича оташин нутқ сўзлаган. У омборларда уст-бош йўқ деган гап нотўғри, бу уст-бошларни махсус вазифани бажарадиган отрядлар учун, ўзимизникига қарши ўқ узишга тайёр турганлар учун сақлаб қўйишибди, ҳақиқий қизил аскарларга йиртиқ кийимларни беришяпти, деб бақирган...

Шу жойда ҳозир бўлган рота командири—собик халқ ўқитувчиси ўзини шу қадар йўқотиб қўйганки, бошланаётган тартибсизликлар ҳақида полк штабига маълум қилмаган, хатосини тушуниб қолганда эса фурсат ўтган эди. Полк 13-ротага эргашиб қазармалардан ёпирилиб чиқади. Бу исён шунчаки ўз-ўзидан бўлмаганлиги сезилиб турарди. Дарров қандайдир раҳбарлар топилади-ю олдиндан ўйлаб қўйилган мўлжал бўйича полкни артиллерия омборларига бошлаб боради. Омборлар олдидаги соқчилар қўлга олиниб, қуролсизлантирилади, қўлфлар бузилади, омборларда сақланаётган Бердан системасидаги милтиқлар билан қуролланган полк шу ерга яқин жойда турган инженерлик батальонига қараб йўл олади. Исёнчиларнинг режаси жўнгина эди. Батальон Самара яқинида истеҳкомлар қурилишидан эндигина қайтиб келганди. Одамлар музлаган ерни қовлаб чарчашган, оғиздан ҳовур чиқаётган қаттиқ совуқда озмоз гулханда исиниб олишдан толиқишган, кунига ётоқдан нш жойинга ва нш жойидан ётоққа ўн километрлаб йўл босиб тинкалари қуриган эди, шунинг учун исёнчиларнинг раҳбарлари улар жон-жон деб бизга қўшилишади, деб ўйлашганди.

Лекин бутунлай тескариси бўлиб чиқди...

Батальон командири олдида истеҳком қурилган район инженерларининг бошлиғи Қарбишев ўтирарди. У қурилишдан эндигина қайтиб келиб, чой ичиб исинаётганди. Столда яримлаб қолган самовар секин шинғиллаб турарди. Терлаган Қарбишев тўқ қора кўзларини ялтиратиб гапирарди:

— Биринчи жаҳон уруши биздан одам бўйи яхлит окоплар, блиндажлар, алоқа йўлларини талаб этарди, қисқаси, ҳарбий истеҳкомлар шу билан тугарди. Иттифоқчиларимизда ҳам, душманларимизда ҳам истеҳкомлар шунақа эди. Гражданлар урушида янги тактика пайдо бўлди. Бизда яхлит фронт чизиғи йўқ.

Шунинг учун албатта истеҳком қурилган районлар бўлиши керак.

Батальон командири шубҳаланиб бошини қимирлатди.

— Балки шундайдир, Дмитрий Михайлович,— деди у.— Истеҳком қурилган районлар солдатлардан, командирлардан ҳам бошқача машқни талаб қилади. Бизнинг қизил аскарлар бўлса душманнинг қанотдан қиладиган ҳужумига сира тоқатлари йўқ. Душман орқа томонимизга хиёл силжидими, бутун бошли полк, ҳатто дивизиялар ҳам ваҳимага тушиб десак бўлмайди-ю, аммо шоша-пиша чекина бошлайдилар.

— Шунинг учун чекинадиларки, орқаларида обозлардан бошқа ҳеч нарсани ҳис этмайдилар. Ҳали ҳам резервларсиз жанг қиляпмиз... Яқинда мажлисда қўмондонликнинг резервга ажратиб берилган қисмларни фронтга жўнатишни таклиф қилган штаб ходимларидан айримларини қўмондон болади.

— Яқинда у бизга келиб, қурилишни ҳам кўрди,— деди батальон командири.— Ҳамма ёққа кириб чиқди, ҳамма жойга борди. Мамнун бўлди.

— Михаил Васильевичми? У-ку истеҳком қурилган районларнинг аҳамиятини тушунади, фронт штабидаги айрим раҳбарларимизга ўхшамайди.— Қарбишев мийғида кулди.— Қизиқ! Кўринишдан ҳарбий одамга ўхшамайди, лекин масаланинг моҳиятига шундай тушунадик, менинг ақлим етмаган нарсаларни ҳам у пайқади.

— У қанақа нарса экан?

— Михаил Васильевич айтдики, граждандар урушида истеҳком қурилган район фақат соф ҳарбий аҳамиятга эга бўлиб қолмай, унинг сиёсий аҳамияти ҳам бўлади. Масаланинг бу томони жанговарлик қобилиятини анча оширади.

— Душманнинг-чи?

— Душманнинг нима алоқаси бор бу ерда?

— Унинг жанговар қобилиятини ҳам оширадими?

Қарбишев стол суянчиғига ўзини ташлаб, қотиб кулди.

— Сиз Тайшет тикчини тўғрисида ҳеч гап эшитганмисиз? Бу Қолчакнинг орқа томонида, Енисей ва Иркутск губернялари чегарасида бўлган. Маҳаллий партизанлар у ерда шунчалик фаоллашиб кетишдики, Тайшет станцияси томонида икки ойдан буён поездлар кечаси қатнай олмаяпти. Темир йўлни интервентлар қўшинлари қўриқлаб турганлигига қарамай, аҳвол шундай. Ҳа-а, эшитган экансиз! Мана шунинг ўзи сизга жавоб бўла олади...

Дала телефони аппарати зуммери сигнал берди. Батальон командири трубкани олди.

— Ҳа, мен. Эшитаман... Биз томонгами? Қўпчиликми? Бутун полк!.. Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Меникилар меҳнаткаш, чарчаган одамлар. Улар бемаънилик қилишмайди. Ҳа, яхши, чора кўраман...

Трубкани қўйиб, у Қарбишевга шундай деди:

— Бир юз етмиш бешинчи ҳаддидан ошибди. Бу томонга келишяпти. Навбатчи взводни оёққа турғизишга, соқчиларни кучайтиришга тўғри келади.

— Удалаша олармикан?

— Одамларга жабр бўлади. Чарчашган, сира уйқуга тўйиб ухлашолмаяпти... Пулемётларни чиқарамиз.

— Қойил!— ажабланди Қарбишев.— Зўрсизлар-ку.

Батальон командири кўз қисди:

— Уни кулақлардан тортиб олганмиз. Тўқнашишга тўғри келган эди. Бор-йўғи иккита экан, иккаловини ҳам қўлга туширганмиз.

— Пулемётлар ҳақида индамаган бўлсанглар керак албатта?

— Мақтанишни хуш кўрмаймиз..— У навбатчини чақириб, исёнчи полкни қарши олишга тайёрланиш тўғрисида кўрсатма берди.

Қаёқдандир чеккадан шовқин эшитилди. Қарбишев батальон командири билан зинага чиқди. Пастак девор олдида дневальный ўрнига одатдагидан кўп соқчилар — қуролига найзаси ўрнатилган уч нафар қизил аскар турарди. «Тез киришишибди»,— ўзича маъқуллади Қарбишев туташ кўчага кўз ташлаб тураркан. Қоронғи тушган эди. Ой пастгина осилиб турган булутлар ортидан аранг билинарди. Шовқин кучайиб, яқинлашиб келарди. Ҳайқириқлар эшитила бошлаган эди, лекин нима деб бақаришаётганини англаб бўлмасди. Кўчани тўлдириб келаётган қизишган, сўкинаётган одамлар тўдаси батальон казармалари олдидаги кичкина майдонга яқинлашиб қолган эди. Олдинда милтиқни бесўнақай силкитиб, кутилмаганда зиммасига тушган вазифадан талтайган ёш қизил аскар келарди. Милтиқни ушлашга қараб унинг қўлига қуролни биринчи марта олганлигини билиш мумкин эди.

— Мана шунақа тентакларни айёр тулкилар кўпинча олдинга ўтказиб қўйишади,— деди секин Қарбишев.

— Иштонини тушириб, қайин чивик билан савалаш керак,— жавоб қилди батальон командири.— Энг юмшоқ жазо шу. Бўлмаса трибуналга тушиб қолиши ҳеч гапмас бу тирранчанинг!

— Савалаш керак эмиш! Сизни қаранг-у... Трибунал, албатта, роҳат эмас, лекин текшириб кўришади.

Исёнчилар тўдаси майдонга кириб, девор олдига келди, ичкарига киришга уринди, лекин эшик берк эди.

— Очинглар!— бақирарди исёнчилар.— Нега бекиниб олдиларинг, халқдан қўрқасизларми?..

Соқчилардан кимдир дарвозадан нари кетинглар, деб айтди.

— Ҳа-ҳа, дарров улгурибсанлар-да!— деган овоз эшитилди тўдадан.— Фиръавнларни қўйиб қўйибсанлар-да!..

Исён кўтарганларнинг олдига қандай қилиб тушиб қолганини ўзи ҳам билмаган Усенко милтиқ қўндоғи билан дарвозага қаттиқ урар, кимдир девордан ошиб ўтишга уринар эди. Шу пайт казармада ўнг ва чап томондан дераза очилди, ойнадан пулемётлар чиқариб қўйилди, эшикдан эса жанговар ҳолда ўқдонлар ва найзаси ўрнатилган милтиқлар билан навбатчи взвод чиқиб, девор тагида саф тортди. Соқчи дарвозадан узоқлашиб, взводга келиб қўшилди.

— Ҳой, одамлар...— бутун майдонга эшитиладиган қилиб мурожаат этди батальон командири,— девордан икки қадам орқага чеқининг!

Бунга жавобан бақирриқлар эшитилди:

— Дарвозани очинглар!

— Нима, биз ўз оғайниларимиз билан гаплашишимиз мумкин эмасми?!

— Сизнинг оғайниларингиз бир ойдан ортиқроқ истеҳком қурилишида ишлашди. Улар чарчашган,— деди батальон командири.— Сиз эса майнабозлик қилиб юрибсиз.

Унинг охириги сўзлари ҳар хил болохонадор сўкишлар ичида эшитилмай қолди. Берданкаларнинг затворлари шақирлади.

— Ўт очишга тўғри келади,— деди батальон командири Қарбишевга.

— Сабр қилинг...

— Уларни бу ёққа киритолмайман. Огоҳлантириб отиб кўраман.

Оломон деворга ёпирилиб келди. Эшик қарсиллаб кетди. Батальон командири ўт очишга команда бериш учун қўлини кўтарди. Шу пайт бирдан отлиқлар сурнайчаси янгради. Богучаровнинг учтадан сафланган отлиқлари исёнчиларни қисиб майдонга кириб келди. Қарши томондан эса тачанкалар кириб келди ва бурилиб, пулемётлар билан қуролланган оломонни мўлжалга олди. Уларнинг орқасидан кўчага тикилиб келаётган пиёдалар кўриниб қолди.

Оломон жимиб қолди. Богучаров узангида кўтарилиб, майдонга назар ташлади ва шундай деди:

— Гап бундай, йигитлар. У томондан, кўриб турибсизки, майдон маҳкам тўсилган. Бу томондан ўтадиган жой ҳам тор... Қисқаси, етар шўхлик қилганларинг. Милтиқларни мана бу ёққа ташланг-да,— у муюлишдаги уйнинг деворини кўрсатди,— тўрттадан бўлиб сафланинг ва казармаларингизга жўнанг.

Богучаров отни ниқтаб оломон ичига кирди ва инженерлик батальони дарвозасига жон ҳолатда қўндоқ билан ураётган Усенкога яқинлашди.

— Уғлим,— деди у, Усенконинг қўлидан милтиқни тортиб оларкан,— сен янглишдинг! Бу бувингни ўқлоғи эмаски, бу билан тақиллатсанг.— У отни муюлишдаги уйга бурди-да, энгашиб, милтиқни деворга тираб қўйди ва яна ҳанг-манг бўлиб қолган оломонга мурожаат қилди:— Без бўлиб тураверасизларми? Қуролларни ташланг!..

Унинг сигнали билан отлиқлар оломон орасига ёриб киришди-да, бир группа исёнчиларни ажратиб олиб, уларни муюлишдаги уй деворига сиқиб келаверишди, қуролни ташлашга мажбур этишди ва тўрттадан сафга тизиб, кўчага олиб чиқиб қўйишди. Улар кетидан иккиланиб бошқалари ҳам эргашишди, аввалига истар-истамас, бошқаларга қараб, кейин эса тобора тезроқ кела бошлашди. Узангида турган Богучаров оломон ўртасида тўпланиб қолган исёнчилар галасига диққат билан қарарди. У ерда ниманидир қизғин муҳокама қилишарди-ю, лекин бир фикрга келишолмасди. Богучаров имо билан отлиқларга уларни кўрсатди, отлиқлар иккитадан бўлиб сафланиб, осонгина оломон орасига ёриб киришди, бу тўдани ўраб олишди, кейин икки қатор бўлиб йўлак ҳосил қилишди ва тўдани майдондан чиқиб кетадиган томонга бошлашди. Улар орқасидан бошқалар ҳам шошилишди. Тортиб олинган милтиқлар уюмн тез кўтарила бошлади.

Михаил Васильевич аппаратхонадан шошилмай чиқиб келди, биринчи қаватга тушди, ўз хонасига ўтди. Столи устида Лбишченск ишғол этилганлиги тўғрисидаги хабар ётарди. У хабар мазмунини аллақачон билган эди. Бу кейинги кунларда бутун Шарқий фронтда бўлган бирдан-бир муваффақиятли операция эди. Фрунзе ҳозиргина фронт қўмондони Каменев билан телефон орқали тўғридан-тўғри гаплашганда, қўмондон бу ҳақда гапириб берган эди.

Ҳа, катта галаба эди. Ўн кунлик жангларда оқ казаклар-

нинг асосий кучлари тор-мор этилиб, тарқатиб юборилганди, асирга олинганди, асирларнинг кўплари отда саф тортиб, қуроллари билан таслим бўлгандилар. Обозлар, поход ошхоналари, телеграф ва телефон станциялари, мол подалари қўлга олинган эди. Қувонса бўларди, лекин Михаил Васильевичнинг дили гаш эди. У жуда қийинчилик билан, Троцкийнинг яширин, аммо қаттиқ қаршилигига қарамай, Тўртичи армияни тузди, уни ҳар хил йўллар билан қуроллантирди: қуролларини ҳаматто Украинанинг ҳарбий ишлар бўйича халқ комиссаридан ҳам сўраб олди, у ёқда бир неча ғалабалар натижасида катта ҳарбий омборлар олинганлигини эшитиб қолган эди; армияда бўлмаган отлиқ қисмларни тузди, бу қисмларсиз отлиқ казаклар билан урушиб бўлмас эди; ниҳоят оқ казакларга қарши қақшатқич зарба берди, Гурьевни ишғол этиш билан бу ғалабани мустаҳкамлашни ҳам ўйлаб қўйганди, бу билан Ўрол казакларининг қайта бош кўтаришининг олдини олмоқчи эди. Қўлга туширилган радиограммаларга қараганда, инглизлар бу казакларга Каспий орқали ҳар қанақа мадад беришга тайёр эдилар. Шунча иш қилса ҳам Фрунзегга бўлган муносабат сира ўзгармаётган эди. «Ранжиган бош қўмондонлар», Троцкий билан Вацетисни Фрунзе ўзича шундай деб атаган эди, уларнинг хоҳишига қарамай, Фрунзенинг тайинланганлигини улар сира ҳазм қила олмаётган эдилар. Бундан эса ишга зиён тегаётган эди. Шуниси ҳам борки, Вацетис эҳтимол Троцкийнинг раъйига қараб иш тутгандир, Республика Революцион ҳарбий кенгаши раисининг ўта манманлиги ва ўткир хотираси яхши маълум эди.

Бугун ҳам Фрунзенинг жанубий группа Революцион ҳарбий кенгашининг мавжудлиги тўғрисида қачон буйруқ чиқарилади, деган саволига Каменев хиёл тўхтаб «мен буйруқни ҳозироқ ёзишга тайёрман, бироқ бош қўмондон томонидан қандайдир қийинчилик учраб турибди. Яқин кунларда бош қўмондон Симбирскка жўнайди, ўшанда бу масала узил-кесил ҳал бўлади», деб жавоб берди.

«Яхши, бош қўмондонни кутампз. Лекин оқлар кутиб туришга қўярмиканлар?»

Ҳар сафаргидек Михаил Васильевич яна индамай туришга ҳақи йўқ эканлиги ҳақида ўйлаб қолди, индамай туриш билан бош қўмондонлик хатоларини ҳам, бевосита ўзининг армияси орқа томонида бўлаётган бемаъниликларни ҳам яширарди.

Разведка маълумотларидан маълум бўлишича, Гурьевдан тўқсон беш чақирим шимоли-шарқда бўлган Доссоров нефть конлари ишлаб турган эди. У ерда беш ярим миллион пуд

нефть, ўттиз етти минг пуд керосин йиғилиб қолган эди. Маҳаллий нефтни қайта ишлаш заводи ҳар куни ўн беш минг пудгача керосин ишлаб чиқараётган эди. Денгиздан бориб кичик экспедиция отряди ёрдамида Гурьевни эгаллаш қийин эмасди. У ерда душманнинг ҳеч қандай кучлари йўқ эди. Агар 25 дивизия қисмларини Самара — Бузулук темир йўлига резервга чиқариб туриш лозим бўлмаганда, биргина 22-дивизиянинг кучи билан, денгиз десантисиз ҳам ишғол этиш мумкин эди. Самара — Бузулук темир йўли томонда жиддий воқеалар юз бериши аниқ бўлаётган эди.

Бу нефть эса жуда асқатарди. Уни от-арава билан Уил орқали Туркистон темир йўлига юборса бўларди.

Ўрол ва Оренбург губерняларида совет ишлари ҳамон йўлга қўйилмаган эди. У ердаги бебошлик туфайли озиқ-овқат запаслари: дон, гўшт, балиқ барбод бўлаётган эди. Бозорларда озиқ-овқат маҳсулотлари шубҳали тарзда йўқ бўлиб қолаётган эди. Шу сабабли шаҳар аҳолисининг газабни кучаяётганди.

Михаил Васильевичнинг ҳамма сигналлари ботқоққа тушган тошдек беиз, бенишон кетаётган эди. Бирон жиддийроқ чора кўрилмаса бўлмасди.

Навбатчи адъютант кирди:

— Гарнизон бошлиғи телефон қияпти.

Фрунзе телефон трубкасини олди.

— Қандай янгиликлар? Исёни бостирингларми?.. Хўш... хўш... Қазармаларга кириб кетишди? Яхши... — У соатига қаради. — Йўқ, керак эмас. Ҳар қалай тун. Соат уч... Эрталаб одатдаги рапорт вақтида маълум қиласиз. Ҳа, соат ўнларга яқин. Хайрли тун...

У трубкани қўйиб, адъютантдан сўради:

— Богучаров шу ердами?

— Ҳа, қабулхонада.

— Айтинг, кирсин.

Бир дақиқадан сўнг қадам товушлари, шпорларнинг жиригина эшитилди ва эшикда Богучаров пайдо бўлди. Унинг эгнида этаги белигача очиқ, майда металл тугмачалари думалоқ-думалоқ қизил мовутга чиройли қадалган узун суворилар шинели ва бошида кулранг қорақўл папах бор эди. Папахни қўлга туширилгани, генералники эканлиги аниқ эди.

— Мумкинми, ўртоқ қўмондон!

— Келинг, Богучаров, ўтиринг. Хўш, нима гап экан ўзи?

— Арзимаган нарсасиз, ўртоқ қўмондон. Шунчаки бешта иш бузуқи билан ўттизгача бақироғу мингга яқин аҳмоқ бир бўпти. Бор гап шу.

— Бундан чиқди, ҳаммаси аҳмоқ экан-да?
— Бўлмаса-чи, ўртоқ қўмондон! Ақли бўлса, шу ишга қўшилишармиди... Ишбузуқиларни олиб кетувдикки, қолганлар ўзлари индамай эргашишди.

— Патронларни тортиб олдингларми?

— Биттасини ҳам қолдирмадик.

— Гарнизон бошлиғи полк казармаларда, деб маълумот берди.

— Худди шундай. Соқчини ўзимиздан қўйдик. Ундан кейин...— Богучаров чайнаиб қолди.

Фрунзе синчковлик билан унга қаради.

— Айтаверинг.

— Биласизми, гап шундаки, ўртоқ қўмондон, у ерда мен бир оз ўзбошимчалик қилдим.

— Хўш, аниқроғи?

— Ҳамма галва ўн учинчи ротада кийим-бошдан бошланган эди. Шунинг учун кийим-бош билан жанжалга барҳам бериладиган бўлса, ўша ўн учинчи ротадан бошласа ёмон бўлмайди, деган фикрга келдим. Кимга нима керак бўлса ҳозир кўз олдимизда беринг, деб айтдим. Командир ёмон одамга ўхшамайди, пенсне таққан, ўқимишли кўринади. Назаримда у улардан кўрқади. Қўрқиш эса энг ёмон нарса.

— Нима бўлган экан?

— Йўқлама қилиб ном-баном чақира бошладик, биринчи бўлиб ўша ҳаммадан кўп жанжал қилган Усейкони чақирдик. У эса кузғунга ўхшаб бир жуфт ботинкага кўзини лўқ этиб қараб тураверди, жойидан қимирламади. Ботинка ёмон эмас, ямалган бўлса ҳам пишиқ, кийса бўлади... Унга қараб бошқалар ҳам иккилана бошлашди,— буниси қизиқ бўлди-ю, қурол ишлатмасак гўргайди, деб хаёлимдан ўтказдим. «Қанақасан ўзи, сен, жўжа-хўроз, халқ мулкидан жирканяпсан? Ёки бойвачча отанг мойланган этик тайёрлаб қўйибдими? Армияга келаётганингда нега ўшани кийиб келмадинг?!» Унга шундай дедиму, ўзим сени тўппонча филофини ечдим...

— Ундан кейин нима бўлди?

— Ярамас, ботинкани олди. Жуда енгил тортидим... Унинг кетидан бошқалар ҳам каптеркага келишди. Ун учинчи рота кийим-бош олаётганлигини билиб, бошқа роталарда ҳам олағовур бошланди. Полкда ҳеч нарсани яшириб бўлмасди. Уларга ҳам кийим-бош беришга тўғри келди.

— Кечаси-я? Ҳеч кимга уйқу бермапсизлар-да...

— Уларга биров келсин дептими. Бизни ҳам уйқудан қолдиришди.

Михаил Васильевич шошилмай, кўзини хиёл қисиб сўради:

— Менга қаранг, Богучаров, ҳақиқатан ўша... Усенкони от-моқчи эдингизми?

У дарҳол жавоб бермади.

— Билмадим, ўртоқ қўмондон, отишим ҳам мумкин эди... Ким билади дейсиз, яна. Аниқроғи, бир тарсаки қўйиб, кейин икки отлиқ аскаримга буюрардим, улар қиличларини яланғочлаб махсус бўлимга олиб кетарди. Қилич яланғочлатиш — шунчаки қўрқитиш учун.

— Қўл югурдаклик қилиш кетмайди, ўртоқ Богучаров,— қўшилмади Фрунзе.

— Жуда гўр-ку, ўртоқ қўмондон! Ахир уни отиб бўладими...

Эрталабдан адмирал тутоқа бошлади. Комуч*дан сафсата-бозларни усталик билан сиқиб чиқариб, ўзини «Бутунроссия ҳукумати»нинг бошлиғи деб эълон қилган вақтдан бошлаб унда шундай хусусият пайдо бўлди: бирон нарсадан норози бўлиб, таъби сал хираланиб турган бўлса, бу хираланиш ғазабга айланарди, ғазаб эса уни қутуртириб юборарди. Қутурган пайтда у ўзи ўтирган креслонинг суянчиғини қаламтарош билан тирнашга тушарди. Штаб коменданти ўйилган креслоларни дарров алмаштириш учун бир талай айнан бир хил креслоларни йиғиб қўйган ва уста дурадгорлар ёллаган эди. Бу дурадгорлар адмирал кайфияти туфайли ишдан чиққан креслоларни тузатишлари керак эди. Ҳозирча Колчак тутоқаётган эди. Бунга Париждан келган шифрли телеграмма сабаб бўлди. Бу телеграмма бир соат олдин Сибирь ҳукумати агентидан олинган эди. Агент Антанта Олий иттифоқ кенгаши доирасида Колчакни олий ҳоким деб эътироф этиш ҳақида зўр бериб гапиришаётгани, лекин Колчак ҳукумати лоақал маслаҳат органи сифатида таъсис мажлисини чақирса, эътироф этажакларини маълум қилган эди... Мана шу адмирални тутоқтираётган эди.

Уларнинг ҳаммаси ақлдан озгаъми ўзи. Бу таъсис мажлисини қанақа қилиб чақириларкан? Иннанкейин, нима кераги бор? Сафсатабозлик қилиш учунми?.. Унда Комучни тарқатиб юборишнинг нима кераги бор!..

* Комуч — таъсис мажлиси аъзолари комитети — ёш Совет республикасига қарши Волга бўйи ва Сибирда исён кўтарган контрреволюцион ташкилот.

Иўқ, булар ҳаммаси французларнинг иши. Генерал Деникин унинг, адмирал Колчакнинг олий ҳокимиятини таниган вақтда, январь ойидаёқ Екатеринбург, яъни Деникин ўзининг миллий марказини Сибирь ҳукумати билан бирлашгаилиги ҳусусида ҳамдардлик билдиришга шошилганликлари бежиз эмас.

Албатта, бу ландовур Деникин қўшинларининг зарбаси Донбассга қаратилиши уларга кўпроқ маъқул келади. Уларнинг ва бельгияликларнинг асосий капитали ўша ерда ётибди... Қизиқ, бу гап-сўзларни генерал Жанен билармикан? Бидса керак. Ҳар қалай француз миссиясининг бошлиғи-ку... Лекин сўнгги учрашув вақтида миқ ҳам этмади. Дипломат!.. Нокс ҳам билса керак. У Вятка ва Каманинг иккала қирғоғига қужум қилишнинг шимолий вариантини бекорга бунчалик зўр бериб тавсия этаётгани йўқ. Бу тушунарли, албатта: инглизлар бой, марказдан узоқ Сибирга қизиқишадн. Улар бошқалардан олдинроқ Котлас орқали ёрдам бера олишлари мумкин. Бекорга эмас, албатта. Текинга улар сувни ҳам раво кўрмайди.

Адмирал секин-аста ўзига кела бошлади.

Ҳечқиси йўқ, французлар кўникишади. Қозонда қўлга киририлган олтин запас унда-ку. Жаҳон урушидан қолган қурол-яроғ, кийим-бош ва ҳар хил интендат буюмлари иттифоқчиларда шунчалик кўпки, қаёққа қўйишни билишмайди. Ҳатто сотса ҳам бўладн. Бинобарин, истар-истамас олий ҳоким деб танишга мажбур бўладилар...

Лекин нимадир қилиш керак. Қилганда ҳам дарҳол. Фронгда бир неча катта муваффақият қозонилса, бу Парижда унга бўлган муносабатни дарҳол ўзгартирарди. Бироқ душманга қайси йўналишда зарба берса бўларкин? Сибирь армиясининг қўмондони генерал Гайда қистаётган шимол йўналишидами?.. Улар у ёқда муваффақият қозонишга шунчалик ишонишадикн, Пермни усталик билан бир ҳужум қилиб эгаллаган генерал Пепеляев яқинда Екатеринбургда бўлган мажлисда адмиралнинг олдида Москвани бир ярим ой ичида ишғол қилишга ваъда берди. Еки Деникин илтимос қилаётган ғарбий йўналишда зарба берсаммикн? Деникин адмирал билан Саратовда учрашишни мўлжаллаяпти.

Бу фикр Колчакни ижирғантириб юборди. Саратовда бўладиган учрашув ҳеч қандай яхшиликка олиб келмайди. Узоқ вақт Лавр Корниловнинг этагидан тутиб юрган бу ғаламис Москва босиб олинса, ғолибнинг зафарига шерик бўлиб олишдан ҳам қайтмайди, эҳтимол уни, Колчакни умуман чеккага суриб қўйишга уриниши ҳам мумкин. Бу иш унинг қўлидан келади. «Иўқ, жаноб, сиз учун ҳеч ким ўзини ўтга ташламайди! Ўз қорингизни ўзингиз курайверинг... Ким устунлик қили-

шига келсак—кимки Москвани биринчи олса, ўша устун бўлади. Ҳа!»

Кабинет остонасида начштаверх*, йигирма олти яшар ёш генерал Лебедев кўринди. Колчак билан алоқа боғлаш учун Деникин томонидан Омскка юборилган Лебедев ноябрдаги давлат тўнтариши** вақтида Колчакка қўшилди ва жуда тез кўтарилди, штабс-капитанликдан генералга айданиб қолди.

— Келинг, келинг,— деди Колчак.— Сизни кутяпман.— У ўз начштаверхининг пайдо бўлганлигидан қувонгани яққол сезилиб турарди. Лебедев уни ҳамма вақт қандайдир йўл билан тинчлантира оларди.— Ҳўш, сизда қандай янгиликлар бор?

— Қизиқ янгиликлар, жаноб адмирал. Разведкамиз берган маълумотларга қараганда, большевиклар Шарқий фронтда муваффақиятсизликка учраб, генерал Деникин қўшинлари ҳужумни давом эттирадиган бўлса, Туркистон, Ҳиндистон, Эрон ва Хитойга чекиниб, ўша ёқда ўт ёқишга қарор қилганлар.

— Шунақа бўлиши мумкинми?

— Маълумотлар жуда ишончли. Улар ҳозир шу ерда. Шарқий фронтда, ўзларининг Туркистонга чекинишларини ҳимоя қилиш мақсадида Туркистон армияси ва Тўртинчи армия састабида Жанубий группани тузганлар. Группага земгусар***лардан бўлган қандайдир Фрунзе қўмондонлик қилипти, лекин гап бунда эмас. У оддий большевистик комиссар. Унга генерал Новицкий ёрдамчилик қилади.

— У ҳақда нималар маълум?

— Жаҳон урушида дивизияга қўмондонлик қилган, лекин аллақачон большевикларга сотилиб кетган.

— Дивизияга қўмондонлик қилган? Унчалик эмас экан-ку... Аммо Жанубий группа тузилганлигининг ўзи диққатга сазовор. Ана шу ҳақда ўйлаб кўриш ўринли.

— Шубҳасиз, жаноб адмирал!..

Айни фурсати келган эди. Янги пайдо бўлган генерал Лебедев собиқ фельдшер, янги генерал Гайда билан қасдлашиб қолган эди ва у арининг инига кирган айиқдай ҳақиқатан ҳам Москвага бостириб кирмасайди, деган хавфда эди. Албатта, начштаверх Қизил Армиянинг тор-мор бўлишини жуда истарди, ле-

* Олий бош қўмондон штабнинг бошлиғи.

** Комуч ҳукуматини ҳайдаб юборган Колчакнинг 1918 йил ноябрида қилган давлат тўнтариши.

*** Биринчи жаҳон урушида озиқ-овқат таъминотини йўлга қўйишда рус армиясига ёрдам қилган земство ва шаҳарлар Союзи ходимларини масхара қилиб шундай атаганлар.

кин голиблик сурурини нима учун бу чех тўнғизи сурар экан? Пепеляев Пермни ишғол қилгандан сўнг, Гайдада пайдо бўлган димогдорликнинг ўзи Лебедевга етарли эди.

— Шубҳасиз, жаноб адмирал,— такрорлади Лебедев ва тил-ёғламалик билан деди:— Нима учун биз аралашиб бу большевистик режани бузмас эканмиз?

— Қандай қилиб?

— Мен генерал Ханжиннинг эллик минг кишилик армиясини назарда тутяпман.

Адмирал қовоғини солди:

— Ҳозир Ғарбий армиянинг вазифаси тайин: душманнинг кучларини сиқиб қўйиб, бу билан генерал Гайданинг Шимолий армиясини Москвага муваффақиятли ҳаракат қилишини таъминлашдир.

Лебедев ўз планлари хавф остида қолганини сизди, лекин у чекинадиганлардан эмасди. У адмиралнинг феъл-атворини жуда яхши ўргангани, унинг заиф томонларини биларди ва улардан фойдалана оларди.

— Шубҳасиз, жаноб адмирал!— хитоб қилди у.— Зарбани Шимолдан бериш — ҳужумнинг энг муҳим йўналиши. Бу ҳақда икки хил фикр бўлиши мумкин эмас... Лекин менинг назаримда генерал Ханжин армиясининг вазифасини бир оз кенгайтириш керак. Қизилларнинг зарба берилиши лозим бўлган Бешинчи армияси аслини олганда заиф тўсиқ. Уша армия атиги ўн минг кишидан иборат, улар ҳам тўла яроқли эмас. Бизнинг Ғарбий армиямиз уни тор-мор этиб, Бирск, Уфа, Стерлитамак, Белебей районини эгаллаб, сўнг қизилларнинг Биринчи армияси орқа томонидан зарба бериш билан большевикларнинг Туркистонга чекинадиган йўлини кесиб қўйишда Дутов қўшинларига ёрдам бериши мумкин...

Лебедев тажрибали штаб ходимидек манманлик билан ишонарли қилиб гапирар, бутун деворни эгаллаган катта топографик картадан Ханжин Ғарбий армияси зарбаларининг йўналишини кўрсатиб, ўз мулоҳазаларини мустаҳкамлар эди. Картада қалин чизиқ билан фронт чизиғи иланг-биланг қилиб кўрсатилганди, душманга қарши бошлашга мўлжалланган ва фронтнинг яқин орқа томонида тузилган дивизия ҳамда корпуслар шартли белгилар билан, фронт орқасининг анча ичкарасида, Енисей ва Иркутск губерняларининг чегарасида майда қизил нуқталар билан кўзғолон ва партизан отрядларининг марказлари белгилаб қўйилган эди. Майда қизил нуқталар айниқса Сибирь темир йўлининг фронтни таъминлаб турган энг муҳим магистраль Камарчаг ва Тайшет станциялари атрофида жуда кўп эди. Аммо начшта-верх уларни пайқамасликни маъқул кўрди. У Қизил Армия

қисмлари тор-мор этиладиган яқин жойларнинг ва Москвага жадал ҳаракат қилишнинг манзараларини чизар, адмирал бу тузоққа илинармикан, деб зимдан кузатиб борар эди. Адмирал «йлинди» ҳам. Қуруқликдаги жангни яхши тушунмайдиган денгизчи ўзи интилаётган нарсага ҳавас билан қулоқ солиб турарди. Унга ғалабалар, катта, бешак ғалабалар керак эди, шунинг учун ўз начштаверхининг гапларига қулоқ соларди, унинг ваъдалари қанчалик амалга ошиши ҳақида кам ўйларди.

Адмирал эҳтиёткорликни йиғиштириб қўяётган эди.

У ҳозир жанг майдонларида пароканда бўлиб, қочиб кетаётган қизил аскар қисмларини, қадимий пойтахтга байроқларини ҳилпирайтиб кириб бораётган ўз полкларини ва ўзининг Кремлда парад қабул қилиб турганлигини кўраётган эди. Булар ҳаммаси шундай жозибали эдики, адмирал ўз фикридан қайта бошлади.

— Маълум даражада сиз ҳақсиз,— ўйланиб деди у.— Большевикларнинг Биринчи армияси орқасига ёриб ўтиш уларнинг кўмондонлигини саросимага солиб қўйиб, Волга орқали кечув жойини қўлга олишимизга имкөн берган бўларди. Гап бунинг учун фақат бизда куч ва воситалар етарлими-йўқми, ана шунда қолган. Албатта, қизилларнинг Бешинчи армиясини Ханжин армияси учун жиддий тўсиқ ҳисоблаб бўлмайди, лекин у ерда бу армия ёлғиз эмас. У билан ёнма-ён ёш Тўртинчи армия бор, у кейинги пайтда анча мустаҳкамланган бўлиши керак, яна Биринчи армия ҳам турибди. Бундан ташқари, атаман Дутовдан олинган маълумотларга қараганда, Туркистондан ёриб ўтган қўшинлар ҳам армия қилиб тузилган, Туркистон армияси деб ном олган... Афсўски, Дутовнинг хабарларида бу армия жанговар қисм сифатида қандай кучга эга эканлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган...

— Кечирасиз, жаноб адмирал,— фурсатдан фойдаланиб, тил-ёғламалик билан деди Лебедев.— Бизга жуда ишончли разведка маълумотлари кечагина келди: Туркистон армияси деб аталган армия бизга яхши маълум бўлган Оренбург дивизиясидир, у кейинги жангларда анчагина дабдала бўлган. Қизиллар бу дивизияни энди армияга айлантиришмоқчи. Резервлар ва қурол-яроғ запаслари мутлақо йўқлиги учун улар бу ишга бир неча ой сарф қиладилар. Уигача биз Волганинг нариги томонига ўтиб олган бўламиз. Қисқаси, бизда тўла устунлик бор.

— Ҳа, бу муҳим далил...— деди адмирал. Унинг ўнг қоши негадир бирдан чимирилди.

Кабинетга адъютант кирди.

— Кечирасиз, жаноб адмирал,— деди адъютант.— Барон Будберг... Келганлигини маълум қилишни буюрган эдингиз...

Колчак бир оз ўйланиб қолди. Барон унинг ҳукуматида ҳар-

бий министр эди, шунинг учун оператив ишларга бевосита алоқаси йўқ эди, лекин у иккала уруш вақтида катта штаб ва строевой лавозимларда ишлаб тажриба орттирган генерал эди. Кейинги урушда корпусга командирлик қилганди. Адмирал атиги бир ой муқаддам уни Омскка келишга таклиф этган эди,— кейинги вақтда барон Харбинда бунақа ишларга аралашмай қўйган эди,— адмирал унинг катта ҳарбий тажрибасидан фойдаланмоқчи бўлганди. Бахтга қарши бароннинг феъл-атвори огир эди, бу ҳол Қолчакни ўйлашга мажбур этди: «У билан маслаҳатлашиш керакмикан?» Аммо ўзининг қувончли режаларини бообрў одамдан тасдиқлатиб олиш истаги устунлик қилди.

— Қирсин,— деди у ва начштаверхнинг ранги ўчиб кетганлигини кўриб, қўшиб қўйди:— Ҳечқиси йўқ, барондан ҳам эшитайлик-чи.

Қони қочган юзп ичига кириб кетган, кўзлари киртайиб қолган, усталик билан тикилган бўлса ҳам, кийимидан сўнгаклари бўртиб турган новча генерал кириб, адмиралга секин таъзим қилди, начштаверх билан истар-истамас саломлашди. У уни мансабпараст ва ношуд ҳисоблар, кўришга тоқати йўқ эди, шунинг учун унга эътибор бермай, ўзига кўрсатилган стулга ўтирди. У бир қанча зарур масалалар бўйича адмирал билан якка ўзи гаплашиб олмоқчи эди, лекин Лебедев борлиги учун гаплаша олмасди. Бу ҳол дарҳол унинг кайфиятини бузди.

У адмиралнинг гапларини кўринишдан вазминлик билан эшитиб, юпқа қонсиз лабларини қимтиб ўтирди ва бу план тўғрисида қандай фикрда эканлигини қайта сўраганда шундай деди:

— Мен икир-чикирларини яхши билмайман, лекин бундай катта мақсадни амалга ошириш учун жиддий стратегик резервлар керак бўлади.

— Қапель корпуси ва Екатеринбургдаги зарбдор армия корпуси-чи?— ўзини тўхтатиб туролмади Лебедев.

Барон унга бир қараб қўйди.

— Стратегик резерв деганда одатда бошқа нарса назарда тутилади. Бу — оддий ҳақиқат,— деди у, кейин адмиралга мурожаат қилди:— Менинг тушунишимча, фронт бўйлаб олти юз чақиримча, ичкарисига эса, Волгани ҳам ҳисоблаганда, тўрт юз чақиримча жойда ҳужум бўлади. Жуда кенг плацдарм!.. Биз, албатта, қизилларнинг фронтини ёриб ўта оламиз, лекин душман осонгина орқасига чекинади, дейиш тўғри эмас. Бизни рўпарадан ҳам, қанотлардан ҳам ўққа тутишади, деб ўйлайман. Бинобарин, янги армия қисмларини ёриб ўтишга ташлаш керак бўлади. Бизда эса, жаноб начштаверх назарда тутаётган, охиригача тузиб бўлинмаган корпуслар ва Омск ҳамда Томскдаги учта дивизиядан бўлак ҳеч нарса йўқ. Фронт орқасининг аҳволи,— у картада

майда қизил нуқталар билан партизан отрядлари ва қўзғолонлар районлари белгиланган жойларга қаради,— умид туғдирмайди. Иттифоқчиларнинг қўшинлари темир йўлни қўриқлашни ўз зиммаларига олдилар, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бу ишнинг уддасидан чиқа олмайди. Биз бутун Красноярск участкасида тундаги ҳаракатни тўхтатишга мажбур бўлдик. Натижада Иркутск узели поездларга тўлиб кетди. Темир йўлдан четдаги районларга келсак, биз у томонлардан янги қисмлар олишимиз мумкинлигига ҳеч қандай ишонч йўқ...

Барон гапирган сайин Қолчакнинг юзи қорайиб борар, ўнг ёноғи жимирлар эди. Буни кўрган Лебедев бир неча марта гапга аралашмоқчи бўлди, лекин барон тўхтамай гапиришда давом этаверди. Барон унинг эътирозларига сира парво қилмас ва овозини баландлатмай ҳам, паст қилмай ҳам худди тактик вазифани ҳал қилаётган пайтдагидек лоқайд бир тусда гапини давом эттирарди. Бу ҳол нечундир айниқса адмиралнинг аччиғини келтирди. У сопи садаф қаламтарошни анчадан бери қўлида ўйнаб ўтирарди. Барон ичкари районларга юборилган жазо отрядлари палид одамлардан танлаб олингани, бу одамлар партизанларга қарши курашиш ўрнига уларга тўқнаш келишдан ўзларини четга олиб, бадавлат аҳоли билан курашаётгани, талаш, бебошлик қилиш билан уларни Қолчак ҳукуматига қарши бош кўтараётгани ҳақида гап очганда, адмирал кабинетдаги юмшоқ гиламга қириндилар уча бошлади.

Будберг кабинетдап чиқиб кетганига анча бўлди, аммо Қолчак ҳамон ўзини босиб ололмас эди. Ужар остзей барони начштаверх тасвирлаб берган Қизил Армияни яксон этишнинг қувончли режасини бир пул қилган эди. Адмиралга эса ғалаба жуда зарур эди! Унинг кайфиятига қараб муомала қилишни яхши билган Лебедев худди ана шу ҳолатни ҳисобга олган эди.

— Қари вайсақи!— деди у.— Позицион урушга ўрганиб қолиб, ўзини ҳаммадан ақлли деб билади. Биз ахир маневрли уруш олиб боряпмиз-ку. Бу бошқа, у бошқа нарса.

Чуқур хаёлга ботиб қўлида қаламтарошни ўйнаб турган адмирал пичоқни столга қўяркан, ўз начштаверхига қизиқсиниб қаради. У эса, ҳеч нарсани писанд қилмай, такаббуруна илжайиш билан Будбергнинг далилларини осонгина бирма-бир йўққа чиқараверди.

— Нега унинг олдида индамадингиз?— сўради адмирал.

— Баронга бирон нарсани тушунтириб бўлармиди?— эътироз билдирди Лебедев.— У даққи бўлиб кетган...— Шундай деди-ю, кулгили латифани эслагандай илжайиб давом этди:— Биласиз-

ми, биз полковник Маньшинни Хива хони ва Бухоро амрининг олдига сизнинг вакилдингиз сифатида юборамиз... Ана шу масала кеча нозирлар кенгашининг мажлисида муҳокама қилинди. Маблағ ажратиш керак эди. Барон одатига кўра бутун мажлис давомида мум тишлаб ўтирди. Ҳамма нарса ҳал бўлгандан кейин эса у бирдан полковник Маньшиннинг юборилишига қарши чиқиб гапирди. Биласизми, нима учун? Элчи хон ва амир саройига протокол бўйича кириб келиши керак, сизнинг полковнигингиз эса, унинг гапига қараганда, ўз ишонч ёрлиқларини қўнжидан олиб берар эмиш.

— Қўнжидан олиб беради, деб очиқдан-очиқ айтдими?— қайта сўради Колчак.

— Айнан шундай деди, жаноб адмирал... Баронимиз қандайдир эски одам. Ҳозирги шароитни мутлақо тушунмайди.

Колчакнинг чеҳраси ёришди.

«Албатта, асосий стратегик ҳаракат шимолдан: Пермь — Вятка — Вологдадан бошланади,— ўйлади у.— Бу ерда Сибирь армияси ҳужум қилади. Биз саноат районини ишғол қиламиз, Котлас — Вологдада ҳужум қилаётган инглиз қўшинлари қаршисидан чиқамиз ва Москвага қараб анча яқинлашиб бориб қоламиз. Бироқ маълум даражада генерал Лебедев ҳам ҳақ. Масалан, олайлик, Фарбий армиянинг йўл-йўлакай операцияси вақтида қулайроқ маррани эгаллаш, лоақал Ик дарёси районига чиқиш мақсадида душманга кучли зарба бериш мумкин эмасми?.. Кейин Фарбий армия Сибирь армияси билан яқин алоқада бўлиб, ҳужумни кучайтириб юбориши мумкин... Челябинскда ҳамма армия қўмондонлари ва штаб бошлиқларининг кенгашида ўзининг яқин келгусидаги операциялари планини баён этаётганда у худди шуни назарда тутган эди».

Бунинг қизиқ томони бор эди: қисқа муддатда қизилларни буткул тор-мор этиб, бу билан иттифоқчи жанобларга ҳозирги вақтда Россияда кимнинг қўли баландлигини кўрсатиб қўйиш мумкин эди. Ана шунда ҳар хил гап-сўзлар ва сусткашликлар барҳам топарди. Иттифоқчилар уни олий ҳоким деб тан олишга мажбур бўлардилар.

— Керакки буйруқни тайёрланг,— деди Колчак Лебедевга ўз фикрини қисқа баён қилиб бўлгач.

Начштаверхга худди ана шу керак эди. Олий ҳокимнинг олдидан у ғоят мамнун бўлиб чиқиб кетди.

Исён бостирилганди, лекин ўлкада ҳали тинчлик йўқ эди. Тошкентда исёнчиларнинг Фарғона босмачилари ва контрреволюцион ташвиқот билан айниган фронт ҳарбий қисмлари ёрдамга етиб келмасданоқ бирдан тез тор-мор этилиши, унинг кетидан Туркистоннинг мамлакат маркази билан боғланиши душманлар ичида ваҳима туғдирди. Болқон ва Кавказдаги барча инглиз ҳамда иттифоқчи қўшинларнинг бош қўмондони генерал Мильн ҳамма ишларини ташлаб, йўлда ҳеч қаерда тўкмай Константинополдан оккупация қилинган Асхободга етиб келди. Фарғона водийсида босмачиларнинг ҳужуми кучайиб кетди. Қашғардаги инглиз консулидан ёрдам пули ва йўлланма олиб турган босмачи шайкалари муваффақиятсиз чиққан исёндан сўнг қочиб келган рус оқғвардиячилари ҳисобига кўпайиб, аҳолини талар, коммунистларни ва совет ходимларини ўлдирар, корхоналарга бостириб кирар, область хўжалик ҳаётини издан чиқаришга уринар эди. Хоразмда «профессор» Расул Суннат ва турк «жамоат арбоби» Қозимбекдан иборат аллақандай ҳинд-турк миссияси пайдо бўлди. Туркистон марказида эса советларга қарши барча кучларнинг қароргоҳи — Бухоро амирлиги ҳамон яшаб турган эди. Тошкент Фавқулодда комиссияси раисининг ўринбосари Очил Бобожонов қалбини ана шу Бухоро тирнаб турарди. Фавқулодда комиссия қайси ишга қўл урмасин, ишнинг бир учи Бухоро амирлиги чегарасига бориб узилиб қолар ёхуд ўша ерда бошланарди-ю, айланиб-айланиб Тошкентда тугар эди.

«Бухорои шариф,— афсусланиб ўйларди Очил, большевикларнинг Закаспий фронтида енгилганлиги тўғрисида бозорда иғво гаплар тарқатиб юрган ва йўл-йўлакай иродаси бўш одамларни босмачи шайкалари томонига оғдираётган мулланинг

сўроқ протоколи қозғоларини варақларкан,— Муқаддас бўлсанг, бу дунёнинг ишларига имонсизларни нима қилиб аралаштириб юрибсан...»

Бир вақтлар у ҳам мадрасада ўқиган, ҳатто муваффақиятли тугатган, лекин ундан мулла чиқмаган эди; у шу эски шаҳарнинг ўзида гишт терувчи бўлиб ишлаганди. Кейин ўн олтинчи йил кўзғолони бошланди. Бу кўзғолонни қурувчи ишчилар фаол қўллаб-қувватлаган эдилар... Бу пайтда қуръон билан шуғулланишга қўл ҳам тегмасди.

Бобожонов маҳбусни олиб келишларини буюрди. Хиёл ўтмай қизил аскар бир қилтиллаган, паканагина, соқоли сийрак, кўзлари ўғриникига ўхшаш бежо қарияни олиб кирди, қария эшик олдига тўхтади.

Очил унга бирров кўз югуртирди. Маҳбус бари ва тирсакларига беўхшов ямоқ солинган пахтали чопон, ҳошиясига тулки териси тикилган тумоқ ва эски маҳси кийиб олган эди.

— Бу ёққа кел, мулла Нафас, ўтир.

Маҳбуснинг юзи тўсатдан эсан майин шабадада ҳаракатга келган сув бетига ўхшаб жимирлашиб кетди. Бу ярамас итвачча унинг исмини қаёқдан билди экан? Қамоққа олинаётган вақтда ҳам, тергов вақтида ҳам мулла номини бошқача айтган эди-ку.

— Қанн, ўтир.— деди жиддийроқ қилиб Бобожонов.

Қария эҳтиётлик билан стул чеккасига ўтирди.

— Нима бўлди ўзи, муҳтарам зот?— гап бошлади Очил.— Наҳотки давлатпаноҳ қушбегининг садоқатли одамлари шунчалик оз қолган бўлса-ю, фосиқ Тошкентга сизни юборса-я?

Маҳбуснинг юзи яна жимирлашиб кетди.

— Сиз мени бошқа одамга ўхшатыпсиз, муҳтарам бошлиқ.

— Э, қўйсангиз-чи, бу гапни!— Очилнинг пешанаси тиришди.— Бухорон шарифда мулла Нафасни ким билмас экан?— У ўтирган жойидан туриб, маҳбуснинг этагини ушлаб кўрди.— Чопонингиз пишиқ, яхши, яп-янгидай. Сиз буни беҳуда расво қилибсиз. Ямоқларини ҳам бекорга солибсиз... Ямоғининг таги йиртилган ёки тикилган эмас-ку... Ёки, қўшнинг кўр бўлса, сен ҳам кўзингни қис, қабалида иш тутаяпсизми? Нима ҳам дердик, бу сизнинг эҳтиёткорлигингиздан далолат беради. Халқимиз эски-туски кийим кийиб ўрганиб қолган. Шунинг учун янги чопон дарров ажралиб қолиши мумкин... Қушбеги нечун сизни, ўзининг энг яқин одамини Тошкентга юборди? Бундан чиқдики, сизга жуда муҳим топшириқ беришган экан-да, а?

— Янглишасиз, муҳтарам бошлиқ. Мен аллақачон қушбегидан кетиб қолганман.

— Йўғ-э? Буниси янгилик-ку! Унда нега ўзингизни бошқа

одам қилиб кўрсатмоқчи бўлдингиз? Нега номингизни ўзгартирдингиз? Айтгандай, шошманг, сизнинг тўлиқ исмингиз Нафас Қурбон Муҳаммад ўгли эди-ку.. Сиз шунчаки иккинчи исмингизни айтиб қўя қолибсиз.

— Сиз ҳақсиз, муҳтарам бошлиқ. Қурбон — менинг иккинчи исмим.

Бобожонов маҳбусга бир лаҳза тикилиб қараб қолди. Бирдан дангалига сўради:

— Бу исм сизга нега керак бўлиб қолди, мулла Нафас?

У индамади.

— Одамлар ўтмишимни эслашмасин дебсиз-да, а?

— Чўтир одам ойнага қараб нима қилади?

— Хўш, хўш... Бозорда нималар ҳақида суҳбатлашдингиз?

— Ҳамма нима ҳақда гапирётган бўлса, ўша ҳақида-да.

— Балким...— Очил муллага нигоҳини тиккан бўлиб аста гапира бошлади.— Нега юборишган томонга бориш ўрнига, бозорда ўралашиб юрдингиз?..— Мулла ҳеч ким уни ҳеч ёққа юбормаганлигига ишонтариш мақсадида кескин ўгирилди, аммо Бобожонов пинагини бузмай суриштираверди:— Нега Искандар эшоннинг олдига бормадингиз?

— Мен Искандарни танимайман.

— Бу гапингиз ёлғон. Искандар эшон сизни билмаслиги мумкин, лекин сиз уни танийсиз, жуда яхши танийсиз. Акс ҳолда қушбеги бундай муҳим мактуб билан сизни юбормаган бўларди...

Мулла Нафас беихтиёр тумоғига қўлини олиб борди, лекин Бобожоновнинг мийиғида кулиб қўйганини эшитиб, шу ондаёқ қўлини тортиб олди.

— Сиз беҳуда ташвишланыпсиз, мулла. Уша мактуб менда... Биз бу ерда қамоқда эпидемия бўлмасин деб маҳбуслар ҳақида қайғуриямиз. Сиз ювиниб, санитария кўригидан ўтгунигизча одамларимиз кийимингизни кўриб чиқишди. Сиз қушбегининг хатини тумоғингизга ношудлик билан тикиб қўйган экансиз. Бу ишни аёлларга топшириш керак эди... Бундай муҳим хат дезинфекция камерасида уриниб қолса, яхши бўлмасди, гарчи у эҳтиётдан шойига ёзилган бўлса-да, зарарланиши мумкин эди... Хўш, нега сиз тўғри Искандар эшоннинг олдига бормадингиз?

— У Тошкентда йўқ.

— Қаёққа кетган бўлиши мумкин? Хўш... Фарғона водийсигамикан? Хизр деганлари мана шу-да! Еш бўлмаса, бунинг устига соғлиги ҳам чатоқ бўлса, шундан шунга кетганини қаранг-а... У нима, карвон биланми ёки поездда кетибдими? Ҳа, поездда. Буниси ҳар қалай қулайроқ... Яқинда қайтиб қолар, а?.. Уйидагилар нима дейишяпти?..

Қамоққа олинган муллага савол устига савол ёғиларди. Мулланинг боши оғир юк остида қолгандай борган сайин ҳам бўлиб борарди.

Очил Бобожонов шу куни кечгача мулла Нафаснинг терговда айтган гапларидан таъсирланиб юрди. У кўринишидан беозор бўлган бу қарияни яхши биларди. Бу қария давлатпаноҳ қушбегининг ўнг қўли, кўз-қулоғи эди. Бухоро амирлигида расмий лавозимга эга бўлмаса ҳам, Нафаснинг қўлидан кўп иш келарди. Унинг чақимчилиги туфайли қанчадан-қанча одамнинг боши танидан жудо қилинган эди. Ҳатто амир аъёнлари ҳам унга қуллуқ қилишарди. Мўйна жиякли тумоғи орасидан хат чиқиб, ноилож қолган мулла Нафас ўзининг Тошкентга келиш сабаби ҳақида у-бу гапларни айтиб берган бўлса ҳам, анча нарсани яширган эди. Кўп ишларни у билмаслиги ҳам мумкин эди. Хатнинг ўзида ҳам мавҳум нарсалар кўп эди. Лекин бир нарса — амир Бухороси билан Искандар эшон ўртасида, бинобарин, у бошчилик қилаётган одамлар ўртасида доимий алоқа борлиги шубҳасиз эди. Лекин бу эшон нимани ўйлаб қўйган экан? Нима сабабдан у айнан Фарғонага келдийкин? Негалигини билиш қийин эмасди. Туркистоннинг ҳамма жойидан қам Фарғонада диний эътиқод кучли эди. У ерда ҳар юз йигирма беш кишига битта мачит тўғри келади. Биргина Қўқоннинг ўзида уч юзта мачит бор. Ун беш минг диндор — бутун армия! — ҳар куни мусулмон бандаларининг миясини ачитади. Шундай экан, Искандар эшоннинг бу томоиларга келганлигига ажабланмаса бўлади. Лекин у нима иш қилмоқчи ва бу ишни қасрда бошламоқчи: Фарғонадами ёки эҳтимолдан узоқ бўлмаган Тошкентдами — ана шуни билиш керак эди.

Очил Бобожонов маълумотларга қулоқ соларди, қогозларга имзо чекарди, телефон орқали гаплашарди, аммо бир лаҳза ҳам қушбегининг хати хаёлидан кўтарилмасди. Бу хатдан фойдаланиш керак. Лекин қандай қилиб? Туркчекага берсамикан? Бу иш Тошкент доирасидан ташқарига чиқаётгани аниқ эди. Аммо чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бирон бир жиддийроқ иш ташқарига чиқмай қолганми ўзи? Жумҳурият ва вилоят қидирув ишлари доимо бир-бирига аралашиб кетарди. Бировнинг ишига тумшук тикмаслик учун ҳушёр, сезгир бўлиш керак. Шу вақтгача ҳамма иш силлиқ кетаётган эди. Бироқ бу сафар оқ шойига ёзилган хатни Бобожонов ҳеч ёққа юбормади. Бобожонов шундай қилдики, у хат борлиги ҳақида ҳатто шу ерда, Фавқулодда комиссияда ҳам тинтув қилган ходимдан бошқа ҳеч ким билмади. Тинтув қилган одамга эса ишонса бўларди.

«Албатта, — ўйлади Очил, — биздагилар ҳам, Туркчекадагилар ҳам садоқатли одамлар, революция учун ўзини қурбон

қилишга тайёр, лекин душманнинг ҳийла-найрангларига чек қўйиб бўларканми?! Қушбеги ёки Искандар эшон бу хат бизнинг қўлимизга тушганлиги ҳақида шубҳаландими бўлди, бутун ишимиз чаппасига кетиши мумкин».

Телефон жиринглади. Очил трубкини олди:

— Бобожонов эшитади.

Яқинда ўлка партия комитети Мусулмон бюросига раис бўлиб сайланган Рисқулов телефон қилаётган эди. У сизнинг олдингизга кирмоқчи эдим, ўз жойингизда бўласизми-йўқми деб сўради.

— Нега ундай дейсиз, ўртоқ Рисқулов,— эътироз билдирди Очил.— Мен ўзим ҳам боришим мумкин. Э, ҳа, йўл-йўлакай денг! Майли, ундай бўлса, кутаман.

Трубкини қўйган Бобожонов мулла Нафаснинг ишига доир қоғозлар солинган папкани шошилмай олиб қўйди ва столни чертиб, унинг нима учун келаётганлигига тушунмай хаёлга чўмиб ўтирди. Рисқулов билан Бобожонов ҳеч қачон ўзаро муносабатда бўлмаган эди. Гарчи улар бир партия аъзолари бўлишса-да, ҳар бирининг ўз давраси бор. Бир-бирларига сира рўпара келмас, яқинлашмас эдилар.

Баланд бўйли, гавдали, хиёл тўлишиб келаётган, ингичка қумуш гардишли катта юмалоқ қўзойнак таққан Рисқулов эшикни тақиллатар-тақиллатмас кириб келиб, шошилиш саломлашди ва бирталай зарур ишлардан эндигина бош кўтариб, жуда толиққан одамдай стулга ўтирди:

— Очигини айтсам, юругилаб келяпман,— деди Рисқулов кулиб.— Бизда, ўлка партия комитетида худди бозорнинг ўзи. Эрталабдан одамлар тиқилишиб ётишибди. Мусбюронинг эшиги сира ёпилмаяпти. Нима ҳам қилардинг! Халқ иккиёқлама зулм занжирларини узиб ташлади. Партияга ҳаддан ташқари кўп одам киряпти! Ҳаддан ташқари...

— Ҳа...— мужмал жавоб қилди Бобожонов.— Бутун қишлоқ бўлиб кириш ҳоллари бор.

Рисқулов сергакланиб, суҳбатдошига синчковлик билан назар ташлади, унинг юзида лоқайдлик аломатини кўриб, Мусулмон бюросининг иши тўғрисида гапира бошлади. Унинг сўзларига қараганда, Туркистондаги миллий, маиший ва ижтимоий қатламларнинг асрий чигалини фақат Мусбюрогина ечиб бера олади.

— Бизнинг шароитимиз ўзгача,— дерди Рисқулов.— Бу ерда пролетариат йўқ. Қандай пролетариат бўлиши мумкин? Темир-йўлчиларми?— У елкасини қисиб қўйди.— Ҳаммаси буюк давлат шовинистлари. Биз биламиз-ку... Туркистонда Совет ҳокимияти-

нинг бирдан-бир таянчи — мусулмонлар. Ҳа, озодликка чиққан, иккиёқлама зулмни улоқтириб ташлаган...

— Бойлари ҳам бор,— деб қўшиб қўйди Бобожонов шунчаки айтгандай.

Рисқулов яна сергақланиб, унга синовчан нигоҳ ташлади.

— Бойлар? Ҳа, албатта... Лекин мен улар ҳақида гапираётганим йўқ. Уша бойлар кўпчиликми ўзи?..

Бобожонов истар-истамас қулоқ солар, зўр бериб мулла Нафас ҳақида, Бухоро ҳақида, амир агентлари Тошкентга қандай йўл билан кириб борганликлари ҳақида ўйларди. Бу йўллар жуда кўп эди, уларни тўсиб бўлмасди: тешик мешда сув ташишдай гап эди.

Бобожонов хаёл билан бўлиб, суҳбатдоши умумий тарздаги мулоҳазалардан бу ерга нима учун келганлигини айтишга ўтганлигини сезмай қолди.

Рисқулов барча ҳокимият органлари, хусусан Фавқулодда комиссия хатога йўл қўймаслиги учун Мусулмон бюроси билан яқинлашиши кераклигини ҳақида гапирди.

— Сизга мусулмон коммунистларни ҳам қамоққа олишга тўғри келади-ку...

— Гоҳо шундай бўлади,— жавоб берди Бобожонов,— лекин бу ҳақда биз ўз вақтида партия комитетига, агар иш муҳим бўлса, ўлка комитетига ҳам маълум қилиб қўямиз.

— Бу тушунарли, тушунарли... Лекин, биласизми, Очил, келгинди ўртоқларимиз ҳақида ёмон гап айтмоқчи эмасман, улар, эҳтимол, ёмон большевиклар эмасдир, лекин улар бизнинг ишларимизга тушуниб етишмаса керак.

— Ана шу келгиндилар орасида шу ерда ўсиб вояга етганлари ҳам бор.

— Бор, албатта, лекин бир донишманд шоир айтганидек, Шарқ Шарқлигини қилади, Ғарб эса Ғарб бўлиб қолаверади. Мусбюро шунинг учун ҳам ташкил қилинган...

— Биламан,— бош ирғиди Бобожонов, бу бефойда гап унга малол кела бошлаган эди. Мусулмон бюроси ўлка партия комитетининг ёрдамчи органи сифатида ташкил этилганди. Очил партия конференциясининг делегати сифатида бу масалани ҳал этишда ўзи қатнашганди. Шунинг учун гапни қисқа қилиш мақсадида деди:— Ахир Тошкент Фавқулодда комиссияси ҳар хил майда-чуйда ишлар билан шугулланади-ку. Муҳим ишларни биз Туркчекага топширганмиз...— Шундай деди-ю, тўсатдан хаёлига ялт этиб Мусбюро раиси фақат Тошкент Фавқулодда комиссияси ушлаб қолган коммунистлар тақдири билангина қизиқаётганмикан, деган фикр келди. Буни синаб кўриш учун Очил ўз ишидан норози одамдай эди:— Э-э, қаёқдаги арзимас ишлар! Вай-

сақиларни бозордан олиб келишни биламиз, холос. Утган кунни бўлса керак, бухоролик бир муллани қамоққа олдик, оти нима ҳам эди?..— Бобожонов эсламоқчи бўлгандай бўлиб,— Қурбон Муҳаммад ўғли... Шунақайди шекилли. Гап отида эмас, Бухорода ким кўп — мулла кўп, ўзиям қирқ минг нафардир-ов...

— Уни нима учун ушладинглар?— бепарволик билан сўради Рисқулов.

Очилнинг юзида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади: «Қармоққа илиндинг-а!»

— Нимага бўларди, бозорда гап сотиб юрган экан-да, вайсақи!

Рисқулов ўрнидан туриб хайрлашаркан, яна бепарволик билан сўради:

— Хўш, ўша мулла нима бўлди?

— Бир оз вақт ушлаб туриб, сўнг қўйиб юборамиз. Ҳамма вайсақиларни қамаб бўлармиди. Жой ҳам етишмайди. Уларни овқатлантириш ҳам керак...

Икки кундан кейин, ярим тунда эски шаҳарда Очил Бобожоновнинг уйи эшигини Ҳалимхон секин тақиллатди. Уй эгаси уни кутиб турарди. Унинг ўзи эшикни очиб, уйга бошлаб кирди.

— Қани, ўтир, Ҳалимхон, ўтир, азизим. Анча гап бор.

Бобожонов ёш ўзбек йигитни ўтқазиб, чой қуйиб берди ва унга қушбегининг хати ҳақида гапирди.

— Биласанми, Ҳалимхон, мана шу хат Искандар эшонга тегиши керак. Мен бир нарса ўйлаб қўйдим...

Хат мулла Нафаснинг тумоғига яна тикиб қўйилган эди, тумоқ чеккада стулда ётарди. Уни эшонга топшириш лозим эди.

— Бу ишни сен қилишинг керак, Ҳалимхон,— деди Бобожонов ва суҳбатдошининг ажабланиб турганини кўриб, тушунтирди:— Сенинг ўтмишинг, бу ҳақда эслаётганим учун кечирасан, Искандар эшон шубҳаланадиган бўлса унинг бу шубҳасини сўндириб қўйиши мумкин.

— Аммо мен Эргашдан аллақачон алоқани узиб кетиб қолганман-ку!

— Яхшиямки, бу айрим одамларгагина маълум. Агар бирон бир кишида шубҳа туғиладиган бўлса, уни осонгина хотиржам қилиб қўйиш мумкин. Қуролини ташлаб, яна шайкасига қайтиб борган босмачилар озми... Албатта, сен хат хусусида ҳеч нарса билмайсан. Тумоқни сенга отангнинг эски оғайниси, аниқроғи, узоқ қариндоши мулла Нафас топшириб қўйгин, деб берган бўлади. Сен у билан бозорда учрашиб қолгансан. Қамоққа

олинишидан бир зум олдин у бу тумоқни сенга бериб, уни кимга топшириш кераклигини айтади-ю, сенинг қалпоғингни олган бўлади...— Бобожонов шотилмай давом этди.— Бу иш оддий эмас, хавфсиз деб ҳам бўлмайди. Ўзинг тушунасан. Бу ёғи ўзингга ҳавола... Мажбур қилмаймиз.

Ҳаллмхон туриб, қўлини чўзди.

— Беринг тумоқни.

У тумоқни олиб кийди.

— Шошма,— тўхтатди уни Бобожонов. Очил ёзув столи тортмасини титкилаб, ундан иккита запас обоймали оғир кольтгни олди.— Ма, ол... Керакли тошнинг оғирлиги йўқ. Ким билсин, бу эшон қандай доғули экан. Балки, қутурган итдек ташланар... Ўзингнинг қалпоғингни эса бу ерда қолдир. Келиб киясан.

2

Ит хона остонасида ўзининг одатдаги жойида чўзилган оёғига тумшугини қўйиб, оловга тикилиб ётарди.

Бу атрофлари қоялар билан ўралган баланд тоғли водийда одам билан ит бир-бирдан ажралмасди. Улар бир-бирига ҳамроҳ, дўст, бирга еб, бирга оч-наҳор юрардилар, кутилмаган меҳмонни дўстми ёки душман эканлигини аниқлаш учун ҳушёрлик билан кутиб олишар, ҳар бир синган шох, жойидан қўзғалиб қолган ҳар бир тош олдида узоқ туриб қолишар эди.

Бу сафар меҳмон таниш эди, шунинг учун ит индамай ётарди.

Гулханнинг тутун аралаш шуъласида гоҳ очилиб, гоҳ шарпага ўхшаб икки башара: таниш— хўжайиннинг, камроқ таниш— меҳмоннинг башараси кўринарди.

— Яқинда яна карвон ўтди,— деди ўтов эгаси.— Довонда қор қалин эди, лекин улар ўтиб олишди. Сен буни нима деб ўйлайсан, Аҳмад?

Аҳмад кафтини оловга тутиб, гулхан ёнида ўтирарди.

— Кимнинг карвони?

— Сўрамадим. Ўзини танитишни истамаган одамдан сўрамаган маъқул,— деди ўтов эгаси.— Улар ўтовим ёнидан ҳеч нарсани парво қилмай ўтиб кетишди. Лекин мен карвонни Эшимбой бошлаб бораётганлигини кўрдим.

— Қуруллари бормиди?— сўради Аҳмад.

— Ҳа, бор эди, мана буни қара, Аҳмад, уларнинг орқасидан нимани топиб олдим.

У хуржунга қўлини тиқиб ялтироқ, лимонга ўхшаш, чеккалари оқартириб эговланган, катаклари тўрт бурчакли ғадирбудир гранатани олди.

Аҳмад гранатани қўлига олиб салмоқлаб кўрди.

— Қашғарданми?

— Бу ерда битта йўл бор, у ҳам Қашғарга олиб боради. Юк ортган карвонни қишда сўқмоқдан ҳамма ҳам олиб ўтишга журъат этмайди. Ҳеч иложи бўлмаса бу йўлдан юрилади. Лекин беҳисоб подаси бўлган Эшимбой карвонни нима сабабдан ўзи бошлаб кетдийкин?

Ўтов эгаси гулҳанг шох ташлади. Ўт гуриллади. Қозондаги овқат шарақлаб қайнаб кетди.

— Сен ҳақсан, Муханбет,— секин гап бошлади Аҳмад,— ҳозир карвонни бошлаб бориш учун жуда тез юриш керак. Эшимбой ёш бола эмас. Бу айёр тулки нима қилаётганини билди. Мана икки ҳафтадирки, ҳамма бекатларда унинг одамларига дуч келаман. Улар замон ёмонлашди, олло таолонинг қаҳри келмасайди деб юришибди. Эшимбойнинг саҳийлигини роса таъриф қилишяпти. Сен унинг саҳийлигини унутмаган дирсан-а, Муханбет?

Остонада ётган ит хавфни сезгандай бирдан сергакланди. Аҳмад жимиб, қулоқ солди, лекин ит тинчланди.

— Ҳа, Эшимбойнинг иши чатоқ,— давом этди Аҳмад,— ҳали яна ёмон бўлади. Энди у саҳий бўлиб қолди, сендан тортиб олган қўйларини қайтариб бериши ҳам мумкин, шу шарт биланки, агар сен унга қурол ортган карвонларни Хитойдан ўй томонга ўтиб олишига ёрдамлашсанг. Эшимбой яхши йўл бошловчи эмас, унинг карвони адашиб қолиб, бизнинг қўлимизга тушди, сен эса тоғдаги ҳар бир тошни биласан... Айт-чи, унинг дўстлари худди шу масалада олдинга келишмадими?

Муханбет қозонни олов устидан олди-да, қўй гўштини суягидан ажратиб майдалади.

— Ҳа, улар бу ерга келишди,— шошилмай жавоб берди у.— Лекин мен сўзларга ишонмай қўйганман. Улар алами ичида кетишди.

— Эшимбойга хизмат қилишдан бўйин товлаб, яхши қилгансан, лекин сен, Муханбет, ер чизиб ўтирибсан, бу ёмон. Анавини қара, ҳов ўша Олтин Қозиқ.— Аҳмад ўтов тирқишидан осмонда кўриниб турган Қутб юлдузига ишора қилди.— Халқ орасида бу мўъжизакор айғир боғланган олтин қозиқ, деган гап бор, лекин у айғирни ҳали ҳеч ким кўрган эмас. Мана бу етти қароқчи,— у Катта Айиқ юлдузлар туркумини кўрсатди.— Улар Олтин қозиқ теварагида айланадилар, мўъжизакор айғирга суқланиб қарайдилар, аммо сира билдирмай олдига яқинлашиб келолмайдилар: минг-минглаб одамлар уларни кузатиб туради, бир лаҳза йўқки осмонга бирон кимса қараб турмаган бўлсин. Сен эса ерга тикиласан, Муханбет. Сен Эшимбойга ёрдамлашмай қўйдинг, аммо унга халақит ҳам бермагансан, ўғрилар эса

ёнингга келиб қолган. Улар тоғ сўқмоқлари орқали қуроллар, гранаталар олиб ўтишмоқда, бу қуроллар сенга қараб отилади, Муханбет, гранаталар ҳам сенинг устингда портлайди. Уч йил муқаддам минглаб қирғизлар ўтовларини, ўз подаларини ташлаб, Хитойга қочиб кетгани ёдингда бўлса керак. Ушанда ҳам қурол-яроғлардан отишган эди. Эшимбой-чи?.. Йўқ, Эшимбой қочиб кетмади. У подаларимизни, яйловларимизни ҳам тортиб олди...

Аҳмад яна жимиб, қулоқ солди. Остонада бошини бир неча марта кўтариб аланглаган ит, бирдан ҳурпайиб, қаттиқ вояллади.

Муханбет Аҳмад билан уйдан чиқиб қарашди.

Олисдаги тоғ оралиғидан ўтовга қараб одамлар келаётган эди. Бу олис йўлнинг ғамини еб ҳамма нарсани етарлича ортиб олган, одамлар ва отларнинг қорни тўйғазилган, ҳеч бир ортиқча нарсаси бўлмаган одатдаги карвон эмасди.

Йўл бошловчи ҳолдан тойган, озиб кетган отни жиловидан ушлаб дам-бадам қоқилиб келарди. Унинг кетидан ҳар ёқдан чу-чуланган қўй подаси базўр эргашиб келарди. Эски-туски, тўзиган кийимлардаги ҳар хил одамлар, ялтироқ қорда ихтиёрсиз келишарди. Оналар болаларини кўтариб олишганди, каттароқ болалар эса катталарнинг этакларидан ушлаб, ўзлари юришарди. Қуруқ суяги қолган итлар ҳам жунларини ҳурпайтириб, бошини қўйи солганича овоз чиқармай келарди, Муханбетнинг уришмоқчи бўлган итига парво ҳам қилмасди.

Дарадан қўй кўтариб олган баланд бўйли, норғил қирғиз тебраниб чиққанда карвон ўтовга яқинлашиб қолган эди. Бу одам қайсарлиги тутиб оёқ босилмаган қор устидан келар, қандай аҳволда эканлиги, қаердалигини ўзи яхши билмас эди. У олисларга телбаларча тикилганича тўхтаган карвон ёнидан ўтди, агар уни тўхтатишмаганда қаёқларгадир равона бўларди.

— Куттуктаймин,— деди Муханбет.— Ташқари қоронғи бўлиб қолди, ўтовимга кир.

Барваста одам тўхтаб, йўлида бирдан пайдо бўлиб қолган бу ўтовга бир лаҳза аланглади, кейин тунаш учун тўхтаган ўз карвонига назар ташлаб, қўйни оҳиста қор устига қўйди.

...У олов ёнида ҳайкалдек қимир этмай ўтирар, ўз-ўзига гапиргандек шивирларди:

— Молондор уруғидан... Кексаларнинг айтишича, бизнинг уруғимиз бу томонга Мўғулистондан кўчиб келган, аммо йўлда одамлар қандайдир номаълум касалликдан ўлганлар. Биз ҳолдан тойгач, аввалига анча кучли уруғга дуч келганмиз. Бизни энг яхши яйловлардан ҳайдаб чиқаришган, ҳаддан ташқари катта солиқ солишган, шунда ҳам биз чидаганмиз. Ҳар қалай,

нотаниш одамдан таниш шайтон яхши бўлар экан. Уч йил аввал, қаердадир биздан олисда катта уруш бўлган вақтда овулларни казаклар билан рус бошлиқлар кезиб чиқа бошлашди. Улар бизнинг овулимиздан энг ёш ва бақувват йигитларни олиб, уларни солдат қилиш керак деб айтишди. Бу оғир йил эди. Ҳар бир оилага ўз фарзанди азиз. Аёллар дод-фарёд қилиб, қариялар нола чекиб қолаверишлари мумкин эди. Вақт ўтган сари ҳам унутиларкан. Аммо бизнинг Жуназоқ ўз ўглини бергиси келмади. У рус бошлиққа отини ҳадя қилди, шундан сўнг монап Жуназоқнинг ўгли уйда қолди. Жуназоқдан ўрганиб бошқа бойлар, уларнинг қариндошлари, ўзига тўқроқ одамларнинг ҳаммаси шундай қилишди. Пора билан қутулиб қолганлар кўп эди, шунинг учун айтилган миқдордаги одамни тўплаш учун казаклар чолларга ҳам ёпишишди... Биз казакларни ҳайдаб юбордик. Шундан кейин солдатлар келди. Уларнинг яхши қурол-ярроғлари, ҳатто тўплари бор эди, бизда эса милтиқлар бор эди, холос. Биз йўл-йўлакай мурдаларимизни қолдириб, тоғлар оша Қашғарга қочдик. Биз ўтовларимизни ташлаб, қавм-қариндошларимиз, подаларимиздан ажраб қочдик. Жуназоқнинг йигитлари орқамиздан қувди, довонда пойлаб бизни қўлга олмоқчи бўлди, лекин биз бир амаллаб ўтиб олдик...

— Биладан,— деди Муханбет бош ирғаб,— ўшанда мен қочолмай тоғларда яшириниб қолганман.

— Бизга ҳавас қилма, барака топкур. Бечораҳол одам юртдан олисда кун кечирishi қанчалик оғирлигини сен ҳали билмайсан. Халқимиз отасиз фарзанд — етим, онасиз фарзанд — шум етим деб бежиз айтмайди. Ўзга юртда, она юртдан олисда биз ҳаммадан туртки ердик. Уч йил қувғинда дарбадар юрдик, қорнимиз овқатга тўймасди, ниманидир қутардик. Нимани қутганимизни ўзим билмайман. Юртга қайтиб келолмасдик, чўчирдик. Ипнайкейин, қайтиб ҳам нима қилардик? Яйловларимизни бойлар тортиб олган, подаларимиз қолмаган, одамлар адою тамом бўлиб ўлаётган эди. Оч одам узоққа бормайди. Эҳтимол, биз ҳам ўлиб кетган бўлардик. Миш-миш тез тарқалади, миш-мишда жон бор, деганларидек, бир гапни эшитиб қолдик. Халқ орасида Россияда қандайдир зўр баҳодир чиқибди, унинг кўп йигитлари бормиш, ўша баҳодир оқ подшони ағдарибди, унинг бошлиқларини ҳам қувиб юборибди ва қирғизлар ҳам, ўзбеклар ҳам, туркманлар ҳам, руслар ҳам — ҳамма тотув яшасинлар, бир-бирларини хафа қилмасинлар деб айтибди... Хайрингни бергур, айт-чи, шу гап тўғрими?! Шундан сўнг биз ўйлашга тушдик. Ўйлаб-ўйлаб энг ақлли ва энг чидамли уч кишини танладик, уларни миш-миш тўғрими-йўқмилигини билиш учун бу ёққа юбордик. Агар бири адашса, бошқалари уни тўғри йўлга солар,

деган ниятда уч кишини юборгандик. Улар қайтиб келгунча ой неча бор янги бўлди... Йўқ, фақат бир киши қайтиб борди, иккинчисини тоғда қоплон нимта-нимта қилиб ташлабди, учинчисини эса қайтиб кетаётганда кимдир орқасидан отиб ўлдирибди, ўша қотилни ўла-ўлгунимизча қарғаймиз. Қайтиб борган одам шундай гапларни айтдики, тўғрилигига сира ишонгинг келмайди. Унинг бизга айтишича, овулларда монапга бўйсунмай қўйишган, ҳар ким ўз ҳолича яшаётган экан... Бизнинг сабримиз битди, қолган-қутган нарсаларимизни йиғиштириб, қор эришини ҳам кутмай, бу ёққа йўл олдик. Ҳамма гапираётган ўша баҳодир ким экан, билмайман.

— Ленин,— деди Аҳмад.

Барваста одам қирғиз учун ғалати эшитилган бу номни умр бўйи эслаб қолишга ҳаракат қилгандай бир лаҳза чурқ этмай турди, сўнг давом этди:

— У қайси уруғданлигини билмайман, аммо унинг ҳузурига бориб шундай дейман...

У гапираётган пайтда ўтов келгундилар билан тўла бошлади. Улар бирин-сирин киришарди-да, индамай олов олдига чўққайишиб, қимир этмай, кўринишидан бепарвогина ўтирар эдилар.

— Унга улуғ баҳодирсан дейман! Бетал-Ғози— уруғининг орасида энг яхши чўпон, бу гапга ҳамма қўшилади...

Чўққайиб ўтирган қирғизлар бараварига бош қимирлатишди: шубҳасиз, Бетал-Ғози— энг яхши чўпон, уруғи орасидагина эмас, Бетал-Ғозининг шухрати узоқларга ҳам кетиб, Қашғарга ҳам етиб борган.

— Менда атиги битта қўй қолди. Э, бу одатдаги қўйимиздан эмас! Унинг жуни, худди жазирамада эсан шабададай майин, эпкин эсса яйловдаги майсадек товланади. Унинг отасини бир пода қўйга алишиб олганман. Ҳа, ҳозир мана шу биттагина қўйим қолган. У йўлда толиқиб қолди, бутун йўл бўйи қўлимда кўтариб келдим. Уни сенга ҳадая этаман, улуғ баҳодир. Ол шуни, сенинг ҳамма поданг шундай майин, жингалак жунли бўлсин.

У ўридан туриб, аста ўтовдан чиқди. Ҳеч ким жойидан қўзғалмади, ҳеч ким орқасидан бормади. Шундай дақиқалар бўладики, одам танҳо ўзи қолишни истайди, буни ҳамма тушунган эди.

Муханбет қозонни оловдан олиб очиқиб чалажон бўлиб қолган одамлар олдига қўйди. Бу одамлар қайта қўлга киритилган ўз юртига қайтиб келиш учун қор босган тоғ доvonларидан юз машаққат билан ошиб ўтган эдилар.

Улар қўй гўшти қайнатилган қозон атрофига ўтириб, Аҳмад-

нинг оддий, содда ҳикоясини тинглашарди, гарчи оч бўлсаларда, гўштга узатилган қўллари оғизларига бормай тўхтаб қоларди, улар эшитаётган гаплар жуда галати эди.

Муханбет Бетал-Ғозини ахтариш учун ўтовдан чиқди. Барваста одам ўз қўйи олдида чўккалаб, қиши билан туриб қотиб қолган қорни титкилаб, ўтларнинг устини очаётганди.

— Е, есанг-чи,— деди Бетал-Ғози,— биқининг чиқсин, жунинг яна жингалак бўлиб майин тортади. Эҳ, жонивор, туёқларинг кучсиз, қорни титкилашга ҳам чоғи келмайди... ҳечқиси йўқ, Бетал-Ғози ёнингда экан, очдан ўлмайсан.

Қўй ютоқиб ўтга ёпишар, нақ илдизигача чимдиб олар эди. Бетал-Ғози эса яхлаб қолган қорни қўллари билан титкиларди.

— Ўтовга кирамиз,— деди унга Муханбет,— юр, Бетал-Ғози. Эртага одамлар овулдан отлари билан келишади. Отларни қор устига қўйиб юборамиз. Подангиз тўйиб олади. Ўтовга кетдик, Бетал-Ғози.

3

Олдинда йилқи борарди. Пакана чўл отлари туёқлари билан музлаб қолган қор бетини майдалаб, ўтган йилдан қолган ўтни очиб борардилар. Отлар йўл-йўлакай қуриб қолган ўт учларини узиб тез кетарди. Отлар кетидан мол подаси борарди. Моллар қор бетигаги майда музни эзгилаб, ўтни белигача чимдирди, отлардан қолиб кетмасликка ҳаракат қиларди. Энг орқада ўтни таг-туғи билан узиб еб, қўйлар галаси борарди.

Одамлар шу ерда қовоқларини солиб индамай туришарди. Моллар очликдан озиб-тўзиб кетганди, қирғизнинг одатдаги ҳамроҳи — муҳтожлик бу сафар табиий офатга айланиб кетадиганга ўхшарди. Одамлар тинкаси қуриган подага қараб, чўзилиб кетган ют молларни буткул қириб юборишини ўйлаётган эдилар. Қайтиб келган қирғизларнинг аҳволи бундан бешбаттар эди.

Тирик одамдан кўра шарпага кўпроқ ўхшаб қолган дармонсиз бу одамларда ҳеч вақо йўқ эди. Уларнинг бор-йўғи тарашадек озиб кетган озгина моллардан иборат эди. Бу моллар емиш излаб, қорда базўр тентираб юрарди.

«Чатоқ, жуда чатоқ,— ўйлади Аҳмад қайтиб келганлар ҳақида.— Ўзга юртда уч йил саргардон бўлиб юрган бу одамлар юртига қайтиб келиб нима топишди?! Албатта, биз уларни ташлаб қўймаймиз, лекин бу ют балоси ортиқча бўлди. Бугун-ку очдан ўлмасмиз-а, лекин эртага нима еймиз?»

У Муханбетнинг олдидан қайтиб келаётган эди. Пастда, овулда уни Иван Матвеевич кутиб турарди. Улар икки ҳафтадан буён овулларга, қишлоқларга, кўчманчилар тўхтаган жойларга бориб, халқ бошига тушган кулфатни ўз кўзлари билан кўришди, бу ҳақда Тошкентга етиб борган мавҳум хабарлар тўлалигича кўз олдиларида намоён бўлди. Умидсизликка тушган одамлар бошланаётган фалокат олдида ноилож қолиб, машъум тақдирларига тан бериб турардилар.

Шаҳарларда ҳозирча ҳаётдан умид бор эди. У ерда одамлар курашиб, совет аппаратини йўлга қўйишга уринар, овул ва қишлоқларга ёрдамлашишга ҳаракат қилар, сон-саноқсиз шайкалар ҳужумини бартараф этиб, исёнларни бостираётдилар. Пишпақда, ундан сўнг эса Тўқмоқ ва Пржевальскда Советларнинг съездини ўтказишга тайёрланишаётганди, аммо шаҳарлардан узоқлашган сайин халқ ҳаракати сезилмай қоларди. Бу ҳаракат худди ер ости дарёсига ўхшаб чуқур тушиб, ниманидир юйиб, ўпириб, ниманидир заифлаштириб борарди. Лекин бу нарса зимдан бўлаётганди. Сиртда эса ўз тақдирига бефарқ қараш, асрий одатларга кўр-кўрона қул бўлиб қолавериш давом этаётгандай эди. Олатоғда ҳам, Қорақумда ҳам, Тоғли Бадахшонда ҳам, серҳосил Фарғонада ҳам, бу ерда — марказий Тянь-Шань тоғ тизмалари орасида қолган Еттисувнинг бир бурчагида ҳам аҳвол шу эди.

Омmani кўзғатиш, карахтлиқни йўқотиш учун қандайдир бир туртки керак эди.

Бир тўда партияликлар— Иван Матвеевич билан бирга келган тошкентлик ишчилар қишлоқларга, кўчманчилар турадиган жойларга тарқалиб кетишди. Сир бой бермай шарққа хос мулозамат қилишса-да, шубҳаланиб уларни эҳтиёткорлик билан қарши олишарди, лекин Аҳмад номини эшитиб, эшикларини ҳам, қалбларини ҳам очишарди. Улар қаерга боришмасин, бу одамларни Аҳмад бошлаб келганлигини, улар большевой, яъни, бу одамлар билан гаплашса арзишлигини қаёқдандир билиб олишарди.

Тепадан тушган тоғ сўқмоғи йўлга уланиб кетган, йўл эса Аҳмадни пастга, овулга олиб келган эди. Иван Матвеевич тушган ўтовда одам кўп эди. Яёвлар ҳам, отлиқлар ҳам шошилиб гоҳ у, гоҳ бу ерда тўпланишиб, жон-жаҳдлари билан имо-ишора қилишарди.

— Янгликлар борми?— секин сўради Аҳмад отдан тушмай.

— Бўлганда қандоқ!— қувноқлик билан жавоб берди яқинида турган қирғиз.— Бошлиқ келди, жуда обрўли, катта бошлиқ. У сизларга ёрдам бераман деяпти. Унинг пули ҳам кўп, нон ёпишга уни ҳам кўп. Ун, албатта, гўштнинг ўрнини босмайди,

лекни ют келиб, ҳамма оч қолса на чора... Жуда бадавлат бошлиқ!

— Бадавлат?— ҳайрон бўлди Аҳмад, лекин Дрожжин ўз ваъдасининг устидан чиққан бўлиши керак, деган фикр хаёлидан ўтди.

— Албатта, бадавлат-да!— илиб кетди суҳбатдоши.— Камсағал одам ўз халқига шундай ёрдам бера олармиди?

Яқинда турган одамлар ҳаракат ва имо-ишоралар билан унга тўла қўшилганликларини изҳор этдилар.

— Янглишдингиз...— деди Аҳмад,— сиз жуда янглишдингиз. Бошлиқни Тошкентдан ҳукумат юборган. Бошлиқ сира ҳам бой эмас, унинг ёрдам қиладиган ҳеч вақоси йўқ. Ҳукумат ёрдам қиляпти, большевиклар ёрдам қиляпти. Улар қирғизларга ёрдам қиламиз, деб менга айтишган эди, шунинг учун бу бошлиқни юборишган.

Аҳмадни ўраб олган кишилар ҳурмат юзасидан эътироз билдиришмаган бўлса-да, унинг гапига ишонишмаётганлиги кўри-ниб турарди.

Аҳмад оддан сакраб тушди. Унга қовоқлари қизариб, шил-пиқ бўлиб қолган қария ёни билан яқинлашиб келди-да, секин деди:

— Сен, Аҳмад, ҳамиша тўғри йўлдан юргансан, одамларга ёқса-ёқмаса тўғриси айтгансан. Шунинг учун ҳам сени ҳур-мат қиламиз. Лекин энди нега йўлдан адашиб, нотўғри гап айт-япсан? Айт-чи, катта мулкдор Жуназоқнинг ўгли отасидан камбағалми?

— Жуназоқнинг ўғлини нега тилга оляпсан?

— Келган бошлиқ Жуназоқнинг ўгли, Тўрақул-ку! Шунинг билиб туриб ҳам Тўрақул Жуназоқов шунчалик қашшоқки, халққа ёрдам қилолмайди, деб ишонтирмоқчи бўласанми? Э, сени қара-ю, яхши эмас, Аҳмад!

Аҳмад саросималаниб ўтовга кирди. Иван Матвеевич у ерда йўқ эди. Тўрда қуюқ соқоли кепчикдек юзини қоплаган, мовутдан тикилган, ғижимланган европача костюм устидан қиммат-баҳо шойи чопон кийиб олган барваста қирғиз чўққайиб ўтирарди. У чой қуйилган пиёлани ушлаб атрофдагиларга қандайдир муҳим гапни уқтирарди. Атрофдагилар ён овуллардан келган бообрў одамлар эди.

Аҳмад бевақт келганлигини сезиб, ноилож уларнинг ёнига ўтирди. У келиши билан суҳбат бўлинди. Шойи чопонли қирғиз хўплаб-хўплаб чой ичарди.

— Қандай янгиликлар бор?— секин сўради Аҳмаддан ённдаги одам.

— Янгилик эшитаман деб келдим,— гапни чалғитди у.

— Ана ундан сўрагин,— ёнидаги одам чой ичаётган қирғизни ишора қилиб кўрсатди.— У бизга ёрдам бериш ниятида келганман, деяпти.

— Яхши гап,— деди Аҳмад,— халқ жуда муҳтож.

Эҳтиёткорлик, шубҳасиз, Шарқда туғилган. Лекин одам уйдан чиққанда атрофга аланглаш бошқа. Бу ерда икки азалий душман тўқнаш келиб, бир-биридан юз ўғирмайди. Бир пиёла чой устида улар узоқ гаплашишади, энг сўнгги янгиликларни айтиб беришади... аммо фақат ўзи билиши керак бўлган нарса хусусида ҳеч ҳам сир бой беришмайди. Уз фикрини пинҳон тутиш санъати бу ерда такомилга етказилган.

Аҳмад шошилмай чой ичар, ўқтин-ўқтин суҳбатдошларига луқма ташлаб қўяр, натижада уни кутиб олишган пайтдаги жиддий вазият бўшашиб борарди.

— Биз ҳаммамиз қирғизлармиз,— дерди Жуназоқов.— Бинобарин, бир-биримизга ёрдамлашишимиз керак. Қани, айт-чи, шундай эмасми?— дея мурожаат қилди у Аҳмадга.

— Ердам қилиш — яхши гап,— яна гапни чалгитди Аҳмад.

— Мана, Хитойга қочиб кетган биродарларимиз яна қайтиб келишяпти. Уларнинг ҳаммаси ҳам молидан маҳрум бўлган. Ҳамманинг бошига фалокат тушди, деб қараб туравериш керакми? Шўнинг учун биз уларга ёрдам берамиз. Буни мен, Тўрақул Жуназоқов гапиряпман! Менинг қўлимдан келади... Тошкентда биз қандай фалокатга дуч келганимизни билишмайди, лекин мен уларга айтиб бераман, менинг гапларимга ишонишади.

Жуназоқов яна кўп гапирди, лекин Аҳмад энди эшитмасди. Гап бўлинганидан фойдаланиб, у хайрлашиб ўтовдан ташқарига чиқди.

У отининг тизгинини ушлаб турар, Иван Матвеевичнинг таъсирида тарқай бошлаган алами энди янгиланган эди.

У мана шу мулкдорнинг ўғлини нима сабабдан бундай нозик топшириқ билан Тошкентдан юборишганига ақли етмасди. Кимки ёрдам олса, ёрдам берган одамдан миннатдор бўлади. Лекин бу миннатдорчиликни одамлар Совет ҳокимиятига эмас, Жуназоқовга изҳор этишаётгани кимга керак?

Аҳмад Иван Матвеевични кўриб қолиб унга томон юрди.

Аҳмаднинг қалби ғазаб ўтида ёнарди, гарчи бу сиртдан билинмаса-да, чол буни пайқади.

— Сенга нима бўлди, а?— сўради у.

Аҳмад жилмайишга ҳаракат қилди-ю, аммо бўлмади.

— Яшириб нима қиласан,— деди Парамонов.— Қўйсанг-чи шарққа хос сиполикни, сиполикни ёқтирмайман.

— У ерга катта бошлиқ келибди.

— Биладан. Кеча келган. Бошлиқ эмас, Революцион ҳарбий

кенгаш вакили. У қирғиз, шунинг учун ҳам бу ердағи ишларни яхши тушунади, албатта,— деди Иван Матвеевич, лекин Жуназоқов унга ёқмаганлигини билиб, бошқа гапирмади.

— Тушунганда қандоқ!— деди фиғони фалакка чиққан Аҳмад.— Мулкдор Жуназоқнинг ўғли бўлади-ю, тушунмайдами! Уни қаранг-а! Энди бу акам кимсан, Революцион ҳарбий кенгаш вакили. Лекин бизда чаённинг боласи — чаён деб бежиз айтишмайди!

Улар овул кўчаси бўйлаб боришаётганда отлиқ қирғиз қувиб ўтди. У Аҳмаднинг эътиборини ўзига тортди. Қирғиз ҳамма қатори чопон, тумоқ кийган эди. Эгарда ёстиқ ўрнига адёлми, чопонми, шунга ўхшаш қавима қалин нарса бор эди. Аҳмад хиёл кўзини қисиб унинг орқасидан тикилди.

— Нима бўлди?— деди Аҳмадга разм солиб Иван Матвеевич.

Аҳмад кутиб туриб, отлиқ муюлишда кўздан ғойиб бўлгандан сўнг деди:

— Бу қирғиз ҳарбийларга ўхшаб кетяпти. Бунақа от миннишни ўн олтинчи йилда кўрган эдим. Яхши ният билан кетаётган одам бегонанинг чопонини кийиб олармиди?

— Нега олдинроқ айтмадинг?!— ҳайрон бўлди Иван Матвеевич.

— Нега дейсанми? Тўхтатиб, ҳужжатларини сўрардинг. Унда хоҳлаганча ҳужжат чиқиши мумкин, бўлмаган тақдирда эса оғиз очишга қўймай сени отиб ташларди. Халақит бериш керак эмас, йўлидан қолмай кетаверсин.

— Қўлдан чиқиб кетади-ку!

Аҳмад жавоб ўрнига кўчада чошиб кетаётган қандайдир ўспиринчани чақириб, унга шошилиб нималардир деди. Болакай кўзларини айёрона ўйнатиб, сакрай-сакрай кўчани кесиб ўтди ва қинғир-қийшиқ пахса деворлар орқасида яширинди.

— Отлиқ қуш эмас, осмонга учиб кетмайди!

4

Отлиқ бу орада овулнинг илонизи кўчаларидан айланиб ўтиб, бир четдаги ёлғиз уй олдига келди.

У отни қайрағочга бойлаб, атрофга аланглади, сўнг пастак эшикка кирди.

Қандайдир қўй жулдуруни елкасига ташлаган чол кигизда ўтирарди.

— Саломатлик тилайман,— деди кириб келган киши қирғизчалаб, бу сўзни у шунчалик бузиб айтдики, чол аранг тушунди.— Ўғлинг қани?

— Утир,— бош ирғиди чол.— Хабар борми?

Келган одам қирғизчани кам биларкан, шунинг учун суҳбат ўз-ўзидан тўхтаб қолди.

Ўғил кириб, сиполик билан саломлашди ва уни қўшни хонага бошлади:

— Одамларни чақир, Худоёр,— деди келган одам русчалаб, улар ёлғиз қолишганда.

— Мумкин эмас, тақсир. Сен ёмон кунда келдинг. Овулда бегона одамлар кўп.

— Тошкентдан келишганми? Улар шу ердами?

— Ҳа, шу ерда. Тошкентдан келишган. Кўплари тоғларга, олис қишлоқларга жўнаб кетишди. Ҳозир бу ерда чол кўз-қулоқ бўлиб юрибди.

— Юрса нима қипти?

— Ҳечқиси йўқ-ку, лекин ёнида Аҳмад бор. Улар сени ўтганингни кўришмадимми?

Полковник Русанов бир дақиқа ағрайиб қолди.

— Бу ерда у нима қиляпти?

— Қим, Аҳмадми? Олис яйловларга бориб келди. Бугун қайтди.

— Яна кўп турармикин?

— Худо билади. Унинг қанча туришини, қайси йўл билан кетишини билиб бўлармиди. Бу ҳақда сира эшитганим йўқ.

Русанов ўйланиб қолди. У жуда чарчаганидан, деворга суяниб ўтирарди. Аёл кириб, кигиз устига индамай пиёла-чайнак қўйиб кетди. Уй эгасининг фахри, тўқлиги белгиси бўлган, захдан занглаб қолган Тула самовари даҳлизда қайнаб турарди.

Худоёр меҳмонга секин қараб қўяр, чамаси унга бир нарса дейишга ботина олмай, унинг оғиз очишини пойлар эди. Лекин полковник индамасди.

— Бундан уч кун аввал бизда ғалва кўтарилди,— олисдан бошлади Худоёр,— жуда катта ғалва бўлди. Эшимбой қўлидан келмайдиган ишни бошлади...

Полковник ланжлик билан деди:

— Гапир!

— Айтдим-ку, Аҳмад овулда деб, Эшимбой эса карвонга бошчилик қилишни беҳуда бўйнига олди.

— Қуроқ ортилган карвонми?

— Ҳа, ўша! Карвон тўғри большевикларнинг қўлига тушди. Катта ғалва чиқди.

Русанов деворга суяниб, Худоёрга тикилди.

— Менга қара,— секин гап бошлади у,— Аҳмад билан доим дуч келавериш жонга тегди, назаримда сизларда эркак зоти қолмаганга ўхшайди.

Худоёрнинг юзи бирдан айёрона ёришди, лекин бир дақиқа ўтгач, айёрлик йўқолиб, яна хотиржам, лоқайд тус олди.

— Унақа дема, тақсир! Аҳмаднинг шериклари жуда кўп! У атрофида нималар бўлаётганини бир кунлик йўлдан туриб билиб олади.

Полковник ғижинарди: рўпарасида қаққайиб турган манови одам ундан беҳад кучли эди, чунки бу одамсиз Русановнинг иши битмасди.

— Менга қара, Худоёр,—деди полковник,—сен қўрбошини огоҳлантир. Кечқурун мени уларнинг олдига бошлаб борасан, буни шундай қилгинки, бизни ҳеч ким кўрмасин. Тушундингми гапимга?

Худоёр «ҳа» дегандай бош ирғади.

... Кечқурун полковник қўрбошилар, уларнинг яқинлари даврасида ўтирар ва совуқ нигоҳ ташлаб, уларга баҳо берар эди.

«Қаланғи-қасанғи авлиёлар,— жирканиб хаёлидан ўтказарди полковник.— Қазақларнинг яхши эскадрони уларни хоҳлаган жойигача қувиб боради. Лекин нима ҳам қилардинг! Бошқаси бўлмагандан кейин начора».

— Ҳар қайси йигитга,—деди у овозини чиқариб,— кунига ўн беш сўм тўлайман. Менга кўп одам керак.

— Қўрбоши-чи?— сўради юзида қилич чандиғи қолган чорлаҳил қирғиз, у илгари бу ерда бошлиқ бўлган кўринарди.— Қўрбошига қандай ҳақ тўлайсан?

Бу ерда Мадаминбек ёки Эргашга ўхшаш катта шайка раҳбарлари йўқлиги равшан, аммо ўйлаб ўтиришга ҳожат йўқ эди.

— Яхши. Қўрбошига алоҳида ҳақ тўланади.

— Одамлар топилади,—деди юзида қилич чандиғи бор қўрбоши.— Бизга ҳар кун энг кучли, ёш, энг ботир йигитлар келиб илтимос қилишяпти. Аммо қурол бўлмагандан сўнг шунча йигитнинг нима кераги бор!

Полковник лабини тишлади. Қурол билан келаётган карвон большевиклар қўлига тушиб қолганди. Бу иш жуда бемаврид бўлган эди. Русанов шу ерда турган Эшимбойга маъноли қараб қўйди, лекин таажжубки, у мутлақо бепарво эди.

Эшимбой пинагини бузмай атрофга боқар, кулар, бутун вужуди билан мамнунлигини яширмасди ҳам.

«Бу маймун намунача ликиллайди?»— ўйлади полковник, уни кузатаркан. Қўрбошилар гап билан овора бўлиб қолганда, у Эшимбойни олдига чақирди.

— Қувончинг ичингга сиғмай кетаётганга ўхшайди!—деди заҳархандалик билан полковник.

Эшимбойнинг оғзи қулоғига етди.

— Бўлмаса-чи! Топдинг, тақсир, теримга сиғмайман!

— Карвоннинг большевиклар қўлига тушиб қолганига севиняпсанми?

— Э, йўқ тақсир! Тентакларгина кулфатдан хурсанд бўлади. Карвонни қўлга туширишганда жуда тутоқиб кетдим. Кўзингга кўринишдан қўрқиб юрдим. Кўп фикр қилдим. Узоқ ўйладим. Сўнг ўз-ўзимга дедим: қуроолларни қайтариб олишинг керак. Лекин қандай қилиб? Уйлаб-уйлаб бир оғайнимнинг олдига бордим. У яқинда узоқдан келган эди, гапимни эшитиб бўлгач, ёрдам беришга ваъда қилди. Эртага биз қуроолимизни оламиз. Уни жанг қилмай қайтариб оламиз ва яхшилаб яшириб қўямиз.

Полковник ишонқирамай қулоқ солди.

— Бемаъни гапни қўй,— деди у ва тескари қараб олди,— қандайдир оғайнингнинг қўлидан нима келарди!

Эшимбой унга яқинлашиб секин деди:

— Сен билмайсан, тақсир! Тўрақул Жуназоқовнинг қўлидан кўп иш келади.

5

Эртасига соат ўн бирларда тепалик орқасидан ўқ овозлари эшитилди. Овулга шиддат билан отлиқлар кириб келиб, боғлар орқасига яширинди. Шу заҳоти Тўрақул Жуназоқов турган уйга ҳар томондан пиёдалар ва отлиқлар ёпирилди.

—Босмачилар!

— Қочинглар, босмачилар!

Одамлар бу ерга мадад сўрагандай, илтижо қилиб югуриб келишарди.

— Қурол беринглар, қурол!— бақиршарди отлиқлар.— Бизга қурол беринг!..

— Оиламиз ҳалок бўляпти. Қурол беринг бизга!

Эшимбойдан тортиб олинган қурооллар вақтинча жойлаб қўйилган сомонхона эшиги олдида соқчи турарди, унга ёрдам бергани бошқа икки соқчи ҳам шинеллари тугмасини тақмай югуриб чиқиб, унинг ёнига келиб турди.

Эрталаб қизил аскарларнинг кичик бир отряди қўшни овулни талаган шайканинг кетидан қувиб, тоққа қараб кетган эди. Отряд складни қўриқлаш учун уч аскарни қолдириб кетганди.

Жангчилар ёнма-ён туриб, ўзларини сиқиб келган оломонга тушунтиришарди, дўқ қилиб кўришарди. Улар қуроолни қўлга киритиш ўзи бўлмаслигини билишарди, шунинг учун ўзлари босмачилар ҳужумини қайтара олмаган тақдирдагина қуроолни тарқатишга қарор қилган эдилар. Улар қуроолни ҳимоя қилишга тайёрланишди, лекин уни кимдан ҳимоя қилишаётганини

билишмасди: бақириқ-чақириқ, ўқ овозларига қарамай ҳали ўзи кўринмаётган босмачиларданми ёки борган сари тиқилинч қилаётган мана шу оломонданми, билишмасди.

— Яқинлашма!— деди жангчиларнинг каттаси.— Эшакмия едингларми? Босмачилар қани?

У милтиқ ўқталиб олдинга қадам қўйди. Оломон орқага қайтди.

Шунгача орқада турган отлиқлар группаси қий-чувдан фойдаланиб, билдирмай ён томондан сомонхонага яқинлашиб қолган эди.

Жангчилар бу ҳийлани пайқаб қолишди, жангчиларнинг бошлиғи милтиқни чап қўлига олиб, ўнг қўлини гранатага чўзди.

—Қайтинглар!

Отлиқлар тўхтаб қолишди.

Бирдан оломон ораси очилди. Утовдан Тўрақул Жуназоқов чиқиб келди. У тўғри аскарларга қараб юрди, оломон унинг орқасидан эргашди. Жуназоқов аскарларнинг шундоққина рўпарасига келганидан улар милтиқни четга олишга мажбур бўлдилар.

— Туркистон революцион армиясининг аскарлари,— деди Жуназоқов,— қуролингизни нечун тинч аҳолига тўғриладингиз? Ахир сиз уларнинг кўз ёшларини кўрмаяпсизларми, илтижоларини эшитмаяпсизми?

— Биз қуролларни тарқата олмаймиз,— жавоб қилди аскарларнинг бошлиғи.

— Сиз мени биласизми? Мен — Революцион ҳарбий кенгаш вакилиман, омборни очишингизни буюраман...

Отлиқлар тўдаси бирдан олдинга ёпирилди ва омбор эшиги билан қизил аскарлар ўртасига бориб қолди. Соқчилар одамларни тўхтатишга уриниб кўришди, лекин Тўрақул Жуназоқов уларнинг шундоққина олдида турганидан соқчилар бир лаҳза иккиланиб қолишди. Бир лаҳзадан сўнг оломон уларни суриб ташлади, эзгилаб, қуролсизлантирди. Омбор эшигидан қулфни суғуриб олишди. Кимдир йиқилиб тушди, кимдир бақириб юборди. Той-той қуроллар қўлма-қўл узатилди, омборни ўраб турган отлиқлар эса уларни қайиш билан эгарларга боғлашди.

Аҳмад билан Иван Матвеевич отда рус қишлоғига бориб келишаётган эди. Етгисувда бундай қишлоқлар кўп эди, улар бир вақтлар марказий губернялардан чиққан одамлар, бўш ер ахтариб, бу томонга келиб қолган Дон казаклари, украинлардан ташкил топган эди. Бу қишлоқларнинг аксарияти бадавлат

яшарди, шунинг учун ердан фойдаланиш масаласида Еттисувнинг туб аҳолиси билан доим жанжал чиқишига сабаб бўларди.

Иван Матвеевич ана шундай жанжаллардан бирини тинчи-тиш учун борган эди. Аҳмад йўл-йўлакай хаёл суриб борди.

Иван Матвеевич нима сабабдан хафалигини ундан сўрамади, кейинроқ ўзи ҳаммасини айтиб беришини биларди.

Отлар секин қадам ташларди.

— Иван Матвеевич, — деди Аҳмад унга етиб олгач, — ҳарбийча қиёфадаги қирғиз ёдингдами?

— Ёдимда, нимайди?

— У рус. Худоёрнинг ҳузурида бўлди. Бугуп мен икки қўрбошини кўрдим, улар суяк топиб олган итдек хурсанд эди. Бунга сен нима дейсан, Иван Матвеевич?

Қария Аҳмадга тикилиб, қулиб қўйди.

— Ўзинг очигини айт-чи, қирғиз почтаси сенга нима келтирди?

— Сен жуда айёрсан, Иван Матвеевич. — Аҳмад ҳам кулди. Жуда ҳам айёрсан. Аҳмад нималарни вайсар экан деб ҳаммасини эшитиб турасан, кейин ўзингча хулоса чиқарасан... Халқ орасида қўрбоши одамларни йиғяпти, деган миш-миш бор. Қўрбошилар йигитларнинг ҳар бирига ўн беш сўмдан тўламоқчи эмиш. Бу жуда катта пул.

— Қапақа пул бермоқчи экан?

— Эски пул, Николай, Керенский пулларини. Бизда ҳаммаси ўтаверади.

Иван Матвеевич бу ерда ҳеч нарсага тушуниб бўлмайдия, Тошкентда гапиришаётган гапларга сира ҳам ўхшамайдия-ку, деб ўйларди. У ерда Иван Матвеевич кийимини ўзгартириб олган, душманлиги билиниб турган одамни учратиб қолса ўйлаб ўтирмай отдан тортиб туширарди-да, тўғри комиссарликка олиб борарди. Бу ерда эса унақанги одамни ушлаш учун аввал, ўн-сўлингга яхшилаб қараб олишинг, у одамнинг бу овулда қанча дўсту химоячиси борлигини ўйлашинг керак.

Аслида Тошкент алоҳида орол эди. Пишпак, Скобелев, Пржевальск, Андижон, Самарқандлар ҳам шунга ўхшаш совет оролчалари эди. Атрофида жимжит, нафасини чиқармаётган ҳисобсиз қишлоқлар бор. У ёқларда нимадир мавжланар, нимадир ўзгарар, аҳён-аҳёнда ичидан большевик Аҳмадга ўхшаш эрқин сиймолар ёки ўзга лагерь — босмачи тўдаларининг Мадаминбек, Эргаш қўрбошилар сингари нусхалари чиқиб қолар эди, аммо туб аҳолининг ич-ичида ҳали кўп нарса мавҳум эди.

— Демак, сен билан биз, Аҳмад, кийимини ўзгартирган, чор ақчаларини саҳийлик билан сочиб юрган бу русни қўлдан чиқариб қўйибмиз-да?

— Нега қўлдан чиқарар эканмиз? Айтдим-ку сенга: одам қуш эмаски осмонга учиб кетса.

Улар қишлоқдан чиқаверишдаги чекка уйга етиб келишди. Дераза олдида косиб ўтирарди.

Аҳмад отдан тушмай, қамчи сопи билан деразани секин тақиллатди. Косиб ишини қўйиб, ташқарига чиқди.

— Утмадими?— сўради Аҳмад.

— Николай одамими? Йўқ. Қўрбошилар тарқашди. Худсёр ҳам икки отни етаклаб, қаёққадир чоптириб кетди. Ҳаммасининг огзи қулоғида эди. Сен, Аҳмад, Худоёрдан эҳтиёт бўлишинг керак. Тўғрими?

— Биламан,— деди Аҳмад ва отига қамчи босди.

— Энди тушундим,— деди Иван Матвеевич.— Одам қуш эмас, қаёққа ўтмасин косиб кўриб туради. Сен унга тайинлаб қўйганмисан?

— Йўқ,— деди Аҳмад,— бу ишни у ўзи қизиққанидан қилади.

— Босмачиларга ҳам айтиб турадимми?

— Бизда, Иван Матвеевич, гапни яхши кўришади, аммо ким билан, нима ҳақда гаплашишни ҳам билишади.

Йул тоққа қараб кетгаиди. Тоғ орқасидаги пасқамликда қишлоқ бор эди. Отлар уй яқинлигини сезиб, ўзлари қадамини тезлатди.

Аҳмад эгарда чайқалиб бораркан, одамлар қишлоқларда қачонгача ўз уруғ бошлиқларининг измидан чиқмай юраркин, деб ўйлади. Уларнинг кўзини очиш, саодат йўлини кўрсатиш керак. Аммо ўзи кўп нарса билмасди. Тошкентдан эса кўпинча Жуназоқовга ўхшаган одамлар келиб қоларди.

— Иван Матвеевич, бу нега,—сўради Аҳмад,—биз томонга яхши одамлар камдан-кам келади?

— Улар ўзи оз, Аҳмад. Борларининг ҳам иши бошидан ошиб ётибди. Яхши одамларни қаердан ҳам топардинг? Имконни борица уринаямиз-у, кўпинча янглишяпмиз. Туркистон кенг, унда қанчадан-қанча миллатлар бор, ҳар бирида эса ўзига хос хусусият. Шунинг учун халқнинг ўзи ёрдам бермаса бўлмайди.

У узангига оёғини тираб кўтарилди-да, пастга, қишлоққа тикилди.

— У ерда нима бўляпти?

Аҳмад қишлоқда одатдан ташқари ҳаракатни кўриб қолди-ю, қамчи босиб ҳайқирганича отни елдириб кетди. Иван Матвеевич ҳам отига қамчи босди, аммо Аҳмадга етолмади.

Аҳмад қишлоққа елдай учиб келди. Унинг яқинлашиб қолганини кўрган омбор-олдидаги одамлар тумтарақай бўлиб ке-

тишиди. Уларнинг кўплари қий-чувни эшитиб қолиб, томоша қилиб турган одамлар эди. Улар чеккароқда тўдалашиб туришар ва той-той қуроолларнинг қандай қилиб омбордан ғойиб бўлаётганини кузатишар эди. Омбор олдида турган отлиқ навбатдаги тойни олиб, эгарга босди-да, бошқаларни кутмай, отни чоптириб қишлоқдан чиқиб кетди.

Аҳмад ҳовлига отилиб кирди, бу вақтда омборда қурооллар анча озайиб қолган эди.

— Тўхта!— бақирди Аҳмад ва эгарга кўндаланг ташланган тойни ушлади.

Отлиқ бақираётган ким экан деб ўғирилди. Унинг қўлида тўппонча ярақлаб кетди, аммо отлиқ ўқ узишга улгурмади.

Тўдадан Бетал-Ғози ажралиб чиқди. Бу паҳлавон бир сакраб отлиқнинг олдига бориб қолди, белбоғидан ушлаб, эгардан туширди-да, ерга итқитиб юборди.

Шу чоққача бу ишга аралашмай турган оломон Аҳмадга ёрдам бериш учун бирдан омборга ташланди. Кўпларнинг қўлида чопон ичига яшириб қўйилган ханжар ўйнади. Баъзиларда ҳатто қурол ҳам бор эди.

Уз одамига ёрдам беришига чоғланиб турган суворилар отларига қамчи босиб ғойиб бўлишди.

Иван Матвеевич етиб келганда тўполон тинчиган эди. Тоғда қўлга туширилган бир карвон қуроолдан бир неча бойламгина қолган эди.

У бузилган қулфни кўздан кечирди-да, нигоҳи Тўрақул Жуназоқовга тўқнаш келиб қолди.

— Ким ўйлабди дейсиз,— Жуназоқов Иван Матвеевичга томон кела бошлади.— Ким ўйлабди дейсиз! Ярамаслар қуроли-мизни ўғирлашди. Бай-бай-бай! Жуда чатоқ бўлди!..—у Аҳмадни кўриб бирдан тисарилди.

У ғазабдан оқариб, тўғри Тўрақулга қараб келарди.

— Нима, сен уларнинг бегоналигини кўрмадингми? Хўш, гапир, бойвачча!

Аҳмад Жуназоқовнинг чопони ёқасидан олди.

У силтанди.

— Мен — Революцион ҳарбий кенгаш вакилиман!

Бироқ Аҳмад яна уни бўғди.

— Ярамас итнинг бўйинбоғи қанақалиги барибир менга. Бошинг омонлигида гапир, қани, қуроолни кимга бердинг?

Ким билсин, Иван Матвеевич орага тушмаганда бу жанжал нима билан тугарди. Иван Матвеевич Аҳмадни базўр Жуназоқовдан ажратиб олди.

— Ҳой, Аҳмад, эсингни йиғ! Жинни бўлибсан! Бу одам айбодорми-йўқми, билмай айблайверасанми?!

Аҳмад ўз дўстига ажабланиб қаради-ю, лом-мим демади. Индамай ерда ётган той олдига келиб, уни сўқди. Боғлам ичидан битта милтиқни олиб, у ёқ-бу ёғига қаради ва Бетал-Ғозига узатди, кейин иккинчисини олди, имо қилиб тўда ичидан ёш йигитчани чақирди. У шу тахлитда, ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, ҳеч кимдан сўрамай, ўзича одамларни танлаб-танлаб бир той милтиқнинг ҳаммасини бўлиб берди. Кейин иккинчи тойга ўтди...

Бир соатдан кейин Аҳмад тузган кичкина отлиқ отряд овулдан чиқиб кетди.

6

— Хўш, нима демоқчисиз?— Востросаблин оқ оралай бошлаган бароқ қошлари остидан навбатдаги талабгорга ўқрайиб қаради. Қомати-тик, новча, юзи шамолда қорайиб, лаблари ёрилган йигит «смирно» ҳолатида ёзув столдан икки қадам нарида ғоз турарди.— Ўтиринг, йигитча. Тураверасизми!

Осипов исёни бостирилгандан сўнг Александр Павлович Востросаблин ўзи сира кутмаганда воқеалар гирдобига тушиб қолди. Бунгача-у кичик лавозим — қизил курсантлар мактаби бошлиги лавозимини эгаллаб турарди. У республика Революцион ҳарбий кенгаши аъзоси қилиб тайинланган эди, ҳарбий инструкторлар мактабини бошқариб турарди, Туркистон армиясини қайта тузувчи комиссия раиси эди, шунинг учун кейинги кунларда собиқ офицерларни Қизил Армияга қабул қилиш бўйича комиссияга раҳбарлик қилиш вазифасини ҳам унга юклашган эди.

Иш жуда кўп эди, бошидан ошиб ётарди. Аммо бу қотмагнана серҳаракат қария қачон, қаерда керак бўлиб қолса, ўша жойда пайдо бўлганидан ҳамма ҳайрон қоларди. У хиёл оқсоқланиб, белгиланган вақтда келар ва дарҳол ишга киришиб кетар эди. У раислик қилган мажлислар узундан-узоқ гап-сўзларсиз, бамаъни ўтарди ва тез тугарди. Ҳамма бекорчилар, узоқ мажлис қилиш ишқибозлари ва ўткинчи одамлар Востросаблин жорий этаётган амалий иш шароитида ўзларини ноқулай ҳис этиб, хотиржамроқ жойни қидириб қолдилар.

Бу ҳол Туркистон Революцион ҳарбий кенгашида сезилмай қолмади, уни маъқуллашди. Фақат Колузаевгина генералча одатларни кўриб, пичинг қиларди, лекин у ҳам Востросаблин йўқлигида эҳтиёт бўлиб гап ташларди. Осипов исён қилган кезларда мана шу қария унинг қўзғолонни бостириш планини аврастарини ағдариб ташлаб, ўн минут танқид қилганлиги Колузаевнинг ёдида эди. «Коммунистларга хушомад қиляпти, ўшаларга чўқиняпти бизнинг генералчамиз».— дерди Колузаев,

ҳеч ким эшитмайдиган қилиб. У Бош темир йўл устахоналари Советининг собиқ раиси Агаповнинг исёнчиларни суд қилган Туркистон Олий Революцион трибунали мажлисида айбларини очиқ бўйнига олганидан сўнг ўзини йўқотиб қўйиб, шу-шу ҳали ўзига келмаётган эди. Рад қилиб бўлмас далиллар билан михлаб қўйилган Агапов ўзи қандай хавф остида қолганлигини сезиб, Осипов исёнида Қолузаевнинг роли борлигини эътироф этишга, шу йўл билан ўзи қутулиб қолишга уринганди. Аммо Агапов стилиши тайинлигидан қўрқувга тушиб, ҳамма нарсани қориштириб юборди. Судга у берган маълумотлар унчалик ҳақиқатга яқин эмасдек туюлди. Қолузаев жонини ҳовучлаб қутулиб қолди.

Аввалига у ўзини сипо тутди. Туркистон Революцион ҳарбий кенгаши тузилаётган пайтда сўл эсерлар раҳбари Успенский ва унинг тарафдорлари Қолузаевни ҳатто бош қўмондонликка тавсия этишди, бироқ Компартия ўлка комитети аралашгач, Туркистон қўшинлари бош қўмондонлигига қалъанинг собиқ комендан-ти Иван Панфилович Белов тайинланди. У исённи бостиришда катта роль ўйнаган эди. Бунга Қолузаев чидолмасди. Унинг Белов билан курашиши қийин эди. Иван Панфиловичнинг обрўси исёнчилар тор-мор этилгандан сўнг Туркистонда анча ошиб кетганди. Шунинг учун Қолузаев дилдаги ҳамма ғазабини Востросаблинга қаратган эди. Востросаблин янги бош қўмондон билан жуда тез тил топишиб кетганлиги ажабланарли эди. У ўзининг олдинги мағлубиятини эслаб, Востросаблинга тўғридан-тўғри ҳужум қилмасди, бироқ тажрибали сиёсатчи эмасми, унинг ҳар қандай таклифини шубҳа остига олар, бу билан оқибат-натияжада ўз ибораси билан айтганда, «генералча»ни қулатиб, бош қўмондон Беловни ишчан, ҳарбий ишни биладиган ёрдамчидан маҳрум этишни мўлжалларди. У айниқса Александр Павловичнинг Қизил Армияга собиқ офицерларни қабул қилиш борасида комиссияда олиб бораётган ишини шубҳа остига олди. У неча марталаб Революцион ҳарбий кенгашнинг гоҳ у, гоҳ бу аъзосига гап орасида «Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди» деб қистириб қўярди. Уни силтаб ташлашганда, елкасини қисиб: «Майли, кўрамиз, ким ҳақ...» деб қўяр ва Востросаблин хато қилиб қўймасмикин, ашаддий душманни армия сафига олмасмикин, деб кутгани-кутган эди. Аммо Александр Павлович собиқ офицерларни танлаб олишда доим қаттиқ турар, унинг қаттиқ-қўллигини Тошкентда ҳам билишар эди.

Мана ҳозир ҳам у комиссия ходимлари тайёрлаган материални кўздан кечирар экан, ҳузурига қақирилган навбатдаги собиқ офицерга оқ оралай бошлаган қуюқ қошлари остидан аҳён-аҳёнда синчковлик билан қараб қўярди.

«Хвостов, поручик. Хўш... Хўш... Кадет корпусини тамомлаган... Кейин Павлов юнкерлар ўқув юртини...»

Собиқ офицерларни рўйхатдан ўтказиш эълон қилингандан буён комиссиядан жуда кўплар ўтди, уларнинг ҳаммаси ҳар хил одамлар эди. Айримлар сидқидилдан келиб Қизил Армияга ёзилишар, ҳеч нарсани яширмай, ҳатто баъзан ўзлари ҳақида оғиз очмаса бўладиган нарсаларни ҳам маълум қилишарди, бошқалари эски рус армияси ўз-ўзидан парчаланиб, тарқаб кетган, уни ташлаб кетиб, ўз ўтмишини ҳам йўққа чиқарган ва парвойи фалак бўлиб яшар эди. Бундайларнинг кўзини очиб, янги ҳаёт йўлига солиш осон эмасди. Ҳар қалай, улари ҳам, булари ҳам хавфли эмасди. Аммо рўйхатдан ўтаётганлар орасида яширинган, Совет ҳокимиятини жон-жаҳди билан ёмон кўрадиган одамлар ҳам бор эди, уларнинг ҳаммаси ҳам помешчик ёки аристократларнинг фарзандлари эмасди, албатта. Россия пойтахти ва йирик шаҳарлардан ҳайдаб чиқарилган, тор-мор этилган кўпгина қўзғолон ва исёнларда қатнашган бу одамлар ҳар қандай навбатдаги авантюрага шай бўлиб, бу томонларга келишган эди. Бундайларни Қизил Армияга киритмаслик Востросаблин комиссиясининг вазифасига кирарди.

Поручик Хвостов анкетаси билан танишиб туриб, Александр Павлович зўр бериб бу собиқ офицер ўзи ким экан, деб ўйларди. Аммо анкетадан нимани ҳам билиш мумкин!

— Ўз ҳақингизда гапириб беринг...

Хвостов рўпарасига қараб туриб, яхши таниш бўлган, аммо кўз олдидан анча наридаги текстни ўқигандай ўз таржимаи ҳолини бир бошдан, анкетага илова қилинган қоғозда қандай ёзилган бўлса, айнан шундай айта бошлади.

Востросаблин шунга ҳам эътибор қилди.

— Нега сиз Тошкентга келиб қолдингиз?— дабдурустдан сўради у. Хвостов бир оз тўхтаб жавоб берди:

— Москвада очарчилик, шунинг учун нон кўпроқ жойга боришга қарор қилдим.

— Бу ерда бирон одамингиз борми?

— Йўқ, ҳеч кимим йўқ.

Очарчиликда қолган Москвадан ярим оч Тошкентга ғалласи бор Самара орқали келиш ғалати эди. Аммо ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз!

— Тошкентга қачон етиб келдингиз?

— Уч ойча олдин.

— Аниқроғи!

— Агар хотирамдан кўтарилмаган бўлса, шу йил январь ойининг охирида — йигирма олтинчи числода.

«Алдаяпти,— кўнглидан ўтказди Востросаблин.— Бундан чиқ-

ди, Дутов fronti орқали ўтибди-да, а? Нимага келган? Яёв келмагандир ахир?» Лекин у-буни аниқлаб олиш керак эди.

— Мана шу уч ойга яқин вақт ичида бу ерда нима иш қилдингиз?

Хвостов илжайди:

— Диванга чўзилиб Тарзанни ўқиб ётдим. Ҳаммаси шундай жонга тегдики...

Востросаблин унинг шамолдан қорайган юзлари, қуришиб қолган лабларига бир қараб қўйди-ю: «Яна алдаяпти. Туркистоннинг марказ билан қўшилганлигидан фойдаланиб, энди келган бўлса ажабмас», деб ўйлади.

— Хўш, кўп томларини ўқиб қўйдингизми?

— Ҳали яримигача борганим йўқ.

Александр Павлович Хвостовга бир лаҳза синчковлик билан тикилиб туриб, тўсатдан қандайдир жуда жўнгина қилиб сўради:

— Айтинг-чи, Хвостов, Қизил Армияга кириш нима учун сизга керак бўлиб қолди? Сиз ўзингизча шундай хаёлга келдингизми ёки сизга биров маслаҳат бердимми?

— Тушунмадим, жаноб генерал-лейтенант!..

Востросаблин кулимсираб бошини қимирлатиб қўйди.

— Ҳали мени сиз жаноб олийлари деб атарсиз ҳам... Мени жуда яхши тушуниб турибсиз, Хвостов. Мен ҳам сизни тушуниб турибман... Яхши, мен комиссияга айтаман, аммо ўйлайманки, сизни Қизил Армияга қабул қилишмайди. Шундай...

Ёлғиз ўзи қолган Александр Павлович анчагача бошини қимирлатиб ўтирди. «Қандалага ўхшаб ўрмалаб келишяпти,— ўйлади у.— Айтишларича, қандала ҳатто бўм-бўш бинода ўн йиллаб яшаши мумкин экан. Қизиқ «бу... қандалалар яна неча йилгача яшаркин?»

Эшикни тақиллатишди.

— Кириг,— деди Востросаблин ва эшикда кекса Парамоновни кўриб, унга томон юрди.— Келинг, келинг, Иван Матвеевич. Утириг. Қайси шамол учирди?

— Қирғизларники, Александр Павлович, қирғизларнинг шамоли...

Иван Матвеевич Аҳмад Турдибеков ўз ҳолича тузган отряд тўғрисида Востросаблинга гапириб берди.

— Мен бош қўмондон билан келишдим, Иван Панфилович,— деди у, Беловни назарда тутиб,— бу масалада кўпларга қараганда узоқни кўрадиган чиқиб қолди. У миллий ҳарбий қисмлар тузилишига қарши чиқиш у ёқда турсин, уларга ҳар томонлама ёрдам беришга ҳам тайёр.

— Ҳа, ҳа,— бош ирғиди Востросаблин,— у Революцион ҳар-

бий кенгашда ҳам бу ҳақда гапирди, гапирганда ҳам анча ишонарли қилиб гапирди.

— Дарвоқе, Александр Павлович, Аҳмаднинг отлиқ отряди хусусида... Биласизми, гап шундаки, бу отряд шубҳасиз содиқ одамлардан тузилган. Улар қандай отлиқ бўлишини ўзингиз биласиз. Қирғиз болаликдан от минади. Урушганда ҳам охиригача урушади. Аммо, назаримда, уларнинг ҳарбий машқи камроқ-да.

— Мутлақо,— деди чўрт кесиб Востросаблин.

Иван Матвеевич ажабланиб, қошини чимирди.

— Мутлақо деганингиз нимаси?!

— Нима бўларди: сувори учун от миниб юриш воситасигина эмас, у қурол ҳамдир. Сизларнинг қирғизларингиз жуда яхши чавандоз, аммо жанг нуқтаи назаридан улар ҳар қалай ажойиб сувори пидеадир.

— Хўш, нима қилиш керак, Александр Павлович? Отряд аристулик эди-да...

Востросаблин ўйланиб қолди.

— Мен бир йигитни мўлжаллаб қўйганман,— деди у.— Авлиботада яшайди. Мен сизга айтсам, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган дали девона одам, худди Толстой таърифлаган Васька Денисовнинг ўзи. Бўй-басти ҳам ўшандай. Жуда ҳам довурак, худо юқтирган чавандоз. Ҳозир ишламай, дам олиб ётибди. Ишни қойил қилиб қўйгандан сўнг дам олади-да... Агар сизнинг Аҳмад Турдибековингизга ушн қўшиб қўйса борми, зўр бўларди-да.

— У тагин анави...— иккиланиб деди Иван Матвеевич.

— Аксилнқилобчилардан ёки буюк давлат шовинистларидан эмасми, демоқчимисиз? Ташвишланмасангиз ҳам бўлади. Ротмистр Кретов эсли-ҳушли одам, Россияни ҳам севади.

Иван Матвеевич ўрнидан турди.

— Ундай бўлса қўшиб қўйайликми, Александр Павлович?

— Ўйлаб кўрай, Иван Матвеевич, у билан гаплашаман.

Улар тарқалишди, бу икки қария — ишчи ва генерал ҳар вақтдагидек бир-бирларидан мамнун эдилар.

7

Ярим кеча эди. Тошкентни Ўрта Осиёга хос қуюқ қоронғилик қоплаганди. Шу кеча шаҳарда иккита воқеа бўлди, унинг оқибати анчагача чўзилди.

Ҳалимхон оҳиста қадам ташларкан, кўзини йириб-йиртиб қоронғиликка тикилиб, Очил Бобожоновнинг уйига томон борар-

ди, у узун илонизи кўча муюлишга бурилди-ю бирдан тўхтаб қолди.

Қандайдир шарпа девордан ажралиб, секин шивирлади:

— Бу ёққа юр, Ҳалимхон, уйга кириб, мени кутиб тур.

Ҳалимхон Бобожонови таниди.

— Бораверсанг -чи!— такрорлади Очил.— Мен сал туриб кираман...

Ҳалимхон нима гап эканлигини тушунмай, ҳовлига кириб тўхтади. Сал туриб Бобожонов олдига келди ва индамай уни уйга бошлади. Уйда Очил кичкина чироқ пилигини кўтариб, чопонини ечди ва шундан сўнггина меҳмонга қўл узатди.

— Қани кўришиб, кўяйлик, салом, Ҳалимхон! Утир. Менга бунақа қарама. Орқангдан биронтаси қизиқиб эргашгани йўқми-кан, деб текшириб қўйиш керак эди-да... Сени кечадан берн кутаман. Нега кеча келмадинг?

— Ушандақа синчков одамлар туфайли келмадим-да.

— Нима бўлди?

— Қандайдир икки ўспирин уйим атрофида ўралашиб юришди.

Бобожонов секингина кулди.

— Нуфузли одам бўлиб қолганинг кўриниб турибди, шунинг учун, сенга шунчалик ғамхўрлик қилишяпти. Қалпоқни ҳам янгисини кийиб олибсан. Жуда зўр-ку, бунинг олдида мулла Нафаснинг тумоғи нима эмиш. Демак, Искандар эшон сени яхши қабул қилибди-да, а? Қани, гапириб бер.

— Дарҳол қабул қилмади... Аввалига роса суриштирди, кейин шундай тақводор одам бозордаги арзимас сафсата учун турмага тушса-я, деб Нафасга жуда қайгурди. Сизни ҳам тоза койиди...

— Бу ўз-ўзидан маълум... Қани, кўрайлик-чи, қалпоқда нима бор экан.

У Ҳалимхоннинг янги қалпоғини қўлига олиб, диққат билан айлантириб кўрди, астар тагидан гўё уқувсизлик билан ажи-бужи қилиб чагилган жойларни кўриб кулди, бир неча минут бу қавиқлар тасвирини ўрганди, сўнг унинг шаклини қоғозга кўчириб қўйди ва астарни сўкди. Астар ичида арабча ёзилган катта шойи лахтак бор экан.

Бобожонов чироқни яқинроқ келтириб, диққат билан уни кўздан кечирди.

— Таниш ёзувга ўхшайди,— деди у ва стол тортмасини титкилаб, худди шундай ёзувли бир варақ қоғоз олди.

Бир соатдан сўнг Искандар эшон ёзган хатнинг мазмуни маълум бўлди. Хатни ўқиб Бобожонов ўйлаб қолди. Бутун Туркистонга ёйилиб кетган фитна ришталари энди яққолроқ кўрина-

ётганди. Бу фитна тўғрисида фавқулодда комиссияга бир неча сигналлар тушган эди.

1918 йил май ойида тарқатиб юборилган аксилинқилобий миллатчи Уламо ташкилоти яширинча иш олиб борибгина қолмай, кейинги пайтда анча активлашиб кетган эди. Лекин бу Искандар эшон нима сабабдан Фарғона водийсига серқатнов бўлиб қолдйкин? У ерда нима қилади? Фақат муллаларни деб борармикан? У Деҳқонлар армиясига киришга йўл очмаётгаимикан?

Бу фикр Бобожоновга аввалига ғалати туюлди. Деҳқонлар армияси 1918 йил июлида Қирғизистоннинг жанубида, Жалолобод томонда босмачилардан ҳимоя қилиш учун тузилган эди. Бу армия фақат кўчиб келган рус деҳқонларидан тузилган эди. Рус деҳқонлари чор маъмурлари фатвоси билан энг яхши ёрларни эгаллаб олиб, бу ерлардан туб аҳолини сиқиб чиқарган эди. Уламо ташкилотидаги буржуа миллатчилари билан бу руслар ўртасида қандай умумийлик бўлиши мумкин? Тўғри, деҳқонларнинг кўпчилиги чекланмаган ерлар ва маҳаллий чорикорларнинг арзон меҳнати орқасида жуда бойиб, ҳамиятли бўлиб қолган эди, бироқ улар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги муносабат сира яхши бўлган эмас. Шунга қарамай, бу ерда бир гап борга ўхшайди. Сўнгги маълумотларга қараганда, Деҳқонлар армиясининг состави кескин ўзгарган. Бу армиядан янги келганлар ва камбағалроқлар ими-жимиди ажраб чиқишганди. Раҳбарлар орасида ҳам қандайдир ўзгаришлар юз берганди. Қаёқдандир уларга генерал Муханов штаб бошлиги бўлиб келиб қолганди. Армия қўмондонлигига Монстров астойдил интилаётганлиги ҳақида миш-мишлар бор. Бу шубҳали шахс дунёвий билим юртининг беш синфини тугатган собиқ чакана пудратчи эди. Иннанкейин, бу армия Ҳарбий кенгаши ҳам Фарғонага, босмачиларга яқин жойга кўчиб борди... Ҳа, бу ерда нимадир бўляпти. Искандар эшон худога шукур қилиб, ичида гуноҳкор большевикларни қарғаш ўрнига, Фарғонага танда қўйиши бежиз эмас. Очилни лақиллата олмайсан! У ёшликда мадрасада беҳуда юргани йўқ, дин ҳомийларини яхши билади. Аммо ҳар қандай аксилинқилобий исён орқасида Бухоро турган бўлса, нима қилиш мумкин ахир? Ҳамма исённинг учи ўша ёққа бориб тақалиб, исёнчилар ҳам фош бўлиш хавфи туғилганда ўша ёққа яшириларди.

Бобожонов ўша ёққа, Бухорога, амир саройи яқинроғига тажрибали ва ақлли ўз одамини юборса, яхши бўлиши ҳақида ўйларди. Бухорода унинг маҳаллий аҳолидан бир неча одами бор эди, лекин улардан биронтаси ҳам қушбегига яқинлашолмасди. Яқинлашишга сабаб йўқ эди.

— Хўш, Искандар эшон хайрлашар чоғида сенга нима деди? Сени кимнинг олдига юборди?— сўради Очил хатни қайтиб астар ичига аввалгисидек қилиб яхшилаб тикиб қўйгач.

— Қушбегининг олдига боришим керак.

— Тўғри унинг олдигами?— ажабланди Бобожонов.

— Ҳа.

— Қалпоқ-чи? Қалпоқ ҳақида у сенга нима деди?

— Айтарли ҳеч нарса демади. Қушбегининг олдига албатта қалпоқ билан киришим керак экан, шуни айтди.

Аввалига Бобожонов иккиланди. У Бухоро амирлигининг одатларини яхши биларди, бироқ бу имконият уни қизиқтириб қўйганди.

— Менга қара, Ҳалимхон, борди-ю сен тўғри қушбегининг сьдига борсанг, нима бўларкин, а?

— Мен ҳам шуни ўйловдим.

— Хўш, қандай қарорга келдинг?

— Кемага тушганнинг жоғи бир, Очил ака. Агар уларнинг қўли баланд келса, ҳаммамизнинг ҳолимизга вой.

— Шундайку-я, лекин...— Бобожонов сўз қидириб салмоқланди.

— Ишқилиб қушбеги қалпоқ билан бирга бошини ҳам олмасайди, деб ўйлаётгансиздир-да. Шундайми, Очил ака?— деди Ҳалимхон.

— Ҳа.

— Унчалик бўлмас. Улар Бухородан Тошкентга мулла Нафаснинг ўзини жўнатишибдими, билингки, бемалол сафар қила оладиган одамлари кам қолган. Мулланинг ўзи ҳам аҳмоқ чиқиб қолди. Айтмоқчи, сизлар ўша Нафасни бу ерда оёқ остида ўралашиб юрмасин, деб Россияга жўнатиб юборибсизлар деган миш-мишлар бозорга тарқабди. Шу тўғрими?

Бобожонов мамнун бўлиб кулиб қўйди. Бу миш-мишни унинг кўрсатмаси билан тарқатишган эди.

— Искандар эшон-чи? Бу гап унга ҳам етиб борибдими?

— Борганда қандай! Искандарга етказадиганлар озми.

— Хўш, бунга у нима деди?

— Сўкинди, албатта. Нафасни ҳам, сизни ҳам сўкди, лекин шунақа бўлганлигидан бир ҳисобда севинди.

— Бизга мана шу керак эди... Хўш, сен нима қилмоқчи бўлдинг?

— Бораман.

— Яна ўйлаб кўр. Бу осон иш эмас, хавфли.

— Э! Бошга тушганини кўз кўрар... Эртага жўнайман. Уша Бухорода босмачи оғайниларим ҳали ҳам бор. Уларга қўшилволаман.

— Лекин сен Эргашдан кетиб қолгансан-ку.

— Нима қипти? Эргаш билан уришиб қолганим учун кетганман-да. Ўлжани бўлишиб ололмаганмиз... Асл сабабини ҳеч ким билмайди.— Ҳалимхон ўрнидан турди.— Майли, мен кетдим...

— Шошма,— тўтатди уни Бобожонов.— Мен муюлишгача олдинда бораман. Қарай-чи, кўчада ҳеч ким йўқми. Беш минутдан кейин чиқ. Чироқнинг пилигини пасайтириб қўй...

Ўша кун кечқурун Эдвард Свард уйида поручик Хвостов ва полковник Русанов учрашдилар. Уй эгасининг ўзи йўқ эди. Уларни қабул қилган Сэм куймаланиб столга вино ва газакларни қўйди-ла, қаёққадир ғойиб бўлди.

Полковник Русанов қадаҳнинг нозик дастагини ўйнарган, ғамгин Хвостовга илжайиб қараб қўярди. Поручикнинг кайфияти ёмон эди. Сўл ёпоғи ўқтин-ўқтин учиб қўярди.

— Асабийлашманг, асабийлашманг, поручик,— дерди Русанов.— Ароқ ичиш керак. Ичкилик доим ёрдам беради.— У қадаҳни қўйиб, графинга қўл узатди.— Қадаҳингизни беринг. Кичигини эмас. Россиянинг ўз-ўзидан барҳам топган армияси офицерига бундай қадаҳдан ичиш ярашмайди. Анави, каттароғини олинг.— Русанов қадаҳни тўлатди.— Қани, олдик, бир қиличбоз, ўтакетган алкаш танишим — ротмистр айтганидек сесканмайлик.

Хвостов қадаҳни бир кўтаришда бўшатди, Русанов лабини тегизиб қўйди холос.

— Демак, поручик, кўришингиздан сизни муваффақият билан табриклай олмас эканмиз-да. Генерал Востросаблин чатоқ чиқиб қолибди-да. Шундайми?

— Э, жин урсин ўшани!— тўнғиллади Хвостов ва ўзига ароқ қўйди.

— Жуда зўр бўлардику-я. Афсуски, ҳозирча уддалаб бўлмайди. У хизмат жойидан бошқа ҳеч ерда бўлмайди, ўзича ўралашиб қалъада ҳам биров билан кирди-чиқди қилмайди, у ерга эса сиз билан бизни киритишмайди, ёши ўтиб қолганидан хотинларга ҳам айланишмайди.

— Мумкин эмасмикин...

— Нима? Ошкора террор қилишми? Шундоқ бирон бир кўчадами? Бунақаси кетмайди. Биринчидан, уни адъютант доимо қўриқлаб юради. Уни қабулхонада кўрдингизми? Жуда соз. Мен ўша йигитни яхши биламан. Тез отади, отганда ҳам бехато отади, ҳамиша ҳушёр туради. Уни уйқусираб юради-ку, деб ўйланг. Балойи азим! Борди-ю суиқасд қилинганда ҳам, мен бунга

сира ишонмайман, жазодан яшириниб қолиши мумкин эмас. Иккинчидан, очик террор қилиш ҳаммамизни сездириб қўйиши мумкин. Тушундиргимизми? Бизга Фавқулудда комиссиянинг эътиборини жалб этиши мумкин. Бу эса ҳозир ҳеч кимга ёқмайди... Айтмоқчи, ўзингиз нима қилмоқчисиз энди? Тошкентда қолишингиз мумкин эмас. Агар сиз Востросабалинга ёлгон гапирмаган бўлсангиз, ёлгонни дундирганингиз шубҳасиз, албатта, сизни Қизил Армияга қабул қилмасликка қандай асос бўлиши мумкин? Энди хотирингиз жам бўлсин, ўша Чекага айтиб, сизни кузатиб юришларини тайинлаши аниқ. Бу касофат идора Тошкентда кейинги пайтда жуда қанот ёзиб кетди.

— Бухорога бораман,— тундлик билан деди Хвостов ва яна ўзига ароқ қўйди.

Русанов ичиб тамомламаган қадаҳини кўтариб, бу ўзига хос призма орқали суҳбатдошини яхшилаб кўргандай бўлди-да, уни яна столга қўйди.

— Ҳа-ҳа, демак, Бухорога денг? Уша мақтанчоқ Олимхоннинг паноҳига денг? Айтгандай, у ерда ўша чала, Туркистоннинг Наполеони бўлолмай қолган Осипов билан учрашиб қолсангиз ҳам ажаб эмас. У чет элга қочиб қолмоқчи эди, аммо вақтида қеёққадир буриб юборишди. Тўғри-да. Истаган томонга эмас, балки онанг айтган томонга бор.

— Уҳ!— тишларини гижирлатди Хвостов.— Бу генералча бирон хилватроқ жойда қўлимга тушсайди, бўйинини узиб ташлардим.

— Катта кетманг, ўзингизни босинг, поручик.— Русанов Хвостовга диққат билан разм солиб, жимиб қолди, сўнг секин сўзларини чертиб-чертиб деди:— Балким, шундай имконият тугилиб ҳам қолар... Бухорога бориб нима қиласиз. Мақтанчоқ амирнинг сизсиз ҳам рус ва бошқа офицерлари етарли.

У қадаҳини охиригача ичди-да, кўкрак чўнтагидан яхшилаб тахланган картани олди.

— Авлиёотага борасиз, поручик... Мана бу ёққа қаранг... Авлиёота уездидаги Чичқон довонини кўряпсизми? Ана шу довон орқали Фарғонадан Қўқон, Наманган, Андижон, Пишпак ва у ёғи Пржевальскка йўл очилади... Ажойиб йўл, ўзингиз ҳам бунга ишонч ҳосил қиласиз. Афсуски, ўтиб бўлмайди. Билмадим, қандай қилиб бўлган, большевиклар ўзларининг фаросатлари етдини ёки уларга бирон одам айтдими — Скобелевда уларнинг худди бизнинг Востросабалинга ўхшаган Веревкин-Рохальский деган одами бор, қандайлигидан қатъи назар, улар Қетмонтепа ва Қорабўри қишлоқларига ҳарбий заставалар қўйиб, довонни тақа-тақ тўсганлар. Биласизми, бу нима деган гап?

Хвостов елкасини қисди:

— Билмасам.

— Буниси чакки. Ҳарбий нуқтаи назардан жуда зўр операция... Довонни бекитиб, улар босмачиларни иккига ажратиб қўйдилар, биргалашиб ҳаракат қилишига имкон бермадилар, Фаргона водийси босмачиларини бошқа ҳамма босмачилардан ажратиб қўйдилар.

— Шундай бўлса нима қилибди? Бу заставаларни йўқ қилиб ташлаш мумкин эмасми?

Русанов илжайиб қўйди, ўзига ва Хвостовга ароқ қўйди.

— Сиз, поручик, тоғда сира урушганмисиз?

— Урушмаганман.

— Кўришиб турибди... Гап шуки, сиз Авлиёотага жойлашиб оласиз. Адреслар, ҳамма зарур нарсалар билан сизни таъминлайдилар.

— Пул-чи? Қандай кун кечираман?

— Пул ҳам берамиз. Томоша қилиб бўлиб, бирон баҳона билан Кетмонтела ва Қорабўрига борасиз, шароитни ўрганасиз, заставалар, қурол-яроғлар сонини, мудофаа системасини аниқлайсиз. Буни кечиктирмаслик керак. Маълумотлар тез кунда керак бўлиб қолади.

Хвостов полковник Русановга ажабланиб тикилиб қолди:

— Ҳазил қилмаяпсизми?

— Нимани?

— Сиз шу чопонпўшларга хизмат қилмоқчимсиз?

Русанов чимирилди, унинг тешиб юборгудек бўлиб совуқ қараб туришидан Хвостовнинг ранги бўзариб кетди.

— Энди билдим Востросаблиндан нега ўтолмаганлигингизни, поручик... Бемаънилик қилиш мумкин, лекин эви билан-да.— Русанов графинга чўзилиб, ўзига ароқ қўйди ва бир кўтаришда қадаҳни бўшатди.— Айтмоқчи, эҳтимол, сизда армия бордир, поручик,— деди у истеҳзосини яширмай,— ёки ҳеч бўлмаганда бутун бошли корпус бордир? Йўқ, дейсизми? У ҳолда бу ерда большевикларга қарши нимани кўндаланг қўймоқчисиз? Уларни нима билан қойил қолдирмоқчисиз? Шахсий қаҳрамонлигингиз биланми?..— сўнг жаҳл билан деди:— Етар сафсатабозлик! Эртага Авлиёотага жўнайсиз. Ҳозир эса кетинг. Мен беш минутдан кейин орқангиздан чиқаман. Яхши боринг.

Кутилмаганда шиддатли ҳужум бошланди.

1919 йилнинг тўртинчи мартада генерал Гайданинг Сибирь армияси Шарқий фронтимизнинг шимолий қанотига ҳужумга ўтди. Генерал Пепеляев корпуси қизилларнинг Оса ва Оханск ўртасидаги Иккинчи ва Учинчи армиялари қўшилган жойга қараб интилди. Эртасига эса генерал Ханжиннинг эллик минг кишилик армияси корпус кетидан корпусни жангга ташлаб, Бешинчи армиямизга ҳужум қилди. Бу армиямиз атиги ўн бир минг аскардан иборат бўлиб, тўхтовсиз походлар ва жанглар туфайли анча заифлашиб қолган эди.

Бешинчи армия қўмондонлиги бу вақтда қўшинларни қайта группалаш билан овора бўлгани учун вужудга келаётган хавфни аввалига дарҳол тушуниб етмади.

Бешинчи март тонготиарида 26-дивизиямиз Аша-Балашовск йўлларида ҳужум бошлади. Қўшинлар муваффақият билан илгариллаб борди, бироқ олтинчи мартда армиянинг чап қанотида турган 27- дивизия қисмларига душман ҳужум қилаётганлиги сезилиб қолди.

Аввалги жангларда ҳолдан тойган, кам сонли полклар рақибнинг беш баробар кўп кучларига бардош беролмай, жанг билан чекина бошлади.

5-дивизия 2-бригадасининг иккала полки ва Уфада ниманики йиғиб бўлса ҳаммаси: тузилаётган полк, махсус топшириқ берилган коммунистик отряд, благовешченсклик ишчилар отряди 27-дивизияга ёрдамга юборилди. Аммо шунда ҳам кучлар ҳар қалай тенг эмасди. Оқларнинг 2-Уфа корпуси Бирскни эгаллади ва Уфани айланиб ўтиб, Чишма темир йўл узелига қараб юрди. 6-Урол корпуси жануби-ғарбга, Стерлитамак йўлига қараб ҳаракат қилди, 3-Урол корпуси Уфага ҳужум бошлади.

Уфа остоналарида қақшатқич жанглр авжига чиқди. 26 ва 27-дивизияларнинг қисмлари ҳамда уфалик темир йўл ишчилари отрядлари қаҳрамонона жанг қилдилар. Ун биринчи мартга ўтар кечаси улар колчакчиларга шиддатли хужум қилиб, Уфадан ўттиз беш чақирим шимоли-ғарброқдаги Шарипово қишлогидан қувиб чиқардилар, туни билан жанг қилдилар, лекин уни қўлларда сақлаб қола олмадилар.

Ун олтинчи мартда колчакчилар Уфага ёриб кирдилар. Оқдарё устидаги кўприк портлатилмаган эди. Бундан фойдаланган оқгвардиячилар ўша кун кечга яқин Чишма станциясини ишғол этдилар. Бу станция орқали Уфадан Симбирск ва Самарага темир йўл излари кетган эди.

Шарқий фронт маркази ёриб ўтилганди. Бешинчи армия Уфа остоналаридаги жангда ўз составининг қарийб ярмини йўқотди ва икки томонга — Бугульма ва Белебей йўналиши билан чекинишга мажбур бўлди, бу эса ёриб ўтилган жойни яна ҳам кенгайтириб юборди.

Фронтимиз ёриб ўтилганлиги маълум бўлган вақтда Дронов Самарага бораётган эди. У 22-дивизия Лбищенскдан кейин Мергелевский посёлкасига хужум қилаётган пайтда мағлубиятга учраганлиги муносабати билан Жанубий группа штабига бораётганди. Бу сира кутилмаган ва жуда жиддий мағлубият эди. Оқ кзаклар иккита совет полкини буткул тор-мор қилганди. Ёрдамга жўнатилган учинчи полк аҳволни ўзгартира олмади. Уральскнинг қамалда қолиш хавфи туғилди.

Дронов йўл-йўлакай агар фронтнинг бошқа участкаларида ишлар кўнгилдагидек бўлса ва Жанубий группа армияларининг ўзида ҳам иш яхши бўлса, эҳтимол, Михаил Васильевич муваффақиятсизлик учун унчалик қаттиқ жазоламаса керак, деб ўйлаб борарди, аммо колчакчиларнинг кутилмаганда фронтни ёриб ўтганлиги бу умидини йўққа чиқарди. У Михаил Васильевичнинг ҳеч қачон фақат ўз иши билан ўралашиб қолмаслигини биларди. Ёниобарин, Тўртинчи ва Туркистон армиялари ишлари билан банд бўлган Фрунзе Бешинчи армия frontiдаги воқеага — фронтнинг ёриб ўтилганига эътибор қилмайди, деб ўйлаш мумкин эмасди.

Тўртинчи армия штабидаги безовталиқ Дронов йўлда кузатиб борганидан ҳам яққолроқ сезилиб турарди — эҳтимол, бу ердигилар ҳақиқий аҳволдан яхшироқ хабардор бўлгани учундир. Лекин бу энди ҳамма қочаётган экан, биз ҳам орқада қолмайлик, деган кайфиятни билдирмасди. Январда шундай кайфиятни кузатиш мумкин эди. Михаил Васильевичнинг бир ойдан ортиқроқ

гипаганлиги ўз таъсирини кўрсатган эди. Бутун армиядаги каби Тўртинчи армия штабида ҳам одамлар ўзларини бирмунча дадиброқ ҳис этаётгандилар.

Штаб йўлагиди Дронов Никита Игнатъевични учратиб қолди. Бандувват бу йиғит аввалгидек ҳушёр, жиддий ва босиқ эди.

— Ҳайфсан олиш учун келдингми?— сўради 22-дивизиянинг кейинги муваффақиятсизликларидан яхши хабардор бўлган Никита Игнатъевич.— Яхши, кириб чиқ. Михайло Васильевич сендан миннатдор бўлмайди. Унинг бусиз ҳам бош қўмондон билан муносабати чатоқ бўлиб турибди, буниинг устига энди сениинг дивизиянг...

— Нима, биздан жаҳли чиқяптими?

— Узинг кўрасан,— деди Никита,— ҳозирча кутиб туришингга тўғри келади. У ҳозир аппаратхонада фронт Революцион ҳарбий кенгаши билан гаплашяпти.

Улар халақит бермаслик учун йўлдан четроққа чиқишди. Ташвишли штаб ходимлари ёнларидан у ёқ-бу ёққа ўтиб туришарди. Хабарчилар, курьерлар келиб кетишаётганди. Кимдир телефонга бақирарди:

— Бузулук!.. Бузулук!.. Нима бало, кар бўлиб қолдингларми?!

Сўнг яна:

— Бузулук!.. Бузулук!..— деб чақирди.

— Фронда нима гап?— сўради Дронов.

— Ёриб ўтишганини эшитгандирсан.

— Демак, тўғри экан-да?

Никита Игнатъевич шошмай гапира бошлади.

— Биласанми,— деди у,— назаримда ҳаммаси ҳам тўғри эмасга ўхшайди. Мени қанақа ҳарбийлигимни ўзинг биласан, қолаверса, қулоғимга чалинган гапнигина биламан, лекин Михайло Васильевичники жуда тутган. У деярли ухламайди, бошқаларни ҳам ухлашга қўймайди.

— Ташвишланаётган бўлса керак-да...

— Ташвишланганда қандай!..

Телефонда Бузулукни чақираётган одам жимиб қолди. Юқоридан, аппаратхонадан қадам товушлари ва овозлар эшитилди. Дронов зинага қараган эди, ўз ёрдамчиси билан пастга тушиб келаётган Михаил Васильевични кўрди.

— Ҳа, айқаш-уйқаш бўлиб кетди...— деди йўл-йўлакай Михаил Васильевич Федор Федоровичга.— Билмадим, бу чигални қандай ечишаркин. Фронт қўмондони маълумотидан тушунишимча, душманнинг Бешинчи армия районида тўпланиши улар учун сира кутилмаган ҳол бўлган.

— У очиқдан-очиқ шундай дедими?

— Йўқ, албатта, бироқ бу яққол кўриниб турган нарса. Менимча, улар ҳозир ҳам фронтга таҳдид қилаётган хавфни унчалик писанд қилишмаяпти.

Михаил Васильевич Дроновни кўриб қолгач, унга бош ирғади ва кабинетга ўтди.

Дронов командарм ва Новицкийнинг орқасидан бораверсаммикан ёки чақиришларини кутиб турсаммикан, деб иккиланиб турганда Михаил Васильевич кабинет остонасида Дроновга яна бир қараб қўйди, шундан сўнг у беихтиёр улар орқасидан кетди.

Кабинетда Шарқий фронтнинг бутун деворни эгаллаган катта картаси осиглиқ турарди. Фрунзе кабинетда бир неча бор у ёқдан-бу ёққа юриб, сўнг карта олдида тўхтади.

— Утиринг, Дронов, оёқ керак бўлади,— деди у, сўнг Новицкийга мурожаат қилди:— Биласизми, Федор Федорович, бош қўмондонлик ҳам, бизнинг фронт қўмондонлигимиз ҳам ҳалигача операцияни Жанубий Урол орқали Верхнеуральскка қараб давом эттириш фикрида.

— Ҳозир ҳам-а?

— Ҳа, ҳозир ҳам!.. Ана шунинг учун улар ҳали ҳам фалокат қандайлигини тасаввур этишолмаяпти, деб айтяпман-да.

Новицкий бошини сарак-сарак қилди.

— Бу жуда хавфли, Михаил Васильевич. Бешинчи армия ҳозирги состави бўладиган бўлса, ҳеч нарсага қодир эмас, унинг чап қаноти ва орқа томони очилиб қолган... Ҳозир Жанубий Урол орқали ҳужум қилиш фикрига берилиш жуда ҳам хавфли.

Фрунзе хаёлга чўмди. Дарҳол қандайдир чора кўриш, душман сиқувини сусайтириш ва бу билан Биринчи армиянинг талофат бериб бўлса ҳам, қопқондан чиқиб олишига имконият яратиш лозим эди. Лекин у фақат Тўртинчи ва Туркистон армияларининг қўмондони холос, нима ҳам қила оларди?!

У телефон орқали тўғридан-тўғри фронт қўмондони билан гаплашганида унга Жанубий группани Бешинчи ва Биринчи армиялар билан оператив жиҳатдан бирлаштиришни таклиф қилди. Вужудга келган ҳозирги шароитда бу бирдан-бир тўғри йўл эди. Душманнинг зарбалари остида жанг ҳаракатлари икки йўналишга қараб ажралиб кетаётган фронтга Симбирскдан туриб раҳбарлик қилиш мумкин эмасди. Каменевнинг ўзи ҳам буни тушунарди. Бироқ у бош қўмондон директиваларига қараб турарди. Бош қўмондон тез ҳал этишни ёқтирмасди. Масала то келишиб олингунча Бешинчи армиядан ташқари Биринчи армия ҳам танг аҳволга тушиб қолиши мумкин эди.

— Гап бундай, Федор Федорович, Йигирма бешинчи дивизия қисмларини Бузулукка олиб келиш керак...

Новицкий унга синчковлик билан қараб қўйди.

— Сизнингча, Биринчи армия фронтини ўз зиммамизга олишга тўғри келадими?

— Ҳозирча бу жуда аниқ эмас. Бешинчи армияга алоқа учун юборилган ходимларимиз ҳозир қайтиб қолар, деб кутиб турибман. Шунда биз учун кўп нарса ойдинлашади... Бир нарса шубҳасиз: биз Бешинчи армияга ҳам, Биринчи армияга ҳам ёрдам беришимиз керак. Бусиз улар фронтни ёриб ўтган душмандан қутулиб чиқиб кетолмайдилар.

Новицкий қовоғини уйди-да, пишиллаб гапира бошлади:

— Йигирма бешинчи дивизия — бизнинг энг яхши қисмимиз. Сиз уни бригадаларга бўлиб ташламоқчимисиз?

— Асло. Буни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Уни бизсиз ҳам фронт қўмондони ёки бош қўмондон кўрсатмаси билан бўлиб ташлашлари мумкин. Дивизияни худди ана шундан асраш керак. Танг аҳволга тушиб қолган армияларга эса ёрдам бериш мумкин. Айтгандек, менимча, Биринчи армия ҳозирча ўзининг қанотда турганидан фойдаланиб, душмanning қаноти ва орқа томонига зарба бериши, бу билан ўз позицияларини анча енгиллаштириши мумкин. Билмадим, улар нимага сусткашлик қилиш-яптийкин... Шундай қилиб, Йигирма бешинчи дивизияни Бузулукка томон олиб келамиз.

— Аммо чегара чизиқлари...

— Нима бўпти? Чегара чизиқлари тошдан эмас-ку! Лозим бўлганда суриб қўйишади... Тўғриси, душман уларга қараб ўтирмайди. Агар душман Бешинчи армияни тор-мор этса, бизга ташланишига бирон нима тўсқинлик қиладими?.. Буйруқ-тайёрланг. Яна бир гап... Биринчи ва Бешинчи армиялар районида вазият ўзгарганлиги муносабати билан янги тузилаётган Туркистон армияси қаерга ўрнашиши керак — Туркистонгами ёки Волгагами, буни фронт қўмондонидан суриштириш лозим. Қўмондонини огоҳлантириб қўйинг: модомики Биринчи армия Орскни тозалаши назарда тутилаётган экан, мен буни Туркистон билан алоқа қилиш учун ҳам, Оренбургнинг ўзи учун ҳам хавфли деб ҳисоблайман. Бизнинг беш минг кишилиқ Туркистон армиямиз Орск районида Биринчи армия ўрнини эгаллаши ниҳоятда қийин бўлади.

Новицкий чиқиб кетди. Фрунзе карта ёнида яна бирпас турди-да, сўнг Дроновнинг олдига келди.

— Гапираверинг. Дивизиянинг ёнини олиш учун келдингизми?

Дронов сакраб ўрнидан турмоқчи бўлди, бироқ Михаил Васильевич унинг елкасига қўлини қўйиб, креслога ўтказди. Мана шунинг ўзиданоқ Дронов сўхбат расмий бўлмаслигини пайқайди.

Дронов Армия штабига яхши вақтда келиш керак эди, ана шунда Михаил Васильевич кайфиятимга қараб муомала қиларди, деб ўйлаганлари унинг ўзига кулгили бўлиб туюлди. Ахир Дронов кўнглига келган ҳамма гапни Михаил Васильевичга гапирган вақтлари бўлган-ку!

— Ҳа, Михаил Васильевич, дивизиянинг ённи олмоқчиман.

— Ўзингизни-чи?

— Мен учун, лозим бўлиб қолса, сиз бир йўлини қилиб ёп босарсиз, Михаил Васильевич. Бу сизнинг қўлингиздан келади.

Фрунзе бир лаҳза Дроновга тикилиб қолди, худди уни ўрганаётгандек эди.

— Хўш, гапираверинг.

— Нимани ҳам гапирардим, Михаил Васильевич. Хато қилиб қўйилди, хато бўлганда ҳам жиддий.

— Кимнинг хатоси?

— Дивизия қўмондонлигининг ва албатта менинг.

— Шундай денг.

— Бригаданинг маълумотларига таянган эдик. Улар эса лозим даражада разведка олиб боришмаган, умуман казаклар Лбишченск яқинида тор-мор этилгандан сўнг, пухта разведка қилишмаган.

— Сиз юборган Орлово-Куриловск полки вазиятни яхшилаш олармикан? Полкнинг ўзи ҳозир қай аҳволда?

— Бир қатор тадбирларимиздан сўнг полк жанговар бўлиб қолди, аммо вазиятни яхшилаш олмаса керак. Кучлар сира тенг эмас.

— Группа революцион ҳарбий кенгаши Фурманов билан Чапаевга мағлубият сабабларини текшириб чиқишни топширди.

— Ҳа, улар Уральскда. Улар билан суҳбатлашдим.

Фрунзе хиёл тўхтаб, кейин мужмал қилиб деди:

— Дивизиянгизни тарқатиб юбориш керак, деган фикр бор...

Дроновнинг юраги қисилди. У дивизияни соғломлаштириш учун, ундаги энг ярамас бошбошдоқликни таг-туғи билан йўқ қилиш учун қанча меҳнат сарфлаганлигини, ҳар хил йўллар билан партия ходимлари ядросини мустаҳкамлашгани, дивизияга суқилиб кириб олган қулоқ ва эсерчи контрреволюционерларни элакдан ўтказганларини бир лаҳза кўз олдига келтирди ва сарфланган куч-ғайрат беҳуда кетганлигига ачинди. Командир-сиёсий составлар билан жангчилар ўртасида яхши муносабатлар қанчалик қийинчилик билан йўлга қўйилган эди, бу ҳам зое кетяпти. Жанговар лаёқатли ҳарбий қисм сифатида дивизия энди йўқ бўлиб кетяпти.

— Кимнинг фикри?—унинг овози хириллаб чиқди.

— Троицкий талаб қияпти, Фаддей Ефимович.

— Демак, унга ҳам айтиб улгуришибди-да?

— Бизда худди бир-бирига уланиб кетган томирлардек, ҳеч нарса тўхтаб қолмайди... Баъзан, гарчи биз ҳеч нарсани яширмасак ҳам, биздан олдин маълумот беришади... Хўш, бундай фикр ҳақида нима дейсиз?

— Бу ишнинг кўзини билмаслик. Аслида ҳам нотўғри фикр. Қўмондонлик хато қилса, дивизияни жазолашадими. Тўғри, душман бизни роса таъзиримизни берди, лекин Новокузнецк ва Мусулмон полклари қочиб кетмади-ку. Илгарилари ҳеч сўзсиз шундай бўларди, ҳозир ўровда жанг қилиб ўзимизникиларга томон ёриб ўтишга интилдилар! Ериб ўтдилар ҳам... Шундай бир пайтда бу нимаси эди! Тарқатиб юбориш... Яхши раҳбар бундай қилмайди.

Михаил Васильевич Дроновнинг гапларига ўз муносабатини билдирмай қулоқ солиб турарди.

Ортиқча сўз гапириб юбормадимми, деб ўйлаб Дронов ҳам жимиб қолди, лекин бор гапни айтганлиги учун афсусланмасди.

— Кетсам бўлаверадими?— деди ниҳоят Дронов орадаги жимлик чидаб бўлмайдиган қолга солиб қўйгач.

— Йўқ. Яна бир кун қоласиз,— жавоб қилди Михаил Васильевич.— Мен ўзим айтаман...

У Дроновга қўлини узатди ва унинг қўлини кафтида ушлаб туриб сўради:

— Хўш, энди бундай эҳтиётсизликка йўл қўймасиз?

— Дивизиянинг жанговарлик қобилиятига мен кафил.

Фрунзе қовоғини солди:

— Ана холос, мен ундан иш ҳақида сўрасам, у менга Совет ҳокимиятига садоқат ҳақида гапиради!

— Йўқ, энди бундай бемаънилик такрорланмайди,— деди Дронов.

— Яхши...

Коридорда Дроновни Никита Игнатъевич епгидан ушлади.

— Хўш, трибуналгами?— сўради.

— Йўқ.

— Уттиз суткага гаупвахтага ҳам ташламадимми?

— Йўқ, ташламади.

— Қизиқ.

— Нимаси қизиқ?— аччиқланди Дронов.

— Ҳар нарса қилса бўларди!

— Михаил Васильевич сепдан сўрамабди-да. Сен билан маслаҳатлашиши керак экан.

— Хўп, бўпти,— деди Никита Игнатъевич шаштидан қайтиб.— Қутулибсан, бўпти. Бекорга аччиғланишиинг нима кера-

и бор?.. Юр меникига, овқатланамиз. Биз Батурин билан бир беканикига жойлашганмиз. Ёқимлигина кампир...

— Ким билан, ким билан? Батурин билан?

— Ҳа, ўзимизнинг Павел Степанович билан.

— Ие, у Иваповода эмасми?

— Қидириб кепти... Нима бало, ҳақиқатан ҳам ҳеч нарсани билмайсанми?

— Шунақага ўхшайди.

— Бу ерга, Самарага келганимиздан кейин кўп ўтмай, Иваповога поездда дон ва балиқ жўнатдик. Армия ўз запасдан ажратиб берди. Михайло Васильевич рухсат олиб, бошқа ишларни ҳам тўғрилаб берди. Рухсат-ку ўз йўлига, поездга соқчиликка эса пулемёт ҳам оливолдик албатта, Михаил Васильевичдан яширинча. Олганимиз яхши бўлган экан. Ҳукумат бўлишга ишқибозлар ҳали жойларда оз эмас. Баъзи тентаклар борки, уларга рухсатнома ҳам бир пул. Қисқаси, озиқ-овқат ортган поездни жуда яхши етказиб олдик. Шу пайт Михаил Васильевичдан телеграмма келиб қолди. Иложи борича қисмлардаги партия ишлари учун коммунистлар ажратишни сўрабди. Ана ундан кейин кўрсанг!.. Фақат Ивановода эмас, Шуяда ҳам, Тейковода ҳам, Родникида ҳам... Тағин ҳаммаси унинг бешинчи йилдаги дўстлари. Агар губком аралашмаганда, бутун губерня одамсиз қоларди. Қайтишда бутун бир отряд партия ходимлари билан келдик.

— Тўхта-чи... Буларнинг ҳаммасини сен қаёқдан биласан?

— Ана, холос! Боятдан бери гапиряпман-гапиряпман, бу қулоғидан кириб, у қулоғидан чиқиб кетаётган экан-да. Мен ахир йигитлар билан ўша поездни бирга олиб бордим.

— Демак, интендант бўлиб олибсан-да, чакки эмас, ёглиқ нш,— деб узиб олди шу заҳоти Дронов.

Никита Игнатьевич унга ер остидан қараб қўйди.

— Хўп, бўпти, юр, яхшиси овқатланамиз. Бўлмасам, ҳозир казаклардан қандай қилиб қочиб қолганлигингни айтиб бераман. Шунақа гаплар бор...

— Ёлгонни тўқима,— кулди Дронов.— Павел Степанович келадими? Уни кўрмоқчи эдим.

— Батурин ҳозир Бешинчи армияда. Қўмондон уни бир штаб ходими билан алоқа боғлаш учун юборди. Шунинг учун дўстона қучишни кейинроққа суришга тўғри келади.

Ёлғиз қолган Михаил Васильевич ўз кабинетида узоқ ўтирди. «Ишнинг кўзини билмаслик бу,— эслади у Дроновнинг аччиғлини айтган гапини.— Афандими, Фаддей Ефимович, Троцкийдан ақлли гап чиқишини кутибди-да...»

Фрунзе агар бу талабни бажариб, 22-дивизия тарқатиб

юборилса, Уральскини мудофаа қилишга 25-Чапаев дивизиясини юбориш керак бўлади. У вақтда Бешинчи ва Биринчи армияларга ёрдам бериш ҳақидаги ҳамма мўлжаллар пучга чиқади. Унда ҳақиқатан ҳам Волганинг нарёғига чекинишга тўғри келишини ўйлади. Худди шу тўғрида фронт штабида пичпр-шивир гап бўляпти-ку.

Фрунзе телефон трубкасини олиб, Новицкийга қўнғироқ қилди.

— Федор Федорович, у ерда 22-дивизияни тарқатиб юбориш ҳақидаги талабнома бор. Ҳа, ҳа, биламан... Гап бундай, Жанубий-группа Революцион ҳарбий кенгаши қатъий эътироз билдиради, деб жавоб қилиш керак... Қўл қўяман, албатта. Бироқ мен бирон бир кишига ва хусусан Лев Давидовичга сира ҳам хушомадгўйлик қилмоқчи эмасман. Зарари йўқ. Жуда бўлмаса бу масалани Марказий Комитетга қўямиз. У ерда ҳал қилишади...

Павел Степанович Батурин Самарага кечқурун кеч қайтди. У Бешинчи армияда бир ҳафтача бўлди, у ерда Михаил Васильевич томонидан алоқа боғлаш учун юборилган эди, ана шу вақт ичида кўп нарсаларни кўрди. Бешинчи армиянинг кам сонли ҳолдан тояётган қисмлари унинг кўзи ўнгида мислсиз мардлик билан қолчақчиларга қарши туришга уринарди. Шарипово қишлоғи атрофидаги тунги жанг, Оқ дарё орқасига чекиниш, Чишма темир йўл узелининг қўлдан кетиши унинг кўзи ўнгида бўлди. У ўз армияси штаби билан алоқаси узилиб қолганидан вақтинча Биринчи армия фронт қўмондонлигига берилган 26-дивизияда ҳам бўлган эди. Душман қисиб келаётган бу дивизия чекинишни секинлатишга уринганлиги ва ҳар бир марра, ҳар бир аҳоли пунктига ёпишиб олганлигини ҳам ўз кўзи билан кўрди...

Батурин ўз уйида ювинди, кийим ва пойафзалини тозалади, соқолини олди. Бу ишларнинг ҳаммасини кўринишдан шошилмай бажарса-да, жуда тез қиларди. Йигирма минутлардан сўнг у уйдан чиқиб, Жанубий-группа штабига йўл олди.

Старший адъютант Сыротинский уни Михаил Васильевич сўраганлигини айтди. У ҳозир телеграфда бандлиги, шунинг учун кабинетда кутиб туришини илтимос қилди.

Батурин кабинетга кирди, юмшоқ креслога ўтирди, ҳузур қилиб оёқларини узатиб, кўзларини юмди. У бир ҳафта ичида жуда чарчади, шунинг учун бир дақиқа ҳордиқ олишдан хурсанд эди.

Унинг Фрунзе билан дўстлиги тўққиз юзинчи йиллар боши-

даёқ бошланиб, ҳеч қачон узилмаганди. Батурида дўсти билан тез-тез учрашиб турадимиз ёки бир неча йил кўришмай кетадими, бундан қатъий назар, уни қадрлашдек ноёб фазилат бор эди. Фрунзе яширин ишда юргандами ёки турмага тушгандами, сургундами, қаерда бўлмасин, Батурининг хати унга етиб борарди. Москва давлат университетига студент бўлганда лекциялар, яширин ишлар, гайри расмий дарслар бошидан сшиб ётса ҳам, Павел Степанович ҳаминша дўстига бир энлик мактуб йўллашга вақт топарди. Фрунзе турмада бўлган вақтда эса хатлар тез-тез келиб турар, улар гоҳида маҳбус ҳаётидаги бирдан-бир қувонч ҳисобланарди.

Батурининг яна бир хусусияти бор эди: у ҳеч қачон ҳеч нарсани оширмас ёки кичрайтмас эди, бўлмаган нарсани бўлдига йўмасди ва умидсизликка тушмасди. Қисқаси, у тушунган, вазмин одам эди. Бу ҳол Фрунзеда Павел Степановични алоқа боғлаш учун Бешинчи армияга юбориш фикрини тугдирганди.

Креслода дам оларкан, Батурин ҳеч нарсани ўйламасликка уринди. У жиддий гап бўлишини билиб, кучларини сақлаётган эди. У қабулхонада эшикка яқинлашиб келаётган қадам товушини эшитиб, ўрнидан турди.

Фрунзе кириб келди, саломлашди, ёзув столи олдидаги креслога имо қилиб:

— Утир, Павел Степанович. Ҳаммасини батафсил айтиб бер, — деди Фрунзе. Ёлғиз қолишганда улар аввалгидек сенсираб гаплашишарди. — Кўрган-билган ҳамма нарсаларингни...

— Қанчалик хабардорлигинг менга номаълум, — секин гапта тушди Батурин, — шунинг учун ҳаммасини бир бошдан гапириб бераман. Бирон нарса ортиқча бўлиб туюлса, дарров гапимни тўхтат...

Фрунзе индамай бош қимирлатди.

— Илгари Бешинчи армия асосан ишчи полклардан иборат эди. Унда коммунистлар ҳали кўпчиликни ташкил қиларди. Биргина йигирма еттинчи дивизияда улар уч ярим мингга яқин эди. Бироқ урушлар бўлиб ҳаммаси ўзгариб кетди. Қолчакчиларнинг ҳужуми арафасида армия яхши одамлар ҳисобига тўлдирилмаган, улар орасида эса сиёсий иш олиб борилмаган. Сиёсий иш олиб борадиганларнинг ўзи йўқ эди. Команда состави, хусусан старший команда составининг ҳам аҳволи ёмон экан. Шунга қарамай, армия астойдил жанг қилди, аммо ҳар бир жангдан кейин унинг қаршилик кучи сўна бошлади. У ерда душман жуда катта устунликка эга.

— Дивизиялар ичида қайси бири жангга лаёқатлироқ?

— Йигирма олтинчи. Нисбатан, албатта. Чап қанотдаги

Пигирма еттинчи дивизия кейинги кунларда жанговарлик қобилиятини деярли йўқотиб қўйди; душман билан биринчи тўқнашувдаёқ орқага чекинади. Армия штабидагилар жангчиларимиз Самара ва Симбирскка қараб чекинса керак, деб рўйроост айтишмоқда.

— Нима, нима? Қаёққа чекниш?

— Самара ва Симбирскка... Ҳа, у ерда улар ўз тахминларини яшираётганлари ҳам йўқ,— деди Батурин ва ўтган жангларнинг тафсилотларига кўчди. У жанглар қандай бошланганлиги, аҳволни қутқариб қолиш учун армия қўмондонлиги нима чора кўрганлиги, дивизиялар Уфага яқин чегараларда ўрнашиб қолиш учун қандай уринганлиги ва бундан нима чиққанлигини ҳикоя қилиб берди. Батурин гапирган сайин Бешинчи армиянинг айни вақтдаги аҳволини ва бутун Шарқий фронтга таҳлика солиб турган хавфни яққолроқ ҳис этарди. Шундан сўнг у ҳозир шундай вазият юз бердики, энди индамай туриш мумкин эмас, деб ўйлади. Партия Марказий Комитети вужудга келаётган хавф кўламини яққол тасаввур этиши керак. Бу қанчалик тез маълум бўлса, шунча яхши. Албатта, фожиалн воситалар ҳақидаги хабарлар у ерга эртами-кечми етиб боради. Лекин одам табиати шундайки, ҳеч ким похуш хабарни биринчи бўлиб етказишни ва айтишса булар учун ким жавобгарлигини айтишни хоҳламайди. Шундай бўлгач, нима қилиш керак? Ун иккинчи ва ўн учинчи мартда Уфанинг танг аҳволи тўғрисида фронт штаби чурқ этмади-ку. Ваҳоланки, бу ҳақда бош қўмондонлик очиқ сўраган эди. Республика Революцион ҳарбий кенгаши ҳам ўз навбатида Мудофаа кенгаши ва Марказий Комитетга юз берай деб турган хавфнинг ҳақиқий ўламини кечикмай хабар қилади, деб ким кафил бўла олади?

Батурин кетганига анча бўлганлигига қарамай, Михаил Васильевич ёзув столи ёнида ҳамон хаёл суриб ўтирарди. Ниҳоят у бир даста қоғозни олдига суриб, ёзишга тушди. Старший адъютант Сиротинский кабинет эшиги олдига бир неча марта келди-ю, бошнини сарак-сарак қилиб, яна жойига қайтди, Михаил Васильевич бўлса ҳамон ёзарди.

У шошилмай, сўзларни танлаб, лўнда қилиб ёзарди. Уч-тўрт варақ қоғозга Бешинчи армия фронтда юз берган воқеаларнинг ҳаммасини сиғдириш, Жанубий группанинг яқин орқа томонидаги аҳволга эътиборни жалб этиш, бу ерда бебош исёнлар бостирилгандан сўнг ҳам совет ишлари сира йўлга қўйилмаётгани ва группани баҳорги ҳужумга тайёрлаш учун дарҳол нима қилиш лозимлиги тўғрисида ўз мулоҳазаларини яна бир бор айтиш лозим эди.

Ёзиб бўлгач, устидан ўқиб чиқди, нималарнидир тузатди ва ўйланиб қолди: кимга юбориш керак? Ленинга юбориш лозим, вазият шуни тақозо этмоқда эди. Республика Революцион ҳарбий кенгаш раисига мурожаат қилиш фойдасиз. Ўзини таҳқирланган киши қилиб кўрсатишни яхши кўрадиган Троцкийга яна бир баҳона топиб бериш ҳам тўғри бўлмасди.

«Қани, биз ҳам бир усталик қилиб қўяйлик», — жилмайди Михаил Васильевич ва хатнинг тепасига: «Республика Революцион ҳарбий кенгаши раисига», пастига эса: «Бир нусхаси В. И. Ленинга» деб ёзди.

Кейин у адъютантни чақирди.

— Сергей Аркадьевич,— деди у Сиротинский кириб эшикни ёпгандан сўнг,— сиз, албатта, ухламагандирсиз. Билмадим, нима қилиш керак сизни. Шоҳ Федорнинг гапини бошқача ифода этиб: «Қўмондонманми ёки қўмондон эмасманми?!» — деб айтолмайман-ку.

— Ишлар бор эди, Михаил Васильевич,— Фрунзенинг нигоҳидан ўзини олиб қочиб, баҳона қилди Сиротинский.

— Э, ишлар дег! У ҳолда мана буни олинг-да, машинкада кўчириб, эртага эрталаб имзо қўйиш учун менга берасиз.

2

Республика Революцион ҳарбий кенгаши раисининг поезде— саккизта биринчи даражали пульман вагонлари ва автомашиналар юкланган учта платформа узел станцияда турар эди. Паровоз сув олаётган эди. Қиёмдан оған баҳор қуёши булутлар орасидан мўралаб, ялтиратиб тозаланган мис тутқичларда, дераза ойналарида ўйнардди, вагон ичидаги икки кишилик каравотнинг сайқал берилган карелия қайинига тушиб, тушлик озқатдан сўнг дам олиш учун ётган Троцкийни уйғотиб юборди. Революцион ҳарбий кенгаш раиси кўзини очиб, пардаси тортилмаган деразага алам билан қаради ва бемаҳал уйқуси бузилганлигидан боши оғринқираб, пешанасини тириштирди. Кўзини қандайдир ўроғлиқ дорини ютди, йўл-йўлакай яхшилаб тикилган мошранг френчининг тугмаларини қадаб, салонга чиқди. Бош оғриғи тарқаётган бўлса ҳам, кайфияти яхши эмасди.

Навбатчи адъютант хизматчилар купесидан мўралаб, бошлиқнинг қовоғи солиқлигини кўрди-ю, тез ғойиб бўлди. Троцкийнинг юзи хиёл ёришди. Яқин кишилари ҳам ундан ҳайиқиб туриши Троцкийга ёқарди. У дераза олдида туриб, ёмғир ва қор бўронлари нуратган, анча вақтдан буён ремонт қилинмаган вокзал биносига, минглаб оёқ излари тушган ва

поезд келишига яқин қум сепиб қўйилган перронга шуурсизлик билан боқарди.

Бирдан у пенсени бурни устига қўндириб, кўзини қисди-да, перронда секин у ёқдан-бу ёққа бориб келаётган қизил аскарни кўздан кечирди. Қизил аскар жуда башанг кийинган эди. Оддий пахталигининг ҳамма тугмалари тақилгандан ўзига қўйиб қўйгандек эди, қизил юлдузли солдатча папаха хиёл орқасига қийшайган, этиги ялтираб тозаланган эди. Лекин Революцион ҳарбий кенгаш раисининг эътиборини тортган нарса бу эмасди. У қизил аскарнинг шимига тикилиб турарди. Шими ҳақиқатан ҳам жуда яхши, оддий солдатлар мовутидан бўлса ҳам, ўзига мос қилиб тикилганди. Троцкий сал ўгирилиб, навбатчи адыутантни чақирди:

Химоя отрядининг жангчиси Яша Спирин ёш эди, яхши кўринишни хоҳларди. Наряддан бўш кунлари кечқурун Спирин ўртоқлари билан вокзал перронига — темир йўл узели ёшлари ёқтирган учрашув жойига борарди. Афсуски, у уятчан эди. Ўртоқлари қизлар билан тортинмай танишарди, ҳазил қилишарди, кетидан юришарди, у эса ўзини жуда ўнғайсиз ҳис этарди, хизматда анчайин қатъий, топқир, тўғри деб ҳисоблаган фикридан сира қайтмаса-да, ўринсиз гаплар қилар ёки йндамай кўя қоларди.

Унга паровоз депосидаги табелчи қиз Настенька Завьялова ёқарди. Яша нима қилсам унга маъқул бўлар эканман, деб узоқ ўйлади ва ниҳоят йўлини топди.

Каптер-оғайнисидан унга бериладиган шим ўрнига материал беришни илтимос қилди, бошқа бир тикувчи оғайниси эса қўшиб-чатиб ана шу материалдан ажойиб кенг галифе тикиб берди. Бунақа галифе бу ерда ҳали ҳеч кимда йўқ эди. Ёшлиги, тажрибасизлиги туфайли Яша янги кийим-бош кийсам, Настенька билан учрашганда дадил бўламан, деб ўйлаганди.

Худди шу бугун у тикувчидан галифени олиб келиб, яна бир бор кийиб кўрди, этигини ярақлатиб тозалади, фуфайкани кийиб, папахани чаккага қўндирди ва кечгача ҳали анча вақт бўлса ҳам, вокзалга йўл олди. Настенька билан бўладиган учрашув хаёлига берилиб кетган Спирин вокзалда ҳеч ким йўқлигига, вокзал ва перронга кираверишдаги соқчиларга, йўлида дуч келган қандайдир ташвишланиб юрган ҳарбий комендантга эътибор қилмади. У сал четда, иккинчи йўлда турган поездга ҳам эътибор бермади. У перрон ёқалаб шошилмай борди, юк камераси олдидан ўтди, пакгаузнинг рўпарасига борди ва орқасига қайтди, ҳали жуда эрта, вақтни ўтказиш учун бирон-тасиникига кирсаммикан, деб ўйлади. Ёлғиз ўзи қолишга Спириннинг сира тоқати йўқ эди.

Бирдан у икки ёғидан қўлини маҳкам ушлашганини сезли. Яша ҳамон кулимсираб, у ёқ-бу ёққа қаради ва икки нотаниш, иккалови ҳам новча, қора чарм кийим-бошли, қора чарм фуражкисига қизил юлдуз тақилган, елкасидан ўтказиб боғланган камарда ёғоч ғилофли маузерн осилиб турган ҳарбийларни кўриб ажабланди.

— Биз билан юр, — деди улардан бири.

— Хўш, қаёққа ўзи, нима учун?

— Уша ерда биласан...

Спирин қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлди, лекин уни маҳкам ушлаб туришарди... Бу ёғи ҳаммаси бемаъни тушдагидек бўлди.

У халқаро деб аталадиган вагонлардан бирини қайта жиҳозлашиб, поездни ташкил этувчи бошқа вагонлар рангида бўлгани яққол кўриниб турган вагонга мажбуран тушиб қолди. Бу вагонга кираверишда барваста икки ҳарбий ғўдайиб турарди, улар ҳам қора чарм уст-бошда эдилар, елкасидан ўтказиб боғланган камарларида маузерлари бор эди. Тамбурда ҳам икки чарм кийим-бошли турар эди. Улар индамай кўкрак чўнтаги ва шим чўнтақларини титкилардилар, чамаси. қурол қилирдилар, ҳасч парса топилмагач, иул бердилар.

Яша Спирин уни олиб кирганлар қандай орқада қолишгани ва у вагонда ёш ҳарбий билан қандай қилиб юзма-юз келиб қолганини сезмади. Ёш ҳарбий йигит, Яшани қўлидан ушлаб, стул олдига олиб келди ва ёзув столидан сал чеккароққа ўтқазди. Ёзув столи орқасида бошини қўли билан чангаллаганча кекса одам ўтирарди. У китобга энгашган, гўё салонда юз берган воқеани сира сезмагандек эди.

Беш... ўн... минут шу тарзда ўтди. Стол орқасидаги одам ўқишда давом этарди.

Бирдан Спириннинг аъзойи бадани музлаб кетди. У юзлаб портретлардан маълум бўлган бу нухани, атайлаб бир оз тўзғитилган бу соқолни, доимий пенсенени таниди... Унлаб саволлар уни гангитиб, бу сира кутилмаган воқеани тушунишга халақит берарди. Стол орқасида ўтирган одам навбатдаги саҳифани очди, шошилмай Спиринга назар ташлади ва шимига тикилиб қолди.

— Галифе ҳам шундай бўладими! — деди у ва яна китоб ўқий бошлади.

Спирин туриб кетмоқчи эди, аммо қаердандир пайдо бўлган ёш ҳарбий йигит қўлини унинг елкасига ташлаб, жойига ўтқазди.

Поезд қисқа гудок бериб, жойидан силжиди. Ёнидан станция бинолари ўта бошлади, семафор ялт этиб кўринди, баҳорда унда-бунда қори кетиб, ола-була бўлиб қолган далалар ястанди,

энди туша бошлаган қоронгида кўкимтир тусга кирган ўрмон ва ўрмончалар бирин-кетин ўта бошлади, ёзув столи орқасидаги одам эса ҳамон ўқирди. Уқтин-ўқтин у китобдан кўзини узиб Спириinning шимига тикилиб қўяр, заҳархандалик билан:

— Галифе ҳам шундай бўладими!.. — дер ва яна китоб ўқишга тушарди.

«Нима ёмонлик қилибман?! — куйиниб ўйларди Яша Спирин. — Бир гуноҳим таниш каптердан шим ўрнига мовут беришни илтимос қилганимми? Уғирлаб олганим йўқ-ку ахир! Барибир менга шим беришарди...»

Поезд эса колчакчиларнинг зарбалари остида ҳолдан тойиб бораётган Шарқий фронтга шошилинич юборилаётган қўшинлар, қурол-аслаҳа, кийим-бош ортилган эшелонлар, санитар поездлари билан тўла разъездлар ва станциялар ёнидан ўтиб борарди. Учта платформа тиркалган саккизта яхшп вагондан ёлғиз ўзи келаётган одамга йўл очиш, худо кўрсатмасин, бирон бир кичик станцияда бир неча минут беҳуда тўхтаб қолмасин учун эшелонларни юзлаб чақирим олдинда бутун йўл бўйи тупикларга, запас изларга чиқариб қўйишарди. Агар «яшил йўл» таъминланмаса, унинг оқибати нима бўлиши яхши маълум эди.

Ўзининг аччиқ қисматини ўйлаб ўтирган Спирин китобни ёпиб, адыотантга уни имо билан кўрсатиб, вагон ёнидаги бўлимга ўтган Троцкийни кўрмай қолди. Бир минутдан сўнг қора чарм кийим кийган икки киши Яшани қўлтигидан олиб тамбурга олиб чиқинди, зинага туширишди. Машинист поездни навбатдаги станцияга олиб келаётиб, тўхтамай навбатчи билан ҳалқани алмаштириш учун юришни секинлатганида, ҳарбийлардан бири Яшага «Сакра!» деди-ю, ўзи секин елкаспдан итариб юборди.

Ҳимоя отрядининг жангчиси Спирин учун ўзи тушиб қолмоқчи бўлса, поезд кетаётган пайтда сакраб тушиш қийин эмасди...

Ҳозир эса ноқулай сакради. Спирин учиб тушаётиб ағдарилиб ёнбоши билан йиқилди. У оёққа турганда поезд чиқиш семафори олдида кетаётганди.

Революцион ҳарбий кенгаш раиси ва бош қўмондонни кутиб олишга тайёргарлик кўриш муносабати билан Симбирск станцияси вокзали перронидида бошланган югур-югур ниҳоясига етиб қолди. Фаҳрий қоровул сафланиб, оркестр ўз ўрнини эгаллади. Шарқий фронт қўмондони Каменев Революцион ҳарбий кенгаш аъзолари Гусев, Лашевич, Юреневлар билан,

фронт штабининг бошлиғи энг муҳим бошқармалар раҳбарлари билан ҳозиргина етиб келишди.

Мана ниҳоят кириш семафори олдида чинқириқ гудок эшитилди ва биринчи йўлда саккизта яхши вагон ва учта платформали поезд перронга келди. Вагон гилдираклари айланишдан тўхташи билан вагон зиналаридан ҳаммаси бир хил қора чарм кийимлик, елкасидан ўтказилган камарида маузери осилиб турган соқчи жангчилар сакраб тушишди ва ҳар бир эшик олдида иккита-иккита бўлиб туриб олишди. Паровоз тендерда ва платформаларда патрон ленталари солнб қўйилган станокли пулемётлар кўринарди.

Поезд ўртасидаги вагон йўлакларидан бирида Троцкий кўрниди. У одати бўйича пенсенени тўғрилаб, перронга назар солди, сўнг зиналардан шошилмай тушди. Унинг кетидан бош қўмондон Вацетис ҳам вагондан тушди. Каменев билан қўл қиспишиб, бошқаларга қисқагина честь берган Троцкий парвозизгина рапортни эшитди ва учрашув маросими тугагач, вокзал олдидаги майдонга йўл олди. У ерда келган поезд платформаларидан туширилган автомашиналар тайёр турарди. Олдинда қора, кенгина «роллс-ройс» турарди, сал четдаги иккита бошқа машинага соқчилар чиқиб олганди.

Троцкий ёнига, «роллс-ройс»га Каменевни таклиф этди. Соқчи машиналардан бири штаб ходимларидан кимнидир йўл бошловчиликка олиб, олдинга ўтди, иккинчиси, сафланай деб турган колоннанинг орасини ёриб ўтиб, «роллс-ройс»нинг орқасини тўсди, сўнг шу тартибда машиналар Шарқий фронт штабига қараб йўл олдилар.

Шарқий фронт қўмондони Сергей Сергеевич Каменевнинг кабинетда кўк мовут дастурхон ёзилган узун стол атрофида фронт Революцион ҳарбий кенгашининг етиб келган раҳбарлари ва аъзолари жойлашишди.

Стол бошида, сал ўгирилиб, столдан ўзини четроқда тутиб ва шу билан бу ерда юз бераётган ҳамма воқеаларга тамомпла алоқаси йўқ эканлигини намойиш этгандек Троцкий ўтирарди. Унинг ёнида, лекин ҳар қалай нарироқда бош қўмондон Вацетис ўтирарди. Уларнинг рўпарасига Каменев ва фронт Революцион ҳарбий кенгаши аъзолари Гусев, Лашевич, Юрнев ўтиришган эди.

Штаб бошлиғи фронтдаги сўнгги воқеаларни қисқача таърифлаб берди. Бу воқеалар қувончли эмас эди. Бешинчи армия Уфадан чекинаётиб, юз эллик чақирим кенгликдаги фронт бўйлаб ўн кун мобайнида беш карра кучли душманга қарши ниҳоятда огир, ҳолдан тойдирувчи жанглар олиб борди. Гражданлар урушининг бу энг катта олишувиди Бешинчи

армия душманнинг силжишини ўн-ўн икки кунгача тўхтатиб турди, душманни зарба йўналишини ўзгартиришга мажбур этди ва бу билан Биринчи армияга Жанубий Урол тоғ ёнбағриларида чикиб олишга ёрдам берди, кейин душмандан яна бир марта узоқлашиб, қанот марши билан Златоуст темир йўли линиясига чиқди, линияни ўзининг қолган кучлари билан ҳнмоя қилди.

Бешинчи армия жиддий ёрдамга муҳтож эди, фронт қўмондонлигида эса бундай ёрдам бериш имкони йўқ эди. Иккинчи армия ҳам ёмон аҳволда қолди, бу армия вазиятни сақлаб қолиш учун ўзининг ўнг қанотини тортишга мажбур бўлди.

Штаб бошлиғи босиқлик билан гапирар, ҳеч нарсани яширмас, силаб-сийпаламасди, аммо унинг сўзида қандайдир бир маъно бор эдики, бу ҳол бош қўмондон Вацетисни докладчига бир неча минут тикилиб туришга мажбур этди.

— Шундай қилиб,— давом этди штаб бошлиғи,— душман таэйиқи остида фронт қўшинлари икки томонга ажралиб чекинмоқдалар. Аслида улар икки группага бўлиниб қолдилар: бири — Иккинчи ва Учинчи армиялар составида Каманинг шимолроғида, бошқаси — Каманинг жануброғида Тўртинчи, Биринчи, Туркистон ва Бешинчи армиялар составида. Группалар ўртасидаги оралиқ ҳозир бир юз эллик чақиримдан ошиб кетди. Бу оралиқ балки яна ортар...

— Бундай тахмин қилишингизга қандай асос бор?— сўради Вацетис.

— Кучлар нисбатини реал ҳисобга олиш...— Штаб бошлиғи яна саволлар бўлармикин, деган хаёлда хиёл тўхтади, аммо бошқа савол берилмади.— Тўртинчи армия бундан истисно,— давом этди у.— Бу армия маҳаллий қисмлардан дуруст фойдаланди, сафларини тўлдириб, оқ казакларни анча активлик билан қисиб бормоқда.

— Жузый ютуқ,— луқма ташлади Вацетис.

— Эҳтимол, аммо бу ҳозирча фронтимизда жанговар қобилиятини тўла сақлаб турган ягона армия. Тўғри, унинг айрим қисмлари кейинги муваффақиятли жангларда талафот ҳам кўрди.

Фронт Революцион ҳарбий кенгаши аъзолари бу гап отишининг маъносига тушунмасдан индамай кузатиб ўтиришарди. Фронт қўмондонини Каменев қимир этмай, аралашмай ўтирарди. У агар буддани катта чақчайган кўзлари, ўсиқ шоп мўйлови бор деб тасаввур этиш мумкин бўлса, худди ўшанга ўхшарди. Боши бильярд шаридек йилтираётган кичкина, дум-думалоқ Юренев асабийлашиб типирчиларди. Лашевич қошларини кериб, ниманидир ёзиб борар, фронт қўмондонини ёнида ўтирган

Сергей Иванович Гусев қўлларини столга қўйиб, гардишсиз пенсне ойнақларини ялтиратиб, гоҳ Вацетисга, гоҳ Троцкийга ўқтин-ўқтин қараб қўярди. Шарқий фронт Революцион ҳарбий кенгашининг ҳамма аъзолари орасида, аҳтимол, угина бу гап отишнинг маъносини хиёл тушунарди. Петербург ишчилар синфини озод қилиш учун кураш Союзидеаёқ Ленинга сафдош бўлган, Лениннинг марксистик идеология ва тактикадан ҳар қандай оғишларга қарши курашини кўрган ва бу курашда актив қатнашган Гусев ана шу кураш тарихидан кўп нарсаларни эсларди, шунинг учун ҳам республика Революцион ҳарбий кенгаши раисининг пинҳоний кайфиятларини бошқаларга қараганда осонроқ тушунарди.

«Ўтган куни мудофаа Советининг раиси ва республика Революцион ҳарбий кенгаши раиси номига Шарқий фронтда иккита оператив группа тузиш тўғрисидаги таклиф ёзиб юборилди,— ўйларди Гусев,— бугун эса Вацетис билан Троцкий бу ерга келиб туришибди. Қизиқ, улар қандай таклиф билан келишган ва умуман бу масала юзасидан мудофаа Советининг қарори бормикан?»

— Таклиф бор,— бу орада давом этди штаб бошлиғи,— Каманиннинг жануброғида жойлашган армиялар, яъни Бешпичи, Биринчи, Тўртинчи ва Туркистон армияларига оператив раҳбарлик қилиш учун Жанубий группа тузилса...

— Қпмдан чиққан фикр?— сўради Троцкий.

— Бу таклифни Фрунзе айтди, лекин шу масала юзасидан ўртоқ Вацетиснинг талаби ҳам бор,— жавоб берди Каменев.— Фронт Революцион ҳарбий кенгаши бу масалани муҳокама қилиб, ҳозирги вазиятда бу бирдан бир тўғри қарор, деган хулосага келди.

— Бу группага кимни бошлиқ қилиб қўймоқчисиз?— сўради Вацетис.

— Мен телефон орқали тўғридан-тўғри Фрунзе билан гаплашдим. У қўмондонликни ўз зиммасига олишга рози, лекин армиялар дарҳол унинг ихтиёрига ўтказилиб, оператив масалаларда лозим даражада мустақиллик берилсагина кўнмоқчи.

Гусев бош қўмондоннинг ёноғи қандай сесканиб кетганини кўрди.

— Дадил фикр,— деди Вацетис,— жуда дадил фикр. Бутун фронт тақдирини армияга тасодифан кириб қолган одамга топшириш...— Шундай дедию, эътирозлар олдини олиб кескин, ҳатто ҳаяжон билан гапни улаб кетди, бу ҳолат унда кам учрарди:— Фрунзе Тўртинчи армияни тўлдиришга, унинг жангсавар қобилиятини кўтаришга муваффақ бўлди, дейлик. Борингки, бир неча муваффақиятли операциялар ҳам қилган бўлган.—

операцяларни у қилдими ёки ёрдамчиси Новицкий қилдими, бу масала ҳали муаммо,— лекин гап бу хусусда бормаяпти-ку. Тўртта армия қўмондони олдида оператив ва бошқа характердаги шундай масалалар кўндаланг бўладикки, яхши тайёрланмаган, аниқроғи, умуман тайёргарлиги йўқ Фрунзе уларни ҳал қилолмай қолади. Сира тушунмадим, Сергей Сергеевич,— мурожаат қилди Вацетис Каменевга,— нечун буни сиз ҳисобга олмайсиз?!

Фронт қўмондони тутоқиб кетди, нимадир демоқчи бўлди, бироқ Троцкий қўлини қимирлатиб уни тўхтатди.

— Сиз бир оз шошилдингиз, Иоаким Иоакимович,— деди у бош қўмондонга.— Гап Жанубий группа деб аталадиган группага ким қўмондонлик қилишида эмас. Аввало, Шарқий фронтда операциялар характерини ҳал этиш керак...

«Э-ҳа...— хаёлидан ўтказди Гусев.— Армияларнинг иккита группасини тузиш негадир Троцкийга ёқмаяпти. Ана шунинг учун у Мудофаа Совети ва партия Марказий Комитети қарор қабул қилгунча бу ёққа шошилиб келибди...»

— Шарқий фронт қўмондонлиги Қолчак армиясининг ҳужуми туфайли ташвишга тушганлиги тушунарли. Биз бош штабда ва республика Революцион ҳарбий кенгашида бу ҳужумнинг кучайиб боришини диққат билан кузатдик... Душман армияларининг ютуғини кўрганда ҳаммамизнинг ҳам юрагимиз увушди. Бу армияларни тўхтатиш, янчиб ташлаш, тўзгитиб юбориб, яқсон этиш учун ҳамма кучларни ташлашни ким истамайди дейсиз...

«Аравани қуруқ олиб қочиш бўлса,— алам билан хаёлидан ўтказди Гусев. У қадимги Рим нотиқларидан ўрганиб бу хилда сўзлашларни кўп кўрган эди.— «О, Катилина қачонгача...» деб худди Цицерондай сайрайди-я».

Гусев ўз хаёллари билан бўлиб, Троцкийнинг умумий мулоҳазалардан бу ёққа нима сабабдан келганлигини баён қилишга қандай ўтганлигини пайқамай қолди:

— Афсуски, республиканинг fronti битта эмас. Юксак снёнсий мулоҳазалар биздан Ғарбий фронтга энг асосий эътибор бериш лозимлигини қатъий тақозо этиб турибди. Революция тақдирини айнан ўша томонда ҳал бўлади. У ерда биз Карель қўлттиғидан Ровногача бўлган жойда Антанта мадад бериб турган Финляндия, Эстляндия, Германия ва Польша бирлашган кучларига зарба беришга мажбурмиз. Душманнинг Жанубий фронтдаги ҳаракати ҳам ҳушёр туришга мажбур этади... Бундан чиқадиган хулоса шуки, республика Революцион ҳарбий кенгаши ва Бош қўмондонлик яқин вақт ичида сизга жиддийроқ ёрдам кучларини бера олмайди, сиз ўз кучларингиз билан эса ҳеч нарса қилолмайсиз. Сиз беҳуда жанглар қилиб, ўз кучларингизни совуриб юборасиз. Шарқий фронт армияларининг Волга ор-

қасига чекинтириш билангина юз берган аҳволдан қутулиш мумкин. Ана шунда душман билан сизнинг қўшинларингиз орасида жиддий сув тўсиғи ҳосил бўладики, ундан кечиб ўтиш осон эмас.

— Хужум қилган пайтимизда уни кечиб ўтиш бизга ҳам осон бўлмайди,— деди Гусев ҳеч кимга мурожаат этмай.

Троцкий иссиқ ёз кунлари сўнасини қўриган отдек бошини силкитди.

— Унгача бизнинг кучимиз етарли даражада устуи бўлиб қолади,— Палапартиш жавоб қилди у ва асосий фикрига қайтишга шошилди:— Республика Революцион ҳарбий кенгаши группалар тузишга зарурат йўқ деб билади. Душманин тўхтатиб қолиш учун жангчилар чекинаётган пайтда ҳар хил армияларнинг қобилиятли жанговар қисмларидан мушт яратиш мумкин.

— Бизда шундай фикр бўлган эди. Биз ундан воз кечдик,— эътироз билдирди Каменев.

— Нима учун?

— Бизнинг армияларимиз ўз билганидан қолмайди. Командармлар ўз қисмларини зарбдор группировкага бермаслик учун минг хил баҳона топадилар.

— Нима, фронт қўмондонинги уларга таъйиқ ўткази олмайди?— ўшшайди Троцкий.

— Йўқ, ундай эмас,— деди Гусев. — Ўткази олади, лекин нечун? Волганинг орқасига чекиниш учунми?

— Чекиниш — бу тор-мор бўлиш деган гап эмас,— деди Троцкий.— Урушлар тарихида чекиниш ғалаба билан тугаганлиги тўғрисида жуда кўп мисоллар бор.

Ана шу пайт Гусев чимдиб олди.

— Тарихни рўкач қилиб, ҳар нарсани оқлаш мумкин,— кескин гапирди у,— ҳатто ўз мағлубиятини ҳам. Лекин бизда лаёқатли ва душманга қарши зарба бериш учун куч йиғиб, деярли тайёр бўлиб турган жанговар армия бор вақтда нечун тарихдан мисол қидириб, армияларни Волганинг орқасига олиб ўтамиз. Мен Тўртинчи армияни назарда тутяпман... Бизга маълум бўлишсича, Фрунзе ҳатто қарши зарба планини ҳам ишлаб чиққан.

— Жангни четдан кўриб ҳар ким ўзини стратег деб ҳисоблайди...— илжайди Троцкий.

Сергей Иванович киноя билан пенсне ойнагини ялтиратиб қўйди:

— Бу гапни Михаил Васильевич хусусида айтиб бўлмайди... Лекин гап бунда эмас. Волга орқасига чекиниш тўғрисидаги буйруққа Шарқий фронт армияларининг олтови ҳам тушуниб етмайди. Яқинда биз бу ҳақда Фрунзе билан гаплашгандик. Олдиндан фикрини билмоқчи бўлгандик. Биласизми, қандай жавоб олдик? У шундай деди: «Ҳар қандай масъулиятни зиммамга олишга тай-

ёрман, лекин партия Марказий Комитетининг кўрсатмасисиз иккала армияни, яъни, Тўртинчи ва Туркистон армиясини «Волганинг орқасига олиб ўтмайман».

Троцкий эски модадаги катта бандли пенсенесини тўғрилади ва бутун гавдаси билан Каменевга ўгирилиб, кесатиқ оҳангида сўради:

— Фронт қўмондони нима дейди?

Кабинетга сокинлик чўкди, шундай жимжитлик эдики, стол устидаги лампа қалпоги теварагида эринибгина учаётган баҳорги пашшанинг гингиллаши ҳам эшитиларди.

Яқин ўтмишда бош штаб полковниги бўлган Сергей Сергеевич Каменев ватанга чексиз садоқатли эди. Унинг олдида ким томонга ўтиш керак, деган муаммонинг ўзи йўқ эди. У фронт Революцион ҳарбий кенгашининг катта ишончини қозонган, унинг кичик, аммо аҳил коллективи орасида ўзини тенг ҳис этар ва ана шуни қадрлар эди. Бу ерда эса унга: «Ҳа, мен тушунаман... Улар партияликлар, подпольячилар ва ҳаммалари шунга ўхшаш одамлар. Лекин улар ҳарбий ишда ҳеч нарсага, мутлақо ҳеч нарсага тушунмайдилар-ку! Сиз эса бош штаб полковнигисиз. Наҳотки қарши зарба тўғрисидаги бу авантюра сизга ҳам маъқул бўлса?!»— дейишаётгандай эди. Ана шу нарса уни газаблантирарди. У қадини ростлади ва Троцкийнинг бетига қараб, дона-дона қилиб деди:

— Қўмондон фронт Революцион ҳарбий кенгаши билан бир фикрда.

Троцкий стулни тарақлатиб ўрнидан турди.

— Биз бу қўшма мажлисни тўхтатишимиз керак. Кейинроқ менинг ҳузуримда вагонда учрашамиз,— деди у ва чиқиб кета бошлади.— Кузатиб қўйишнинг кераги йўқ...

Вацетис индамай унинг орқасидан кетди.

Аммо бошқача тарбияланган Каменев эътироз билдирди:

— Кечирим сўрайман... Бизда бундай одат йўқ...— шундай деди-ю, уларни кузатишга чиқди.

Фронт Революцион ҳарбий кенгаши аъзолари ёлғиз қолиб, индамай бир-бирларига қарашарди.

— Ана холос!— ўзини тутиб туролмади Юренев.— Мана буни залп деса бўлади!

Гусев кулимсираб қўйди:

— Бенгалча ўқ узиш, холос.

— Қизиқ, нима сабабдан у вагонга бутун Революцион ҳарбий кенгашни таклиф этди?— деди Лашевич хаёл суриб.

— Мудофаа Совети ёки партия Марказий Комитетидан бирон бир хабар келмасмикан, деб кутмоқчи,— жавоб берди Гусев.

Лашевич шубҳаланиб бош чайқади.

— Унинг соқчиси жуда кўп-да... Ҳаммаси ҳам таплаган одамлар.

Гусев кулди:

— Ҳечқиси йўқ... Паровозни ажратиб қўйишди-ку. Бунинг устига бутун бизнинг комедант командамиз ҳам ўша ерда. Бу командамиз алоҳида батальонга ўхшаб кетади, станокли пулемёти ва ҳоказолари бор...

Каменев таъби хира бўлиб қайтиб келди. У ўз столи олдида бориб, иш креслосига вазминлик билан ўтирди.

— Хўш, нима қиламиз?— сўради у.

— Қутиш керак, Сергей Сергеевич,— деди Гусев.

— Нимани?

— Мудофаа Совети ва партия Марказий Комитетининг қарорини.

— Ахир Троцкий билан бош қўмондон...

— Бу билан гап тамом-вассалом эмас, Сергей Сергеевич. Биласизки, Мудофаа Советининг раиси — Ленин.

Тахминан бир соатдан кейин Каменев ва Гусевни Москва телефонга чақирди.

Мудофаа Совети ва партия Марказий Комитети Шарқий фронтни иккита оператив йўналишга бўлиш планини тасдиқлаганликларини уларга қисқагина қилиб айтишди. Жанубий гурпупага қўмондонликка Фрунзе тавсия этилган эди.

— Хўш, энди нима қиламиз?— яна сўради Сергей Сергеевич, улар фронт қўмондони кабинетига қайтиб келишгач.

— Қарши зарбани тайёрлаш тўғрисида бугуноқ Фрунзегга кўрсатма беринг,— маслаҳат солди Гусев ва унинг иккиланиб турганини кўргач, сўради:— Нима, сиз бирон нимадан хижолат бўляпсизми?

— Революцион ҳарбий кенгаш ранси ва бош қўмондон-чи?

— Менимча, уларнинг қўлида бу масалада кўрсатма бор. Қўшинларни Волганинг орқасига чекинтириш борасида Троцкийнинг уринишлари олдини олиш учун бизга бу ҳақда маълумот тарзида хабар қилишди-да. Москва Шарқий фронт хусусида унинг режаларидан етарлича хабардор... Хўш, сизни яна нима ташвишлантиряпти?

Сергей Сергеевич хўрсинди:

— Билмадим, сизга нима десам экан... Михаил Васильевичнинг ҳар қанча фазилатлари бўлишига қарамай, унда етарлича ҳарбий тайёргарлик йўқ, деган фикрни миямдан чиқармаяпман. Мана, Бешинчи армияга ҳам Тухачевскийни командарм қилиб тайинлашяпти, у бўлса собиқ поручик, холос.

— Тарих, Сергей Сергеевич, уруш тўғрисидаги ҳамма тасаввурларни остин-устун қилиб юборган поручикларни биледи.

Каменев Гусевга хафа бўлиб кўз қирини ташлади.

— Сиз ҳали менга Наполеон тўғрисида ҳам эслатарсиз...

— Бунчалик узоққа боришнинг нима кераги бор? Ақалли, ўзингизни, Сергей Сергеевич, мисолга олайлик. Биринчи жаҳон урушида полковник даражасида фронт қўмондони бўлганларни эслолмайман.

Каменев чуқур нафас олди:

— Сиз билан баҳслашиш қийин, Сергей Иванович.

— Нима ҳам дердик! Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди...

Кечқурун Троцкийнинг вагонда Бешинчи, Биринчи, Тўртинчи ва Туркистон армияларидан иборат Жанубий группани тузиш тўғрисида республика Революцион ҳарбий кенгаши ва Шарқий фронт Революцион ҳарбий кенгашининг қўшма мажлиси протоколи имзоланди.

Группага қўмондон қилиб Фрунзе тайинланди, Новицкий ва Куйбишев Революцион ҳарбий кенгаш аъзолари қилиб тайинландилар.

Троцкий хайрлаша туриб Каменевни бир дақиқа олиб қолди.

— Менга маълум бўлишича, — деди у суҳбатдошидан четроққа қараб, — бош штаб полковниги Авилов сизга юборилган эди.

— Ҳа, у бир неча кундан бери шу ерда.

— Нима қилиб уни ушлаб ўтирибсиз? Фрунзенинг олдида журналининг. Айтгандек, унга бутун Жанубий группа ишлари билан шугулланишга тўғри келар. Шунинг учун Тўртинчи армияга унинг қўли тегмайди. Авилов эса, биладиган одамларнинг гапига қараганда, истеъдодли ҳарбий одам...

— Ҳўш, Тўртинчи армияга тўғридан-тўғри командарм қилиб юбориш керакми? — ажабланди Каменев.

Троцкий афтини тириштирди:

— Нега ундай дейсиз?.. Сиз Авиловнинг билимига муносиб равишда фойдаланишларини маслаҳат беринг, уни тайинлашни эса Фрунзенинг ўзи тавсия этади.

3

Еш Совет республикаси устига шарқдан ёпирилиб келаётган даҳшатли хавф бутун мамлакатни қўзғатди. Москва, Петроградда ва тўққизта санат губерняларида беш хил ёшдагилар учун армияга қақриқ эълон қилинди. Волга бўйида қасаба союз аъзоларини ёппасига қуроллантирдилар, хизматчи эрақлар ўр-

нига аёлларни қўйишди. Москва, Петроград, Ярославль ва Волга-бўйи ҳарбий округларида шошилинич равишда дивизиялар, бригадалар, полклар тузилди. Фабрика, заводлардаги ва район, шаҳар комитетлари ҳузуридаги партия ташкилотлари алоҳида вазифани бажарадиган қисмлар туздилар, коммунистларни фронтга сафарбар этдилар, фронт орқасини буткул яланглаб қўймаслик учун кўнгиллиларни ёзишни тартибга солдилар.

Бу халқ кўтарилишининг бошида эса Ленин турди.

Моссоветнинг фавқулодда пленумида у Совет республикасининг қийин аҳволи тўғрисида ниҳоятда аниқ қилиб гапириб берди; Питер ишчиларига хат билан мурожаат этди, бу хатда Воткинск заводи таслим бўлаётгани ва Бугульманинг ҳалокатга учраши мумкинлиги тўғрисида хабар қилиб, «**ҳамма нарсани оёққа турғаз**иш, Шарқий фронтга ёрдамга **ҳамма кучларни сафарбар этишни**» илтимос қилди; Шарқий фронтдаги аҳвол тўғрисида партия Марказий Комитетининг тезисларини ёзди; Киев партия-совет ташкилотларига бир ҳафта ичида Шарқий фронтга икки ярим мингта от, юзта юк машинаси ва бир неча батереяни етказиб бериш тўғрисида телеграф қилди; шарқдаги армияларни ҳамма зарур нарсалар билан таъминлашни ташкил этди; темир йўл транспорти орқали Қозон, Симбирск, Сизрань ва ундан у ёққа фронтга ҳарбий юклардан бўлак нарсани жўнатишни тўхтатди ва бир минут ҳам эътиборини сусайтирмай Волга бўйларида юз бераётган воқеаларни кузатиб борди.

Республика Революцион ҳарбий кенгаши ва Шарқий фронтнинг қарори Фрунзени гангитиб қўймади. Унда душманга қарши зарба бериш плани тайёр эди. Унинг ғояси оддий эди. Душман бунчалик тез ҳужум қилиб келадиган бўлса, қисмлари чўзилиб, орқада қолиб кетмай йложи йўқ эди. Унинг орқа томони етиб юролмай қолган ва бинобарин, қўшинларни мунтазам равишда қурол-аслаҳа, анжом ва бошқа нарсалар билан таъминлай олмас эди, бусиз эса ҳужум қилаётган ҳар қандай армия жанговарлик қобилиятини йўқотарди. Фрунзе кун сайин бу қалтис ҳужумни диққат билан кузатиб борди, ён дафтарига у-бу нарсаларни ёзиб, кўп нарсаларни эслаб қолишга ҳаракат қилди. Унинг апрелда фронт қўмондонлигининг кўрсатмасини олгач, Фрунзе ўша кунниёқ Биринчи, Тўртинчи ва Туркистон армияларининг олдиндан мўлжаллаб қўйган қисмларини душманнинг қанотидан зарба бериш учун Бузулук районида тўплашга буйруқ берди. Зарбдор группага қўмондон қилиб у Биринчи армиянинг командарми Гайни тайинлади.

Михаил Васильевич, албатта, бутун мамлакат оёққа турганли-

гидан хабардор эди. У Марказий Комитет Шарқий фронтга энг яхши ходимларни сафарбар этаётганлигини, Москва ҳарбий округи Жанубий группага 2-ўқчи дивизияни юборишни белгилаб қўйганлигини, лекин бу тадбирларнинг ҳаммаси кечикиши мумкинлигини биларди. Фронт ва бош қўмондонлик штабларарида кўп вақт беҳуда гаплар билан ўтди. Бу ёрдам кучларини кутиб ўтирмай, дарҳол қарши зарба бериш лозим эди.

Тўртта армияни бирлаштириш ҳақида қарор қабул қилинмасданоқ у шошилинич равишда Самарада иккита, Сизранда битта, Оренбургда иккита ишчилар полкни туза бошлади. Кейин мавжуд ёрдам кучларини қуролланмаган, кийинтирилмаган бўлса ҳам, дарҳол юборишни қаттиқ илтимос қилиб, Ярославль ҳарбий округига телеграф қилди; тузилаётган қисмлар учун сиёсий ходимлардан имкони борича шошилинич жўнатишни сўраб, партия Марказий Комитетига телеграф қилди, ҳар вақтдагидек қийин дамларда Иваново-Вознесенскка ёрдам сўраб мурожаат этди.

Шу кун и эрталаб Михаил Васильевич Волга соҳилидаги ўзининг кичиккина уйдан штабга келди. Бу ерга у хотини келишини кутиб, бир неча кун аввал кўчиб ўтган эди. Бунгача штабда ётиб-туриб юрарди. Шу ерда мустаҳкамланган район ишженерлари бошлиғи Қарбишев кутиб турарди.

— Кириги, Дмитрий Михайлович.— таклиф қилди уни Фрунзе саломлашаркан.— Анчадан бери кутяпсизми?

— Йўқ, Михаил Васильевич, янгигина келувдим...

Фрунзе фикрини бир ерга жамлаётгандек бир оз индамай турди.

— Гап бундай, Дмитрий Михайлович,— деди у.— Бизда бу ерда бронекисмларнинг ҳаракатчан группаси тузиляпти.— У-буни ўзимиз ремонт қилдик, баъзи нарсаларни фронт беряпти. Аммо Бузулук районида кўприкларнинг аҳволи шубҳа тугдирыпти. Яқинда ўша ерда бўлдим, ўз кўзим билан кўрдим. Ўзингиз тезда ҳамма кўприкларни текшириб чиқишингиз, уларни мустаҳкамлашингиз керак.

— Тушунаман, Михаил Васильевич. Бажарамиз...

— Фақат илтимос, шахсан ўзингиз текшириб кўринг.

— Ҳа, турган гап, албатта... Иннайкейиң, ишониб топширадиган одамим ҳам йўқ-ку,— деди Қарбишев хайрлашаркан.

Ун тўққизинчи йил апрель ойининг одатдаги, қизгин, серғалва кунларидан бири бошланди.

Қарбишевдан кейин ҳарбий алоқа йўллари бошлиғи келди. Михаил Васильевич у билан қўшинларни ташиш учун темир йўл

составларини етказиб бериш планини кўриб чиқди. Кейин штаб бошлиғи маълумотни олиб келди. Фрунзе одатда маълумотлардан фойдаланмасликка ҳаракат қиларди. Ҳар куни армиянинг бир кулик фаолиятига яқун ясаб, ҳужжат тайёрлашарди. Бу маълумотларни фронт штабига маълум қилишар, ана шу қоғозларга қараб қўшинларнинг ҳаракати, ютуқлар ва муваффақиятсизликлар тўғрисида фикр юритишарди. Аммо армия қандай нафас олаётганлигини қисмларнинг маълумотларидан билса бўларди. Штаб ходимлари бу айрим-айрим бир парча қоғозга битилган нарсаларни маълумотларга аниқ киритишга ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, бунинг уддасидан чиқиша олмасди: жанг айни қизиб турган пайтда ёки жанг тугаши билан ёзилган ҳар бир хабарда анқиб турган порох ҳиди йўқолиб қоларди. Аммо шу купи эрталабдан ҳамма нарса чархпалак бўлди.

Соат ўн бирларда навбатчи адъютант қабулхонада Авиллов турганлигини маълум қилди. Бу вақтда Михаил Васильевичнинг олдида Куйбишев бор эди. Куйбишев мустақамланган район қурилишидан эндигина қайтиб келган эди. У келган одамнинг фамилиясини эшитиб, ниманидир эслагандек кўзини қисди.

— Бош штабнинг собиқ полковниги,— деди Фрунзе.— Уни бизга йирик ҳарбий мутахассис сифатида зўр бериб тавсия этишпти.

Куйбишев энди эслади:

— Мен билан телефон орқали гаплашишган эди,— деди у.— Менга ҳам тавсия этишди...

— Нима ҳам дердик, қабул қилайлик уни, Вальерян Владимирович,— таклиф этди Фрунзе,— кўрамиз...

Кабинетга баланд бўйли, семиз, важоҳатидан қўли билан нагални ҳам букиб юборадиган қўнғир сочли одам кирди, тортинмай четь берди.

— Авиллов. Ихтиёрингизга келди...

У ўзини эркин тутиб, устунлигини сездиришга уринарди. Бўлмагур талабалар орасидан чиққан айрим ҳарбийлар Бош штаб академиясида шунга ўрганиб кетган эди. Авилловнинг ҳужжатлари билан танишиб чиққан Фрунзе ана шу ҳолатга ҳам эътибор қилди. У яна ҳузурига келган одамнинг ўткир, шу билан бирга, қандайдир ўйноқи нигоҳига ҳам эътибор берди.

— Бош қўмондонликда ҳам, фронт штабида ҳам,— деди Авиллов,— сиз ҳарбий мутахассисларга жуда муҳтожлигингизни айтишди. Ҳатто Тўртинчи армия командарми вазифаси бўш турганлигини ҳам айтишди. Тушунаман; ўзбошимча партизанлардан тузилган бундай армияга командирлик қилиш қийин. Лекин, айтадилар-ку: а ля гэрр ком а ля гэрр!..

Фрунзе унга қизиқсиниб қаради.

— Ҳа, французлар ҳам: «Урушда худди урушдагидек...» дейишади.

У яна бир марта ҳужжатларни қараб чиқди ва уларни четга суриб қўйди.

— Сиз ҳақсиз: Тўртинчи армия чакана эмас, шунинг учун ҳозирча у билан шугулланмаганингиз маъқул. Тажрибали командирлар эса ҳақиқатда бизга керак... Сизни Етмиш тўртинчи бригадага командир қилиб тайинлаймиз, у ёғини яна кўрамиз. Ҳужжатларни ҳозир сизга тайёрлаб беришади. Дарҳол жўнаб кетиш керак.

Авилов ўрнидан турди. Бир лаҳзагина нимадир юзида лип этиб қўйди. Лекин у ўзини босиб олиб, честь берди:

— Кетишга рухсат беринг...

— Уртоқ Авиловни кузатиб қўйинг,— деди Фрунзе адъютантга,— кейин айтинг, унинг тайинланганлигини дарҳол расмийлаштирсинлар.

«Иродали одам,— ўйлади у Авиловнинг орқасидан қараб туриб.— Иродали-ю аммо қандайдир иккиёқламалиги борга ўхшайди... Лекин уни биринчи кўришим, хато қилиш ҳам мумкин».

Куйбишев оҳиста кулиб қўйди:

— Тилнинг аччиқ экан, Михаил Васильевич...

— Сен французча мақолни айтяпсанми? Зарари йўқ, кейинги сафар эҳтиётроқ бўлади. У ўзининг академиядаги улуғлигини пеш қилиб, ишчи-деҳқон лаванглари билан гаплашяпман, деб ўйлади шекилли... Хўш, Самарадаги истеҳком районида нима гап?

Улар ҳозирги ишлар ҳақида гап бошлашди.

— Карбишев тўғрисида қандай фикрдасан?— сўради Фрунзе.— Сен у билан тез-тез учрашиб турасан-ку.

— Уткир инженер. Ишни билади. Талабчан, ўзини ҳам аямайди. Хўш, нега унга қизиқиб қолдинг?

— Кўприкларни мустаҳкамлашни унга топширдим.

— Қилади. Текширмасанг ҳам бўлади.

Адъютант кириб, Михаил Васильевичга сизни Биринчи армиянинг командарми Гай телефонга чақиряпти деди.

— Хайр, кабинетимга борай,— деди Куйбишев.— У ерда таъминотчилар билан жанжалли ишим бор.

Михаил Васильевич штабдаги телеграфга кўтарилди.

У ёқда, Оренбургда, симнинг нариги бошида ҳақиқатан Гай турганлигига ишониш қийин эди, у томондан берилаётган хабар пўлатдек мустаҳкам дивизиянинг собиқ командири шаънига сира ярашмаётган эди.

Гай белгиланган қарши зарбадан ҳеч нарса чиқмайди, вақт бой бериб қўйилди. Бешинчи армия бундай тез чекинадиган бўлса, бизнинг ҳеч қандай маневримиз ёрдам бермайди. Бир ҳафтадан сўнг у Самарада бўлади. Душман Биринчи армияга қарши тўртта пиеда дивизиясини ва олтита казаклар отлич полкини ташлаганидан бу армия ваҳимага тушиб қочади, деб ҳисобларди.

«Назаримда,— Фрунзе қоғоз лентани ўқирди,— чекиниб туриб армияни қутқариб қолиш керак. Менимча, бу ҳам ўзига хос ғалаба... Илецк шаҳарчаси — Сорочинское чизигига дарҳол чекиниш зарур...»

Аппарат тиқиллагани-тиқиллаган эди. Қоғоз лента ундан плонга ўхшаб чиқиб келар, буралиб, ҳалқа бўлиб полга тушарди.

«Бугун Оренбургдан снаряд ва патронларни жўнатдим,— ўқишда давом этди Фрунзе,— ўн чақирим ҳам юрмасдан қайтиб келишди, сира йўл йўқ. 24-дивизия чекинаётми, артиллериянинг ярмини бой бериб қўйди... Дивизия бошлиқлари мени минут сайин чақириб, чекинишга рухсат беришни илтимос қилмоқдалар, армия ҳамда дивизиянинг буйруқлари фақат қоғозда қолади, деб очиқдан-очиқ айтмоқдалар; назаримда чекинишдан бошқа чора қолмади, бинобарин, армия тор-мор этиладиган бўлса, мендан эмас...»

Аппарат тўхтаб қолди. Михаил Васильевич унинг ёнида беихтиёр лентани ўйнаб турарди. У Биринчи армия фронтида ҳақиқатда нималар юз бераётганини яхшилаб кўриб олмоқчи бўлгандай хиёл кўзини қисди.

У шиддат билан:

— Ёзинг,— деди.

Аппарат яна тақиллай бошлади.

— Сиз берган маълумот ажаблантирди. Сизнинг армиянгиз дарров... ваҳимага тушар экан... деган фикр туғилипти. Аҳвол оғир, лекин... Сиз анча ошириб юборяпсиз; аҳвол сиз ўйлаганчалик умидни узадиган даражада эмас. Биз кўрсатмамизни кечиктириб бердик, бу борада сиз ҳақсиз, бунга ким айбдор — текшириб ўтирмаймиз, балки аҳволдан қутулиш йўлини... мавжуд ҳамма кучни ишга солиб анча кечиккан бўлса ҳам, белгилаб қўйилган плани бажариш чорасини қидирамиз. Зарбдор группани ғарброққа... Бузулук районига ва чапроққа тўплаш керак бўлади. Бир ҳафта ичида Бузулукдан шимолга, у ердаги 25-дивизиянинг 1-бригадасидан ташқари Оренбург дивизиясининг битта бригадасини ва сизнинг бутун бригадангизни бўлмаса ҳам, баъзи қисмларингизни тўплашимиз мумкин. Бу группа ёрдамида биз душмanning Бешинчи армия томонга бостириб келишини тўхта-

тибгина қолмай, уни тор-мор келтирамиз ҳам, негаки мендаги маълумотларга кўра, бу йўналишда душман шубҳасиз қизишиб кетиб, тўхтовсиз ҳужум туфайли жуда пароканда бўлиб қолди...

У фикрини бир ерга тўплаб тўхтаб қолди, сўнг яна давом этди:

— Сизнинг лойгарчиликка ишора қилаётганингизда албатта жон бор, лекин у бизга ҳам, душманга ҳам бир хилда таъсир этмоқда... Стратегик чекиниш вақтида артиллериянинг ярмини душман айтарлик таъқиб этмаётган бўлса ҳам, бой-бериб қўйган ўша бригада командирингиз, менимча, дарҳол отиб ташланиши керак. Агар биз юра олмаётган эканмиз, душман ҳам қўзғалмаслиги керак эди, шунинг учун лойгарчиликни рўқач қилишга ўрин йўқ... Талаб қилинаётган қисмларни армия тўпланадиган районга жўнатиш учун дастлабки чораларни кўриб, штаб билан дарҳол Бузулукка келинг. Оренбург станциясида турган вагонларни бўшатиб, темир йўлда юрадиган ҳамма составдан фойдаланинг... Бунга қўшимча қилиб биз уч кундан сўнг биринчи составни юборамиз ва суткасига камида бештадан эшелон бера бошлаймиз.

Барча маҳаллий ишчиларни қуроолантириш чораларини кўринг: уч кундан сўнг милтиқлар олиб, тезда ўша ёққа юбораман. Шаҳарда ҳам, қўшинлар орасида ҳам ваҳимага тушмасликнинг олдини олиш чораларини кўринг, қўл остингиздагилардан бирон киши ўзидан масъулиятни соқит қилиш тўғрисида оғиз очишига йўл қўйманг... Қўшинларингиз ўз бурчини ва буйруқни бажаради деб ўйлайман.

Фрунзе лентани узиб олиб, телеграфчига берди.

— Елимлаб, менга юбортиринг,— деди у ва эшикка қараб юрди.

Фрунзе зинадан тушар экан, бугун Самарага хотини келишини эслади. Уни кутиб олиш керак эди. Лекин бундай аҳволда нима қилиш мумкин?! Яхши бўлмади...

Кабинетда у Куйбишевни, Новицкийни, штаб бошлиғи ва оператив бўлим бошлиғини дарҳол чақиришни буюрди. Сўнг бир оз тўхтаб, Сиротинскийга деди:

— Биласизми, Сергей Аркадьевич, Софья Алексеевна келяпти, бу ерда эса ҳамма нарса айқаш-уйқаш.

— Биламан, Михайл Васильевич, ташвишланманг. Мен хотиним билан уни кутиб оламиз, ҳаммасини тинчитамиз.

Фрунзе унга зимдан қараб деди:

— Лекин қўмондоннинг оилавий ишларини тартибга келтириш старший адъютантнинг вазифасига кирмайди.

— Мен эса Софья Алексеевнани кутиб оламан, қўмондон-

нинг хотинини эмас. Биз у билан дўстмиз деб ўйлайман, Михаил Васильевич.

— Ҳа, ундай бўлса. . Яна бир гап: сиз уйга бир талай мебель олиб кирибсиз. Шунча нарсанинг нима кераги бор!.. Бугун эрталаб ошхонага қарасам, идиш-товоғу ҳар хил нарсалар турибди.. Нима, мен зиёфат берармидим?

— Бу энди Никита Игнатьевичнинг иши. У ерда ҳеч қандай ортиқча нарса йўқ.

— Сиз ҳар қалай уни йўлга солиб туринг. У табиатан кўзи оч. Агар қўйиб берсангиз, шаҳарнинг ярмини ташиб келади. Буни мен Иваново-Вознесенскдаёқ билгандим.

— Яхши, ҳисобга оламан, Михаил Васильевич,— жилмайди Сиротинский.

— Айтгандек, яна бир гап. Самара зерикарли бўлиб қолди. Трамвайлар юрмайди, театр ишламайди, аҳоли эса бизга қараб, ичлариди бу ердан қачон жўнашар экан, деб қўйишди. Трамвай масаласини билмайман. У электр станция билан боғлиқ бўлса керак, аммо театр ишлаши мумкин-ку. Сиз бу хусусда тегишли одамлар билан гаплашиб кўринг. Бу ердан кетишимиз мумкинлигини ҳеч ким хаёлига келтирмаслиги керак.

— Тушунарли, Михаил Васильевич, ҳаракат қилиб кўраман...— Сиротинский чайналди. Фрунзе ажабланиб унга қаради.

— Бир нарса демоқчисиз шекилли?

— Яқинда бу ерга фронт штабидан келишди. Улар билан гаплашиб қолдим. Чамаси, у ерда айримлар Муромга ўтish хаёлида.

— Балки, фронт орқаси учун мўлжаллашаётгандир?

— Йўқ, фронт штаби учун тайёрлаяптилар. Квартирьерларни юборишди...

— Бўлмаган гап! Штабдагилардан биронтаси ўзини кўрсатмоқчи бўлгандир-да. Бундан ҳеч нарса чиқмайди. Театрнинг эса очилиш керак.

— Тушунарли. Эртага театр билан шугулланаман.

Бир неча минут ўтгач, улар группа қўмондонининг кабинетидида тўпланишди, Фрунзенинг қисқача маълумотини эшитишди, унинг Гай билан олиб борган суҳбати тексти билан танишишди ва бу қандай бўлдикин, деб жуда ҳайрон бўлиб қолишди.

— Ҳеч ақлимга сигмайди, уни нима жин урдийкин?— деди Куйбишев.— Ҳар нарса бўлиши мумкин, лекин Гайдан буни ҳеч ким кутмаган эди... Умуман у ўзини кўрсатишни яхши кўради, ўтакегзи даражада жасур ҳагто иккиюзламачилик қилиши ҳам мумкин, лекин ваҳима қилиш... азбаройи худо, унга сира

ярашмайди. Биринчи армияда сиесий комиссар бўлиб юрганымда, ўтган йил октябрида у шундай бир иш қилдики, бунинг учун болаб жазолаш керак эди. Армия Сызрань-Самара-Ставрополь уч бурчагида Комуч қўшинлари билан ҳали жанг қилиб турарди. Бирдан шундай телеграмма олиб қолдик: «Ҳаммага! Ҳаммага! Ҳаммага! Мен, Гайман, Самарада турибман. Яшасин Совет ҳокимияти!» Биз Тухачевский билан,— у вақтда у Биринчи армия командарми эди,— бу оқ гвардиячиларнинг иғвоси бўлса керак, деб ўйладик. Маълум бўлдики, игво эмас экан. Жанглар давом этиб турганда у ўзининг кучли Симбирск дивизиясини муовинига қолдириб, самолётга ўтирган, Самарага жуда яқин жойда қандайдир далага қўнган, оқ гвардиячилар у ердан деярли ҳаммаси жўнаб қолишганини аниқлагач, қўл гранаталари билан қуролланиб, телеграфга келган. Унинг вазоҳатидан капалаги учиб кетган телеграфчилар бир неча аппаратда бизни ҳаяжонга солган ўша телеграммани бера бошлаган. Гай ана шунақа!

— Биз унинг характеридаги яна бир жиҳатни билиб олдик чамаси,— деди Новицкий, унга олиб борилган суҳбат тексти жуда ёмон таъсир қилган эди.— Бу ахир қарши зарбани барбор этиш-ку. У буни наҳотки тушунмаса...

— Демак, тушунмаяпти,— деди Фрунзе кўзини картадан узмай. Картани столга, унинг олдига оператив бўлим бошлиғи қўйган эди. У картага диққат билан тикилар, Жанубий группага кирган қисм ва бўлинмаларнинг рўйхати юзасидан берилган справкани текшириб кўрар, ўша қисм ва бўлинмалар билан зарбор группа тўпланадиган жой ўртасидаги масофани ўлчар ва самарали қарши зарба бериш учун юз берган вазиятда қандай чора кўриш керак, деб ўзи ўртага қўйган саволга зўр бериб жавоб ахтарарди.

— Балки Оренбургдан орқага чекиниш лозимдир,— эҳтиёткорлик билан деди штаб бошлиғи.— Бу маневрнинг тактик самараси шубҳа туғдирмайди. Биз ўз фронтимизни жипслаб, қарши зарба бериш учун кучлироқ мушт вужудга келтиришимиз мумкин...

Новицкий жаҳл билан тўнғиллаб қўйди:

— Қисқаси, сакраш учун орқага югуриш керак экан-да? Циркда ёки спортда жуда қўлласа бўладиган усул. Лекин, бизда, афсуски, уруш...

Штаб бошлиғи қизишди:

— Менимча, Биринчи армия командири ўз армиясининг аҳволи ҳақида яхшироқ гапириб бера олади.

— Гап шунда-да,— деди Фрунзе,— у бизга ўз армиясининг аҳволи ҳақида эмас, балки биринчидан, Бешинчи армияга Бугу-

руслан районида ўрнашиб қолишига ёрдам беришга, иккинчидан эса, душманга унинг бостириб келаётган қисмлари қанотига қақшатқич зарба беришга қодир эмаслигимиз ҳақида маълум қилмоқда. Суҳбат текстини ўқиб кўрдингиз-ку ахир... У, Бешинчи армия бир ҳафтадан кейин Самарада бўлади, деб гап бошлаган. Ўзидаги ишончсизлик мана қаердан туғилган!

Михаил Васильевич ёзилган қоғозларни картадан четга суриб қўйди.

— Ҳақиқатан шундайми ёки йўқми?— давом этди у,— лекин шу нарса жуда равшанки, бундай кайфиятдаги одамга қарши зарба тақдирини ишониб топшириб бўлмайди.— Фрунзе бир оз секин гапира бошлади:— Туркистон армиясининг командарми Зиновьевни зарбдор группага қўмондон қилиб тайинлаш керак. Биринчи армиянинг йигирма тўртинчи дивизияси Михайловскоедан уч манзил нари турипти. Уни Бузулукка олиб боришдан маъна чиқмайди. Ҳеч қандай баҳона билан Оренбургни ташлаб кетиш мумкин эмас. Уни ҳимоя қилишни Биринчи армия командарми зиммасига юклаш керак ва унга Михайловское (Шәрлик) районида душманнинг қаноти ва орқа томонига Бузулук зарбдор группаси билан бир вақтда зарба бериш учун йигирма тўртинчи дивизия қисмларидан қўшимча группа тузиш вазифасини топшириш керак... Бу хусусда қандай мулоҳазалар бор?

Улар янги планнинг тафсилотлари ҳақида гаплашишди, уни аниқлаб олишди, ҳамма нарса равшан бўлгач, Фрунзе штаб бошлиғига ва оператив бўлим бошлиғига план учун керак бўладиган батафсил ҳисоб-китобларни ишлаб чиқишни ҳамда икки соатдан сўнг унга маълумот беришни буюрди.

— Айтгандай, яна бир нарса,— деди у штаб бошлиғига.— Сизнинг бўлимларингизда баъзилар эвакуация билан жуда қизиқаётган эмиш, деб эшитдим. Ҳатто ҳарбий алоқа бошлиғидан бунинг учун қанча вагонни қайси муддатда бериши мумкин эканлигини сўрашипти. Бунга сиз қатъиян чек қўйинг. Бундай кайфият билан юрувчиларни қаттиқ жазолайман, бу ҳақда огоҳлантириб қўйинг. Бизга ваҳимачиларнинг кераги йўқ.

Улар Куйбишев билан икковлари қолишди. Жим ўтиришарди. Бу ҳол уларда одатга айланиб қолаётган эди: бирон қийин масала ҳал этилгандан сўнг, албатта, индамай ўтириб қолишарди. Кўпинча нимадир айтилмай қолган ёки ёддан кўтарилган бўларди.

— Биласанми, Михаил Васильевич, хаёлимга нима келди,— деди бирдан Куйбишев.— Бу ишларнинг ҳаммаси шахсий табиат билан боғлиқ эмасмикан? Гап шундаки, Гай қандайлигидан қатъи назар, нафсониятли ҳам. Биз томонларда унинг шуҳрати кетган. Бирдан бунақа воқеа бўлиши худди «Ревизор» комедия-

сидаги айрим персонажларнинг қилиғини эслатади... Мен Жанубий группа қўмондони лавозимини назарда тутяпман.

— Мен ҳам шу ҳақда ўйладим. Биласанми, Валерьян Владимирович, пима демоқчийдим: у машҳур одамми, машҳур эмасми, нафсониятлими-йўқми, қатъи назар, Оренбургни мудофаа қилади. Яхшиси ўзини ҳар ёққа ташламагани. Менинг ҳам жаҳлим чиқиши мумкин...

Улар яна индамай қолишди.

— Сенингча, Зиновьев номзоди хусусида жанжал бўлмасми-кан?— яна гап бошлади Куйбишев.— Уни фронт Революцион ҳарбий кенгаши тасдиқлармикан?

— Улар тасдиқламай нима ҳам қилардилар? Бошқа одам йўқ-ку. Зарбдор группага янги одамни қўйиб бўлмайди. Вазият билан ҳисоблашишга тўғри келади.

Куйбишев шубҳаланиб бош чайқади:

— Фронт қўмондони Зиновьевга ишонмайди...

— Нима ҳам қилардик! У менга ҳам унчалик ишонмайди. Акс ҳолда мен бу ёқда қолиб, Жанубий группа қисмларига бўйруқ бермаган бўларди. Баъзан шунақаси ҳам бўларкан: онгсиз одам эмас-ку, устига тажрибали ҳарбий, аммо баъзан бош штабчиларга хос қандайдир олифтагарчилик қилади. Новицкий менинг номимдан эътироз билдирди. У шундай деди: фронт қўмондонига шуни айтишни зарур деб ҳисоблайманки, агар фронт кўрсатмалари ҳар бир армиянинг аниқ вазифасини назарда тутадиган бўлса, у ҳолда тўрттала армия ҳаракатини мен бирлаштириб туришим унчалик ўринли эмас. Бу тўққизинчи апрелда, яъни мен Биринчи ва Бешинчи армияларни Жанубий армияга қўшишга розилик берганимдан икки кун кейин ва бу тўртта армия бирлашиб бўлишига бир кун қолганда юз берди.

— Ҳўш, кейин-чи?

— «Кўрсатмалар қандай берилиши — ортиқча масала», деган тўраларча жавоб олдим.

— Шундай бўлса-да, Михаил Васильевич, нега сени четлаб команда беришларга йўл қўясан? Бунга қандай чидайсан?

— Муносабатлар жиддийлашиб кетмасин дейман... Лекин барибир бир юлишиб оламиз. Кўряпсанми, бир қатор фактлардан ишонч ҳосил қилдимки, Бузулукдан душманнинг асосий группировкаси чап қанотига ҳужум қилиб, унинг орқа томонига чиқиб олиш бўйича бизнинг қарши зарба планимиздан ташқари қандайдир бошқа план ҳам бор экан. Бу план қатнашувчи ҳарбий қисмлар сони жиҳатдан ҳам, бу қисмларни жангга киришиш вақти жиҳатдан ҳам бизникидан анча фарқ қилар экан. Биз мавжуд воситалар билан қисқа муддатда зарба беришни планлаштиряпмиз. У ёқда эса бизникидан анча кўп қўшин тўплашнп ва

бир-бир ярим ой муддатни кўзлашяпти. Лекин душман ўшангача индамай қараб турмаса керак... Бу кимнинг плани — билмадим, ammo бош қўмондонсиз у тасдиқдан ўтиши мумкин эмас. Фақат бугина эмас... Фронт Революцион ҳарбий кенгашининг жанговар кучларни Бузулук, Сорочинское, Михайловское районида тўплаш тўғрисидаги буйругига эътибор қилдингми? Эътибор қилгин-а, қўшинларнинг зарбдор кучини эмас, балки қандайдир жанговар кучларни... Ана шу буйруқнинг биринчи сатрларидаёқ бизга Бешинчи армияни сиқиб келаётган душманни жанубдан шимолга қараб бериладиган зарба билан яксон этиш вазифаси қўйилган...

— Тўхта, тўхта, Михаил Васильевич, бу ахир бизнинг планда белгиланганига сира ўхшамайди-ку.

— Шуни айтяпман-да, бошқа план деб! Фронт қўмондонлиги Бугульма йўналишидан хавфда, бу йўналишни Бешинчи армия мудофаа қилиб турипти, лўндасини айтганда, ўзининг штаби турган Симбирск учун ташвишланяпти. Шунинг учун бу армияни қувватлашни бизга таклиф этяпти. Бу ерда душманни тор-мор этиш сира ҳам мумкин эмас. Демак, тўқнашувлар бўлиши турган гап, лекин биз учун сира ҳам бўлмагани маъқул эди.

Бир оз туриб Куйбишев кетди.

Фрунзе ярим кечагача ўз штабида қолиб кетди, оператив бўлим бошлиги билан зарбдор группа тўпланадиган жойга қисмларнинг бориш муддатларини аниқлаб олди, ишчи полклари қандай тузилаётганлиги билан қизиқди, тўғридан-тўғри телеграф орқали Бешинчи армия командарми Тухачевский билан гаплашиб, бу армиянинг Бугурусланга чекинишда давом этаётганлигининг сабабини, Фрунзе ўзининг қарши зарбасини беришига имконият туғдириши учун бу армия қаерда тўхтамоқчи бўлганлигини суриштирди, яна ўнлаб гадбир-чораларни белгилади. Бу чоратадбирлар каттами, кичикми, барибир душманни тор-мор этиш режаси билан албатта боғланган эди. Бугун олдида турган ҳамма ишларни тугатгач, ногаҳон қаттиқ чарчаганлигини ҳис этди...

Михаил Васильевич менга от эгарлаб келтиринг, деб айтди.

У Самаранинг тунги сокин кўчаларидан ординареци ҳамроҳлигида отда борарди. У ер-бу ерда деразаларда чироқлар милтилларди. Авжи кўклам бўлса ҳам, дарахтлар барг чиқармаган эди.

— Қалай, Иван Мартинович, — хиёл ўгирилиб сўради Фрунзе ординарецидан, — йўллар ачиб кетиптими?

У лойгарчилик Тухачевскийга Бешинчи армияни эгаллаган марраларда ушлаб туришга ёрдам қилмасмикин, деб ўйлади. Телеграфда гаплашган гаплари қувончли эмасди. Тухачевский Москва ҳарбий округидан бу томонга ташланган 2-дивизияни беришларини қаттиқ илтимос қилган эди. Ammo бу дивизия ҳали

тузилиб бўлмаган эди. Бунинг устига у негадир фронт резерви ҳисобида турарди. Фрупзегга эса уни жанговар ҳолга келтириш вазифасигина юкланган эди.

— Бу жойларга қараганда йўллар ачиб кетган бўлиши керак.

«Шундай бўлса яхшийди-я,— ўйлади Фрунзе. У ўзининг зарбдор группировкасида 25-дивизиянинг битта бригадасини Бешинчи армияга ташлаш чораларини кўриб қўйган эди, аммо бу, чамаси, Тухачевскийга етишмаётгандек туюлаётганди.— Қизиқ, нега у беришмоқчи бўлган қўшимча кучларга ишонаптикин?! Албатта, унинг вақти оз, атиги йигирма кун қолган эди, лекин у тузилаётган маҳаллий қисмлар ҳақида ҳеч нарса демаяпти...»

Фрунзе Волга қирғоғида муюлишдаги уйга келиб, отдан тушиди ва ординарецига жиловни тутқазаркан, деди:

— Эртага саккизу ўттизда, Иван Мартинович. Хайрли тун...

У йўлакдаёқ Софья Алексеевнанинг: «Буни ана шундай жойлаштирамиз...», «Столни суриш керак. Унинг жойи бу ерда эмас...» деб шошилтириб буюраётганини эшитди.

Михаил Васильевич эшикни очди-да, бу ерда нима бўлаётганини англашга уриниб, остонада тўхтади.

Қувноқ, юмушлардан қип-қизариб кетган Софья Алексеевна унга отилиб, қучиб олди, юзидан ўпиб, ичкарига етаклаб кетди.

— Ҳор, юр, кўрсатаман...

У Софья Алексеевнанинг уйдаги ҳамма нарсани ўзича жойлаштиришга ишқибозлигидан мийғида кулганича унинг орқасидан эргашди. Эрталаб штабга кетаётганида бу ерда ҳаммаси бошқача эди. Кабинетни кираверишга яқин жойга кўчиришпти, Софья Алексеевна буни келувчилар тортинмасин учун қилдим, деб тушунтирди, ётоқхона уйнинг ичкарисига ўтиб қолибди, емакхона ўртада қолган эди. Ошхонада бетартиб турган идиш-тovoқлар жой-жойини топганди. Улар шкафча ва полкалардан жой олгани учун энди ортиқча бўлиб туюлмаётганди.

Михаил Васильевич барибир бошини чайқади:

— Ҳаммасини ташиб кирибсизлар-да...

— Бу ерда ҳеч қандай ортиқча нарса йўқ,— эътироз билдириди қизишиб Софья Алексеевна.— Сен, Миша, бу масалада ҳеч нарсани тушунмайсан.

Ётоқхонада Никита Игнатъевич билан Сиротинский мебелни жойлаштириб ҳамон уймалашишарди. Ана улар ҳам жимиб қолди.

— Ҳаммаси жойида бўлди, Софья Алексеевна,— деди Сиротинский ошхона остонасида туриб.

— Раҳмат, қадрдон Сергей Аркадьевич. Агар сиз ва Никита Игнатъевич бўлмаганда буларни қандай эллардим!

— Э, гапингизни қаранг-а. Мебелни суриб қўйиш ҳам ишми.

Сиротинскийнинг ёнига тиқилиб, ошхонага Никита ҳам қаради.

— Ховончани мутлақо эсдан чиқариб қўяй дебман-ку,— деди у дўриллаб.— Бугун мен уни омборда кўргандим.

— Яна қанақа ховонча?— луқма ташлади Фрунзе.

— Мис ховонча...— бамайлихотир тушунтирди Никита, Софья Алексеевнага уни узатар экан.— Бугун эрталаб губисполком буюмлар омборига қарасам, ишлатилмай ортиқча бўлиб ётипти, хўжаликка керак нарса-ку.

— Раҳмат, Никита Игнатьевич,— кулди уй бекаси.— Айтаман-ку, сенга, Миша, бу сенинг вазифанга кирмайди, деб.

— Ана холос...— ўзича тўнғиллади Михаил Васильевич каби-нетига йўл олар экан. Хотинининг уйда шошиб-пишиб қилаётган юмушлари ўзининг зарбдор группировкани тузишдаги фаолиятига ўхшаб кетди. Ўзи ҳам ҳарбий қисм ва бўлинмаларни у жойдан бу жойга кўчирарди, аммо Софья Алексеевнанинг устун томони шунда эдики, унинг қўлидан стулни ҳеч ким тортиб олмас, шкафни ҳам деразадан олиб кетиб қолмасди.

Ошхона жимжит бўлиб қолди. Ҳамма кетиб, рўзғор юмушлари билан боғлиқ гап-сўзлар тамом бўлгач, Софья Алексеевна ёзув столи ёнида ўйлаб ўтирган эрининг олдига келиб елкаларига қўлини ташлади, унга энгашиб; шивирлагандек секин деди:

— Салом, азизим...

4

Иван Богучаров қарши зарба вақтида Чапаев дивизиясининг 73-бригадаси ихтиёрига берилган эскадрон командири бирдан эски ошнаси, ҳамқишлоғи Федор Емельянов билан жанжаллашиб қолди, комиссарга қўполлик қилди, гуноҳсиз Соколнинг биқинига туртди ва эшикни тарсиллатиб ёпиб кўчага чиқди. У кўринишдан дунё остин-устун бўлиб кетса менга нима, дейдиган одамга ўхшарди.

Бир ҳафта ичида Богучаров тўрт марта разведкага борди, ҳар сафар муваффақиятсиз қайтди: бутун фронт бўйлаб ахтаришаётган 11-колчакчи дивизия сомон ичига тушган игнадек йўқолиб қолган эди. Унинг шу атрофда, Чапаев дивизиясининг 73-бригадаси районидалигини билишарди, лекин қайси жойда ва нима қилмоқчи эканлиги ҳақида ҳеч нарса маълум эмасди.

Бундан ташвишга тушган ва Фрунзенинг йўқолган дивизияни қандай бўлмасин топиш тўғрисидаги топшириғини унутмаган Чапаев кунда телефонда ҳам, учрашиб қолганда ҳам бригада командири Кутяковни койир, у эса ўз навбатида полк командир-

ларидан аламинп олар эди. Полк командири ҳам бўш келмас, ўзидан қўшиб-чатиб тобора Богучаровдан норози бўлиб борарди. Бугун тўртинчи бор Богучаров разведкадан қуп-қуруқ қайтгач, полк командири унга узоқ афсусланиб тикилиб турди, сўнг ўгирилиб, атрофидагиларга довюракроқ одамни юборишга тўғри келади, деб айтди.

Бу эътироз тўртинчи марта ҳам ишни юришмаганидан ўзи ҳам ачкиқланиб турган Богучаровни тутоқтириб юборди.

У кўчада тупугиши тишлари орасидан ғазаб билан чиртиллатиб турарди. Кеч кираётган эди. Дозорга юборилган пиёда аскарлар ёнидан ўтиб кетишди. Богучаров уларнинг кетидан қараб қолди, оғир тин олиб, хонасига қайтди ва Соколни эгарлай бошлади. От жаҳли чиқиб қарар ва типирчилаб айилни тортиб қўйишга халақит берар эди.

— Уйнашма, тентак!— ўшқирди Богучаров. Таниш, лекин энди жаҳлдан тушган овозидан дадиллашган Сокол айилни бўшатиш учун қорнини чиқарди, одатдагидек бундан ҳеч наф бўлмагач, Богучаровга тумшугини чўзди, аммо командир бу вақтда эгарда ўтирарди. Сокол дарров шай бўлди, яъни бошини кўтариб, жойидан йўртишга тайёрланди. Бу ажойиб от эди.

Навбатчи бўлинмани ўзи билан бирга олган Богучаров қишлоқдан чиқиб кетди. Қоп-қоронғи бўлиб қолган эди. Отряд қўшни хуторлардан ўтиб, ўрмонга бурилди. Ўрмон четида уларни дозор қарши олди, лекин таниб, тўхтатмай ўтказиб юборди. У ёғига жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш лозим эди.

— Иккита-иккитадан бўлиб борамиз!— деди бўлинмага командирлик қилаётган Емельянов жаҳлидан тушиб. У Богучаровга жаҳл қилаверишдан безор бўлган эди. Тун илиқ эди. Сдатдаги хавф ҳушёр тортираётган эди.

— Яхши. Олдинма-кетин кетдик,— жавоб қилди Богучаров, унинг сўзидан Емельянов ҳамроҳи ҳам жаҳлдан тушганини сезд.

Отряд икки кишидан бўлиб чўзилди, ўртада юз метрлик интервал ҳосил бўлди.

Ой чиқди. Соялар дарахтларга тушиб қуюқлашди. Майин шамол яланғоч шохларни шитирлатиб ўйнарди.

— Қани ўзинг айт-чи,— деди секин Емельянов,— ҳамма ёққа бош суқиб, излаяпмиз, излаяпмиз, улар бўлса худди ер қаърига кириб кетгандек. Балки ҳеч қандай дивизиянинг ўзи йўқдир...

— Нега бундай дейсан?— сўради Богучаров.

— Чунки, қуруқ гап бўлиб чиқиши мумкин. Колчаклар. иғво учун овоза тарқатади.

— Ёлгонни тўқима, Федя. Нима, Чапай сенинг миш-мишинга ишонармиди? Сени қара-ю! Агар фақат Василий Ивановичнинг ўзи бўлганда ҳам бошқа гап эди. У ҳам хато қилган бўли-

шп мумкин. Бу буйруқ Фрунзенинг ўзидан-ку. Йўқ, Федя, биз бекорга қидираётганимиз йўқ.

— Балки бекоргамасдир, ким билсин тагин, қарийб бир ҳафтадан бери ором билмай излаймиз. Биласанми, бу ҳам худди яқинда зажигалкамни йўқотиб қўйиб, ўшани қидирганга ўхшайди. Ўшанда ҳамма ёқни титкилаб чиқдим — пичанхонани ҳам, хуржунни ҳам қарадим, ҳатто болалардан ҳам кўриб юрдим, у лаънати эса этигим ичида экан, чўнтагим тешилиб тушган экан.

— Жим,— тўхтатди Емельяновни Богучаров.— Бу ерда уларнинг дозорлари бўлиши мумкин...

— Йўғ-э. Улар дарёнинг бу ёғига ўтишмайди.

— Афсус... Демак, ўзимиз ўтарканмиз-да.

Емельянов ажабланганидан ҳатто отининг бошини тортди.

— Иван, эсинг жойидами ўзи? Ахир дарё тўлиб оқяпти-ку!..

— Нима қипти дарё бўлса! Муз оқиб кетган.

— Сув-чи?

— Нима, бу сенга Волгамиди? Боровканинг суви нима бўларди!.. Сен ташвишланма. Мен сузиб ўтаман, сен эса йигитларнинг бир қисми билан қирғоқда қоласан, лозим бўлса бизни ҳимоя қиласан.

Емельянов аччиғлангандан аъзойи бадани жимирлаб кетди. Леки ўзини тутди. Бу ер жанжаллашадиган жой эмас.

— Бесхлебних,— секин чақирди Богучаров яқинидаги отлиқни,— сен шу ерликсан, йўл кўрсат. Қоп-қоронғи, ҳеч нарса кўринмаяпти.

Бесхлебних олдинга ўтиб йўл бошлади. Ўнгга бурилиши. Узоқда ниманингдир шарпаси кўринди.

— Тегирмон,— деди ўгирилиб Бесхлебних.— Қараб кўриш керак, у ерда оқларнинг заставаси йўқмикан.

У отдан тушиб, жиловни бошқа отлиққа берди ва тезда қоронғиликда ғойиб бўлди. Бошқалар отдан тушмай унинг орқасидан диққат билан қулоқ солиб туришарди. Бесхлебних анча вақт йўқ бўлиб кетди. Емельянов ташвишлана бошлади, тегирмонга қараб боришни таклиф этди, лекин Богучаров уни тўхтатди.

— Ҳовлиқмасанг ҳам борарсан ўша ерга.

Бесхлебних ногаҳон қаёқдандир, ён томондан пайдо бўлиб қолди.

— Тегирмонда ҳеч ким йўқ,— деди у.— Фақат бир қоровул ётипти. Бу ердан бир чақирим нарида, йўлда хутор бор. Ана шу йўлдан, қоровулнинг гапига қараганда, ҳар куни кечаси қандайдир отлиқлар ўтар экан.

— Қоровулинг алдамаётганмикан?— сўради Богучаров.

— Йўқ. У ўзимизнинг одам, ҳатто узоқ қариндош ҳам бўлади.

— Шунинг учун бафуржа дардлашиб қолган экансан-да,— тўнгиллади Емельянов Бесхлебнихга шубҳаланиб қараб.— Суюниб кетиб ичиб келгандирсан. Тегирмончида самогон бордир...

— Тегирмончида бўлиши мумкин,— эътироз билдирди у,— бу қоровул, батрак-ку. Унда самогон нима қилсин!

— Кетдик,— гапни бўлди Богучаров.— Уйга борганда ҳал қиласизлар кимда самогон бору, кимда йўқлигини.

Кўп ўтмай улар тегирмон олдидаги тўғонга етишди. Бу ерда отлиқларни қолдиришди. Богучаров уларга яқин атрофда учрайдиган одамларнинг ҳаммасини ушлашни тайинлаб, ўзи билан Емельянов ҳамда тўрт жангчини олиб, хуторга қараб кетди.

— Сузиб ўтаман, деб юрибсан-а,— ғудурлади Емельянов. Богучаров унга илжайиб қаради.

— Сени қўрқитмоқчи бўлувдим. Биламан бир қулоч ҳам отолмаслигингни.

Хутордагилар уйқуга кетишган эди. Отлиқлар чўчиб кетган уй эгаларини тинчлантиришди-да, уларга чироқ ёқмасликни тайинлаб, уйларнинг орқасига бекинишди.

Ҳаммаёқ жимжит, шамол ҳам эсмасди. Пастгина сузиб юрган булутлар бутун осмонни қоплаб олганди. Отлиқлар кутиб туришарди. Ендаги саройда хўроз бор кучи билан қичқирарди. Ундан қолишмай иккинчиси қичқирди. Биринчи хўроз бўш келмаслик учун иккинчи, учинчи марта қичқирди... Шу заҳоти унга жавобан иккинчи хўроз ҳам қичқирди.

— Роса чўзиб қичқиради-я, лаънатилар!— ғудурлади Емельянов.— Қалласини шартта узиб, шўрвага тиқсанг.

— Кейин трибуналга-да,— деди Богучаров.

— Хўрозга-я?!

— Йўқ, кафандуздлиқ учун...

Хўрозлар тинчиди, яна жимжит бўлиб қолди. Шу тарзда бир соат, балки икки соат ўтди...

Бирдан Богучаров узангига оёғини тираб сал кўтарилди-да, қотиб қолди. Олисдан йўртиб келаётган отларнинг дупир-дупири эшитилди. Богучаров қулоқ солиб туриб, отлиқлар икки нафардан ортиқ эмаслигини билди. Ким нима қилишини тайинлаб, у яқинлашиб келаётган отлиқларни кута бошлади. Улар хуторга келганда Богучаров Бесхлебних билан рўпарасидан отилиб чиқиб йўлни тўсди. Шу орада Емельянов уч жангчи билан уларнинг орқасига ўтиб, чекиниш йўлини кесиб қўйишди.

— Тўхта!— бақирди Богучаров ва олдиндаги отлиқнинг офицерлик погонларига кўзи тушди.

Қолган ишлар саноқли дақиқаларда бўлиб ўтди. Офицер отни-типпа-тик қилиб, тўппончасига ёпишди. Богучаровдан ўнроқда турган Бесхлебних узангида кўтарилди-да, бор кучи билан

казакчасига офицернинг бошига қилич солди. Офицер тўнтарилиб тушди. Иккинчи отлиқ отини ниқтаб, далага қараб қочди. Уқ узилгач, у ерга думалади. Қизил аскарлар душман отларини ушлаш учун югурдилар.

Отдан тушган Богучаров офицер устида туриб, Емельянов унинг ҳамма ёғини усталик билан титаётганини кузатарди.

— Балки ҳали тирикдир?— умидвор оҳангда сўради у.

— Қаёқда...— деди Емельянов.— Бесхлебнихнинг зарбаси чакана эмас, ундан тирик қоладигани бўлмайди.

— Буниси чакки. Бизга офицернинг тириги керак эди, ўлигини бошимизга урамизми.

— Шундайку-я... Аммо бизга ҳам Богучаровнинг тириги керак-да. Агар Бесхлебних бу ерда бўлмаганда ёки у бир оз кечикканда борми, биз қадрдон Иванизмининг мурдасини аччиқ кўз ёшлари тўкиб эскадронга олиб борардик... Сен офицерга жуда ўнг турган эдинг. Тўппа-тўғрида жонли нишон бўлиб турувдинг.

— Гапни кўп чўзма... дала сумкасидан нима топдинг?— деди Богучаров.

— Сурғичланган қандайдир пакетлар бор экан.

— Қани, ол -чи бу ёққа.

Богучаров бино орқасига ўтиб, жажигалкани ёқди. Қўлидаги пакетларнинг бири — Ижевск бригадаси бошлиғига, иккинчиси — бир ҳафтадан бери қаерга жойлашганини билиша олмаётган ўша 11-дивизиянинг штаб бошлиғига ёзилган экан. Богучаров аламиндан тишларини гижирлатиб қўйди. Бу пакетларни алоқа офицери олиб бораётганлиги шубҳасиз эди. Агар у тирик бўлганда, дивизия қаерда турганлигини аниқлаш қийин эмасди. Аммо на чора. Богучаров офицер ва ординарецнинг мурдасини дарёга элтиб ташлаб, хуторликларни ўч олинишдан сақлаш тўғрисида кўрсатма берди-да, Емельянов билан бирга дивизия штабига — Кутяковнинг олдига шошилди. У ерда пакетлар очиб кўрилди. Пакетларда тоғ ўқчилари 7-Урол дивизиясининг ўз полкларига берган оператив буйруқлари бор экан. Бу буйруқлар қўшни армия қисмларига маълумот учун юборилган экан. Бу катта омад эди. Қисмларнинг санаб ўтилишининг ўзиёқ душман группировкаси тўғрисида деярли тўла маълумот берарди.

Богучаров Емельянов билан отларни кўпиртириб, иккала пакетни Чапаевга олиб боришганда ҳали тонг отмаган эди. Ярим соат ўтгач эса ўриндан турғазилган Федор Федорович Жанубий группа штабидаги телеграфда аппаратдан чиқаётган қоғоз лентани ўқиётган эди...

— Чапаев разведкачилари қўлга туширган Еттинчи Урол дивизиясининг бу икки буйруғи душман группировкасини анча очиб

беради,— деди Федор Федорович буйруқ текстлари ёзилган телеграммани Куйбишевга узатаркан:— Мутлақо равшанки, колчакчиларнинг Учинчи ва Олтинчи корпуслари ўртасидаги оралиқ эллик чақиримдан ортиқ. Оқлар Олтинчи корпусининг ўзи ҳам анча масофага чўзилган...

Куйбишев иккала буйруқни диққат билан ўқиб чиқди, телеграммани столга қўйиб, Фрунзегга қаради. Улар қўлга туширилган пакетлар очилганидан сўнги имкониятларни муҳокама қилиш учун қўмондоннинг кабинетига тўпланган эдилар. Михаил Васильевич столда ётган картани кўздан кечирарди, шунинг учун Куйбишев қараганда пайқамасди. У бугун эрталаб душманнинг аниқланган қисмларига зарба берилган жойга ва айниқса душман frontiдаги ҳозиргина Новицкий айтган эллик чақиримлик оралиққа диққат билан тикиларди. Бу кейинги вақтда у излаб юрган имкониятнинг ўзгинаси эди. Оқларнинг бундай хатосидан фойдаланиб қолмаслик асло мумкин эмас. Энди ҳамма гап Биринчи ва Бешинчи армиялар ўзини қандай тутишига боғлиқ. Улар актив ҳаракатлари билан душманни қисиб, уларнинг ўз қисмларини Бугурусланга ташлашига тўсқинлик қила оларми-канлар?

— Сиз ҳақсиз, Федор Федорович,— деди Фрунзе картани столнинг чеккасига суриб қўйиб.— Уларнинг оралиғи камида эллик чақирим келади. Бундан фойдаланмаслик гуноҳ. Биз душманнинг Учинчи ва Олтинчи корпуслари қисмлари ўртасидаги оралиққа — Бугуруслан, Заглядино, Сарай-Гир умумий йўналишида зарба берамиз. Вазифа — бу корпусларни узил-кесил бўлиб ташлаб, уларни алоҳида-алоҳида тор-мор келтиришдан иборат.

Лекин Федор Федоровичнинг таъби хирароқ эди.

— Йўл йўқ-ку, нима бўлади?— сўради у.

— Бу ерлар ўрмон, дашт, Федор Федорович. Бу ерлар жуда тез селгийди... Мен Тухачевский билан телефонда гаплашдим. У бир неча кундан кейин йўллар қийин бўлса ҳам, ўтадиган бўлиб қолади, деди. Душманни доғда қолдириш учун ана шу фурсатдан фойдаланиш керак.

— Зарбдор группа ҳали тўла йиғиб бўлингани йўқ,— туриб олди Новицкий.— Биринчи армия командарми армия штаби орқа томон бошқармаларини Сизранга шошилиш эвакуация қилиб, Туркистон армияси қўшинларини зудлик билан Бузулук райони-га ташлашни тўхтатиб қўйди.

— Буни биламан. Уртоқ Гай билан қаттиқроқ гаплашмасак бўлмайдиганга ўхшайди. Улар Оренбургдан керак-нокерак — ҳамма нарсани суриштирмай ташиб кетмоқдалар. Бунинг устига бош қўмондонга биздан шикоят қилишяпти. Қўрқоқ олдин мушт

қўтарди, деганлари шу-да,— Фрунзе стол тортмасини титкилаб, Куйбишевга телеграммани олиб берди.— Бош қўмондон талаби ва мен бермоқчи бўлган жавоб билан танишиб чиқ, Валерьян Владимирович, Вацетис Биринчи армиянинг бечора командармини хафа қилиб қўйишмасайди, деб биздан жуда ташвишда.

— Ташвишланиши ўринли,— деди кулиб Куйбишев.— Бу одам Самарага боришдан умидини узиб, Сорочинскоега қараб ийтиляпти, уни эса Оренбургда туришга мажбур этишмоқда. Шундай бўлгандан кейин бош қўмондон нега ташвишланма-син?!— У ручкани сиёҳга ботирди ва Михаил Васильевичнинг жавоби остига имзо чекди.— Бундан ҳам қаттиқроқ қилиб ёзиш мумкин эди...

— Пачакилашиб ўтиришнинг кераги йўқ. Уйлайманки, бу охиригиз арз эмас... Мен ҳарбий алоқа бошлиғига Биринчи армия юкларини ортишни тўхтатиш тўғрисида кўрсатма бердим, агар командарм ўз билганини қиладиган бўлса, унинг эшелонларини бутун йўл давомида тупикларга киритиб қўйишни буюрдим. Зарбдор группировкани тўплаш уларнинг айби билан жуда кечикиб кетди. Биз унинг барбод бўлишига йўл қўёлмаймиз... Федор Федорович, Бугурусланга қарши зарба бериш тўғрисида буйруқ тайёрланг.

— Фронт штабини нима қиламиз? Уларнинг кўрсатмасида қарши зарбани душманнинг қанотига эмас, ғарбга ва ҳатто шимол-ғарбга эмас, жанубдан шимолга, Бугульма йўналишига қараб берпш белгиланган.

— Бундай қарши зарба бизга нима беради? Қандайдир бир парча территориядан бошқа нима бера оларди? Душман ўз қўшинларини бемалол олиб кетиб, дам олади, кейин эса яна бизга ташланади. Ана шунда биз Волганинг нариги томонига сурилиб қолишимиз мумкин.

— Худди Троцкийнинг кўнглидагидек бўлади менимча,— деди Куйбишев.

— Ҳа, унинг наздида Волганинг нарёғига чекиниш гениал стратегик пландир, у бу пландан воз кечишни хаёлига ҳам келтирмади... Шунинг учун буйруқни тайёрланг, Федор Федорович. Қайси кун ҳужум бошлашимизни аниқ кўрсатмаймиз,— у жуда кўп ҳолатга боғлиқ,— лекин командирларни, бригада командирларига ҳамма, иккинчи майга деб огоҳлантиринг.

5

Авилов Чапаев дивизияси 74-бригадасига икки ҳафтача командирлик қилди, лекин шу вақт ичида Ваня Тропинкидан бошқа, хизматга алоқаси бўлмаган ҳеч ким билан гаплашмади. Ишчан,

доимо вазмин бу командир бригаданинг кундалик ҳаётини атрофлича ўрганди, қўшни қисмлар ҳақида ва Бузулук райониди қўшинларнинг группировкаси тўғрисида гап очилганда, жон-жон деб тинглади, лекин ўзи бу хил суҳбатларни бошлаб бермади. Авиллов бригадига тайинланаётганида дивизия бошлиғининг унга қилган муомаласини эсидан чиқармагани учун Чапаев билан учрашмасликни афзал кўрарди. Ишга тайинланиши вақтида Фурманов озмунча гап эшитмаганлигини Авиллов билмасди, албатта, лекин эҳтиёткорлик туйғуси уни Василий Ивановичдан узоқроқ юришга ундарди. Учрашмасликнинг иложи қолмаган вақтда эса, у жуда қисқа жавоблар билан чекланиб, оғзига толқон солиб оларди.

Бригаданинг аҳволи билан танишиб чиққач, Авиллов жанглари бўладиган жойни рекогносцировка қилиш билан астойдил шуғулланди. Одатда у шу ерлик ординарец Ваня Тропинкинни ўзи билан бирга олиб юрарди. Ун беш ёшлардаги бу довюррак йигитчани ҳамма яхши кўрарди. Сафарга чиққан вақтда Авиллов тамомила ўзгариб кетарди. У гапдон бўлиб қолар, биринчи жаҳон уруши воқеалари тўғрисида кўп гапириб берар, Ванядан болалиги, хутордаги ҳаёт, маст бўлиб олган казаклар бандаси унинг ота-онасини сўйиб, кулбасига ўт қўйиб кетган ўша фожиали куз кечаси ҳақида сўраб-суриштирар эди. Авиллов чиндан ҳам Ваняга раҳми келарди, шунинг учун кўп ўтмай кўнгилчан ўспирин унга астойдил меҳр қўйди. Бригада командирининг ординарец билан бундай дўстлиги кўзга ташланди. Шуниси ажабланарли эдики, бу дўстлик штаб ходимлари, бригада командирлари ва сиёсий ходимларининг Авилловга нисбатан муносабатини анча юмшатди.

Авиллов баъзан застава ва бригада соқчилари пистирмасини айланиб ўтиб, бирон бир ўрмончада ёки жарликда отдан тушарди-да, Ваняни отлар билан қолдириб, ўзи у ёқда нима гаплигини яқиндан кўриб, билиб келаман, деб кетарди... Кейинги сафар у анча вақт йўқ бўлиб кетди, Ваня унга бирон нарса бўлмадимикан, деб ундан хавотир ола бошлади. Яхшики, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди. Авиллов яқинроқ жойда душманлар ўтиб кетаётганлигини пайқаб қолиб, улар кўзига кўринмаслик учун жарликка ётиб олганлигини айтди. Кейин ўша жарлик билан орқага эмаклаб келган. Лекин жарлик уни бутунлай бошқа ёққа олиб борган ва Авиллов йўлни аниқлаб олгунча бир оз адашиб юрган.

Бу воқеа икки кун олдин бўлган эди. Авиллов бошқа ҳеч ёққа бормади. Бугун эрталабдан у ўз штабига ўтирди. Фрунзедан келган сўнгги, ҳозиргина олинган буйруқ бўйича бўлажак ҳужум ҳисоб-китоблари билан машғул бўлди. У кун бўйи ишлади, оғзаки маълумотларга ишонмай, штаб ходимларини ҳар хил справ-

калар тайёрлашга мажбур этди, дивизия бошлиғи ва Шарқий фронт Жанубий группаси қўшинлари қўмондони берган буйруқ ва кўрсатмаларнинг асл нусхаларини топиб беришларини талаб қилди. Қисқаси, астойдил ўтириб ишлади! Бу ҳам атрофдагиларга ёқарди. Бригада командири ҳужумга жиддий тайёрланаётганлиги кўриниб турарди. Ҳатто оғзаки маълумотларга ишонмаслиги ҳам: «Ўзи ҳамма нарсанинг тагига етишни яхши кўради!»— деб унинг тажрибалилигига йўйилди.

Авилов ҳамма ходимларга тўрт соатга жавоб бериб, овқатланиш ва дам олиш учун жўнатиб юборганда, вақт кеч кириб қолай деганди. Улар шунчалик банд эдиларки, тушлик ҳам қилишмади, энди улар тушлик ва кечки овқатни бир вақтда ейишлари лозим эди. Авилов штабда қолди, ёлғиз ўтириб, яна ўйлаб кўришим керак, тушлик овқатни эса шу ерга юборишин, деб айтди.

Авилов наридан-бери овқатланиб, папкадан энг муҳим оператив ҳужжатларни, шу жумладан қарши зарба тўғрисидаги сўнги буйруқни ҳам олди, уларни дала сумкасига солиб қўйиб, соқчилар бошлиғини чақирди. Унинг кўзи олдида қоғозлар солинган папкаларни пўлат сандиққа қўйиб бекитди, сургучлади ва сандиққа соқчи қўйишни буюрди. Кейин Авилов ординарец Тропинкинни олдига чақирди.

— Ванюша,— деди у,— отимни олиб кел, ўзинг ҳам тайёрлан. Мен билан бирга борасан... Баъзи нарсаларни аниқлаш керак.

Кўп ўтмай улар қишлоқдан чиқишди. Пастлаб сузаётган куюқ қора булут осмонни босган эди. Йўл жуда ачиб кетганди. Дам олган отлар аввалига бир маромда юрди, лекин кўп ўтмай бригада командирининг наслдор оти кўпиги чиқиб, орқада қола бошлади. Авилов уни ниқтар, ўз ординарецининг отига ҳавас билан қарар эди.

Бу чўл оти эди, кўринишдан унча бўлмаса ҳам, юриб чарчамасди. Унинг асовлиги тўғрисида бригадада кўп гаплар юрарди. Бу от душман разведкачилари билан бўлган бир тўқнашувдан сўнг бригадага ўлжа тушиб қолган эди. Узоқ вақт уни ўргата олмай юришди. Кимки эгарламоқчи бўлса, уни тепиб, тишларди. Штабдаги чавандозликни орзу қилганларнинг кўплари ундан тепки еди. Ниҳоят уни Ёввойи деб атаб, ташлаб қўйишди. Чўл оти билан ординарец қанақа қилиб иноқлашиб қолганини ҳеч ким билмай қолди, Ваня Тропинкин уни миниб штаб олдида биринчи марта пайдо бўлганда ҳамма ҳайрон қолди. «Қаранг, қаранг,— дейишарди зинага чиқиб олган штаб ходимлари,— Ваня Ёввойини миниб олипти! Ё тавба...»—«У ҳеч қанақасига Ёввойи эмас,— хафа бўларди Тропинкин.— Унинг лақаби Қирғий». Кўп ўтмай чўл оти билан ординарец бир-биридан ажрал-

май қолди. Ваня ҳеч қачон уни боғламасди. Қирғий ҳам худди итга ўхшаб унинг орқасидан юрарди. Лекин аввалгидек ҳамон бошқа ҳеч кимни олдиға яқинлаштирмасди.

Авилов заставадан ўтиб, нарироқда қорайиб кўринаётган кичик ўрмонға бурилди. Бу ерда юриш яна ҳам оғирроқ эди. Отлар қор сувидан пилчираб кетган ерга ботиб қолди. Бир оздан сўнг бутазор бошланди.

— Ваня, сен олдинда бор,— деди Авилов.— Балки сенинг йўрғайғ яхшироқ йўлни танлар.

Орқада қолган Авилов ординарецдан кўз узмай, тўқима чарм тасмани тўппончадан секин ечиб, тасма учини камарига қистириб қўйди. Кейин яна диққат билан Ваняни кузатиб, филофни ечди, револьверни олди-да, дастасини пастға қилиб, шинели қўйнига тиқиб қўйди.

Ўрмон чеккасига чиқиб, Авилов ординарецни чақирди:

— Ваня, азизим... Айил бўшаб қолганға ўхшайди. Хизмат бўлмаса, тортиб боғласанг.

Тропинкии Қирғийни қайтариб, ерга сакраб тушди, отбоқарлардан командирнинг отини олганда қандай эгарланганини текшириб кўрмаганидан хижолат тортди.

— Бу ери эмас! Чап томондаги тўқани қараб кўр,— деди Авилов чап узангини бўшатиб.

Ваня уни четға суриб, эгар четини кўтарди ва айил учини олиб, куч билан тортмоқчи бўлди. Авилов ўнг узангида туриб, қўлини қўйнига тиқиб револьверни стволидан ушлади ва қулочкашлаб Ванянинг бошига дастаси билан туширди. Ваня бригада командирининг ҳуркиб ўзини бир четға олган оти оёғи тагига миқ этмай ағдарилди.

Авилов эгарда чайқалди-ю, лекин ўтириб қолди. У ўз ординарецини отиб ташламоқчи ҳам бўлди, лекин ўқ овози олдиндаги постлар эътиборини унга жалб этиши мумкинлигини англаб, ўзини тийди.

Ўрмонда бир ярим соатча юргандан сўнг уни:

— Жаноб полковникми?— деб чақирди.

Авилов жавоб берди. Дарахт ёнидан офицер чиқиб, унга яқинлашди.

— Очиғини айтганда, сизни кутиб кўзимиз тешилди...

— У ёқдан чиқиб олиш осон эмас.

— Бу тушунарли, жаноб полковник. Хўш, кетдикми?

Офицер отға сакраб мениб Авиловға етиб олди. Четда турган тўрт отлиқ улар орқасидан қатор бўлиб боришди. Ҳаммалари ўрмондан чиқиб, жарликка тушиб кетишди.

Отлиқ разведкачилар группаси «эгасиз ер»ни айланиб, ишла-ри юришмай, ўз қисмларига қайтиб келишди. Уларнинг кайфия-

ти яхши эмасди. Ишлари юришмаганидан, йўл топмаганликларидан аччиғланишарди, бунинг устига, ҳаммаларининг чеккилари келаётган эди. Ҳаммасининг миясига бир хил ўй ўрнашиб қолганидан улар командасиз, бир-бири билан келишмай, бараварига ўрмонга бурилдилар, мақсадлари ўрмон панасида ҳузур қилиб чекишмоқчи эди.

Ўрмон четида разведкачилар эгарлоғлиқ, лекин чавандозсиз отни кўриб қолишди. Улар ҳайрон бўлиб, пистирмага дуч келиб қолишдан чўчиб, бўлинишди, ўнг ва чап ёқдан айланиб ўта бошлашди. Улар икки томондан ўраб ўрмон яланглигига келишгач, от бир ўзи турганлигини кўришди. Тайёр ўлжадан қувониб кетган разведкачилардан бири бошқалардан олдинроқ бориб, бебош отни ушлаб олмоқчи бўлди, лекин от тишларини шундай гижирлатдики, разведкачи қўрқиб, ўзини шартта бир четга урди. Шундан кейингина кўпчилик бу отни таниб қолди.

— Тентак!— сўкинди старший разведкачи.— Қаёққа суқил-япсан? Бу ахир Тропинкиннинг Ёввойиси-ку. У сенинг бошингни учуриб юборади...

— Тўхтанглар, йнгитлар,— деди кекса разведкачи.— Ванянинг ўзи қани? Бир нарса бўлганга ўхшайди...

Шундан кейингина улар Қирғийдан нарироқда унинг эгасини кўришди. Ваня юзи билан тупроққа қорилиб ётарди. Разведкачилар шошиб, уни ўраб олишди. Разведкачиларнинг каттаси энгашиб, Ваняни тимироскилай бошлади.

— Тирикми?— сўрадп кимдир шошиб.

— Сира тушунмаяпман...— жавоб қилди разведкачиларнинг каттаси ўрнидан турар экан.— Гап бундай, йнгитлар: дарҳол санитария қисмига олиб бориш керак... Бу ерда қайси қисм яқинроқ?

— Ҳув анави хуторда бор. Бу ерда икки чақиримча келади.

Ваняни кекса разведкачи отига олди. Гурппа йўлга тушди. Гурппанинг орқасидан Қирғий бош эгиб борарди.

6

Бир неча кундан бери Жанубий гурппанинг ўнг қанотида генерал Хаижиннинг колчакчи армияси билан жанг борарди.

Оренбург остоналарида оқ казакларнинг ҳамласини қайтарган 24-дивизия қисмлари душмanning 12-Урол дивизиясини қуршаб олиш учун чап ёқ билан шимолга қараб юра бошлади. Шундан кейинги олишувда душман дивизияси улоқтириб таш-

ланди, бу билан колчакчи қўшинларнинг Бугуруслан группировкаси билан генерал Беловнинг армия группаси ўртасидаги жанговар алоқанинг муҳим бўғини узиб қўйилди. Душманнинг 6-қўшма Оренбург ва 6-Урол дивизияси зарбалари билан бу алоқани тиклашга уринишлари натижа бермади.

Шу орада Биринчи армиямиз штабида қочоқлардан ва агентура маълумотларидан Салмиш дарёси ёқасида Бакич корпуси тўпланганлиги маълум бўлди. Разведкамиз йўқлигидан фойдаланган Бакич чекка, кимсасиз жойда корпусни Салмишдан ўтказиб олди. Душманнинг кечиб ўтган қисмлари икки колоннага бўлинди. Самара — Оренбург темир йўлини кесиб қўйиш вазифаси юклатилган ўнг колонна йигирма иккинчи апрелдан йигирма учинчи апрелга ўтар кечаси Стерлитамак йўлида тунади. Чап колонна Оренбургга қараб йўл олди, лекин иккита полкмизга дуч келиб, буткул тор-мор қилинди. Жангнинг охирида 42-Троицк полкининг солдатлари ўз офицерларини ўлдириб, ўзлари таслим бўлишди. Полкларимиздан бири йигирма учинчи апрелда оқлар ўнг колоннасининг рўпарадан чиққан қисмларини тор-мор этишди. Бу жангда душманнинг руҳи буткул тушиб кетганлиги маълум бўлди: соқчиликка юборилган роталар кафандузлик билан шуғулланышган, иккита полк биринчи тўқнашувдаёқ қочишга тушган, тўплар снарядсиз қолган эди.

Йигирма учинчи апрель кечга томон етиб келган Биринчи армия қисмлари жанговар позицияни эгаллаб улгурмаган душманга ҳужум қилиб, уни дарёга сиқиб олиб борди. Дарёнинг кечув ерига ёриб ўтган 211-полк артиллерия взводи билан йўл-йўлакай тўпларни қўйиб, тўғри наводка билан колчакчиларнинг солларини яксон этди. Аскарларнинг эски фуражкалари дарёда оқиб кетди...

Бакич корпуси яксон қилинди. Фақат уч юзга яқин одам қайиқларда қутулиб қолди. Қўшинларимиз иккита тўп, йигирмата пулемётни қўлга тушириб, бир ярим минг кишини асир олди. Генерал Ханжин армиясининг чап қаноти очилиб қолди. Бу ҳол унинг марказини хавф остида қолдирди.

Авиловнинг қочганлиги тўғрисида хабар келганда Фрунзе штаб телеграфиди ўтган суткадаги маълумотлар билан танишиб турган эди. Хабарда 74-бригаданинг собиқ командири энг муҳим оператив ҳужжатларни олиб қочганлиги, бу ҳужжатлар орасида ҳужум тўғрисидаги охириги буйруқ ҳам борлиги айтилган эди.

Фрунзе бу хабарни яна бир ўқиб чиқди, уни чўнтагига солиб қўйди ва Зиновьев қўшинлари зарбдор группировкаси қўмон-

донидан маълумотларни кутиб ўтирмай, секин кабинетига йўл олди.

Авилоннинг сотқинлиги Михаил Васильевичнинг бутун мўлжалларига қаттиқ зарба берган эди. Душманга ҳужум кунигина эмас, қўшинлар группировкаси, уларнинг жойлашиши, сони, қуроллари маълум бўлгандан сўнг, қутилмаган ҳужум ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас!..

— Энди душман олдида қип-яланғочмиз,— деди Михаил Васильевич уни кутиб турган Куйбишев билан Новицкийга.— Янги туғилган чақалоқдек қип-яланғочмиз.

Куйбишев Зиновьевнинг маълумотини тез ўқиб чиқиб, Новицкийга узатди.

— Қарши зарбани кейинга қолдириш ва катта операциялар планига қайтиш учун бош қўмондонга яна бир баҳона,— деди у.

Федор Федорович бошини афсусланиб сарак-сарак қилди:

— Шунақаям бўладими, а... Шундай пайтда-я! Ханжин армияси тўхтовсиз ҳужум қилиб ҳолдан тойгани, орқа томони қолиб кетгани, таъминоти бузилгани, ҳеч қандай ўқ-дори ололмаётгани мутлақо равшан-ку. Урушнинг боришини ўзгартириб юбориш учун бунақанги қулай шароит ҳеч қайтиб келмаса ёрак.

Фрунзе ниманидир қаттиқ ўйлаб, бармоқлари билан столга чертарди.

Адъютант кириб, олдидаги столга қалингина телеграммани қўйди.

— Қечирасиз, Михаил Васильевич... Зиновьевдан. Шошилиңч.

Зарбдор группировка командири кеча 25- Чапаев дивизияси 73-бригадасининг пойлоқчи соқчилари душманнинг 11- дивизияси ординарецлари оператив буйруқни олиб кетаётганда қўлга туширилганини, буйруқдан маълум бўлишича, дивизия ҳозир 73-бригаданинг шундай рўпарасида турганлигини, унинг ўртадаги 41-полки эса жуда яқин жойдалигини маълум қилган эди.

73-бригада командири Кутяков узоқ ўйлашиб ўтирмади.

Тонгортада ўз ташаббуси билан қисмларини олиб режасиз тунаб қолган 41-полкка ҳужум қилди. Душман солдатлари ўз офицерларини ўлдиришди, полк эса буткул таслим бўлди. Қанотдаги 43 ва 44-полклар марказдаги фалокатни эшитиб, тартибсиз равишда чекиндилар, катта жойни ташлаб кетдилар. Шундан сўнг бригада ишғол қилган аҳоли пунктлари ва қўлга туширилган ўлжалар саналган эди.

— Танишиб чиқинглар,— деди Фрунзе Зиновьевнинг маълумотини Революцион ҳарбий кенгаш аъзоларига узатар экан.

Сўнг у оператив бўлим бошлиғини чақириб, карта билан келишини сўради.

Эрталабки хабар ва маълумотларга қараб картага киритилган ўзгаришларни кўргандан сўнггина Михаил Васильевич бутиниб-тинчимас Кутяков фронтда нималар қилганини тушунди. Душман 11-дивизиясининг қолдиқлари икки манзил нарига, шимоли-шарққа, Малая Кинель дарёсининг юқори оқимига улоқтириб ташланганди. Фронтнинг эллик чақиримлик чизигини иккита озайиб қолган полк билан ишғол этиб, дивизия Бугурусланга борадиган йўлни очиқ қолдирган ва 3-Урол корпусининг сўл қанотидан эллик чақиримдан кўпроқ масофага узоқлашиб кетган.

Қўмондон столи олдига келган Новицкий билан Куйбишев ҳам картага энгашишди.

— Қарши зарба учун қандай қулай жой!— эллик чақиримлик оралиқни бармоғи билан кўрсатди, афсусланиб Федор Федорович.

— Мен ҳам шу ҳақда ўйлаяпман,— деди Фрунзе.

— Нимасини ҳам ўйлаш мумкин,— бош чайқади Куйбишев,— Хужум бошланишига яна етти кун бор. Душман энди бизнинг кучларимиз ва режаларимизни бутунлай билиб олгач, қўл қовуштириб ўтирмайди, бу бўшлиқни ёпишга ҳаракат қилади.

— Жуда ҳам мумкин,— деди Фрунзе ниманидир ҳисобларкан.

У разведка маълумотини сўради, уни диққат билан ўқиб чиқди, ён дафтарига бир нималарни ёзиб олди, сўнг гавдасини кўтарди.

— Сен Валерьян Владимирович, мутлақо ҳақсан. Душман Кутяков талаган Ун биринчи дивизиянинг ўнг қаноти билан Учинчи Урол корпусининг чап қаноти ўртасидаги оралиқни тўлдиришга албатта уринади. Яна албатта, бизнинг қарши зарбамизга тайёрланади ва эҳтимол, биздан олдинроқ ҳаракат қилади. Булар ҳаммаси тўғри...—Фрунзе хиёл жимиб қолди.—Лекин менимча, биз ўзимиз душмандан олдинроқ бошлашимиз керак. Улар бизни иккинчи майда кутишади, биз эса хужумни олти кун олдин, яъни, йигирма саккизинчи апрелда бошлаймиз... Иложи бўлса-ку Кутяковнинг муваффақиятини давом эттириб, дарҳол бошлаган маъқул эди-я. Афсуски, ўртоқ Гай Оренбургдан столлар, шкафлар ва ҳар хил ортиқча нарсаларни тез олиб кетиб, бу билан Бузулукка Уттиз биринчи дивизиямизни вақтида ташлашга халақит берди.

Федор Федорович бундай хулосага келинганидан боши қотиб қолганди.

— Зарбдор группани тўплаш ҳали тугамаган-ку,— ишонч-

сизлик билан деди у.— Ўттиз биринчи дивизиянинг саккизта полки ҳали йўлда.

— Улар йигирма тўққизинчида ўз жойида бўлади.

— Иккинчи дивизия ҳали тузиб бўлингани йўқ.

— У етти кундан сўнг, яъни ҳужумимизнинг тўртинчи куни комплектлаб бўлинади.

— Ҳар қалай, таваккалига бўляпти-да, Михаил Васильевич.

Фрунзе столдан турди, оёгининг чигилини ёзиш учун кабинетда юрди.

— Ҳа, сиз ҳақсиз,— деди у столга қайтиб келаркан,— маълум даражада таваккалчилик бор. Лекин ҳар қандай ҳужум ҳам шундай бўлади-да. Эҳтимол, кўпроқ қалтисдир... Лекин ортиқча кутиш— душманга ташаббусни бериб қўйиш демакдир. Бу деган сўз, бизга душман мажбур этган жойда олиб боришга тўғри келади, яъни, душман учун қулай бўлган, биз учун эса мутлақо ноқулай жойларда жанг қилиш демакдир... Сўнгра яна, душманнинг олдинги қисмлари ниҳоятда ҳолдан тойганлигини, уларда снарядлар деярли йўқлигини ва патронлар етишмаётганлигини, оқибатда бузилиш бошланганлигини кўрмайсизми? Акс ҳолда, бир неча кун мобайнида икки жойда, бир-биридан икки юз чақиримдан ортиқроқ масофада турган полкларда солдатлар биринчи тўқнашувдаёқ ўз офицерларини ўлдириб, биз томонга ўтганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Фрунзе столдаги қоғозларини йиғиштириб индамай турди, сўнг яна гапида давом этди:

— Мана, Федор Федорович, ўзингиз айтдингиз, Кутяков бригадаси районида душман фронтида қарши зарба учун жуда қулай шароит вужудга келди деб. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бу шароит яна қанча сақланиб турарди?

— Айтиш қийин,— елкасини қисди Новицкий.— Икки кун, эҳтимол, уч кундир...

— Биринчи армия ўзининг чап қанотида душманнинг Олтинчи Ўрол корпусига қарши ва Кутяков бригадаси ўша корпуснинг Ўн биринчи дивизиясига қарши актив ҳаракат қилиб турса, мен ҳатто тўрт кунга ҳам розиман. Менимча, ана шундай бўлади. Олтинчи Ўрол корпуси ўзининг ўнг қаноти билан Учинчи Ўрол корпусининг чап қаноти ўртасидаги эллик чақиримлик бўшлиқни ёпишга душман ҳеч қандай куч ажрата олмайди, корпуснинг ўнг қанотдаги иккита асосий пиёдалар дивизияси— Ўн биринчи ва Ўн иккинчи дивизиясини биз бошлаб адабини бердик, унинг сўл қаноти эса Бакич корпуси тор-мор қилинган, яланғоч бўлиб қолди. Учинчи корпусни эса биз Чапаев дивизиясининг Етмиш тўртинчи ва Етмиш бешинчи бригадалари зарбалари билан қимирлатмай қўямиз. Шундай қилиб,

бизнинг ихтиёримизда тўрт кун бўлади, лекин олдини олиб, уч кундан кейин, яъни йигирма саккизинчида зарба берамиз.

— Михаил Васильевич, чамамда, ҳақ,— деди Қуйбишев Новицкийга. У бирдан кулиб юборди ва хиёл қизариб кетди.— Бу колчакчиларни савалаб хумордан чиққинг келади... Қисқаси, мен Михаил Васильевичнинг таклифига қўшиламан.

Федор Федорович пишиллаб қўйди. У ҳаммасини кўриб, ҳаммасини тушушиб турарди ва бир оз қалтис бўлса ҳам, амалга ошириш мумкин бўлган бу бирдан-бир планни ичида ёқларди. Лекин у шунингдек муваффақиятсизлик рўй берса, нима бўлишини ҳам тушунарди. Колчакчилар Симбирскка ёриб кирмасин, деб қайғурган фронт штаби қарши зарба муваффақиятли чиқмай қолса, қандай тadbир кўрилишини белгилаб қўймади. Шундай таассурот туғилаётган эдики, штабда қандайдир бошқа планлар билан банд бўлиб, Фрунзенинг қарши зарбаси ёрдამчи бир зарбадек баҳоланаётганди.

— Фронтнинг розилигини сўраб кўрилса бўлармиди,— деди Новицкий.

— Мен Бугульма йўналиши хусусида қўмондондан уларнинг режасини икки марта сўраб кўрдим, лекин ҳеч қандай жавоб ололмадим. Энди розилик олиш бир оз кечикди, Федор Федорович. Биз ҳамма нарсани тайёрлагунча душман ҳам қўл қовуштириб ўтирмайди... Хужум тўғрисидаги буйруқни фронт штабига телеграф билан етказинг... Валерьян Владимирович, сен Федор Федорович билан шу ерда тура тур, мен бир зумда Кутяковнинг олдига бориб келаман. Буйруқ тайёрланг, Федор Федорович.

Новицкий кетди.

— Ҳаяжонланяпти қария,— деди унинг орқасидан қараб Қуйбишев.— Яхши мутахассис, софдил, тўғри, лекин сиёсатдон эмас.

— Қанақасига қария! Ҳаяжонланаётганининг сабаби шуки, ҳаммасини тушуняпти. Сен ҳам ҳаммасини тушуниб турибсан, сен ҳам ҳаяжонланяпсан-ку.

Қуйбишев хижолат бўлиб кулиб қўйди.

— Қарши зарбамизга халақит беришадими, деган фикрдан сира қутулолмаяпман... Симбирскда фронт штабига янги бошлиқ келганлиги тўғрими?

— Афсуски, тўғри.

— Қизиқ... Мухим операциялар энди бошланай деб турганда.

— Худди шуниси ажабланарли-да. Революцион ҳарбий кенгаш раисининг фикрича бу ерда, Шарқий фронтда ҳеч қандай муҳим операциянинг кераги йўқ эмиш. Шу маънода Сергей

Сергеевич Каменевга унчалик ишонч йўқлигидан ўртоқ Лебедовни ҳар эҳтимолга қарши юборишди... Хўп, мен кетдим. Сен бу ерда туратур, Валерьян Владимирович, бирон нарса бўлса, Новицкий хижолатда қолмасин.

73-бригада штаби ҳужум қилаётган қўшинлар кетидан кичкина татар қишлоғига бориб қолди. Шу ерга яқинроқ жойга Пугачевск полки штаби ҳам жойлашган эди. Бу полк ўз қисми яқинроғига бориб жойлашишга улгурмаган эди.

Штабда телефонлар жириглар, телеграф аппарати тақиллар, кираверишдаги эшик очилиб-ёпилиб турар эди. Чекка бурчакда Кутяков штаб бошлиғи билан картада ниманидир ўлчашар, бир-икки оғиз гапиришарди-да, яна ўлчашарди. Фурманов ҳам шу ерда эди. У вақтинча чеккада турган бригадасини кўриш учун келган эди. Чапаев дивизиясининг бошқа иккита бригадаси Тухачевскийнинг қўл остига оператив бўлима сифатида берилган эди. Кўп ўтмай штабда Плясунков ҳам пайдо бўлди. У ҳозиргина фронтдан қайтган, ҳамма ёғига лой сачраган, ҳатто ювиниб олишга ҳам улгурмаган эди.

Хабарчи югуриб кириб, остонадан:

— Фрунзе!— деб бақирди.

— Қани, Фрунзе?— сесканиб кетди Кутяков.

— Шу ёққа пиёда келяпти. Уларнинг машинаси қишлоққа кираверишда чуқурга тушиб қолди.

Штабда бирдан жимлик чўқди. Фақат телефон жириглаб, телеграф аппаратигина тақилларди. Ҳамма ўрнидан турди. Кутяков пешвоз чиқмоқчи эди, улгурмади. Остонада Фрунзе кўринди.

— Салом, ўртоқлар!— деди у ва келиб столга ўтирди.— Қани, айтинг-чи, бу ерда нима иш қилдинглар ўзи...

Кутяков душманнинг 11-дивизиясидан пакетни қандай қўлга туширишганлигидан гап бошлаётган эди, Фрунзе уни тўхтатди:

— Ҳаммасини биламан, Иван Семенович. Хабарга кирмай қолган ишлардан гапиринг. Хусусан, душманнинг шу Ўн биринчи дивизиясининг қолган икки полки, Кустанай ва Верхнеуральск полклари тўғрисида сиз нима дейсиз, шу ҳақда гапиринг.

— Биз улар билан тўқнаш келмадик. Улар жуда тез чекинишди...

— Жуфтакни уриб қолишди, десанг тўғрироқ бўлади,—қўшиб қўйди Плясунков. У қўмондон олдида ўзини кўрсатмоқчи бўлди-ю, аммо Уральскда бўлган тўқнашув ва у ерда ўзининг беъманилик қилгани эсига тушиб, хижолат бўларди.

— Шундай дейиш ҳам мумкин,— қўшилди Кутяков,— ҳақиқатда қочиб қолишди... Бизга қирқ биринчи Урол полкидан қочиб ўтган солдатларнинг гапига қараганда, уларда куч бор, деб бўлмайди. Жаноб офицерлар уларнинг жонига теккан. У ёқда, орқа томонда колчакчилар зуғум ўтказяпти. Қасалликни яширсанг, исптмаси ошқора қилади. Фронтда буни ҳамма билади. Полкларнинг ўзи ҳам дабдала бўлган. Уларнинг обозлари қаердадир қолиб кетган. Снарядлар йўқ. Патронлар ҳам етишмайди. Таловчилик билан кун кечиришяпти.

— Учинчи Урол корпуси ўзининг сўл қанотини тўсишга ҳаракат қилмаяптими?

— Йўқ, сезилмайди. Мана, Плясунков ҳозиргина ўша ёқдан келди.

— У ёқда ҳеч ким— отлик ҳам, пиёдалар ҳам йўқ,— тасдиқлади Плясунков.— Кучларни қаердан ҳам олишарди. Биз Ун биринчи дивизияни таъқиб этиб боряпмиз, тўхтаб ўзини ўнглаб олишига қўймапмиз.

Улар фронтдаги воқеалар тўғрисида, разведканинг энг сўнги маълумотлари тўғрисида гаплашишди, душман қисмлари қаерда турганлигини картадан аниқлашди. Охирида Фрунзе сўради:

— Ўлжа масаласи қалай?

Командирлар бир-бирларига қараб қўйишди.

— Асир тушганлар олти юз киши,— деди Кутяков,— ўлжалар эса арзимади: иккита тўп билан пулемётлар... учтами ё тўртта.

— Учта,— қатъий қилиб тасдиқлади штаб бошлиғи.

Фрунзе ишонмади, лекин буни сездирмади. У ўз командирларининг душмандан тортиб олинган қурооларни камайтириб кўрсатишга ҳаракат қилишини биларди. Шубҳасиз, пулемётлар кўп, анча кўп эди, лекин қайси бригада командири тўғриси айтарди! Ахир ҳисобга олинмаган пулемётлар унинг бригадасида қолади-да.

— Бу ҳам ҳарна,— деди у буйруқ ёзишга тушаркан.— Тўғри, Гайда, Биринчи армияда ўлжалар бундан кўпроқ. Улар сўнги жангларда иккита тўп ва йигирмата пулемётни қўлга туширишган, лекин учтаси ҳам яраб қолади.

Кутяковнинг юзи чўзилди:

— Гай Димитриевич— лочин. Биз унга тенглаша олармидик. Бизга дивизиянинг ҳам унчалиги тегмади, номигагина дивизия... Тўғри, бу ҳозирча дастлабки маълумотлар. Пулемётлар санаб кўрилса, кўпроқ ҳам чиқар.

— Ҳа, албатта,— дарҳол тасдиқлади штаб бошлиғи.

Фрунзе буйруқни ёзиб бўлди.

— Мана,— деди у буйруқни Кутяковга тутқазаркан,— муваффақиятли ҳужум учун Революцион ҳарбий кенгаш ташаққурини жангчиларга ва бошлиқлар составига етказинг. Яшанглар, бундан кейин ҳам шундай бўлсин!

У хайрлашиб, Фурманов билан бирга кўчага йўл олди. Уларнинг орқасидан зинагача Кутяков ҳам чиқди. Фрунзе муюлишда кўздан ғойиб бўлгач, Кутяков хонага қайтиб кириб штаб бошлиғига деди:

— Гап бундай... Сиз пулемётлар тўғрисидаги маълумотни тўғрилаб қўйинг. Охиридан биринчи бўлиш бизга ярашмайди. Қаранг-а, бизга ўрнак— Гай эмиш!

— Ҳаммасини кўрсатайми?

— Ҳаммасини кўрсатасизми, йўқми, инсоф билан бўлсин. Қанчалгини биз ўзимиз ҳам билмаймиз. Полклар яширишади. Муюлишдан қайилгач, Фрунзе Фурмановга деди:

— Дмитриий Андреевич, сиздан Тухачевский шикоят қиляпти. Сира Чапаев билан ҳам, унинг штаб бошлиғи билан ҳам алоқа боғлай олмаяпман, сим бору, боғлана олмаяпман, ғалати бўляпти, дейди.

— Мен бу ҳақда Василий Иванович билан гаплашдим. Аммо сиз уни биласиз-ку. Иккита бригадамизни Бешинчи армия қўл остига оператив қисм қилиб беришганига тепа сочи тикка бўлиб кетди. Фигони фалакка чиқди... Қисқаси, у билан овора бўлишга тўғри келди. Энди тинчиди.

— Сиз дивизия штабидан кетганингизга анча бўлдими?

— Бугун иккинчи кун.

— Бу ерда зарур иш бўлмаса, дивизия штабига қайтсангиз ёмон бўлмасди. Гап шундаки, йигирма саккизинчида биз ҳужумни бошлаймиз. Дивизияда буйруқни олишгандир. Сизнинг ўша иккита бригадангизнинг вазифаси Ханжин армияси Учинчи корпусининг сўл қанотига ташланиб, уни Етмиш биринчи бригада, Ўттиз биринчи ва йигирма тўртинчи дивизиялар қанотдан кириб келгунча маҳкам ушлаб туриш... Мақсад тушунарлидир?

— Албатта.

— Унда хайрлашамиз. Бу ерда иш бўлмаса, ушланиб турманг.

Фрунзе қизил аскарлар етиб келиб, кўлмакдан чиқариб қўйган автомашинага ўтириб, орқасига қайтиб кетди.

Группа штабида Михаил Васильевични ёрдамчиси кутиб олди. Федор Федоровичнинг таъби жуда хира эди.

— Сизга нима бўлди?— ажабланди Фрунзе.— Фронгда бирон нарса бўлдими?

— Йўқ, фронтда ҳаммаси жойида.

— Хўш, бўлмаса нима гап ўзи?

Федор Федорович жавоб ўрнига ўзининг Шарқий фронт штаб бошлиғи Лебедев билан қилган суҳбатлари ёзиб олинган лентани Михаил Васильевичга берди.

Штабнинг янги бошлиғи гўё душманнинг Самарага жуда яқин қолганлигининг ўзи етарли баҳона бўлмайди дегандай ҳужум бошланаётганлиги сабабини қаттиқ туриб сўраган ва ҳужум йўналишини анча шимолроққа, Бугульмага қараб ўзгартиришни талаб қилган эди.

— Энди нима қиламиз?— маънос оҳангда сўради Федор Федорович бу ҳужум учун қаттиқ танбеҳ олганлигидан ҳамон ташвишланиб.— Улар бизни душман қаршисида туриб, жанговар буйруқни бажармаганлигимиз учун айблашяпти.

Фрунзе суҳбат ёзилган лентани ўқиб бўлиб, уни ёрдамчисига қайтариб берди.

— Ҳечқиси йўқ, Федор Федорович...

У аппаратхонага кириб, фронт қўмондонини телефонга чақиртирди.

Каменев гапининг бошиданоқ фронт штабида бирон нарса бўлганлиги сезилди. Аччиғлангани яққол сезилаётган қўмондон қарши зарба бевақт белгиланган, деб узоқ гапирди. Шимолга, Бугульмага баравар зарба берилмас экан, бу қарши зарба ҳал қилувчи роль ўйнай олмайди ва шимолда, ҳозирча ҳужум қилишга тайёргарлик кўрилмаган йўналишда душманнинг активлашувига олиб келади. Бу зарба учун фронт штаби умумий сони ўн тўрттага етадиган полкларни тузаяпти,— Бешинчи армиянинг командарми Тухачевский бу ҳақда вақтида хабардор қилинган,— лекин бу полклар май ойининг ўрталарига тузилиб тайёр бўлади. Фрунзе ўзининг қарши зарбасини ана шу зарба билан бирга бошлаши керак эди.

«Қизиқ,— афсусланиб хаёлидан ўтказди Михаил Васильевич,— Тухачевскийга фронтнинг мўлжаллари маълуму, мен эса бу ҳақда энди эшитиб турибман!»

Архивдан катта операциялар деб аталган, бир қарашда жуда зўр бўлиб туюладиган операция плани яна олиб кўрилгани равшан эди. Бу план бош қўмондонлик Шарқий фронтнинг шимолӣ қисмида етарлича куч тўплагунча душман индамай тураверади, деб ундан яхшилик кутишга асосланган эди. Балки бу пландан ҳеч қачон воз кечишмагандир? Жанубий группа қўмондонлиги катта машаққат билан Бузулук остонасида зарбдор куч тўплангунча яширинча сақлаб келгандирлар, бу кучни ҳал қилувчи вақт келганда шимолга буриб юбориш ниятида шундай қилгандирлар.

Бўлар-бўлмас баҳоналар билан унга бу йўналишни неча марталаб тиқиштиришмади!

«Хўп, яхши,— ўйлади Михаил Васильевич,— айтайлик, Жанубий группа Революцион ҳарбий кенгаши бу талабга рози бўлди, дейлик. Фронт қўмондони айтаётган кучли резервлар ҳозирча фақат планлардагина мавжуд-ку. Бу резервлар майнинг ўрталарига бориб йиғиб бўлинади, ўшанда ҳам улгурилса. Лекин унганча йўллар қуриб қолади, душман ўз орқа томонидаги кучларни олиб келиб, яна биз учун энг ноқулай бўлган йўналишда жангни бошлайди. Қизиқ, буни нега Каменев тушунмаётган экан?! Ёки юқоридан уни зўр бериб мажбур этишяпти-ю, сохта катта зарбадан бошқа илож тополмаяптими? У яна уч-тўрт кундан сўнг, ҳатто ўз ихтиёримизга ҳам қарамай шароит тақозоси билан фронтимизнинг бутун чизигида жангга киришимизни ҳам кўрмаяпти».

У Каменевга ҳам тахминан шундай деди. Каменев душман ташаббусини йўққа чиқариш учун иккинчи даражали участкалар борки, бу участкаларда чалғитиш операцияларини бошлаган маъқул деган мулоҳазани айтиб, гапининг сўнгида шундай деди:

— Фронт кенгаши... тушунадик, операцияни бошлашни тўхтатиб қўйиш энди мумкин эмас, лекин сизни бундай хато туфайли вужудга келган қийинчилик тўғрисида хабардор қилиб қўяди.

«Демак,— ўйлаб қўйди Фрунзе,— ҳар қандай муваффақиятсизликни бизга тўнкаш учун ўзларини чеккага олишга қарор қилишяпти... Бу гап қайси эҳтиёткор одамдан чиққанийкин?»

Нима бўлса ҳам бу гапни жавобсиз қолдириш мумкин эмасди. Шунинг учун Михаил Васильевич айтиб турди:

— Иккинчи даражали участкаларда чалғитишга ҳаракат қилиш учун кучлар керак. Бундай кучлар бизда йўқлиги фронт қўмондонлигига маълум бўлиши керак.

Фрунзе суҳбатлар лентасини яна бир марта ўқиб чиқиб, ўз хонасига тушди.

Сергей Сергеевич Каменев кабинетига қовоғини солиб қайтди. Фрунзенинг Жанубий группани фронтнинг иккинчи даражали участкаларида муваффақиятли маневр олиб бориш учун куч йўқ деб айтган сўнги гапи уни хижолат қилиб қўйганди. Буни унинг ўзи ҳам биларди, лекин бу назарий жиҳатдан тўғри, аммо бу ўринда қўллаш мумкин бўлмаган маслаҳат оғзидан қандай чиқиб кетганлигига тушуна олмасди. Чамаси кейинги вақтда фронт штабида вужудга келган жиддий вазият таъсир

этган бўлса керак. Бош қўмондонлик билан тортишув бўлмаган кун йўқ эди ҳисоб. У ёқда мудофаа Кенгашининг Волганинг бу бетига чекинмаслик тўғрисидаги аниқ-равшан кўрсатмаларига қарамай, зимдан ўз сиёсатларини ўтказиб келишяпти шекилли. Бу шарқий фронтга юборилаётган кучларнинг етарли эмаслиги, бунинг устига бу кучлар кўпинча марш роталарни ёки тузиб бўлинмаган қисмлардан иборат бўлиб қолаётганлиги, қурол-яроғ ва кийим-бошлар юбориш ҳам уззукун пайсалга солинаётганлигидан ҳам, баландпарвоз, лекин анча ноаниқ кўрсатмалар берилаётганидан ҳам кўриниб турибди. Муваффақиятсизликлар тўғрисидаги хабарга ва ёрдам юбориш тўғрисидаги илтимосга жавобан бош қўмондоннинг апрель бошида: «Бешинчи ва Иккинчи армия frontiда душман катта кучларни тўплаб, устунликка эришганлиги менга аллақачон маълум эди...» деб берган телеграммаси ҳазил гапми. Шундан сўнг қўмондонликнинг эътибори «...Шарқий фронт кучлари группировкаси вазиятга ва фронт ҳал этиши лозим бўладиган оператив вазифаларга мутлақо мувофиқ эмас»лигига қаратилганди.

Вацетисга душман ўз кучларини хавфли равишда тўплаётганлиги аллақачон маълум бўлган экан, бу ҳақда фронт штабига вақтида айтиб қўйишига унга нима халақит берди-ю, фронт кучлари группировкасининг мувофиқ эмаслиги нимадан иборат? Сергей Сергеевич шу вақтгача буни тушунолмас эди.

Лебедевнинг келиши ҳам штабда вазиятни ўзгартирмади.

Штабнинг янги бошлиғи бош қўмондон плани билан, бу планни операциялар ривожлана борган сайин уларга жуда ҳам дадил ва қатъий тус бермасдан амалга ошириш ваколати билан келган эди.

Каменев: «Эскиларнинг гапи бор: бу ёғи нима бўлиши эганга маълум», деб заҳархандалик билан кулиб қўйди.

Тўсатдан миясига ҳўш, ўзим нимани кутиб ўтирибман, деган фикр келди. Албатта, Фрунзе душманнинг Бугульмага қисиб келиш хавфини ҳисобга олмайди, унинг зарбдор группаси ҳам шай эмас: 31- дивизия Бузулук олдида тўла йиғилиб бўлмаган, бунга ким айбдор— бошқа масала, 2-дивизия комплектлаб бўлинмаган... Булар-ку шундай-а... Бордию Фрунзе ҳақ бўлса-чи? Унда биз икки йўлдан-бирини танлашимиз керак: ё бор кучларимиз билан дарҳол қарши зарбани бошлашимиз, ё душман ташаббуси билан бир ҳафтадан кейин чўзилиб кетадиган жангга киришимиз керак.

У иккинчи йўл танланса, нима бўлишини кўз олдига келтириб сесканиб кетди. Унда ҳақиқатан ҳам қўшинларни Волга орқасига олиб кетишга тўғри келади.

Нигирма саккизинчи апрель тонготарида Шарқий фронт Жанубий группаси қўшинлари ҳужумга ўтдилар.

Пиёда қўшинлар баҳор шамоли сал селгитган ерлардан бораркан, жарликларга тиқилиб, ўтган йили экини йиғиштириб олиниб, шудгорланмай қолиб кетган далаларда лойга ботиб илгарилар эди. Улар орқасидан ўқ ортилган ва санитария аравалари йўлга тушган эди. Филдиракларига лой ёпишган тўплар олдиндан танланган позицияларга қараб аранг ўрмалаб борарди. Ҳамма иш ими-жимида, шивирлаб ёнма-ён берилган командага мувофиқ бажариларди, одамлар мана ҳозир милтиқ-пулемётлар олов пуркайди, снарядлар портлайди, шрапнель гувиллаб қолади деган ҳадикда тонг қоронғилигига тикилишарди...

Ҳар бир ҳарбий қисмга алоҳида-алоҳида маневр топширилган эди. Бу маневр илгари ўйлаб қўйилган, кўп марталаб текширилган планининг бир қисми ҳисобланарди. Бу маневрнинг қандай бажарилаётганлигини энди Жанубий группа штабида диққат билан кузатишаётганди.

Биринчи кун интизорлик билан ўтди. Каменев Михаил Васильевични икки марта телефонга чақирди, фронтдан маълумотлар йўқми, бугун эрта тонгда нима қилинди, деб сўради.

— Ахир бундан кейинги ишларнинг ҳаммаси ана шунга боғлиқ-да,— қистарди фронт қўмондони.

Лекин маълумотлар ҳали йўқ эди. Михаил Васильевич уларни тез олинади деб, кутмаётган ҳам эди. У ўзининг старший командирларини яхши билар ва кимдан нимани кутишни олдиндан сезарди. Уни бошқа нарсалар ташвишга солаётганди.

Ҳаво разведкаси поездларнинг фронт чизигидан фронтнинг орқа томонига— Бугурусланга қараб кўп кетаётганлигини сез-

ди, лекин ҳар қанча изламасин, фронтнинг яқин орқа томонида қўшинларнинг ва обозларнинг тўпланаётганлигини кўрмади. Артиллерия ҳам кўзга ташланмасди. Бу бир нарсани— душман ўз қўшинларини зарбадан олиб қочишга уринаётганини, фронт қўмондонлигини эса бу маневр сира ташвишга солмаётганини билдирарди, холос.

Фрунзе зарбдор группага шарққа томон бурилишга буйруқ берди ва кавалерияни душманнынг чап қанотидан, ундан сўнг эса бутун Бугуруслан группасининг орқа томонидан айланиб ўтишга ташлади. Бу билан фронт қўмондонлигининг норозилигига сабабчи бўлди. Қўмондонлик Симбирскка яқин бўлгани учун Бугульма йўналишини асосий деб ҳисоблаб келаётган эди. Албатта, очиқдан-очиқ шундай дейилмасди, лекин айтилмаса ҳам буни тушунишарди. Душман Бугульма йўналишида қисиб кела бошлади, фронт штабда воқеаларнинг боришига хотиржам баҳо бериш қобилиятини йўқотиб қўярдилар.

Бугульма йўналишини Бешинчи армия ҳимоя қилиб турарди, аммо Фрунзе фронт қўмондонининг тазйиқи билан унга ўзининг энг яхши Чапаев дивизиясининг иккита бригадасини берганлигига қарамай, яхши ҳимоя қилолмаётганди. Душман Бешинчи армия қисмларини қисиб чиқариб, Сергиевскини эгаллади ва унинг штаби турган Кротовка станциясини кўзлай бошлади.

Михаил Васильевич душман мудофаамизга шимолдан қанча ичкари кириб келса, уни тор-мор этиш шунча осонлашишини фронт қўмондонлигига ҳар қанча исбот қилмасин, уни ишонтиролмади. Телефонда бўладиган бу суҳбатларнинг тагида яна бир маъно ётарди: қарши зарба муваффақиятли чиқса, фурсатни бой бериб қўймай, Жанубий группа қўшинларини шимолга, Бугульмага буриб юбориш лозим.

Тунга яқин Жанубий группа штабига ҳужум натижалари тўғрисида маълумотлар кела бошлади. Фрунзе кутганидек, хабарлар қувончли эди. Кутяков бригадаси икки кун олдин душманнын 11-дивизияси кетига тушганча унинг орқа томониغا ўтишни мўлжаллаб таъқиб этиб борарди. Чапаевнинг бошқа иккита бригадаси Бешинчи армиянинг 26-дивизияси бригадаси билан бирга генерал Голициннинг 3-тоғ-ўқчи корпусига ҳужум қилиб, обдан ҳолдан тойгунча уни қувиб борарди, асир тушириб, ўлжалар оларди. Биринчи армиянинг 24-дивизияси 6-колчакчи корпуснинг 12-дивизиясига зарба беришда давом этарди.

Аммо бир кун ичида келган маълумотлар орасида ҳушёр тортирадиганлари қам бор эди. Разведка Каппелнинг оқ гвардиячи корпуси тўғрисида янги маълумотлар келтирди. Разведка бу корпуснинг Бугульмага жўнатилган қисмлари қайтиб

Белебей районига олиб кетилмоқда, чамаси бутун корпус бир ерга тўпланаётир, деб тасдиқлади.

Шу вақтгача 22-Прикама полкидан асир тушган офицернинг гапидан Каппель корпусининг қисмлари Чистополь районида, яъни Шарқий фронт Шимолий группасининг ҳаракат доирасида турганлиги маълум эди. Разведка маълумоти Михаил Васильевични ўйлашга мажбур этди. Каппель корпуси генерал Голициннинг 3-Урол корпуси ўрнига келаётган эди, унда эса ҳали тузиб бўлинмаган 2-дивизиядан бошқа резервда ҳеч нарса йўқ эди.

Михаил Васильевич фронт қўмондонини телеграфга чақириб, гап орасида разведкадан олинган маълумотлар тўғрисида ҳам хабардор қилди.

— Сиз Каппелга берган баҳо эсимга келиб, бу ҳолдан бир оз ташвишга тушиб қолдим, бундан буёнги қилинажак операциялар хусусида сизнинг фикрингизни эшитмоқчи эдим,— деди Фрунзе.

Дарҳол жавоб олди.

— Каппель хусусида,— тақиллади аппарат,— бир нарсани айтиш мумкин: у чехларга қўмондонлик қилган вақтда кучли эди, унинг кучли томони — жуда тез қайта группалаштириб маневрлар қилиш, энди чехлар йўқ вақтда у хавfli эмас.— Аппарат секинлаб, кейин яна тақиллади:— у Сергиевск — Бугульма йўналишида кўриниб қолса, яхши бўлмайди, агар Учинчи корпус қисмлари ўрнига келса, катта хавф солмайди...

Фрунзе кулгисини тўхтата олмади. «Яна биринчи планда Бугульма. Шарқда айтганларича бор: «Бармоғини қонатган одам шу бармоғидан бошқа ҳеч нарсани пайқамайди». Қўмондон ҳам шундай: тажрибали-ку, душман ўша Сергиевскда қўшинларни қанча кўп тўпласа, уни тор-мор этиш шунча осон бўлишини тушунмайди. Ёки Троцкий қўмондонни бураб қўйди-ю, энди у ўзига келолмаяптими? Эй, Левушка, Левушка! Сен қачонгача ўзингни раҳнамо қилиб кўрсатасан?

Бахтимизга у ерда Ильич ёнма-ён, бебошликка йўл қўймайди. Троцкийни ўзига қўйиб қўйилса борми, худди ландавур аравакашнинг аравасидай титиғини чиқариб юборади. Лекин ўзи омон қолади, миллионлар ҳалок бўлади, ўзи эса бир сакраб четга чиқиб тураверади... Бутун дунё — меҳмонхона бўлиб туюлган одамдан бошқа нарсани кутиш ҳам мумкин эмас-да. Ёқма-са — бошқа номерга ўтаверади...»

Фрунзе чуқур нафас олди ва биринчи қаватга тушиб, Куйбишевнинг олдига кирди.

Валерьян Владимирович ланг очик дераза олдида турарди, у қайа товушини эшитиб ўгирилди.

— Нима қилиясиз?— сўради Фрунзе креслога ўтираркан.

— Нафас оляпман, Михаил Васильевич. Бугун кун бўйи кабинетдан чиқмадим. Энди миям ишламай қолганини сезиб турибман.— Куйбишев деразани ёпиб, қўмондоннинг рўпарасига келиб креслога ўтирди.— Тухачевскийда нима гап?

— Ҳозирча бирон иш чиқмаяпти... Сўл қанот фронтни мутлақо ушлаб туролмаяпти.

— Йигирма еттинчи дивизиями?

— Ҳа, Бешинчи армия бригадаси ҳам... Кеча тунда Ун олтинчи ўқчи полкни Кинель станцияси районига поход билан ташлашга тўғри келди. Ериб ўтишнинг олдини олиш учун қисмлардан қўйдик. Бугун эса Иккинчи дивизиянинг иккита бригадасини резервдан олиб, биринчи Сергиевска, иккинчисини Крогвокага, Бешинчи армия штабини ҳимоя қилишга жўнатдим.

— Бешинчи армияга бердингизми?

— Йўқ, ҳозирча берганим йўқ, балки беришга тўғри келар. Тухачевский шахсан ўзи ҳам, фронт қўмондони орқали ҳам қистаяпти... Нега бунчалик асабийлашяпти, тушунолмаяпман! Тўртинчи Уфа дивизияси ҳужум қилса нима!.. Рўйхат бўйича тўрт минг етти юз аскар ва уч минггача ўргатилмаганлар, аравакашлар ва ҳоказолар. Бутун бошлиқ дивизия шу.

— Фронт қўмондони нима деяпти? Биз резервларсиз қолаётганимизни улар тушунишяптими?

— Тушунмаётганга ўхшашади. Каменевдан фронт резервдан бригада беришни сўрадим. Рад этди.... Уларда янги фикр пайдо бўлипти: Бугульма группасини ажратиб олиб, уни бевосита фронтга бўйсундиришмоқчи.

— Бу нимаси, сув лойқатишми?

— Шунақа бўлса керак... Улар аллақачон шундай қилишарди-ю, аммо янги группа учун сира қўмондон топишолмаяпти.

— Қизиқ, кимдан чиққан фикр?

— Айтиш қийин. Балки янги штаб бошлиғи ҳаракат қилаётгандир. Бирон иш қилиш учун юборилган-ку ахир... Фронт Бугульма учун тайёрлаётган қўшинларни Бешинчи армияга берилса, тўғрироқ бўларди. Ушанда яна бир қўшинлар группасини тузишга ҳожат қолмасди, қўмондон ҳам керак бўлмасди.

— Нима, Каменев буни тушунмайдими?

— Илгари дарҳол тушунарди.

— Энди-чи?

— Менинг назаримда у гангиб қолди. Сергей Сергеевич шубҳасиз софдил одам, яхши ҳарбий мутахассис, лекин у пар-

гясиз. Яширин ишда ишламаган, ҳар хил тонфа оппортунистлар билан жанг қилмаган. Бу ерда нима бўлаётганини у қаёқдан тушуниб етсин?.. Бугун нима йўналишидаги қўшинларни Тухачевскийга топшириш тўғрисида у билан маслаҳатлашиб кўраман, лекин бундан нима чиқади — бплмайман.

Михаил Васильевич ўрнидан турди.

— Хайр, майли, уйга кетдик. Дам олиш керак. Бугун чакана кун бўлмади... Эртага, ҳеч гап бўлмаса, куннинг иккинчи ярмида бирров Сергиевскка бориб келаман. У ерда нима бўлаётганини кўрмоқчиман. Бу Тўртинчи Уфа дивизияси айтганларича хавфлимикан ўзи, билмоқчиман.

Михаил Васильевич фронтга қилган сафаридан қовоғини солиб қайтди. Унинг шубҳаси тўғри чиққанди, душман Сергиевскни ишғол этгану, шу билан кифояланган. Сергиевск қўшма полкиннинг янгигина қидирувдан қайтган разведкачиларини ўзи сўраб-суриштирди. Улар Сергиевскдан ўзимизнинг фронт чизимизга қараб бораверишда колчакчиларнинг фақат кичик-кичик гуруҳларини йўлда учратишганлигини бир овоздан тасдиқлашди. Кейинги икки кун ичида эса улар ҳам негадир кўринмабди.

«Нима бўляпти ўзи?»— диққат бўлиб ўйлади у.

Гап фақат кўпинча ёрдам кучлари юборишганида, қурол-яроғ, жиҳозлар етказиб беришни тўхтатиб туришганида, командирлар состави ва сиёсий ходимлардан қисмишганида эмасди. Жанубий группага ажратилган командир ва сиёсий ходимларни бевосита Бешинчи армияга «жўнатишгани» ва уларнинг ўша ерда қолганлигига тушуниш қийин бўлса-да, ҳар қалай, бунга ваз кўрсатишарди. Қурол-яроғ, жиҳозлар хусусида ҳам сўзсиз шундай воқеа юз берарди... У нима қилиб бўлса ҳам бунинг иложини топди. Фронт қўмондонлиги зарбдор группага кирувчи қисмлар рўйхатини қатъий белгилаб бериш зарурлиги тўғрисидаги ваздасига қарамай, фронтда аҳвол мушкуллашиши билан зарбдор группировкадан энг жанговар қисмини тортиб олишдан бошқа чора топмади, бунинг сабаби шу эдики, зарбдор группанинг қанотдан зарба бериш планига кўп одам ишонмасди, бу планни амалга оширишига кўзи етмасди. Ҳамма бало шунда эди. Агар партия Марказий Комитети ва Ленин қўллаб-қувватламаганда, уни аллақачон пачақлаб ташлашарди.

Лекин бирон бир чора кўриш керак эди. Худди Сергиевскда бўлгани каби душман куч йиғиб хотиржам ўтиришига йўл қўймаслик керак эди. Михаил Васильевич Бешинчи армия қанотларига ақллироқ вакилларимдан юборсам, ортиқчалик қилмас-

микан, деб ўйлади. Бу вакиллар уларнинг бир жойда депсиниб туришига йўл қўймайди ва у жойда Фрунзенинг «ўз одами» бўлади. Армия штабида, албатта, хафа бўлишади, лекин Фрунзенинг бошқа иложи йўқ эди...

Жанубий группа штабида Михаил Васильевични кўнгилсиз воқеалар кутаётган эди. У ечиниб бўлиши билан кабинетга Новицкий кпрди-да, индамай ёзув столига, Фрунзенинг олдига фронт Революцион ҳарбий кенгашининг телеграммасини қўйди. Телеграммада асосий зарбани Сергиевск йўналишига қаратиш тўғрисида қатъий буйруқ бор эди, шу билан бирга Туркистон армиясини шимоли-шарқдан Бугульмага кескин бўриш таклиф қилинганди.

Бу фақат бир нарсани — душмanning сўл қанотида ва асосий группировкасининг орқа томонига қарши зарба бериш бўйича унинг плани ғоясини барбод этишни англатиб турарди. Ҳатто зарбдор группа отличларига ҳам душмanning орқа томонига узоқ кириб бориш эмас, балки кескин шимолга, яъни ўша Бугульмага қараб бурилиш тайинланган эди.

— Нима қиламиз, Михаил Васильевич?— сўради Новицкий. Гарчи у шундай бўлишини ҳар кун кутаётган бўлса-да, воқеаларнинг бу тарзда ўзгариб кетганидан ичига қил ҳам сиғмасди.

Фрунзе индамади. У фронт буйруғини қайта-қайта ўқиб чиқди ва норозилик билдириш бефойда эканлигини тушунди. Унинг норозилик хати бориб етгунча, уни ўрганиб чиққунларича вақт бой берилади. Бу бир минг тўққиз юз ўн олтинчи йилдаги окоп уруши эмас. Бунда ҳар кун, баъзан эса ундан ҳам қисқа муддатда нимадир ўзгариб турипти, ўзгарганда ҳам ҳозирча душман фойдасига эмас. Фронт қўмондонлиги билан тортишув туфайли бу қўлай фўрсат бой бериб қўйилмаслиги керак.

У фронт қўмондонлиги Туркистон армиясини шимолга буриб, хато қилаётганлигини кўриб турарди. Бошланган ҳужумни яна тўрт кун давом эттирилса, генерал Ханжиннинг зарбдор армияси тор-мор этилади. Лекин Фрунзеда бу ҳақиқатни исботлаб ўтиришга фўрсат йўқ эди.

Шундай бўлса-да, Михаил Васильевич телеграфда Тухачевскийни чақирди ва ундан Бешинчи армия сўл қаноти билан Кабаново-Сарбайск районида яна тўрт кун чидаб тура оладими, деб сўради.

Аппаратда рад жавоби ва армияга 2- дивизияни ўтказиш хусусидаги қатъий илтимос ёзилди...

— Иккинчи дивизия берилади.— айтиб турди Фрунзе ва қўшиб қўйди:— Бу менинг охириг резервим. Ундан фойдаланиш душманни тўла тор-мор этишга олиб келиши керак...

У кабинетга қайтиб келиб, столдан картани суриб қўйди.

Бу картага оператив бўлимда ўзимизнинг ва душманнинг қисмлари кўрсаткич чизиқлар билан белгилаб, яхшилаб чизиб қўйилганди. Фрунзе тоза картани сўради.

Учи тўмтоқ рангли қалам билан,— қўлига шунақаси тушиб қолган эди,— у Бугуруслан, Бугульма, Сергиевскларни ўраб оладиган чизиқлар чизди ва бу маневрни бажарадиган қисмларни пастда кўрсатиб қўйди.

— Шундай бўлсин, Федор Федорович,— деди Фрунзе унга картани узатаркан.— Бу яхши режа эмас. Лекин бошқа чорамиз ҳам йўқ. Буйруқ тайёрланг... Яна битта гап. Мен бутун Туркистон армиясини шимолга бура олмайман. Бу районда душман ҳар қанча заиф бўлса ҳам, худди шу ёқдан, Бугульманинг шарқроғидаги Бешинчи армия қанотига зарба берилиши мумкин. Шунинг учун Кутяков бригадасини вақтинча шу армияга берамиз. Шундай қилиб бутун Чапаев дивизияси бирон бир қийинчилик туғиладиган бўлса, бир мушт бўлиб бирлашиб туради.

Новицкий шубҳаланиб бошини чайқади.

— Сиз ҳали ҳам умид қиласизки...

— Шунчалик умид қиялпманки, фронт штабида яқин ҳафта ичида англашилмовчиликлар бартараф бўлади...— у ниманидир астойдил ўйлаб, бир оз тўхтади, кейин бирдан шартта шундай деди:— Узоққа бориша олмайди! Бугурусланда бўлмаса, Бе-лебей остонасида бўлади, лекин генерал Ханжин армиясидан фақат хотирагина қолади.

Фронт штабидаги англашилмовчилик Михаил Васильевич кутганидан ҳам илгарироқ бартараф бўлди.

Штаб бошлиғи Павел Павлович Лебедев иккинчи майда маълумотларни кўздан кечириб туриб бошини чангаллаб қолди. Ҳаво разведкасининг Бугуруслан районида душманнинг яқин фронт орқа томонида қўшинлар ва обозлар тўпланишидан негадир дарак йўқлиги ҳамда поездларнинг фронт чизигидан жадал кетаётганлиги тўғрисидаги маълумотлари бирдан далиллар билан тасдиқланди. Буларга у аҳамият бермаган эди. Душман қўшинларимизнинг тазйиқи остида ўз қисмларини бемалол олиб кетаётганди, аслида территориядан бошқа ҳеч нарса йўқотмаётганди.

Фронт қўмондонлиги асосий зарбани Бешинчи армияга топшириб, ундан кўзлаган нарсаси чиқмаётган эди. Бирон чора кўриш керак эди. Лебедев иззат-нафсини йиғиштириб қўйиб, телефонда тўғри Фрунзе билан гаплашди ва вужудга келган аҳвол тўғрисида маслаҳатлашиб, 2- дивизияни Туркистон армия-

си районига, душманга қанотдан зарба бериш учун ташлаш мумкин эмасми, деб сўради. Бу дивизияни ўз вақтида Сергиевск остонасига ташлаб, тўғри қилишган эди, энди эса вазият ўзгариши билан у ерда ортиқча бўлиб қолганди.

Михаил Васильевич фронт қўмондонлигининг «тўғри» қарори билан 2- дивизиянинг ҳозирги вазияти ўртасида атиги бир сутка ўтганлигини Лебедевга эслатиб ўтирмади. У шундай қилишга уриниб кўражагини айтди.

Эртасига Михаил Васильевични Каменев тўғри телефонга чақирди. У Бугульма йўналишида операциянинг боришидан жуда мамнун эканлигини айтди. Агар душманнынг Сергиевск районидаги активлиги Михаил Васильевични ташвишлантирмаётган бўлса, бу ҳол уни, Каменевни қаноатлантиради.

Жанглар эса давом этарди... Тўртинчи май эрталаб соат тўққизда кўшинларимиз Бугурусланни эгалладилар. Оқ гвардиячилар қўмондонлиги ўз фронт орқаси хавfli бўлиб қолганини сезиб, чекинчи тўғрисида буйруқ берди. Шу куни кечга яқин Чистополь озод қилинди, бешинчи май эрталаб эса Сергиевск эгалланди.

2

Троцкий эрталабдан тунд эди. Унинг нутқи тобора узук-юлук бўлиб қолаётганди. Пенсне ойнаги совуқ ярақлаб кетди. Ўз бошлигининг кайфиятини биринчи бўлиб пайқаган адъютантлар унинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилардилар. Бошлиқнинг қаттиқ жаҳли чиқётганлиги адъютантлар хонасидан қаватларга тарқалди, кабинетларга ёйилди. Кабинетдагилар Жанубий фронтдаги муваффақиятсизликдан хабардор эдилар. Тўққизинчи армия тор-мор этилган, Луганск қўлдан кетган, Вешенск станцияси районида оқ казаклар қўзғолони авжга чиққан эди. Республика революцион ҳарбий кенгашининг раиси бу сафар заҳрини кимга сочаркин, деб кутишаётганди.

Троцкий эса ўз кабинетида икки қаватли катта эшик орқасида бош қўмондон Вацетисга титраб-қақшаб гапирётганди:

— Мен Шарқий фронтдаги аҳволдан норозиман! Мутлақо норозиман... У ерда нима бўляпти ўзи, тушунмаяпман. Ҳеч нарсага тушунмаяпман!.. Сиз бу Лебедевнинг докладини ўқидингизми? У бош қўмондонликнинг планини амалга ошириб бўлмайди, деб ҳисоблаётир, гўё уни тайёрлашга анча вақт кетар эмиш, шунинг учун Фрунзенинг анави расво қарши зарба авантюрасига розилик беряпти. Нима, сиз эътироз билдирмоқчимисиз?

— Йўқ, албатта,— жавоб қилди Вацетис.— Мен сизнинг эътиборингизни фақат шунга қаратмоқчи эдимки, Лебедев қар-

ши зарба планини энг хавфсиз томонга бошлаб тўғрилаб қўйди.

— Бу душманнинг хавфсизлиги бўлса керак... Бугуруслан, Чистополь, Сергиевскини эгалладик, натижа нима бўлди? Душман маневрлар вақтидагидек ўз қўшинларини хотиржам олиб кетди.

Троцкий столда ётган Жанубий фронтнинг жанговар ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотга кўз қирини ташлаб чимирилди. Мудофаа Советида изоҳ бериши лозим эди. Ундан Жанубий фронтга резервлар ташлашни талаб қилишади. Резервлар эса йўқ эди.

Баҳорга келиб, Бош қўмондонликнинг резервини ташкил этиши лозим бўлган умумий сони бир юз эллик-икки юз минг кишилик 11 та ўқчи дивизиядан аслини олганда ҳарбий округларда олтмиш минг аскар топиш мумкин эди, улар ҳам жангга тайёрми-йўқми, муаммо эди. Қолган ҳамма кучлар эса ақл бовар қилмайдиган тарзда марш полклари ва ҳатто роталари билан кетиб қолди. Шарқий фронтдан олдинги сафардагиларга ўхшаб бир неча дивизияни олса бўларди-ю, аммо бу бевақт бошланган ҳужум унинг ҳамма мўлжалларини чигаллаштириб юборди. Йўқ, буни шундай қолдириб бўлмайди. Ҳар қандай ўзбошимчалikka чек қўйиш керак. Апрель ойининг бошида Симбирскда бўлган гаплар унинг ёдида эди. У ёқдагилар, фронт Революцион ҳарбий кенгашидагилар жуда оғиз-бурун ўпишиб кетишипти.

— Каменевни Республика революцион ҳарбий кенгаши ихтиёрига чақиртириб олиш керак,— деди Троцкий.— Унга ихтиёрий отпуск берамиз, у ёғига яна кўрамыз.

— Унинг ўрнига кимни қўямыз?

— Олтинчи алоҳида армиянинг командарми Самойло қанақа одам?

Вацетис гўлдираб қолди:

— Шарқий фронтдек катта қўшилма учун унинг тайёргарлиги камлик қилади. Умуман... мақтарли томони йўқ.

Троцкийнинг бўлса энди жони ҳиқилдоғига келганди. Муваффақиятсизликларнинг айбдори топилган эди. Каменев Жанубий группанинг ҳужум қилишига йўл қўйиб, кечириб бўлмас даражада бўшанглик қилгани учун энди Шарқий фронтдан бир неча дивизияни олиш мумкин эмасди.

— Афсуски,— деди у жаҳл билан,— бизда хонаки стратеглар кўп. Бизда топшириқни бажарадиган одамлар етишмайди... Самойлога нима бўлаётганини тушунтириб бериб, унга республика Революцион ҳарбий кенгаши кўрсатмаларини қатъий туриб амалга оширишни айтинг, сўнг Гусев ҳамда унинг улфатлари билан камроқ маслаҳатлашсин.

Вацетис ҳар қалай шубҳаланди:

— Бу бевақт бошланган ҳужумни Самойло тўхтатиб қолол-¹ маса керак. Уларга Фрунзе қўмондонлик қиляпти, унда эса Мудофаа Совети олдида ҳам, Марказий Қомитет олдида ҳам бундай қарорга қарши норозилик билдириш учун ҳамма вақт далиллар топилади.

— Бу ҳақда ўйлаб кўрдим...— Троцкий пенсени стол устига ташлади.— Бир ҳафталардан сўнг... қисқаси, Самойло ўрганиб олиши билан унга Жанубий группа қўмондонлигидан Фрунзени озод қилиш тўғрисида кўрсатма беринг. У билан пачакилашганимиз ҳам етар...— Троцкий шу ерда гапидан тўхтади. Унинг миясига бирдан ниҳоят бу командармдан қутулиш фикри келиб қолди. Фрунзе қийинчилик туғиладиган бўлса тўғридан-тўғри Ленинга мурожаат қилишдан тап тортмайдиган ягона командарм эди. У бунини шунчалик усталлик билан қилардики, кейин унга сира эътироз билдириб бўлмасди. Бу фикр ярқ этиб келди-ю, сўнди. Бу фикр миясига келганини ҳатто ўзи ҳам тан олишини истамасди.

Елғиз қолган Троцкий тирноқлари текис билинар-билимас бўялган нозик бармоқлари билан столни чертиб узоқ ўтирди, аммо кўнгли ёришмади. Шарқий фронт Жанубий группаси бошлаган қарши ҳужум унинг қалбини қаттиқ тирнаган эди.

Маълум бўлишича, генерал Ханжин армияснинг ҳужумга берилиб кетган 3 ва 6-корпуслари орасига Фрунзе ниҳоятда қатъият билан қоққан пона республика Революцион ҳарбий кенгаши раисининг планларини ҳам тилка-пора қилиб юборган экан. Троцкийнинг миясига бир пайт ялт этиб келиб қолган бу план кейин пухта ишлаб чиқилиб, катта масшабли карталарга штаб мутахассислари томонидан чиройли қилиб чизиб қўйилган эди. Мазкур штаб мутахассисларини бу улкан бино кулуарларида* тўғридан-тўғри Троцкий группаси деб атардилар. Фрунзенинг қарши зарбаси бу планга сал-пал ўзгартириш киритмай, уни сиқиб чиқарди... Йўқ, қарши зарба унинг тагига етиб, илдизига болта урди!

Ана шунга Троцкий тоқат қилолмасди.

Ўз плани хавф остида қолганини у кеча ҳис этгани йўқ. Апрель ойидаёқ партия Марказий Комитети ва Мудофаа Советининг тазйиқи билан Шарқий фронтда Фрунзе қўмондонлигида Жанубий группа тузилишига рози бўлган Троцкий бекорга Қозон, Симбирск ва Самара яқинида мудофаа районларини ташкил этилишини талаб қилгани йўқ,— бу тадбир, албатта, ҳеч

* Парламент ёки театр залининг ён томонидаги зал ва коридорлари.
(Ред. изоҳи.)

кимда эътироз туғдирмасди,— лекин у фронт қўмондонлигини шундай аҳволга солиб қўйдик, бу мудофаа пунктларига қўмондонлик янги тузилаётган 5-дивизиянинг бутун артиллериясини олишга, 35-дивизия қисмларини эса уларнинг гарнизонига айлантиришга мажбур эди... Бу усталик билан фронтни ҳужум воститаларидан маҳрум этиш йўли эди.

Троцкий партия Марказий Комитети ва Мудофаа Советининг қарорларига қарамай, Лениннинг очиқдан-очиқ кўрсатмаларига қарамай, Шарқий фронт армиялари ҳаракатларига пассив тус бериш ва оқибат-натижада уларни Волганинг орқасига чекинтириш учун кўп иш қилди.

Ҳатто Жанубий группанинг дастлабки зарбаларидан сўнг қўшинларимизнинг муваффақияти равшан бўлиб қолганда ҳам, бу ютуққа у ишонмади. Бугуруслан, Бугульма, Белебейлардан нима чиқарди?! Номлари ҳам ғалати! Номигагина ғалаба! Бошқа нарса эмас! Бу районда ғалла запаслари бор деган давони ишончли деб бўлмайди. Ғалла Украинада ҳам бор, бўлганда ҳам бу ердан таққослаб бўлмайдиган даражада кўп. Шундай экан, бу майда шаҳарчалар деб унинг улугвор режасини зарба остига қўйиш керакми. Бу режа колчакчиларни Волга чизигида тўхтатиб, жуда қисқа муддатда деникинчиларни тормор этиш ва урушни кечиктирмай Ғарбга, жаҳон капитализмининг қоқ марказига кўчириш, у ерда революцион алангани ёқишдан иборат! Бу дадил иш бўлади, шунда узил-кесил ғалабага эришиш мумкин. Ўз ташвиши билан овора бўлиб қолган капиталистик мамлакатлар рус оқ гвардиячи армияларига ёрдам беришни тўхтатадилар ва четдан мадад олишдан маҳрум бўлган оқ гвардиячилар ўз-ўзидан барҳам топиб кетади. Маркснинг қалин китобларидаги эски таълимотларга ёпишиб олган жоҳилларгина буни тушуна олмайди.

Ўз хаёллари билан ҳаяжонга тушган Троцкий катта кабинетда анчадан бери у ёқдан-бу ёққа юрар, қаёқдандир қўлига тушиб қолган қоғоз қирқадиган пичоқни беихтиёр ўйнар эди. Пичоқ фил суягидан ишланган бўлиб, эскириб саргайган, тиғининг иккала томонига чиройли гул туширилган, нақшли дастаси бор эди. Дастада ёввойи ҳайвон ва қушларнинг тасвири чиройли ўйиб ишланган эди. Бу пичоқ ёзув столи учун керакли буюмдан кўра, кўпроқ қадимий ўйинчоқни эслатарди.

Рўпарадаги деворда, кабинет тўрида катта карта бор эди. У ҳар ким ҳам кўрмасин деб сурп билан ёпиб, тўрт томонидан чизимча билан маҳкамлаб боғлаб қўйилган эди. Бу ўзига хос пакетнинг пастки чап бурчагида осилиб турган чизимча учлари сургучлаб қўйилганди.

Унинг ёнидан ўтаркан, Троцкий ҳар сафар бу муҳрланган картага кўз ташлаб қўяр, тобора тикилиб қарар эди.

Бирдан Троцкий кескин бурилиб, картанинг олдига келди, бир лаҳза тўхтаб, муҳрни юлиб ташлади. Карта қийшайиб, деворга осилиб қолди. Суяк пичоқни қўлидан қўймай, чап қўли билан карта бурчагидан ушлаб қолди ва чизимчани ўзига тортиди. Бўшаб қолган чодир секин пастга тушиб, оёқлари остида букланди. Троцкий очилиб қолган картадан кўзини узмай, аста бир неча қадам тисарилди. Энди картанинг ҳамма ёғини кўриб турарди.

Бу урушни Фарбга кўчириш билан душманни тор-мор этишнинг бош планига ишланган карта эди. У бир неча ой муқаддам Троцкийнинг кўрсатмаси билан чизилганди. Бу плани амалга ошириш ҳозир ҳар қачонгига қараганда ҳақиқатдан узоқ бўлиб қолган эди. Картанинг ўзи эса умид қилиб бўлмайдиган даражада эскириб қолганди, у Троцкийга бўронда қолган йўловчига йўл кўрсаткичлари қандай азиз бўлса, шундай азиз эди.

Ҳали ҳамма нарса бой берилмаганди, Собиқ земгусар Фрунзе Жанубий группасининг ўзига ишониб бошлаган қарши ҳужумини тўхтатиб қолиш мумкин, кейин группанинг ўзини ҳам тугатса бўлади. Фронтни бирон чегарада мустаҳкамлаш керак, бунинг учун Волга айна муддао, лекин бошқа чегараларни ҳам топиш мумкин. Кейин эса дивизия ва армияларни аралаштириб, у ўз планига қайтади... Фарбда икки-учта муваффақиятли жангдан сўнг Марказий Комитет ва Мудофаа Совети бу планга рози бўлади. Ҳар хил қироатхонлар ва жоҳилларга кўрсатиб қўйиш керак. Ана шунда уларнинг кўзи очилиши мумкин... Дунёни шахс бошқаради, демократия тўғрисидаги, кўпчиликка бўйсунуш тўғрисидаги гаплар майдонга чиқаётганда кийиладиган оҳорли уст-бош ҳолос, бошқа нарса эмас.

Шу пайт Троцкийнинг миясига бирдан бошқа фикр келиб қолди: Фрунзе бошлаган қарши зарбани тўхтатиб қолиш мумкин бўлмаса-чи?! Бирдан худди ўчакишгандай Жанубий группани тузишга ёрдам берган омиллар хотирасига келиб қолди. Бу ишга тўғридан-тўғри Марказий Комитетнинг аралашуви, Шарқий фронтда операцияларнинг характери тўғрисидаги масалада Ленин билан тўқнашув эсига тушиб кетди. Фрунзенинг ўзи ҳам анойи эмас экан, ўз айтганида туриб оларкан. Мана, Гай масаласини олинг. Троцкий ўшанда шахсан ўзи ҳам, бош қўмондон орқали ҳам Биринчи армия командармининг қитиғига тегиб, Фрунзе билан ораларидаги муносабатни бузиш учун озмунча уриндимми? Охири нима бўлди? Ҳеч нарса... Фрунзе бош қўмондоннинг эътирозларига қарамай, қарши зарбага қўмондонлик қилишни Зиновьевга берди, Гайни эса ўз буйруқларига бўйсун-

нишга мажбур этди. Бошқа тўқнашувлар ҳам бўлди. Уларда Фрунзе гоҳ Марказий Комитет ёрдамда, гоҳ шахсан Лениннинг мадади билан ғолиб чиқаверди. Энди ҳам кўрилган ҳамма талбирларга қарамай, Фрунзе қандайдир йўл билан яна унинг мўлжалларини бузиб юборса-я? Шундай бўлиши ҳам мумкин.

Бу фикрга тоқат қилиб бўлмасди. Троцкий бўзара бошлаганини сезди, туюқиб кетса, шунақа бўлишини биларди. Унинг чап қўли титраб қисилиб борарди. Шу қўлида ушлаб турган суяк пичоқ қисирлаб, майда-майда бўлиб кетди. У дарғазаб бўлиб синган пичоқни отди, стол олдига келиб, сигнал кнопкасини босди.

— Картани муҳрлашсин,— деди у остонада пайдо бўлган адъютантга ва ўзи эшикка қараб йўл олди:— Машинамни тайёрланг...

Адъютант унинг орқасидан югурди. Бўм-бўш қолган кабинетдаги гиламда қадимий ўйинчоқнинг эски фил суяклари парчаси сарғайиб ётарди.

3

Жангчилар Чеган дарёсининг орқасига чекинардилар. Четроқда артиллерия гулдуради — ғичирлайдиган лафетларда тўртта тўп бор эди, ярадорларни ортган обоз ҳам ўтди. Сўнгги аравада медицина ҳамшираси уйқусираб борарди, у ёмғир ёғиши олдида ҳурпайиб олган тўрғайга ўхшарди.

Дронов араваларни кутиб, янги позицияни эгаллаган артиллериячиларни кўздан кечирди ва Уралъскка қараб чекинаётган қисмларни кутиб олиш учун кечувга кетди.

Иш чаппасига айланиб кетиши мумкин эди.

Апрель ойининг охирида муваффақиятсиз жанглардан сўнг фронтнинг бу қисмида аҳвол бир маромга тушди. Бу пайтда оқ казаклар Деркўл станцияси ва Уралъск оралиғидаги темир йўл участкасини эгаллаб, 22-дивизиянн иккига ажратиб қўйган эди, дивизиянинг бир қисми штаб бошчилигида Уралъскка чекинганди. Кичик тўқнашувларгина бўлиб турар, гоҳ у-гоҳ бу томон муваффақиятга эришарди. Лекин кўп ўтмай бу ерда ҳаммаси ўзгариб кетди.

Бугульма йўналишига илгари эътибор қилмаган колчакчи қўмондонлик ташвишланиб, Фрунзе қўшинлари зарбдор группировкасини мағлуб бўлаётган генерал Ханжин армиясидан чалғитиш, уни қутқариб қолиш учун Уралъскка казак отлиқ қисмларини ташлади.

22-дивизия иккига бўлиниб қолган бўлса ҳам, душмандан анча кучли эди, бироқ командирларнинг интизомсизлиги, мақтан-

чоқлиги ва отлиқлар билан уруша олмаслиги таъсир қилди. Тажрибали генерал Савельев бошчилигидаги оқ казаклар ўзларининг ҳаракатчанлигидан фойдаланиб, Уральскка сиқиб қўйилган дивизия қисмига тўсатдан ҳужум қилдилар, дивизиянинг Бузулук билан алоқасини узиб қўйдилар. Уральск ўровда қолди. Рақиб қўшинлари ҳалқаси қисилиб келарди. Душманни тўхтатиш керак эди.

Дарёнинг орқасида Дроповга қизил аскарлар дуч кела бошлади. Улар душмандан бекиниш учун группа бўлиб ва якка ҳолда кечувга шошилиб борардилар. Дронов отига қамчи босиб, уларнинг олдига келди:

— Қаёққа кетяпсиз? Орқага қайтинг!..

Шапкасини бостириб олган кўримсизгина бир қизил аскар Дроновнинг отига урилиб кетай деб жон-жаҳди билан қичқирди:

— Казаклар қуюндек ёпирилиб келяпти!..

Дронов узангида туриб, кучи борича чақирди:

— Қани, олдимга кел!.. Бу ёққа!.. Бу ёққа!..

У тартибсиз чекиниб бораётган жангчиларни ушлаб, дала-нинг у ёғидан-бу ёғига югурар, уларни кўприк олдига тўплар эди.

— Хўш, қани ўша казакларингиз?— бир взводча жангчилар тўплангач, жаҳл билан улардан суриштира бошлади.— Улар бу ерда бўлганда, сенларни аллақачон қийма-қийма қилиб ташларди. Отлиқлардан қочиб қутулиб бўладими! Отлиқлардан фақат битта нарса — милтиқ билан қутулиб қолиш мумкин.

Дронов командир тайинлаб, нардан-бери тузилган қисмни сафлаб кўприкнинг орқасига олиб борди ва кечувни ҳамда шу яқинда ўт очиш позициясини эгаллаган артиллерияни ҳимоя қилиб туриш учун окоп қозишни буюрди. Ваҳима йўқолди.

Кичик ўрмондан ўнгроқда кучли милтиқ-пулемёт отишмаси эшитилди. Дронов ўша ёққа йўл олди. Кўп ўтмай ўқлар унга етиб кела бошлади. Дронов кичкина жарликка тушиб, душман ҳужум қилган пайтда полкнинг чап қанотидаги бутазорда окоп қазиган рота олдига келди.

— Чатоқ, ўртоқ комиссар,— деди унга рота командири.— Тўртинчи ҳужумни қайтаряпмиз. Казаклар қутуриб ёпирилиб келяпти.

— Дивизия бошлиғини кўрмадингизми?

— Яқинда шу ерда эди. Бақириб, ўннга бурилиб кетди... Бу билан иш чиқармиди. Қанотлар тўсилмаган-ку. Казаклар бизнинг орқа томонимизга бемалол ўтиб олади.

«Ҳақиқатан ҳам!— ўйлади Дронов Уральскни мудофаа қилиб турган қўшинларнинг жойлашишида уни нима ташвишлантираётганини у энди тушунди.— Казаклар бу ерда ўз уйларида.

Улар ҳар бир тепалик, ҳар бир жарликни жуда яхши биладилар. Бу тўсиқли айланиб ўтиш уларга чўтмиди?»

— Қанотимизни дарё лабига кўчирсак бўларди,— деди рота командир.— Ушанда орқа томондан хавотир олмасдик.

— Хўш, дивизия бошлиғи буни тушунмайдими?

— Унга айтдим...

— У нима деди?

— Уришиб берди. Қаерга қўйган бўлсак, ўша ерда уришингиз керак, командани эса мен бераман, деди.

Ҳа, бу Сапожковга ўхшарди. Утакетган даражада нафсониятди, Чапаев шуҳратидан пинҳона жиғибийрон бўлиб юрадиган 22-дивизия бошлиғи бировдан, айниқса қўл остидагилардан маслаҳат эшитишга тоқати йўқ эди, ўзининг айтганини қилиш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Шу ваздан Дронов у билан айтишиб қолганди. У аралашмасам бўлмайди, деб ўйлаб, марказга қараб йўл олди. У ёқда, отишмага қараганда жиддий жанг бошланиб кетган эди.

Дронов Фрунзе Уральскдан жўнаб кетган куннинг эртасига ёқ Сапожков билан айтишиб қолган эди. Михаил Васильевични кузатиб қўйгач, дивизия бошлиғини штабда икки соат беҳуда кутган Дронов унинг уйига борди. Овқат солинган тарелкалар ва ароқ шишаси турган стол атрофида озроқ, лекин жуда чақчақлашиб ўтирган улфатлар бор эди.

— Э, комиссар!— Сапожков у билан ҳатто ўрнидан турмай саломлашди. Сапожков обдан ичган бўлса ҳам, лекин оёқда турарди.— Бу ёққа кел, ўтир... Булар ҳаммаси менинг жанговар дўстларим. Биринчи кундан шулар билан биргаман. Таниш, комиссар.

Дронов бир-бир қараб чиқди. Бу ерда бригада командирлари бор эди. Уларни таниб олганди, бошқаларни биринчи кўриши эди. Лекин штаб бошлиғи ҳам, штаб раҳбар ходимларидан ҳам ҳеч ким йўқ эди. Чамаси, дивизия бошлиғининг «улфатлари», унинг суянган одамлари тўпланган эди. Шу ерда, стол атрофида Сапожковнинг хабарчиси ва оғайниси Ларька уймалашиб юрарди. У юзи бўғирсоқдек дум-думалоқ, мўйлови мўғулларникига ўхшаш сийрақ, айёр кўзлари кичик, ўттиз ёшлардагн казак эди.

— Ўтир, комиссар,— давом этди Сапожков чой стаканига ароқдан қуяркан.— Мана буни ич-да, жанговар ўртоқлигингни исбот қил.

— Бундай исботлаш ҳам иш бўптими,— кулди Дронов.— Шчапово яқинида анча қийин бўлган эди.

Дивизия бошлиғи қовоғини солди. Муваффақиятсиз ҳужум тўғрисида эслатгани унинг гашини келтирди.

— Ҳадеб бўлавермайди, комиссар. Мана сен энди ичаётган

бўлсанг, биз анча олиб қўйдик... Қани, ич ёки сен оғзинга олмай-диганларданмисан? Унақаларни ёқтирмаймэн. Улардан ҳеч қандай маъни чиқмайди.

Бу сафсатабозликка барҳам бериш керак эди. Дронов ўрнидан турди.

— Йўқ, нега энди, иложи бўлиб қолса. Ҳозир ичишга қандай баҳона бор? Кун энди бошланаётган бўлса... Бўшасанг штабга кел, дивизия бошлиғи. Гап бор.

Дроновнинг орқасидан хўмрайиб қараб қолишди.

У бир ўзи бундай бебошликка барҳам беролмаслигини тушунарди. Айниқса уни Сапожковнинг «улфатлари» ташвишлантирарди. Шубҳасиз, уларнинг ҳам ўз улфатлари бор. Ҳаммаси қўшилиб катта куч бўлади. Шуниси чатоқ эдики, бу куч ёш Қизил Армиянинг мустақамланиб бораётган интизомга жуда қийинчилик билан бўйин бераётган эди.

Иваново-Вознесенск полкининг чаласи Уралъскда тузиб бўлинганидан фойдаланган Дронов бу полк ёрдамида шаҳарда тартиб ўрнатди, бемаъни отишмаларга қатъий барҳам берди. Кейин, Фрунзедан бир неча сиёсий ходим ва ивановолик тўқимачилардан чиққан йигирмага яқин жангчини сўраб олиб, революцион трибунал ва махсус бўлимни қайтадан тузди, адашиб кириб қолган одамларни бу ташкилотлардан таг-томири билан йўқ қилиб, кичик бўлса ҳам ишончли отрядни вужудга келтирди. Бу отряд мазкур ташкилотлар нормал ишлаши учун имконият яратишга лаёқатли эди. Бригада ва полкларга бориб кўриниш берди, ўқтин-ўқтин штабга бориб турди. Дивизия бошлиғи билан у анча босиқлик билан муомала қила бошлади, баъзан жанжаллар ҳам бўлиб қоларди, лекин қаттиқ кетилмасди. Зарбдор группа қўшинлари генерал Ханжин армиясини савалаб турган пайтда Уралъскни қандай бўлмасин сақлаб қолиш кераклигини Дронов ҳеч эсидан чиқармасди, шунга яраша иш ҳам қиларди. Сапожков эса энди ҳаммадан зўр эмаслигини ҳис этиб қолди. Комиссар билан, ихлоси қайтаётган бўлинмалардаги аскарларнинг кайфияти билан ҳисоблашишга тўғри келаётган эди. Ҳатто, «улфатлари» ҳам махсус бўлим ва трибуналдан чўчиб, уни энди унчалик қўллаб-қувватламасди. Сапожков аччиғланар, ўзини тугиб туролмас, аммо ҳеч нарса қилолмас эди.

...Марказда қасира-қусур кучайиб борарди. Дронов от устида туриб казак қисмларининг жардан отилиб чиқиб, қиличларини ўйнатганича ҳай-ҳайлаб қизил аскарлар устига қуюндек ёпирилиб келаётганини кўрди. Дронов жиловни силтаб қизил аскарлар томон отилди. Аммо шу вақт қанотдан пулемётлар ўққа тутди, шундан кейин казаклар орқасига қайтди. Кўп ўтмай ўнг томондан ҳужум бошланди.

«Бу ердагилар бұш келмаяпти,— ұйлаб қўйди Дронов.— Жанг қилишни ўрганиб қолишяпти...»

Ногаҳон ҳозиргина у бориб келган сўл қанотда ғалати бир парса бўлди. У ерда жанг бошлангани аниқ эди, лекин негадир бизнинг фронт чизигимиз ичкарасида эди. Буни, чамаси, сафдаги жангчилар ҳам сезиб қолди. Командирлар борган сайин тез-тез орқаларига қараб, қулоқ солардилар. Улардан кейин қизил аскарлар ҳам қарай бошлади. Шундан сўнг душманни таранг пружинадек қайтариб турган фронт чизиги бирдан қимирлаб, у ёқ-қа-бу ёққа эгила бошлади ва бир вақтнинг ўзида бир неча жойдан дарз кетиб, бўлак-бўлак бўлиб қолди. Фронт бўйлаб:

— Ёриб ўтишди!— деган гап ёйилди.

Шундан сўнг бўлган воқеалар Дроновнинг тасавурида даҳшатли тушга ўхшарди. Жангчилар эс-ҳушини йўқотиб, босиб келётган хавфдан қандай бўлмасин узоқроқ кетиш учун ўнг-сўлга қарамай, ҳеч нарсани ўйламай қочардилар. Командирлар уларни тўхтатишга, ҳушига келтиришга беҳуда уринардилар. Жангчилар ҳеч нарсани эшитмас, ҳеч нарсани кўрмас эдилар. Даҳшатдан кўзлари бақрайиб, худди арзимас тасодикий тўсиқ-тўнками ё симёгочними айланиб ўтгандек командирларининг у ёғидан ҳам, бу ёғидан ҳам ўтиб қочар ва кечувга, ҳалокат ёқасига интилар эдилар.

Аскарлар беҳад ваҳимага тушиб чекинаётганда Дронов қаршисида Сапожковнинг гавдаси намоён бўлди. Унинг ёнида хабарчи Ларька бор эди. Тугоқиб кетган дивизия бошлиги оёғи кўйган товуқдай у ёқдан-бу ёққа югурарди, сўкинарди, қамчи ўйнатарди. Лекин жангчилар тасодикий тўсиққа дуч келгандай унинг ёнидан ҳам ўтиб кетишарди.

— Чекиниш керак!— Дронов ёнгинасида дивизия бошлигининг бўғиқ овозини эшитди. У ўнгга кўз қирини ташлади. Сапожковнинг юзи қизариб, терлаб кетган эди. Яхшигина ичганга ўхшарди.

— Чекиняпмиз-ку,— деди энсаси қотиб Фаддей Ефимович.— Кўрмайсанми? Мана ҳозир казаклар ёпирилиб келса, кўрасан томошани... Нега сўл қанот дарёга қараб чекинмади?

Сапожков жаҳл билан кўзларини қисди:

— Етказишипти-да?

Жавоб беришдан маъни йўқ эди. Дронов отини қамчилаб, кечувга елдириб кетди.

У ерда ҳаммаси тамом бўлганди. Чап қанотни ҳимоя қилиб турган рота командири ўзи таваккал қилиб бўлинмани дарёга яқин жойга олиб борган экан. Лекин айна вақтида олиб кетган экан. Казаклар одоқдан келиб, орқа томонимизга ўтиб олмоқчи бўлганда уларни залплар билан кутиб олишибди. Артиллерия

дарёнинг нариги томонидан туриб, уларга қараб ўт очибди. Душмон атакаси қайтарилибди. Аммо фронтни ваҳима босганди. Қийинчилик билан, бир амаллаб йиғилган қисмлар дарёнинг орқасига чекинди. Унчалик ваҳимага тушмаган роталар чекинаётганларни ҳимоя қилиб турди. Қазаклар шу вақтгача бу парокандаликдан фойдаланиб, чекнаётган қисмларга ҳужум қилмаганига ажабланарди киши. Лекин бундан буён ҳам шундай бўлиб туришига ишониб бўлмасди...

Қазаклар кўққисдан пайдо бўлди. Улар осон ғалаба қилишга ишониб ҳайҳайлаб кечувга ташланишди, лекин милтиқ-пулемётлардан ёғилаётган ўқларга дуч келиб, орқага қайтишди, қайта сафланиб, яна ёпирилишди.

— Обдан самогон отиб олган кўринади, аблаҳлар,— деди уларнинг орқасидан дурбинда кузатиб турган батарея командири лабини ялаб.— Ур, қочоқларни...

Тўплар гумбурлади. Шрапнеллар портлашидан осмонда паға-паға оқ булутчалар ҳосил бўлди. Аммо казаклар босиб келаверди. Ҳимоя қилиб турган роталар уларни аранг даф этаётганди.

— Уртоқ комиссар, сен отдан тушсанг бўларди,— деди батарея командири.— Фалокат оёқ остида, тагин пақиллатиб қолишмасин.

Кўприкни кузатиш билан банд бўлган Дронов индамади. Дарёдан ўтиб бўлинаётган эди. Мана ҳимоя ротаси ҳам ўтиб бўлди-ю, кўприк эса ҳалигача портлатилмаяпти. Қандайдир ишқал бўлганга ўхшайди. Қазаклар кўприкка яқинлашиб қолган эди.

— Қанн, йигитлар, казакларни бир бопланглар!— бақирди Дронов артиллериячиларга ва ўзи кечувни ҳимоя этиб турган жангчилар группаси олдига отини учуриб кетди.

Артиллериячилар тушунишди ва йўл-йўлакай кўприкни ишқол этишга ошиқаётган казак қисмларига қараб тез ўт очишди.

Дронов ҳимоя группаси олдига келиб, отдан сакраб тушди.

— Кўприк, кўприк! Уни нима учун ташлаб кетяпсизлар?

Лекин шу пайт сапёрлар энгашиб, кўприкка қараб югуриб келаётган эди.

— Тезроқ, тезроқ,— шоширди уларни Дронов. У пироксилин шашкани олиб, улар орқасидан югурди.

Сал нарида бўғирсоқдек дум-думалоқ, соқоли мўғулларникидек яккам-дуккам Ларьканинг башараси кўриниб, жангчилар орасида йўқ бўлиб қолди.

«Бу ерда нима қилиб юрибди,— хаёлидан ўтказди Дронов,— нега бир ўзи? Сапожков қаерда экан?..»

У бу ёққа югуриб келмаса ҳам бўларди: сапёрларнинг ўз-

лари уддалай оларди, бироқ у ҳар қалай тинч турмаслик, нима-дир қилиш зарурлигини ҳис этиб келганди.

Снаряд портлаб, уни улоқтириб юборди. Дронов ағдарилиб тушди. «Мана, энди...» — хаёлидан шу фикр лип этиб ўтди. Кейин худди уни кўрпа билан ўраб қўйишгандек канонада овози заиф эшитилди-да, сўнг тинди.

Қайиқ бир маромда чайқаларди. Олдин тумшуғи энгашиди, кейин қуйруғи, сўнг яна тумшуғи. Шуниси толиқтиради. Томоққа бир нарса тиқилди. Нафас олиш қийин. Қайиқнинг тепасига боғланган қандайдир сим тўрда олов ёнади. Қип-қизил чўғ тўрдан тўкилиб тўғри яланғоч баданга тегади, ниҳоятда куйдиради. Уларни сидириб ташлаш керак ё бўлмаса сурилиб нарироқ ётиш керак, аммо бу фикр бир келди-ю, уни безовта қилмай ғойиб бўлди.

Қайиқ кучлироқ чайқалади, чўғлар борган сари кўп тушади.

— Тинчланинг, сиз... тинчланинг, — эштади Дронов ва ўзича маъқуллайди: чиндан ҳам қайиқни чайқалтиришнинг нима кераги бор.

У кўзини очди. Кўк гумбазида шундоққина рўпарасида катта юлдуз қимирламай ярақлаб турарди.

«Бекор гап, — хаёлидан ўтказди Дронов, — юлдузлар албатта милтиллайди. Бу эса кўк гумбазидаги оддий тешик, холос... Ўзим ҳам шундай қила оламан».

— Ҳўш, қалайсиз?

Чеҳраси жуда ҳорғин ва хушфеъл аёл унинг тепасига энгашиди.

— Сиз қушмисиз, — жавоб бериш ўрнига сўради Дронов ва бошқача гапираётганини ўзи сезиб қолди, лекин шу заҳоти бунинг унутди. — Сизни обозда кўрувдим...

У миясида чарх ураётган аллақандай муҳим нарсани эшлашга уриниб жимиб қолди. Чуқурликда арава чайқалиб кетди, бўйини қаттиқ огриди. Дронов бақирмаслик учун тишлариниғижирлатди ва эслади:

— Кўприк! Кўприк! Қани кўприк? — у турмоқчи бўлди, лекин ҳамшира жон ҳолатда уни елкасидан ушлаб қолди.

— Ўзингизни тутинг, ўзингизни тутинг! Ҳаяжонланмаслигингиз керак. Кўприкни портлатишди... ётинг, илтимос.

Дронов ҳолсизланиб ўзини ёстиққа ташлади.

— Қаёққа кетяпмиз? — бирпас туриб секин сўради у.

— Уральскка.

Аммо бу сўз унга ҳеч қандай маънони англатмасди. Бу сўзини

у гуё биринчи бор эшитгандек эди, унинг маъносини ҳам ҳали билмасди.

У аравада ҳушсиз ётар, ҳеч нарсани парво қилмас, фақат бўйнининг қаттиқ оғриши ўқтин-ўқтин уни ўзига келтирар эди.

Арава тош йўлдаги чуқурчада чайқалиб кетгач, Дронов кўзини очди.

— Қаёққа кетяпмиз?— яна сўради у ва қайта «Уральскка» деган жавобни эшитгач, Дронов шошилиб деди:— Уни сўраётганим йўқ! Уральскнинг қаерига?

— Госпиталга,— жавоб берди ҳамшира унинг ташвишланаётганига тушунмай,— қаёққа бўларди?!

Дронов аравада тўлганарди. Қаёқдаги ишлар бўлди! Нега ҳам ўша кўприкка борди? Усиз ҳам уйдлашаётганини кўриб турувди-ку. Кўрса ҳам болаларга ўхшаб қаҳрамонлик қиламан деб чопганини қаранг. Ана энди ётиб, ҳароратингни ўлча, бинтларни ўра. Дронов иш бунақасига айланиб кетганидан ҳатто тишларини ҳам ғижирлатди.

Жанубий группа штабида Фрунзе билан сўнги учрашув вақтидаги суҳбат хотирасига ялт этиб келди. Михаил Васильевич ўшанда шундай деганди:

«Шуни ёдингизда тутинги, Фаддей Ефимович, қарши зарбанинг муваффақияти кўп жиҳатдан Уральск ва Оренбург қўлда сақланиб қоладими-йўқми, шунга боғлиқ. Оренбургдан ҳам кўра Уральскка кўпроқ боғлиқ, чунки сиз қанотни ва қўшинлар зарбдор группасининг яқин орқа томонини ҳимоя қиласиз. Агар сиз бардош беролмасангиз, оқибати жуда ёмон бўлади».

У эса энг нозик вақтда ўзини ўққа уриб ўтирипти. Энг муҳими — бефойда.

— Штабга буринг,— жаҳл билан деди Дронов,— менга бунақа қараманг, эс-ҳушим жойида!

— Ақлдан оздингизми,— ажабланди ҳамшира.— Йўқ, нима десангиз деяверинг, лекин гапингизга қулоқ солмайман. Врач нима дейди менга?!

Ҳамшира отларни қайираётган аравакашга тўсқинлик қилмоқчи эди, аммо Дронов унга ўқрайиб қаради:

— Ҳозирча мен дивизия комиссариман!

Ҳамшира ноилож кўнди.

Аравакаш отни яқин орадаги тор кўчага бурди. Ҳамшира гавдасини кўтариб, лабларини маҳкам тишлаб ўтирарди. Дроновнинг унга раҳми кела бошлади. У чўзилиб, қизнинг қўлидан ушлади, ўзига тортиб, шивирлади:

— Нега бундай қиласиз, синглим, нима, бизни казаклар чавоқлаб ташласинми?..

У яна ўйлаган гапини эмас, бошқа гапни айтди, лекин туза-тишга улгуролмай қолди.

Арава штаб олдида тўхтади.

— Энди қаёққа?— деб сўради боши қотиб ҳамшира.

Етиб келган сиёсий ходимлар Дроновни эҳтиётлик билан ушлаб, кабинетга олиб кирдилар.

— Ен хонага,— деди у тишлари орасидан оғриқдан бақриб юбормаслик учун ўзини тутиб.

Кабинет ёнида ўрин солиғлиқ хона бор эди. Бу ерда Дронов чақриб қолишларини кутиб, қанча ташвишли тунни ўтказган эди. Уни яна шу хонага ётқизишди.

Дивизия врачлари келди, пишиллаб Дроновни қараб чиқди-да, бошини чайқади.

— Бир ўлимдан қолибсан, ўртоқ комиссар. Контузия ҳақида гапираётганим йўқ. Контузиянг икки-уч кунда ўтиб кетади. Яранг ғалати. Одатда бундай жароҳатдан киши нобуд бўлиши керак, лекин ўқ қийшайиб, йўғон томирга тегмай, тери остидан ўтиб кетипти... Қизиқ... қизиқ. Нега тешиб кирган жой орқа томонда? Чекинаётганмидинглар? Йўқ? Ажабланарли... Балки, душманга орқанг билан ўгирилиб қолгандирсан? Ундай ҳам эмасми? Қизиқ...

У ярани ювди, тозалаб дори қўйди-да, пишиллаб бинт билан боғлади.

— Госпиталга борсанг, яхши бўларди, ўртоқ комиссар. Уша ер яхшироқ эди... Биламан, бормаيسان. Майли, ҳамшира қараб турар. Ўзим ҳам кириб тураман.— У яна бошини чайқаб, чиқиб кетди.

Кўп ўтмай махсус бўлим бошлиғи келди. Ҳамшира чиқиб кетди. У ҳамширанинг кетидан қараб қўйди-ю, сўнг сўради:

— Докторни ҳозир учратдим. Орқангдан отишгани тўғрими?

— Шунақага ўхшайди.

— Ҳа-а... Ҳеч нарсани пайқаганинг йўқми?

— Асло. Олатасирда нимани ҳам пайқашинг мумкин?

— Ҳар нарса бўлиши мумкин. Эҳтимол, биронта ярамас отгандир.

— Йўқ.— Дронов оғриқдан юзини буриштирди ва бирдан эслади:— Кўприкка чошиб бораётганимда Ларькани кўрувдим. Лекин у бир кўринди-ю, жангчилар орасида йўқ бўлиб кетди.

— Дивизия бошлиғи-чи?

— Дивизия бошлиғи кечувда йўқ эди.

— Қизиқ... Жангда Ларька дивизия бошлиғидан беш қадам нарида юрганини ҳеч қачон кўрмаганман. Жуда учар, айёр, бунақаси топилмайди, лекин ўлгудек Сапожковга садоқатли.

— Балки уни Сапожков бирон юмуш билан юборгандир...

— Йўқ. Дивизия бошлиғи юбораман деса ҳамма вақт одам топиладди.—Махсус бўлим бошлиғи бармоқлари билан столчани уриб қўйди.— Хайр, майли, кетдим... Олдингга икки йигитимни юбораман.

— Уларни юбориб нима қиласан?

— Зерикиб қолмагин дейман-да. Бирини у ёққа-бу ёққа юбориб турарсан, иккинчиси доим шу ерда бўлади.

— Ҳазилингни қўй.

— Ҳазиллашиб нима қиламан. Бизда кимлардир ҳазил қилиб, комиссарларга орқасидан ўқ узяпти... Йигитлар бу ерда бўлса, мен ҳам хотиржамроқ бўламан. Йигитларим тушунади-ганлардан, ишни билишади, бошлиқлардан ҳам чўчишмайди.

... Сиёсий бўлим флигели* жимжит эди. Махсус бўлимнинг икки ходими дивизия комиссари кабинетини эгаллашди. Улардан бири, баланд бўйли, қотмадан келган, малла сочи фураж-каси остидан диккайиб чиқиб тургани муқоваси клёнкали қалин дафтарга ниманидир ёзарди. Яғриндор, ёноқ суяклари туртиб чиққан, юзи япалоқ, кўзи қийиқроқ иккинчиси кун бўйи юравериб, худо билсин, бу ерга қаёқдандир келиб қолган юмшоқ чарм креслони ёқтириб, энди унда ҳузур қилиб дам олиб ўтирарди. Унинг қўлида муқоваси кўчиб кетган китобча бор эди. Лекин у китобчани деярли ўқимаётганди. Ҳамшира қизни дам олгин, деб чиқариб юборишди. У қўшни хонадаги диванга ётди-да, дарров ухлаб қолди.

Дронов ёндагн хонада кўзларини юмиб ётарди. Лекин у ухламаганди. Уни қимирлашга қўймаётган бўйнидаги оғриқ, миясига ўрнашиб олган фикрлар халақит бераётганди. Уральскака сўнгги ёрдам етиб келгандан буён бу фикрлар уни тинч қўймасди. Уқ-дори ортган обоз билан минг кишилик отрядни Михаил Васильевич юборган эди. Бу отряд комиссари иваново-вознесенсклик партия ходимларидан эди. Дронов уни кўпдан бери биларди.

Комиссар фронт штабида штаб бошлиғини, бир неча кундан кейин эса қўмондонни ҳам ўзгартиришганини айтиб берди. Янги фронт қўмондони Самойло дарҳол ўзини шундай тута бошлади-ки, гуё Жанубий группа Революцион ҳарбий кенгаши умуман йўқдек эди. Самойло Фрунзени бу ёқда қолдириб, қўшинларга ўзи раҳбарлик қила бошлади, бутун қарши зарбани ҳал этаётган Бешинчи армияни ундан тортиб олди ва Жанубий группани тугатишга киришди.

— Михаил Васильевични бутунлай четлатиб қўйишмоқчига

* Уй ёнига қурилган бичо. (Тарж. изоҳи.)

Ўхшайди,— деди отряд комиссари.— Самойло шу мақсадда Симбирскка келган бўлиши керак.

Бу сира кутилмаган гап эди, шунинг учун Дронов дарров ишона қолмади.

— Ишқилиб ёлгон гапирмаяпсанми?— деди у ўз саволининг бемаънилигини ўзи тушуниб турса ҳам.

— Бунақа ёлгон учун махсус бўлимда отиб ташлашади-я,— жавоб берди комиссар.

Дронов соқолини ўйнаб, хаёлига келган гапни айтди:

— Бу кимга керак экан?

Комиссар елкасини қисиб:

— Демак, кимгадир керак бўлибди-да!..— деди.— Мен ўзим ҳам чала-чулпа биламан..— У туриб, хонада юра бошлади ва хайрлашаётиб деди:— Никита Игнатъевич сенга салом айтувди. Жуда ҳурмат қиламан уни деди.

Комиссар келтирган хабар Дроновни донг қолдирди. У Троцкийнинг Фрунзени ёқтирмаслигини биларди. Унинг Шарқий фронт қўшинларини мудофаага ўтказишга уринганлигидан ҳам хабардор эди, лекин бу ишлар энди ўтиб кетди, деб юрарди. Қарши ҳужум бошланган, энди уни ғалаба билан тугаллаш керак, деб ҳисобларди. Бунни қарангки, у адашган экан.

Бу шундай тушуниб бўлмайдиган, шундай ташвишли хабар эдики, Дронов тинчлигини йўқотди. У қаерда бўлмасин, нима иш қилмасин, қаршисида: «Бу нимаси? Бу кимга керак экан? Нима сабабдан?»— каби саволлар кўндаланг бўлиб турарди. Ҳозир ҳам у ён томондаги хонада ётаркан, штаб биносидаги ғалати югур-югурларга қулоқ солиб шуни ўйларди.

У ерда кираверишдаги эшик бўлар-бўлмасга очилиб-ёпилар, қандайдир одамлар пошналари билан зинани тарақлатиб чопиб туришар, отларга миниб, қоронғида қаёққадир кетишар ёки отни елдириб, штабга келишар, шошилиб зинадан кўтарилишарди-да, бинога кириб кетишарди.

«У ёқда нима бўляпти ўзи?»

Бу саволга кутилмаганда жавоб олди.

Соат ўн бирларга яқин Дроновнинг олдига Сапожков кириб келди. У ҳовлиқиб, қизариб кетган эди. Кабинет эшигини катта очиб, махсус бўлим ходимларига бир хўмрайиб қаради ва ён хонага бош суқди.

— Бу ёққа жойлашиб олибсан-да! Демак, биринчи жангга киришинг билан табриклаймиз, комиссар...

Дронов эса:

— Кечикиб табрикляяпсан, дивизия бошлиғи,— деди.— Мен аввал ҳам жанг кўрганман. Бешинчи йилдаёқ казаклар уриниб кўришган эди.

— Йўғ-э? Бундан чиқди, ўшанда ҳам, ҳозир ҳам казаклар,— қаҳ-қаҳ урди Сапожков.— Уларга ёқиб қолган экансан-да.

— Эҳтимол, шундайдир,— шошилмай жавоб қилди Дронов.— Нима қилиб юрибсан?

— Гаплашпб олиш керак...— Сапожков махсус бўлим ходимларига кўз қирини ташлаб қўйди, лекин улар пинакларини бузмай ўз ишларини қилаверишди. Бири китоб ўқирди, иккинчиси пастки лабини қимтиганча ёзарди.

— Яхши, гаплашиш керак бўлса — гапир.

Сапожков махсус бўлим ходимларига яна бир кўз қирини ташлади-ю, чамаси, уларни бу ердан чиқариб юбориб бўлмаслигини тушунди.

— Кетиш керак, комиссар! Уральскни биз барибир қўлда сақлаб қололмаймиз, бекорга одамларни қийнаймиз. Радио орқали шифровка билан Самарага хабар юборамиз ва шу бугун кечасиёқ Бузулукка чекинамиз. Мен ҳамма нарсани тайёрлаб қўйдим... Радиogramмага имзо чексанг бўлди.

Штабда бўлаётган югур-югурнинг сабаби энди маълум бўлган эди. Бу азаматларнинг асаблари бардош беролмапти. Ҳа, стол теварагидаги мақтаниш бошқача эди.

— Бу ўйинг чакки эмас, Сапожков. Албатта, Бузулукда Уттиз биринчи ва йигирма бешинчи Чапаев дивизияси ҳимоясида биз хотиржамроқ бўламиз. Лекин бир нарсани тушунмаяпман: Фрунзенинг розилигини олмай туриб, қанақасига душманга Уральскни топшириб кетмоқчисан?

— Ниманиям кутардик? Казаклар бу ёққа бостириб келишиними?

— Сен қўшинларингни чекинишга шайлаб қўйган бўлсанг, улар бостириб келиши ҳеч гап эмас.

Сапожков қизишди:

— Тушунсанг-чи, комиссар, биз бу лаънати Уральскни энди ортиқ сақлаб қололмаймиз.

— Сақлаб қолишимиз керак...

— Мен сақлаб қололмаймиз, деб айтяпман.

Энди Дронов қизишди:

— Менга қара, Йигирма иккинчи дивизия бошлиғи, ўзингни четга олма. Чекинмайсан...

— Қўрқитяпсанми?— Сапожков тутоқиб, Дроновга қараб юрди.— Қўрқитяпсанми...

Махсус бўлимнинг юшоқ креслода мириқиб дам олиб ўтирган жуссадор ходими бир зумда дивизия бошлиғининг орқасида пайдо бўлди.

— Огоҳлантираман, Сапожков,— деди Дронов.— Огоҳлантираман ҳамда маслаҳат бераман: Фрунзенинг розилигини ол.

— Сен имзо чекасанми? Шундай деб ёзсам, имзо чекасанми?

Дронов ҳорғинлик билан кўзини юмди.

— Йўқ, Сапожков. Мен бемаъни нарсаларни сўрамайман. Михаил Васильевич мени тўртинчи йилдаёқ шунга ўргатган. У буни билади.

— Э, ҳаммаларингни ҳам...— Сапожков шаллақилик билан қаттиқ сўқиниб сиёсий бўлимдан югуриб чиқиб кетди.

— Йигитлар,— дивизия бошлигининг қадам товушлари олисда тингач, секин чақирди Дронов. Иккала ходим бир зумда унинг ёнига келди.— Бу суҳбатни бошлқларингизга айтинг. У тушунади...

Жуссадор йигит муқоваси кўчган китобни чўнтагига солиб, чиқиб кетди. Новчаси эса ўзининг дафтарчаси олдига борди.

Шовқинни эшитган медицина ҳамшираси кабинетга кирди.

Дронов лабларини тишлаб, ранги оқариб ётарди, нўхатдек нўхатдек тер томчилари юзини қоплаган эди.

— Ҳамшира,— чақирди уни Дронов,— агар ҳушимдан кетсам, олдimgа ҳеч кимни қўйманг, ухлади, безовта қилиш мумкин эмас, деб айтинг... Яна ўзингиз, бирон баҳона ўйлаб топарсиз... Уйғонди дегунча ўзи чақиради, денг. Штабда мен ҳушимдан кетганлигимни билишмасин.— Унинг лаблари айб қилиб қўйгандек хиёл заҳархандалик билан бурилиб турарди.— Комиссар ҳамма вақт ҳушёр туриши керак.

— Госпиталга боришни хоҳламайсизми?

Дронов анчагача индамади. Унинг сийрак соқоли титраб, осилиб турарди.

— Бу ердан ҳеч қаяёққа кетмайман,— деди у кўзларини ҳорғин юмиб.— Агар олиб чиқиб кетишмаса...

Ярим кечада сиёсий бўлимга махсус бўлим бошлиғи кириб келди, у чарчаганлигидан оёғида зўрға турарди.

— Ухлаяптими?— шивирлаб сўради у ўз ходимларидан. Улар билмаймиз, деб елка қисишди. Лекин Дронов ухламаётган эди.

— Сизларнинг олдингизда ухлаб бўлармиди...— жавоб қилди у.— Келибсанми, киравер. Қани, сўзлаб бер.

Махсус бўлим бошлиғи хонага ўтнб, стулга ҳорғин ўтирди.

— Радиограммага Сапожков бир ўзи имзо чекиб юборди,— деди у.

— Унда нима деган экан?

— Бугун кечаси Уралъскдан чекинишга қарор қилганлигини маълум қилган.

— Сўнг-чи?

—У ёғи нима бўларди. Бир соатлардан кейин Сапожков Самарадан жавоб олди. Мана, ўқи.—Махсус бўлим бошлиғи унга радиограммати тутқазди.— Бу нусхаси, лекин аниқ нусха. Бунга мен кафил.

Дронов радиограмма бланкасини олиб, хатни узоқдан яхши ўқийдиган одамларга ўхшаб кўздан узоқ тутиб ўқий бошлади:

«22-дивизия бошлиғига. Уральска ёрдам борапти. Сўнги одам қолгунча шаҳарни ушлаб туришларингни буюраман. Уральскни ташлаб чиқиш ҳарбий бурчни бузиш деб биламан. Жанубий группа қўмондони Фрунзе».

Фаддей Ефимович ёстиққа суянди ва кўзларини юмди. Унинг юзи жилмайиб турарди.

— Арсениймизни тушуниш керак-да,— деди у.— Агар у шундай деб ёзиптими, демак, ҳеч нарсани писанд қилмапти... Майли, булар шунчаки гап... Сенингча қандай, Сапожков Уральскдан чиқиб кетмасмикин?

— Бир ўзими?

— Нега бир ўзи, қўшинлари билан-да.

— Қўшинлар кетмайди. Бу ерда сиёсий бўлим бошлиғи ўз партиявий ходимлари билан ҳаракат қилди... Ҳозир соқчиларни айланиб чиқди. Йигитлар жуда ҳушёр, ҳеч қандай қўрқув деган нарса йўқ уларда.

— Сапожков-чи? Бирон ёққа жуфтагини ростлаб қолмасми-кан?

— Кетолмайди. Бир ўзи қолди.

— Бун қандай тушуниш керак?

— Шундай-да. Унинг Ларькаси менинг олдимда ўтирипти. Похол ғарамида бир қизчани босмоқчи бўлган экан, йигитларим шу заҳоти уни ушлаб олишпти. Билдирмасдан олиб келишган, Сапожков ҳам содиқ Ларькаси қаерда дайдиб юрганини билмайди.

— Тузукроқ тушунтириб берсанг-чи,— деди Дронов.— Ичимдагини топларни ёқтирмайман.

— Яна нимани ҳам айтмай? Ҳозир менинг икки одамим Сапожковда чопарлик қиляпти. Улардан ҳеч қаёққа қочиб қутула олмайди. Ҳар эҳтимолга қарши ўз ротамни ва Фрунзедан келган отрядни жанговар ҳолга келтириб қўйдим. Бу қарийб саккиз юз жангчи деган сўз. Бинобарин, дивизия бошлиғимиз ҳеч ёққа кетолмайди.

Дронов кундалик ташвишлардан ўзини шундай енгил ҳис этдики, анчадан буён бундай ҳолга тушмаган эди, кейин дабдурустдан:

— Биласанми, Пашка,— деди ўзининг эски таниши, оғайни-

дек бўлиб кетган одамга биринчи бор номини атаб.— Қани, туёғингни шиқиллат. Ярадор одамни тинч қўй.

Махсус бўлим бошлиғи индамай ўрнидан туриб, оёқ учида хонадан чиқди ва ўз ходимларига кўрсаткич бармоғи билан пўписа қилиб, эшикни ёпди.

4

Шу кунларда Михаил Васильевичга жуда қийин бўлди, шундай қийин бўлдики, баъзан нима қилишини: Волгага қараб авантюристик ҳужум бошлаган, ҳозир ҳам жанг қилишга лаёқатли бўлган генерал Ханжин армиясини тор-мор қилишними ёки аралаш-қуралаш бўлиб кетган интригалар, гижгижлаш ва очиқ игвогарликларни фош этишними—билмай қоларди. Бу игвогарликларни тарихий шароит тақозоси билан республика Революцион ҳарбий кенгаши раиси бўлиб олган Троцкий рағбатлантириб турарди.

Бугульма ҳали олинмаганди. Жанубий группа қўшинлари душманни қисиб, улоқтириб, шаҳарга яқинлашиб келаётганди холос. Ҳатто муваффақиятлар ҳам қувонтирмасди. Бу муваффақиятлар территорияни ишгол этишдан бошқа нарса бераётгани йўқ эди. Каменев ўрнига бўлган янги фронт қўмондони мантиққа хилоф равишда ақл бовар қилмайдиган ўжарлик билан қисмлар кетидан қисмларни шимолга бура бошлади, кўпинча бу ишни Фрунзегга айтмай қилди. Генерал Гайда қисиб келаётган Иккинчи ва Учинчи армияларга ёрдам бериш зарурати баҳонасида ана шундай қилинарди.

Фрунзе фронт қўмондонига тушунтириш учун беҳуда уринди, ҳозирги юз берган вазиятда Бешинчи армияни шимолга, Меңзелинск йўналишига бургандан кўра, Белебейдан Уфага, колчакчи армияларнинг қанотига қараб зарба бериш, уларнинг коммуникацияларига чиқиб олиш афзалроқ бўлади, деб тушунтирганидан натижа чиқмади. Шундай қилинганда Гайда армияси ўз-ўзидан орқага қараб кетарди. У бизнинг Иккинчи ва Учинчи армияларимизни ташлаб кетишга мажбур бўларди. Самойло айтганида туриб олди. У бош қўмондонга Жанубий группани тарқатиш бўйича ўз панини маълум ҳам қилди. Бешинчи армияни шимолга буриш бу пландаги асосий пунктлардан бири эди. Мазкур план бўйича Михаил Васильевични Тўртинчи армия қўмондонлигига қайтариш мўлжалланган эди.

Фрунзе билганидек, Жанубий группанинг асосий кучлари кескин шимолга бурилганлигини душман пайқаб қолди. Колчак ставкасида енгил нафас олишди — қизилларнинг генерал Ханжин армияларининг орқа томонига ўтиш хавфи йўқ бўлди —

шундан кейин ўз қўшинларини Белебейга жадал чекинтира бошладилар.

Оқлар зарбадан осонгина қутулиб кетаётганлигини пайқанган Чапаев ҳатто тишларини ғижирлатиб қўйди. У бундай ҳолга чидаб туролмасдн.

— Нима бўляпти ўзи?— ўзини тутиб туролмай дағдаға билан сўради у Фурмановдан.— Нима бўляпти, деб сўраяпман? Оқлар билан биз жанг қиляпмизми ўзи ёки ўйнашиб ўтирибмизми?

— Эҳтимол, фронт қўмондонининг қандайдир бошқа муҳим мулоҳазалари бордир,— мужмаллпк билан жавоб қилди у. Фронгда юз бераётган воқеалар шунчалик чалкаш эдики, Дмитрий Андреевичнинг ўзи ҳам ўйлаб ўйига етолмасди.

— Муҳим мулоҳазалар?— жаҳл билан кўзини қисди Чапаев.— Муҳим? Биламан бунақа муҳимларни. Ун бешинчи йилдаёқ Мазур ботқоқликлариди меъдамга теккан. У ерда ҳам шунақа муҳим мулоҳазалар бўлган эди... Хиёнат! Мана нима бу!.. Революцияга хиёнат... Шошма, гапимни бўлма,— қандайдир эътироз билдирмоқчи бўлган Фурмановни тўхтатди у.— Гаприб бўлай.

Чапаев дала сумкасидан шартта карта олиб, стол устига ёйиб қўйди.

— Мана, қара, вазият қанақа...— У қўли билан картани кўрсатди...— Бизни генерал Гайда армиясига қарши Шимолга буришти. Шундайми? Биз революциянинг содиқ солдатлари сифатида бу буйруқни бажариб, Мензелинскага қараб кетяпмиз. Биз билан Жанубий группадаги бошқа қисмларнинг шарқий қанотида саксон чақирим келадиган оралиқ ҳосил бўлади. Бу оралиқни ҳеч ким қўриқлаётгани йўқ. Буни ҳисобга ол. Бу вақт ичида генерал Ханжин армияси худди параддагидек хотиржам Белебейга қараб чекинади, қайта сафланиб олади, сўнг у шу оралиққа кириб, бизни шундай сурадики, биз артиллерия ва обозларимизни ташлаб, қочгани жой тополмай қоламиз, агар Волганинг орқасига ўтиб тўхтасак майлийди-я...— Чапаевнинг овози қаттиқ тортилган тор овозидек жаранглаб эшитиларди.— Қани энди айт-чи менга, ўртоқ комиссар: нима бу, хиёнат эмасми?

Улар узоқ вақт жим қолишди. Чапаев пастки лабини қимтиб, картага синчиклаб қарар, унда циркуль билан нималарнидир ўлчар эди. Фурманов диққат бўлиб ўйларди. Дивизия бошлиғининг даъволари ўринли эди, эҳтимол, иккалови ҳам нимадандир беҳабар қолишгандир? Албатта, армияда ҳар доим сотқин чиқиб қолиши мумкин. Авилоннинг иши бунга яхши далил

бўла олади. Лекин бу фронт буйруғи-ку. У ерда қўмондон бор, Революцион ҳарбий кенгаш бор... Бу қанақаси?

— Менга қара, Василий Иванович,— секин гап бошлади у.— Сен, хоинлик деяпсан. Айтишга осон, лекин, хўш, унда ким хоин бўлиши мумкин?

— Хоинлар уерда истаганча топилади,— жавоб қилди Чапаев картадан кўзини узмай.

— У еринг қаер? Фронт штабидами?

— Шундай бўлса ҳам ажаб эмас. Генералларни ўтқазиб қўйишди, мана энди улар ўз биродарларини савалашаётганини кўриб, чидай олмаяптилар. Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди-да.

— Хўш, Фрунзе-чи?

— Фрунзегга нима қилипти?— деди бошини кўтариб Чапаев.

— У ҳам хоинми?

Чапаев тарақ этиб циркулини картага ташлади.

— Сен Михаил Васильевичга тил тегизма.. Михаил Васильевич айтса, Гайда у ёқда турсин, Колчакнинг ўзини бошини олиш учун иккиланмай тўғри Омскка борардим.

— Нима, сенингча, бизда фронтда нима бўлаётганини укўрмаяптими?

Чапаев бир лаҳза чуқур ўйга толди. Ҳатто унинг қошлари туташиб кетди. Ниҳоят унинг чеҳраси ёришди. У керилиб Фурмановга қаради.

— Буйруқ остида Фрунзенинг имзоси йўқ-ку. Фронт штаби уни четлаб буйруқ берган. Бу, айтайлик, Тухачевский мени четлаб, Кутяковга буйруқ бергандек гап. Иван бундай буйруқни бажаришга ҳаракат қилиб кўрармиди. Унда мен терисини шилиб, чилдирма қилворардим.

Эътироз билдириб бўлмасди. Фурмановнинг боши ҳам зилдек эди. Бугун у қирқ чақиримча отда юриб, жуда чарчаганди.

Чапаев жавоб ҳам кутмаётган эди, охирги далилим билан ниҳоят ўз комиссаримни донг қолдирдим, деб ишонганда камдан-кам шундай ҳузур қиларди. Картага яқинроқ ўтириб, у ниманидир циркуль билан ўлчар, ниманидир ҳисоб қилар эди...

Ўз хаёллари билан банд бўлган Фурманов Чапаев пастки лабини қимтиб, бошини ёнига хиёл энгаштирганича ниманидир ёзаётганини кўрмади, Василий Иванович ичкарима-ичкари хонанинг наригисига, штаб ходимлари ва алоқачилар жойлашган хонага ўтиб, у ёқдан анча вақтгача қайтмаганлигига ҳам эътибор қилмади.

Унинг хаёллари ғамгин эди: «Зарбдор группировкани шимолга буриш нима учун керак бўлиб қолди? Фронт штабида

душман ўз қўшинларини зарбадан олиб қочаётгани, улар тор-мор бўлишдан қутулиб қолаётганини ҳақиқатан ҳам кўрмасликлари мумкин эмас-ку!..»

Ногаҳон унинг кўнгли нимагадир ғаш бўлди-ю, бошини кўтарди.

Эшикда Чапаев турарди, бу сафар у одатдагидек, кундагидек эмасди, худди жангга кирадигандек шай эди.

— Гап бор, Дмитрий Андреевич,— деди Чапаев.— Буйруққа қўл қўйиш керак. Дивизияни шимоли-шарққа бураминз. Етар қўл қовуштириб ўтириш...

Фурманов ажабланганидан кўзлари косасидан чиқиб кетай деди.

— Қаёққа, қаёққа?

— Шимоли-шарққа, оқларнинг Белебейга чекиниш йўлини кесиб қўйишга.

Фурманов ўзига келмасданоқ Чапаев шошилмай, дона-дона қилиб ўқий бошлади. Бу Чапаевнинг одатдагидек қисқа, аниқ ва яхши ўйлаб тузилган буйруғи эди. Буйруқда кўрсатилгандек зарба йўналишини ўз ҳолича ўзгартирилмаганда, буйруққа дарҳол имзо чекса бўларди.

«Синаш вақти мана энди келди!»— деган фикр хаёлидан ўтди Фурмановнинг.

Бу шубҳасиз талантили, лекии шундай бебош, тиниб-тинчимас командир билан ишлаб кетиш ва унинг олдида обрўга эга бўлиш учун Фурманов озмунча куч ва вақт сарфладими.

Ҳозир эса таваккал қилишдан бошқа илож йўқ эди. Буйруққа имзо чекишдан бош тортса борми, ҳамма меҳнатлари зое кетади. Фурманов Чапаев нафрат билан разм солишини ва... нима бўлса ҳам буйруққа бир ўзи имзо чекишини кўз олдига келтириб, ҳатто жунжикиб кетди. Энг ёмони шуки, у ичида бутунлай Чапаев томонда эди. Душман ўз қўшинларини олиб кетишига йўл қўймаслик керак эди. Душман армияси тор-мор этилмас экан, территория ва аҳоли пунктларини қўлга киритишдан ҳеч қандай фойда йўқ, беҳуда қурбонлар берилади холос.

Чапаев тоқатсизлик билан кутиб турарди. Ҳатто унинг ёноғи хиёл уча бошлади.

Фурманов кулиб, қўлини чўзди.

— Қани, ол-чи...— у буйруқни олиб тез ўқиб чиқди, пероини сиёҳга ботириб, ёйиқ имзо қўйди.— Улсанг ҳам, мардона ўл! Барибир бизни ўзбошимча дейишади,— деди у буйруқни қайтариб бераркан.

Шу куни кечаси 25-дивизиядаги яхши йўлга қўйилган алоқа системаси ишга тушиб, тонготарга яқин Чапаев полки ва бри-

гадалари шимоли-шарққа бурилиб, чекинаётган колчакчи армияларнинг йўлини тўсишга жўнади.

Орқа томонидан жуда хавфсиратган душман бу юришни пайқаб қолди. Генерал Войцеховский ўзини қутқариш учун 2-Уфа ва 3-Урол корпуслари ҳаракатини бирлаштириб, қарши зарба уюштирди, бундан мақсад коммуникацияларини мўлжаллаётган Чапаев дивизиясини улоқтириб ташлаш эди.

Қақшатқич қонли жанглар бошланди. Биринчи куннёқ Татар Қандизи олдида чапаевчилар Ижевск бригадасини бутунлай яқсон этдилар. Бу бригада душманнинг Ғарбий армияси ичида энг яхшиларидан бири эди. Иккинчи кун кечга яқин эса, Секлетерка қишлоғида 4-Уфа дивизияси тор-мор қилинди. Бу дивизияга генерал Войцеховский айниқса катта умид боғлаган эди.

Жанглар тугай деб қолганда дивизияга Михаил Васильевич Куйбишев билан бирга келди. Йўл-йўлакай ҳамма ерда жанг асоратлари кўриниб турарди: йиғиштирилмаган жасадлар, ташлаб кетилган аравалар, парчаланган ўқ-дори яшиқлари.

Улар Чапаевни янги команда пунктидан топишди, бу пунктга аллақачон дала телефонлари ўрнатиб қўйилган эди.

— Эшитяпсанми мени, Ивак?— бақирарди трубкага Василий Иванович.— Айт-да, эшитяпман деб. Ғўлдирайсан оғзингга толқон солиб олгандек. Хўш, сенда нима янгилик? Узоқлашиб кетишди? Узоқлашишига қараб ўтирдингми?.. Чарчадик, чарчадик эмиш... Оқлар ҳам чарчаган, лекин улар қочиб боряпти-ку. Сизлар эса уларнинг орқасидан қувиб етолмайсизми? Хўш, бўпти, ҳозирча,— деди у Фрунзе ва Куйбишевга кўзи тушиб қолиб,— Узоққа кетиб қолма, кейинроқ чақираман...

У трубкани қўйиб, кириб келганларга қараб юрди.

— Салом!

Улар саломлашишди.

— Ҳаттижаларни айтинг,— деди Фрунзе.

— Икки минг асир олинди, учта тўп қўлга туширилди. Пулемётлар ва милтиқлар ҳали аниқ ҳисоблаб чиқилгани йўқ, лекин улар жуда кўп.

Қўмондон ва Революцион ҳарбий кенгаш аъзоси бир-бирларига қараб олишди. Улар қарши ҳужум тўғрисидаги хабардан ташвишланиб, бу ёққа шошиб келишган эди. Генерал Войцеховский дивизияга қарши жуда катта куч тўплаган эди-да.

— Унда яхши десак бўлади,— деди Фрунзе.— Жуда яхши, ўртоқ дивизия бошлиғи... фақат бир нарсага тушунмаяпман: сиз қапдай қилиб бу йўналишда пайдо бўлиб қолдингиз? Узларингчами?

Чапаев пинагини бузмай жавоб берди:

— Ҳеч ҳам-да, ўртоқ қўмондон! Бу генерал Войцеховский

ўзбошимчалик қияпти: фронтизм штабининг буйругига қарамай, бизга ташланиб қолди. Истасак ҳам, истамасак ҳам уни жиловлашга мажбур бўлдик.

Фрунзе Фурмановга қаради.

— Худди шундай, ўртоқ қўмондон,— деб дадил тасдиқлади у.

Михаил Васильевич маънодор жилмайиб қўйди. Фронт штабига нима деб айтишни бу ерда келишиб қўйишган эди. Ҳар қанча суриштирганларида ҳам шу битта гапни айтишди. Суриштиришларига эса шубҳа қилмаса бўлади. Ўз обрўсини душман устидан галаба қозонишдан ҳам афзалроқ кўрадиган одамлар ҳали бор эди.

— Душман қай аҳволда?— сўради Фрунзе.

— Орқасига қарамай чекиняпти, лаънати. Ҳозиргина Кутяков хабар қилганди, унинг жангчилари ниҳоятда чарчапти. Кавалерия бўлгандами...

— Мен ўттиз биринчи армия командирига душман коммуникацияларига отлиқ бригадани ташлаш тўғрисида буйруқ бериб қўйдим. Қандай бўлмасин душманни Уфадан ажратиб қўйиш керак. Ҳозир уларни тезлаштираман.— Фрунзе столга яқин ўтириб, телеграмма ёза бошлади.— Дарҳол етказинг...

Чапаев телеграммани олди.

— Петька,— деди у Исаевга,— телеграфга бор, олдинда беришин. Тушундингми?

— Тушундим, Василь Иванович.

— Бўл.

Исаев бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Ярим минутдан сўнг узоқлашиб бораётган туёқ овози зина томондан эшитилди.

— Кетишимиз керак,— ўрнидан турди Фрунзе.— Ўттиз биринчига борамиз. Улар қандай тайёрланаётганлигини кўриш керак. Ўтган жангларда жасурлик кўрсатган ҳамма қизил аскарларга, ҳамма командирлар ва комиссарларга буйруқ билан менинг қизгин ташаккуримни етказинг, Василий Иванович.

— Эшитаман, Михаил Васильевич. Дарҳол етказаман...

— Хайр, ўртоқлар... Янги муваффақиятлар тилайман.

Автомашинада Фрунзе ён дафтарини олиб, ниманидир ҳисоблаб чиқди, сўнг шундай деди:

— Демак, Валерьян Владимирович, йигирма учинчи майдан бўён Жанубий группа қўшинлари генерал Беловнинг Жанубий армияси Тўртинчи корпусини ва Ханжин армияси Олтинчи Урол корпусини бутунлай яқсон қилдилар, ўша Ханжиннинг Иккинчи Уфа ва Учунчи Урол корпусларига қаттиқ зарба бердилар. Сенга айтсам, натижа унчалик эмас. Иккинчи ва Учунчи

корпусларнинг қолдиқлари Бирскка чекинса керак, ўша ерда тўхтаб қолади ҳам. Фронт чизигига эса Каппель корпуси келади. Қисм-қисмга ажраб бўлса ҳам келади.

— Бешинчи армия бу чекинаётган қисмларнинг коммуникацияларини кесиб қўя олмайдимиз?

— Фронт қўмондонлиги халақит бермаганда-ку, бемалол бунинг уддасидан чиқарди. Умуман агар, улар камроқ аралашганда, биз Оқдарё соҳилига чиқиб олган бўлардик, у вақтда бутун Қолчак армияси барҳам топарди. Бу ҳақда гапириш ўринли эмас. Мақтаниш бўлиб қолади...— Фрунзе бирдан гапини тўхта-тиб олисга, яқинлашиб келаётган элас-элас шарпаларга қаради. Хотираснда эса бой берилган имкониятлар, асабийлаштирган талаблар, тўғри телефонда берилган ҳайфсанлар, норозилик изҳор этилгани — ҳаммаси бирма-бир жонланди-да, аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Энди унинг поён-соёнига етиб бўлмасди.

— Менга қара, Михаил Васильевич,— секин гап очди Куйбишев.— Самойло тўғрисида қандай фикрдасан?

— У ҳақда қандай фикрда ҳам бўлиш мумкин? У ким юборган бўлса, ўшаларнинг гапи билан иш қиляпти, бундан нима чиқишини яхши билмайди ҳам.

— Бунга сен қандай қарайсан?

— Ҳозирча чидаш мумкин. Балки у шароит билан танишгандан кейин, тушуниб етар...

Куйбишев шубҳа билан бош чайқади:

— Ундай бўлмаса керак... Сизларнинг саккизинчи май кечаси телефонда гаплашган гапларнингни ўқидим. Уни сенга хушомад қилгани қизиқ. Эсимдан чиқмасин деб текстан айрим жойларини ёзиб ҳам олдим. Чиройли услубни яхши кўраман...— У ён дафтарчасини олиб варақлади:— Ҳа, мана, топдим: «...душманнинг асосий кучларига қарши ҳозир курашаётган қисмларни заифлаштирмай, қўзғолонни бостиришга куч топа оласиз деб умид боғлаймиз, чунки сиз илгари ҳам кўп марта шундай қилгансиз». Яна давоми: «Ишонаманки, сизнинг бу ғайратингиз билан ўзингизга яққол кўришиб турган ҳамма камчилкларни дарҳол бартараф этиш мумкин». Қалай? У қўшинлар группасининг сеидек қўмондони борлигидан бахтли экан, деб ўйлаш мумкин... Хушомад қилиб бўлгандан кейин Самойло бирдан гап орасида шунчаки арзимас нарса тўғрисида гапиргандай Жанубий группани тарқатиб юбориш масаласи — ҳал бўлган масала дейди-я... Қизиқ, у яна қанақа қилиқ чиқараркин?

— Эртага Самарага қайтамиз-ку, ўшанда кўрамыз,— жавоб берди Фрунзе.

Жанубий группа штаби худди азахонага ўхшарди. Юқорида, штаб телеграфида аппаратлар ҳамон тикиллаб турар, шаҳар

телефонлари жпринглар, дала телефонларининг шовқини эшитилар эдп, ammo штабдаги одамлардан нидо чиқмасди. Улар шивирлаб гаплашишар, ажабланиб елка қисншар, бир-бирларига қараб қўйишарди.

Штаб Шарқий фронт қўмондонлигининг кетма-кет иккита кўрсатмасини олди. Биринчи кўрсатмада Бешинчи армия ўзига вақтинча берилган 2 ва 25- дивизиялар ва иккита бригада билан — яъни асосий кучлар — Жанубий группадан олиниб, бевосита фронт қўмондонининг қўл остига берилади, дейилганди. Бешинчи армия шу составда шартта шимолга бурилиши керак эди, шу йўл билан заифлаштирилган Жанубий группага Белебейга қараб ҳужумни давом эттириш, у ерда тўпланган Каппель корнусини тор-мор қилиш, Уральск ва Оренбургга ҳужум қилаётган душманни яқсон этиш ва Урол ҳамда Оренбург областларидаги қўзғолонни бостириш вазифаси топширилган эди.

Ҳеч нарса билан ҳисоблашмай қилинган бу иш шунчалик ақлга сиғмайдики, Федор Федорович Новицкий гангиб қолди. У Фрунзе фронтга командировкага кетган вақтда Жанубий группа қўмондони вазифасини бажариб турган эди. У кўрсатмани қайта-қайта ўқир, ўз кўзларига ишонмас эди.

— Ким экан бу ақлдан озган?— тўнғиллади у ва қулоғининг тугмачасини тортиб қўйди.

Бир неча соат ўтгач, иккинчи кўрсатма келди. У биринчисининг давомидай эди. Лекин бу кўрсатма олдида биринчиси ҳолва бўлиб қолди. Унда айтилган эдики, Бугульма районида душман тор-мор этилиб, бу операцияни шарқдан Бешинчи армия кучлари қатъий қувватлаб тургандагина Бешинчи армиянинг шимолга, генерал Гайда армиясининг қанотига ва орқа томонига зарба бериш мақсадида юриши мумкин дейилганди.

Ана энди ҳаммаси равшан бўлди. Жанглар давом этиб турган пайтда қилинган бу ишларнинг ҳаммаси Жанубий группани тарқатиб юборишни тезлатиш мақсадида бўлган экан. Бу ерда, штабда шундай деб тушуниб, Михаил Васильевичнинг фронтдан қайтишини сабрсизлик билан кутиб ўтиришарди.

Фрунзе Куйбишев билан Самарага икки кундан кейин эрталаб қайтиб келди. Федор Федорович «қандай янгилик бор?» деган саволга жавобан:

— Мана, танишиб чиқинг,— деб иккала кўрсатмани узатди.

Михаил Васильевич уларни ўқиб чиқди, сўнг Куйбишевга узатаркан, деди:

— Мана, Валерьян Владимирович, яна нима қиларкин, деган эдинг. Биз сен билан фронтни кезиб, бировларни мардлиги учун рағбатлантириб, бошқаларни койиб юрган вақтимизда

фронт қўмондони бизнинг энг жанговар қўшинларимизнинг ярмидан кўпини тортиб олипти, ҳатто бизни огоҳлантиришни ҳам эп кўрмапти... Ҳозирча танишиб тур, мен телеграфга бориб, гаплашиб келаман...

У бир соатлардан сўнг қайтиб келди ва фронт қўмондони билан суҳбат ёзилган бир даста бланкаларни индамай Қуйбишевнинг олдига қўйди. Унинг орқасидан Новицкий ҳам кириб келди.

— Нима қиламиз?— сўради Фрунзе Революцион ҳарбий кенгашнинг иккала аъзоси ёзувларни ўқиб бўлишгач.

— Билмадим,— деди жаҳл билан Новицкий.— Фақат бир нарсга равшан, бундай жанг қилиш мумкин эмас.

— Шундайку-я, Федор Федорович, лекин жаҳл қилиш кимга керак? Бу билан иш яхшиланмайди... Сен қандай фикрдасан, Валерьян Владимирович?

— Балки, Владимир Ильичга мурожаат қилсак бўлармиди?.. Фрунзе ўйланиб, шосилмай гапира бошлади.

— Ильичга ҳам мурожаат қилиш мумкин, лекин вақт эрта эмасмикан,— деди у.— Ильич жуда банд, унга ўзимиз ҳеч нарсани уддасидан чиқолмай қолган пайтдагина мурожаат этиш керак. Бунинг устига бу воқеа хусусида эътироф этиш керакки, ҳозир аниқ бир фикр билдириб бўлмайди. Сиз иккинчи кўрсатма таҳририга эътибор қилдингизми? У биринчисига қараганда жуда эҳтиёткорлик билан ёзилган. Топшириқни бажариш учун айнан қайси резервлар ва қисмлардан бошлаш лозимлиги ҳақида аниқ кўрсатма йўқ. Қаёққа қараб бурсанг, ўша ёққа кетаверади.

— Хўш, энди нима қилмоқчисан?— сўради Қуйбишев.

— Назаримда бугуноқ Симбирскка жўнашим керак. Юзмаюз ўтириб гаплашиш керак. Фронт Революцион ҳарбий кенгашининг бу бебошликка муносабатини ҳам аниқлайман.

Навбатчи адъютант кириб, телеграмма берди. Телеграмма Москвадан, Троцкийдан эди.

Республика Революцион ҳарбий кенгашининг ранси ўзининг одатдаги такаббурлиги билан Жанубий группа Революцион ҳарбий кенгаши эътиборини шунга қаратган эдики, бу группа қўшинлари кичик, арзимас ютуққа эришганлар. Шундан сўнг қочоқларга қарши астойдил курашиш кераклиги ва Саратов йўналишига алоҳида эътибор бериш лозимлиги, чунки казаклар қўзғолони кучайиб бораётгани, унга дарҳол зарба берилмаётгани айтилган эди. Сўнг Самара районини мудофаа этиш юзасидан қилинаётган ишларнинг бориши ва кенгаш состави неча кишидан иборатлигини маълум қилиш таклиф этилганди.

Бу шу хилдаги биринчи телеграмма эмасди. Бу телеграмма

ларнинг ҳар бирида гоҳ навбатдаги қўзғолонни тор-мор этиш, гоҳ Уролга ёки Оренбургга дарҳол ёрдам бериш талаб қилинарди. Айниқса Оренбургга ёрдам бериш кўп тилга олинарди. Бу талабларни бажариш учун қўшинлар жўнатиш тўғрисидаги илтимослар эса жавобсиз қоларди.

— Яна мустаҳкамланган районлар эсларига тушиб қоптида,— жаҳли чиқди Новицкийнинг.— Энди уларнинг қандай аҳамияти бор?

— Ие, бу нима деганингиз?— кулимсиради Қуйбишев.— Қўряписми, қочоқлар ва исёнлар кўпайиб бораётганлигига эътиборни жалб этишяпти. Ахир бу бизнинг ландавурлигимиз белгиси-ку. Модомики шундай ожиз эканмиз, ҳозир Белебейга ҳужум қилмасдан, айти Самара мудофаа районида ўтирадиган вақт экан. Наҳотки бу равшан бўлмаса?

— Бу телеграммалар ўрнига бизга битта қўшимча бригада беришганда-ку,— гўлдиради Федор Федорович.

Михаил Васильевич ёзишни тамомлаб, ручкани қўйди ва қозғони Новицкийга узатди.

— Телеграф орқали Троцкийга етказинг.

У ўқиб чиқиб, маъқул ишорасини қилди.

— Умуман олганда, Валерьян Владимирович, сен қисман ҳақсан. Троцкийнинг бу телеграммасидан мақсад бир оз бошқачароқ: Жанубий группа хусусида Самойлонинг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашдир,— деди Фрунзе.

— Эҳтимол шундай ҳамдир.

— Мана шунинг учун ҳам Симбирскка жўнаш керак.

Фрунзе адъютантни чақириб, поездини тайёрлаш ҳақида буйруқ берди.

5

Шарқий фронт қўмондони Самойло мамнун эди. У шундай йўл топган эдики, энди Фрунзенинг ўрнига Жанубий группага бошқа қўмондон тайинлаш зарурати қолмаганди. Бу ҳақда бош қўмондон ҳозиргача икки марта эслатган эди. Агар бу ишга Мудофаа Совети аралашгудек бўлса, қўмондон алмаштирилмаслиги ҳам мумкинлигига Самойлонинг ақли етганди. Унинг планда эса шахсий масалалар йўқ эди.

Жуда зўр йўлни ўйлаб топди-да ўзиям!

Бешинчи армия Жанубий группадан шундай усталик билан олиб қўйилгандики, Фрунзе бирон нима деб эътироз билдиролмасди. Кейин ҳали тузиб бўлинмаган ва жанговар ҳолга келтирилмаган деган баҳона билан Туркистон армияси тугатилади ва унинг қўшинлари Биринчи армияга берилади. Бу армия ҳам

Ўз навбатида бевосита фронт қўмондонининг қўл остига ўтади. Шундай қилиб, Жанубий группа барҳам топади, Фрунзе эса ўз ўзидан Тўртинчи армияга қўмондонлик қилиш учун қайтиб келади. Бу армияга Ўрол ва Оренбургни мудофаа қилиш вазифаси топширилади.

Ҳақат Белебей масаласи равшан эмасди. Бугульма қўшинларимиз томонидан ишғол этилганлиги ҳақида бугун хабар келди, шундай экан, Бугульмани ҳисобдан чиқариб, Бешинчи армияни шимолга, генерал Гайданинг ҳужум қилиб келаётган армиясига қарши буриб юбориш мумкин. Лекин Белебейни олиш қийин бўлса керак. Разведка у ерда Каппель корпуси тўпланганлигини тасдиқлади. Шундай экан, тарқатилган Туркистон армияси қисмларини Биринчи армияга бериб, уни Каппелга қарши йўналтириш керак эди, аммо Жанубий группани тугатиш планини амалга ошириш учун бош қўмондоннинг розилиги шу вақтгача олинмаганди. Бош қўмондон негадир шошмасди, шунинг учун Самойлонинг Фрунзегга Белебейни ишғол этиш ҳақида буйруқ беришдан бошқа чораси қолмаган эди.

Кеча шу масалада телеграф орқали гаплашганида Самойло ўзини жуда ёмон ҳис этди. Фрунзе унинг иккала буйруғини босиқлик билан, аммо анча кескин танқид қилди, иккинчи буйруқ биринчисининг давоми бўлмай, балки амалда инкор қилаётганини исботлади ва ниҳоят, бу иккинчи буйруқни бажарганда шимолга қилинаётган операция Уфа томонидан мадад ололмайд қолади, бундан душман дарҳол фойдаланади деди. Самойло телеграф лентасини ўқиётган пайтда миясига шартта Фрунзенинг гапини бўлиш, ҳатто койиб бериш фикри келди-ю, лекин унисининг ҳам, бунисининг ҳам уддасидан чиқолмади. Шундан сўнг республика Революцион ҳарбий кенгаши раиси ва бош қўмондон Фрунзедан қутулишни астойдил талаб қилаётганликлари, лекин бу ишни қилишдан ўзларипи олиб қочаётганликлари сабабини тушунди.

«Бир балога гирифтор бўлишдан қўрқшияпти»,— хаёлидан ўтказди у, юз берган аҳволдан қутулиш йўлини ахтариб.

Адъютант кирди ва Жанубий группа қўмондони келганини, уни қабул қилишни сўраётганлигини айтди.

— Айтинг, кирсин,— деди чуқур нафас олиб Самойло ва ташвишланаётган одамдек бўлиб ўтирди. Қадам товушини эшитиб, хиёл ўрnidан турди.

— Салом,— деди қўлини чеккасига қилиб Фрунзе.

Самойло стол орқасидан туриб келиб, унга қўлини чўзди.

— Келинг, ўртоқ Фрунзе. Ўтиринг...

— Раҳмат.— Фрунзе бир лаҳза тўхтаб қолди.— Кеча биз гапимизни тугатолмадик,— деди у.— Техникага ҳурматим баланд,

лекин биз муҳокама қилаётган масалани тўғри телеграф орқали гаплашиб ҳал этиб бўлмайди, деб ўйлайман.

Фронт Революцион ҳарбий кенгаши аъзоси Гусев кириб келди, индамай бош қимирлатиб саломлашди-да, чеккароққа бориб ўтирди.

— Рухсат этсангиз,— давом этди Фрунзе,— масалани қисқача тарихидан бошласам... Жанубий группа шу йил март ойининг бошида Оренбург-Урол ўлкаси устидан ҳукмронлик қилиш, Туркистон билан алоқани таъминлаш ва кейинчалик Туркистоннинг ўзига юришни ўз олдига вазифа қилиб қўйиб тузилган эди. Шарқий фронтнинг кўпчилик армияси Сибирга қараб силжиб борган сайин улар билан Жанубий группа ўртасидаги алоқа сусайиб қолади, кейин Жанубий группа мустақил Туркистон frontiга айланади деб тахмин қилинганди.

Ана шу мақсадда Тўртинчи армия ва Оренбург участкасининг қисмлари ажратиб берилганди, бу қисмлардан алоҳида Туркистон армиясини тузиш лозим эди. Ўққала армия Жанубий группа қўмондонлигига бўйсундирилиб, Шарқий фронт штаби билан бевосита алоқалари йўқ эди.

Учинчи апрелда, фронтимиз ёриб ўтилганлиги ва душмanning Волгага чиқиш хавфи туғилиши муносабати билан Жанубий группага яна иккита армия — Бешинчи ва Биринчи армиялар берилди. Очигини айтганда, бу армиялар истар-истамас, вазият тақозоси билан мажбуран ярим-ёрти, фақат оператив раҳбарлик қилиш учун берилган эди, аммо ҳаёт Жанубий группа штабига мазкур армиялар бўйича фронтнинг бошқа вазифаларини ҳам топширишга фронт қўмондонлигини мажбур этди.

Нима бўлганда ҳам, бу тўртта армиянинг бирлашуви тўла бўлмаса ҳам, ўз вазифасини уддалади. Нима учун тўла эмас ва бунга ким айбли — ҳозир бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Сизнинг сўнги буйругингиз бўйича тузилган ҳозирги қиёфадаги Жанубий группа учта армияни бирлаштиради. Бу армиялар учта ҳар хил йўналишда ҳаракат қилади, группа штабининг уларга муносабати ҳар хил. Жумладан, Биринчи армия группа қўмондонлигига фақат оператив жиҳатдангина бўйсунган, қанотдаги Тўртинчи ва Туркистон армиялари эса бутунлай бўйсунган. Бу ҳар хиллик катта чалкашлик туғдиради. Бунга фронтимиз ёриб ўтилиб, гангиб қолган вақтимизда чидаш мумкин эди, энди эса, аҳвол яхшиланиб, иш нормал изга тушаётган пайтда ортиқ тоқат қилиш мумкин эмас...

— Бир минутга,— тўхтатди уни Гусев ва қўмондонга мурожаат этиб шундай деди:— Бу масала ниҳоятда жиддий, Революцион ҳарбий кенгашнинг бошқа аъзоларини ҳам таклиф этсак, сизнингча, қандай бўларкин?

Самойло чимирилди, лекин Юрнев ва Лашевични таклиф этишни буюрди, кейин ўйлаб туриб штаб бошлиғини ҳам қўшиб қўйди.

— Ўйлайманки, Революцион ҳарбий кенгаш аъзоларига Жанубий группа тарихи яхши маълум,— деди Фрунзе таклиф этилган кишилар стол атрофига ўтиришгач,— шунинг учун уни қайтариб ўтирмайман. Масаланинг моҳиятига ўтишни лозим кўраман.— У дала сумкасини ковлаб, ундан телеграф ленталари қатор қилиб ёпиштирилган бланкаларни олди.

— Юқорида эътиборингизни жалб қилганимдек, Жанубий группанинг озайтирилган составига, яъни уч армиядан иборат бўлган, учта ҳар хил йўналишда ҳаракат қилаётган составига берилган сўнгги буйруқда душманнинг Белебей группасини яқсон қилиш ва Оренбург, Урол областларидаги қўзғолонни бостириш вазифаси юкланган. Агар Тўртинчи армия Деркул станцияси районида мағлубиятга учраб, жуда заифлашиб қолгани, бунинг устига, унинг Йигирма иккинчи дивизиясини душман иккига ажратиб ташлагани, ўзи ёрдамга муҳтож бўлиб тургани, бу ёрдамсиз Уролни сақлаб қололмаслиги, Биринчи армия эса оқ казакларни Оренбург яқинида аранг тўхтатиб тургани ҳисобга олинадиган бўлса, юқоридаги вазифани бажаришда уларнинг ёрдамига умид қилиш мумкин эмас. Бинобарин, биргина Туркистон армияси қолади, у беш полкдан иборат Уттиз биринчи дивизия ва кавалерия бригадасидан ташкил топган. Бошқа қўшинлар ёрдамсиз ана шу кучлар билан Уфа йўналишида Капель корпусини тор-моқ этишимиз ва Оренбург, Урол областларида қўзғолонни бостира олишимиз ҳақида ўйлаш ўтaketган гўллик бўлур эди.

— Хўш, қандай таклифингиз бор?— чидаб туролмади Самойло.— Ҳозирча фақат танқидий мулоҳазаларнигина эшитяпмиз.

— Асло. Мен фақат Жанубий группа сизнинг буйругингизни бажариш учун қандай кучларга эга эканлиги ҳақида маълумот беряпман. Бу гапларни шунинг учун айтяпманки, мазкур кучлар ҳақида фронт штабидаги маълумотлар бизнинг маълумотларимиздан анча фарқ қилса керак.

Самойло «ҳм» деб олдидаги қогозларга назар ташлади.

— Жанубий группани тақсимлаб юбориш тўғрисидаги масала ҳал бўлганлиги муносабати билан,— давом этди Фрунзе,— Жанубий группадан Бешинчи армиядан ташқари, Туркистон армияси ва Биринчи армия ҳам олинса ёмон бўлмасди. Бизга эса кейинчалик Туркистонга қараб юришимизни ҳисобга олиб, зарур кучларни ажратиб бериб, Оренбург — Урол йўналишини тугатиш вазифасини топшириш керак. Жанубий группа тузилаётганда ана шу назарда тутилганди.

Штаб бошлиғи бирдан ўтирган жойида типирчилаб қолди.

— Тўхтанг,— деди у,— тўхтанг, Белебей нима бўлади, умуман Уфа йўналиши-чи?

— Уфа операцияларига раҳбарлик албатта бирлаштирилиши керак. Ушанда раҳбарлик фронт қўмондони қўлида марказлашади, Жанубий группадан олинган қўшинлар бевосита унинг ихтиёрида бўлади. Бу вужудга келган бошбошдоқликдан яхшироқ. Менга Бешинчи армия билан Симбирск орқали ўтишга тўғри келаётган пайтда сиз мени четлаб армпяларгина эмас, дивизия ва бригадаларга ҳам буйруқ беряпсиз. Бундай бошқариш оқибати ҳозироқ таъсир қилди. Душман айтарлик бемалол ўз қўшинларини Бугульмадан олиб чиқиб кетди. Вазифа — уни Белебейдан кетишига йўл қўймаслик. Шу маънода Бешинчи армиянинг ҳамма кучларини Бугульмадан Шимолга буриш мўлжалланаётганлиги ўринли эмас. Бу йўл нари борса душманини чекинишга мажбур этади, аммо уни яқсон этмайди.

Самойло ўзини тутиб ўтирарди. У олдиниغا Фрунзенинг охиригача гапириб олишига қўйиб бермоқчи бўлди: биро ерда чалкашадиган бўлса, шу заҳоти хулосаларининг асосизлигини исботлайман деб ўйлади. Лекин чидаб туrolмади. Бугульмадан шимолга зарба бериш фикрини бош қўмондон у Шарқий фронтга тайинланаётгандаёқ миясига қўйиб қўйган эдики, бу фикр ни танқид қилиш унинг ҳам, олий қўмондонликнинг ҳам обрўсини бир пул қилиш билан тенг эди.

— Жанубий группани тугатиш фикри, менимча, жуда ўринли, чунки дивизия ва бригадаларнинг аралашиб кетаётганлигидек ғайритабиий воқеага шу группа сабаб бўлиб турипти,— деди у шошилмай.— Ана шу сўнгги ҳолат армияларгина эмас, дивизия ва бригадалар тақдирига аралашушга интилаётипти, деб менга таъна қилишингизга туртки бераётган бўлса ажаб эмас... Кўрсатмадаги фикрга келганда, шимолий йўналишдаги ҳужумнинг анча ичкарига, масалан, Бирскка ҳужум қилиб киришга нисбатан афзаллик қилишига қўшилмаслигим мумкин, албатта. Бироқ душманининг анча ичкарсига кириб бориш бирмунча кўп вақтни олади, Иккинчи ва Учинчи армиялар фронтида вужудга келаётган вазият бизга имкон бермаслиги мумкин.

— Бу ерда Бирскнинг нима алоқаси бор?— ажабланди Гусев.

— Душманини анча наридан ўтиб ўраб олиш йўналишларидан бири шу бўлиши мумкин,— деди Самойло.

— Бугульмаданми?

— Ҳеч бўлмаганда...

— Кечирасиз,— гапга аралашди Фрунзе,— бундай йўналишда бориш ҳозирча мумкин эмас-ку. Душманининг Белебейдан

зарба бериб, орқа томонимизга ўтиб олишига ҳеч нарса халақит бермайди. У ёқда, Белебейда эса ҳар хил қўшинлардан ташқари, Каппель корпуси тўпланган... Бригада ва дивизияларнинг аралашиб юриши масаласига келсак, агар мен фронтдан олган Туркистон армияси ва Тўртинчи армия қисмларидан зарбдор группа тузмаганимда, бугун сиз билан Симбирскда гаплашиб ўтириш шарафига муяссар бўлолмасдим. Қизиқ, бунинг нимаси гуноҳ экан.

Штаб бошлиғи кулгисини яшириш учун қошларини қаттиқ чимирди. Паст бўйли, дум-думалоқ Юрнев Фрунзенинг гапларини эшитиб завқланиб ўтирарди. Самойло лабларини тишлади. У Жанубий группани тарқатиб юбориш, дарҳол энди Фрунзени Тўртинчи армия қўмондонлигига қайтиши тўғрисида эмас, балки уни бош қўмондон ихтиёрига жўнатиш ҳақидаги буйруққа ҳозир, дарҳол имзо чекардику-я. У бош қўмондонга берган маълумотида Фрунзени Тўртинчи армияга қайтаришни тилга олиб ўтирибди-я, бу хато учун Самойло ўзини сира кечирмайди. Аммо Вацетгисдан негадир садо чиқмаяпти. У юборган маълумотга Троцкий ҳам жавоб қилмаяпти. Шунинг учун Самойло бу ўткир, иродали одам билан олишишда ўзини ожиз сеза бошлади. Бу одам қандай қилиб ва нима сабабдан тўртта армиядан иборат группага қўмондон бўлиб қолганини ким биледи дейсиз.

Лекин қандайдир чора кўриш керак эди. Фрунзе Биринчи ва Туркистон армияларини ундан олиш тўғрисидаги таклифи билан Самойлони қийин аҳволга солиб қўйди. Бош қўмондоннинг розилигисиз Самойло бунинг уддасидан чиқолмасди. У Бешинчи армияни тўғридан-тўғри фронтга бўйсундиргандаёқ шошган эди, лекин шундай қилган пайтда ҳам унда асос бор эди, бу унчалик ўринли бўлмаसा ҳам, бир кўришда ишонарли эди: генерал Гайда қисиб келаётган Иккинчи ва Учинчи армияларга ёрдам бериш заруратини баҳона қилса бўларди. Туркистон армияси ва Биринчи армияга нисбатан бундай баҳона ҳам йўқ эди. Бундан ташқари, Белебей яқинида вужудга келган аҳвол уни мазкур армияларнинг, хусусан кучи оз Туркистон армиясининг фаолияти учун бутун масъулиятини ўз зиммасига олишдан ичида чўчиётган эди, чунки бундай вазиятга фронтни яланғочлаб қўйиб, қисман ўзи ҳам сабабчи бўлган эди. У сиёсий ходимларни трибуналга юбораман деб буйруқ билан қўрқитиб ҳам қўйганди — бу Фрунзе қўшинлари учун сира ҳам ярашмаган иш эди, улар бунақанги дўқ-пўписаларсиз жанг қилишарди.

— Хўш, Белебей масаласи нима бўлади? — пенснесининг ойнасини ярақлатиб сўради Гусев.

Штаб бошлиғи Лебедев фронт қўмондони қийналиб турганини сезиб, унинг ёнини олишга тушди.

— Менимча, Михаил Васильевич маълум даражада ҳақ,— деди у.— Жанубий группанинг олдига қўйилган дастлабки вазифасига қайтиши — Уральск, Оренбург, Тошкентни кўзлаши шак-шубҳасиздир. Яқин вақт ичида шундай бўлади ҳам. Лекин ҳозир биз Жанубий группани Уфа йўналишидан олиб қўя олмаймиз. Бинобарин, сирасини айтганда, вазифани удалаш учун, Михаил Васильевич, сизга қандай кучлар керак?

— Уфа йўналиши учун,— деди Фрунзе,— Йигирма бешинчи ва Иккинчи дивизияларни Бешинчи армиядан олиб, Туркистон армиясига бериш керак. Менда бошқа куч йўқ. Самара бригадасининг икки полки ва Қозон мусулмон полки дарҳол Уральск-Оренбург фронтига юборилиши лозим. Акс ҳолда биз фронт чизигини қисқартириш иложини қилолмай, Оренбург ва Уральскни бой бериб қўямиз.

Лекин бизда яна бир ташвиш бор: Уральск ва Оренбургни ҳимоя этаётган қўшинларимизнинг орқа томонида қўзғолон кўтарилди... Биласизки, Троцкий менга ҳеч асоссиз ёпишиб ётипти. Мендан телеграфда кетма-кет талаб қилишяпти, кўрсатмалар, насиҳатлар беришяпти-ю, ёрдам қилиш учун ҳеч бир чора кўришмаяпти. Лекин барибир бу қўзғолонларни бостириш керак, Уральск — Оренбург фронтини тугатгунимизча у ерни қўлдан бермай туриш учун қўшинларимизга имконият яратиш лозим. Бунинг учун, янги кучлар, асосан кавалерия керак бўлади.

Фрунзе бамаъни план таклиф қилаётганлигига Самойло тушуниб турарди, лекин у қўл остидаги одамнинг гапига кирадиган, бунинг устига, бутун фронт Революцион ҳарбий кенгаши иштирок этаётган пайтда рози бўладиганлардан эмасди. Бундан ташқари, у Фрунзе айёрлик қиляпти, уни, фронт қўмондонини ноқулай аҳволга қўйиш учун ўзини ожиз қилиб кўрсатяпти, деган шубҳада эди.

— Хўш, чопон қўзғолонини-чи?— Уни синаб сўради Самойло.— Билишимизча, сиз уни тезгина, фронтдан ёрдам олмай, ўз кучингиз билан бостиргансиз.

Фрунзе хиёл қовоғини солди. Бу қўмондон ўзини жуда ҳам ақлли ҳисобляпти шекилли.

— Сизга яхши маълумот беришмапти. Чопон қўзғолонини ҳозир Урал ва Оренбург областларида юз бераётган воқеалар билан сира ҳам таққослаб бўлмайди. У вақтда биз Самара — Златоуст темир йўлининг Сизрань — Самара — Кинель — Кротовка участкаси атрофига жойлашган ўнлаб волостларга дуч келгандик. Қўзғолон яхши тайёрланмаган экан, менинг қўл остимда эса бир минг икки юз кишилик отряд бор эди. Пенза ва Кузнецк ҳам ўз қуроли кучлари билан ёрдам қилдилар. Энди бўлса бошқача манзара. Сизнинг хабарингиз борми: бизнинг

оренбурглик раҳбарларимиз ҳамма ёққа шикоят ёзиб юборнш-япти, гўё биз уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, фронтдан қайтиб келган казакларни қуролсизлантиришга ўз вақтида чора кўрмаган эмишмиз. Шунинг учун ҳозир биз ўнлаб волостларни эмас, иккита областни қамраб олган жуда уюшган, яхши қуролланган қўзғолонга рўпара бўлиб турибмиз.

— Уйлайманки, Михаил Васильевич ҳақ,— деди Гусев.— Ҳар қанча қийин бўлса ҳам, қўзғолонни бостириш учун зарур қисмларни фронт ажратиб бериши керак. Хусусан,— мурожаат қилди у штаб бошлиғига,— Москва кавалерия дивизияси қандай аҳволда?

— Уни ўша ёққа юбориш мумкин бўлар,— жавоб берди Лебедев Самойлога қараб.

Самойло ташаббусни ўз қўлига оладиган пайт келганини, акс ҳолда усиз ҳамма нарсани ҳал қилишлари мумкинлигини аанглади.—

— Москва кавдивизиясиними?..— Қайта сўради у гўё хаёл сургандай.— Чамаси, шундай қилсак ҳам бўлади. У яхши ҳолатда... Пиеда қўшинлар бир оз чатоқроқ.

— Ўттиз учинчи дивизиянинг учинчи бригадаси ҳам бор,— эсига солди штаб бошлиғи.

— Билмайман, у қандай аҳволда.

— Кеча ўша ёқдан келдим,— деди Лашевич.— Бригадани жанговар ҳолатда дейиш мумкин.

— Жуда яхши,— деди Самойло ва гап тамом бўлди, деган маънода штаб бошлиғига буйруқ берди:— Буйруқ тайёрланг.

У якка ўзи қолгач, кеча Фрунзе тўғри телеграф орқали суҳбат вақтида сўраган нарсаларини қандай қилиб ундирганига тушунмай, узоқ ўйлаб ўтирди.

«Жуда пишиқ экан,— ўйлади Самойло бошини чайқаб,— жуда ҳам... Уни қандай қилиб попугини пасайтириш мумкин...»

6

— Революцион ҳарбий кенгашга қўйса бўлмайдими? Ушлар ҳал қилсин...— Думалоқ юзли, тўладан келган Батурин шошилмай гапириб, варақлаб ўтирган китобини аста бир чеккага қўйди-да, Никитага қизиқсиниб қаради.

Тураржойга мосланган вагон Самара станциясида боши берк йўлда турарди. Деразадан водокачка девори, у ер-бу ердаги стрелкалар, бир-бирига тутшиб кетган эҳтиёт йўллар ва оқ чинни изоляторлар зич қилиб ўрнатилган симёғоч кўриниб турарди.

— Улар ҳам нима қила оларди?

Никита Игнатьевич кўлини елкасига қўйиб скамейкада ётар, вагонга кириб қолган катта капалакнинг учишини кузатар эди.

Улар Симбирскдан келадиган поездни кутиб туришарди. Бу поездда Қозон полкининг икки батальони билан Фрунзе қайтиб келаётганди.

Кеча фронт штабидан Новицкийга телеграф орқали Михаил Васильевичнинг иккита хати берилди. Унда Жанубий группа олдига фронт қўйган вазифа қисқача маълум қилинган, бу вазифани бажариш учун берилган қисмлар саналган ва ўзи келгунча қилиниши керак бўлган топшириқлар айтилган эди.

Группа штабида енгил нафас олишди. Эртага нима қилсам экан деб бош қотириб ўтирадиган вақт тугади. Яхши тартиб ўрнатилган хўжаликда бўлганидек, ҳамма нарса дарров ҳаракатга келди. Телеграф аппаратлари тақиллай бошлади. Улар Туркистон армиясининг командармига 25-ва 2-дивизиялар берилаётганлигини, Биринчи ва Тўртинчи армияларнинг командармларига юборилаётган ёрдам кучларини маълум қилди. Самара темир йўл станциясида олти енгил тўпга эга бўлган икки полкдан иборат бригада эшелонларга шошилди ортिला бошланди. Чеккада, эҳтиёт йўлларда эса Қозон полки учун янги состав тузишга киришилганди.

— Билмадим, у ёқда...— туриб-туриб жавоб берди Никита.— Худди бир гап бўлганга ўхшайди, майли, даволансин, нуқул сода ютади ахир, ўзини эҳтиёт қилсин, ўққа урмасин. Биласан, ўтган сафар у яна олдинги позицияга бориб келди. Биз уни алдаб-сулдаб бирон тинчроқ жойга жўнатиб юбормоқчи ҳам бўлдик.

— Хўш, бирон иш чиқдими?

Никита Игнатьевич чуқур нафас олди:

— Чиққани шу бўлдики, биз яна жанжаллашиб қолдик. Бригада командирлари тортинишадн. Уларга субординация имкон бермайди, мен бўлсам, Михайло Васильевичнинг олдида кичик одаман, буни сўраб ўтириш ҳам ноқулай.

— Бирда эмас-бирда бпр ўтакангин ёради.

— Узим ҳам чўчиб юрибман. Яқинда Чапайнинг ўзи ҳам ялинди. Барака топкур, қўшинлар олдидан уни нарироққа олиб кет, бўлмаса юрагим ҳаприқаверади. Тирикми у, ё бирон нарса бўлдими деб жоним ҳалакда, дейди.

— Нима, назарларингизда у бўлар-бўлмасга ўзини ўққа-чўққа урaveraдимми?

Никита шошилмай хаёл суриб деди:

— Ким айтади, бўлар-бўлмасга, деб. Ишқилиб замбилга кўтариб келншмаса гўргайди, деб юрагинг увушаркан-да.

Энларидан юк ортган поезд ўтиб кетди. Тўп ва ўқ-дори яшиқлари ортилган платформаларда тўпчилар украинча қўшиқни оҳиста ва бир маромда куйлаб боришарди. Юк вагонларининг очиқ эшиқлари олдида пиёда аскарлар тўдалашиб туришарди, улар чамаси шарқ миллий қисмларидан эди.

— Кетишяпти,— деди Батурин поезд ўтиб кетгач,— қирғизлар ҳам, татарлар ҳам, бошқирдлар ҳам, рус дўстларимиз ҳам бор... Россия оёққа турди. Сен эса Михаил Васильевични фронтни бориб кўришдан олиб қолмоқчи бўляпсан!

Никита қовоғини солиб, индамай ўтирарди. Батурин унга ўгирилиб, қаҳ-қаҳ уриб деди:

— Нима ҳақда ўйлаб ўтирганингни биламан-ку ахир. Сенинча, мен уни деб сира ташвишланмаганману, шунинг учун шунақа деб ўйлаяпман-да, шундайми?

— Ҳа, шундай...

— Бундай ўйласанг хато қиласан, Никита Игнатъевич, мен ҳам озмунча ҳаяжонланмаганман! Сенга бир гап айтай: ҳаяжонланасанми, йўқми, бирон чорасини қиласанми ёки ўз ҳолига ташлаб қўясанми — барибир, ҳеч нарсани ўзгартиролмайсан. Михаил Васильевич қиламан дедими, қилади. Тақдирини ўз халқининг тақдири билан боғлиқ деб тушунган одам шунақа қилади, буни тор маънода тушунмаслик керак, Фрунзе ким ўзи, деган тор маънода англамаслик керак. Отаси — молдаван, онаси рус, болалигини эса қирғизлар орасида ўтказган. Русчани қандай гаплашса, қирғизча ҳам шундай гаплашади. У ўз тақдирини Россия тақдири билан шунчалик боғлиқ ҳис этадики, ундан ташқарида ўзини тасаввур этолмайди.

Орага жимлик чўкди. Ташқарида рельсларга болғаси билан бир текисда уриб, йўл кузатувчиси ўтиб кетди.

— Биласанми, ҳозир хаёлимга нима келди?— сўради Батурин.

Никита Игнатъевич қуюқ қошларини хиёл кўтарди:

— Нима экан...

— Уни Троцкий нега ёқтирмайди, шунга ўйладим. Сабаби нима экан? Улар ўзаро сира жиқиллашгани йўқ ахир, Троцкийнинг хоҳишига қарамай, Тўртинчи армияга командарм қилиб тайинлашган, дейлик... Шу ҳам сабаб! Бунақа тайинлашлар оз дейсанми? Ишлаб кетишган, вассалом... Бу масалада эса Троцкий тирноқ орасидан кир қидириб, Михаил Васильевични қўшинларга раҳбарлик қилолмайди деб исботлаш учун тиргилади, камситмоқчи бўлади. Яна қачондан дегин, Фрунзе бутунлай абгор бўлган Тўртинчи армияни қабул қилиб олиб, қисқа муддат ичида, четдан ёрдам кучлари олмай уни жанговар ҳолатга келтиргандан кейин. Ниҳоят Ханжин армияси зар-

басини ўзига қабул қилди ва ҳар қанча халақит беришмасин, барибир уни бошлаб адабини берди... Буни ўзинг ҳам мендан яхшироқ биласан!

— Ҳўш, ўзинг нима демоқчисан?

— Улар бутунлай бошқа-бошқа одам демоқчиман... Бошқа-бошқагина эмас, айтиш мумкинки, тубдан бир-бирига душман одамлар. Бирининг яшаши учун иккинчиси бўлмаслиги керак.

— Шундай экан, нега Михайло Васильевич Троцкийга ташланмайди?

— У Троцкийдан кучлироқ. Биласанми, у худди ерда яхши жойлашиб турган харсангдан йўнилганга ўхшайди. Уни авантюра билан чалғитолмайсан.

Телефон жиринглади. Батурин трубкани олди:

— Сени сўрашяпти, Никита Игнатьевич.

Ҳарбий комендант Симбирск поезди қўшни станциядан чиққанлигини хабар қилди.

Никита Игнатьевич камарини тортиб боғлаб, гимнастёркасини тўғрилаб қўйди.

Улар вагондан чиқишди-да, темир йўл изларида ўтиб, станцияга қараб кетишди.

— Дим,— деди Никита гимнастёркаси ёқасини ечиб қўймоқчи бўлиб.— Қўп гапирдинг-да.

— Нима, тушунмадингми?

— Йўқ, нега энди. Тушуниш мумкин. Тўғриси, қаллам тез ишламайди...

— Қанақасига?

— Худди снарядларга ўхшаб: баъзилари отган заҳотинг портлайди, яна шундайлари ҳам борки, отсанг, анча вақтдан кейин портлайди. Бунақа снарядлар керак, лекин бунақа бош керакми-йўқми, билмайман.

— Шунинг учун ҳам мажлисларда индамай ўтирасанми?

— Қим ўзини тентак қилиб кўрсатгиси келади? Кейин ҳаммасини тушунаман, ҳаммасига жавоб қайтара оламан, лекин энди бу жавоб ўзимдан бошқа ҳеч кимга керак бўлмайди. Шу сабаб рақибим ҳаминша ҳақ бўлиб чиқади, у қандай жавоб қилишни билади, мен эса вақтида эътироз билдира олмайман-да, ноҳақ бўлиб чиқаман...

Паровоз семафор олдида гудок бериб, составни перрон олдига келтирди-да, қаттиқ пишиллаб тўхтади. Вагонларнинг очиқ эшиклари олдида Қозон мусулмон полки жангчилари тўпланиб туришарди. Яхши жиҳозланган вагондан Сиротинский ҳамроҳлигида Фрунзе ва яна қандайдир ҳарбийлар чиқиб келишди.

— Самара бригадаси нима бўлди?— сўради Фрунзе саломлашгач Батуриндан.

— Икки соат олдин жўнатдик, буйруғингизга кўра Бузулуккача темир йўл билан, у ёғига Уральсккача яёв борадиган бўлди. Қозон полкига состав тайёр қилиб қўйилди, у тупикда ўн олтинчи йўлда турибди.

— Менимча, сиз қизил аскарларни шаҳарга югуртириб юрмасангиз ҳам бўлади,— деди Фрунзе ўзи билан бирга келган батальон командирларига қараб.— Озиқ-овқат билан таъминлангансиз, дала ошхоналарингиз бор. Составни эгалланг. Икки соатлардан кейин полкнинг қолган қисми ҳам етиб келади.— У батальон командирлари билан хайрлашиб, Батурин ва Никита Игнатьевичга қараб деди:— Кетдик...

Машинада, штабга кетаётганда Фрунзе Батуриндан сўради:

— Павел Степанович, Қизил юлдуз полкига нима бўлибди? Муфассал айтиб бера оласизми?

— Афсуски, хушxabар айта олмайман. Яна бир бемаънилик. Бу бемаънилик жуда қимматга тушди. Бир минг уч юз эллик аскари бўлган полк Пугачевскдан ўнинчида Таловоега қараб йўлга чиқди. Қизил аскарларга сафар олдидан қўлларига атиги беш-ўнтадан патрон беришган, қолганлари обозда бўлган. Полк ўн иккинчида Рахмановкага етиб борган, ўша ерда казаклар ҳужум қилган... Шуниси қизиқки, казаклар аввал обозни Иргиз дарёсининг нарёғига ҳайдаб юборган, кейин полкни қуршаб олиб, ҳамма ёқдан ҳужум бошлаган.

— Қазаклар қандайдир йўл билан патронлар обоздалигини билиб қолишган, деб ўйлайсизми?

— Шундай бўлиши мумкин... Полк катта талофат бериб, Порубежкага чекинган. Тўртинчи армия командарми казакларнинг шундан кейинги ҳужумини тўхтатиб қололган. У Пугачевскка келиб қолган Уттиз учинчи дивизия полкидан фойдаланган ва полк Рахмановкани жангсиз ишғол қилган.

— Тушунарли,— хаёл суриб деди Фрунзе,— бу ўринда казаклар бизнинг хатомиздан фойдаланишга кўзлари етмаган, шунинг учун жангдан бўйин товлашган.

Олдинда штаб биноси кўринди.

Тун. Қоғоз қалпоқ тутилган чироқ каравот чеккасини, гижимланган чойшаб ва ярадорнинг очиқ оёғини хира ёритиб турарди. Озғин, сарғайган, томирлари бўртиб чиққан оёқ адёл остидан чиқиб турарди.

Бурчакдаги стулда медицина ҳамшираси мудраб ўтирарди. У аллақачон кетиши керак эди: касал боқувчи аёл қўшни ҳо-

нада кутиб ўтирарди, бироқ ҳамшира Дроновни касал боқувчи аёл билан қолдиришга кўнгли бўлмаётганди.

Кундузи Дронов дуруст эди, қисмлардан қайтиб келган сиёсий бўлим ходимлари билан, махсус бўлим бошлиғи билан гаплашди, лекин кечга яқин ҳарорати жуда кўтарилиб кетди. Шунинг учун Дроновнинг юраги чатоқлигини билган ҳамшира шу ерда қолишга қарор қилди. У энагани қўшни хонага ётқизганди, ўзи эса ярадорнинг оғир, ўқтин-ўқтин нафас олишига қулоқ солиб, бурчакда мудраб ўтирарди.

Махсус бўлимнинг икки ходими кабинетга астойдил жойлашиб олганди. Улар шу ернинг ўзида креслоларда навбат билан ухлашарди.

Тонгга яқин Дронов кўзини очди.

— Фрунзедан ҳеч қандай хабар йўқми?

Ҳамшира унинг олдига келди:

— Йўқ, йўқ, ухлайверинг.

— Сиз бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

— Ҳозир мен ҳам ётаман. Фақат энагани уйғотаман. Ўзингизнинг аҳволингиз қалай?

— Сизни уринтириб қўйдим-да,— деди Дронов саволга жавоб бермай.— Ҳамшира, штаб навбатчисига телефон қилинг.

— Ухланг. Ҳеч кимга телефон қилмайман. Бирон зарур иш чиқиб қолса, айтаман.

— Менга маълумот керак, ҳамшира. У балки ҳозир тайёр бўлгандир.

Бу ўжар одам унинг маслаҳатларига қулоқ солмаётгани ҳамширанинг аччиғини келтирди.

— Менга қаранг, ўртоқ комиссар. Ҳайронман, сиз госпиталда бўлишингиз керак эди, нега бу ерда ётибсиз. Сиз иш бор деяпсиз. Майли, шундай ҳам бўлсин. Лекин сиз фақат кундузи ишлашингиз керак,— қизнинг юзлари қизариб кетди, хафа бўлганидан худди йиғлаб юборадигандек эди.— Сиз ўжар одам экансиз, агар ишлашни хоҳласангиз, ўзингизни эҳтиёт қилишга ўрганинг!..

Ҳамшира ортиқча гап гапириб юборганлигини сезиб, индамай қолди, беморга ҳеч қачон жаҳл қилмаслик керак. У Дроновнинг ёнида ҳозир Дронов навбатчига телефон қилади-ю, менинг ўрнимга бошқани юборишни сўрайди, деб кутиб турарди. Аммо Дронов индамади. У кўзларини юмиб олиб, қимир этмай ётарди. Ҳамшира у ухлаб қолган бўлса керак, деб ўйлади.

Штабдаги постларни алмашишга келган соқчилар секин юриб, милтиқларини шарақлатмасликка ҳаракат қилиб ўтиб кетишди.

— Анна Васильевна,— деди бирдан Дронов ҳамширани илк бор номи билан атаб,— келинг, жанжаллашмайлик... Кечиринг менг.

Тонг ёришиб кетган эди. Ҳамшира иккала кафтини бир қи-либ бошига қўйганча диванда ухлаб қолганди.

Дронов кўзини хиёл очиб, унинг ҳорғин ва хотиржам юзига диққат билан қарарди. Энди бу чеҳра ёшаргандек туюларди: пешанасидаги ажинлар кетибди, ёноқларига қизиллик югурибди, одатда қимтиниб турадиган лаблари эса хиёл очилиб, майин, нафис бўлиб қолибди.

Дронов ноқулай ётган эди. Ёстиғи гижимланиб, тошдек бўлиб қолганди, оёқлари увушганди, лекин Анна Васильевнанинг лабларидаги табассумни чўчитиб юбормаслик учун қимир этмасди.

Хона тўридаги парда тутилган ойна оқариб турарди. Дераза очиқ бўлгани учун парда елканга ўхшаб тебранарди. Кейин бутун хона қаёққадир ғойиб бўлди-ю, бу дераза эмас, кенг, тезоқар дарёга ўхшаб қолди. Дарёда муз парчалари оқиб, бир-бирига урилиб, кўндаланг бўлиб қола бошлади. Дарё ўртасида эса кичкинагина оролча, оролчада қуёнлар пайдо бўлди. Улар бир жойга тўпланиб, бир-бирларининг пинжига кира бошлади. Сув кўпайиб оролча кичрайиб қолаётганди. Ана, сув четдаги орқа оёғида тик турган қуёнчага етди. Сув ҳамон яқинлашиб келарди. Қайиқ топиб, қуёнларни сув оқизиб кетмасдан қутқариб қолиш керак. Лекин қайиқ олис соҳилда эди, бироқ оролчада энди қуёнчалар эмас, негадир Дроновнинг ўзи бўлиб қолди.

«Кемага тушганнинг жони бир».

Буним ким айтганди? Нега жони бир экан? Э, ҳа! Шуяда маёвкадан сўнг казаклардан қочиб кетишаётганда Фрунзе айтганди.

Дронов кўзини очди. Парда ёриғидан ўтган нур полга тушган эди.

— Михаил Васильевичдан ҳеч қандай хабар йўқми?— деб ҳар кунгидек сўрамоқчи бўлди Дронов, бироқ ҳамширанинг ташвишли чеҳрасига қараб индамай қолди.

Кеча аранг келаётган тўплар овози энди аниқроқ эшитилаётган эди. Кечаси фронтда қандайдир ўзгариш юз берганга ўхшайди.

— Махсус бўлим бошлиғи икки марта келиб кетди,— деди иккиланиб ҳамшира.

— Яхши, йигитларга айтинг, уни менга чақириб беришсин. Ҳамшира чиқиб кетди.

Тўплар отишмаси тинмасди. Ўқ овозлари ўнгдан ҳам, чап-

дан ҳам эшитилиб турарди. Худди шаҳарни ярим ҳалқа қилиб ўраб олаётгандек эди. Чамаси, жангга дивизиянинг бутун артиллерияси ташланганди.

«Бу нима бўлиши мумкин?»— хаёлидан ўтказди Дронов эшикка қараб-қараб қўяркан.

Шибанов келди ва ҳамшира чиқиб кетгандан сўнг деди:

— Гап бундай... Фрунзедан телеграмма олдим. Ўзимизнинг махсус шифримиз билан берилган. Танишиб чиқ...

Михаил Васильевич Жанубий группанинг асосий кучлари ҳозирги вақтда Уфа йўналишида банд эканлигини хабар қилган эди. Шундан кейин оқ казакларнинг қўзғолонини бостириш ва душмanning Урол армиясини яқсон этиш мақсадида Уральскка ташланган қисмлар саналган эди. Шахар гарнизонидан душмanning бир қисм кучини ўзига жалб этиб қандай қилиб бўлса ҳам жойда қўзғалмай туриш талаб этилганди. Телеграмма охирида дивизия комиссари ярадор бўлганига афсусланганини айтиб, бундан буён раҳбарлар бўлар-бўлмасга ўзларини хавф остида қолдирмасин деган истак билдирилганди. Дивизия ўровда турганлиги учун комиссар ўрнига ўша ердаги сиёсий ходимлардан бирини вақтинча қўйиш, комиссар ўрнига бўладиган одамнинг номзодини маълум қилиш сўралган эди. Бу унга, Дроновга берилган танбеҳ эди, бу танбеҳ шунинг учун ҳам оғир эдики, уни жазо чораларини кам қўллайдиган Фрунзе берган эди. Дроновнинг шифри бўйича эмас, махсус бўлим шифри бўйича Шибановга мурожаат қилинганлиги Михаил Васильевичнинг қанчалик норози бўлганини яна бир карра билдириб турарди.

— Сендан келган пшдир?— деди Дронов радиограммани қайтариб бераркан.— Индамай турулмапсан-да?

— Мен, сени зийрак деб ўйловдим,— жилмайди махсус бўлим бошлиғи.

— Ким экан бўлмаса? Сиёсий бўлим бошлиғими? Унга нима учун керак экан?

— Бошингни бекорга қотирма... Сапожков юборган. У қандай қилиб бўлмасин сендан қутулмоқчи-ку. Уриниб ётипти.

— Уялмасдан кўприк олдидаги воқеани ҳам айтишибди-да.

— У, Фаддей Ефимович, уяладиганлардан эмас. Уша Ларькани деб олдимга икки марта келиб дағдаға қилди. Хизматкоримни топиб берасан дейди.

— Хўш, қалай, дағдағасидан чўчимадингми?

Махсус бўлим бошлиғи тунги овдан ўлжа билан қайтган мушукдек жуда хотиржам эди, фақат хурилламасди:

— Бунга менинг нима алоқам бор? Уни трибунал суд қилиб, бирон ерга эмас, Фрунзе юборган отрядга жўнатиш ҳақи-

да қарор чиқарди. Олдин, Фаддей Ефимович, сенинг ошнанг комиссар бўлган отрядга боради. Суд ҳукми чўнтагида бўлгач, ўз дивизия бошлиғининг олдига қочиб боролмайди.

— Билганини қилсин...— деди Дронов.— Фронгда нима гап?

— Утган куни душман олти марта ҳужум қилди, ҳаммасини қайтардик. Қазаклар худди қутургандек ўзларини найзага уришади. Нега бунчалик жазавалари тутиб қолганига тушунолмадим.

— Ҳа, тушуниб бўлмапти. Мен казакларни унчалик яхши билмайман, аммо уларни ўз хоҳишларича ҳужумга киради, деб бўлмайди. Шу вақтгача улар бирдан босқин қилишни ёки ўраб олишни афзал кўришарди. Разведка нима дейди? Балки, уларга янги ёрдам кучлари келгандир?

— Йўқ, сезилмаяпти.

— Ундай бўлса,— қатъий оҳангда деди Дронов,— оқлар бизни Михаил Васильевич юборган қўшинлар етиб келгунча бир ёқли қилмоқчи бўлишибди.— У Фрунзенинг радиограммасини шивирлаб яна бир бор ўқиб чиқди:— Хўш... хўш... Уттиз учинчи ўқчи дивизия бригадаси.. Самара бригадаси... Москва кавалерия дивизияси... Уқчи полки... Рязаннинг коммунистик полки... Буларнинг ҳаммаси жанг қилаётган қисмлардан ташқари ҳар ёқдан Уральскка қараб келяпти. Қазакларнинг сиқувга олганлигига ажабланмаса бўлади. Улар зарба остида қолишни истамаяптилар. Нима бўлганда ҳам Уральск шаҳарку. Унда яланг далага қараганда сақланиб қолиш қулайроқда. Шунинг учун ҳам бизни бу ердан ҳайдаб чиқаришмоқчи... Сиёсий томони ҳам бор...

— Қазакларда қандай сиёсат бўлиши мумкин?

— Ҳақиқий, сиёсий сиёсат. Агар улар Уральскни олса, уни ўроқлик казакларнинг пойтахти дейиш мумкин, кўзғолон баттар кучаяди. Кўзғолоннинг муваффақиятига ишонмай, иккиланиб турганлар ҳам яшириб қўйган милтиқ ва пулемётларини кўтариб чиқадилар. Ана унда ҳақиқатан ҳам танг аҳволда қоламиз... Хайр, майли. Менга қара, Сапожковни бу ёққа чақириб кел-чи. Ўзинг ҳам кел. Бу масалани муҳокама қилиш керак... Бировни юбормай, ўзинг бориб кел. Йигитларингнинг гапига қулоқ солмаслиги ҳам мумкин...

Дронов шу ерда бўладиган йиғилишга штаб бошлиги ва сиёсий бўлим бошлиғини ҳам чақиритишни буюрди-да, ёстиққа ёйбошлаб, кўзларини юмди.

«Лекин раҳбарлик қилиш ҳам... оғир экан»,— ўйлади у.

Таклиф қилинганлар қирқ минутлардан сўнг тўпланишди. Ён хона тор эди, шунинг учун эшикнинг иккала тавақасини очиб, нариги кабинетга ҳам стуллар қўйишди. Энг кейин махсус бў-

лим бошлиғи ҳамроҳлигида Сапожков келди. У йиғилганларга сузилиб қаради-да, стулни суриб қўйиб, унга секин ўтирди.

«Қайфи бор»,— гаши келиб хаёлидан ўтказди Дронов. Агар қуршовда бўлишмаганда, у Сапожковни тинчитган - бўларди. Энди ноилож чидаб турипти.

— Бу ёққа кел,— деди у Сапожковга.— Нега чеккага ўтириб олдинг? Худди мусичага ўхшаб...

Сапожков истамайгина ичкарига ўтиб ўтирди.

— Нима гап?

— Сендан эшитмоқчимиз, дивизия бошлиғи. Казаклар хужум қилиб келяпти-ку. Нима қиламиз?

— Нима ҳам дердим,— илжайди Сапожков.— Ҳозирча солишиб турибмиз, у ёғини унда кўрамиз.

— Дивизия бошлиғига ярашмайди бу гап... Фикримча, вазият шундай бўлиб қолдики, биз бу ерда, Уральскда Фрунзе юборган қўшинлар етиб келгунча нима қилиб бўлса ҳам шаҳарии қўлдан бермай туришимиз керак.

— Казаклар қараб турмаса керак...

Дроновнинг жаҳли чиқди. Бу дивизия бошлиғи шунча беъънилиги етмагандек мазах ҳам қиляпти.

— Биз казаклар нима қиларкан деб ўтирмаймиз,— жаҳл билан деди у.— Биз шаҳар атрофидаги мудофаа иншоотларини қуриб битирганимиз йўқ. Окопларда фақат белгача бекинмиш мумкин. Алоқа йўллари бундан ҳам баттар. Баъзи жойларда улар умуман йўқ. Қизиқ, дивизияга юборилган инженерлик қўшинлари бошлиғи нима қиляпти ўзи? Бу ерда Карбишев борлигидагина у бир оз ҳаракат қилди.

— У бизга бўйсунмайди,— эътироз билдирди штаб бошлиғи.

— Ўровда қолган шаҳарда ҳамма старший командирга бўйсунди. Ўртоқ Шибанов, менимча, еен улар билан қизиқиб кўришинг, нима гап ўзи, билишинг керак.

— Одамлар оз,— деди махсус бўлим бошлиғи.

— Аҳолини сафарбар этиш керак. Кечалари ишлаймиз. Шунда тинчроқ бўлади. Жангчиларнинг ўзлари ҳам ишласин. Ҳар ким бўйи кўринмайдиган окоп қазизи мумкин. Белкурак шунақа ишларга берилади.

— Окоп қазиш-ку қийин эмас-а,— деди Сапожков,— лекин уларда ким ўтиради?

— Ҳозир бизда қанча аскар бор?— сўради Дронов штаб бошлиғидан.

— Икки минг тўрт юз саксон икки нафар,— деди у.

— Ҳозир дивизиянинг Уральскда турган қисми рўйхатида-чи?

— Уч мингдан сая ортықроқ.

— Чакки эмас экан! Жуда кўп одамларимиз бекорга сандирақлаб юрмайтимикин, а, ўртоқ дивизия бошлиғи? Нега шундай бўлганини биламан. Қазаклар қўшинларнинг ярмини Деркўл яқинида биздан ажратиб қўйишди, лекин орқа томонидаги ҳамма муассасалар шундайча қолди-ку.

— Ҳа, фронт орқасидагиларни камайтириш керак,— деди Шибанов.— Кўзга ёмон кўриниб юришипти.

— Бўлмаса, сенинг отрядингдан бошлаймиз,— ачитиб гапирди Сапожков.

— Отрядим сўнгги одами қолгунча жанг қилади. Ундан ташвишланмасанг ҳам бўлади.

— Ҳозирча у фронт орқасида жанг қиляпти.

— Бу ҳам керак,— вазминлик билан дўриллади Шибанов.— Бу ерда ҳар хил мурдорлар тўлиб-тошиб ётибди.

— Шунинг учун,— тўхтатди уларни Дронов,— дивизия бошлиғи, сиёсий бўлим бошлиғи ва махсус бўлим бошлиғидан иборат учлик бугуноқ дивизиянинг фронт орқасидаги барча муассасалари шахсий составини қайта кўриб чиқиши, фақат фронт орқасидагиларни эмас, штабдагиларни ҳам қисқартириши керак. Бу ерда ҳам одамлар ачиб ётибди. Бири пашша қўрийдди, иккитаси унга ёрдамлашади, учови ҳам банд. Ана шу бўшаганларни қисмларни тўлдириш учун юбориш керак.

Сапожков ноқулай аҳволда эди. Дронов бамаъни таклифларни ўртага ташлаганлигини у тушуниб турарди. Уларнинг ҳозирги вазиятида бирдан-бир тўғри йўл шу эди. Бу ердан қандай қилиб тезроқ чиқиб кетиш хаёлида ўтирган Сапожков бунга ўзининг ақли етмаганига ачинди.

— Ҳе, ўша фронт орқасидагилару, штабдагилар урушишни билармиди,— эътироз билдирди у одати бўйича.

— Уларни сен тажрибали жангчилар ўртасига оралатиб қўй, қарабсанки, бир ҳафтадан сўнг бошқалардан қолишмайди.

Уральск жимжит бўлиб қолди. Шаҳар ташқарисида тўплар гумбурларди. Казаклар бало-қазодай ҳужумга ташланишди, бироқ ўқ ёмғирига дуч келишарди-да, ўз йўлларини жасадларга тўлдириб, орқага қайтиб кетишарди. Улардан сўнг бошқалари эмаклаб келишарди, лекин улар ҳам Уральск ҳимоячиларининг найзаларига дуч келиб, чекинардилар. Аммо шаҳарнинг ўзи тинч бўлиб, одам кам эди. Қўнгилли бўлиб ёки сафарбарлик билан эркаклар окоплар қазишга кетганди, энди бу окоплар одам баравари бўлиб, тиккасига отилган ўқлардан сақланиш учун соябон ва блиндажи, қинғир-қийшиқ, эгри-бугри алоқа йўллари бор эди. Шаҳарга яқинроқда эса окопларнинг иккин-

чи линиясини тамомлаб, учинчисини бошлаётган эдилар. Шаҳарда бекорчи ҳарбийлар ҳам кўринмай қолганди. Фронт орқасидаги ҳамма ҳарбий муассасалар яхшилаб қайта кўриб чиқилди. Қимни қисқартириш керак бўлса, қисқартиришди, қимни ўзгартириш керак бўлса, ўрнига маҳаллий аҳолидан кексаларни ва аёлларни қўйишди.

Аёллар ҳамма жойда: идораларда ҳам, телефон станциясида ҳам, соқчиликда ҳам, нонвойхонада ҳам бор эди. Кечкурунлари, соқчилар алмашаётганда инвалид жангчи бошчилигида қурулланган аёллар дивизия штаби, цейхгаузлар, қурул-яроғ, озиқ-овқат омборлари олдидаги постларни эгаллаш учун кетаётганини кўриш мумкин эди.

Дивизия штабида туни билан чироқ ёниб турарди. Озайиб қолган штаб ходимлари бу ерда оператив ишлар учун қолдирилганди, улар навбат билан суткасига уч-тўрт соат ухлашарди. Бўшаб қолиб, жуда кенг кўришиб турган хоналарда алоқачиларнинг қадам олишлари баралла эшитилар, телефон аппаратларининг зуммери ҳар замонда чийиллар, аҳён-аҳёнда эшик оқпилиб-ёпилар эди.

Дронов ўз хонасида ётиб, фронтдаги операцияларнинг боришини кузатар, маслаҳат солар, лозим бўлса буйруқ ҳам берарди. Унинг бошида энди иккита телефон аппарати турарди, бири фронт билан, иккинчиси штаб оператив пункти билан боғларди. Полк ва батальонларда оғир яраланган дивизия комиссари госпиталга ётмай, ўз ишини давом эттириб турганини билишарди. Ўз ҳаётини минут сайин хавф остига қўядиган одамларга Дронов қилган иш нечундир аллақандай бир жасорат бўлиб туюлаётганди.

Ўқтин-ўқтин, кўпинча кечки пайтлар, отишма тинчиганда унинг олдига Шибанов келиб, воқеалар ҳақида сўзлаб берарди.

— Шаҳарчамиз ичига кўп нарса яширинган экан. Кеча йигитларим қурул-аслаҳа омборини топиб олишди. Омборча чакана эмас экан: иккита станокли пулемёт, милтиқлар, гранаталар. Патронлар шундоқ— яшиқлари очилмаган. Қисқаси, уч аравага юклашди.

— Маҳаллий фавқулодда комиссиянинг кўзи қаёқда экан?

— У ерда, Фаддей Ефимович, қарайдиган одамнинг ўзи йўқ. Ҳаммаси қандайдир болакайлару, қизлардан иборат.— Шибанов кулимсиради.— Менга осилицияпти. Нега биз билан маслаҳатлашмайсиз, эмиш.

— Сен нима дединг?

— Хотиржам қилдим... Уларни соқчилар билан бирга окоплар қозиш учун жўнатишга ваъда бердим.

— Қимнинг омбори экан? Қимга мўлжаллаб қўйишган экан?

— Уларнинг нияти катта бўлса ҳам, қўллари узоққа етмас экан. Қимларга мўлжаллаб қўйишган бўлса ҳам, қўлга тушириб, окопларга олиб кетдик ва ишончли йигитларга тақсимлаб бердик. Омбор кимники эканлиги эса маълум, колчакчиларники-да.

Бошқа бир келганда Шибанов кулиб гапириб берди:

— Дивизия бошлиғимиз эса хотиржам бўлгани йўқ. Уйқусида ҳам Уральскдан қанақа қилиб чиқиб кетишни туш кўради. Фрунзе берган ўша радиограммадан сўнггина у Михаил Васильевичга бошқа мурожаат қилмайдиган бўлди. Энди у ўз арзодини командармимизга айтиб ётипти.

— Хўш, Авксентьевский нима деяпти? Гапига қулоқ соляптими?

— Янги одам-ку! Армияни қабул қилганига ҳали ҳеч вақт бўлгани йўқ. Фрунзегга Уральскни ташлаб чиқишга рухсат бериши ва кучларни Волгага чекинтиришни ёзган телеграммасининг маънисига ҳам тушуниб етгани йўқ. Ҳамон ўша баҳоналар: Уральскни сақлаб қолиш мумкин эмаслиги, фронт чизигининг қисқараётганлиги, хуллас, сапожковча баҳоналар.

— Бунга Фрунзе қандай қаради?

— Икки кишининг, ўзи ва Куйбишевнинг имзоси билан жавоб ёзди. Уральскни нима сабабдан ташлаб чиқиш мумкин эмаслигини тушунтириб, сўнг бу ҳақдаги ҳар қандай гапларга барҳам беришни буюрди. Хуллас, Авксентьевский роса гап эшитди. Шунинг учун у дивизия бошлиғимизга нега шарманда этдинг, деб аччиқ қиляпти.

Баъзан Дроновнинг олдига Сапожков кирарди. Комиссарнинг ичкиликбозлик тўғрисидаги қаттиқ гапидан сўнг энди у бу ерга ичишни ташламаган бўлса ҳам, ҳамма вақт ҳушёр келарди. Ичкиликни ташлаш унга жуда қийин эди. Сапожков қандайдир ўзи ҳам билмай комиссарга энг муҳим масалаларда ён бериб қўйганлиги, унинг даъволарига эътироз билдирилмай қолгани, унинг иродасига бўйсуна бошлагани учун ўзидан ҳам аччиқланар, комиссардан ҳам ўпкаларди, учрашувлар олдидан фиғони чиқарди.

— Қачонгача бу ерда ўтирамиз?— бу сафар гапни шундай бошлади Сапожков.— Ҳеч тушуна олмаяпман, бу ерда бизга нима бор?

— Қанча вақт керак бўлса, шунча ўтирамиз,— эътироз билдирди Дронов.— Умуман оладиган бўлсак, кўп қолмасак керак. Наридан борса икки ҳафта турамиз.

— Қаёқдан олиб гапиряпсан, комиссар?

— Тушуниш қийин эмас. Уральскни қуршаб олган душман қўшинлари анча камайди. Улар бизга олдингига қараганда оз

хамла қияпти ҳам. Улар қаёққа кетган бўлиши мумкин? Уфага, Каппелга ёрдамга кетганмикан? Унчаликмасдир. Олис, қолаверса, ноқулай. Демак, қаердадир, эҳтимол, шимолда бизга ёрдамга келаётган қўшинлар йўлига ғов қўйишаётган бўлиши мумкин.

Сапожков сесканиб кетди. Комиссар пайқапти-ю! Бир неча кун муқаддам дивизия бошлиғи колчакчилар ўз кучларининг бир қисмини Уральскдан олиб, Пугачевск районига ташлаганлиги тўғрисида жуда ишончли маълумот олган эди, лекин сводкада бу ҳақда ҳатто эслатмади ҳам. Гапни бости-бости қилиш учун тўнғиллаб деди:

— Э, ҳали унгача гап узоқ, аммо, ҳозир жангчиларни хумор тутиб, жинни бўляпти.

— Мен ҳам шу ҳақда ўйлагандим,—деди Дронов.—Тамаки-сиз ҳақиқатда қийин. Шахсан командармга радиogramма юбор. Уларда махорка тиқилиб ётипти. Осмондан юбортиришин.

— Қандай қилиб осмондан юбортиришади?

— Уларнинг аэропланлари разведкага учяпти-ку. Йўл-йўлаккай бизга керагича махорка солинган қопларни ташлашади. Саратов яқин-ку. У ернинг махоркаси машҳур...

Дивизия бошлиғи сўзини йўқотиб қўйди ҳозир. Командарм билан муносабати ёмонлигидан бевосита унга мурожаат қилиши ёрдам беришига ишонмасди.

— Радиogramмага сен имзо чекасанми?—сўради Сапожков.

— Бўлмасам-чи...

...Эртасига Уральскда бутун фронт Саратовнинг жуда яхши махоркасини тутата бошлади. Қазаклар ҳеч ёқда кўринмасди, шунинг учун ҳам шошилмай, «осмондан тушган инъом»дан, бу ердаги фронт сукунатидан лаззатланиб чекиш мумкин эди.

7

Ҳеч ақл бовар қилмайдиган бундай бемаъниликни фақат даҳшатли тушда кўриш мумкин. Лекин бу туш эмасди, шунинг учун янада кўрқинчлироқ эди.

Фрунзе мўлжаллаганидек, Каппель корпуси 24-дивизиямиз билан бўлган жангларда муваффақиятсизликка учрагач, Белебейга чекиниб бориб, у ерда ҳам кўп тўхтаб қололмади. Фрондан 31-дивизиянинг ва сўл қанотдан Биринчи армиянинг ҳужумига дуч келган бу корпус Кутяков бригадаси шимолдан Белебейни айланиб ўтиб, ўнг қанотидан шиддат билан орқа томонига кириб келаётганлигини сезган ҳамон Чишмага қараб, Оқ дарё яқинига чекинишга шошилди.

Шундай бўлишини олдиндан билган Фрунзе ўз қўшинлари-

нинг илгарилаб боришини тўхтатмай, бор отлиқ аскарларнинг ҳаммасини колчакчиларнинг орқа томонига юборди, бу колчакчиларнинг Уфага кетиб қолмаслиги учун уларни кечувдан маҳрум қилмоқчи эди.

Белебейдан чекиниб бораётган Каппель корпуси ва душманнинг бошқа қўшинларини ўнглана олмайдиган қилиб қўйиш учун фақатгина бир ҳамла қилиш қолган пайтда фронт қўмондонлигидан ҳужумни Тўқай-Тов, Шафраново, Асликўл, Тўпкелди чизигида тўхтатиш тўғрисида буйруқ келди. Бу штаб картасида тўппа-тўғри қилиб чиройли чизиб қўйилган бўлса-да, душманга ҳеч қандай хавф сололмасди.

Бу буйруқдан сўнг фронт ҳам қоронғида пешонаси деворга тақ этиб теккан отлиқдай тўхтади қолди. Нима бўлаётганини ҳеч ким тушуна олмасди. Алоқачилар югуриб-еларди, дала телефонларининг зуммери чийилларди; телеграф аппаратлари тақилларди, рота ва батальонлар командирлари полк ва бригадалар командирларидан сўрашар, улар ўз навбатида дивизия ва армияларнинг штабларидан суриштиришарди, лекин у ерда ҳам нима сабабдан бундай буйруқ берилганлиги хусусида ҳеч нарса дейиша олмасди.

Бу буйруқ тўғрисида фронт Революцион ҳарбий кенгашида ҳам гап борди. Революцион ҳарбий кенгаш аъзолари, Лашевич ва Юренев кечга яқин, кундузги ишлар товсаллаб қолиб, ярим тунда бўладиган охириги ишлар ҳалли бошланмай турганда Гусевнинг хонасига йигилишди.

Хона дим эди. Лашевич боққа қараган иккала деразани очиб юборди.

— Ҳайронман,— деди у жойига бориб ўтираркан,— жуда муваффақиятли кетаётган ҳужумни нечун тўхтатиб қўйилди?! Бу буйруқ келган вақтда Жанубий группа фронтда эдим. Бу ҳақда у ерда нима дейишаётганини эшитсангиз эди. Катта командирлар ҳозирча индамай ўзларини тутиб туришипти.

— Чапаев-чи?— сўради кулимсираб Юренев.— У ҳам индамайптими?

— Чапаев билан учрашмадим, Кутяков бу буйруқ ҳақида қандай фикрда эканлигини эшитишга тўғри келди... Лекин Кутяков мен билан яккама-якка гаплашди, буйруқни қанақасига шарҳлашаётган бўлмасин, Кутяков қўл остидагиларга ҳар нарсани вайсамайди. Аммо полк ва батальонларда сотқинлик тўғрисида очиқдан-очиқ гапиришяпти. Бу ҳақда ҳеч кимдан тортиниб ўтирмай, ўз фикрларини билдиришяпти. Бундай кайфият армияларимизнинг жанговарлигини оширади, деб бўлмайди.

— Қанақа жанговарлик қолди энди,— хўрсинди Юренев.— Ишқилиб Линдов воқеасига ўхшаган нарса бўлмасайди...

Кабинет жимжит бўлиб қолди. 22-дивизиядаги қўзғолон тафсилоти Революцион ҳарбий кенгаш аъзоларининг ёдига тушди. Бу қўзғолон шу йил январь ойида бўлганди. Троцкийдан келган асабий телеграмма, унинг Москвадан исёнчиларга қарши оғир ва енгил тўплари бўлган бир неча полкни юбораман деб қўрқитгани, эндигина Тўртинчи армияга қўмондонлик қила бошлаган Фрунзенинг бу дивизияга келиши ва ўша ерда жазо полклари, артиллериясиз исён кўтарган бўлинмаларни тинчитиб, уларни жанговар ҳолатга келтиргани эсга тушди.

— Ҳўш, Фрунзе-чи?— сўради Гусев.— Уни кўрдингми?

— Икки марта фронтда учрашдик. Ташвишда, албатта, лекин сездирмаяпти. Назаримда, ўз қўшинлари руҳини кўтариб туриш учун ҳозир у фронтда юрипти. Қисмларда унинг обрўси жуда катта. Ўша Кутяковнинг ўзи эътироф этди. Фақат Михаил Васильевичга ишонаман, деди.

— Яхши-ку, бу оз,— деди Гусев.— Агар қўшинларга бундан буён ҳам шундай раҳбарлик қиладиган бўлсак, бундан ҳам маҳрум бўламиз.

Улар юз берган вазиятни муҳокама қилиш учун илгари ҳам бир неча бор шу ерда йиғилишган эди. Самойло Симбирскка келган дастлабки кунидан бошлаб фронт Революцион ҳарбий кенгашига нисбатан ўзини жуда мустақил тута бошлади. У тўғри телеграф орқали гаплашиб туриб, командирлар ва аниқса Фрунзенинг саволларига жавоб беролмаган пайтдагина Революцион ҳарбий кенгашни эслаб қоларди. Белебей хусусида айтиш қолгандан сўнг, у Фрунзедан чўчий бошлаган эди. Бундай ҳолларда Самойло Революцион ҳарбий кенгаш билан маслаҳатлашишим керак дерди-ю, маслаҳатлашишдан бош тортарди, ўзича мустақил иш кўришни афзал кўрарди.

Самойло командармларни четлаб, дивизияларга ва ҳатто бригадаларга раҳбарлик қилишга уринаётганлигини, у ўйламай ва умуман нотўғри кўрсатмалар бераётганлиги, аниқлаб берман деган баҳона билан кўрсатмаларни тубдан ўзгартриб юбориши, кўпинча нотўғри йўлга солаётганлигини Революцион ҳарбий кенгаш аъзолари кўриб турардилар. Буларнинг ҳаммаси фронт штабини асабийлаштириб қўяр, армия ва дивизияларни ранжитар эди. Фронт билан армия қўмондонлиги ўртасидаги тўғри муносабат бир қатор англашилмовчиликлар туфайли бузилиб қолди. Командармлар ҳам асабийлаша бошлади. Фронт кўрсатмаларини очиқдан-очиқ танқид қиладиган бўлиб қолишдики, бу сира кутилмаган нарса эди. Энди бунга тоқат қилиб бўлмасди.

— Сиз ҳали Тухачевскийнинг сўнгги телеграммасини билмайсиз,— деди Гусев.— Гап шундаки, бу тўполонда Бешинчи

армияга айниқса қийин бўлди. Кейинги ўн кун ичида унга бир-бирини инкор этадиган бешта кўрсатма берилди.

Юренев ва Лашевич инонқирамай бир-бирларига қараб қўйдилар. Бу хабар сира ҳақиқатга тўғри келмасди. Боринги, иккита, учта кўрсатма бўлсин! Бешта эмас-ку ҳар қалай.

— Мана ўзингиз ҳисобланг...— Гусев ўзининг олдидаги қозғоларни титқилай кетди.— Ўнинчи майда Бешинчи армия фронт кўрсатмаси билан кескин шимолга, Мензелинск районуни буриб юборилди. Ўн иккинчи майда кўрсатма аниқлангач, армиянинг ўнг қаноти шимоли-шарққа тўғриланди. Ўн еттинчи майда учинчи кўрсатма бўлди, унга кўра Бешинчи армия Мензелинскдан янада шимолроққа, энди Ела бугининг чап томонига, генерал Гайданинг Сибирь армияси қанотига қараб бурилди. Эртасига, ўн саккизинчи майда бу йўналиш қайтадан кўриб чиқилиб, Бешинчи армияни тўқсон даража ўнгга буришди. Бу армияга Ик ва Кама дарёларини кечиб ўтиб, Пьяний Борга чиқиш таклиф қилинди. Икки кундан кейин, йигирманчида эса бу рёса сарсон ва абгор бўлган армияни яна қирқ беш даража ўнг томонга буриб, Бирскнинг чапроғига, Каппелнинг Сибирь зарбдор корпусига қараб ташладилар. Бу корпус Фрунзе Жанубий группасининг ҳужуми тўхтатиб турилиши ва маневр қилаверишга берилган бу топшириқлар туфайли деярли унчалик талофат кўрмай, Белебейдан қочиб қолишга муваффақ бўлганди... Хўш, энди ишондингизми?

Эътироз билдириб бўлмасди.

— У қанақа телеграмма экан, ҳалиги сен айтганинг?— сўради Лашевич.

— Уни ҳозир ўқиб чиқдим. Телеграмманинг ўзи Самойлода.

— Хўш, ўзи нима дейилган экан?

Гусев фикрини бир жойга йиғиш учун бир оз тўхтади.

— Тухачевский ўнинчи майдан бошлаб Самойло негадир Бешинчи армия учун бешта топшириқ бергани, бу топшириқларнинг ҳар бири олдингисини бекор этавергани тўғрисида телеграф қилган... Сўнг у фронт қўмондонидан 1918 йилдаги армия уставининг ўн тўққизинчи моддасига риоя қилишни қаттиқ илтимос қилган, бу моддада буйруқ беришдан олдин уни обдан ўйлаб кўриш лозимлиги айтилган... Телеграмма мазмуни тахминан шундай.

— Бу қанақаси, шифровками?— сўради Юренев.

— Ҳамма гап шунда-да, телеграмма очиқ текст билан берилган.

Лашевич ҳуштак чалиб юборди:

— Демак, армия штабида у сир эмас экан. Бир-икки кундан сўнг дивизия бошлиқлари, бригада командирларига у ҳақда маъ-

лум бўлади, сўнг қарабсанки, полк командирларига ҳам бориб етади... Чакки эмас, фронт қўмондонининг обрўсига обрў қўшилади.

Гусев ишончсизлик билан қўл силтади:

— Қанақа обрў бўларди! Тухачевский бошқаларнинг кўнглидаги гапни айтибди-қўйибди. Самойло қўмондонликни қабул қилар-қилмас улар бошига солган сарсончилик беҳуда кетмаяпти.

— Ҳайронман,— деди Юренев,— бунақа одамни қанақасига фронт қўмондони қилиб тайинлашган экан?

— Нимасига ҳайронсан? Троцкий Фрунзедан қутулиши керак, шунинг учун Самойлони тайинлашган,— эътироз билдирди Гусев.— У топширилган ишни бажарадиган, юқоридан қандай топшириқ бўлмасин «хўп» деб турадиган одам. Унинг нўноқлиги, ношудлиги, билим ва тажрибаси йўқлиги, ташаббуссизлиги, ўзи мустақил биронта бамаъни қарор қабул қилолмаслиги билан Троцкийнинг нима иши бор?.. Энг муҳими — мос келмайдиган одамдан қутулиш, бошқасининг аҳамияти йўқ. Шунинг учун Самойлога унчалик айб қўйиб бўлмайди. Ҳозирги лавозим унинг ўрни эмас холос, ҳаммадан ёмони шуки, буни тушунмайди.

— Гап бундай, ўртоқлар,— кескин қилиб гапирди Лашевич,— бунга барҳам бериш керак.

— Қандай қилиб?— сўради Юренев.

— Ильичга ёзамиз. Самойлони Сергей Иванович қандай таърифлаган бўлса, шундай деб очиқдан-очиқ ёзамиз.

Юренев кулимсиради:

— Кескин бўлмасмикан?

— Кескин бўлса ҳам очиқ бўлади-ку. Унга шунақаси маъқул.

— Яхши,— якунлади Гусев,— шунга қарор қилдик бўлмаса. Каменевнинг қайтарилишини сўраш керак. Фақат партия Марказий Комитетига ёзамиз.

— Нега Ленинга эмас?— ажабланди Лашевич.

— Владимир Ильич ўзи бу масалани ҳал қилиб ўтирмайди, бинобарин, уни беҳудага овора қилмаслик керак. Шунинг ҳам ҳисобга олинганки, Троцкий фронт қўмондонини Мудофаа Кенгаши билан ҳам, Марказий Комитет билан ҳам маслаҳатлашмай, шахсан ўз буйруғи билан алмаштирган бўлиши мумкин. Унинг характери шунақа. Уни тартибга чақириб қўйилса ёмон бўлмасди.

8

Александровский боғи жимжит ва бўм-бўш эди. Кўп вақтдан буён тозаланмаган йўлакларда ўт ўсиб кетганди. Уйнаб-кулиб юрадиган шўх болалар ҳам, офтобда исиниб, бўш вақтини газета ўқиш билан ўтказадиган қариялар ҳам ҳеч ерда кўринмасди. Фақат бу ерда аргувонлар аввалгидек қуюқ гуллаб турар, улар-

нинг япроқларида қандай омон қолгани маълум бўлмаган асаларилар ўрмалаб юрар эди.

Сергей Сергеевич Каменев боғ хиёбонидан оҳиста юриб борарди. Кадетлар корпусидалигидаёқ вақт қанчаллигини тахминан билишига ўрганиб, ҳозир ҳам шошилмай борарди.

Уни Шарқий фронт штабидан хамирдан қил сугургандай олиб ташлашган вақтдан буён ҳали ўзига келмай ажабланиб юарди. Аввалига унга сизни бош қўмондон ихтиёрига чақириб олишяпти, деб айтишган эди. Каменев анойи эмасди, бу гапнинг маъносини жуда яхши биларди. Қутулиш учун штабнинг қаеригадир тикиб қўйишади. Лекин бошқача бўлиб чиқди. У билан учинчи даражали ходим суҳбатлашди. Унинг учун Вацетиснинг вақти йўқ экан. Бир неча кундан бери штабга қатнаётган Каменев республика Революцион ҳарбий кенгаши раисининг қабулига ёзилди: Аммо Троцкий уни қабул қилмади. Эртасига беюзроқ ёш адъютант бош қўмондон буйруғи билан унга бир ярим ойлик отпусқа берилганлигини Каменевга маълум қилди. Шундай қилиб, Совет республикасини душманлар ўровида қолган шундай қалтис бир вақтда у, жанг кўрган бош штаб офицери ишдан четлатиб қўйилди.

Кейин Сергей Сергеевич ҳеч ёққа бормади. Мажбуран ишсиз қолганлигига қаттиқ қайғуриб уйда ўтираверди. Революциянинг дастлабки кунларидаги воқеалар негадир хотирасига кела бошлади. Ушанда солдатлар уни полк командири қилиб сайлашганди, полкка у бунгача ҳам командирлик қиларди. Уша вақтда ҳамманинг ҳам хизмати бундай эътироф этилмасди. Лекин у негадир бу ҳақда ўйламасди. Армия тарқалиб кетиб, у Полоцкда Учинчи армия штаби бошлиги бўлиб турган вақтда куну тун эшелонларга қурол-яроғ, ўқ-дори, кийим-бошлар юклаб, уларни ўз қўшинларини деярли ҳимоясиз қолган ёш Совет республикасига қарши ҳужумга ташлаётган немислар қўлига тушиб қолмасин учун мамлакатнинг анча ичкарасига жўнатаётганда ташвиш тугилди.

Бу тарқоқ қизиқ гвардиячи отрядлардан Ғарбий тўсиқ қисмлари тузила бошлаганда жуда асқотди. Бу қисмлар немисларнинг Петроградга кириш йўлига ғов бўлди!

У ўтмиш ҳақида қанча кўп билса, Шарқий фронт шунчалик кўп эсига келарди. У ерда ҳозир нима бўлаётган экан? У ҳамма вақт ҳам принципиаллик қилмагани, бош қўмондон тазйпқи остида Жанубий группа зарбасини камайтиргани, бу зарбани Фрунзе ўйлагандек шимоли-шарққа эмас, шимолга, сўнг эса шимоли-ғарбга йўналтиргани баъзан хаёлига келиб қоларди.

Булар қийноққа солувчи, кераксиз хаёллар эди. У уларни миясидан чиқариб ташлашга ҳаракат қиларди. Лекин унинг

бўш вақти кўп бўлгани учун бу хаёллар яна миясини чулғаб оларди.

Тўғри, аввалига Тўртинчи армиянинг янги командарми унда унчалик таассурот қолдирмаганди. Фрунзёда ҳарбийларга хос ҳеч нарса кўринмасди. У бош қўмондон фронтга ваъда қилган юз минг кишилиқ армиядан зарбдор группировка тузиш планини бир кўриб чиқиб, уни рад этгани, ўзи олиб келган партия ходимлари ёрдамида маҳаллий кучлардан тез ва осонгина полклар туза бошлаганлиги ҳам Каменевни сергалантириб турарди.

Тўғри, ваъда қилинган ёрдам кучлари Шарқий фронтга жуда қийинчилик билан бўлиниб-бўлиниб, кечикиб келди, улар сира ҳам юз мингга бормасди — бош қўмондон катта яхлит рақамларни яхши кўрарди-да! Шунинг учун Фрунзе планидан фойдаланишга тўғри келди. Михаил Васильевич Самара, Саратов, Вольск ишчиларидан келган ёрдам кучларидан фойдаланиб бўлиб, Пензага қадар сўзини ўтказа олди. Пенза ҳам унга иккита ишчилар полки тузиб юборди.

Каменев ўшанда ҳам Фрунзенинг Бузулукдан душманнинг 3 ва 6-Уральск корпуслари оралигига қарши зарба бериш планининг моҳиятини ҳали тўла тушунмаганлигига ҳайрон эди. Қарши зарбанинг катта жойни қамраб олиши шубҳа туғдирганди, шу зарбанинг ўзи муваффақиятли тугаган тақдирда Колчак кучларининг жанубий қанотини сафдан чиқара оларди. Агар душман Самарани қўлга киритиб, Жанубий группа армияларини озиқ-овқат базаларидан узиб қўйса, армиялар ўровга тушиб қолса, нима бўлади деган андиша бор эди. Бу армиялар шимолда чекинаётган қўшнис билан алоқани йўқотиб қўйиб, бардос беролмай қолса, алоқани қайта тиклаш учун орқага қайтиб кетса нима бўлади? Гражданлар урушида бунга ўхшаш ҳоллар кўп бўлган-ку... Биринчи армиянинг командарми Гайнинг зўр бериб ҳар ёққа жўнатаётган телеграммалари ҳам асабга теккан эди, у ёрдам сўраб армияларни Оренбургдан олиб кетишни талаб қиларди...

Учинчи майда, душман ўз орқа томонига хавф бўлаётганини ҳис этиб, чекинишга тушгани равшан бўлгандагина Каменев ўз хатосини тушунди, лекин энди кеч бўлган эди. Уни бош қўмондон ихтиёрига чақириб олишди.

Сергей Сергеевич хотираларидан ана шу тарзда қийналаётган эди.

Бирдан ҳамма нарса ўзгариб кетди. Мажбуран отпускага чиққанлигига уч ҳафта бўлганда уни республика Революцион ҳарбий кенгашига чақириб қолишди, ўша адъютант энди жуда эҳтиром билан ўртоқ Ленин Сергей Сергеевични эртага соат ўн иккида ҳузурига келишни сўраётганлигини маълум қилди. Сер-

гей Сергеевичга пропуска буюриб қўйилган. Уртоқ Лениннинг қузурига кечикиб кириши мумкин эмас.

Каменев бунга жавобан сермулозамат адъютантга ғазаб билан чақчайган кўзларини олайтириб, кечикишга ўрганмаганман, деб эътироз билдирди.

Ленин нега чақираётганлигига ҳайрон бўлиб у чиқиб кетди, шаҳар кўчаларида анча вақтгача айланиб юрди ва кечаси ётиб ўйла, эртаси туриб сўйла, деб уйга қайтди.

...Пропускалар бюроси дарчаси олдида одам унчалик кўп эмасди: қандайдир ҳарбий, гражданча кийимдаги икки-уч киши ва революциядан олдинги кишиларга ўхшаган қари кампир бор эди.

Сергей Сергеевич Кутафьево минораси олдидаги соқчилар ёнидан ўтгач, Александровский боғи орқали солинган гиштин кўприкдан юрди, Троицк дарвозаси олдида пропускани кўрсатиб, Кремлга кирди. Бу ерда ҳамма нарса илгаридан унга таниш эди, шу билан бирга, нимаси биландир ажралиб турарди. У нималигини дарров англай олмай, Сенат биноси олдида боргандагина фаҳмлади: сокинлик. Бу дахманинг ёки кимсасиз жойнинг сокинлигига ўхшамасди, балки қандайдир ўзгача, кишини руҳлантирадиган сокинлик эди, соқчилар алмашиши ҳам, ўтган автомобиль ҳам бу жимликка таъсир қилмасди.

Қабулхонада бичими оддий қора кўйлакли ўрта ёшлардаги аёл Каменевга Владимир Ильич кечирим сўраётганлигини айтди. Ҳозир унинг кабинетида кичкинагина йиғилиш бўлаётган экан. Ун минутлардан сўнг тугаркан. Сергей Сергеевич ичида бундай кечикишга хурсанд ҳам бўлиб қўйди. Бўлажак учрашувга, у қандай бўлишидан қатъи назар, психологик тайёрланиш учун бир неча минут кифоя эди унга. Шу вақтгача кейинроқ тайёрларман деб келарди, бу тайёргарликни ҳазил аралаш «ҳамма тугмаларни тақиб» сўнг кириш, деб атаганди. Ўз хаёллари билан банд бўлган Сергей Сергеевич Дзержинский кабинетдан қандай қилиб чиқиб, йўл-йўлакай унга назар ташлаб ўтганлигига дарров эътибор ҳам қила қолмади.

Эшикда Дзержинскийни кузатиб қўяётган Владимир Ильич кўринди.

— Уртоқ Каменев?— деди у.— Келинг, марҳамат...

Ленин ўзини четга олиб, унга йўл берди.

— Кечирасиз, сизни куттириб қўйдим,— давом этди у, ҳол-аҳвол сўрашиб, Каменевни креслога ўтқазаркан.

— Ҳечқиси йўқ,— деди у.— Мени вақтим бемалол.

Ленин унга синчиклаб қаради.

— Нега ундай, Сергей Сергеевич?

— Отпускадеман, Владимир Ильяич.

— Афсус,— қовоғини солди Ленин, ундан буни сир сақлаша-
ётган эди.— Сизни Ғарбий масоҳадаги Невель районидан била-
ман, кейинроқ Шарқий фронт учун Витебск дивизияси ва Росла-
вль отрядини тузганлигингизни ҳам биламан. Ушанда сиз яхши
ишладингиз. Ҳозир ҳам фронтларимизда аҳвол яхши эмас, лекин
шундай пайтда сизнинг бекор юришингиз... Бу қанақаси бўлди?

— Нима қилай? Мен отпусқа сўрамаган бўлсам...

Ленин икки-уч сония Каменевга синчковлик билан тикилиб
турди, сўнг кўзлари шўх чақнаб кетди:

— Демак, отпусқа сўрамагансиз, шунга қарамай, сизга отпус-
ка беришган... Ким экан сизга бунчалик ғамхўрлик қилган?

— Менга бош қўмондон номидан отпусқа эълон қилишди.

Ленин маънодор қилиб такрорлади:

— Номидан эълон қилишди?... Гапингизни тўғри тушундямми?

— Худди шундай, Владимир Ильич.

— Ҳа-а,— бош чайқади Ленин.— Давлатимиз ҳали ёш, эски-
лик эса ҳамма тирқишдан чиқиб келяпти. Вацетис билан оран-
гизда нима ўтди?

— Шахсанми? Айтадиган ҳеч нарса... Биз қарши зарба пла-
ни ва муддатлари хусусида келишолмадик. Бу келишмовчилик
фронт армияларини икки оператив группага, Жанубий ва Шимо-
лий группаларга бўлиш тўғрисидаги масаладаёқ бошланган эди.
Ушанда республика Революцион ҳарбий кенгаши бундай бўлиш-
га умуман қарши эди...

— Шундан сўнг сизга Волганинг орқасига чекинишни тавсия
этимми? Бу маълум.

— Кейин Бош қўмондонлик ставкаси бизга душманни мар-
каздан ёрдам етиб келгунча тўхтатиб туриш тактикасини таклиф
этди. Бизга юз минглик армия ваъда қилишди...

— Албатта, беришмаган.

— Улар шунча армияни беришолмасди. Бу ерда ҳамма гап
муддатларда. Биз душман жуда орқада қолиб кетган артиллерия-
сини ва тамомила тўзгиб кетган орқа томонини етказиб олмасдан
баҳорги лойгарчиликдан фойдаланиб қолмоқчи эдик. Ана шун-
да уни тор-мор этиш учун жуда оз, асосан маҳаллий қисмлардан
иборат бўлган куч ҳам кифоя қиларди. Марказдан ёрдам кели-
шига биз унча ишонмасдик. Икки-учта дивизия беришса, шунга
ҳам шукур қилардик. Шу кучлар билан биз Жанубий группанинг
қарши зарбасини бошлардик.

— Бузулукдан шимоли-шарққа, душмanning анча ичкарасига
кириб боришни мўлжаллаган қарши зарба секин-аста шимолга
ва ҳатто шимоли-ғарбга қараб бурила бошлаганлигини қандай
тушуниш керак, Сергей Сергеевич?

Каменевнинг юзи сира ўзгармади. У бу саволга ўзича алла-

қачон жавоб топиб қўйган ва шу саволни кутаётган эди. Лекин бу ҳақда ошкора айтиш қанчалик оғир!

Албатта, кўплаб ишончли баҳоналарни кўрсатиш мумкин эди. Масалан, лоақал душмапнинг Жанубий группа коммуникацияларига чиқишга хавф солиб Сергиевскка ёриб кирганлигини ёки Шарқий фронт шимолий қанотининг чекинишда давом этаётганлигини, уни албатта тўхтатиб қолинмаганлигини ёки марказдан ёрдам кучлари жуда секин келаётганлигини баҳона қилиш мумкин эди. Лекин буларнинг ҳаммаси шунчаки баҳона бўларди...

Каменев бу баҳоналар соясига яширинганда қай аҳволга тушишини кўз олдига келтириб, этлари жимирилашиб ҳам кетди.

— Бу менинг айбим, Владимир Ильич,— деди у овози титраб кетмаслигига интилиб.— Мен лозим бўлган пайтда ҳар сафар ҳам Бош қўмондонлик ставкасининг тазйиқига етарлича қаршилик кўрсатолмадим. Биринчиси бу. Иккинчидан, Фрунзенинг ташкилотчилик қобилиятига дарҳол баҳо бера олмадим.

— Нега энди?— хиёл кўзларини қисди Ленин.

— Биласизми, биз ҳарбий қисмларни тузиш вақтида Самара, Саратов райони, умуман бутун Шарқий фронт райони ва айниқса унинг жанубий участкасидан яхшигина фойдаландик. Марказ бизга унчалик кўп ёрдам қилмади. Биздан шу ерда комплектланган қисмларни бошқа фронтларга олиб қўйишган ҳоллари кўп бўлди. Қисқаси, Шарқий фронт Бешинчи армияни истисно қилганда, асосан маҳаллий куч ва воситалар эвазига тузилди. Маҳаллий ресурслар тамом бўлгандек, энди бу ердан ҳеч нарса чиқмайдигандек эди. Ана шунда Фрунзе иккита армияни тузишга киришдики, бу ишга мен, очиғини айтсам, ишонмадим. Унга Тўртинчи ва Туркистон армияларини деярли янгидан тузишга тўғри келганди. Дунёда мўъжиза бўлмайди, командарм эса кўзбўямачи эмас, деб юрардим... Тўғри, у фронтга Иваново-Вознесенск ва Ярославлдан олган бир қанча ходимлари билан келди, ҳатто унинг ўз тўқимачилар полки ҳам бор эди, бироқ бу унга керак бўлган кучларга қараганда бир томчигина эди. Кейин бу полк ва бригадалар қандайдир йўл билан кўпайиб, ҳатто қуролана бошлаган пайтда ҳам ишонмадим. Бу биз, эси ҳарбий мутахассислар учун қандайдир янги, фалати иш эди. Дастлабки жиддий жангдаёқ улар парчаланиб кетади, деб ўйлагандим...

Лениннинг кўзларида кулги ўйнади.

— Ҳамма гап шунда-да!— хитоб қилди у.— Худди шунда. Арсений, унинг яширин ишдаги тахаллуси шундай, тўққиз юз бешинчи йилдаёқ ишчилардан жанговар дружиналар тузганлигини сиз қаёқдан ҳам билардингиз... Лекин сиз, Сергей Сергеевич, жанглар бошлангунча Фрунзе тузган қисмлар қанақалигини текшириб кўрсангиз бўларди. Шунда сиз бош қўмондоннинг

тазйиқига ўзингиз асосли равишда қаршилиқ кўрсата олган бўлардингиз.

— Буни мен душман Бугульма йўналишида маглубиятга учрагандан сўнг тушундим, лекин энди кеч бўлганди.

Улар индамай қолишди.

— Ҳа,— ўйчанлик билан деди Ленин,— кечикиш ҳалокатга олиб келиши мумкин. Кўпинча шундай бўлади ҳам... Ҳозир фронтларда аҳволимиз қанақалигини биласизми?

— Унча-мунча хабардорман... Аҳвол энгил эмас.

— Жуда ҳам оғир, Сергей Сергеевич! Бизни фронтлар ҳалкасида бўғиб ташламоқчи. Ана шу ҳалқани парчалаб ташлаш керак. Шарқий фронт шу жиҳатдан бирмунча қўл келади. Биз Шарқий фронт олдига қўяётган вазифа — қишгача Уролни олиш. Қандай қилиб бўлмасин шунга эришиш керак. Тушуняпсизми?

— Албатта, Владимир Ильич.

Ленин бир оз тўхтаб, қандайдир жўнгина қилиб деди:

— Сизни Шарқий фронтга қайтариш тўғрисида таклиф бор. Бунга нима дейсиз?

— Мен солдатман, Владимир Ильич.

— Қуруқ гап бу,— хиёл қовоғини солди Ленин.— Қўйилган вазифани бажариш мумкинми-йўқми, бизни шуниси қизиқтиради.

— Уни бажариш керак-да, Владимир Ильич,— деди таъкидлаб Каменев.— Қандай қилиб бажаришни эса, сизга Симбирскдан айтишим мумкин.

— Яхши, сизнингча бўлсин.— Ленин креслодан турди.— Ишга тайинланганлигингиз тўғрисидаги буйруқни олишингиз билан жўнаб кетинг.

У хайрлашиб, Каменевни қабулхонагача кузатиб қўйди-да, секретардан Стасовани улаб беришни сўради.

— Елена Дмитриевна? Салом,— деди у Стасова жавоб қилгач.— Ҳозиргина менинг олдимда Каменев бўлган эди. Гусев, Лашевич ва Юренев мутлақо ҳақ деб ўйлайман, уни Шарқий фронтга қайтариш керак. У ерда бўлаётган ишлар сира ақлга тўғри келмайди... Ҳа, менимча, иш юзасидан Каменев билан бош кўмондон ўртасида ихтилоф борга ўхшайди. Вацетис бу тайинланишдан хафа бўлади, албатта. Мана шунақанги ихтилофлар тўғрисида бизни хабардор қилиб туришни фронт Революцион ҳарбий кенгашига топшираемиз, токи вақтида аралашиб турадиган бўлайлик. Албатта, бу етарли эмас. Лекин ҳамма гап Вацетисда эмас. Чамаси, Троцкийни Шарқий фронт ишларидан озод қилиб қўйишни ўйлаб кўришга тўғри келади. Бу ишларда у кўпроқ ўз гапини ўтқазяпти. Апрель ойида, қўшинларни Волгаинг орқасига чекинтирмоқчи бўлганда уни хатосини тўғрилашга уриниб кўрдик. Лекин бундан нима чиқди?.. Агар Фрунзе оёғини тираб

туриб олиб, маҳаллий кучлардан ҳарбий қисмлар тузиш йўлини топмаганда, ҳеч қандай қарши зарба бўлмаслиги мумкин эди... Ҳа, улар у ёқда — Серпухово хуторларида ўзларини жуда эркин тутиб юришипти. Ҳайронман, нега бош қўмондонлик ставкаси, яъни бош қўмондон ва Революцион ҳарбий кенгаш дала штаби Серпуховода турипти? Фронтга яқинроқ бўлиш учун? Қайси фронтга? Йўқ, Елена Дмитриевна, бирон нағма кўрсатиш учун партия Марказий Комитети ва Мудофаа Советидан узоқроқда юриш ниятида бўлса керак... Волганинг орқасига чекиниш амалга ошмагач, Шарқий фронтда Оқдарё бўйлаб ҳужумни тўхтатишни мўлжаллаб қолишди... Сабаб? Йўқ, энди бошқача... Петроградга ва Жанубий фронтга ёрдам бериш зарурати. Ҳа, эски кўшиқни янги куйга солиб айтиб юришипти: Шарқий фронтда ҳужумни тўхтатиш... Марказий Комитет қарори билан дарҳол республика Революцион ҳарбий кенгашига Гусевни киритиш керак, деб ўйлайман. Кейин Революцион ҳарбий кенгаш тўғрисидаги масалани ишлаб чиқиш керак. Ҳа, пленум учун... Умуман уқувсиз, ҳаддан ташқари қўпайиб кетган бу ташкилотни кескин қисқартириш керак. У ерда кўпи билан олти кишини қолдириш керак. Уни ихчам, оператив ташкилотга айлантириш лозим. Албатта Ставкани Москвага кўчириб келиш керак бўлади. Ҳа, унинг пшини жиддийроқ назорат қилиб туриш учун... Троцкийми?.. Биласизми, Елена Дмитриевна, унинг жиззакчилиги бизнинг революциямизни чиппакка чиқариши мумкин. Қимнингдир жиззакчилиги деб жуда қимматга тушиб юрмайлик... Ҳа, ҳа, бу масалани партия Марказий Комитетининг пленумига тайёрланг.

Владимир Ильич трубкани аппарат ричагига қўйгач, бир лаҳза ниманидир ўйлаб қолди. Сўнг бпр даста қоғозни олдига суриб олиб, телеграмма ёзди.

«Симбирск, Шарқий фронт Революцион ҳарбий кенгашига: Гусев, Лашевич, Юрневга.

25. V. 1919 й.

Агар биз қишгача Уролни олмас эканмиз, революция ҳалокати муқаррар деб ўйлайман, барча кучларни сафарбар этинг, ёрдам кучларини диққат билан кузатиб туринг, фронт яқинидаги аҳолини ёппасига сафарбар этинг, сиёсий ишларни кузатиб боринг; ҳар ҳафтада иш якунларини менга шифр билан телеграф қилиб туринг; бу телеграммани Мураловга, Смирновга, Розенгольцга ва барча таниқли коммунистлар ҳамда питер ишчиларига ўқиб беринг, олганлигингни маълум қилинг, оренбурглик казакларни сафарбар этишга алоҳида эътибор беринг; қисмларнинг ичдан бузила бошламаслиги ва кайфияти тушиб кетмаслигига сизлар жавоб берасиз.

Ленин».

Фрунзе Жанубий группа асосий кучларини генерал Ханжин армиясига қарши бурганлиги ҳақидаги хабар Тошкентгача стиб келди. Бундай бурилишнинг дастлабки, ҳозирча ноҳуш натижалари ҳам таъсир қилди. Биринчи ва Туркистон армиялари қўшинларининг бир қисми Оренбург районидан асосий зарба йўналишига ташланганлигидан фойдаланган атаман Дутов руҳланиб кетиб, олдинги жангларда абжағи чиққан казак полклар ва дивизияларини тезда қайта тузиб, апрель ойининг ўртасида шу районда кучсизланиб қолган фронтимиз чизигини сиқиб келди ва Оренбург ҳамда Актюбинск оралиғидаги темир йўлни кесиб ўтди.

Туркистон яна, учинчи марта Совет Россиясидан ажралиб қолди. Туркистон бутун мамлакат билан бирлашиб тургандаги нафасни ростлаб олиш пайти тугади. Бу нафас ростлаш қарийб икки ой давом этган эди. Марказий Россиядан келаётган юклар тўхтаб қолди. Бу юклар ажратилиб, Биринчи армия қисмлари бирлашмасданоқ турли жойларга, фронт яқинидаги шох йўлларга тўплаб қўйилганди. Бу қисмлар атаман Дутовнинг оқ казакларини яқсон этиб, Туркистон қўшинлари Биринчи армияси рўпарасидан чиқиб келаётган эди.

Ҳамма нарсага ўзи жуда муҳтож бўлиб турган ёш Совет республикаси жуда оз запасларидан олс чеккаларга мих, темир, қишлоқ хўжалик қуроллари, ёғоч, дори-дармонлар, балиқ тутадиган жиҳозларни — ҳафтасига жами қирқ бештагача вагонни юбориб турарди. Самара-Оренбург ва Тўрғай районларидан кунига ўттиз вагон дон жўнатарди.

Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзича амалга ошмасди, Туркистонга моддий ва ҳарбий ёрдам тадбирларини уйғунлаштириш учун комиссия тузилган эди. Унинг раиси Элиава ва комиссия аъзоларининг бир қисми Самара ва Оренбургда ушланиб қолишди, бу ер-

да мазкур ёрдамнинг амалий масалалари билан шуғулланишди, Петр Алексеевич Кобозев эса Туркистон ишларидан бирмунча хабардор одам сифатида Тошкентга жўнаб кетди.

Апрель ойигача газмол, қанд, пойафзал ортган саккизта терма маршрут поездлар тузилиб, жўнатишга тайёр қилиб қўйилганди. Туркистон кутубхонасини тўлдириш учун китоблар ортган қўшимча поездни ҳам жўнатишди.

Халқ хўжалиги Олий Кенгаши бир қатор корхоналарни қўчириш тадбирларини белгиладп. Твердан бу олис ўлкага юз эллик инженер ва техниклар жўнаб кетди. Улар бу ўлкада узоқ туриб қолиш учун оилалари, лаш-лушларини олиб кетишди. Шу ёққа юборилган геологлар группасига қидирув ишларини олиб бориш топширилди.

Ҳокимият органлари ишини йўлга қўйиш учун Яков Михайлович Свердлов Туркистонга икки группа партия ва совет ходимларини жўнатди.

Уша кезларда Москвада партиянинг саккизинчи съезди бўлиб ўтди. Съездда Туркистон делегацияси ҳам бор эди.

Владимир Ильич ўзининг жуда ҳам тигиз иш вақтидан икки соат ажратиб, делегация билан суҳбатлашди. У Осипов исёнининг келиб чиқиши ва тугатилиши тафсилотлари билан, унда сўл эсерларнинг қатнашганлиги билан қизиқди, халқ хўжалигининг аҳволини, озиқ-овқат масаласини сўраб-суриштирди, уни айниқса руслар билан ўлканинг ерли аҳолиси ўртасидаги муносабат, меҳнаткашлар революцион активлигининг ўсиши қизиқтирди... Суҳбат охирида эса у делегацияга Москвада бир оз қолишни ва халқ комиссарликлари фаолияти билан танишишни, ўз юртларига қайтиб борганда, уларнинг иш тажрибасидан фойдаланишни маслаҳат берди.

Делегация Москвада бир ойча бўлди. Делегацияни яна Кремлга таклиф қилишди, шунда Владимир Ильич Шарқий фронтда аҳвол оғирлашаётганлигини, Оренбург — Тошкент темир йўлини оқлар узиб қўйиши ҳам мумкинлигини, шунинг учун делегация дарҳол жўнаб кетиши кераклигини айтди.

Улар Ленин билан икки марта қилинган суҳбатдан зўр таасурот олиб қайтишди. Делегация советлар марказий аппарати иши билан танишди. Бу аппарат иши албатта, кўп жиҳатдан энди йўлга қўйилаётган, ҳали такомилга етмаган эди, лекин Туркистондагига қараганда яхши йўлга қўйилганди. Улар ўрганадиган нарсалар кўп эди. Хайрлашиш чоғида уларга Ленин имзолаган мандатлар, китобларни бердилар, бу китоблар орасида Саккизинчи съездда қабул қилинган партиянинг янги Программасидан бир неча нусха бор эди. Партия Программасини бунгача типографик усулда босиб чиқаришга улгуришганди.

Тошкентга қайтган делегация тушган поезд Оренбург— Ак-
тюбинск ораллигидаги йўлдан ўтпб олишга улгурган охирги по-
ездлардан бири бўлди, шундан сўнг бу йўлни атаман Дутовнинг
казак қисмлари эгаллаб олди.

Ўлка партия комитетининг Марказий ижроия комитети,
Халқ Комиссарлар Совети, Революцион ҳарбий кенгаш ва бошқа
бир неча ташкилот аъзолари иштирокидаги кенгайтирилган маж-
лиси тўрт соатдан буён давом этаётган эди. Актюбинск fronti-
да юз берган аҳволни муҳокама этиш учун ана шу мажлисни
чақпрган эдилар.

Аҳвол мушкул эди.

Зиновьев бошқараётган фронтнинг асосий кучлари 1919 йил
январда Қизил Армия билан бирлашгач, Фрунзенинг Жанубий
группасига киритилган эди, бу группани юқоридаги маълум ҳо-
латлар тақозоси билан генерал Ханжиннинг Ғарбий армиясига
қарши ташладилар. Актюбинскда қолдирилган, нисбатан оз куч-
лар албатта, янги қўшинлар билан тўлдирилган атаман Дутов-
нинг ўн минг кишилик армиясига бас келолмасди.

Актюбинск фронтини кучайтириш учун шошилиш равишида
бир қатор қатъий чоралар кўриш керак эди. Ўлка комитети ана
шу мақсадда бу мажлисни чақирган эди.

Вақт ўтиб борарди-ю, лекин бир маънили таклиф тушмаган
эди.

Собиқ сўл эсерлар — уларни Туркистон сўл эсерлар партия-
сини тугатиш чоғида Компартияга қабул қилгандилар ва бир
хатога йўл қўйгандилар: якка-якка қабул қилмай, бутун таш-
килотлари билан қабул қилгандилар, бу ташкилотларда ўз
ўтмишидан бутунлай воз кечган одамлар ҳам, Компартияга
тактик мулоҳазалар билан кирганлар ҳам бор эди — ана шу
кейингилари фурсатдан фойдаланиб, ўч олишга ҳаракат қилди-
лар.

Успенский тошиб гапираётганди.

— Баъзилар Актюбинск frontiда хавfli вазият вужудга
келди, деб бизни ишонтирмоқчи бўладилар, бу ердаги вазият
аслида ҳалокатлидир,— деди у йиғилганларга кеккайиб назар
ташлаб.— Нега шундай бўлди? Келнинг, бир суриштириб кўрай-
лик-чи, ўртоқлар. Бизнинг қон-қардош Туркистон армиямиз Ду-
товнинг Туркистонга келадиган йўлини тўсиш ўрнига, нега бу-
тунлай бошқа жойга бориб қолди?

— Қайси армияни қаёққа юбориш хусусида афсуски, Фрунзе
сиз билан маслаҳатлашмапти-да,— ўтирган жойида гап таш-
лади Белов.

— Сиз ўринсиз киноя қиялпсиз, ўртоқ бош қўмондон,— бетоқат бўлиб унга назар ташлади Успенский.— Мен Жанубий группа қўмондонига асло маслаҳат бермоқчи эмасман. Лекин Шарқий фронт қўмондонлиги ўзининг ишкалини тўғрилаш учун бизнинг Туркистон армиямизни нега олиб кетади — ана шуни билмоқчиман.

Минбарга Қолузаев кўтарилди. У шошилмай, ўз қадрини биладиган одамдек вазминлик билан юриб борарди.

Осипов псёни тор-мор этилгандан сўнг, у Ревтрибунал судига тортилай деб турган ўша вақтдан буён кўп нарса ўзгарганди. Уни Туркистон бош қўмондони лавозимга кўрсатишди, бироқ партия ўлка комитети аралашиб, тайинланмай қолди. Кейин уни Актюбинск fronti қўмондонлигига мўлжаллашди. Бу ҳам бўлмади. Актюбинск фронтга Перовск кўнгилли отрядининг командири Селиверстовни қўмондон қилиб тайинлашди. Бироқ панада турган қандайдир кучлар уни доимо қўллаб-қувватлашарди. Унинг ҳатто етти юз кишилик яхши қуролланиб, шай бўлиб турган отряди ҳам бор эди. Шунинг учун у Туркистон қўшинлари орасида раҳбарлик лавозимига интиларди.

Ҳозир ҳам у минбарга кўтариларкан, ўз наздида шундай лавозимга олиб келиши шубҳасиз бўлган йўлни ўйлаб қўйган эди.

— Ўртоқ Успенскийни жуда ҳурмат қилсам ҳам, унинг фикрига қўшила олмайман. Актюбинск frontiдаги аҳвол оғир бўлса ҳам, ҳалокатли эмас.

Залдагилар қимирлаб қўйишди. Бу қандайдир янги гап эди. Қолузаев ҳамманнинг эътиборини жалб қилганлигидан руҳланиб, давом этди:

— Актюбинск фронтини кучайтириш керак, у ёққа янги кучларни ташлаб, мустаҳкамламоқ керак. Уни биз барибир тугата олмаймиз, куч етмайди. Фрунзенинг Жанубий группа қўшинлари бпзга ёрдамга келгунча кутиб турамиз. Бу орада эса биз ҳамма кучни Закаспий фронтга ташлаймиз. У ерда кейинги кунларда ишлар анча юришиб қолди.

— Хўш, бу билан нима ютамиз?— сўради Белов.

Қолузаев унга ўқрайиб қараб, сўзларни чертиб-чертиб шундай деди:

— У ердан ингилизларни ва бошқа ҳар хил иблисларни қувиб чиқариб, бутун ўлкани озод қиламиз. Туркистон бош қўмондони буни тушуниб етиши керак.

— Ҳа, бизнинг планларда,— деди ўтирган жойида Петр Алексеевич Кобозев,— камчиликлар йўқ.

Аввал бу ўлкада яширин ишда ишлаб, сўпгра Совет ҳукуматининг фавқулодда комиссари бўлган, бу ерда янги ҳокимият-

нинг дастлабки органларини вужудга келтирган кекса большевик, маълумоти бўйича инженер-технолог Кобозев Туркистонни яхши биларди. У шу залда ўтирганларнинг ҳам кўпларини улар раҳбарликка кўтарилмасдан олдинроқ биларди, минбарга чиқиб сўзлаганларнинг ҳар бирини кимлар ишга солаётганлигини ҳам жуда яхши тушунарди.

— Бизда хаёлпарастлар ҳам етарли,— давом этди Кобозев.— Лекин бу ишга ҳеч бир ёрдам қилмайди. Биз аввало, вужудга келган вазиятни ҳарбий нуқтаи назардан тўғри баҳолашимиз ва шундан сўнггина қарор қабул қилишимиз керак. Революцион ҳарбий кенгашнинг фикрини билайлик-чи, Аристарх Андреевич,— мурожаат қилди у Қазаковга,— сиз бунга нима дейсиз?

— Фикрингизга тўла қўшиламан, Петр Алексеевич,— деди у.— Революцион ҳарбий кенгашда биз фикрлашиб олдик. Уйлайманки, ўртоқ Востросаблинга сўз бериш керак. Унинг бу хусусда қизиқ таклифи бор.

— Александр Павлович,— деди мажлисни бошқариб турган ўлка комитетининг раиси Солькин,— минбарга марҳамат.

— Йўқ, йўқ,— деди Востросаблин.— Минбар кўпроқ митинглар ўтказиш учун чиқарилган. Мен картани қаерга илсам экан...

У портфелдан катта топографик картани олди, бу карта Осипов исёнини бостириш вақтида фойдаланган шаҳарнинг схематик планндан мутлақо бошқача эди.

— Лекция бошланяпти. Ўқувчилар, парталарга ўтиринг,— пиқиллаб кулди Колузаев.

— Хўш, нима бўпти? Одам нима ҳақида гапиришини биладиган бўлса, лекция ҳам ёмон бўлмайди,— деди секин ёнма-ён ўтирган Иван Матвеевич Парамонов.

— Бош штаб академиясида,— деб бошлади Востросаблин карта ҳаммага кўринадиган қилиб осиб қўйилгач,— мени ўзим учун ҳам, душман учун ҳам ўйлашга ўргатишган эди. Қани, ўйлаб кўрайлик: нега атаман Дутов ўзининг ўн минг кишилик армиясини Актюбинска ташляпти? Бу ерда фронтимиз вақтинча заифлашиб қолганлиги учунми? Ахир унинг ихтиёрида асосан отличлар-ку, унга темир йўл ёқалаб, нисбатан тор полосада ҳужум қилишга тўғри келади, бундай жойда отлиқ армия ўзининг асосий устунлигидан — маневрчанлигидан маҳрум бўлиб қолади, негаки, бу полосанинг ҳар иккала томони қумликлардан иборат, яъни шароит жуда ноқулай. Душман Туркистон унга қарши ўзининг ҳамма кучларини қўяжagini ҳам ҳисобга олмаслиги мумкин эмас. Маневр қилиш имкониятидан маҳрум бўлган отлиқларнинг пиёда қўшинларга қарши рўпарадан келишидан бошқа иложи йўқ. Шундай бўлса ҳам душман бу жуда ноқулай ҳужум йўлини танлади.

Энди картага бир назар ташланг. Актюбинск фронтимиз мана бу ерда, жануби-шарқда турган Колчак кучларининг,— мен генерал Беловнинг Жанубий армиясини назарда тутяпман,— Сибирдаги колчакчи қўшинлар билан энг қисқа масофа орқали бирлашиш йўлига ғов бўлиб турганга ўхшамайдими?

Тўғри, Фрунзенинг планлари тўғрисида қўлимизда маълумот йўқ. Аммо айрим нарсалардан фаҳмлаб олса бўлади. Ахир генерал Ханжин армияси,— Фрунзенинг қарши зарбаси унга қарши қаратилган,— зарба еб Уфага чекинса, генерал Белов армияси, табиийки, асосий кучлардан ажралиб қолади, улар билан алоқаси узилиб қумликларга қувиб юборилади-да, ҳалок бўлиб кетади, у билан бирга Дутов армияси ҳам барҳам топади.

Мана шунинг учун атаман Дутов ҳеч нарса билан ҳисоблашмай биз томонга ташланапти. У ўзига чекиниш йўлини ҳозирляпти, айни бир пайтда генерал Белов армиясини қутқариш йўлини ҳам тайёрляпти.

Востросаблин бир оз тўхтаб, сўнг деди:

— Ана энди ўзингизга ҳавола: биз ҳамма кучларни Актюбинск фронтида тўплашимиз керакми ёки бўлмаса бошқа ишлар билан шуғулланишимиз керакми?

— Бу ерда танлайдиган йўлнинг ўзи йўқ,— жавоб қилди Солькин.— Актюбинск фронтини энг муҳим фронт деб ҳисоблашни таклиф қиламан. Қолган фронтлар: Закаспий, Еттисув ва ички Фарғона фронтларига келсак, улар билан Революцион ҳарбий кенгаш шуғулланади. Сизга ана шунга ваколат бериб қўйилган-ку, ўртоқлар.

— Ердам кучларни нима бўлади?— сўради Белов.

— Менда таклиф бор,— ўрнидан турди Кобозев.— Бу ишни эртага қолдирмаслик учун,— шусиз ҳам бугун етарлича гаплашиб олдик,— бошламасига ўлка комитети аъзоларининг ярмини, Туркистон Марказий Ижроия Комитети аъзоларининг учдан бирини ва Совет аъзоларининг ярмини фронтга сафарбар қилганини таклиф этаман. Революцион ҳарбий кенгашга қасаба союз аъзоларини сафарбар қилиш тавсия этилсин, ёшларни ўзларингиз аниқлайсиз. Туркистон Марказий Ижроия Комитети республика граждандарини Қизил Армияга сафарбар этиш ва буржуа элементларни фронт орқасидаги ишларга сафарбар этиш тўғрисидаги Низомни тайёрлаб нашр этсин.

— Ўлка комитети аъзолари овоз беради,— деди Солькин.

Ҳамма масалалар кўриб чиқилгач, Иван Матвеевич Паранов ўрнидан турди.

— Яна бир таклиф бор,— деди у.— Тахминан икки ойга, токи биз бу ишларни бажариб бўлганимизча ҳамма ишчиларни назарда ҳолатига ўтказилса ёмон бўлмасди.

— Буниси нимага керак экан?— энсаси қотиб сўради Колузаев.

— Шунинг учунки, мухтарам ўртоқ Колузаев, ичимиздан бирон янги Осипов чиқиб қолмасин учун.

Таклиф қабул қилинди.

2

Ўлка комитетининг мажлисидан Дрожжин Раҳматбек Хужаев билан бирга чиқди. Икковлари Ўрдагача бирга кетишди. Улар ҳамон қизғин баҳслар таъсирида шошилмасдан боришарди.

Дрожжин иши ўигидан келмаганлигидан жуда хуноб эди. Аслида иши чаппасига кета бошлаганига анча бўлганди. У Туркистон ҳукумати составида бўлган вақтидаёқ шунчалик кўп хатолар қилган эдики, уни иккинчи даражали ишларга ўтказишга тўғри келганди. Буни у ўз мухолифларининг найранги деб ҳисоблаб, «эски коммунистлар» деб аталган группага қўшилди. Бу группа унга ўхшаган тарихнинг боришидан раижиган ва ўз коммунистик партиясини тузишга уринган одамлардан ташкил топган эди. Лекин бундан ҳеч иш чиқмади. Туркистоннинг ҳамма партия ташкилотлари бир овоздан қарши чиқиб, группа ғоявий жиҳатдан тор-мор этилгач, Дрожжин номига ўз хатоларига иқрор бўлиб, писиб қолди. У жуда нафсониятли эди, аммо пайт воялаб ётишни биларди.

Туркистонда ўша кезлар сиёсий саводли коммунистлар оз эди. Осипов исёнидан кейин, яширин курашни бошидан кечирган бирмунча тажрибали партияликлар ваҳшённа ўлдирилгандан сўнг эса улар яна камайиб кетди. Шунинг учун партия саккинзинчи съездига делегация юбориш тўғрисидаги масала кўрилганда делегацияга Дрожжини ҳам киритишга қарор қилинганди.

Ўртоқлар уни съездга юборишар экан, Дрожжин у срда бўлиб, саноат губернялари делегатлари билан суҳбатлашиб, ўзининг хатолари моҳиятини чуқурроқ тушунади ва ниҳоят дуруст ходим бўлиб қолади, деб ўйлагандилар.

Бироқ улар Дрожжинни яхши билишмасди. У ўзининг делегация составига киритилганлигини партия ташкилотининг ундан зимдан узр сўраётганлигига йўйди ва ҳеч нарсани тушунмай, ҳеч нарсани ўрганмай Тошкентга қайтди. У энди бирон ерда сўзга чиқиб, дурустроқ гапирсаму ўзимни кўрсатсам, яна ҳаммаси жойида бўлади, деган фикрга қаттиқ ишонарди. Яна бошчилик қилавераман, деб ўйларди... Лекин нимага бошчилик қилишни у ҳали ўйлаб кўрмаган эди.

Ўлка комитетининг кенгайтирилган мажлисини Дрожжин шундай қулай фурсат деб ҳисоблади.

У биринчилар қатори сўзга чиқиб, Актюбинск фронтида аҳвол ҳақиқатан жиддий, шунинг учун унга ҳар қандай қилиб бўлса ҳам албатта ёрдам бериш керак, деб гап бошлаб, Ленин билан икки марта гап суҳбатлашганини айтиб берди...

Аввалига унинг гапини диққат билан эшитиб туришди, лекин кўп ўтмай Дрожжин гердаийшга тушди. Туркистон Революцион ҳарбий кенгашини Актюбинск фронтини шу аҳволга тушириб қўйганликда айблаб, у негадир ўтмиши ҳақида гапира кетди. Дрожжиннинг сўзларига қараганда, гўё унга халақит беришмаганда ҳаммаси жойида бўлар экан...

Залда гала-ғовур кўтарилди. Ранслик қилиб турган Солькин уни бир неча бор тўхтатиб гапнинг пўскалласини айтишга қистади, бироқ Дрожжин ўз билганидан қолмади, то Солькин бу ерда хотиралар кечаси эмас, балки ўлка комитетининг мажлиси бўлапти деб уни жеркиб, тўхтатиб қўймагунча давом этаверди.

Шу сабабли ҳозир Дрожжин уйига қайтар экан, ўз мағлубиятидан диққат бўлиб борарди. Раҳматбек Хўжаев ҳамроҳининг аҳволини тушуниб, чўлнинг поёнсизлиги, унинг билинмай ўтган минг йиллик тарихи, қумларда абадий қолиб кетган сон-саноксиз карвонлар тўғрисида бир-бирига улаб, чиройли қилиб секин гапирар, ҳамроҳини оғир ўйлардан чалғитиб борар эди. У ниятига эришди ҳам.

Дрожжиннинг кўнгли ёришди, муваффақиятсизлик энди унга мағлубият бўлиб туюлмаб қўйди; нима қипти, қизгин кунлар тўс-тўполони, ғовур-ғувуридаги арзимас воқеа бир ҳафтадан сўнг эрдан чиқиб кетади. Кейин бу ёғини яна кўради, нима гап — нима сўз. Бу ерда унинг дўстлари, ҳамфикрлари ҳали ҳам бор. Солькин ҳам абадий турармиди. Яқинда Туркистон партия съезди бўлади, кучлар қандай тақсимланиши ҳали номаълум.

Улар кундалик ишлар тўғрисида гаплашиб кетишди.

— Бизда нима бўлаётганини худо билади,— деди Дрожжин.— Ерли аҳолини жалб этиш тўғрисида гапирамизу, аслида нима бўлапти? Ўзбошимчалик, марказий ҳокимиятга бўйсунмаслик, бебошлик. Масалан, Еттисувни олайлик. Биласанми, қайтиб келган қирғизларга ёрдам уюштириш учун Жуназоқовни у ёққа юбордик. У яхши одам, ўзи қирғиз бўлса, яна нима керак? Йўқ, ёқмапти.

— Ҳа, менинг ҳам қўлоғимга чалингаиди...

— У ёқдан ҳар хил бўлмағур нарсаларни ёзишяпти. Анави аҳмоқ Аҳмад бўлса уни ўлдиришига оз қопти.

— Аҳмад Турдибеков доимо бебошлиги билан ажралиб туради. Жуда ёввойи одам!

— Бу ҳақда менга айтган эдингиз, тўғриси айтсам, ўшанда

қулоқ солмаған эдим. Энди у айтгани-айтган, дегани-деган. Ұзи отряд тузиб олибди. Ұзимиздаги босмачи шайкалари озлик қилгандек яна бири пайдо бўлди!

— Қуролсизлантириб бўлмайми?

— Бу осон эмас-да. Унинг Тошкентда дўстлари бор. Анави чол Парамоновнинг ўзиям олиб бориб, олиб келади. Биргина у эмас. Яқинда Белов билан гаплашиб қолдим — унга гапирган нима-ю, деворга гапирган нима! Бош қўмондон бўлганига ўлайми!..

Дрожин хайрлашаркан, хўрсиниб Хўжаевга деди:

— Эҳ, Раҳматбек, ерли аҳолининг ҳаммаси сенга ўхшаган бўлганда эди, Туркистонда ишлаш осон бўларди!

Раҳматбек энди кимсасиз, ҳувиллаб турган бозор майдонидан ўтаётганда узун-қийшиқ соялар бир зумда қоронғиликда ғойиб бўлди. Мисгарнинг устахонаси ичкарисидан берк эди. Эшик тирқишидан тушаётган нур йўл ёқасидаги чангларни ёритиб турарди. Раҳматбек устахона ёнидан ўтиб, муюлишда кўздан ғойиб бўлди.

Унинг тор кўча охиридаги уйи бошқа уйлардан сира фарқ қилмасди: қалпоги муштумдек келадиган михлар қоқиб қўйилган катта дарвоза, атрофи девор ҳовли, ҳовлининг аёллар турадиган қисми алоҳида ажратиб қўйилганди, яна бир ҳовлича бўлиб, унда ўзи турарди, ҳовлича бегона кўзлардан худди ичкари ҳовлидек эҳтиёт қилинарди, ҳовли саҳнидаги боғни у ёқ-бу ёққа кетган ариқлар кесиб ўтганди, этакда иморатлар бор эди. Буларнинг ҳаммаси худди қалъаникидек қалин, баландлиги тўрт метр, сомон сувоқли девор билан ўралган, деворнинг бир томони кўчага қараган эди.

Раҳматбекнинг кўча эшигини баланд бўйли, кенг елкали, яғир чиқиб кетган чопон кийган, яланг оёғига калиш илган бадбашара бир барваста йигит очди.

Ҳовлининг ҳар чеккасидан бир неча соқолли кимсалар кўришди-ю, хўжайинга кўзлари тушиши билан ғойиб бўлишди.

— Турсун шу ерда, — деди эшикни очган барваста йигит.

— Яхши, Меред, айт унга.

Раҳматбек уйга ўтди, бошқа кийимини кийиб чиқди, Мередникига ўхшаш, лекин янгироқ калишни оёғига илиб, девор олдидаги гиламга бориб ўтирди. У кўзини хиёл юмиб, қўлларини қорнига қўйиб ўтирганча алланималарни ҳисоблаётгандай бармоқларини ўқтин-ўқтин қимирлатиб қўярди.

Турсун кирди, у ҳам укаси ёнига тиз чўқди. У қўлларини гиламга қўйди. Унинг бармоқлари озгин, сарғиш, ғайритабиий узун эди.

Кекса аёл улар олдига шойи қийиқ ёзиб, чойнак, пиёла қўйди-да, индамай чиқиб кетди.

— Чарчадингизми, ака?— ҳамдардлик билан сўради Раҳматбек. У пиёлага чой қўйиб, Турсунга узатди.— Мен ҳам чарчадим.— Улар анчагача индамай чой ичишди.

— Полковник Русанов қайтиб келди,— деди Турсун пиёлани қийиққа қўяркан.— Еттисувда унинг омади келмабди. У ерда у Аҳмад билан учрашиб қолибди. Тез жўнаб кетишга тўғри келибди.

— Йигитлар тўплабдими?

— Кўп нонхўр тўплабди. Русанов, эҳтимол, Бухорога кетса керак. У ёқдан қушбегининг ишончли одами совғалар билан келди. Амирда яхши бошлиқлар кам. Свард Русановга ишонмайди. У сени ҳам жалб этмоқчи. Кеча унинг хизматкори...

— Сэмми?

— ...Ўзимизни Мереддан сени кузатиб юришни илтимос қилди. Қаерда бўлишингни, уйингга, олдингга кимлар келишини суриштирди. Мередга рози бўлавер, деб айтдим.

— Яхши,— бош силкиди Раҳматбек.— Сэмга Мередни ким кўрсатибди?

— Бозордаги Иброҳим. Бугун тушдан сўнг қаттиқ оғриб қолди,— Турсун ишшайиб қўйди.— Шундай иссиқда ёглиқ паловни кўп еб бўлмайди. Эртагача оламдан ўтмасайди, деб кўркаман.

Раҳматбек кўзларини киприклари билан бекитди.

— Аҳмаднинг отрядини қуролсизлантириш учун Дрожжин ҳеч нарса қилолмайди,— деди у.— Мажлисда у ўзини жуда бемаъни тутди.

— Афсус,— деди Турсун.— Аҳмаднинг обрўси ортиб боряпти. Унинг отряди ҳозир яна ҳам катта бўлиб қолиши мумкин эди. Бироқ Аҳмад ақл билан, ўйлаб иш юритяпти. Отрядга у энг ишончли, ўзининг округида энг машҳур одамларнигина танлаб оляпти. Қолганлар уй-ўйларида яшашяпти, худди запасда тургандек туришипти. Зарур бўлиб қолса, у олти-етти соат ичида ўз отряди сонини бир неча марта кўпайтира олиши мумкин.

— Бу жуда жиддий масала, Турсун ака.

— Кейинги вақтда Аҳмаднинг отрядини Чикчан доvonида ва Кетмонтепа атрофида кўришипти.

— У ерда нима қилиб юришган экан?

— Ҳозирча номаълум... Аммо бу доvon Фарғона водийсидан Еттисувга ўтадиган йўлда жойлашган. Қизиллар у ерга бекорга застава қўйишмаган.

Раҳматбек акасига тикилиб қараб, секин шивирлади:

— Ҳозир Тошкентда кўп нарса Кобозевга боглиқ бўлиб ту-

рипти. Уни Аҳмадга қарши қилиб қўйиш учун бирон чора кўриш керак. Шунда тўғрироқ бўлади. Ҳайлаб кўринг...

— Ҳайлаб кўраман. Оқ уйда* қандай қарорга келишди?

— Кўп нарсани ҳал қилиб қўйишди.

— Актюбинск фронтими?

— Ҳа. Жуда кучли фронт. Қўшинларнинг бир қисмини бошқа жойга тортиш учун бирон чора кўриш керак. Искандар эшон билан маслаҳатлашиб кўринг. Уламо ўз одамлари орқали Фарғонани оёққа турғизсин. У ерда бошқалар ҳам бор, бироқ бу ҳам ортиқчалик қилмайди. Исломнинг ҳозирча кучи бор. Бундан фойдаланиш керак.

Турсун йўқ дегандек бош чайқади.

— Искандар эшон янгигина Фарғонадан қайтиб келди. Скобелевда нохуш ишлар бўлибди. Ҳозир у ерда кўзга кўринмаслиги керак.

— Йўқ, — кескин оҳангда деди Раҳматбек, — Искандар эшон дарҳол Фарғонага жўнаши керак. Актюбинск фронтда улар бугун мўлжаллагандек қўшинларни кўп тўплашга йўл қўймаслиги керак.

— Эшонни у ерда қамоққа олишса-чи?

— Шундай қилиш керакки, у ҳеч нарсани айтиб беришга улгурмасин.

Турсун мийиғида кулиб қўйди. У бир зумда укасининг ёнига сурилиб келиб, кўзларига тикилиб турди-да, шивирлади:

— Жуда зўрсан-да, Раҳмат. Вақти келиб Ҳайлаб ўтирмай мени ҳам қурбон қиласан. Мен ахир қари эшонга қараганда кўпроқ нарсани биламан-ку.

Раҳматбек акасининг кўзига тик қаради.

— Йўқ, ака, менга доим керак бўласиз.

— Сен Туркистон амири бўлганингда мени ким қилиб оласан?

— Унгача ҳали анча бор, ака.

— Тақдирдан қўрқиб ожизликдир. Сен буни руслардан ўргангансан. Тақдирни ўзим яратаман. Ҳа, ҳа, мен — болғачасини бозор олдида тақиллатиб ўтирадиган букри мисгар! Эдвард Свард сен қазийтган қудуқдан сув ичишни Ҳайлаб юрипти. Свард жуда айёр, у сен ҳақда кўп нарсани билиб олмоқчи, мен бунга йўл қўярмидим. Барибир у тентак, ўз хизматкорини Мередин сотиб олиш учун юборяпти, Оқ уйда кимдир уларга ҳалақит бераётганлигини энди-энди фаҳмлашапти. Бироқ улар Сварддан ҳам аҳмоқроқ! Улар ўзларини қўйдек сўйиб ташлашмагунча

* Илгари генерал-губернаторнинг уйи бўлган, революциядан кейин Озоллик уйи деб атала бошлаган. Турсун уни эски номи билан атамоқда.

фаҳмига боришмайди. Ҳатто Уламодан ҳам ҳеч ким сенинг қандай одамлигингни билмайди. Мен сени улар билан учрашишдан четлатиб қўйганман. Ҳамма бизни Уламога ишлаётибди, деб ўйлайверсин. Шундай бўлгани яхши. Сенга ҳеч нарса хавф солмайди, Раҳмат. Иш ўнгидан келмай қолса, улар сен ҳақда Свардга ҳам, Оқ уйда ҳам ҳатто истаганларида ҳам ҳеч нарса дейиш олмайди. Хўш, шундай экан, Туркистон амири бўлганингдан сўнг мен ким бўламан?

— Амирнинг акаси бўласиз, унинг биринчи вазири. Қаранг, нима, мен сизга ишонмаяпманми?

Турсун кетди. Раҳматбек кўзини хиёл юмиб, деворга суянганча ўтирарди.

Туркистон амири!

Унинг юпқа лабларида қандайдир кулги ўйнади.

Туркистон амири!

Қандай жозибали, ёқимли, аммо унинг яқин-атрофдаги дўстлари учунгина нафи бор. Турсундан иш чиқади, ҳатто зарур одам, аммо у ҳамма вақт олисини кўзламайди, унга йўлни кўрсатиб қўядиган нур бўлса бас. Яхши, Туркистон амири бўлсин! Аммо мусулмон олами кенг. Эронда, Туркияда, Арабистонда, Белужистонда, Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбида, Афғонистонда, Хивада, Бухорода — ҳамма жойда исломга эътиқод қиладиган одамлар бор. Нечун пайғамбарнинг ердаги ноиби — халифа албатта турк бўлиши керак?

Меред аста кириб, Раҳматбекнинг олдига бир даста кредит қоғозларини қўйди.

— Меред, — қовоғини кўтармай, деди Хўжаев, — нега Турсун бу ёққа келаётганда устахонасидаги чироқни ўчирмайди?

— Одамлар шу ерда экан, деб ўйласин учун.

— Биронтаси тақиллатиб қолса-чи?

— У менинг укам билан учрашади.

Раҳматбек кредитларга қаради.

— Сенга инглиз тўладими? Кейинги сафар унга бу кредитлар ўзингизда тураверсин экан, деб айтгин. Биласанми, ундан олтин ёки фунт стерлингларни талаб қил. Кўп талаб қилишинг мумкин. У тўлайди. Унга нима дейишни сенга Турсун айтиб беради.

Мереднинг ҳаракатсиз, тентакнамо башараси бепарво эди.

ТОР-МОР ЭТИШ ШУНДАЙ БОШЛАНДИ...

1

Баланд тик қирғоқдан Оқ дарёнинг кенг пичанзори, унинг срқасидаги атрофлари сийрак дарахтлар билан ўралган катта яланглик, дарё устига қурилган ингичка кўприкдан ўтадиган ва йўқолиб кетадиган темир йўл изи кўзга яхши ташланиб турарди.

— Жуда яхши позиция,— деди генерал Жанен, дурбинни тушираркан.— Яқин-атрофни яхшилаб ўққа тутиш мумкин. Бу ерда душман дарёга етиб олгунча бутун армиясини қурбон бериши мумкин.

— Дарё ҳам чакки тўсиқ эмас,— деди унга жавобан генерал Нокс.— Уни кечиб ўтиш учун ташиш воситалари керак... Жуда кўп керак.

— Қизилларда эса шу нарса йўқ,— илжайиб гапга хотима берди генерал Войцеховский. Қолчак унга иттифоқчи қўшинлар бош қўмондони Жанен ва инглиз ҳарбий атташеси Нокс билан бпрга бориб, Уфа истеҳкомларипи кўрсатиб келишни топширган эди. Олий ҳукмдорнинг ўзи эса бир оз тобим қочди деб, Уфа станциясида турган поездида қолган эди.

Кўрсатадиган нарсалар кўп бўлганидан Войцеховский адмирал ўрнига ўзи боришга жон деб рози бўлган эди. Уфага узоқ вақт пишиқ қилиб истеҳкомлар қуришган эди. Бунинг устига, инглиз ва француз тилларини билгани учун таржимонларнинг ҳам кераги йўқ эди, иттифоқчилар ҳарбий миссиясини олиб юрган бошқа рус офицерлари эса бундай эмасди. Улар четроқда, таржимонлар ёнида юришарди.

Улар шундоқ қирғоқ четига тортилган сим тиканларни, тик ўқдан сақлайдиган соябони бор одам бўйдан келадиган бир неча қатор окопларни, усти уч қават қилиб ёпилган блиндажларни, ҳар қаёққа қараб кетган қинғир қийшиқ алоқа йўлларини

кўздан кечириб чиқишди. Улар ҳамма турдаги артиллерияни, шу жумладан ўн бир дюмли оғир артиллерияни ҳам кўздан кечиришди. Душманнинг ҳужум қилиб келаётган қаторларини йўқ қилиб ташлай оладиган бу тўплар жой-жойига қўйилган эди. Энди эса тик қирғоқдан ястаниб ётган манзарани кўздан кечириб, ўз кузатувларига яқун ясаётгандек эдилар.

— Бизнинг қўшинларимиз Верден остонасида бундай устуликка эга эмасдилар,— деди генерал Жанен.— Табиатнинг ўзи яратган ҳақиқий қалъа.

Генерал Войцеховский юзи буришиб, илжайиб қўйди.

— Бу жойнинг қадрига ўн олтинчи асрда, Иван Грозний вақтидаёқ етишган эди. Бу ерда қурилган шаҳар Россия давлатининг чеккасини кўчманчилар босқинидан ҳимоя қилган эди. Ўн еттинчи асрнинг иккинчи ярмида шаҳар ҳатто Пугачёв исёнчиларининг тўрт ойлик қамалига ҳам бардош берган. Ушанда осон бўлмаганди!

— Э, Пугачёв! Казак...— қувноқ оҳангда деди Жанен.— Ушанда малика императорингизнинг тахти жуда қимирлаб қолганди.

— Халқлар тарихида авомлар ҳужумига бардош беролмаган тахт-тож оз эмас,— заҳарханда қилди Войцеховский.

Генерал Нокс юпқа лабларини қимтиди. У омонат тож-тахтлар тўғрисидаги бемаъни суҳбатни хуш кўрмаётганди.

— Ҳўш, кетдик бўлмаса, жаноблар,— таклиф этди Войцеховский соатига қараб.

Улар ўзларини кутиб турган автомобилларга ўтириб, отлиқ соқчилар ҳамроҳлигида шаҳарга йўл олишди.

Колчак ўзини касалга солишида маълум мақсадни кўзлаган эди. У иттифоқчилар қўмондонлиги вакиллари, асосан инглиз ва французларни большевикларни жуда қисқа вақт ичида тормор этиш режаси билан донг қолдириш ниятида эди. Узоқ шарқлик атаман Семенов билан қандайдир шубҳали музокаралар олиб бораётган японлар вакили генерал Иде таклиф қилинмаган эди. Шу мақсадда адмиралнинг таклифига биноан қуйидагилар Уфага келишган эди: Нокснинг алоҳида илтифотини қозонган генерал Капель, — инглиз вакили унинг корпусини қурол-аслаҳа ва кийим-кечак билан таъминлашни эгри қўл колчакчи таъминотчиларга ишонмай, бу иш билан шахсан ўзи шугулланди, Перми босиб олиш билан ном чиқарган ва бир ярим ойдан сўнг Москвани ишғол қилишга ваъда берган генерал Пепеляев, илгари полиция офицери бўлганлигига қарамай, ниҳоятда маҳмадона, Сибирь қазақларининг атамани Иванов-Ринов; француз миссиясига келиб-кетиб юрадиган доғули ҳамда найрангбоз Оренбург атамани Дутов. Адмирал билан бирга

келган олий қўмондонлик штаби амалдорлари бирга қўшилиб. Колчакнинг атрофида кўпчилиكنн ташкил этншарди.

Кундуз соат икки бўлаётган эди. Адмиралнинг шахсий адъютанги ротмистр Князев станцияга олиб борадиган йўлга хўрсиниб қараб қўярди. У маст-аласт бўлиб юришда манман деган Омск майхўрларини ҳам йўлда қолдириб кетадиганлардан эди, у Уфадек чет жойда узоқ вақт туриб қолмаётганнга шукр қиларди. У олдинги сафарлардагидек зимдан темир йўлни олий ҳукмдор посэдиннинг тўппа-тўғри Омскка қайтиб келишига тайёрлаб қўйиш тўғрисида Колчак номидан кўрсатма ҳам бериб қўйган эди. Аммо вақт ўтнб бораётганди, темир йўлда ҳаракат тўхтатилган эди, ҳарбий иттифоқчи қўмондонлик вакиллари билан Войцеховскийдан эса ҳамон дарак йўқ эди.

«Уларга нима бало бўлди?— аччиғланарди Князев.— Гул те-риб юришибдими дейман? Истеҳкомларни кўргани кетишди-ку... Нимани ҳам кўрншарди? Окоп Уфа яқинидами, Бирск яқинида-ми, қаерда бўлмасин окоп-да...»

Бирдан у сесканиб кетди. Олисида отлиқ соқчилар кузатиб келаётган автомашиналар кўринди. Князев мундирини тўғрилади, ойнага қараб олди ва салон эшигини аста очди.

— Жаноб адмирал, генерал Войцеховский иттифоқчи қўмондонлик вакиллари билан қайтиб келишмоқда.

Колчак соатига қараб қўйди.

— Айтинг, улар ярим соатдан кейин олдимга киришсин. Генералларни ҳам огоҳлантириб қўйинг.

— Эшитаман.

Автомашиналар вокзал олдига келиб тўхтади. Генераллар машинадан тушиб, оёқ-қўлларининг чигилини ёзишди-да, поездга қараб йўл олишди.

...Олий ҳукмдор салониди таклиф этилганларнинг деярли ҳаммаси тўпланди. Фақат Иванов-Ринов йўқ эди. Сибирь казакларининг атамани арзандалигидан фойдаланиб, баъзан шундай адабсизлик қиларди. Унинг бу қилиғи ўз қадрига етишидан кўра бемаъни тарбия туфайли пайдо бўлган эди. Лекин ҳадеб шундай қилавермасди, меъёрини биларди, адмирал унга Сибирь казакларидан отлиқ корпус тузиш учун юз миллион сўм ва йигирма минг комплект уст-бош инъом этишини кутиб ётарди. Ҳадемай у ҳам келди.

Адмирал илтифотли мезбон сингари таклиф этилганлар ўзларини иложи борица эркин ҳис этишлари ғамини еб қўйган эди. Ҳаво иссиқ бўлганидан столларда муздек ичимликлар солинган яхли сифонлар, қадаҳлар турарди. Деразалар очиб қўйилганди. Соқчилар салонда нима ҳақда гапиришаётганини эшитмасин учун эҳтиёт шарт деб поезддан нарироққа қўйиб қўйилганди.

Колчак ҳаммасини ҳисобга олиб, ҳаммасини ўйлаб қўйган эди. Фарбий армия фронтида юз берган сўнги муваффақиятсизликларни иттифоқчилар миссиясига ҳеч нарса бўлмагандек қилиб кўрсатиш керак. Навбатдаги ҳамлага тайёрланиш учун қўшинлар шунчаки ҳимоя позицияларига чекинганлар, холос.

Колчак йиғилганларга бир қараб олиб, ўрнидан турди. Салондаги шивир-шивир тўхтади.

— Жаноблар!— деди олий ҳукмдор асосан иттифоқчилар вакилларига мурожаат қилиб.— Сиз Уфа истеҳкомларини муносиб баҳолаганингизни генерал Войцеховский менга айтди...

— Ҳа, албатта!— деди Жанен.— Ҳақиқий қалъа.

Нокс бунга жавобан калласини хиёл қимирлатиб қўйди.

— Миннатдорман. Бу менинг вазифамни анча енгиллаштиради.— Колчак бир зум тўхтади.— Сизга маълумки, кейинги вақтда Фарбий армия қисмлари бир оз орқага чекиндилар. Бу чекинишни биз маълум даражада олдиндан кўриб қўйгандек. Худди шу мақсадда баланд ясси тоғликда, Оқдарё билан Уфа дарёси қўшиладиган жойда истеҳкомлар қуриб қўйгандик. Разведка маълумотларига қараганда, қизиллар Фарбий армиямизга қарши ички округлардан ўзининг ҳамма резервларини ташлади. Ҳатто жанубга, генерал Деникин армиясига қарши мўлжаллаб қўйилган қисмларни ҳам, Петроград остонасидаги қисмларини ҳам бу томонга буриб юборди.

Адмиралнинг овози бўғиқроқ бўлиб, «командирлар»никига сира ўшамасди, лекин ҳамма унинг сўзларига ишониб, диққат билан қулоқ соларди.

Колчак бўлса бундай кучли истеҳкомларга қарши муваффақиятли ҳужум қилиш учун уч қарра кўп кучга эга бўлиши, бу ҳарбий ишда ҳаммага маълум бўлган ҳақиқатлиги, агар сув тўсиқни ҳам ҳисобга олинмаган бўлса, табиийки, ҳужум қилаётганлар артиллерия жиҳатидан анча устун бўлиши албатта зарурлиги, душманда эса артиллерия йўқлиги тўғрисида гапирди.

— Биз қизилларнинг босиб келаётган қўшинларини,— сўзида давом этди Колчак,— Уфа остоналаридаёқ янчиб ташлаймиз. Шунга қарамай, улар дарёдан кечиб ўтадиган бўлсалар, ичкаридан уларга қарши зарбалар бериб, бўлак-бўлак қилиб ташлаб, дарёга улоқтирамиз.

У Екатеринбургдан бу томонга олти полкдан иборат зарбдор корпус шошилинич ҳолда ташланаётганлиги ҳақида гапирарди. Улар яқин кунларда етиб қелади. Омскда ва Томскда 12 ҳамда 13-дивизиялар тузиб бўлинади. Бошқа қисмлар ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси Уфа истеҳкомлари ўз вазифасини бажариб, қизилларнинг зарбдор қисмларини парчалаб ташлаши билан душмanning Шарқий fronti Жанубий группаси устига ташланади.

— Фарбий армия бир ҳамла билан Волгага чиқиб олади ва душманнинг тарқоқ, ҳолдан тойган қисмларини супуриб ташлаб, Волганинг Қозондан Самарагача бўлган қисмини эгаллайди. Бу орада Сибирь армияси Қозон ва Вяткани ишғол этади. Сизларга шуни маълум қилишим мумкинки, бу армиянинг қисмлари муваффақиятли илгарилаб бормоқда, бир-икки кунлардан сўнг Глазовни олади. Фронт орқасидаги қўзғолонлар бизга халақит бера олмайди. Қазақ генерали Волков шуни маълум қиляптики, улар Кустанай уездида иккита асосий шайкани тор-мор этганлар, Шимолий Двина бўйлаб кемалар юра бошлашининг ўзи кифоя, Сибирь темир йўлига қараб қолинмайди. Тайшет районидаги темир йўлда ҳаракат бир оз қийинлашди. Шундай қилиб, жаноблар, генерал Деникин билан бирлашиб, биз Москвага қараб йўл оламиз... Бу мана шундай бўлиши керак.

Колчак девор олдига келиб, сурпни суриб қўйди.

Ҳозир бўлганлар ҳаммаёғи текис ва нуқта чизиқлар, доиралар, кўрсаткич чизиқлар, байроқчалар билан ола-була бўлиб кетган картани кўрдилар. Лекин уларнинг эътиборини жалб қилган бу эмасди. Улар қанчадан-қанча штаб карталарини кўравериб ўрганиб кетишганди. Улар иккита кўрсаткич чизиққа тикилиб қолишганди. Бошланиши йўғон бу чизиқлар буралиб, Москвага қараб кетганди. Чизиқларнинг бири Вятка ва Қозондан бошланганича, Нижний Новгород, Владимир, Кострома ва Ярославлни қамраб олиб, шимолий-шарқдан тушиб келарди, иккинчиси эса Самара, Бузулук ва Уральскдан бошланиб, Сизрань, Козлов ва Рязск орқали жануби-шарқдан келаётганди.

Бу ҳаммани ўзига жалб қиладиган, ҳамманинг кўнглидаги ва кутгани эдики, генерал Жанен ўзини тутиб туролмади:

— Қойил!— хитоб қилди у.— Бу большевикларни буткул яксон этиш деган гап-ку...

Нокс ўзини босиқроқ тутарди. У шунчаки маъқуллаб «ҳм» деб қўйди-да, хаёлан эса Британия ҳарбий министрига бериладиган телеграммани тўқирди. Бу планда адмирал армиясини Архангельскдаги кучлар билан бирлаштиришни кўзда тутиш керак эди. Бу кейинчалик, русларга векселлар билан тўлашга тўғри келган пайтда жуда яхши асқатарди. Шу маънода Деникин билан қўшилиш шарт эмас. У французларга жуда муте бўлиб қолган.

2

Отлар секин илдамлаб борарди. Богучаров узангида туриб, сийрак дарахтлар орасидан олдинга тикилиб қаради.

367

Сувни сезишди,— деди у ҳеч кимга мурожаат қилмай.

Эскадрон дозорларни жўнатиб, ўрмон ичидан эҳтиётлик билан борарди. Чишма яқинидаги жанглار ҳозиргина тугаганди. Чишма Уфа йўлидаги сўнгги истеҳком эди. Жанубий группа қўшинлари қисиб келаётган колчакчилар дарёнинг орқасига чекиндилар. Богучаров эскадрони олдинга ўтиб, Кутяков бригада-сининг пиёда қисмларидан анча чапроққа кетди-да, чекинаётган душман армиясининг заиф жойини топиб, унинг орқа томонига ўтиб олмоқчи бўлди. Белебейдан ўтгач, ҳужумимиз тўрт кунга тўхтатиб қўйилди, бунинг сабабини тушуниб ҳам, сира оқлаб ҳам бўлмасди. Ана шу танаффусдан сўнг мажбуран рўпарадан қилаётган ҳужумлар ҳаммининг жонига теккан эди.

Богучаров бир неча километр нарига борсак, душманга дуч келамиз, деб ўйлаётган эди. Лекин вақт ўтиб борарди. Улар уч соатдан бери йўлда бўлишига қарамай, колчакчилардан дарақ йўқ эди. Бу аҳволдан боши қотиб қолган Богучаров ўз ёрдамчиси Емельяновга бир группа отлиқлар билан иккита қўл пулемётини бериб, олдинга жўнатди.

Отларнинг юриши эса яна тезлашди. Демак, олдинда, шу яқин ўртада катта сув бўлиши керак. Бу фақат Оқдарё бўлиши мумкин. Бошқа дарё ёқи кўллар картада кўрсатилмаган. Кўп ўтмай Богучаров олдинда Емельянов группасини ҳам кўриб қолди. Отлиқлар дарахтлар панасида туришарди. Биргина Федорнинг ўзи очиқ жойга чиқиб, атрофга қараётган эди.

— Нимага анқайиб турибсан, Федя?— орқадан. Богучаровнинг овози эшитилди.

— Қочиб қолиштипти, аблаҳлар!.. Биронта зог йўқ,— ҳазилга эътибор бермай жавоб қилди Емельянов.

Богучаров аланглади. Бу ерда дарё ғарбга кескин бурилар экан, юқорига, Уфага қараб кетган томони кўзга кўринмас экан. Муз оқиб кетган бўлса ҳам, сув ҳали баланд эди. У нариги қирғоққача қанча келишини чамалаб кўрди.

— Камида юз эллик саржин келади.

— Яна чуқурлигини айтмайсанми,— деди Емельянов.

— Ҳа, жаҳаннам...

Қарши томондаги тик қирғоқда қандайдир қишлоқ кўзга ташланарди. Дурбинда ўнгроқдаги Уфа ярим оролининг баланд дўнглиги кўринарди. Бу дўнглик Уфа, Оқдарё, ғарбдан эса Дема дарёларидан ҳосил бўлганди. У ердаги бинолар тархи, черковларнинг ялтироқ гумбазлари ҳам кўринарди.

Улар картага солиштириб кўрилди.

— Бизнинг ўнг томонимизда, юқори оқимда Красний Яр келади,— деди Богучаров икки чақирим масофа бир сантиметрда кўрсатилган картани кўздан кечираркан.— Бу ердан Уфагача

Йигирма беш чиқирим келади... Аммо колчакчилар қаёққа кет-
дйкнн?

— Нариги қирғоққа ўтиб олишган. Ўша ер тинчроқ.

— Нимада ўтишган? Понтонлар ҳам, соллар ҳам кўримайд-
ди. Кўприкдан ўтишганмикан?

— Шунақага ўхшайди,— беихтиёр жавоб қилди Емельянов.
У дарё муюлишининг орқасидан чиқаётган аллақандай тутунлар-
ни бир неча минутдан бери кузатиб турарди.— Бу ёққа қара,
Иван... Ахир бу пароходлардан чиқаётган тутун-ку!

— Қани?— Богучаров дурбинни кўзига тутди.

— Хув анави бутанинг ўнгроғида.

— Кўрдим, кўрдим... чиндан ҳам пароход битта эмасга ўх-
шайди... Қани, эскадронга физилла. Сал нарироққа, дарахтлар-
нинг орқасига ўтишсин. Элдан бурун чўчитиб юборишмасин.
Сигнални кутиб тур.

Богучаров бир ўзи қолиб, отда тутунни кузатарди.

Кўп ўтмай дарё қайрилишида кенг трубадан қуюқ тутун
чиқариб, кичик буксир кўринди, у кетма-кет келаётган иккита
дарё пароходини тортиб келарди. Дарё ҳали тўлиб-тошиб оқа-
ётганидан кучсиз пароходлар йилнинг бу вақтида оқимга қарши
буксир ёрдамида юарди.

Богучаров жимгина чекиб, уларнинг келишини кузатарди.
Дурбинсиз ҳам пароходда йўловчилар борлиги, уларнинг акса-
рияти бемалол ўз иши билан машғул бўлган офицерлар эканли-
ги кўриниб турарди. Буксир Богучаровнинг тўғрисиغا келганда
у узангида туриб, қўлини силкиганча бақирди:

— Қани, қирғоққа келинглар!..

Олдинги пароход ҳужрасидан денгизчилар фуражкеси ва ки-
телини кийиб олган қария ажабланиб қаради.

— Нега энди?

— Қирғоққа кел деяпман сенга, каламуш!— деди жаҳл би-
лан Богучаров ва Емельяновга ишора қилди.

Урмондан эскадрон чиқди-да, йўл-йўлакай ёйилиб, пароход-
лар қаршисида тўхтади.

Пароходчилар булар ўзлариники эмаслигини энди фаҳмла-
дилар. Палубалардан отлиқларга қараб тартибсиз ўқ узишди.
Буксир ва пароходлар қуюқ тутун чиқарди-да, қирғоқдан жаво-
бан ўқ узилганига эътибор қилмай, яқин қолган ботқоқ соҳилга
стиб олиш учун тезликни оширди. Пароходдагиларнинг ўйла-
гани тўғри эди. Отлиқлар ботқоқликка келолмайди. Шу сабаб-
ли улар соҳилдан отилаётган ўқдан узоқлашиб оладилар. Аммо
шу пайт пароходлар олдини тўсиб чиқиб қирғоқда тачанкалар
пайдо бўлди ва бурилишиб, пулемётдан палуба ҳамда ҳужра-
ларни шиғаб ўққа тута бошлади.

Пароходлар тўхтаб, секин қирғоққа қараб бурила бошлади. Бужирни ҳам буришди, бироқ қаттиқ қўрққанидан тез кетаётди қўмликка тиқилиб қолишди.

Пароходларда яна яккам-дуккам ўқ овозлари эшитилди. Бу гуноҳимни кечмайди деб ўйлаган ёки ўзини тутолмай қолган офицерлар узган ўқ эди. Бошқалар сувга сакраб, қарши соҳилга қараб суза бошладилар. Уларни шундай қолдириб бўлмасди. Агар улар нариги томонга сузиб ўтиб кетса, пароходлар қўлга туширилганлиги колчакчиларга маълум бўлиб қолади. Уларни қайтириллар, деб ўгоҳлантиришди. Ўз билганидан қолмаганларни мўлжалга олиб отишди.

Олдинги пароход чуқур жойни топиб, қирғоққа келиб тўхтади. Богучаров бир группа жангчилар билан кўприкчалардан пароходга кўтарилди.

— Яраланганлар борми? — сўради у палубада ғуж бўлиб турган йўловчилардан ва санитарларга буйруқ берди:— Ишга тушинглар, яраларини боғланглар... — Кейин қари капитанга шундай деди:— Сен, отахон, шу вақтгача эс-хушингни йиғиб олсанг бўларди. Оппоқ соқолинг бўла туриб... Нимадан чўчидинг? Тирик қизил аскарни кўрмаганмидинг? Манавилар сен туфайли ярадор бўлишди, отахон.

Поход шляпали, оқ кофтасини қора юпкасига тиқиб олган кенг корсажли ўттиз ёшлардаги бир аёл жон-жаҳди билан бақирди:

— Ҳаммасига сабабчи сиз!.. Сиз!.. Нега пароходимизни тўхтатдингиз? Сизга нима халақит берди? Тинч аҳоли билан уруш-яспизми? А?.. Узурпаторлар!..

«Узурпаторлар»га Богучаров тушунмади, шундай бўлса ҳам эътироз билдирди:

— Бу ерда тинч аҳоли жуда озчиликни ташкил қилади. Кўпчилик жаноб офицерлару ва бошқалар. Бу пароходнинг эса сизга кераги йўқ. Уйингизда ўтиравермайсизми... Ҳақорат қиласиз, тагин ўқиган одам экансиз-а.

У ҳамма йўловчиларни юқори палубага йиғишни буюрди. Ҳамма йиғилиб бўлгач, уларга шундай деди:

— Билмадим, сизларни жаноблар дейиш керакми, граждандар дейиш керакми, лекин бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Гап бундай. Ҳарбийларни биз асир оламиз. Фақат кийимларни ўзгартирмайсизлар ёки бирон бемаъни иш қилмайсизлар. Ҳеч ким сизни еб қўймайди. Сизларнинг орангизда Қизил Армия тўғрисида оғзига келганни вайсашаётган бўлса ҳам, биз асирларни отмаймиз. Қолганларнинг ҳаммаси қирғоққа тушиб, хоҳлаган томонига кетаверсин. Команда пароходда қолади. Тушунарлими? Бўлмаса, бошланг...

Бир зумда пароходлар йўловчилардан бўшади. Пароходлар-
ип дарёда пастга олиб бориб, хилват жойга бекитиб қўйишди,
ичида команда ва соқчиларини қолдиришди.

Қайтишаётганда кеч бўлиб қолганди. Емельянов отни ниқ-
таб Богучаровга етиб олди-да, шундай деди:

— Иван! Бир нарсага ҳайронман. Нега дарёнинг нарёғида-
гилар отишмади? Улар пароходларни нима қилаётганимизни
тушунмасликлари мумкин эмасди-ку. Баланд қирғоқдан мана
сенга деб ҳаммамизни бошлаб ўққа тутишса бўларди-ку.

— Ҳим ҳам шуни ўйлаяпман...— деди Богучаров. — Мням-
да бир фикр чарх урарди: балки уларнинг ҳеч вақоси бўлмаса-
чи? Отадиган одамнинг ўзи топилмаган бўлса-чи?

— Нега ҳеч ким бўлмасин?

— Шунинг учунки, улар бизни у ёқда, Уфа остонасида, те-
мир йўл кўприги олдида ёки шунга ўхшаш бошқа бирон жойда
кутишаётлипти, бу ерда эса уларнинг бор кучи ҳам қишлоқлар-
да тургандир.

— Аммо окопларни ўз кўзинг билан кўрдинг-ку.

— Окоплар қазилган, лекин окопларда ҳеч ким йўққа ўх-
шайди. Қандайдир қўриқчилар бўлса ҳам улар кундуз кунни ух-
лаб ётади. — Богучаров тўхтаб, ўйлаб туриб деди:— Балки би-
рон киши бизнинг пароходлар билан овора бўлиб ётганимизни
кўрган бўлса ҳам, ўзимизни одамлар деб ўйлагандир. Улар
ахир зарур бўлса, аҳоли билан ҳисоблашиб ўтиришмайди-ку.
Лозим бўлиб қолса, пароход у ёқда турсин, бутун шаҳарни ҳам
олиб кетишади.

— Нима бўлса ҳам бу ҳақда Кутяковга хабар қилиш керак.

— Албатта...

3

Кўчма оператив штаб вазифасини бажарган поездни Чишма
стациясининг эҳтиёт йўлидаги тупикда қолдирган Фрунзе 25-
дивизия турган ерга жўнаб кетди.

Мойдан кирлаб кетган, кўп вақтдан буён ремонт қилинма-
ган ёғоч кегайли, фойтонники сингари устига брезент қопланган
қўпол автомашина денатурат-спирт ва керосин аралашмасини
саситиб-бурқситиб, пат-пат қилиб ўрмон ичидаги йўлдан физил-
лаб борарди. Жанубий группа штабида дурустроқ бошқа авто-
машиналар ҳам бор эди, бироқ Михаил Васильевич шунисини
маъқул кўрди. Кўримсиз бўлса ҳам бу машина анчайин бақув-
ват, ёнилғини унчалик талаб қилмайдиган, йўл ёмон бўлса ҳам
кетаверадиган ҳамда кенг бўлганидан Фрунзегга маъқул келган
эди. Унга дуч келган ерда бирон командир, сиёсий ходим ёки

бошқа керак бўлиб қолган одамни олиб, у ё бу масалани йўл-йўлакай муҳокама қилиб кетса бўларди.

Бу сафар ҳам у доим бирга олиб юрадиган Никита Игнатьевич ва оператив штаб ходимларидан ташқари Туркистон армияси сиёсий бўлимининг бошлиғи Тронинни ҳам бирга олиб кетаётган эди. Тронин илгари Самарада губерня маориф комиссари эди. У яқинда ўзига берилган 25- дивизия билан танишиш жуда зарур эди.

Уфа истеҳкомларига штурм қилиш вазифаси топширилган Туркистон армиясининг кучи жуда кам эди, Фрунзе буни яхши биларди. У Уфа операцияси вақтида Жанубий группага Бешинчи армияни беришни қатъий талаб қилган эди, бироқ рад жавоби олганди. Фронт қўмондонлиги ҳали ҳам шимолга зарба бериш фикридан қайтмаган эди, ваҳоланки душманнинг асосий кучлари бу ерда, Уфа яқинида тўпланиб турарди. Фрунзе барибир Бешинчи армия душман ҳарбий флотилиясининг силжишига ҳалақит берсин учун Уфадан олтмиш чақиримча пастда Оқдарё кечувини ишғол этиш ва бу билан Уфа операциясини шимолдан ҳимоя қилиб туришига эришди. Сўнг Михаил Васильевич Биринчи армиядан анча жанговар 24-дивизияни Туркистон армиясига ўтказди ва Биринчи армия қўмондонига 20-дивизия билан Стерлитамакка ҳужум бошлаб, Уфа операциясини шимолдан ҳимоя қилиб туришни буюрди. Бу тадбирлар Туркистон армиясини бирмунча кучайтирди, аммо бу куч билан операцияни муваффақиятли яқунлашга ҳали қатъий ишониб бўлмади. Кучлар нисбати шундай бўлиб турганда қўшинларимизнинг муваффақиятини фақат оперативлик, жанг давомида вужудга келадиган ҳар қандай масалани қўмондонлик билан боғланиб, келишиб ўтиришни кутмай, дарҳол шу жойнинг ўзида ҳал этишгина таъминлаши мумкин эди. Фрунзе ана шуни ўйлаб, Жанубий группа қўмондони бўлиш билан бирга, операция вақтида Туркистон армияси раҳбарлигини ўз қўлига олишга қарор қилди.

Уни яна Оқдарёни кечиб ўтиш ташвишлантираётган эди. Самойло Шарқий фронтга ўн беш кундан бери қўмондонлик қилиб турган бўлса ҳам, йўл қўйган кўплаб хатоларидан ҳеч қандай ҳулоса чиқариб олмаганди. Бу гал ҳам у ҳужум тўғрисидаги кўрсатмада асосий зарба йўналишига Фрунзе жавоб беради, деб очиқ-ойдин айтмади. Самойло асосий зарбани Туркистон армиясининг ўнг қаноти билан беришни таклиф қилди; бу қанотга 24-дивизия, 2-дивизиянинг 2- бригадаси ва 3-отлиқ дивизиялар кирарди. Шу ҳолда Шарқий фронтнинг штаб картасида бу ҳужум ваҳимали кўринарди. Михаил Васильевичда ҳозирча фронт штаби планининг тўғрилиги ёки хатолиги хусусида

қатый бир фикр йўқ эди. Белебей ишғол этилгандан сўнг тўсатдан Жанубий группа қўшинлари ҳужуми тўрт кун тўхтаб қолгач, душман бу вақт ичида нафасни ростлаб олган, колчакчилар ўз жойларини анча ўзгартирган бўлиши мумкин. Душман армиялари ўртасидаги сув тўсиғи туфайли разведканинг иши эса жуда қийинлашган эди. Фрунзе фронт штаби билан беҳуда жанжаллашиб ўтирмади ва ҳужум тўғрисида буйруқ берди, берди-ю, яна вазият ойдинлашиб қолса, бошқача йўл тутаман, деб ўзича ўйлаб ҳам қўйди.

Биринчи тўқнашувлароқ Самойло мажбур қилиб ўтказган бу план бошқаларидан яхши эмаслигини кўрсатди. Душман асосий зарбани худди шу ерда кутаётгандек яхши жойлашиб олган экан. Уфанинг жануброғидан, Оқдарёдан ўтишга бўлган уриниш зое кетди. Бошқача йўл тутиш керак эди. Фрунзе зарбдор группа қўшинларига ҳужумни ошкора давом эттириш ҳақида буйруқ бериб, ўзи Чапаевнинг олдига жўнаб кетди.

Ҳали вақт эрта эди. Йўл ёқасидаги майсаларга кечаси билан ўтирган қалин шабнам йилтирарди. Нам йўлда чап кўтарилмасди. Машина аҳён-аҳёнда ўнқир-чўнқирда силкиниб борарди.

Михаил Васильевич пружина ёстиққа суяниб, Уральск ва Оренбург тўғрисида ўйлаб борарди. Улар бадандаги иккита зипрапчага ўхшаб сира эсидан чиқмасди. Уральскдаги аҳвол ҳақиқатда жуда оғир эди. Унинг гарнизонига Фрунзе шу вақтгача иложи борича кўрсатиб келаётган ёрдам сира кифоя қилмасди. Фрунзе Уфани эгаллагач, Чапаев дивизиясини тўхтатаман-да, уни Уральскка буриб юбораман, деб ўйлаб қўйганди. Лекин Оренбург нима бўлади? Гай ҳамон ҳеч нарса билан ҳисоблашмай ёрдам сўраётган эди. Ундан келаётган шикоятлар ҳатто Ленинни ҳам ташвишлантираётганди. Бироқ Гай ўзидаги мавжуд кучлардан етарли даражада тартиб билан фойдалана олмаётган эди. Унга бу хатосини кўрсатиб, қаттиқ урншиб қўйишга тўғри келди. Лекин Гай эс-ҳушини йиғиштириб олишига умид кам эди. У жуда ҳаддидан ошиб кетганди. Биринчи армия қўмондонини ўзгартириш масаласини кўрмаса бўлмайди, шекилли. Шундай қилинса, балки унинг кўзи очилар ва кейин бошқа жойда қўшинларга яна яхшироқ бошчилик қилар...

Автомашина ўнқир-чўнқирда қаттиқ силкиниб кетди. Фрунзе хаёллари бўлиниб, ҳамроҳларига қувноқ назар ташлади.

— Атайлаб қиялпти,— ишора қилди Михаил Васильевич шоферга.— Одати шунақа. Бадқовоқ одамларга тоқати йўқ.

Ҳамма беихтиёр жонланди, у ёқ-бу ёқдан гап бошлашди.

— Сиз Чапаев билан учрашдингизми?— сўради Фрунзе Трониндан.

— Бир марта Бузулукда учрашдим, ўшанда ҳам икки оғизгина гаплашдик.

— Сиз уни яхшироқ билиб олишингиз керак. У ажабтовур одам, у билан киришиб кетиш осон эмас. Атрофдагилар ҳам ўзига ўхшайди. У ерда сиёсий ходимларга, хусусан, шаҳардан борганларга қийинроқ бўлади. Чапаевчилар уларнинг ботишлигини ҳам, сиёсий бардошини ҳам синаб кўришади. Сиёсий жиҳатдан синаш учун жуда бемаъни контрреволюцион гапларни қилишади-да, янги одам бунга қандай қараркин, деб кузатишади. Узлари-ку, бундай сафсатани бошқалардан эшитишса, сира тоқат қилиша олмайди. Сафсатага учадими-йўқми, чин деб ишонармикан, деб кузатишади. Бунақа синовга ҳамма ҳам бардош беролмайди. Ана ундан кейин кўрасан, армия сиёсий бўлимига шикоят қилишади, ёппасига контрреволюция, деб туриб олишади.

— Бусиз бўлмайди,— кулди Тронин.— Шикоятлар бор...

— Улар Фурмановни ҳам бошида шунақа синаб кўришган. Лекин Дмитрий Андреевични бунақа беҳуда гаплар билан лақиллата олмайсан. Ўзи ҳам Ивановомизда дурустгина сабоқ олган.

Ўрмон четида улар қандайдир қизил армия қисмига етиб олишди, бу қисм йўлда тизилиб борарди. Фрунзени таниб қолишди.

— Узоққа кетяпсизларми?— сўради у автомашинани тўхта-тиб.

— Буйруққа биноан олдинги маррага, ўртоқ қўмондон.

— Кечикиб қолмайсизларми?

— Бизда кечикиш одати йўқ. Ҳаммасини ҳисобга олиб йўлга чиққанмиз,— деб жавоб берди кўзлари ўйноқи норгул жангчи. У этигини ечиб, қулоғидан бир-бирига боғлаб, елкасига ташлаб олган, яланг оёқ эди.

— Нега яланг оёқсиз?

— Шуниси қулайроқ, ўртоқ қўмондон. Этик менга кузда ҳам керак бўлади. Ёзда бекорга уринтириб нима қиламан.

— Ҳаммасини ҳисобга олишади,— кулди Фрунзе, автомашина қизил аскарларни орқада қолдириб кетгач.— Эрта-индин жангга киришини ўйлашмайди ҳам. Бундайлар фақат ғалаба қозонади.

Олдинда Авдон қишлоғи кўринди. У ерда 25-Чапаев дивизиясининг штаби жойлашган эди.

Қишлоқ мактабининг синфхонасида дастаки дастурхон ёзилган узун стол атрофида 25-дивизия бригада ва полклари-

нинг командир ҳамда комиссарлари тўпланишган эди. Артиллерия бошлиғи, штаб бошлиғи, алоқа бошлиғи ҳам шу ерда эди, қисқаси, бўлажак операциянинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигини белгилайдиган одамларнинг ҳаммаси йиғилган эди.

Мактабдан парталар ҳовлига чиқарилиб, шийпон тагига яхшилаб тахлаб қўйилган эди. Буни Фрунзе келгандаёқ сезганди. Хонада мактаб буюмидан фақат синф доскаси-ю, деворларга осиглиқ географик карталаргина қолганди. Карталарга каленкор ёпиштирилгани учун уларни жангчилар пайтава қилиб ишлатиб юборишмасин, деб чўчиб жойида қолдиришган эди.

Стол атрофидаги жой ҳаммага етмади, шунинг учун таклиф этилган одамларнинг бир қисми девор ёнига қўйилган скамейкаларга ўтиришди. Стол ва скамейкаларда командир ҳамда сиёсий ходимлар, гарчи ҳеч ким айтмаган бўлса ҳам, жой-жойларига ўтирганлигини Фрунзе пайқади.

«Бошбошдоқлик шуми»,— кулиб кўнглидан ўтказиб қўйди у. Бу ҳар хил бўлмағур чақувларга яхши жавоб эди. Бундай чақимчилик армия сиёсий бўлимига ҳам, Жанубий группа революцион ҳарбий кенгашига ҳам кети узилмай келиб турарди. Ҳозир ҳам унинг дала сумкасида иккита энг сўнги хуфия хабар бор эди. Бундай хабарлар армия сиёсий бўлимининг бошлиғи Тронинда ҳам бор эди. Уларда Фурманов устидан иғво қилиб, чор армияси фельдфебелининг, яъни Чапаевнинг ногорасига ўйнаётганлиги ёзилганди.

— Бундан чиқди, ўртоқ Чапаев,— деди оҳиста Фрунзе,— сиз Уфани бостириб бориб олмаганингиздан сўнг штурм билан олишга тўғри келади.

Бу бир оз ўринсиз таъна эди, лекин йиғилганларни қўзғатиб қўйиш учун айтилган эди. Чапаев ҳам шартта шундай деди:

— Агар Белебеяда тўрт кун қўл қовуштириб турмаганимизда олган бўлардик, ўртоқ қўмондон.

— Утган ишга салават. Уфани олиш керак. Олганда ҳам шундоқ олиш керакки, худди шу ерда колчакчилар армияси умуртқасини синдириб ташлаш лозим, токи қайта ўзини ўнглай олмасин. Оқдарёни кечиб ўтиш тўғрисида сизда қандай фикр бор, ўртоқ Чапаев?

У жиддий қиёфага кирди. Фикрини сўраяпти... Чапаевнинг ўйлаб қўйган плани бор эди. У бу планни ўйлаб, икки тунни уйқусиз ўтказган, ўзининг ва душманнинг кучларини таққослаб икир-чикирларигача ҳаммасини ҳисоблаб қўйган эди.

— Айтиб берайми, ўртоқ қўмондон?

Фрунзе индамай бош ирғади.

Чапаев ўрнидан туриб, шошилмай икки чақирим масофа бир сантиметрда кўрсатилган картани ёзди. Қартага қинғир-қийшиқ кўк, қизил чизиқлар, доира, ўқ чизиқлар чизиб ташланган эди. Бейхтиёр белини ушлаб қўйди.

Унинг юзи қандайдир чўзилди, кўзлари худди бўлажак жангни бутун тафсилоти билан кўриб тургандек хиёл қисилди.

— Красний Яр яқинида кечувдан ўтамиз,— бўғиқроқ овоз билан бошлади у.— Бу бизнинг участкамиздаги энг қулай жой. Темир йўл кўпригига умид қилиб бўлмайди. Кўприкни душман ҳамма ёқдан ўққа тута олади, бунинг устига миналаштириб қўйган бўлиши ҳам мумкин. Бутун дивизияни қурбон қилиб ҳам бу ерда ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

— Кўприк миналаштирилгани ҳақида маълумотлар борми?— секин сўради Фрунзе.

— Йўқ, анىқ маълумотларга эга эмасмиз. Разведкачилар бир неча марта боришмоқчи бўлишди-ю, натижа чиқмади. Лекин душман ҳам гўл эмас. Унинг тайёргарлик кўришига ҳам анча вақт бериб қўйдик-да,— деди чидаб туrolмай Чапаев, ҳужумни тўрт кун тўхтатиб туришда айбдор бўлганларга ишора қиларкан...

Фрунзе бошини чайқаб қўйди. Ҳеч тинч туrolмайди-да! Ўзини ҳар балoга гирифтор қилади. Душман орттиришга уста.

Василий Иванович бўлса ўз режасини айтишда давом этарди, ҳамма нарсани пухта ўйлаб, ҳисобга олиб қўйгани билиниб турарди. У бунга нима деркин деб гоҳ-гоҳ Фрунзегга қараб қўяради, гоҳ Фурмановга назар соларди. У Фурманов билан бу планни кеча муҳокама қилган эди. У кечувдан ўтаётганда артиллерия ҳимоя қилиши тўғрисида гап кетса, артиллерия бошлиғига, нариги қирғоқ билан телефон алоқаси ўрнатиш тўғрисида гап борса, алоқа бошлиғига, снаряд ва патронларни олиб келиш тўғрисида гапирса, ҳарбий таъминот бошлиғига қараб қўярди.

— Шундай қилиб, — деди Чапаев,— Етмиш учинчи бригада, Йигирма бешинчи отлик полк, броневиклар отряди ва авиация отрядидан иборат зарбдор группа Красний Яр яқинида Оқ дарёдан кечиб ўтади. Етмиш тўртинчи бригада иккинчи эшелонда кечув олдида йиғилади. Потапов Етмиш бешинчи бригадаси билан душман эътиборини ўзига жалб этиб туриш учун темир йўл кўпригининг ўнг қанотида туради. Зарбдор группага Кутяков командирлик қилади. Мен кечув жойида бўламан...

Шундан кейин у дивизион артиллерияси тўғрисида муфассал тўхталди. Унинг қирқта тўпи тўрт соатдан сўнг кечув жойи олдида позицияни эгаллайди. Зарбдор группа билан телефон алоқаси қандай бўлишини айтиб берди. Алоқа тўхтаб қолмасин учун бир неча сим тортилиши кераклигини, нимада кечиб ўти-

лишини гапириб берди. Атиги иккита кичкина пароход билан ўн бешга яқин қайиқ мутлақо етишмасди.

— Паром-чи,—сўради Фрунзе, Чапаевнинг пухта ўйлаб қўйилган планида қар қалай нимадир етишмаётганини хаёлидан ўтказиб.

— Паромми?—Василий Иванович дивизияга берилган инженерлик батальони командирига ўқрайиб қаради. У бошини қуйи солиб ўтирарди.—Кўрувдим ўша паромни. Артиллерия ва обозлар у ёқда турсин, ўлган мушукни аранг кўтаради.

Фрунзе вақт топиб Карбишевни бу ёққа юборолмаганидан афсусланди. У келганда бунақанги нуқсонлар қолмасди. Аммо на чора. Кечувни кейинга қолдириб бўлмайди. Шунга қарамай, Чапаевнинг яхши планида нимадир етишмасди. Фрунзе бўлажак ҳужум тартибини кўз олдига келтирди-да, нариги қиргоқдан жой эгаллаб, душманнинг шиддатли зарбасига кўндаланг бўлиш ва қолган қўшинлар етиб келгунча бардош бериб туриш қийинлигини англади.

— Қайси полк биринчи бўлиб боради?—сўради у.

— Пугачёвчилар.

Фрунзе шубҳаланиб бошини чайқади. Кутяков бригадаси полклари юксак жанговар фазилатлари билан ажралиб турарди. 217-Пугачёв полки ҳатто улардан ҳам ажралиб турарди, бироқ бошқа қисмлар етиб келгунча нариги қиргоқни қўлдан бермаслик учун бу кифоя қилмасди. Довюракликнинг ўзи билан иш битмасди.

Пугачёв полкининг командири Плясунков диққат бўлганидан қизариб кетган эди. У Фрунзенинг шубҳасини ўзинча тушунган эди. «Уральскда бўлган воқеа учун ҳали ҳам мендан хафа».

Чапаев ҳам сергакланди. Нафсониятли, қизиққон Чапаев бу гапларни Фрунзедан бошқа одам айтганда-ку аллақачон захрини сочарди-я.

— Икки юз йигирманчи Иваново-Вознесенск полки ҳақида қандай фикрдасиз?—сўради Фрунзе.

— Яхши полк. Бардошли.

— Плацдарм ишғол этишга ўшани юборамиз. Унинг орқасидан Пугачёв полкини жўнатамиз. Назаримда, душман бу чалғитувчи ҳужум эмаслигини тушунгандан кейин шиддатли ҳужумга ўтади, ана шунда иккала полк уларга қарши туриши керак. Душман ҳам анойи эмас. Дарров фаҳмига боришади...

Михаил Васильевич бўлажак операциянинг яна баъзи бир икир-чикирларини аниқлаб олгач, старший командирларга кечув жойига рекогносцировкага боришларини айтди.

Улар отга минибди иккитадан бўлиб боришарди. Олдинда Фрунзе билан Чапаев, орқаларида—Фурманов Никита Игнать-

евич билан, улар кетидан бошқалар ҳам сафланишган эди. Дам олган отлар илдам қадам ташларди. Йўл сийрак ўрмондан ўтган эди. Қуёш тикка кўтарилган, айниқса эрталаб чуғур-чуғур қиладиган қушлар ҳам анча тинган эди.

Мана, бир неча марта у ёқ-бу ёққа қайрилган йўл ҳам дарёга қараб кескин бурилди.

Фрунзе отни тўхтатди.

— Бу ёғига яёв юришга тўғри келади.

Ҳаммалари шошиб, қия қўмликдан тепаликка кўтарилишди-да, нариги қирғоқдан ўт очишларини кутиб туришди. Лекин жимжит эди, бу осойишталик уларни ажаблантириб, ҳушёр торттириб қўйди. Бу нимаси? Қўшинлар келаётганлигидан ва ўнг қанотда ҳужумга уринаётганлигидан алданиб қолган душманнинг бепарволигими ёки унинг ҳам айёрликка айёрлигими?

Тепаликдан улар нариги қирғоқдаги ҳар бир бўта, ҳар бир дўнгликни дурбинда синчиклаб кўздан кечиришди.

— Сизнингча, бу нима бўлиши мумкин, ўртоқ Чапаев?—сўради Фрунзе дурбинни тушириб.

У елкасини қисди.

— Ҳеч нарсага тушуниб бўлмайди, ўртоқ қўмондон. Айёрликка ҳам ўхшамайди.

— Нечун?

— Пароходчаларни қўлга олганда ҳам шунақа бўлган экан. Нариги қирғоқдан ақалли ит ҳам акилламаган. Ваҳоланки куппа-кундуз купи бўлган эди. Богучаровдан ўзим сўраб-суриштирдим.

Фрунзе яна бир марта дурбин билан нариги тик қирғоқни кўздан кечирди. У ерда ҳеч қандай ҳаракат сезилмасди. Шундан сўнг Михаил Васильевич бир қарорга келди.

— Шу бугун кечасиёқ кечувни бошлаш керак. Ортиқча кутиш хавфли. Улар эс-ҳушларини йиғиб олишлари мумкин. Етмиш тўртинчи бригада етиб кела олармикан?

— У деярли олдинги маррада турибди. Икки соатдан сўнг батамом етиб келади.

— Ҳўш, сиз қандай фикрдасиз? Бугун кечаси кечувни бошлай оламии?

— Лозим экан, бошлай оламии.

— Бўлмаса гап шу. Буйруқни бераверинг.

217- Пугачёв полкининг командири Плясунков рекогносцировкадан тумтайиб қайтиб келди. У Уралскдаги бемаънилик учун Михаил Васильевич менадан ҳамон хафа бўлиб юрипти, деган фикрда эди. Э, йўқ! У қўмондондан бирон нима деб гина қила

олмасди. Плясунков ўзининг полки Кутяков бригадасида ҳақиқатан ҳам энг яхши полк ҳисобланишини, унинг ўзини жанговар командир сифатида ҳурмат қилишларини биларди, лекин бу унга камлик қиларди. У Фрунзенинг Чапаевга, Фурмановга, 220-Иваново-Вознесенск полкининг командири Горбачевга, ҳатто Богучаровга муомала қилаётгандаги билинар-билимас самимиятини зимдан ҳасад билан кузатар, қўмондон ўзи билан гаплашганда доим «ўртоқ» сўзини қўшмай шундай фамилияси билан чақиришни жуда-жуда истар эди. Лекин бунга қандай эришса бўлади?

У йўл-йўлакай ярашишга баҳона ўйлаб келди, лекин топган баҳоналарининг биронтаси ҳам тўғри келмасди. Плясунков тўғридан-тўғри Фрунзенинг олдига бориб, бор гапни айта олмасди. Қани энди бир фурсати келса-ю, ўзини кўрсатса, ана шунда Михаил Васильевич шахсан ўзи ташақкур билдирган бўларди! Унда бошқа гап эди. Плясунков шунда: «Биласизми, Михаил Васильевич, менга миннатдорчилик билдиришингиз шарт эмас, Уральскда қилган бемаъниликимни унутсангиз бас», деган бўларди. У Оқдарёни кечиб ўтаману душман жойлашган қирғоқдан биринчи бўлиб плацдарм эгаллаб, ўзимни кўрсатаман, деб мўлжаллаб қўйган эди, бироқ кенгашда Чапаев планига Фрунзе киритган тузатиш уни бу имкониятдан маҳрум қилди.

У уйига яқинлашгандагина йўлини топди. Ўзи айни шу ишдан бошласа бўларкан.

— Гап бундай, Аня,— деди у хотинига,— ўшанда мен бекорга жаҳл қилган эканман. Бўйдоқ бўлиб олмоқчиман.

У стол олдига ўтириб, бир даста қоғозни олдига тортди.

«Ўртоқ қўмондон!»— деб ёзди Плясунков, бироқ ўйлаб кўрди-да, жуда расмий бўлади, деб ўчирди. «Ҳурматли Михаил Васильевич», буни ҳам ўчирди: ҳарбийча чиқмади.

«Ҳурматли ўртоқ қўмондон!»

— Сира чиқмаяптп-ку!— бурнини жийирди Плясунков.— Миямга бўлмағур нарсалар келади-я.

У ёзилган қоғозни тўрт бўлакка бўлиб, перони сиёҳга ботирди-да, ўйламасдан, миясига келган гапни бошқа қоғозга ёза бошлади.

Кеч кираётганди. Толларнинг қинғир-қийшиқ сояси Авдон қишлоғи кўчаларига тушиб турарди. Дивизия штаби яхши созланган механизмдек зўр бериб, аниқ ишлаётган эди. Дивизияни бригадалар, артиллерия қисмлари, дала омборлари ва айрим бўлинмалар билан боғловчи дала телефонлари дам ўтмай жиринглаб турарди. Телеграф аппаратлари тақилларди. Чопарлар

отларини елдириб штабга келишарди-да, сакраб тушиб зина-ларни тарақлатганларича штаб навбатчисига шошилиш хабар-ларни топширишарди. Штаб ҳузурида навбатчилик қилиб, бекорчилкдан ҳовлида лақиллаб юрган бошқа чопарлар эса пакетни олган замон қай вақтда етказиб бериш муддати кўрсатил-ган юқори ўнг бурчагига қараб олардилар-да, сакраб отга мини-шарди ва кўп ўтмай кўздан ғойиб бўлишарди, улар кетидан кўтарилган чанг оҳиста ерга қўнади.

Қишлоқ кўчасининг қарама-қарши томонидаги уйда қўмон-дон учун ажратилган катта меҳмонхонада Михаил Васильевич карта устига энгашиганича мудраб ўтирарди. Икки кундан бери ухламагани, доимо қисмма-қисм кезиб юриши ва душман Чишма яқинида яксон этилган бўлса ҳам, Каппель корпусини Оқдарё-нинг нариги ёғига олиб кетишга муваффақ бўлганини билган-дан сўнг асабийлашгани таъсир қилганди.

Никита Игнатъевич эшикни гичилламасин деб аста қия очиб, Фрунзе мудраётганини кўрди-да, билдирмай ёпиб қўя қолди ва секин зинага чиқди.

Бурчакда уч қизил аскар нима ҳақидадир баҳслашишаёт-ган эди. Никита уларга муштини кўрсатиб, меҳмонхона дераза-сига ишора қилди. Қизил аскарлар тушуниб, жим бўлиб қо-лишди.

Соқчи келиб деразага қизиқиб қаради.

— Ухлаяптими?

— Столда ўтирганча мудраяпти.

Соқчи тушуниб, бош чайқаб қўйди.

— Қаттиқ чарчаган кўринади...— У милтиқни у қўлидан бу қўлига олиб кулимсираб деди:— Комендатурада бир хотинни ушлаб туришипти.

— Нега?

— Қандайдир тентак шекилли. Қора терга ботиб югуриб кел-ди. Гапни қара-я, Фрунзегга учрашиши керак эмиш. Сенга айг-моқчи эдик, соқчилар бошлиғи уни безовта қилиб нима қила-санлар деди. Штабга борсам, ўша ерда ўзига айтаман дейди. Хотин бу ерда ўтира турса, оҳори тўкилиб қолмайди-ку.

Никита Игнатъевич норози оҳангда пўнгиллаб қўйди:

— Оҳори тўкилмасмиш... Э, каллаварамлар! Борди-ю, унинг Михаил Васильевичда жуда ҳам муҳим иши бўлса-ю, ўша гапни сен анқовга айтолмаса-чи?

— Ахир соқчилар бошлиғи...— эътироз билдирди соқчи.

— Соқчилар бошлиғи бўлса нима қилпти? Уни қўявер, сени ўзингни калланг йўқми? Қуруқ каллани нима қилиб кўтариб юрчбсан?.. Хайр, майли, сен бу ерда кузатиб тур, атрофда шов-қин солишмасин, мен эса бориб кўрай, қанақа одам экан.

— Бора қол, бора қол,— кулди орқасидан соқчи,— кўришга арзийдиган хотин.

Никита қайтиб келганда Фрунзе турган уй олдидаги от бор-ланадиган жойда бир неча эгарлоғлиқ от турарди. Меҳмонхонада, Михаил Васильевичнинг олдида Чапаев, Тронин, Фурманов, 75-бригада командири Потапов, яна аллақандай ҳарбийлар бор эди.

Никита Игнатъевич уларга хўмрайиб кўз қирини ташладп: «Бир соат ҳам ухлашга қўйишмади-я», деб кўнглидан ўтказди-ю, лекин ҳеч нарса демади.

У нимани айтиш мумкину, нимадан ўзини тийиб туришни яхши биларди.

Чапаев гапираётган эди:

— Демак, шундай. Сиз, Потапов, Фурманов билан икковиъгиз кўринадиган жойдан туриб темир йўл кўпригини назорат қиласизлар. Кўприк миналаштирилганми-йўқми, аниқлашга ҳаракат қилинг. Агар миналаштирилган бўлса, симни узишга урининг. Душман кўприкка қум ортган вагонларни келтирган. Вагонлар ҳеч гапмас. Агар кўприк бутун қолса, уларни олиб кетиш мумкин. Одамларни эҳтиёт қилинг, беҳуда қаҳрамонлик кетмайди. Кутяков душманни қисиб келишини кутиб туринг. Қисиб келдими — фурсатни бой берманг. Қолганларини ўзларингиз ўша жойда кўрасизлар, ёш бола эмассизлар-ку. Алоқа аввалги сафардагидақа бўлмасин тагин... Сен алоқа бошлигингга тайинлаб қўй, яна ўшанақа қилса, терисини шиламан. Шунинг учун билиб ишини қилсин.

— Ҳаммаси жойида бўлади, Василий Иванович, ташвишланма,— деб ишонтирди Потапов.

Чапаев унга кўз қирини ташлади-ю, ортиқча ҳеч нарса демади.

— Биз кетаверишимиз мумкин, ўртоқ қўмондон,— мурожаат қилди у Фрунзегга.— Ҳаммаси тайёр.

Фрунзе соатига қаради.

— Ҳа, вақт бўлипти,— деди Михаил Васильевич

Унинг олдида Никита Игнатъевич келди.

— Сизни бир хотин сўраётган эди,— деди у.— Полк командири Плясунковнинг хотини.

— Нима иши бор экан?

— Шахсий гапим бор, дейди. Ана ўзи ҳам!

Михаил Васильевичнинг олдида ёш жувон дадил келиб, пакетни узатди.

— Ўртоқ Плясунковдан.

— Салом,— деди Фрунзе,— биз сиз билан учрашгандик.

Пакетда хат бор эди. Фрунзе хатни ўқиб, жувонга қаради,

Ўзини жиддий тутишга ҳаракат қилиб, яна бир марта ўқиб чиқди.

— Яхши, ўртоқ Плясункова. Худди шундай қиламиз. Сиз бир оз кутиб туринг. Ўзим айтаман.

Аёл кетди.

Хатда шундай дейилган эди:

«Қадрли ўрт. Фрунзе!

Қизил командир ўзи билан хотинини бирга олиб юриши тўғри келмаслиги учун Сиздан уни ўзингиз билан бирга Самарага олиб кетишни илтимос қиламан. У ердан юртига жўнаб кетади.

Плясунков».

— Яхши,— деди Фрунзе,— тўғри келмайдиган бу аёлни ўз жойига элтиб қўямиз... Никита Игнатъевич, автомашина олинганда, Плясуновани Чишма станциясидаги поездимизга элтиб қўйинг. У ердагиларга айтинг, уни қулай фурсат топиб, Самарага элтиб қўйишсин, қулай пайт бўлмаса, биз қайтиб боргунимизча поездда яшаб турсин.

Никита қўмондонга ер остидан қараб қўйдн. Бу ерда бир неча соатдан сўнг жанг бошланадиган пайтда унга кимнингдир хотини билан овора бўлиб юришнинг сира ўрни эмасди. Фрунзе буни тушунарди.

— Қовоғингни солма, Никита Игнатъевич,— деди у.— Чишмага олиб бор, мен айтгандек жойлаштириб қўйгину, қайтиб келавер. Мен кечувда бўламан.

4

220-Иваново-Вознесенск полки жангчилари қўндоқларни ша- рақлатмаслик, котелокларни тақирлатмаслик учун аста пароходларга тушишарди. Бу пароходларни кеча душмандан тортиб олишганди. Трюмда, палубада, йўлакларда тиқилиб туришарди. Тадбиркор, эпчил бир жангчи кема арқонидан ҳалқа ясаб, бортнинг ёнига туширди-да, ўша ерга беланчакка ўтиргандек ўтириб олди.

— Йигитлар, штурвалда ўтирганга айтинглар, пароходини оҳиста юргизсин!

Бортдан аллакнинг жаҳли чиқиб шивирлагани эшитилди:

— Топган жойини-я. Йиқилиб қисқичбақаларга ем бўласан-ку.

Ҳалқада ўтирган киши бўш келмади:

— Унчаликмас! Сувоқчилик қилганимда гумбазлар устида юрганман...

Чурқ этмай нариги қирғоққа бориб пароходдан тушишди. Цепларга ёйилишди. Булутлар орқасидан кўринган баркашдек тўлин ой шудрингдан нам бўлган барглар, милтиқ затворлари, жангчилар белидаги шиша гранаталарни хира йилтиратиб,

булутлар орасига яширинарди, бутун қирғоқни яна ёз кечасининг қоронғилиги босарди. Пароходлар бўлса шарпа сингари қоронғиликдан сузиб чиқиб, одамларни тез туширар ва яна ғойиб бўлар эди.

Кечув жойида Чапаев турган эди. Дивизия бошлиги причал яқинида, тепаликда туриб секин қисқа-қисқа буйруқ берарди. Келаётган одамлар оқими орасида унинг бир ўзи қимирламай турарди. Одамлар қоронғиликдан чиқиб келиб, пароходда йўқ бўлиб кетишарди, кечувга қараб юриб, қирғоқ бўйлаб четга бурилишарди. Дивизия бошлиғи бақирмасди, сўкинмасди, шунинг учун ҳам одамлар унга дуч келиб қолганда худди очик электр симига тегиб кетгандек ундан ўзларини олиб қочишарди.

Икки юз йигирманчи Иваново-Вознесенск ишчи полки душман қирғоғига ўтиб, олдинги позицияни эгаллади. 217-Пугачёв полки ҳам дарёдан жимгина ўтиб олди.

Тонг хиёл ёришиши билан қирқта тўп олдиндан тайёрлаб қўйилган позициялардан душманга қарши ўт очди. Снарядлар ўттиз минут давомида сим ғовларни тилка-пора қилди, окопларнинг брустверларини бузиб ташлади, алоқа йўлларини вайрон этди. Дарё ҳосил қилган ҳалқа охиридаги тор жойни нишонга олган қирқ тўп металлларини ғижирлатиб, ўттиз минутгача олов ёғдириб турди.

Бундай бир ерга ёғилаётган ўқларга бардош бернш мумкинмасди. Шунинг учун душман эс-ҳушини йўқотиб, тартибсиз равишда — алоқа йўлларида ҳам, эмаклаб юқоридан ҳам истеҳкомнинг иккинчи чизиғига, ундан учинчисига қараб чекина бошлади... Қандай қилиб бўлмасин бу жаҳаннамдан узоқлашса бўлгани эди.

Буни пайқаган полк командири Горбачев иваново-вознесенскиларни тепага, душман окоплари томон бошлаб кетди, артиллерия тингандан кейин эса полк найзаларни ўқталиб, ўқ узмай окопларга ташланди. Улар шовқин-суронсиз ғазаб билан душманга найза суқишар, қўндоқлар билан уришар, асирга тушганларни орқада қолдириб, илгарилаб боришар эди. Улар душманни изма-из қувиб, Янги Турбасли деган бошқирд қишлоғига етиб келишди.

Бу орада 217-Пугачёв полки Оқдарё ёқалаб Александровка қишлоғига қараб борди.

Чапаевнинг тепаликдаги кузатув пунктидан иккала полк қандай сафланаётгани яхши кўриниб турарди.

Уларни кузатиб турган Фрунзе дурбинни тушириб, олидан милтиқ-пулемётларнинг кучайиб бораётган овозига қулоқ солди ва Кутяковни шоширди:

— Энди биз ҳам нариги қирғоққа ўтишимиз керак...

Аммо Кутяков имилларди. У ўз команда пунктида энг катта бошлиқ бўлишини унчалик хуш кўрмасди. Бу ҳақда у ҳатто Чапаев билан ҳам гаплашганди:

«Василь Иванович, сен қўмондонни ўз олдинда бир оз ушлаб тур. Биласанми, у олдимда бўлса, ўзимни эркин ҳис қилолмайман. Чунки у долзарб пайтда менинг ҳар қандай кўрсатмани бекор қилиши мумкин». Чапаев ўзининг ўта ботир бригада командирининг бундай заиф томонини биларди, унга раҳми келарди, бироқ ёрдам беролмади.

«Қизиқсан-а, Иван. Уни қандай қилиб олиб қолиб бўлади? Ахир бетига тўғридан-тўғри сиз шу ерда, қирғоқда сайр қилиб тура туринг, ўртоқ қўмондоқ, дарёнинг нариги ёғида сизсиз ҳам дундиришяпти, деб айтолмайсан-ку».

Кутяков ҳа, айтиб бўлмайди, деб унинг гапига қўшилди. Лекин шунга қарамай шошилмасди. Бирон нима Фрунзенинг хаёлини дарёдан ўтишдан чалғитиб қолар деган умидда эди.

Аммо Михаил Васильевич уни ортиқча имиллашга қўймай, нариги қирғоққа ўтиш ҳақида буйруқ берди.

— Ким команда бериб туради?— ўзини тутиб туролмади Кутяков.

— Ким деганингиз нимаси?— ажабланиб Фрунзе.— Дивизия бошлиғининг буйруғи билан сиз тайинлангансиз. Бинобарин, ўзингиз команда бераверасиз-да.— Кейин эгарда ўтириб, узангини тўғриларкан, жилмайиб деди:— Хотиржам бўлинг, сизнинг ўрпнгизни ҳеч ким эгалламоқчи эмас...

Дарёдан ўтишганда уларга армия сиёсий бўлимининг бошлиғи Тронин қўшилди. У бир оз олдин ўтганди. Ординарецлар ҳамроҳлигида учови фронт чизигига қараб кетишди. У ёқда Янги Турбасли қишлоғи атрофида милтиқ-пулемёт овозлари ҳамон кучайиб борарди, бироқ ўқ овозлари қандайдир тўхтаб-тўхтаб, палапартиш эшитиларди.

Фрунзе узангида туриб, отини елдирмоқчи эди, шу вақт Иваново-Вознесенск полкининг командири Горбачев уларнинг олдига отини кўпиртириб келиб қолди.

— Уртоқ қўмондон,— дея Фрунзегга мурожаат қилди у,— душман бир неча чалғитувчи қарши ҳужумдан сўнг бизга йнгиर्मата тўпи бўлган иккита полки билан ҳамла қилиб қолди. Бизнинг эса патронларимиз тугай деб турибди. Полк бардош беролмай, чекина бошлади...

Михайл Васильевич индамай Кутяковни кўрсатди. У сал олдинга ўтиб, ҳаяжон билан шундай деди:

— Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ҳамма чораларни кўриб

қочаётганларни тўхтатиш керак, Горбачев. Ҳозир разинчилар ва домашкинчилар етиб келади. Чидаб туриш керак...

Горбачев отини кескин буриб, ўз полкига қараб елиб кетди. Унинг орқасидан Фрунзе группаси ҳам от қўйди. Қишлоқ яқинида ўнг томондан бу томонга келаётган душман бирваракай ўқ узиб, уларни қарши олди. Ўқ теккан ординарец ағдарилиб тушди, иккинчи, учинчи ординарец ҳам ярадор бўлди...

— Қани, чап томонга! — бақирди Кутяков. У отни чапга бурганча Фрунзе билан Трониннинг йўлини тўсди-да, бутун группани қайтарди.

Улар бригада командирининг команда пунктида отдан тушишди. Бу ерда алоқачилар дала телефони спини тортиб қўйишган эди. Кутяков чўккалаб аппарат олдига ўтирди ва кечувдан ўтаётган қўшинлар ҳамда ўз полклари билан алоқа боғламоқчи бўлди.

Михаил Васильевич олдинда ястаниб ётган Янги Турбасли қишлоғига диққат билан қарарди. У ёқда тенгсиз жанг авж олаётган эди. Қишлоқни эгаллаган иваново-вознесенликларга душман милтиқ-пулемёт ўқлари ва артиллерия ўтини ёғдираётган эди. Булар эса оз отишарди. Бирдан чидаш беролмай орқага қараб чекина бошладилар, аввалга аста, уюшган ҳолда, кейин эса борган сари тез, тартибсиз чекиндилар, худди полк ҳозир саросимага тушиб, тарқаб, ўлимга юз тутиши тайин бўлиб қолди.

Фрунзе дуч келган бригада командири ординарецининг қўлидан милтиқни олиб, отга сакраб минди-да, чекинаётганларга қараб бақирди:

— Иваново-вознесенскликлар, тўхтанг! Чекиниш мумкин эмас!..

Тронин унинг орқасидан шошилди.

Никита Игнатъевич Плясунковнинг хотинини Чишма станциясига, Фрунзенинг штаб поезда турган жойгача кузатиб бориб, иложи бўлди дегунча уни Самарага элтиб қўйишларини тайинлаб, Красний Ярга, кечув жойига шошилди. У ерда Фрунзе Кутяков ва Тронин билан бирга икки соат бурун нариги қирғоққа ўтиб кетишганини унга айтишди. Разин полки пароходларга чиқаётган эди. Никита уларга қўшилди.

Пароходдалигидаёқ Никита пристань яқинида нимадир бўлаётганини пайқади. Қирғоққа тушганда учта броневик турганлигини кўрди. Улар дарёдан ўтгач, тахта зинадан туширишда ағдарилиб кетиб, ёнбошлаб ётарди. Тўртинчи броневик яхши тушиб келган эди-ю, катта кўчага етмасдан қум йўлда ботиб

қолғанди. Броневиқлар атрофида бир тўда отлиқлар уймаланишар, кўтариб олишга уринишар, лекин иложини қилишолмаётган эди.

Броневиқларни кўриб жангчилар хурсанд бўлиб кетишди. Улар броневиклар бўлса ўзларини дадилроқ ҳис этардилар. Полк командири батальонлардан бирига ўтириб қолган машиналар билан шуғулланишни топширди. Қизил аскарлар тўрт группага бўлиндилар. Қаёқдандир каноп лосидан қилинган арқон, қоziқ, шох-шабба тахталар топиб келишди. Ун беш минутлардан сўнг ҳамма броневиклар тургазиб қўйилди. Қизил аскарлар уларни арқон билан боғлаб, ғилдираклари остига тахта, шох-шабба ташлаб, бараварига итаришиб, катта кўчага чиқиб олишига ёрдамлашдилар.

Шу пайт ординарец Кутяковнинг буйруғини олиб от чоптириб келиб қолди: «Разинчилар Пугачевск ва Иваново-Вознесенск полклари ўртасидаги позицияни эгаллаб, жарлик ҳамда ўрмонга тўплансинлар. Броневиқлар дивизиони душмандан беркитилсин, беркитилганда ҳам зарур бўлган заҳоти жангга ташлайдиган жойда турсин».

Никита Игнатъевични бу энди қизиқтирмасди. Бу ерда усиз ҳам ўзлари билиб ишни қилишади. Михаил Васильевични топиш керак эди. У қаерда бўлиши мумкин? Кутяковнинг команда пунктидамикан? Эҳтимол. Бироқ Никитанинг кўнглига Фрунзени иваново-вознесенскликларга яқин жойдан ахтариш керак деган фпкр келди. Бу полкни у бекорга энг оғир синовларга юбормаган бўлса керак. Йўқ, бекорга эмас... Аммо иваново-вознесенскликлар ҳозир қаерда турганикин?

Никита ишчи полкни ахтариб сим тўсиқлардан ўтди ва душман окоплари олдида тўхтаб қолди. Бу ердаги ҳамма нарса артиллерия ўтидан дабдала бўлган эди. Улганлар ҳар ерда ҳар хил ҳолатда ётарди. Бир жойда окоп брустверига снаряд тушиб, уйилиб қолган тупроқ остидан тирноқлари кўкариб кетган қўл чиқиб турарди.

Никитанинг орқасидан санитарлар араваси етиб келди. Сочлари ҳурпайган йигит раҳми келиб гап отди:

— Лат едингми?

Мени ўз қисмидан атайлаб орқада қолиб кетган бирон кўрқоқ экан, деб ўйлашмасин, деган фикрдан Никитанинг иссиғи чиқиб кетди. Лекин бу ерда юрганлигини санитарга қанақа қилиб тушунтирса бўлади?

— Оёғим қавариб кетди, — алдади Никита, унга қарашдан ўзини олиб қочиб.

— Оёғингдагини ечиб, бошқасини кийиб ол, — маслаҳат берди санитар.— Оёқ сен билан менга керак бўлади. Бошқасини кийиб, пайтавани яхшилаб ўра. Пайтава керак эмасми?

— Бошқасини кийдим, — деди бирдан тер босган Никита ва четлаб кетмоқчи эди, санитар айтганини қилиб, Никитага пахта билан ўроғлиқ бинт берди.

— Ол, биродар, керак бўлиб қолади, ўзингга бўлмаса, шерик-перигингга берарсан. Жанг шундайки... Ҳа, бугун роса қизғин бўлади.

Отишма бутун фронт бўйлаб кучайиб борарди. Айниқса ўнгроқда кучли эди. У ерда залллар гумбурларди, пулемётлар тариллаб, шрапнель чийилларди.

Никита зўр бериб олдинга юрарди. Йўл-йўлакай гоҳ у, гоҳ бу ерда ҳалок бўлганлар учрарди. Уларнинг ҳаммаси ҳам боши бир томонга — у бораётган томонга қараб ётганлигини кўрди.

«Демак, — хаёлидан ўтказди Никита, — бировлар ҳужум қилган, бошқалар эса орқасига қарамай қочган...»

У ҳалок бўлган бир одамнинг милтиғини олиб, чўнтаklarини жангда ер тишлаган солдатлар ўқдонигаги патронлар билан тўлдирди ва яқинроқдаги ўрмон ёқасида окопга тушиб олган ҳарбий қисмни кўриб, уларга қўшилиб олди. Бу Иваново-Вознесенск полкининг чап қанот ротаси эди.

Душман қўққисдан қилинган ҳамладан ўзига келиб, ёрдам олгандан сўнг. фронтимиз чизигида заиф жойни билиб олиш учун кетма-кет чалғитувчи қарши ҳужум бошлади. Душманни милтиқ-пулемёт ўтлари билан қарши олишди. У орқасига чекинди ва яна ҳужум қилди.

Никита билан ёнма-ён ётган жангчи шошилмай милтиқни қайта ўқлади, офицер қаршисида намоён бўлгунча узоқ мўлжалга олиб пойлаб ётди. Номаълум жангчининг хотиржамлиги Никитага ҳам таъсир қилди. У ҳам яхшироқ жойлашиб олиб, кутиб ётди.

— Йигитча, орқада қолиб кетибсан шекилли? — Никитанинг ёнида майин, паст овоз эшитилди. — Окоп қазиб олсанг бўларди, бошингни беҳуда ўққа тутиб нима қиласан! Нима, белкурагинг йўқми?

— Кечув пайтида тушириб қўйдим, — шивирлади Никита, — устма-уст ёлгонни қалаштириб.

— Меникини ола қол, йигитча.

Никита қарамасдан қўлини чўзиб, қандайдир юмшоқ, иссиқ нарсани ушлади. Босиқ кулги эшитилди.

— Бу ерда эмас! Анча ҳазилкашга ўхшайсан! Мана белкурак...

Никита биқинида ёғоч дастак борлигини сезди.

Белкуракни яна қарамай қайтариб бераётганда Никита тагин иссиқ, юмшоқ нарсага тегиб кетди ва шундан кейингина ёнидаги аёл киши эканлигини фаҳмлади.

Никита Иваново-Вознесенск полкида тўқувчи хотин-қизлар борлигини биларди, улар санитар, алоқачи бўлиб ишлашарди, ammo уларни шундоқ ёнма-ён сафда бўлганларини ҳали кўрмаган эди.

У кўшнисига кўз қирини ташлади. Ҳа, бу ҳақиқатда аёл эди.

— Ўзинг ҳам қазиб ол,— деди Никита,— чуқурроқ бўлсин. Фақат бошингни бекитиб олибсан... Тагин думбангдан отиб қолшмасин.

Яна бўғиқ кулги эшитилди.

— Мен сени ювош деб юрибман-а. Исминг нима?

— Никита.

— Ўзинг ҳам гапга чечан кўринасан, фақат мўйлабинг йўқ экан. Менинг исмим — Фрося...— у тўхтаб қулоқ сола бошлади.— Югуриб ўтишяпти!

Улар милтиқни белидан ушлаб олдинга югуришар, пулемёт овозини эшитиб ётиб олишар, бир курак билан ер қазиб яширинишарди. Улар чекиниб бораётган душманни изма-из қувиб, бошқирд қишлоғига ёриб киришди ва полизларга ётиб олишди. У ёғига бориш хавfli эди. Бошқа полклар кечувдан ўтиб, етиб келишларини кутиш керак.

Бутун йўл давомида улар индамай боришди, фақат аҳён-аҳёнда бир оғизгина, масалан, югуриш керак бўлса «Кетдик!» ёки душман пулемётлари қутуриб, ҳужум қилаётганларни ўққа тутиб қолса «Ет!»— деб хитоб қилишарди, холос.

Улар тепаликлар устида найзалар кўрингунча тупроқ уюмлари панасида ўнг қанотда тобора кучайиб бораётган ур-сур, шовқин-суронга қулоқ солиб ётишди.

— Ҳушёр бўл, йигитча,— деди Фрося. — Бу сафар адабимизни берадиганга ўхшайди.

Душман энч, қатор-қатор бўлиб қарши ҳужумга келаётган эди. Энди ўқинг хато кетмасди ҳисоб. Ammo Никита тепкини бошига шошилмади. У ҳам Фросяга ўхшаб офицерларни ёки ҳеч бўлмаса унтер-офицерларни топиб ўқ узар ва беҳато урар эди. Душман сафлари эса ҳамон яқинлашиб келарди.

— Йигитча,— Фросянинг овозини эшитди Никита,— ўқ тугаяпти.

Никита қотиб қолган қўлларини чўнтақларига солиб кўрди. Чўнтақларида атиги тўртта обойма бор экан. Иккига бўлинса, ҳар милтиққа ўнтадан ўқ тегади.

— Ҳечқиси йўқ, йигитча,— деди Фрося Никитадан ўқларни олarkan.— найза билан даф қиламиз. Найзани тўғрилади-чи.

Никита итоаткорона найзани тўғрилади. Ҳозир Фрося ундан кучлироқ эди. Никита қоидадан чиқиб қолганди, фақат ўзи учун жавоб бермасди ва нима дейишса, шунини қилар эди, ваҳоланки,

бу ерда аёл эмас, у буйруқ бериши жоизлигини ўйламасди ҳам.

Яқинлашиб келаётган душманни кўрганда унда фақат биргина истак туғилганди, у ҳам бўлса, ўрнидан тура рўпарасидан чиқиш, ҳайқириб душман сафларига ёриб киргач, найза, қўндоқ билан уларнинг йўлини тўсиш, орқасига қайтиб кетишга мажбур этиш эди.

Никита фалокатни ҳис эта бошлаганда душман сафлари ярим йўлга келиб қолганди.

Полк талвасага тушиб, секин орқага тисарила бошлади.

Жангчилар йўл-йўлакай охириги ўқларни сарфлаб хавфли дақиқаларда ўзлариникига яқинроқ бўлиш учун чекинардилар, улар ортиқ чекиниш мумкин эмаслигини, ўзлари билан бошқа қисмлар ўртасида кенг, чуқур, тўлиб-тошиб оқаётган дарё борлигини, дарёга қисиб келинганларидан сўнг шак-шубҳасиз ҳалок бўлишларини унутиб қўйишганди.

— Қаёққа?— ҳаддан ташқари йўғон овоз билан бақирди Никита.— Бир қадам ҳам орқага чекинилмасин!

Яқинроқдаги жангчилар бундай овози йўғон одам ким бўлдикин, деб беихтиёр алангладилар, бироқ олдиларида милтиқ кўтарган ва оддий паст бўйли йигитчани кўриб, ҳафсалалари пир бўлди-да, олдироқ кетиб қолганларга етиб олиш учун шошилдилар.

— Жинни бўлманглар!— бақирди Никита.— Орқамизда дарё бор! Тўхтанглар, тентаклар! Тўхтанглар деярман сизларга!..

У бақирар, сўкинар, кимгадир дўқ қилар, кимгадир ялинар, аммо фойдасиз эди. Одамлар дарё томон, ҳалокат ёқасига қараб чекинишарди. У жангчилар учун оддий аскар ҳисоби эди, унчалик салобатли эмасди, йўғон овози билан пакана бўйи ўртасидаги номуносиблик киши кулгисини қистатарди, холос.

— Салобатнинг йўқ, йигитча,— афсусланиб дедн Фрося, у ҳам Никитадан қолишмай бақирарди.

Бирдан Никитанинг эсинга келиб қолди.. У қўли белига тегиб кетганда гимнастёркаси остида тўппонча, етти отар тўппонча, ҳар бир командирга бериладиган шахсий қурол борлигини эслади, жангда баъзан ана шу қуролгина кишининг командирлигини билдириб турадиган бирдан бир белги ҳисобланарди.

Никита милтиқни қўйиб, тўппончани олди ва уни силкитиб, чекинаётган жангчилар олдидан тўсиб чиқди. Гарчи у бундан бир минут олдин ҳудди шундай бақираётган бўлса ҳам, энди унга қулоқ сола бошладилар.

Никита бу ерга қанақа қилиб келиб қолганини, кечувга нима сабабдан келганини ҳам, бу ерда кимни излаётганини ҳам унутиб қўйганди. У бутунлай жанг қилишга тушиб кетганди.

— Сен бало экансан!— деди Фрося Никитага ажабланиб қараркан.

Лекин бу гап уни қувонтирмади. У озгина жангчиларнигина тўхтатиб қололди, ўнг томонда, артиллерия тўхтовсиз гумбурлаб турган жойда полк борган сари жадал кечувга қараб чекинарди.

Шу пайт бирдан қийшайиб, бир неча жойидан узилган фронт чизиги аллақандай ички турткидан силкиниб кетгандай бўлди.

Шамол эсгандек, сафлардан шивир-шивир эшитилди:

—Фрунзе!

—Қани? — отилди Никита. — Қани Фрунзе?!

Унга ҳеч ким жавоб бермади.

Никита ҳозир шу дақиқада Михаил Васильевич қандай хавф остида турганлигини бутун даҳшати билан шундоқ кўз олдига келтирди: душманнинг ўнлаб тўпи, юзлаб пулемётлари, минглаб милицялари бор, биттаси отсами, тамом... Никита отилиб чиқиб, фронт чизиги бўйлаб чопиб кетди.

— Қаёққа кетяпсан?!— орқасидан бақириб қолди Фрося.— Энгаш, энгаш, тентак...

Аммо Никита энди ҳеч нарсани эшитмасди. У Фрунзени кўриши керак эди, ҳозир, шу дақиқадаёқ у ҳаёт эканлигига, унга ҳеч нарса бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилиши керак эди... У, жанг билан алаҳсиб қолиши асло мумкин эмас!

Бирдан Никитанинг биқинини нимадир кўйдиргандек бўлди. У гимнастёркаси устидан қўлини олиб борди, қўлида қонни кўриб, яраланганини англади ва афсусланиб афтини тириштирди. Бу бемаъни жароҳат уни тўхтатиб қолиши мумкин. Ана-мана дегунча санитария бўлимига тушиб қоласан.

Гимнастёрка ва кўйлагини думалоқлаб ўраб, биқинидаги ярасини билганча боғлади ва борган сари секинлашаётгани, тебраниб, оёғини аранг кўтариб босаётганини сезмай, ўжарлик билан кетаверди. Лекин у йўл чеккасида йиқилиб қолгунча қадам босаверди.

Никита уйқу аралаш эшитгандай бўлди:

—Пайтава керак бўлиб қолипти-ку?

Тепасида таниш санитар энгашиб турарди.

— Ҳечқиси йўқ, аравамга бора қолайлик... Нима, юролмайсанми? Қани, мен ёрдамлашаман...

Михаил Васильевич чекинаётган полкнинг тартибсиз саф-

ларига отини учириб кирди. Йўл-йўлакай ерга сакраб тушди-да, милтиқни кўтариб, кучи борича бақирди:

— Иваново-вознесенскликлар, менинг орқамдан!!

Жангчидан жангчига, ротадан ротага, фронт бўйлаб сўл қанотга ва кечувга шошилаётган сафлар узра шу сўзлар таралди:

— Арсений!..

— Ҳзимизнинг Фрунзе.

— Михайло Васильевич,— қуббалардан ҳам чўчимайман, деб мақтанган жангчининг йўғон овози эшитилди.

Полк оёққа турди. Жангчилар қўмондоннинг чақириғига жавобан етиб келишди. Орқадаги энг эпчиллар ўзиникими, бошқами, ундан қатъи назар, дуч келган взводга сездирмай кириб сафланиш, элдан бурун туёғини шиқиллатиб қолганлигини билдирмаслик учун шошишарди.

Душман деярли етиб келиб қолган эди.

Фрунзе милтиқни ўқталиб деди:

— Олга, тўқимачилар!

Кейин ўзи ҳеч ёққа қарамай, душманга қараб бораверди.

— Тўқимачилар, менинг орқамдан!

Қўмондон билан оддийгина саломлашган шўх, овози йўғон киши шу заҳоти қувноқ оҳангда ҳайқирди:

— Бўёқчи-чи, у аравага чиқсинми?.. Ҳр-ра! — у шундай деди-ю, икки ҳатлаб Фрунзенннг олдига ўтиб олди.

Душман ўт очишни кучайтирди. Михаил Васильевични тўсиб қолган бўёқчи ўққа учиб йиқилди, қўмондон билан ёнма-ён кетаётган сиёсий бўлим бошлиғи Тронин ҳам йиқилди, уни қўлтиғидан олиб, жанг майдонидан олиб чиқишди, Фрунзе эса олға бораверди.

Энди тўқимачилар эс-ҳушларини йиғиштириб олишганди. Олдиларида улар яхши билган одам милтиқни ўқталганича душманга қараб борарди. Айримлар уни революциягача бўлган маёвка ва яширин йиғилишларда кўришган, унинг самодержавиега қарши курашга чорловчи оташин чақириғини, ишчилар ҳаракатининг программа ва тактикаси тўғрисидаги нутқларини эшитишган, бошқалар унинг раҳбарлигида тўққиз юз тўртинчи-тўққиз юз бешинчи йилларда жанговар дружинада қурол ншлатишни, кўча жанг тактикасини ўрганишган, яна бошқалар — Москвага юборилган икки минг кишилик ишчи отряди составида унинг командаси билан тўққиз юз ўн еттинчи йил октябрда буржуа Вақтли ҳукуматини ағдаришда қатнашган, қолаверса иваново-вознесенскликларнинг ҳаммаси ўзларининг губерня ижроком раисини жуда яхши билишарди, унинг ҳузурига бемалол кириб ҳасратлашардилар, гапларини

этибор билан тинглаши ва имкони борича ёрдам қилишини олдиндан билардилар. Ҳозир эса, улар чекинаётганда, ана шу Арсений ўйлаб ўтирмай ҳужумга боряпти. Шунинг учун ҳам сдамлар бир лаҳза ожизлик қилганликларидан уялиб қолдилар.

Иваново-Вознесенск полкининг ўнг қанотидаги батальони йўл-йўлакай сафланиб, душман устига ташланди, унинг сафларини ёриб кирди, ана шундан сўнг урушдаги энг даҳшатли нарса—найзабозлик бошланди. Улар жон-жаҳдлари билан найза санчишар, қўндоқ билан уришар, гангпб қолган душман сафлари орасидан қадам-бақадам йўл очиб беришар эди.

Ниҳоят душман саросимага тушиб, тисарила бошлади, сўнг тўзиб, қурол-яроғларини ташлаб қочиб қолди.

Кутяков ўз команда пунктидан Иваново-Вознесенск полкининг ўнг қанотдаги батальони жангга қандай кириб кетаётганлигини ташвиш билан кузатиб турарди. У энг яхши ординарцеларига Фрунзедан бир қадам ҳам узоқлашманглар, унга бирон нарса бўлса, уни жангдан олиб чиқинглар, деб қаттиқ тайинлаб, уларни шу ёққа аллақачон юборган эди. Кутяковни чап қанот ҳам ташвишга сола бошлаган эди. У ерда иваново-вознесенскликларнинг иккита батальони шосседан тўхтаб қолиб, у ёғига боролмаётган эди. Фрунзе билан кетаётган жангчилар қатори тепаликдан ўтгач, у бригада оператив қисмининг бошлигини жўнатиб, ўнг қанот батальонини тўхтатишга кўрсатма берди.

Чапаев ўз команда пунктида лабларини маҳкам қисиб, дарёнинг нариёғида ва бу ерда нима бўлаётганини кузатиб турарди. У келаётган маълумотларнинг маъносига дарров тушунар ва шу заҳоти тегишли буйруқ берар эди. Буйруқ берганда ҳам кескин имо-ишорасиз, ортиқча сўз ёки ортиқча ҳаракатсиз берарди. Бу ишларни у жуда сиполик билан, сиртдан қараганда хотиржам, ҳамма ҳаракатини ташқаридан жуда хотиржамлик билан қиларди. Бир нигоҳ ташлаб, у кечув жойидаги уймаланишга барҳам берарди, имо билан ўқ-дори ортилган аравани пароходга жўнатарди, бошнини ўгириб, зарур одамни чақирарди, чақирган одами шу заҳоти етиб келарди.

Телефон орқали Кутяковдан Фрунзенинг сафда бораётганлигини билгач, Чапаев кўкариб кетди:

— Горбачев у ерда нима қилиб ўтирибди?— ўшқирди у.— Ўзинг ҳам бундай бўлишга қандай йўл қўйдинг?!

Кутяков эса:

— Уни тўхтатиб бўлармиди? Қўмондон-ку ахир...— деб ўзини оқлашга тушди.

Чапаев трубкани ташлади. Бундай жавоб қилишни ўзи ҳам биларди. Секингина:

— Петька!..— деб чақирди.

Чапаев яхши кўрадиган ординарец Исаев дарҳол дивизия бошлиғи олдида пайдо бўлди. Бу тонг у ҳам отдан тушмаган эди.

— Биласанми, Петя, Михаил Васильевич иваново-вознесенскликларнинг ўнг қанот батальони билан найзабозлик ҳужумига тушди. Худо хайрингни бергур, уни у ердан олиб чиқ!.. Нима қилсанг қил, аммо олиб чиқ!..

Василий Ивановичнинг овози қандайдир ҳорғин, ўзига хос эмасди. Узи ҳам ғалати, нимагадир бўшашиб турарди. Бақиргани, сўкингани яхши эди... Бирдан худди шайтон васвасасидан қутулгандай Чапаев бақирди:

— Олиб чиқолмасанг, ўлдим деявер!

Исаев отга қамчи уриб, дарё томонга ўқдай учиб кетди.

Чапаев алоқачининг қўлидан телефон трубкасини тортиб олди:

— Артиллерия! Нима жин урди, ўт очишни кучайтиринг! Унгроқни мўлжалланг! Яқинроққа, ҳужум қилиб келаётган колонналарга қараб отинг! Нима? Тўпдан хавотирланяпсан? Ўзингдан хавотирлан, мен сендан хабар олишга бормай тагин! Нега фақат Хлебников ўз батареясини дарёдан ўтказди?.. Тушунарли. Сув тўсиғининг нарёғида у бир оз хотиржамроқ-да...

Бу жуда ноҳақлик эди. Кечувга унинг ўзи бошчилик қилаётган эди. Пиёдалар ва ўқ-дори тўла аравалар ортилган пароходлар кетма-кет бориб-келиб турганди, ташиб ўтадиган бошқа воситалар йўқ эди. Лекин у ҳаққоний бўлишни истамасди ҳам. Ҳозир унинг юраги шунчалик сиқилиб кетаётгандики, кимгадир ўшқириб, кўнглини ёзиши керак эди.

Исаев эгарнинг қошини ушлаб дарёдан сузиб ўтаётганди. Оқим тез бўлганлиги учун уни пастга оқизиб кетди. Уни Чапаев команда пунктдан диққат билан кузатиб турарди: сузиб чиқиб олармикан?

Тепаликдан ўтгач, иваново-вознесенскликларнинг ўнг қанот батальони ҳамон қаршилик кўрсатишга уринаётган колчакчиларнинг тарқоқ группаларини йўл-йўлакай йўқ қилиб тезроқ юра бошлади. Фрунзе олдини тўсиб турган одамлар борган сари зичлашиб борарди. Атрофида эса кимдир айланишар, халақит берар эди.

— Ўртоқ қўмондон!.. Ўртоқ қўмондон!

Михаил Васильевич ўгирилиб, Чапаевнинг ординарецини кўриб қолди. Кутяков ординарецлари ва бригада оператив қисмининг бошлиғи ҳам шу ерда эди.

— Худо ҳаққи, ўртоқ қўмондон...— деб жаврарди Исаев, у Фрунзенинг қўлидаги милтиққа кўз қирини ташларкаи: «Мени қўндоқ билан тушириб қолмасайди», деб ўйларди.

Иваново-вознесенскликларнинг ўнг қанот батальонига полк командири Горбачев от чоқтириб келди. Уларга етиб олиб нимадир деди ва орқага қайтинглар, дегандек қўлини силтади. Батальон тўхтаб сафланди ва секин чекина бошлади.

— Улар нима қиляпти?— ажабланди Фрунзе.— Нега душманни таъқиб этишни тўхтатишди?

— Бригада командири батальонни тўхтатиб, орқага чекинишга буйруқ берди.

— Нега?

— Иккинчи ва учинчи батальонлар тош йўлдан у ёғига боролмади ва ўша ерда туриб қолишга мажбур бўлди,— деди бригада штаби оператив қисмининг бошлиғи.

Фрунзе индамай отининг ёнига келди, чопарлардан бири отни тизгинидан ушлаб турарди. Отга миниб атрофини ўраб олган ординарецларга қараб норози оҳангда деди:

— Роса тўпланибсизлар-да... Фақат фронт штабидан етишмай турипти.

Исаев енгил тин олди:

«Хайрият... Василий Иванович бўлса, ундан осонликча қутулмасдик».

Команда пунктида, Фрунзе у ерга қайтиб боргач, Кутяков саволлар ёғилишини олдиндан билиб, босиқлик билан деди:

— Иваново-вознесенскликлар, ўртоқ қўмондон, тун бўйи ухлашмади, шу вақтгача туз тотишмади, жанг қилиб толиқишди. Уларга лоақал икки соат дам олиб, ўзларига келишга имкон бериш керак. Акс ҳолда душманнинг биринчи қарши ҳужумиёқ уларни эсанкиратиб қўйиши мумкин.

— Пугачевскликларга нима бўлди?

— Пугачевск полкини душман ажратиб қўйди. Бу полкдан хабар йўқ, Разин полки эса дарёдан секин ўтяпти. Қолчак авиацияси жуда халақит беряпти. У бомба ташлаб, кечувни пулемётдан ўққа тутяпти. Бизнинг авиаотрядимиз эса бекор турибди. Ёнилғи йўқ...

— Пугачевскликларга нисбатан қандай чора кўрдингиз?

— Домашкин полки батальони ва пиёда разведкасини ёрдамга юбордим. Дарвоқе, улар пугачевскликлар билан иваново-вознесенскликлар ўртасидаги оралиқни ёпишади. Бўлмаса

бу оралиққа душманнинг отлиқ группалари ёриб кириб, менинг кузатув пунктимни ўққа тутяпти.

Ординарецлар сут ва нон олиб келишди. Тезгина тамадди қилиб олган Кутяков ва Фрунзе отларга миниб, Домашкин полки участкасига йўл олишди.

— Душман тўғрисида армия дала штабидан маълумотлар борми? Асирларни сўроқ қилиб нимани билиб олдинглар?— сўради Фрунзе.

— Ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи Уфа полки бизга қарши курашмоқда. Эрталаб Сибирь казак полки ҳам бу ёққа келди, Саккизинчи Кама дивизияси ҳам етиб келай деб турипти.

— Каппель корпуси ҳақида нималар маълум?

— Биздан бирмунча ўнгроқда турипти, аммо кечга яқин шу ерда бўлади.

Улар тепаликка чиқишди. Энди фронт тақага ўхшаб эгилган эди. Унинг қанотлари Оқдәрёга бориб туташарди, ўртасида, Эски Турбасли қишлоғи атрофларидаги жарликлар, ўрмонларда эса броневтомобиль дивизионлари бўлган Разин полки турарди.

Тушга яқин ординарец отини елдириб келиб қолди, у Пугачевск полки домашкинликлар ёрдамида ўровдан чиқиб, Александровкага қараб бормоқчи бўлиб турганлигини хабар қилди.

Кутяков шубҳаланиб бош чайқади:

— Плясунков ҳаддан ошяпти...

У дафтарчасидан бир варақ олиб, одамларга дам бериш, уларни овқатлантириб, умумий ҳужум тўғрисида буйруқни кутиб туриш кераклигини ёзди-да, уни келган ординарецининг ўзидан бериб юборди.

Тепаликдан Фрунзе дурбинда рўпарасидаги жанг майдонини кузатди, уни карта билан солиштирди ва яна ҳар бир бута, ҳар бир паст-баландликка тикилиб қаради, Кутяков ва бригада штаби оператив қисмининг бошлиғи билан маслаҳатлашди, кескин ҳужумга ўтиш вақти бўлди, деб бир неча бор уларга эслатди. Бироқ Кутяков шошилмасди. Душман авиацияси ёрдам кучларининг дарёдан ўтишига жуда халақит бераётган эди. Душман самолётлари пастлаб учиб келиб, кечувга яқинлашаётган ҳар қандай қизил аскарлар қисмига бомба ташлар ва пулемётлардан ўққа тутар эди. Батарейларимизнинг артиллерия ўти уларни баландлаб учишга мажбур этарди, бироқ улар унчалик муваффақиятли бўлмаса ҳам, бизнинг қисмларимизга кетма-кет зарба берарди. Ҳаводан тўхтовсиз бомба ташлаш ва ўққа тутиш сўл қирғоқда артиллериямизни тўхтатиб қўйди.

Фақат Хлебниковгина ўз батареясини дарёдан ўтқазиб олди. У батареясини Иваново-Вознесенск полки қаторларининг орқасига жойлаштириб, аниқ мўлжал билан ўт очиб, фронтнинг бу участкасида душманнинг қарши ҳужумга ўтиш учун қилган уринишларини йўққа чиқарди.

Соат иккида Фрунзе Кутяковга қатъий оҳангда деди:

— Беҳуда кутяписиз. Душман ўз қўшинларини олиб келиш учун биздан кўра кўпроқ имкониятларга эга, олиб келганда ҳам бизникидан кўра анча кўп куч келтиради. У дарёдан ҳам ўтмайди. Бинобарин, сизнинг пайсалга солишингиздан душман кўпроқ наф кўради... Ҳужум тўғрисида дарҳол буйруқ беринг.

Кутяков бўйсунишга мажбур бўлди. Лекин икки соат ўтгандан сўнггина, унинг буйруғи билан жангчилар душман устига ҳамла қилишга тайёрланаётган пайтда Фрунзени узоқни кўра билишини яхши англаб етди.

Ҳужум бошланишига йигирма минутча қолганда, шимолдан душманнинг зич колонналари кўринди. Улар иваново-вознесенскликларни четлаб ўтиб (улар билан учрашув ҳали эсларидан чиққани йўқ эди), Разин ва Домашкин полклари эгаллаб турган фронт марказига қараб кела бошладилар. У ердагилар узоқда чанг кўтариб келаётган қишлоқ подасими ёки душманми, дарҳол фаҳмлай ололмадилар. Лекин кўп ўйлаб ўтиришга тўғри келмади. Қатор-қатор бўлиб олган душман колонналари уларга қараб ёпирилди, ҳужум қилаётган қаторлар кетидан эса йўл-йўлакай сафланиб, янги колонналар бостириб кела бошлади.

Шундан кейин разинликлар бардош беролмадилар. Душман жуда катта устунликка эга бўлиб, ҳужуми ниҳоятда шиддатли эди. Разинликлар аста чекинишга тушдилар. Яқинда тажрибасиз кучлар келиши билан анча бўшашиб қолган чап қанот батальони эсанкираб, ҳеч нарсани ўйламай-нетмай қирғоққа қочди, кетидан бошқа батальонларнинг саботсиз жангчиларини ҳам эргаштирди.

Қочаётганларни кўрган Кутяков отни чоптириб кетди. Бу аҳволнинг олдини олиш керак эди. Бу бадбахт батальон ўзи ҳам ҳалок бўлиб, бошқаларнинг ҳам бошига етиши мумкин. Кутяков иваново-вознесенскликларнинг ёнгинасига маҳкам жойлашиб олган батарея олдига келиб, отни шартта тўхтатди. Бу Оқдарёнинг ўнг баланд қирғоғига сузиб ўтиб олган ягона батарея эди.

— Хлебников! — қичқирди у. — Разинликлар чекиняпти! Уларни қара, дарёга тушиб кетишади... Тўпларни ўнгрёққа бур. Уларга ёрдам бер...

Паст бўйли батарея командири ўзи ҳам ўннга, қўшни полкни қисиб келаётган душманнинг зич сафларига қараб-қараб қўяётган эди. У масофани тезда аниқлаб, уларга қараб шундай даҳшатли ўт очдики, колчакчилар чидаб туролмай ётиб қолдилар. Кечувдан етиб келган ёрдам кучлари тартибсиз чекинаётган разинликларни тўхтатиб, фронт линиясини тўғрилаб олишга ёрдам берди.

Михаил Васильевич ташвишланиб, кечувга қайтиб келди. Душман группировкаси тўғрисида асирлардан олинган маълумотлар ўйлашга мажбур этарди. Бу ерда, Уфа йўналишида колчакчилар асосий кучларни марказлаштирган бўлиб чиқаётган эди. Агар Бешинчи армия унинг қўл остида бўлганда-ку, нима қилишини биларди-я. 26-дивизия шимолдан зарба берарди-ю, у душманнинг орқа томонига ўтиб оларди ва бу группировкага буткул барҳам бериларди. Лекин Бешинчи армияни ундан олиб қўйишгандан сўнг энди ҳаммаси қийинлашиб қолди. Шундай бўлса ҳам Михаил Васильевич бу фикрдан қайтмади. Фронт қўмондонига берган телеграммасида, у, Оқдарёдан кечиб ўтаётган қўшинларга душман тазйиқини бир оз камайтириш учун лоақал 26-дивизиянинг бир қисмини Благовещенскийга буриб юборишни сўради. Бироқ ҳозирча жавоб олгани йўқ.

У шу ҳақда ўйларкан, олида кўринаётган кечувга диққат билан тикиларди. У ерда бир кор-қол бўлганга ўхшарди. Жангчилар баланд қирғоққа қараб кетаётган пароход дарё ўртасига бориб қолганди, иккинчи пароход пристанда юк ортаётганди, улар тепасида эса душман самолётлари айланиб, ўқтин-ўқтин пулемётлардан ўққа тутаётганди. Йўлда бораётган пароходга айниқса чатоқ бўлаётганди. Унга бараварига учта самолёт ҳужум қилди. Самолётлар доира ясаб, ҳар бири навбати билан шўринг қурғур пароходни ўққа тутиб, четга бурилиб кетар, пароходдан туриб милтиқдан отилаётган ўққа парво қилмас эди.

— Нима қилишяпти!.. Нима қилишяпти, лаънатилар!— чидаб туролмади Исаев ва хавфсираб қўмондонга қараб қўйди: ўзининг дадиллигидан қўрқиб кетди.

Бироқ Фрунзе унинг гапини эшитмади. У ҳаводан тўхтовсиз ўққа тутилиб тез қирғоққа қараб кетаётган пароходнигина кўрар, пароход қирғоққа тегар-тегмай ундан худди қондан тўкилган нўхатдек жангчилар тўзиб қирғоққа тушгани, дарахтлар остига, дуч келган жойга яшириниб, душман самолётларини ўққа тутишаётганликларини кузатарди.

Тўсайдан самолётлардан бири кескин чапга бурилиб, кечувга шошилиб келаётган Фрунзенинг отлиқ группаси томонга қараб йўл олди. Группани четлаб ўтиб самолёт бирдан айланиб, орқага қайтди.

— Уртоқ қўмондон!— чўчиб қичқирди самолётдан кўзини узмаган Исаев.—Эҳтиёт бўлинг!

Лекин энди кеч эди. Самолётдан бирин-кетин иккита қора нуқта ажралди ва катталашиб, пастга тез туша бошлади.

Иккала бомба деярли бир вақтда портлади.

Фрунзенинг оти олдинги оёқларини кўтариб, тикка турди ва ёрилган қорни билан ағдарилиб тушди.

Михаил Васильевич эгардан учиб кетди, ҳавода умбалоқ ошиб, ерга чалпак бўлди-да, тиришиб ерни тирнади.

Югуриб уни кўтариб ўтқазиб қўйишди. Кимдир дарёга югургилаб, котелокда сув олиб келди. Исаев аста унинг юзи ва қўлларини ювди, тимдаланган жойларга йод суриб қўйди. Бу Чапаевнинг ординаречи ниҳоятда эҳтиёткор эди.

Михаил Васильевич қулоғи битиб, бир оз тебраниб ўтирарди. Мияси гувилларди. Кўз олдидан ранг-баранг ҳалқалар сузиб ўтарди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ,— ғулдиради у.— Ҳозир ўтиб кетади.

Кўп ўтмай чиндан ҳам анча ўзига келди.

— От келтиринг!

У бемаъни тасодиф туфайли шундай ҳал қилувчи пайтда армияга бевосита раҳбарлик қилишдан четга чиқиб, қараб туролмасди.

Улар чап текисликдаги қирғоққа ўтишди. Дивизия бошлигининг команда пунктига етиб боришмасданоқ Фрунзе у ерда қандайдир кўнгилсизликни сезди.

Чапаев эскириб қорайиб қолган йўғон тўнкада ўтирарди. Унинг атрофида врач ва икки санитар уймалашарди.

— Уқ бош суягига кириб қолган,— деди врач саволомуз тикилиб турган Фрунзегга.— Унчалик ичкари кирмаган, аммо маҳкам ўрнашиб қолган.

Врач уни тортиб олиш учун бир неча марта уриниб кўрди, лекин қисқич чиқиб кетаверди.

Оқариб кетган Чапаев тишларини қаттиқ қисганидан ёноқлари бўртиб кетганди. Юзи ва пешонасини йирик тер томчилари босганди.

— Торт, торт ярамасни! Қачонгача мени қийнайсан?!— дерди тишларини қисиб Василий Иванович.

Врач елкасини қисиб хўрсиниб қўйди-да, яна қисқични олди.

Ниҳоят ўқ суғуриб олинди. Врач ярани тозалаб, боғлашга тушди.

— Қаерда тегди ўзи?— сўради Фрунзе.

— Аэропландан отишди,— деди врач.

Чапаев жаҳл билан кўз қирини ташлади.

— Учишяпти,— деди у.— Учишяпти, иблислар. Бизникилар эса сфтобда исиниб ётибди. Уларнинг бензини йўқ эмиш, гапни қаранг. Бензин билан истаган одам учаверади-да. Петькани юборсам у ҳам учади...

Фрунзе индамай турди. Бу аҳволда Чапаев бошқа гапларни ҳам айтавериши мумкин эди. У дивизия бошлигини Авдонга санитария қисмига жўнатишни буюрди. У ўжарлик қилмоқчи эди, бироқ Фрунзе қатъий туриб олди:

— Ҳазиллашманг, ўртоқ Чапаев. Сизга ҳозир тинчлик керак... Дивизияга вақтинча Кутяков қўмондонлик қилади.

У яна бир неча зарур кўрсатмалар бериб, Чишма станциясига, ўзининг оператив штабига жўнаб кетди. Жанубий группа фронтнинг бошқа участкаларида нима бўлганлигини билиб, қатер қарорлар қабул қилиш керак эди.

Жанубий группа дала штабининг поездеи станциядан четда эҳтиёт йўлда турарди. Бу поездни фронтга бевосита яқин жойда жанговар операцияларга раҳбарлик қилиш заруратни туғилиши билан яқиндагина тузишганди. Поезд саккизта вагон ва икки та тезотар тўп ҳамда пулемётлари бўлган бронеплатформадан иборат эди: фронтга яқин жойларда шундай эҳтиёт шартини қилмаса бўлмасди, душманнинг яқин орқа томонимизга ўтиб қолган бпрон дайди отряди билан дуч келиб қолиниши мумкин эди.

Поездни қўриқловчи отряд бошлигининг ўринбосари Игнац Агостон бирдан уйғониб кетганда ярим кеча эди. Нима уйғотиб юбордйкин, деб у бир неча дақиқа ўйлаб турди, сўнг тезда тушунди. Станциянинг нарёғидаги аллақайси ҳовлидан хўрознинг қаттиқ қичқариши эшитилганди.

— Лаънати-ей,— гудурлади Игнац шошилмай у ёқ-бу ёғига қараркан.— Бутун олам уйқуда-ку, бир ўзи қичқиради, тентак. Нега қичқиради, ўзи ҳам билмайди.

У шерикларини уйғотиб юбормаслик учун аста вагондан чиқди. Соқчиларни текшириб кўриш керак эди. Гарчи қўриқчилар асосан жангларда ўзини яхши кўрсатган венгер интернационалистларидан тузилган бўлса ҳам, Игнац нимадандир хавотирда эди. Чишма районини яқиндагина совет қўшинлари ишғол этгандилар. Бу ерда орқада қолиб кетган душман қисм-

лари ҳам, шунчаки қулоқ бандалари ҳам бўлиши мумкин эди. Дала штабининг поездеи улар учун яхши ўлжа бўла оларди.

Темир йўл изига тушган Игнац поездни бир қараб чиқди. Ҳаммаёқ қоронғи эди, фақат учинчи вагон ойнаси ҳали ҳам ёруғ эди. Чамаси, қўмондон ҳамон ишлаётган эди. Игнац йўл-йўлакай соқчиларни текшириб поездни айланиб ўтди-да, паровозлар олдига келганда шу кунлар қоровуллар бошлиғи қилиб тайинланган Янош Ковачга урилиб кетай деди. Паровозлар иккита эди: бири ўт ёқилиб, юришга тайёр турарди, иккинчисининг ўтхонаси ўчириб қўйилганди.

— Нега жойингда ўтирмайсан?— сўради Игнац Агоштон.

Ҳазилкаш Ковач шундай деди:

— Ўзингнинг ҳам ўтиргинг келмапти-ку.

Агоштон секретлар қай тартибда қўйилганлигини сўради. У постларни жойлаштиришаётган вақтда йўқ эди, шунинг учун беҳабар эди.

— Сичқон ҳам ўтолмайди,— ишонтирди Ковач.— Секретларга тажрибали жангчиларни юбордик. Улар ухлаб қолишмайди, ҳеч нарсани ўтқазишмайди...

Улар вагонга ўз жойларига қайтишди. Учинчи вагон олдига боришганда худди команда берилгандек иккаловлари ёруғ тушиб турган деразага қарадилар.

— Билмадим қачон ухлайди у?— деди Ковач Фрунзени назарда тутиб.— Ахир контузия бўлган-ку...

Игнац Агоштонга дўстининг танбеҳи ёқмади. У ортиқча қизиқсинишни ёқтирмасди.

— Демак, керак экан-да,— деди кескин оҳангда у.— Ҳар ким ўз бурчини бажараверсин. Бу мен билан сенга ҳам тааллуқли, Янош...— Игнац соатига қараб қўйди.— Соқчиларни алмаштирадиган вақт бўлди.

Михаил Васильевич эса бу вақтда армия штаби оператив бўлимининг бошлиғи Каратигин билан бугунги операция якунларини таҳлил қилишни тугаллаётган эди.

Разведка маълумотлари ва асирлар берган гувоҳлик душманнинг асосий кучлари Уфада тўпланганлигига ва фронтнинг шу участкасида Кутяковнинг зарбдор группасига зарба бермоқчи бўлаётганлигига шубҳа қолдирмаган эди.

— Ўттиз биринчи дивизиядан қандай хабарлар бор?— сўради Фрунзе.

Бу дивизия резервда турган эди. Унинг буйруғига кўра дивизиянинг бир бригадаси душманнинг Уфа группировкаси қанотига кириш учун қўшни Бешинчи армия томонидан кечувга юборилган эди. Фрунзени ана шу масала қизиқтирган эди.

— Афсуски, Дмитриевск районида кечув жойи чатоқ экан,

ундан артиллерия у ёқда турсин, обозлар ҳам ўтолмади,— деди оператив бўлим бошлиғи.— Биринчи разряд обози ва артиллерия мададисиз бригаданинг қўлидан иш келиши қийин.

Буни Фрунзенинг ўзи ҳам биларди. Аммо унда Бешинчи армия ёрдам беради деган умид ҳамон сўнмаган эди. У ерда биргина 26-дивизиянинг Благовещенскийга бурилиши душманнинг Уфа группировкасини буткул яқсон этолмаслигини тушунмасликлари мумкин эмас-ку. Ушанда Бешинчи армия деярли жанг қилмай Тобол дарёсигача бора олади. Унғача колчакчилар қайта сафланиб, қаршилиқ кўрсатпшлари гумон.

— Фронт штабидан жавоб йўқми?— сўради у.

Унинг ёрдам сўраб берган телеграммасига ҳали жавоб келмаган эди. Оператив бўлим бошлиғи аппаратхонага кетди. Михаил Васильевич бир ўзи қолди. Унинг кўнгли гаш эди. У Шарқий фронтга келганига энди тўрт ой бўлди, лекин шу вақт ичида қанчадан-қанча иарсаларни бошидан кечирмади! Биргина Троцкийнинг найранглари қанчалик қимматга тушди! Унинг армияси қозонаётган муваффақиятлар камситиб кўрсатилар ёки умуман тилга олинмас, бирон арзимас муваффақиятсизлиги бўлса роса кўпиртирилар эди.

Лоақал Оренбург мудофааси билан боғлиқ воқеани олинг.

Албатта, у ерда душманни тор-мор этиш учун ҳарбий кучлар сира етарли эмасди. У маҳаллий қисмлардан тузган Туркистон армиясининг деярли ярмини фронт қўмондонлиги фронтнинг бошқа участкаларини мустаҳкамлаш учун олиб қўйган бўлса, яна қаёқдан куч топади! Шундай бўлса ҳам мавжуд кучлардан моҳирона фойдаланилганда Фрунзе Уфа йўналишини тинчитиб, асосий қўшинларни Уральск ва Оренбургга ёрдамга ташлагунча Оренбургни бемалол мудофаа қилиб турса бўларди. Бироқ ишлар тескарисига айланиб кетди.

Биринчи армия командарми Гай ишни пачава қилди. Оренбургни мудофаа қилиш унга топширилмагандан кейин у Фрунзени четлаб, фронт қўмондонига нисбатан ўз эътирозларини бош қўмондонга ёғдираверди.

Ундан бошқалар ҳам ибрат олишди. Москвага Оренбургдан шикоятлар ёғилиб келаверди. Мудофаа райони қўмондонлиги ҳам, маҳаллий раҳбарлар ҳам, темир йўл бошлиқлари ҳам телеграф устига телеграф беришарди. Ҳаммалари Оренбург мудофааси сўзсиз тор-мор этилишини таъриф-тавсифлаб, ёрдам кучлари юборишни қатъий талаб қилардилар.

Бош қўмондонлик штаби ва республика Революцион ҳарбий кенгашида бу шикоятлардан хурсанд бўлишгандек кўринарди. Жанубий группага қаттиқ талабномалар, истеҳзоли эътирозлар, қатъий директивалар юборилаверди.

Шу кунларда Михаил Васильевич қарши зарбани тайёрлаш билан бирга Оренбург мудофаасини ҳам йўлга қўйди. У мақаллий ишчи полклари тузишни қаттиқ талаб қилди, улар учун беш мингта милтиқ ва бир ярим миллион патрон юборди, Биринчи армия штабининг палапартиш эвакуация қилинишини қатъиян тўхтади, канцелярия мебелли ўрнига ҳақиқатда қимматли буюмларни тартиб билан олиб кетишни ва ҳарбий эшелонларни жўнатишни йўлга қўйди. Кечалари, Жанубий группа штабида иш бир оз камайганда у кабинетда яна узоқ ўтириб, кучайиб бораётган ғазабни босарди-да, фронт қўмондони, бош қўмондон, Троцкийларнинг талабларига хотиржам, мазмунли жавоблар ёзди.

Оренбургдан тушаётган шикоятлар турли йўллар билан Ленингача етиб борди. Бундан ташвишланган Владимир Ильич Оренбургдаги оғир аҳволдан хабарингиз борми-йўқми, деб Фрунзедан сўради. Владимир Ильич оренбургликларнинг талабини баён этиб, бошқалардан фарқ қилган ҳолда менинг телеграммамни ҳарбий буйруқларга зид келадиган директива сифатида қабул қилманглар, деб илтимос қилди.

Михаил Васильевич бу вақтда фронтда эди, шунинг учун Лениннинг телеграммасини кўрмади. Оренбург мудофааси юзасидан Фрунзе кўрган чоралар ўз самарасини бера бошлаганди. Шаҳардан улоқтириб ташланган душман қарши ҳужумга ўтишга уринмади.

Ун кундан кейин Фрунзе Жанубий группа штабига қайтиб келганда у ерда иккинчи телеграмма ётарди. Владимир Ильич нега менга жавоб беришмаяпти, деб сўраган ва Оренбургдан шикоятлар ҳамда ёрдам тўғрисидаги илтимослар ҳамон келиб турганлигини маълум қилган эди.

Михаил Васильевич Оренбург мудофааси бўйича кўрилган чоралар ва уларнинг дастлабки натижалари тўғрисида қисқача маълум қилиб, масалани тубдан ҳал этиш учун бу ерда кучлар етарли эмаслигини, аммо бу кучлар Уфа йўналиши тугатилгунча бемалол бардош бериб тура олиши мумкинлигини яширмади.

Шу билан ҳаммаси тугади. Лениндан бошқа талабномалар келмади.

Аммо Троцкийнинг ҳамлалари тўхтамаган эди. Фрунзегга бўлар-бўлмасга дакки беришар, кескин жавоби учун у билан ишлаб бўлмайти, деб масалани мудофаа Совети ва партия Марказий Комитети олдига қўйиш мумкин, деб очикдан-очиқ ифво қилишар эди. У буни тушунар, шунинг учун Бош қўмондонлик ва республика Революцион ҳарбий кенгаши билан бўладиган муносабатларда босиқлик қилиб, ўзини жиддий тутарди.

Бўлмаса, Уфагача ҳовлиқиб келган душманни тор-мор этиш учун қанча имкониятлар бой берилганди!

Бу Гурьевдан бошланган эди. Каспий денгизидаги бу порти шак-шубҳасиз эгаллаш керак эди, шунда инглизларнинг порт орқали оқ казакларни қурол-яроғ ва ҳарбий аслаҳалар билан таъминлашига барҳам берилиб, фронт орқасидан хотиржам бўлинарди. Бу операция учун Астрахандан Гурьевга денгиз орқали ёки қуруқликдан ўқчи полк ва артиллерия батареяси бўлган отлик полкни юборилса, олам гулистон эди, бу кучлар Гурьевни эгалларди-ю, 22-дивизиянинг Урол дарёси бўйлаб жанубга томон Гурьевгача келишини таъминларди.

Бироқ бешинчи армия муваффақиятсизликларидан ташвишга тушган фронт қўмондонлиги Фрунзенинг бу таклифига қўл силтади. Натижада Оренбург ва Урол областларида казак исёнлари кўтарилиб, уларни бостириш учун бутун бир армия керак бўлиб қолди.

Кейин қарши зарба масаласидаги ташвишлар бошланди. Михаил Васильевич тўртта армияга қўмондонликни ўз зиммасига олишга рози бўларкан, фақат иккита шарт қўйди: Биринчи ва Бешинчи армияларни Жанубий группага дарҳол бериш ва ўзига зарур оператив мустақиллик берилишини талаб қилди. Унда ўзининг Қолчак қўшинлари асосий группировкасини, Ханжин армиясини тор-мор этиш плани бор эди, бу плани бажаришни бир кун бўлса ҳам пайсалга солиш душмanning аҳволини яхшилаши мумкин эди, холос.

Қолчакчиларнинг зарбалари остида Шарқий фронт Волгага қараб чекиниб кетаётган ва қаерга бориб тўхташи номаълум бўлган ўша оғир кунларда Михаил Васильевичга уни ҳам, буни ҳам ваъда қилишди. Ваъда беришди-ю бажаришмади. Армияни бериш Троцкийнинг аралашуви билан чўзилиб кетди, Троцкий Волганинг орқасига чекиниш планини рўкач қилиб келарди. Оператив мустақиллик масаласига келганда эса Фрунзени сира ўз ҳолига қўйишгани йўқ.

Фронт штаби жойлашган Симбирскдан хавфсираётган ва Фрунзенинг қарши зарбасини беҳуда нарса, деб ҳисоблаган бош қўмондоннинг кучайиб бораётган тазйиқи остида фронт қўмондонлиги ўз планини тузишга уринарди. Ана шулар оқибатида душман тор-мор бўлишдан қутулиб қолаётган эди.

Кутяковнинг ўз ҳолича душмanning 11-дивизиясини тор-мор этиши ва кейин бошланиб кетган жанглар рақибнинг яқсон этилишини яқинлаштирди. Ушанда Михаил Васильевич тўғри телеграф орқали Каменевдан ҳайфсан олди, аммо иш қилиб қўйилган эди. Ҳужум бошланганди, бошланганда ҳам муваффақиятли бўлаётган эди.

Душманни Бугурусан районида тор-мор келтириш имкони бўлган эди, бироқ Фрунзенинг зарбдор группировкаси дан у Самарада тузган 2-дивизияни Бешинчи армияга олиб қўйишди ва фронт резервидан унга 4-дивизияни беришмади. Буларнинг ҳаммаси Симбирск учун хавфсирашаётгани туфайли бўлди. Тўғри, бир неча соатдан сўнг фронт қўмондонлиги хатони пайқаб қолиб, 2-дивизияни жануброққа буриш мумкин эмасми, деб сўради, лекин энди чекилган эди. Душман ўровга тушиб қолиш хавфини сезиб, талафотлар бериб бўлса ҳам ўз қўшинларини омон-эсон олиб кетди.

Фрунзенинг асосий мўлжали — душманнинг орқа томонига анча ёриб кириб, унинг шарққа борадиган йўлини кесиб қўйиш ва оқларнинг асосий группировкасини яқсон этиш режаси шу тарзда барбод бўлган эди. Душман ўтган жангларда шикаст еди, яхшигина шикаст еди, бироқ тор-мор келтирилмади.

Белебей районида ҳам шунга ўхшаш воқеа юз берди. У ерда душманнинг иккита корпуси бутунлай яқсон қилинди, аммо фронт қўмондонлигининг Фрунзе оператив раҳбарлигига аралашуви оқибатида бошқа икки корпус Бирскка чекиниб олишга муваффақ бўлди.

Энди навбатда Уфа турарди.

Тонг пайтида, Кутяковнинг зарбдор группировкаси дарёдан ўтаётганда Михаил Васильевич ўзини бир қўли йўқдек ҳис этди. Бу туйғу кун бўйи уни тарк этмади. Бешинчи армия унда бўлганда қани эди! Душманнинг Уфа группировкаси орқасига ёриб ўтиб, уни тор-мор этиш анча осон бўларди, Қолчакдан юм-нишон қолмасди. Бу олий ҳукмдор ўзининг энг яхши қўшинлари тор-мор этилгандан сўнг нимани ҳам қарши қўя олади? Сафарбар этилган деҳқонлар ва асир тушган қизил аскарлардан шошилиш тузилган қисмларними? Улар Қизил Армия биринчи ўқ узгандаёқ қочиб кетишади ёки ўз офицерларини ўлдиришиб, бизнинг қўшинларимизга қўшилиб олишади. Ҳатто ҳозир, кейинги икки ой ичида ҳам бир неча шундай воқеа бўлди. Ҳўш, душман тор-мор қилиниб, ёппасига қочишга тушса-чи, унда нима бўлади?

Бироқ унинг қўлида Бешинчи армия йўқ эди. Бу Самойловнинг «хизмати»... Йўқ, тўғрироғи, Троцкийники. Самойло нима қилаётганини ўзи тушунмаган бўлса керак. Шунчаки фаҳмага бўрмай ҳам қўйган...

Салонга хижат бўлган оператив бўлим бошлиғи телеграмма кўтариб кириб келди.

— Мана, танишинг... Фронт қўмондони буйруғининг нусхаси. Бешинчи армия командармига. Бизга эса, шунчаки, маълумот учун. — Каратигин телеграммани стол устига қўйди.

Фрунзе уни диққат билан ўқиб чиқди. Ўқиб чиқди-ю, тўсатдан таниш чувак юз, ип боғланган пенсне, чўққи соқол лип этиб кўз олдидан ўтди.

Буйруқда илгари, Самойло вақтидаёқ Бирск яқинида Оқдарёдан ўтиб, Бешинчи армияни кескин шимолга, Красноуфимскка ҳужум қилиши тўғрисида берилган кўрсатма тасдиқланган эди. Бу Фрунзе қилган илтимоснинг тамомила тескариси эди.

Михаил Васильевичнинг юраги сиқилиб кетди. Демак, ҳеч нарсага қарамай, Шарқий фронт қўмондонлигини Троцкий ҳамлаларидан муҳофаза қилиб қўйиш учун Ленин кўрган чораларга қарамай, Революцион ҳарбий кенгаш дала штабининг Троцкий йўлга солиб юборган машинаси ҳамон ўша йўналишда бораётган эди.

«Агар ҳозир ҳам фронт қўмондони Бешинчи армиянинг ақалли битта Йигирма олтинчи дивизиясини жанубга бура олмаган экан,— ўйлаб қолди Михаил Васильевич,— демак, у ерда Каменевга ҳақиқатан қаттиқ тазйиқ ўтказилаётган эканда?!»

У бошини кўтариб, оператив бўлим бошлиғига қаради. Бошлиқ тўғрига тикилганча серрайиб турарди.

«У ҳам қайғурипти»,— хаёлидан ўтказди Фрунзе. Улар душманни шу ерда, Уфада тор-мор қилиш плани устида бирга кўп ишлашган, бир-бирларини яхши тушунишар эди.

— Хайр, майли, ўртоқ Каратигин,— деди Михаил Васильевич,— маълумот учун бўлса, маълумот учун-да... Ҳужумни эса давом эттирамиз. Қутяковни аппарат олдига чақиринг.

5

Степан Жигулев Колмогоровлар уйида, электр симига икки соатдан ортиқ уннади, бироқ қаердан узилганлигини тополмади. Сим девор орасида бўлиб, токни тармоққа улашмагандан сўнг қандай қилиб ҳам топа оласан. Электростанция одатда кундузи ишламасди. Бироқ Порфирий Иванович Колмогоров Уфада обрўли одам эди, шунинг учун бугун кичик движок икки соат юргизилсин деб буйруқ берилганди.

Биринчи хотиндан бўлган ўғиллар ҳам отанинг ўзи эди. Каттаси — капитан Глеб Порфирьевич контрразведкада хизмат қиларди, иккинчиси — Владимир Порфирьевич эса, кимсан, Қаппелнинг адъютантларидан бири эди. Шунинг учун движоккина эмас, бутун бошли электростанцияни ҳам юрғазиб юборасан.

Аммо ҳозирча ток бўлмаганидан Степан Жигулев Қолмоғовлар уйининг ошхонаси зинасида чекиб, ток беришларини кутиб турарди. Унинг ёнида қоровулнинг ўғли, ўн тўрт ёшлардаги кўзлари қоп-қора, эпчил татар бола Сенька Талмазов ўзича ёрдамлашиб ўралашиб юрарди.

Отхона ёнидаги катта ҳовлида бир неча киши уймалашиб ишларди. Кучерларга ўхшаган олти мужик фойтун ва усти ёпиқ, темир қопланган бир неча яхши аравалар ёнида ғимирлашиб, ўқларни мойлар, гилдиракнинг мустаҳкамлигини текшириб, абзалларни кўздан кечирар эди.

— Улар нима қилишяпти,— қизиқиб сўради Жигулев,— бир ёққа кетишмоқчимиз?

— Билмадим,— деди ўспирин,— хўжайин ҳеч нарса дегани йўқ.

— Тушунарли: у сен билан гаплашиб ўтирармиди... Балки ибодат қилишга кетишаётгандир? Лекин вақти эмас-ку,— деб мулоҳаза қилди Жигулев.— Қизиллар ҳов ана, кўриниб турипти, дарёнинг нарёғида.

— Дарёдан ўтишди,— деди Сенька.— Йигитлар, қизиллар Эски Турбаслида, дейишаётган эди.

— Мен ҳам шунга ўхшаш гап эшитувдим, тўғримикин?

— Тўғри, тўғри,— деди бош иргиб ўспирин.— Отам бугун у ёқдаги бир танишини учратиб қолибди. Уша одам, кеча қариндошларимникида ётиб қолувдим, бугун эса уйга қайтолмайман, у ерга қизиллар келди, дебди...

— Э, ҳали гап шунақа дегин... Сен-чи, Сенька, яхшиси қизиллар тўғрисида оғиз очма. Биронтасига йўлиқиб қолсанг, ўлгудек савалайди, ё бўлмаса отиб ташлайди. Ҳозирги пайтда ўқ еб қолиш ҳеч гап эмас...

— Ҳа, амаки, мен фақат сизга...— қизариб кетди Сенька.

— Ҳар нарса бўлиши мумкин... Бошқа бировга бекорга оғзингдан гуллаб қўйишинг мумкин.

Жигулев ошхонанинг очиқ деразасига мўралаб қўйди. У ерда тўс-тўполон эди. Оқ этак тутиб, қалпоқ кийган ошпаз билан тўрт хотин нимадир ёпишарди, қовуришарди, пичоқни тақиллатиб, идиш-товоқларни даранглатишарди.

— Сизларда ҳар куни шу аҳволми?

Сенька йўқ дегандай бош чайқади.

— Йўқ.

— Бўлмаса бугун нимага пайтаваларига қурт тушиб қолибди?

— Меҳмонларни кутишяпти.

— Э, ундай бўлса тушунарли.

Жигулев папирос қолдигини ўчириб, ўрнидан турди:

— Бориб кўрайлик-чи, ток беришганмикан.

Шчитда ток бор эди, лекин унга улаб қўйилган контрол лампа хира ёнарди. Лекин Жигулев бундан хижил бўлмади. У фақат кичкина движок ишлаётганини билганидан ток баланд бўлишини кутмаётган эди. Ошхонадагн ва бинонинг чап қанотидаги лампочкалар ёнди. Аммо ўртадаги зал чироқлари ҳамон ёнмаганди. Уланган жойни текшириб кўришга тўғри келди. Жигулев контрол лампа ва нарвоннинг бир учидан кўтарган Сенька уларни кузатиб юришга қўйиб қўйилган оқсоч хотин билан тортилган сим схемасини аниқлаш учун бир уланган жойдан иккинчисига ўтиб борарди.

Жигулев навбатдаги уланган жойни текшириб нарвонда турганда орқасидан кимдир гапириб қолди:

— Ҳали ҳам тугатмадингларми? Тавба, қанчагача чўзасизлар!

Жигулев шошган қиз эрга ёлчимайди, демоқчи бўлди-ю, вақтида тилини тийиб қолди. Устунлари девордан чиқиб турган ва нақшинкор, чироқлари ранг-баранг катта зал эшигида ёшгина, йигирма бешлардаги аёл турарди. «Бека бўлса керак,— пайқади Жигулев.— Зап келишган экан-да!»

Бир неча завод, каппонлар, пароходлар ва маҳаллий банк эгаси бўлган Порфирий Иванович Колмогоров хотини эрта ўлиб кетгач, кўп йилгача икки ўғлини тарбия қилиб, бир ўзи яшади. Лекин уруш арафасида Петербурга бориб, у ердан ёш хотин билан келди. Бу воқеани Уфада яхши билишарди, аммо Жигулев бунгача Варвара Петровна деб аталган ёш бекани кўрмаган эди.

— Қачон тугатмоқчисизлар ўзи?— қистовга оларди Варвара Петровна.

«Жуда эгов экан-ку»,— оғриниб хаёлидан ўтказди Жигулев, аммо эшиттириб шундай деди:

— Яна икки соатча уннасак керак. Ахир сим ёпиқ-ку, унинг схемаси сизда йўқ экан.

Бека юбкасини шилдиратиб кетди, Жигулев эса ҳамон сим билан овора эди. Бирдан унинг хаёлига яна бошқа бирон жойда қўшимча шчит йўқмикан, деган фикр келиб қолди. Масалан, чордоқда. Бу техник жиҳатдан талабга жавоб бермаса-да, шундай бўлиши ҳам мумкин-ку. У ўз тажрибасида бундан бошқачаларини ҳам кўрган-ку.

Жигулев оқсоч хотиндан ўнг қанот чордоғига қаердан чиқиш йўлини сўраб олгач, Сенька Талмазовга шундай деди:

— Менга қара, йигитча. Сен шу ерда электр ёнишини кузатиб тур. Агар лампочкалар ўчиб қолса, менга қичқирасан. Мен чиқиб тушаман... Бу ерда сен билан кечасигача имирсилаб ўтирамизми!

Чордоқ анча ёруғ ва саранжом-саришта эди. Одатда эски синган мебелни ёқиб юбориш ўрнига, негадир чордоққа чиқариб ташлашарди. Бу ерда ундай эмасди. Томга тўкилган иссиқ тутадиган чиқинди алебастрланганди, унинг устидан тўсинларга тахта қоқилган эди.

Жигулев қурувчиларнинг ишни пишиқ қилганига ҳайрон қолди. «Хўжайиннинг ўзига ўхшаб ҳаммасини ҳисобга олган. Жуда уста экан!» Уй калорифер билан иситилар экан, чордоқда йўгон тўсинлар, трубалар ўрнига фақат вентиляция қутилари бор эди. Шу қутилардан бири ёнида Жигулев предохранителларнинг қўшимча шчитчасини кўрди. Контрол лампа билан икки-уч марта текшириб кўриб, сим шу ерда узилганлигига ишонч ҳосил қилди. Қисқич билан яхши маҳкамланмаган сим учлари ҳар куни қизийвериш куйиб кетган экан. Буни тузатиш қийин эмасди. Жигулев қидириб қанча вақтини беҳуда кетказганига ўзидан хафа ҳам бўлди.

Бирдан у одамларнинг товушини эшитиб қолди, аланглаб қараб пастда гаплашишаётганини фаҳмлади, овозлар вентиляция қутисининг очиқ жойидан эшитилаётган экан. У бировларнинг гапини эшитмаслик учун қути тешигини ёпиб қўймоқчи бўлди, бироқ қандайдир ёш йигитнинг баландпарвоз гапларини эшитиб қолиб, тўхтади...

Уйнинг ўнг қанотига жойлашган кичкина меҳмонхонада поручик Владимир Колмогоров отасига ҳаяжонланиб гапирди.

— Сенга тушунмаяпман, дада. Худо ҳаққи, тушунолмаяман! Нимадан чўчийсан? Уфа шундай мустаҳкамки, қизиллар уни ололмайди.

Паст бўйли, семиз, оқ оралаган калта соқоли ялтираб турган Порфирий Иванович диванда ўтириб, узун ингичка папиросни айлантирар, кулимсираб, такаббурлик билан кичик ўғлига қараб қўяр эди. У элликлардан ошганди, лекин у шу ёшда ўзини сақлаб қолиб, ҳеч ўзгармай, яна узоқ яшайдиган корчалонлар тоифасидан эди.

— Уфа ўн саккизинчи асрнинг иккинчи ярмида Иван Чика раҳбарлигида Пугачёв қўшинларининг тўрт ойлик қамалига бардош берган-ку,— бўш келмасди поручик.

Порфирий Иванович гугурт чақиб чекди.

— Сен, Володя, сибирлик шаҳзода Аблай билан қирғиз хони Назар ва мирза Тавкални ҳам эсласанг бўларди. Улар ўн олтинчи асрда учалови бир бўлиб, Уфани ер юзидан йўқ қилиб юборишга уринган эдилару, ammo ўзлари яксон бўлгандилар.

Шаҳзода Аблай ва мирза Тавкал бўлса бизга асир тушганди. Бу жасорат Олтин китобга ёзиб қўйилган,— деди Порфирий Иванович тутунни пуфлаб.

— Тушунмадим; бизнинг суҳбатимизга бу хон ва мирзаларнинг қанақа алоқаси бор,— деди поручик қизишиб.

— Пугачёвчиларнинг қандай алоқаси бўлса — шундай-да,— жавоб берди отаси.— Сен, Уфа мустаҳкам, уни қизиллар ололмайдди, деяпсан. Менимча, улар шаҳарга тегмайдилар ҳам.

— Буни қандай тушунмоқ керак?

— Жуда оддий. Улар Уфани айланиб ўтишади, ўтишганда ҳам икки ёғидан ўтишади ва бу ерда қанча қўшимча қўшинимиз бўлса, ҳаммасини ўраб олишади. Менимча, улар худди шундай қилишади... Мана, аввалига улар нақ тушмуғингизнинг остидан иккита пароходчамни тортиб олиб, ўнг қирғоққа ўтиб кетди. Бунга қандай йўл қўйилди, ким ўтқазиб юборди, сизга яхшироқ маълум. Аммо энди уларни ҳайдаб чиқараман деб кўринг-чи... Ана шунақа, ўғлим. Сен бўлсанг пугачёвчиларни гапириб юрибсан.

— Барибир эртага шаҳарда қизилларни Оқдарёга улоқтириб юборадилар,— деди дабдаба билан поручик. — Генерал Капель...

— Шошма,— тўхтатди уни отаси. — Глеб келганга ўхшайди. Мен уни кутиб тургандим.

Кўп ўтмай меҳмонхонага шпорларини жиринглатиб капитан Глеб Қолмогоров кириб келди, отаси билан саломлашди. укасига бош ирғаб диванга ўтирди-да, ҳузур қилиб оёқларини узатди.

— Бугун кун бўйи отдан тушмадим,— деди у.— Сизлар ҳали ҳам баҳслашиб ўтирибсизлар. Нимани тортишяпсизлар ўзи?

— Э, Володянг эртага тонг пайтида қизилларни Оқдарёга улоқтираман, деяпти,— деди майин илжайиб Порфирий Иванович.

— Улоқтирамиз ҳам,— деди тўрсиллатиб поручик. У акасига снчковлик билан қаради. — Менимча, буни дадамга айтиш мумкин...

Капитан Глеб Қолмогоров укасидан атиги уч ёш катта эди, лекин кўринишидан унга қирқ ёшлар берса бўларди, баъзан унинг юзи шундай қаримсиқ кўринарди.

— Дадамизга ҳамма нарсани айтиш мумкин, Володя,— илжайиб қўйди капитан,— негаки, у сен билан мендан кўпроқ нарсани билади.

— Гап бундай,— давом этди поручик.— Эртага тонг пайтида иккита офицерлар батальони, зарбдор кўнгилли қисмлар

ва каппелчилар — ҳаммаси бештача полк руҳий хужум бошлайди. Биласизми, колонналар жипслашиб, секин-секин, ўқ чиқармай уйқудаги қизиллар устига бостириб борадилар, даб-дурустдан ёпирилиб, у аблаҳларни чавақлаб, отиб ташлайдилар, саросимага соладилар, улар кетидан очилган жойга эса шимолдан янги кучлар бостириб киради. Улар қизилларнинг қолган қисмларини ўраб олиб, яксон этади.

— Мен ҳам шунга ўхшаш гапни эшитувдим, — эътиборсизлик билан деди Глеб.

Дадаси анча вақт индамай турди.

— Яхши, — деди ниҳоят у, — омадларингни берсин. Лекин менимча, таваккал қилинаётган бу иш жуда хавфли, жуда хавфли. Эсимда, немислар ўн тўртинчи йил урушнинг бошида бизнинг фронтимизда шунга ўхшаш ҳаракат қилган эдилар. Лекин улар учун оқибати ёмон бўлди. Бир қанча полклари пулемётларимиз ўтидан қирилиб кетди... Менга қолса, бу руҳий хужум натижаларини бу жойлардан юз қақиримча нарида билишни афзал кўрардим. Шунда тўғрироқ бўлади... Глеб, конвой нима бўлди?

— Ҳаммаси жойида. Конвой шу ерда, шаҳарда, истаган вақтингда олдинга келади.

— Ишончли конвойми?

— Жуда ҳам. Иванов-Ринов ўзининг шахсий соқчиларидан қўл пулемётлари билан бутун бир отлиқлар взводини берди.

— Шунақа де! Нечун у бунчалик сахийлик қилдийкин?

— Янгидан чиққан атаман Иванов-Риновдан бекорга ҳеч нарса ололмайсан, албатта. Шундай хасиски, нарёғи йўқ!

— Кўп тўлашга тўғри келдими?

— Йўқ, кўп эмас. Сендан угина — мендан бугина. Унинг хоними ўз чайқовчиликлари учун темир йўл транспортидан жуда бемалол фойдаланарди! «Махсус тоифа» ҳарбий литерлар билан сира навбат кутмай, бу ерда бозори чаққон молларни Узоқ шарқдан вагонлаб Омска ва бошқа шаҳарларга жўнатарди.

Капитан столда ётган отасининг портсигарига қўлини чўзиб, ичидан узун ингичка папиросни олди, қўлида айлантириб чекди-да, кулимсираб деди:

— Бу папиросни ҳам ўша келтирган. Ўзи чаканалаб сотмайди албатта. Унинг олибсотарлари жуда кўп. Э, жин урсин ўшани.. Бошқа вақт бўлганда биз Сибирь казакларининг машҳур атамани бундай икир-чикирга эътибор ҳам қилмасди, ўз соқчиларини юборарди, улар биз ушлаб қолган вагонларни тортиб оларди қўярди. У бунақа ишни биринчи марта қилаёт-

гани йўқ-ку. Аммо бу сафар Иванов-Ринов очиқдан-очиқ жанжалга юраги бетламади. У энди мўмай ўлжани ўйлади. У адмиралга сибирлик кўнгилли казаклардан отлиқ корпус тайёрлаб беришни ваъда қилиб, эвазига юз миллион сўм пул, йигирма минг комплект кийим-бош беришни сўради.

— Катта кетипти,— бошини чайқади Порфирий Иванович.

— Иванов-Ринов бошқачасини ҳам қилади. Бироқ ўжар ўжардан қолса — қулогини кесади. Бу планга ҳарбий министр барон Будберг қарши чиқди, у атаманизмни сира ёқтирмайди. Бундай хушкўрмаслик Харбиндан бошланганди. Ушанда Иванов-Ринов генерал Хорватни чирпирак қилишга беҳуда уринганди. Генералнинг ишига барон бевосита аралашган эди... Хуллас, отлиқлар корпуси плани ора йўлда қолди. Шундай пайтда адмиралнинг эътиборини ошқора жанжал билан ўзига қаратиш Иванов-Риновга жуда ноқулай бўларди. Адмирал чайқовчиларга сира тоқати йўқлиги яхши маълум.

— Хўш, сизлар бу ишни қандай уддаладинглар?

— Осонгина бўлди, дада. Вагонларни Иванова-Ринова хонимга қайтариб юбордик, ортиқча жаҳду жадал қилган офицерни айланиб келсин, деб фронтга катта қилиб юбордик, сен эса жуда яхши казак соқчилар взводини олдинг... Қачон жўпаб кетмоқчисан?

— Эртага тонготарда, шаҳарликлар ухлаб ётган вақтда жўнаймиз. Қизиқувчилар камроқ бўлади. Биронтаси дераздан қарайдиган бўлса ҳам, уйку аралаш тушунмайди.

— Бугунги меҳмондорчилик нима бўлади?

— Уни Варвара Петровна бир ҳафта олдин ўйлаб чиқарган эди,— деди дадаси.— Очиғи, мен меҳмонларни таклиф этмоқчи эмасдим, лекин ўйлаб қолдим. Шунда ҳатто яхшироқ ҳам бўлади. Меҳмонлар соат ўн иккиларга бориб тарқайди, соат тўртда эса биз йўлга тушамиз. Паролни билдингми, Глебушка?

— Ҳа, умумқўшиннинг Уфа райони пропускиси — «Москва», жавоби — «мулек». — Капитан френчи ичига қўлини тикиб, ён чўнтагидан дўппайган пакетни олиб, отасига берди.— Ичида сенга кейин керак бўлиб қоладиган пропусқа қоғозлари, керакли одамларга бериладиган бир неча хат бор, қолганлари ўзингнинг ҳам қўлингдан келади.

— Раҳмат, ўғлим. Мана энди ҳаммаси жойида дейиш мумкин.

— Ҳар қалай, нега поезд билан кетмаяпсан?— сўради поручик.— Отларда узоққа етиб ололмайсан!

Дадаси кичик ўғлига такаббурлик билан қараб қўйди:

— Сен Глебдан сўра-чи, кейинги икки ҳафта ичида парти-

занлар нечта поездни ағдариб юборишди. Ана шунда тушунасан нима сабабдан чўл отларни маъқул кўрганимни.

— Ахир темир йўлни иттифоқчилар қўриқлаб турипти-ку!— бўш келмади поручик.

Порфирий Иванович ундан хафа бўлиб қўл силтади. Еш бола билан гапиришиб ўтиришдан нима маъно чиқарди? Глеб эса кулиб юборди.

— Иттифоқчилар, Володкажон,— деди у,— кўпроқ мўйла ва бошқа талаб олинган бойликлари ортилган ўз поездларини сақлаб қолиш ғамидадир. Йўлни қўриқлашга уларнинг вақти бормиди!

— Гап бундай, болалар,— деди Порфирий Иванович.— Эртага тонгда биз жўнаб кетамиз. Сиз у-бу нарсаларни билишингиз керак. Бу уй, заводлар ва ҳамма ҳовли-жойларни ташлаб кетишга тўғри келади. Қиши ачинади, албатта, ammo нима ҳам қилардинг. Яхшики, пул сақланиб қолди. Мен уруш бошланишидан анча олдин пулларни муомаладан олиб, уларни Швейцария банкаларига ўтказиш бошлаган эдим-да. У-буларни сотдим, баъзи нарсаларни гаровга қўйдим ва қайтадан гаровга қўйдим. Хуллас, бу ерда кўп нарсамиз қолаётгани йўқ.

— Сени ҳамма вақт гений ҳисоблаб келганман, дада!— хитоб қилди Глеб.— Молиявий ишларни шундай ими-жимиди қилгансанки, ҳатто мен ҳам ҳеч нарса билмаганман.

— Генийманми, йўқми, қатъи назар — у-буга фаҳмим етади. Сизлар шунинг учун билмагансизки, вақти келмагунча билишингизнинг ҳам кераги йўқ эди. Ўша банкада менинг васиятномам ҳам сақланади. Чўчиманглар, сизларни хафа қилганим йўқ. Ҳеч нарсани ўзим билан олиб кетмайман... Сизлар ҳам бу тўс-тўполондан силлиққина чиқиб олишингиз керак. Бунинг учун мен баъзи ишларни бажариб қўйдим. Екатеринбургга борсам, охирига етказаман. Сизлар ҳарбий-саноат комитети вакиллари бўлиб Харбинга ишга тайинланиш ҳақида қоғоз оласиз. Бу ерда ҳаммаси чиппакка чиқса, сиз ўша ердан Швейцарияга ўтиб кетасиз. Биз Варвара Петровна билан ўша ерда бўламиз. Сен, Володка, Глеб нима деса, гапига қулоқ сол. Гарчи сен Каппелнинг адъютанти бўлсанг ҳам, у сендан кўра кўпроқ билади. Қаҳрамонлик қиламан деб ўйлама. Адмирални сен барибир қутқариб қололмайсан. Унинг куни битган. У чоғи келмайдиган ишга қўл урган. Мужикларни дорга осишу қамчилашлар Николай Икинчини сақлаб қололмади, адмирални эса сира ҳам қутқариб қололмайди. Мужик энди ўзгариб кетган. Аввалгидақа эмас... Қизиллар ер ва сулҳ тўғрисидаги декретлари билан бизни таянчдан маҳрум қилишди. Шунинг учун ҳам армиямизда ғўр ёшлар кўп. Адмирал герман уруши-

да жанг қилган эски солдатлардан ўлғудай қўрқади. Қизиллар эса чўчимайди, уларни биринчи навбатда хизматга чақирди. Мана энди ўйлаб кўр, кимнинг қўшинлари ишончлироқ... Хайр, майли. Энг муҳимини биласизлар, ҳаммасини гапириб тугатиб бўлмайди. Қанн, беканинг олдига борайлик, кўрайликчи, у ерда нима гап экан. Ҳали-замон меҳмонлар кела бошлайди...

Степан Жигулев бу суҳбатнинг охирини эшитмади. Вентиляция қутиси тешигини беркитиб, учи куйган симларни тезда улади-да, пастга тушди.

— Қани, Сеня,— деди у кутиб турган ўспиринга,— кетдик! Сим тўғри бўлди.

Жигулев йўлакда қўққайиб туриш жонига тегиб, зинага чиққан оқсоч хотинга дуч келиб деди:

— Беканга айт, хотиржам бўлсин, энди электр сира ўчмайди.

Дарвоза орқасига ўтганда Сенькадан сўради:

— Қизиллар Турбаслини эгаллади дедингми ҳали? Қайси бирини, Янги Турбаслиними, Эски Турбаслиними? Тортинмасангчи. Боя ҳазиллашганимиз билан кимнинг нима иши бор.

— Дадам қизиллар Эски Турбаслига етиб келишган, деди.

— Шунақами! Хайр, бўлмаса, Сеня. Мен электростанцияга кетдим. Бугун навбатчилик қиламан. У ерда ҳамма нарса саранжом-саришта бўлиб туриши керак...

Аммо Жигулев электростанцияга бормади. Поручик Колмогоровнинг эртага тонг пайтида толиқиб ухлаб ётган қизил аскарларга офицер қисмлари бостириб киради, деган хабари уни ташвишга солган эди. У бу режа қандай амалга ошишини кўз олдига келтирди-ю, Қизил Армия бугун-эрта Уфани эгаллайди деган умиди секин-аста пучга чиқди.

Жигулев коммунист эмасди, сиёсатга ҳам унчалик аралашмасди, бўш вақтининг ҳаммасини балиқ тутиш ва ов билан ўтказарди. Лекин мажлисдан, жуда муҳим мажлисдан кўра тунда балиқ овини афзал кўриш бошқа-ю, мана бу ишга йўл қўйиш бошқа нарса эди. Наҳотки, бу инглиз кийимини кийиб олган, оталаридан мол-мулк ва фабрикалар тортиб олингани учун қутуриб кетган бу нозик бойваччалар эртага тонгда чарчаган, ухлаб ётган қизил аскарларни тикка отиб ташлаб, энли япон найзаларини санчишларига йўл қўйса. Йўқ, бунга у чидаб туrolмайди. Бу қирғиннинг олдини олиш учун у нима қилиши мумкин? Қизил Армия қисмлари қўмондонлигини огоҳлантирсинми? Қандай қилиб? Ким орқали? Шаҳарда коммунистлар

йўқ эди. Уларнинг айримлари совет қўшинлари билан чекинишган, бошқалари, айтишларича, ўрмонларга кириб кетиб, у ерда партизан отрядлари тузишган. У маслаҳатлашадиган одамнинг ўзи йўқ эди.

Степан Жигулев боши қотиб уйга келди. У кекса онаси билан Уфанинг бир чеккасида яшарди. У ихтиёрсиз овқатланди, ўтириб чекди ва бирон йўлини ўйлаб тополмай, эшикка қараб борди.

— Агар кечикиб қоладиган бўлсам, хавотирланма, ойи,— деди у остонадан ўтгач.— Станцияда инлар кўп, монёрлар эса ҳар ёққа кетиб қолишган. Бир ўзим икки кишининг ишини қилишим керак.

У кўчага чиққач, хаёл суриб бир оз турди, папиросини чекиб бўлиб, оёғи билан эзиб ташлади. Қизил аскарларни ўзи огоҳлантириши керак экан. Бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Жигулев шаҳардан ташқарига чиққанда қош қорайиб қолган эди. Қолчакчиларнинг ҳамма постларидан қандай ўтиб кетишни ҳали ўзи ҳам билмасди. Тўғри, у чордоқда шу кеча айтиладиган паролни эшитганди. Рус-герман frontiда уч йил жанг қилган эски солдат эмасми, пароль нималигини-ю, ундан қандай фойдаланиш мумкинлигини яхши биларди, бироқ бу пароль билан қаергача бора олиши мумкинлигини билолмай, боши қотаётган эди. Капитан Глеб Колмогоров бу пароль Уфа районидаги ҳамма қўшинларники деб айтди. Фронтнинг орқа томонига боришда балки шундайдир, ammo фронт чизигидан ўтишда қандай экан? Жигулев шу хаёл билан Эски Турбаслига қараб кетаверди. Унинг бошқа иложи йўқ эди.

У дастлабки застава ва секретлардан қийналмай ўтиб кетди. У уставдагидек шивирлаб пропускани айтар, унга жавоб қилиб, сўнг ўтказиб юборишар эди. Ammo фронтга яқинлашиб қолганда ишқал чиқди. Заставада турган старший унтер-офицер пропускани эшитиб, унга қўлини кўтаришни буюрди, икки солдат Жигулевга қурол ўқталиб турганда чўнтаklarини эпчиллик билан титкилади. Махорка солинган халтача ва милтиқ гильзасидан ясалган зажигалкадан бошқа ҳеч нарса тополмагач, старший унтер-офицер Жигулевни чеккадаги уйга, нарядда диққинафас бўлиб ўтирган офицернинг олдига олиб келди.

— Мана, бегона одамни ушладик, ўртоқ прапорщик,— деди у эринибгина честь бериб. Унтер-офицер эскидан хизмат қиларди, шунинг учун чаласавод гимназиячилардан чиққан янги прапорщикка ҳуши йўқ эди.— Пропускани айтди-ю, лекин менда қандайдир шубҳа туғдирди...

Прапорщик қадини ростлади, оқиш қошларини чимирди,

ғилофини пайпаслаб ёнидан тўппончани олди-да, стол устига қўйди.

— Қани айт-чи, кимсан ўзинг?— сўради у.— Тўғриси айт...

— Жаноби олийлари,— деди Жигулев,— жаноб старший унтер-офицерга айтинг, чиқиб турсинлар.

Прапорщик бир оз иккаланса ҳам, буйруқ берди:

— Хайр, майли, Пахомов, сен зинага чиқиб ўтира тур.

— Энди, жаноб олийлари,— деди Жигулев,— замбарагин-гизни олиб қўйинг. Мен эски солдатман, бундан бошқачасини ҳам кўрганман.

Жигулев бундай дадиллик қаёқдан пайдо бўлаётганини ўзи ҳам билмасди, лекин ўзини худди шундай тутиш кераклигини сезарди.

— Маҳмаданалик қилаверма!— аччиғланди прапорщик.— Айт, кимсан ўзинг?— Лекин барибир тўппончани олиб қўйди.

— Мен паролни биламан,— эътироз билдирди Жигулев,— лекин ким эканлигимни контрразведкадаги капитан Қолмого-ровдан суриштириб олишингиз мумкин.

Прапорщик ҳанг-манг бўлиб қолди. Капитан Қолмогоров бу ерда жуда машҳур эди, лекин унга рўпара бўлишни ҳеч ким хоҳламасди.

— Нима, сен қизилларнинг олдига кетяпсанми?— қизиқси-наётганлигини яшира олмади прапорщик.

— Худди шундай, жаноб олийлари. Айтинг, мени постла-рингиздан ўтказиб юборишсин. Бўлмаса яна биронта бемаъни мени бу ерга судраб юради. Ҳозир ёз — дарров кун ёришиб ке-тади.

— У ёғига қандай борасан?

— Қанақасига бўлса, шунақасига-да, жаноб олийлари. У ёқда осон бўлмайди, лекин начора, хизмат экан. Яна, жаноб олийлари, унтерга айтинг, халтачам билан зажигалкамни қай-тиб берсин. Ҳаммадан ҳам зажигалкамни.

— Ҳаммадан ҳам деганинг нимаси?

— Чунки зажигалкага қараб, мени у ерда баъзилар таниб олишади.

— Зажигалкага қараб?

— Ҳа, ўшанга ва яна ул-булга қараб.

Прапорщикка кўпни кўрганлиги яққол сезилиб турган бу одам буйруққа қарамай уни «жаноби олийлари» деб атаётган-лиги ёқиб қолди. Жигулевнинг унтер-офицерни менсимаётган-лиги ҳам унга хуш келаётганди. Шундай бўлса ҳам у телефон-га қўл чўзди:

— Ҳозир текшириб кўрамиз, рост гапиряпсанми-йўқми.

Прапоршчик контрразведкага ҳақиқатан телефон қилмоқчими ёки ушланган одамга бу қандай таъсир қилишини кузатмоқчими, номаълум эди, лекин ҳар қалай, у дала телефонини бир неча марта бураб кўрди, бироқ натижа чиқмади, гоҳ бригада билан, гоҳ дивизия билан гаплашишаётгани учун линия банд эди. Ниҳоят телефон ҳар иккаласидан бўшаганда кимдир унга генерал шаҳар билан гаплашяпти, прапоршчик ўз вазифасини билсин, ишга халақит бермасин, деб дағдаға қилди.

Довдираб қолган прапоршчик бир неча дақиқа индамай ўтирди-да, сўнг старший унтер-офицерни хонага чақирди ва пичинг аралаш унга деди:

— Хўш, Пахомов! Яна эски солдатман дейсан-а!.. Кимни ушладинг ўзи?

— Билолмадим, жаноб прапоршчик,— қаддини ростлаб ёлдиради унтер.

— У сенга паролни айтдимиз?— ачитиб сўзида давом этди прапоршчик.— Айтдимиз?

— Худди шундай, айтди. Лекин менга шубҳалироқ туюлди...

— Ҳа, тушунарли. Пароль, демак сенга бир пул. Ўзингча иш кўряпсанми? Ўз билганингни қияпсанми? Халтачани ҳам, заживалкани ҳам чўнтагинга урдинг. Қани, столга олиб қўй-чи!..

Терга тушиб, шолғомдай қизариб кетган унтер Жигулевдан олган нарсаларни офицернинг олдига қўйди. Прапоршчик заживалкани қўлга олиб, қизиқиб айлангириб кўрди, унда ҳеч қандай белгини учратолмай, жиддий деди:

— Гап бундай, Пахомов, ўз ҳолингча бу одамни ушладингми, энди уни фронтдан ўзинг ўтказиб қўясан. Ҳамма постларимиз ва секретларимиздан ўтказасан. Хушёр бўл,— прапоршчик бармоғи билан пўписа қилди,— унга пашша ҳам озор бермасин!.. Қалланг билан жавоб берасан...

Жигулев ўйлагандек бу ерда пароль бошқа эди, бироқ старший унтер-офицер Пахомов бошлаб бораётгани учун у ҳамма заставалардан бемалол ўтди, аммо ҳеч кимга қарамайдиган фронт полосасига келиб қолгандагина, энди энг қийини бошланишини англади. Шу пайтгача ҳаммаси осон кўчаётган эди. У ўзидан ҳеч нарсани тўқиб чиқармай келди. Заживалка тўғрисидаги гапни у аллақайси фронтда эшитганди, контрразведка капитани Қолмогоров эса ҳақиқатда бор эди. Энди бўлса у ўзига тегишли бўлса ҳам, ниҳоятда эҳтиёткор жангчилар қўйилган застава ва дзорлардан ўтиши керак эди. Бу жангчилар кўзга кўринган ҳар хил одамдан яхшилик кутишмасди. Ким билсин, нималар бўлиши мумкин! Жигулев яқинроқ бориб гапиргунча биронта ёш, тажрибасиз жангчи уни отиб қўймасми-

кин? У яна ҳозирги вазиятда яшириниб-нетиб юрмай, йўлдан секин дарёнинг бу томонидаги Красний Яр рўпарасида жойлашган Александровка қишлоғига қараб борсам ёки вазиятга қараб — Александровка билан Янги Турбасли ўртасидан юрсам тўғри бўлар, деб ўйларди. Бу ердаги йўллар таниш эди, улардан кўп марта қатнаган... У ёғи бир гап бўлар.

6

Пугачевск полки кечасига юборган секрет қишлоқ йўли яқинидаги бутазорга қош қорайиши билан ётиб олди. Секретда одатдагидай уч киши: икки ёш жангчи ва тинч вақтдаёқ солдатлик хизматини кўрган бир кекса жангчи бор эди, кекса жангчи старший ҳисобланарди. Аммо ярим кечага яқин уларга яна уч киши келиб қўшилди, бу уставда сира кўрсатилмаган эди.

Алоҳида эскадрон командири Богучаров кечқуруноқ Кутяковдан «тил» тутиш, иложи бўлса офицер тутиб келиш тўғрисида топшириқ олган эди. Душман эртага нима қилмоқчи бўлаётганини билиш керак эди. Ўз жангчиларини қўлдан чиқаришни хуш кўрмайдиган Кутяков эскадроннинг Фрунзе ихтиёрига вақтинча ўтказилганлиги учун бир кесатиб қўйди:

— Билмадим, сеникларни юбориш керакмikan. Балки, сизлар Самарада, штабда тўйиб овқат еб, эмакляб юришни ҳам унутиб юборгандирсизлар.

— Балки, Иван Семёнович,— ҳазиллашиб эътироз билдирди Богучаров.— Сизда бу ерда емиш бундан ҳам яхшироқдир. Қишлоқларда солдатларнинг хотинлари тиқилиб ётибди. Сенинг боқувдаги айғирларингни қаймоқ билан сийлашяпти... «Тил»ни эса сенга икки қўллаб тутиб келтириб берамиз.

Шу билан улар тарқалишди...

Богучаров билан икки ҳамроҳи отларни заставалардан бир чақиримча беридаги сойда қолдириб, қиличларни ечиб олишди-да, секретгача оҳиста боришди. Бу ерда ҳеч нарса сезишдими-йўқми, шунини сўраб кўриш керак эди.

Богучаров секретдаги старший билан ётиб, овоз анча узоққа борадиган кунботиш чоғида душман томондан нималар эшитилаётгани, «тил» тутиш учун қайси томонга борса яхшироқ бўлиши ҳақида шивирлашиб гаплашди, иккаловларининг ҳам аксига олиб жуда чеккилари қистаган эди.

Бирдан старшийнинг гапи оғзида қолиб, қулоқ сола бошлади.

— Биров келаётгайга ўхшайди,— шивирлади у ва ерга қапишиб ётди.

— Тўғри,— шивирлаб тасдиқлади Богучаров ҳам.

Улар жим қолишди. Қадам товушлари аниқроқ эшитила бошлади.

Ёш солдатлардан бири милтиққа ёпишди, лекин старший унинг қўлидан тутиб, шундай деди:

— Секретдан ўтказиб юбориб, шовқин солмай тириклайин тутилсин. Ҳеч ким товуш чиқармасин. Балки бу, олдинда келаётгандир...

Қишлоқ йўлидан келаётган йўловчи қанақа қилиб ерда ётганини ўзи ҳам билмай қолди, икки киши қўлидан ушлаб олганди, учинчи солдат унинг оёғида турарди, тўртинчиси эса орқасидан оғзини беркитиб, қулоғига шивирларди:

— Жонингдан умидинг бўлса, товушингни чиқарма!!

Сўнг уни қаёққадир ўрмон ичига олиб кетишди-да, саволлар бера бошлашди:

— Қямсан?

— Қаёққа кетяпсан?

— Нега кечаси юрипсан?

Ушланган одам ўзини электрик ишчи Степан Жигулев деб атади ва тезроқ ўзини бирон катта бошлиқнинг олдига олиб боришларини сўради.

— Бошлиқнинг сенга нима кераги бор?— сўради старший.

— Тонг отганда бу ерда нима юз беришини мен биламан. Тасодифан билиб қолдим...

— Бўлмаса бизга айт, биз текшириб кўрамиз,— деди ишонч билан отлиқлардан бири.

Жигулев унга менсимай разм солди:

— Текширишга ҳали ёшлик қиласан. Ўзим эски солдатман, ким нимани билиши кераклигини биламан.

— Ҳамма гаплари ёлғон!— хитоб қилди ёш жангчи.— Ахир жосус-ку бу. Найзадан ўтказиш керак бу аблаҳни, вассалом.

Богучаров энди аралашиши кераклигини тушунди.

— Қани, шошма-чи,— деди у.— Қуролсиз одам билан урушишга ботирсан-а. Ҳақиқатан ҳам у биз томонга огоҳлантириш учун келаётган бўлса-чи? Сен унга найза санчмоқчисанми? Тентак!..— У шундай деди-ю, Жигулевга қараб сўради:— Масала жиддийми?

— Жуда ҳам жиддий,— тасдиқлади у.— Арзимаган нарса бўлса, шунча йўлни босиб келармидим! То етиб келгунча юз марта ўлиб-тириласан-ку.

— Уни Кутяковга олиб бориш керак,— деди Богучаров.

Секретдаги старший бўлса бошқача фикрда эди:

— Уни команда бўйича полк штабига олиб бориш керак. Уша ерда нима қилиш кераклигини ўзлари ҳал қилишади.

— Сен ҳали уни взвод командирига олиб борарсан. Вақт ярим кечадан ошган бўлса. У сенинг команданг бўйича у ёқдан-бу ёққа бориб қелгунча, берадиган маълумотлари ҳам керак бўлмай қолар,— эътироз билдирди Богучаров ва Жигулевга қатъий оҳангда деди:— Қани, кетдик! Нарироқда отларимиз турипти. Тез етиб борамиз.

Кутяков ўйга толди... У Жигулевнинг гапига ишонарди. Ишонмай ҳам бўлармиди? Уз ҳаётини хавф остида қолдириб, фронт линиясидан ўтиб келган-ку. Агар гаплари нотўғри чиқса ўзига ёмон бўлишини билади. Шундай бўлса ҳам Кутяковни шубҳалар қийнарди. Агар бу қопқон бўлса-чи? Ахир буни Жигулевнинг ўзи ҳам билмаслиги мумкин-ку. Жигулев эшитсин деб Қолмогоров меҳмонхонасида атайлаб шу гапларни гапиришган бўлса-чи, ахир колчакчиларга худди мана шу керак-ку. У шундай деб ўйларди-ю, яна хаёлга борарди: бу уларга нима сабабдан керак бўлдийкин? Аксига олиб, ёнида Чапаев ҳам, Фурманов ҳам йўқлигини қаранг. Чапаевни санитария қисмига ётқишиди, у билан ҳарчанд боғланай деса, безовта қилиш мумкин эмас, деб жавоб беришарди. Фрунзенинг буйруғи шундай. Фурманов бўлса Потапов бригадасида темир йўл кўприги олдида эди. У душман қизилларнинг зарбдор группаси ўзининг орқа томонига ўтаётганлигини сезиб эсанкираган ҳамон Уфага ҳужум қилиши керак эди. Кутяковнинг маслаҳатлашадиган одами йўқ эди.

У яна Жигулевни сўроққа тутди. Қолмогоровларнинг уйига у қандай қилиб бориб қолди? Электростанциядан бошқа бирон кишини юборишлари мумкинмиди? Чордоққа чиққин деб улар айтишмаганмиди? Шундан кейин яна бундай найранг ишлатишлари мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилди. Аммо Жигулев ўзи, ихтиёрий равишда колчакчиларга бирон ёрдам қилиш мақсадида ўлимга боришига Кутяков ишонмасди. Ё ақлдан озган одам, ё вас-вас бўлиб қолган гимназистгина шундай қилиши мумкин.

— Қисқаси, Степан,— деди Кутяков гапни тугатаркан,— биз сенга ишонамиз. Сенга миннатдорчилик билдирмай турман, сабабини ўзинг тушунасан, ёш эмассан. Сенга эрталабгача қоровул қўйиб қўямиз, бунга хафа бўлма ҳам.

— Қоровул қўядиган жойингизда ухласам бўладими?— сўради Жигулев.— Бунгун соат олтилардан бери тин олганим йўқ...

— Ухлаш? Нега бўлмас экан! Ҳозир жой тўғрилаб беришадди,— деди Кутяков, зарбдор группировкада бугун ҳеч ким ухлай олмаса керак, деган фикрни кўнглидан ўтказиб.

Жигулевни олиб кетишгач, Кутяков телефон аппаратини олдига тортиб, зарбдор группа полк командирларини биринкетин телефонга чақриб беришларини сўради.

У эрталабга белгиланган ҳужумни бир соат кечиктиришмоқчи бўлганини уларга айтиши ва қолчакчилар тайёрлаётган ҳужумдан уларни огоҳлантириб қўйиши керак эди.

Тонг хиёл ёришди. Кечаси салқин эди. Қуюқ шабнам ўтлар, бута ва дарахтларнинг баргларини қоплаб, тунда окоп қазиб ётган жангчиларнинг кийим-бошларини ҳўл қилди. Сафларда анчадан бери ухлашмасди. Кутяков қолчакчиларнинг режаси тўғрисида хабар қилгач, полк командирлари шу заҳоти батальон командирларини огоҳлантиришди. Улар рота командирларига маълум қилдилар, шу тарзда бу гап бўлинмаларгача етиб борди. Қисқа июнь тунининг қолган қисми шу билан ўтди.

Пастлик ва бутазорларга туман тушди, бу туман душманга жуда қўл келарди.

Жангчилар ва командирлар секингина аллакимларнинг отаналари, ҳамма азиз-авлиёларни ёд этиб, ерга ёпишганча ногаҳон қаёқдандир пайдо бўлган оппоқ туман орасидан кўзларини йириб-йиртиб олисларга тикилишарди.

— Учу ўттиз,— деди Кутяков соатига қараб. Бу тун у мижжа қоқолмади.— Ҳадемай қуёш кўринади.— У ана шу қуёшдан умид қилаётганди: қуёш мўраладими — туманни тарқатиб юборади.

Бироқ шарқ хиёл қизариши билан оқ туман орасида нимадир қорайиб кўринди. Кейин қўшинларнинг учта колоннаси кўриниб қолди. Улар товуш чиқармай, шовқинсиз оқимдек яқинлашиб келишарди. Улар қора эди, бу оқимлар офицер қисмларининг мундирлари сингари қора эди, улар қилаётган ишлари сингари қора эдилар, улар қўтқариб қолмоқчи бўлган иш — қулликни сақлаб қолиш, одамзод устидан олтиннинг ҳукмронлик қилишини сақлаб қолишдан иборат янглиш иш эди.

Ота-боболари ҳарбий ўтган, жанг тактикаси билан яхши таниш бўлган бу башанг, қорни тўқ авлод командасиз, бошлиқнинг бир қўл ишораси билан қуроолларни шарақлатмай, найзаларни ўқталиб, зич сафланиб, ўлимга маҳкум қилинган Пугачевск полкига қаршн келардилар.

Полк командири Плясунков тишини маҳкам қисиб, дурбиндан кўз узмай кутиб ётарди. У ҳаммадан ҳам биронтаси сабрбардош қилолмай, бемаврид ўқ узиб юборишидан қўрқарди.

Аммо фурсат ўтиб борарди-ю, шошилинч қазилган окопларда писиб ётган жангчилар сира ўзларини сездирмасдилар.

Найзаларини ўқалган душман сафлари сўнгги ҳамла учун окопларга жуда яқин келиб қолганда полк устидан вишиллаб, пақиллаб ракета осмонга кўтарилди. У тик кўтарилмасданоқ аллақачон мўлжалга тўғрилаб қўйилган ўнлаб пулемётлар бирваракайига ўт очди ва қора мундирли кишиларни катта чалғидек қаторма-қатор ерга ётқизаверди. Пулемётлар кетндан уларнинг жон-жаҳди билан тариллашини босиб, милтиқ залплари варанглади.

Душман сафлари саросимага тушиб, тўхтаб қолди. Кейин бирдан тўзиб, шармандали йўлда ўликларини қолдириб, орқага тумтарақай қоча бошлади.

Шу пайт қочиб кетаётганларни очиқ жойга чиқиб олган броневикларнинг пулемётлари қанотдан ўққа тутиб қолди. Лекин кўп ўтмай улар ўққа тутишни тўхтатишга мажбур бўлишди.

Қизил аскарлар бараварига окоплардан кўтарилиб, капелчиларнинг изига тушишди: ва уларни обдан толиққунча бир неча чақиримга қувиб боришди.

Зарбдор группанинг ўнг томонига, темир йўл кўпригининг шундай рўпарасига жойлашган 75-Чапаев бригадаси худди шу фурсатни кутиб турарди.

Бу ердан Уфа кафтагидек кўринарди. Дарё яқинидаги қум босган қияликда камбағалларнинг каталак уйлари қапишиб турарди. Ундан у ёқда черковларнинг заррин гумбазлари, тош мезана, генерал-губернаторнинг уйи, архиерей ҳовлиси, турма, кўм-кўк боғлар ичидаги ҳашаматли уйлар кўзга ташланарди.

Қидирув группаларининг кўприкка ёриб кириш учун қилган дастлабки уринишлари муваффақиятсиз бўлди. Олдиндан мўлжалга олиб турган душман артиллерияси ва пулемёти ўт очиб, йўлатмасди. Бригада икки кечани кечув воситаларини қидириш билан ўтказди. Эртаси кун тонгда темир йўл кўприги даҳшатли гумбураб, учиб кетгач, бригада командири Потапов полк командирларига деди:

— Энди ортиқ кутмаймиз. Кетдик!..

Шу ондаёқ қирғоқ жонланди. Балиқчиларнинг қайиқлари, шошилинч ясалган кичкина соллар, темир йўл будкаларидан олинган эшиклар, қандайдир бочкалар, оқишишга мўлжаллаб қирғоққа ташлаб қўйилган харилар — ҳамма-ҳаммаси ишлатилди, дарёдан ўтиш учун барчаси ярарди...

Артиллерия ўти ҳимоясида қизил аскарлар дуч келган нарсага ўтириб, дарёдан ўтишди, тўхтамай дастлабки окопларга ташланишди, ўқ узиб, найза санчиб, қуролларини ташлаган

асирларни айланиб ўтишди, орқадагилар етиб келсин, деб кутиб, дам олиб ётишди, яна ҳужумга кўтарилишди.

Уларни мудофаа ичкарасидан милтиқ-пулемёт ўқлари билан қарши олишди, лекин бу ўқ овозлари узук-юлуқ эди, гўё ўқ узиб бўлгач, орқаларига қараб қўйишаётгандай эди.

Сўнг отишма бутунлай тинди...

Етмиш бешинчи Чапаев бригадаси шаҳарга кирди.

Кутяков Фрунзенинг кўрсатмасини эслади-ю, Уфага бошқа томондан ёриб кириш вазивасини енгиб, бошқа иккита бригадасини шаҳарни айланиб ўтиш учун бурди ва душманнинг Уфа группировкаси коммуникациялари олдидан чиқди. Унинг Чапаев дивизиясидаги энг яхши 73-бригадаси темир йўлни эгаллаб, колчакчиларнинг чекинишига йўл қўймади.

Душман қисмлари орасида вазива бошланди. Бу вазива кучайиб штабларга, фронт орқасидаги муассасаларга ҳам тарқалди. Ҳамма типирчилаб қолди. Баъзилар қуроолларини ташлаб, итоаткорлик билан асир тушардилар. Бошқалар ҳамон ёриб ўтишга уринишар, бироқ қизил аскарларнинг сафларига дуч келгач, артиллерия ва обозларни ташлаб, орқага чекинардилар, салт бўлиб, яна бу жаҳаннамдан чиқиб олиш йўлини излардилар.

Бу пайтда эса Михаил Васильевич душманни бошқача йўл билан ўраб олишни бошлаётган эди. У 2-дивизияни ўнгдан олдинга бошлаб унга темир йўл ва ҳарбий йўлларни янада ичкарироқдан кесиб қўйишни топширди, 3-отлиқ дивизияни колчакчиларнинг орқа томонига ҳужумга ташлади ва олий ҳукмдор қўшинлари охиригача яксон этиладиган янги маррани белгилади.

1938—1968 йиллар.

МУНДАРИЖА

Биринчи китоб	
Тор-мор қилиш шундай бошланди	3
Исён :	5
Биринчи танишув	75
Воқеалар ва одамлар	123
Армия ишлари :	151
Омск ҳокими :	184
Йўллар ва сўқмоқлар оша	192
Волга чегарасида :	227
Қарши зарба :	284
Учинчи Оренбург пробкаси :	351
Тор-мор қилиш шундай бошланди	363

На ўзбекском языке

Георгий Михайлович Максимов

Полководец

Роман

Перевод с издания издательства «Советская Россия», Москва, 1968

Редактор *С. Раҳимов*

Рисом *Л. Даваџи*

Расмлар редактори *А. Кива*

Техн. редактор *Е. Потапова*

Корректор *Р. Содиқбекова*

ИБ № 992

Босмақонага берилди 22.11.79. Босишга рухсат этилди 08.02.80. Формати 60x84 1/16. Босмақона қоғози № 3. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л 22, 26. Нашр л 26, 32. Тиражи 60000. Заказ № 1289. Баҳоси 1с. 80т. Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.